

А. МУХАММАДЖОНОВ

\*  
ҚҲЙИ  
ЗАРАФШОН  
ВОДИЙСИНИНГ  
СУҒОРИЛИШ  
ТАРИХИ  
\*

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ

ҚУЙИ ЗАРАФШОН  
ВОДИЙСИНИНГ  
СУҒОРИЛИШ ТАРИХИ

(Қадимги даврдан то XX аср бошларигача)

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1972

Ушбу асар қуйи Зарафшон воҳасида қадим замонлардан то XX асргача бўлган суғориш ва суғориш техникасининг ривожланиши ҳамда қадимда воҳада суғорилган ерлар ўрнини аниқлаш тарихига бағишланган.

Китоб тарихшуносларга, археолог ва ирригаторларга, Олий ва махсус ўрта таълим юртларининг тарих фани ўқитувчи ҳамда талабаларига, Ўзбекистоннинг ўтмиши билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

### М а с ъ у л м у ҳ а р р и р

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, проф. Я. Ф. ФУЛОМОВ.

## КИРИШ

Сугорма Шарқнинг барча катта-кичик дарё ҳавзаларида бўлганидек, Урта Осиёнинг Марказий қисмига жойлашган Зарафшон водийсида ҳам қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши сугориш тармоқлари, шунингдек, сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Илмий коммунизмнинг асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс Шарқ мамлакатларининг ижтимоий, ва иқтисодий тараққиётида ирригациянинг аҳамияти ҳамда унинг қадимги Шарқ маданиятига кўрсатган таъсири тўғрисида ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаб ўтган эдилар. Жумладан, Карл Маркс Шарқ деҳқончилигига баҳо бериб: «Иқлим шароити ва тупроқ хусусияти, ...каналлар ва ирригация иншоотлари ёрдами билан сунъий суратда сугориш системасини Шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйди»<sup>1</sup>, деб ёзади. Мана шунинг учун ҳам К. Маркс сув иншоотлари «Осиё мамлакатларида ҳар қаердан кўра зарурроқдир...»<sup>2</sup>, — деб таъкидлаб ўтган эди. Сугориш тармоқлари ва иншоотларини қуриш ҳамда уларни тартибда сақлаб туриш эса Осиёда ҳамма вақт марказий ҳукуматнинг гамхўрлигини талаб этган. К. Маркс ва Ф. Энгельс Осиёда деҳқончилик ва ирригация хўжалигини ташкил этишда марказий ҳукуматнинг роли ҳақида гапириб: «Европада ҳосил об-ҳавонинг яхши-ёмон бўлишига боғлиқ бўлса, Осиёда ҳукуматнинг яхши-ёмон бўлишига боғлиқ эди»<sup>3</sup>, — деб ёзган эдилар.

Шунинг учун ҳам Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида Эрон ва Ҳиндистонда бирин-кетин пайдо бўлиб тараққий қилган, сўнгра эса ҳалок бўлиб кетган қанча истибдод ҳокимиятлари бўлган бўлса, уларнинг ҳар бири даставвал дарё водийларини сугориш ишида

---

<sup>1</sup> К. Маркс, Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги. К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I том, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 343-бет.

<sup>2</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс, Сочинения, т. 12, изд. второе, М., Госполитиздат, 1958, стр. 531—532.

<sup>3</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I том, 343-бет.

умумий соҳибкор эканини яхши тушунган, чунки бу ерлар суғорил-  
маса, деҳқончилик қилиш ҳам мумкин эмас эди»<sup>4</sup>, — деб ёзади.

В. И. Ленин Совет Шарқининг иқтисодий тараққиёти учун ир-  
ригациянинг аҳамиятига айниқса юқори баҳо беради. В. И. Ленин  
Совет Шарқи учун ирригациянинг моҳиятига тўхталиб, «Суғориш  
ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ  
ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, со-  
циализмга ўтишни мустақкамлайди»<sup>5</sup>, — деб башорат қилган эди.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ Ўрта  
Осиё республикаларида ирригация ишларини ривожлантиришга  
алоҳида эътибор берди. Жумладан, 1918 йил 17 майда В. И. Ленин-  
нинг имзоси билан Халқ Комиссарлар Советининг «Туркистонда  
суғориш ишлари ва уларни ташкил этиш учун 50 миллион сўм маб-  
лағ ажратиш ҳақида»<sup>6</sup> тарихий декрет эълон қилинди.

Мамлакатимизда социалистик хўжаликнинг турли тармоқлари  
интенсив равишда ривожланаётган ҳозирги вақтда ирригациянинг  
моҳияти ўтмишнинг ҳамма даврларига қараганда яна ҳам ошди.  
Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини тез  
суръатлар билан ривожлантириш учун ирригация ишларига катта  
аҳамият бермоқда.

КПСС Программасида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг  
қишлоқ хўжалигини интенсификация қилиш ва ирригация қури-  
лишларини кенгайтириш тўғрисида қабул қилган бир қанча мах-  
сус қарорларида ирригацияни ривожлантириш ва мамлакатимиз-  
нинг турли областларидаги сувсиз қўриқ ва дашт ерларга сув  
чиқариб, янги ерларни ўзлаштиришнинг улуғвор вазифалари  
белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1970) Пленуми ҳамда  
КПСС XXIV съездида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва СССРнинг Европа  
қисмида янги ерларни суғориш ва ирригация қурилишларининг  
1971-1975 йилларга мўлжалланган перспектив плани ишлаб чиқил-  
ди. Планга мувофиқ биргина Ўрта Осиёда, асосан Қарши ва  
Шеробод чўлларида, Қорақум канали зонасида ва Фарғона водий-  
сида суғориш ишларини тезлаштириш ва Мирзачўлда ирригация  
қурилишларини тугаллаш ҳисобига пахтачилик учун 650 минг  
гектар янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш  
кўзда тутилади<sup>7</sup>. Бундай улуғвор вазифаларни бажариш учун  
илмий муассасалар ва хўжалик ташкилотлари Ўрта Осиёнинг  
Амударё, Сирдарё, Сурхондарё ва Зарафшон каби дарё ҳавза-  
ларида амалга ошириладиган янги, улкан ирригация қурилиш-  
ларини бошлаб юбордилар.

<sup>4</sup> Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, Тошкент, Ўздавнашр, 1957, 226-бет.

<sup>5</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 32-том, Тошкент, Ўздавнашр, 1953, 353-бет.

<sup>6</sup> В. И. Ленин, Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида, Тошкент, Ўздав-  
нашр, 1960, 435-бет.

<sup>7</sup> КПСС XXIV съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти,  
1971, 295-бет.

Ўрта Осиё чўлларига сув чиқариш ва бу ерларни суғориш лойиҳаларининг тузилиши муносабати билан ирригация тарихини ўрганиш йил сайин ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда тарих фанининг муҳим проблемаларини «...коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаган ҳолда ишлаб чиқиш»<sup>8</sup> ва ижтимоий фанлар «...қилган тавсияларни практикага жорий қилиш ҳам табиий фанларнинг ютуқларидан моддий ишлаб чиқаришда ва халқнинг маънавий ҳаётини ривожлантиришда фойдаланиш каби муҳим роль ўйнайди»<sup>9</sup>, —деб ижтимоий фанларнинг илмий ютуқларига партияimiz томонидан юқори баҳо берилиши Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи масалаларини, ирригация техникаси бўйича асрлар мобайнида тўпланган бой халқ тажрибаларини ўрганишнинг амалий аҳамиятини янада ошириб юборди. Бу, шубҳасиз, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи, айниқса, унинг катта-кичик дарё водийларида кейинги йилларда аниқланган қадимги суғорилган ерларда археологик текширишлар олиб бораётган тарихчи-археологларни янги ерларни ўзлаштиришда бундан буён ҳам амалий таклифлар билан актив иштирок этишга даъват этади.

Тарихшунос В. В. Бартольд «Туркистоннинг келажаги ва унинг ўтмиш излари» номли мақоласида қадимда суғорилган ва кейинчалик сувсизликдан даштга айланган ерларни янгидан ўзлаштиришнинг кўпгина масалалари «...ўша жойнинг ўзида ўтказиладиган батафсил текширишлар орқали ечилиши мумкин ва бундай текширишларда техник-ирригаторларнинг иштироки қанчалик зарур бўлса, Туркистон тарихининг умумий йўналиши ва унинг ўтмиш ёдгорликлари билан бирмунча таниш бўлган археологнинг иштироки ҳам шунчалик лозимдир»<sup>10</sup>, —деб ёзганидек, археологларимиз ҳозирги вақтда ирригация тарихи масалаларини ечиш билан боғлиқ бўлган бевосита илмий тадқиқотлардан ташқари, Ўрта Осиёнинг Амударё, Сирдарё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёси водийларидаги қадимги суғорилган ерларнинг катта-катта майдонларидан янги ерларни очишда фойдаланиш масаласини таклиф қилиб, замонамизнинг йирик ирригация қурилишларини амалга оширишда маълум даражада ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бу масалада СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, проф. С. П. Толстов раҳбарлигида Амударё ва Сирдарё этакларида кўп йиллардан бери кенг қўламда археологик тадқиқотлар олиб бораётган Хоразм археологик ва этнографик экспедициясининг ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. С. П. Толстовнинг ҳисобига кўра, Ўрта Осиёнинг бу икки азим дарёлари этакларида умумий майдони тахминан 4,5 млн гектардан ошиқроқ қадимги суғорилган ерлар бўлиб, шундан 2,5—2,8 млн гектари Сирдарё ва 1,8 млн гек-

<sup>8</sup> КПСС XXIII съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966, 93—94-бетлар.

<sup>9</sup> КПСС XXIII съездининг материаллари, 94-бет.

<sup>10</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 310.

тардан зиёдроғи Амударё этакларида жойлашган<sup>11</sup>. С. П. Толстовнинг фикрича, агромелиоратив шароити жиҳатидан бу қадимги ер майдонлари қайтадан деҳқончилик қилиш учун яроқли бўлиб, уларни деярли катта капитал маблағлар сарфламасдан ўзлаштириш мумкин<sup>12</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг Я. Ғ. Ғуломов бошлиқ Моҳондарё археологик отряди томонидан ҳам Зарафшон дарёси ва Қашқадарёнинг қуйи оқимларида умумий майдони қарийб 600 минг гектар қадимги суғорилган ва сув чиққан ерларнинг борлиги аниқланди<sup>13</sup>. Бу ерларнинг тахминан 100—120 минг гектари Бухоро воҳасининг ғарбий қисмига ёндашган бўлиб, Аму—Бухоро каналининг иккинчи навбат қурилиши амалга ошиши билан жуда тез вақт ичида сув чиқарилиб, улар қайта ўзлаштирилиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёси этакларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимги суғорилган ерларнинг катта-катта ер массивлари аниқланди. Қачонлардир сув чиқарилиб, обод этилган бу қадимги суғорилган ерларнинг ирригация тарихини ўрганиш ҳозирги кунда совет тарихшунослиги фанида ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этган энг актуал масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда ирригация қурилишларнинг йил сайин тобора кенгайиб бориши шубҳасиз тарихчилар, айниқса, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган археологлар олдига Совет Шарқининг ирригация тарихини ёритиш ҳамда халқимизнинг суғориш соҳасида асрлар давомида тўплаган жуда бой тажрибасини умумлаштиришдек, ғоят муҳим ва шарафли вазифани кўндаланг қилиб қўйди.

Ирригация тарихини ўрганиш масаласига қисман бўлса-да, тўхтамоқчи эканмиз, аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига, айниқса, қадимги деҳқончилик маданиятининг марказларидан ҳисобланган бу районда суғорма деҳқончилиكنинг пайдо бўлиши ва ирригация техникасининг тараққиёти тарихига бағишланган монографик асарлар то ҳозирги вақтгача деярли кам яратилган. Чунки Ўрта Осиёнинг қадимги

---

<sup>11</sup> С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., Изд-во Восточной литературы, 1962, стр. 320—321; Яна қаранг: С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964, 429-бет.

<sup>12</sup> С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, стр. 320—321; Яна қаранг: С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 436-бет.

<sup>13</sup> Я. Г. Гулямов, Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана, История материальной культуры Узбекистана, вып. 6, Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1965, стр. 17—21; Яна қаранг: Я. Г. Гулямов, У. Исламов, А. Аскарлов, Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 9—20; Яна қаранг: Я. Г. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования, М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 63—74.

давр ирригацияси тарихини ўрганиш учун асосий манба ҳисобланган узоқ ўтмишнинг сув иншоотлари ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари ҳозирги деҳқончилик воҳаларида деярли сақланмаган. Гарчи бундай археологик ёдгорликлар фақат қадимги суғорилган ерларнинг бағридагина маълум даражада сақланиб қолган бўлса-да, бироқ уларни топиб ўрганиш эса Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик воҳаларида кенг кўламда археологик, геоморфологик ва картографик тадқиқот ўтказиш билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган бундай тадқиқотлар эса фақат 30-йилларнинг охирларидагина бошланган эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига бағишланган дастлабки асарлар деярли тарихий манбалар асосида ёзилиб, уларда кўпроқ ўрта аср ирригацияси устида сўз юритилади.

Бу борада Улуғ Октябрь революциясига қадар яратилган энг катта ва ягона асар В. В. Бартольднинг «Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир» номли китобидир<sup>14</sup>. В. В. Бартольднинг бу монографияси араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган тарихий ва географик манбалардан тўпланган бой фактик маълумотлар асосида ёзилган капитал асардир. Бу асар, шубҳасиз, ўз даврида рус шарқшунослиги фанига қўшилган катта илмий ҳисса бўлган. Бироқ В. В. Бартольднинг Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига бағишланган бу асарига баҳо берганда шунини айтиб ўтиш кераки, унда ирригация масалалари мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тарихи билан боғлаб берилмаган. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик воҳаларининг суғорилиш тарихига оид жуда бой фактик маълумотлардан асарда тегишли тарихий умумлаштиришлар қилинмаган. Шу билан бирга, асарда Ўрта Осиёда суғоришнинг энг асосий воситаси бўлган ирригация техникаси масаласи муаллиф тадқиқотларидан четда қолган. Бу ҳақда В. В. Бартольднинг ўзи ҳам «...махсус гидротехника билимини талаб этадиган масалаларга тегмадик»<sup>15</sup>,— деб асар муқаддимасида қайд қилиб ўтади. Ҳолбуки, В. В. Бартольднинг мазкур асари ёзилган даврда Ўрта Осиёнинг ирригация техникаси ҳали ўзининг ўрта аср қиёфасини яхши сақлаб қолган эди. Уша вақтларда қисман бўлса-да, уни тадқиқ қилиш билан, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи масалаларига анча-мунча ойдинлик киритиш мумкин эди. Шубҳасиз, кейинчалик В. В. Бартольд ўзининг «Туркистоннинг келажаги ва унинг ўтмиш излари» номли мақоласида қайд қилиб ўтганидек, унинг бу асари суғориш тарихига бағишланган дастлабки илмий тадқиқот бўлганлиги сабабли, ёзма манбалардаги (айниқса, вақф ҳужжатларидаги) маълумотларни тўла қамраб, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи билан боғлиқ бўлган барча ма-

<sup>14</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 95—231.

<sup>15</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. III, стр. 98.



салаларни ёритиб бера олмас эди<sup>16</sup>. Шунинг учун ҳам В. В. Бартольд ўзининг бу асарини «Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир» деб номлаган эди. Бироқ юқорида қайд этилган камчиликлардан қатъи назар, В. В. Бартольднинг бу асари Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги суғорилиш тарихига оид қимматли маълуматларнинг мажмуаси сифатида ҳозиргача ўзининг илмий қимматини сақлаб келмоқда.

Совет археология фанининг тараққиёти Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихи проблемалари билан бир қаторда, ўлкани ирригация жиҳатдан ўзлаштириш тарихи масалаларини ёритишда тадқиқотчилар учун катта имконият очиб берди. Совет даврида кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли Ўрта Осиёнинг қадимги воҳаларидан ҳисобланган Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент областларида, Фарғона ҳамда Сурхондарё водийларида Ўрта Осиё халқлари тарихининг турли босқичларига оид жуда бой моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди.

Ўрта Осиёнинг йирик дарё ҳавзаларини археологик жиҳатдан кенг кўламда ўрганиш ва Ўрта Осиё халқларининг ўзоқ ўтмишдан қолган тарихий обидаларини топиб илмий асосда уларни ҳар томонлама чуқур текшириш ишига 1930-1934 йилларда Б. А. Латинин, 1934 ва 1939 йилларда А. Ю. Якубовский бошлиқ Зарафшон, 1936-1938 йилларда М. Е. Массон раҳбарлигидаги Термиз, 1937-1939 ва 1947-1954 йилларда В. А. Шишкин бошлиқ Варахша, 1937 йилдан бери мунтазам ишлаб келаётган С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм, 1950-1970 йилларда Я. Ф. Ғуломов бошлиқ Мохондарё ва бошқа археологик экспедициялар жуда катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга, республикамиздаги мавжуд экин майдонларининг сув таъминотини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида амалга оширилган ирригация қурилишлари: Катта Фарғона, Шимолий Тошкент каналлари, Каттақўрғон, Чимқўрғон, Жанубий Сурхон, Туябўғиз сув омборлари, Чорвоқ ГЭСи зоналарида ҳамда Аму—Бухоро, Аму—Қарши ва Марказий Фарғона каналлари трассаларида олиб борилган археологик кузатиш ва қазииш ишлари натижасида, Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданиятига оид жуда бой археологик материаллар қўлга киритилди. Археологик ёдгорликларни кенг кўламда ва мунтазам равишда ўрганиш Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихи масалалари билан бир қаторда, Ўрта Осиёнинг катта-кичик дарё ҳавзаларида деҳқончилик маданиятининг мужудга келиши ва унинг асоси бўлган суғоришнинг пайдо бўлиши ҳамда ирригациянинг тараққиёт тарихи билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларга ойдинлик киритилди.

Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи масалаларини ўрганишда совет археолог олимларидан Д. Д. Букинич, С. П. Толстов, Я. Ф. Ғуломов, Б. А. Латинин, В. А. Шишкин, Б. В. Андрианов ва

<sup>16</sup> Уша асар, 309-бет.

бошқаларнинг хизмати, айниқса катта бўлди. Улар жуда бой ва турли-туман археологик ҳамда тарихий маълумотларни умумлаштириб, Ўрта Осиёнинг у ёки бу дарё водийларининг суғорилиш тарихига оид қимматли асарлар яратдилар. Бу асарлар шубҳасиз, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср ирригацияси тарихшунослигининг асосий қисмини ташкил этади. Совет даврида Ўрта Осиёнинг ирригацияси тарихи бўйича илк бор қалам юргизган тадқиқотчилардан бири инженер-ирригатор ва археолог Д. Д. Букинич бўлди. Д. Д. Букинич Копетдоғ тоғолди районларининг гидрографияси ва қадимги деҳқончилик маданиятига мансуб Анов типига археологик ёдгорликларни ўрганиш асосида Жанубий Туркманистонда ибтидий деҳқончилик ва сунъий суғоришнинг келиб чиқиш жараёнининг аниқ манзарасини илмий асосда тасвирлаб берди. Суғоришнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги Д. Д. Букиничнинг фикр ва мулоҳазалари унинг кейинги археологик тадқиқотларида тўла тасдиқланди ва ривожлантирилди<sup>17</sup>.

Б. А. Латинининг тадқиқотлари туфайли Фарғона водийсида деҳқончилик ва ирригациянинг келиб чиқиши масалалари ўрганилиб, фанда уларга бирмунча аниқлик киритилди. Б. А. Латинин қадимги Фарғонанинг ирригация тарихи ва деҳқончилик маданиятининг хронологияси масалаларига бағишланган бир қатор илмий мақолаларида тоғ сойлари этакларида тошқин сувлардан ҳосил бўлган лойқа ва уларнинг чеккаларидаги қайрлардан пайдо бўлган ибтидий деҳқончилик, тошқинларни атроф ерларга секин-аста тараш билан майда суғориш тармоқларининг вужудга келиши ва сунъий суғоришга ўтиш, ниҳоят, бош тўғонлар воситаси билан таъминланувчи кўп шохобли елпигичсимон суғориш системаларининг ҳамда магистрал каналларнинг барпо этилиши масалаларини қадимги Фарғонанинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда талқин этади<sup>18</sup>.

С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик ва этнографик экспедициясининг кўп йиллардан бери кенг кўламда олиб бор-

---

<sup>17</sup> Д. Д. Букинич, История первобытного орошаемого земледелия в Закаспийской области в связи с вопросами о происхождении земледелия и скотоводства, Журн. «Хлопковое дело», № 3—4, 1924, стр. 92—135; Д. Д. Букинич, Краткие предварительные соображения о водоснабжении и ирригации Старого Термеза и его района, «Труды АН УзССР», сер. I, история, археология, вып. 2, Ташкент, 1940; Д. Д. Букинич, Каналы древнего Термеза, «Труды АН УзССР», т. II, сер. I, Ташкент, 1945.

<sup>18</sup> Б. А. Латынин, К вопросу об истории ирригации, Сб., «АН СССР академику Н. Я. Марру», М.—Л., 1935, стр. 697—708; Б. А. Латынин, Вопросы истории ирригации древней Ферганы, Краткие сообщения Института истории материальной культуры, вып. 64, М., 1956, стр. 15—26; Б. А. Латынин, Вопросы ирригации древней Ферганы, Краткие сообщения Института этнографии АН СССР, вып. XXIV, М., 1957, стр. 12—15 и таблица; Б. А. Латынин, Некоторые вопросы методики изучения истории ирригации Средней Азии, Советская археология, № 3, 1959, стр. 19—27; Б. А. Латынин, Вопросы хронологии земледельческих культур древней Ферганы, Исследования по археологии СССР, Сборник ЛГУ в честь проф. М. И. Артамонова, Л., 1961, стр. 111—119; Б. А. Ла-

ган тадқиқотлари туфайли Хоразм воҳаси археологик жиҳатдан жуда яхши ўрганилди. Хоразм экспедицияси томонидан тўпланган жуда бой археологик, этнографик ва тарихий материаллар С. П. Толстов, Я. Ф. Ғуломов, Б. В. Андрианов ва экспедициянинг бошқа аъзоларига Ўрта Осиёнинг Аму ва Сирдек икки азим дарёларининг қуйи оқимларида яшаган қадимги халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи ва уларнинг яратган юксак деҳқончилик маданиятини ёритиш билан бир қаторда, бу қадимги деҳқончилик воҳасининг суғорилиб обод этилиш тарихи проблемаларини ҳам ҳар томонлама чуқур ва муфассал талқин этиш имконини берди.

С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» ҳамда «Окс ва Яксартнинг қадимги дельталари бўйлаб» номли монографик асарларининг нашр этилиши<sup>19</sup> илмий дунёни Қадимги Хоразм маданияти ва унинг тараққиёт йўллари, шу билан бирга, Хоразм воҳасининг ирригация жиҳатидан ўзлаштирилишининг тарихий динамикаси билан таништирди. Хоразмнинг суғорилиш тарихи масалалари С. П. Толстовнинг йирик асарларидан ташқари, бир қанча махсус илмий мақолаларида<sup>20</sup> ҳам талқин этилиб, уларда Амударё ва Сирдарё этакларига қадимги суғорилган ерларнинг обод этилган даврлари ҳамда сувсизликдан қуриб қолиш сабаблари ва бундай улкан ер массивларини қайта ўзлаштириш имкониятлари тўғрисида илмий ва амалий фикр ва мулоҳазалар олға сурилди. С. П. Толстов кўпчилик тадқиқотчиларга, хусусан чет эллик Э. Хентингтондан бошлаб Д. Стюард ва П. Бейкергача қарама-қарши ўлароқ, сунъий суғоришнинг инқироз-

---

тынин, Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы (Обобщающий доклад по работам, представленным как диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук), Л., 1962, стр. 1—30.

<sup>19</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, Опыт историко-археологического исследования, М., изд. МГУ, 1948; С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1948; С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., Изд-во Восточной литературы, 1962, С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1964.

<sup>20</sup> С. П. Толстов, Приаральские скифы и Хорезм (к истории заселения и освоения древней дельты Сыр-Дарьи), «Советская этнография», № 4, 1961; С. П. Толстов, Древняя ирригационная сеть и перспективы современного орошения (По исследованию древней дельты Сыр-Дарьи), «Вестник АН СССР», № 11, 1961, стр. 59—66; С. П. Толстов, О землях древнего орошения в низовьях Аму-Дарьи и Сыр-Дарьи и возможности их освоения в современных условиях, «Общественные науки в Узбекистане», № 8, 1961, стр. 3—10; С. П. Толстов, Результаты историко-археологических исследований 1961 г. на древних руслах Сыр-Дарьи (в связи с проблемой их освоения), «Советская археология» № 4, 1962, стр. 124—148; С. П. Толстов, Об использовании данных исторических наук для практики народного хозяйства, в кн. Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования, М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 9—21; С. П. Толстов, Б. В. Андрианов, Новые материалы по истории развития ирригации в Хорезме, Краткие сообщения Института этнографии АН СССР, т. XXVI, 1957, стр. 5—11; С. П. Толстов, Б. В. Андрианов, Земли древнего орошения в Приаралье, «Гидротехника и мелиорация», № 1, 1969 и др.

га юз тутишини қум босиши, иқлим ва дарёлар оқимининг ўзгариши, ерларнинг шўрхокланиши сингари турли-туман табиий омилларга эмас, балки ижтимоий омилларга боғлаб кўрсатди ва ўз фикрини илмий жиҳатдан асослаб берди<sup>21</sup>. С. П. Толстовнинг ёзишича, Хоразм, қўйи Зарафшон, Сурхондарё ва Фарғонадаги гуллаб-яшнаган қадимги воҳаларнинг ҳувиллаб қолишига аввало феодал тарқоқликнинг кучайиши, феодаллар ўртасидаги ўзаро курашлар ва вайронгарчилик келтирувчи урушлар сабаб бўлган. «Жамият таназзул даврларини бошидан кечирган бир вақтда табиий омиллар (суғориш каналларининг қуриб қолиши, тошқин ва селлар-



Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари (Қоровултепа атрофи)

нинг тўғон ва дамбаларни ювиб кетиши, қум босиши, экин экиладиган ерларнинг шўрхокланиши ва шунга ўхшаш офатлар),—деб ёзди С. П. Толстов,—маданий ерларнинг харобага айланиши жараёни кучайтирди ва деҳқон аҳлининг кўчиб кетишига сабаб бўлди. Суғоришнинг гуркираб ўсиш даврлари эса ирригация хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим шarti — сиёсий жиҳатдан марказлашув даврига тўғри келади»<sup>22</sup>.

Бир неча марталаб ўзлаштирилган қадимги суғорилган ерларнинг кўп асрлик деҳқончилик тажрибаси, шунингдек, совет даврида кенг қўламда бўлмаса ҳам бу ерларни ўзлаштиришдан тўпланган тажриба ҳамда бу қадимги деҳқончилик воҳаси бўйлаб ўтказилган геоморфологик ва тупроқшунослик тадқиқотларига суяниб С. П. Толстов Амударё ва Сирдарё этакларидаги тахминан 4,5 миллион гектар қадимги суғорилган ерларнинг асосий қисми ҳозирги вақтда

<sup>21</sup> С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 434-бет; Яна қаранг: Ўша автор, Об использовании данных исторических наук для практики народного хозяйства, стр. 12—13.

<sup>22</sup> С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 435-бет.

ҳам ўз унумдорлигини йўқотмаганлигини ва дастлабки йиллардаёқ юқори ҳосил беришини таъкидлаб, уларни кенг кўламда ўзлаштириш масаласини кўтаради<sup>23</sup>. С. П. Толстов қадимги суғорилган ерларнинг Сирдарё этакларидаги жами 2,5—2,8 миллион гектар майдонни эгаллаб ётган энг катта массивини қайта ўзлаштириш масаласини кўтариб чиқар экан, бу массивга сув чиқаришда қадимда суғориш системаларини сув билан таъминлаган Жонидарё ва Қувондарёнинг эски ўзанларидан фойдаланишни тавсия этади<sup>24</sup>. Шунингдек, С. П. Толстов XIX асрнинг ажойиб рус табиатшуноси Н. А. Северцовнинг Сирдарё ва Амударё дельталарини бирлаштириш тўғрисидаги ғоясини ривожлантириб, Орол кўлидан шарқда жойлашган 2 миллион гектар майдонда шоликорлик районини барпо этишни таклиф этади<sup>25</sup>. Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Урта Осиёнинг сувсиз даштлик ерларига ташлаш тўғрисидаги режаларнинг тузилиши муносабати билан С. П. Толстовнинг қадимги суғорилган ерларни қайта ўзлаштириш ҳақидаги таклифларининг амалга ошиши йил сайин реал тус олиб, уларнинг аҳамияти ҳам тобора ошиб боради.

Хоразмнинг ирригация тарихи Я. Ф. Гуломовнинг илмий тадқиқотларида айниқса ҳар томонлама чуқур ва муфассал ёритилган. Суғориш тарихи масалаларига бағишланган асарлар<sup>26</sup> орасида Я. Ф. Гуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи»<sup>27</sup> номли монографияси ирригация проблемаларининг қўйилиши ва турли хилдаги манбалардан келтирилган бой фактик маълумотлар асосида уларнинг тўла ва батафсил таҳлил этилиши жиҳатидан алоҳида ўрин тутди. Сунъий суғоришнинг келиб чиқишидан бошлаб то бизнинг замонамизгача бўлган жуда кенг даврни ўз ичига олган Я. Ф. Гуломовнинг бу асари кўп йиллик археологик текширишлар, ёзма манбалар ва этнографик маълумотлар асосида ёзилиб, унда автор Хоразмнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, унинг суғорилиши тарихи динамикасини даврмадавр талқин этади.

<sup>23</sup> С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, стр. 320.

<sup>24</sup> С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 436-бет. *Яна қаранг:* Уша автор, По древним дельтам Окса и Яксарта, стр. 321.

<sup>25</sup> С. П. Толстов, Об использовании данных исторических наук для практики народного хозяйства, стр. 19.

<sup>26</sup> Я. Г. Гулямов, Из истории орошения в Каракалпакии, Бюллетень АН УзССР, 1945, № 9—10; Уша автор, К возникновению ирригации в Хорезме в свете данных археологии, Сборник материалов научной сессии АН УзССР, Ташкент, 1948; Уша автор, Бируни об исторической географии низовьев Аму-Дарьи, Сборник «Бируни — великий ученый средневековья», Ташкент, 1950; Из истории ирригационной практики народов Средней Азии, Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1953.

<sup>27</sup> Я. Г. Гулямов, История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957; Уша автор, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадимги замоналардан ҳозиргача, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1959.

Амударё этаклари ҳавзасининг археологик ёдгорликларини синчиклаб текшириш асосида Я. Ғ. Ғуломов дельта ирмоқларининг тошқин сувларидан ҳосил бўлган лиманларда суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши жараёнини тасвирлар экан, тошқинларнинг тасодифий ва беқарорлиги туфайли Хоразмнинг ибтидоий деҳқонлари уларга батамом тобе бўлиб, ҳар фаслда доимо қулай лиманлар қидириб тошқинлар орқасидан кўчиб юришга мажбур бўлганлиги ва деҳқончиликнинг кўчма характерда бўлиши сабабли, Копетдоғ этакларида қайд этилган ўтроқ мустақкам қишлоқларнинг бу ерда вужудга келмаганини жуда тўғри кўрсатади. Я. Ғ. Ғуломов милотдан аввалги I минг йилликнинг иккинчи чорагида Хоразмда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти, йирик қишлоқ ва шаҳарларнинг қад кўтариши ва мустабид подшоҳликларнинг ташкил топиши сунъий суғоришнинг кенгайиб, магистрал каналларга ўтишда ҳал қилувчи омиллардан бўлди деб, жуда ҳаққоний хулосага келади. Мустабид подшоҳликларнинг тузилиши унинг фикрича, йирик суғориш тармоқларининг пайдо бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. «У магистрал каналлар қуришга, дамбалар кўтаришга ва бошқа иншоотларни яратишга фақат уруғ ва қабилаларнигина сафарбар қилмай, қуллардан ҳам бу ишларни бажаришда фойдаланди»<sup>28</sup>,— деб ёзади бу тўғрида автор.

Антик дунё ирригация хўжалигининг энг кенгайган даврини Я. Ғ. Ғуломов кушанлар ҳукмронлигининг гуллаб-яшнаган (милоннинг I—II асрлари) даври билан саналайди<sup>29</sup>. Суғориш тармоқларининг қисқариши Хоразм воҳасида III—IV асрларга ва қайта тикланиши эса V—VI аср бошларига тўғри келган<sup>30</sup>. Ирригациянинг ривожланиши ва тушкунликка юз тутиши масалаларида ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор аҳолиларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг тугган тарихий аҳамияти тўғрисидаги Я. Ғ. Ғуломовнинг фикрлари айниқса диққатга моликдир. «Бу деҳқончилик аҳолиси эса фақат воҳа билан чўл бир-бири билан яқиндан алоқа боғлаб қудратли давлат тузган ҳолдагина ривожлана олган, ирригацияни ривожлантирган, воҳани ҳимоя қилишга қодир бўлган шаҳарлар қура олган»<sup>31</sup>,— деб ёзади автор.

«Хоразмнинг суғорилиш тарихи» китобида воҳанинг ирригация техникаси ва сув хўжалиги масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Унда антик даврнинг кенг ва саёз тошқин магистрал каналларидан, то ўрта асрнинг кўп бошли ирригация системаларигача ҳамда навардлардан бино қилинган тўғонлардан то чиғирларгача Хоразм ирригация техникасининг тарихий тараққиёти батафсил тасвирланади. Я. Ғ. Ғуломов Хоразм воҳаси ирригация хўжалигини тартибли сақлаб туришда ҳашар ишларининг аҳамияти ҳақида тўхтар экан, суғорма Шарқнинг барча мамлакатларида бўлганидек, ўт-

<sup>28</sup> Я. Ғ. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 101-бет.

<sup>29</sup> Уша асар, 103—113-бетлар.

<sup>30</sup> Уша асар, 114—118-бетлар.

<sup>31</sup> Уша асар, 100-бет.

мишда Хоразмда ҳам суғориш иншоотлари ҳукмрон синф қўлида меҳнаткаш деҳқон аҳолисини эксплуатация қилиш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Хоразм тарихида кўпдан-кўп фактлар борки,— деб ёзади Я. Ғ. Ғуломов,— бу фактлар сув тармоқларининг зўрлик қуролига, кучлиларнинг кучсизлар устидан ҳукмронлик қилиш қуролига айланганини кўрсатади»<sup>32</sup>. Хоразмнинг бир неча минг йиллик суғорилиш тарихи Я. Ғ. Ғуломовнинг асарида Улуғ Октябрь революциясидан кейин Амударё ҳавзасида амалга оширилган улкан ирригация қурилишлари ва қадимги суғорилган ерларни қайта ўзлаштириш учун бош-



Қашқадарёнинг Зарафшонга қуйилган қадимги қуруқ ўзани излари (Пайкенднинг жанубида)

ланган дастлабки халқ ҳаракатлари билан якунланади. Урта Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданиятининг марказларидан ҳисобланган Хоразмнинг суғорилиш тарихи тўла ва муфассал ёритилган бу асар Урта Осиёнинг кўпгина бошқа воҳаларида суғоришнинг тараққиёт босқичларини ўрганишда тадқиқотчилар қўлида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

50—60-йилларда Амударё ва Сирдарё этақларида қадимги суғориш системалари қолдиқларини археологик ва топографик жиҳатдан ўрганиш борисида Хоразм экспедициясининг кенг кўламда олиб борган текширишларининг натижалари Б. В. Андриановнинг

<sup>32</sup> Я. Ғ. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 9-бет.

бир қатор илмий тадқиқотларида<sup>33</sup> жуда кенг талқин этилган. Амударё ва Сирдарёнинг қадимги дельталари ҳавзасининг ирригация тармоқлари тараққиётига оид жуда бой археологик ва топографик маълумотлар Б. В. Андриановнинг «Орол бўйининг қадимги суғориш системалари»<sup>34</sup> номли монографиясида умумлаштирилган.

Б. В. Андриановнинг икки қисмдан иборат бу асарининг биринчи қисмида, қадимги ирригацияни ўрганишнинг методлари ҳамда чет тилларда ёзилган адабиётдан олинган жуда бой қиёсий маълумотлар асосида ибтидоий деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва унинг дунёдаги энг қадимги ўчоғлари ҳамда суғорма деҳқончилик тарқалган минтақалари ва ирригациянинг келиб чиқиши масалалари устида батафсил сўз юритилади. Амударёнинг қадимги ўзанлари Оқчадарё ва Сарикамиш дельталари ҳамда қуйи Сирдарёнинг суғориш системалари тараққиёти тарихига бағишланган асарнинг иккинчи қисмида автор археологик, топографик, аэрофотосуратларининг дешифровкаси ва хариталарга тушириш асосида тўпланган фактик ва чизма материалларга суяниб, ибтидоий даврда сунъий суғоришнинг келиб чиқишидан бошлаб, антик дунё, илк ва сўнгги ўрта асрлардан то XIX асргача тўрт ярим минг йиллик давр мубайнида Орол бўйи ирригация системаларининг муттасил ривожланиш эволюциясини кузатади. Амударё этакларида сақланиб қолган қадимги суғориш тармоқларининг излари ҳамда сув иншоотларининг қолдиқларини археологик ва топографик жиҳатдан синчиклаб текшириш билан Б. В. Андрианов Орол бўйи ирригация системалари тарихий тараққиётидаги асосий босқичларни белгилаб, ҳар бир даврда сув боғлаб олиш усуллари, суғориш тармоқларининг конфигурацияси, каналларнинг кесими ва уларнинг суғориш коэффициентининг ўзгариб бориши каби масалаларни бирмабир талқин этади. Масалан, бир неча ўн километрга чўзилган антик даврнинг саёз ва кенг тошқин каналлари ҳаммаси бўлиб ўз ҳавзасидаги ер майдонининг 10—15 процентинигина суғора олган бўлса<sup>35</sup>, ўрта асрларда суғориш тармоқларининг чуқурлашиб ва шо-

<sup>33</sup> Б. В. Андрианов, К вопросу о запусчении земель древнего орошения на Жаны-Дарье, «Известия Всесоюзного географического общества», № 5. Л., 1954; Уша автор, Археолого-топографические исследования древней ирригационной сети канала Чермен-яб, «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции», т. II, М., 1958; Уша автор, Проблемы сельскохозяйственного освоения земель древнего орошения, «Вестник Академии наук СССР», № 7, 1964; Уша автор, Дешифрирование аэрофотоснимков при изучении древних оросительных систем, «Археология и естественные науки», М., 1965; Уша автор, Проблемы происхождения ирригационного земледелия и современные археологические исследования, «История, археология и этнография Средней Азии и Казахстана», М., 1968; Уша автор, Задачи археологов в связи с перспективами освоения земель древнего орошения Средней Азии и Казахстана, в кн. «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., 1959 и др.

<sup>34</sup> Б. В. Андрианов, Древние оросительные системы Приаралья (В связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия), М., Изд-во «Наука», 1969.

<sup>35</sup> С. П. Толстов, Об использовании данных исторических наук для практики народного хозяйства, стр. 14.



хобларининг кўпайиб бориши билан уларнинг фойдали суғориш коэффициенти 30—40 процентга етган<sup>36</sup>.

Амударё ва Сирдарё этаклари суғориш системаларининг тараққиёт тарихига бағишланган бу асар ирригация тарихи масалаларини ўрганишда қўлланилган аэрофотометоди, бой фактик маълумотлари жиҳатидан қанчалик илмий ва методик аҳамиятга эга бўлса, унда келтирилган Орол бўйидаги қадимги суғорилган ерларнинг йирик масштабли хариталари эса янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини тузишда шунчалик амалий аҳамият касб этиши мумкин.

Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикаларининг турли воҳаларида суғорма деҳқончилик ва ирригациянинг келиб чиқиши ҳамда қадимги суғорилган ерларнинг табиий шароитларига бағишланган қатор илмий мақола ва асарлар нашр этилди. Жумладан, В. М. Массон<sup>37</sup>, Г. Н. Лисицина<sup>38</sup>, Н. Г. Минашина<sup>39</sup> ва бошқаларнинг<sup>40</sup> мақолаларида Мурғоб, Тажан, Илий ва бошқа водийларнинг суғорилиш тарихига оид қимматли маълумотлар келтирилади.

Зарафшон водийсининг, хусусан, унинг қуйи қисмига жойлашган Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихига бағишланган асарларининг умумий обзори устида тўхтар эканмиз, аввало шунга қайд қилиб ўтиш керакки, бу қадимги деҳқончилик воҳасининг суғорилиб обод этилиши тарихига оид йирик асарлар то ҳозирги кунгача нашр этилмаган. Шундай бўлса ҳам, Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи тарихшунослик фанида қанчалик ёритилганини кўз олдимизга келтириш учун ҳозирги вақтда мавжуд бўлган асарларнинг умум обзорини бериш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Зарафшон водийсининг ирригациясини, хусусан сув хўжалигини ўрганишга XIX асрнинг рус муаллифларидан А. П. Фед-

<sup>36</sup> Б. В. Андрианов, Древние оросительные системы Приаралья, стр. 225.

<sup>37</sup> В. М. Массон, Еще раз о геродотовой реке Акес, «Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран (История и филология) Сборник в честь семидесятилетия члена корр. АН СССР Н. В. Пигулевой», М., Изд-во «Наука», 1967; Шу автор, Древнее орошение на Мисрианской равнине—«Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.

<sup>38</sup> Г. Н. Лисицина, Орошаемое земледелие эпохи энеолита на юге Туркмении, М., Изд-во «Наука», 1965; Шу автор, Изучение геоксюрской оросительной сети в южной Туркмении в 1964 г., Краткие сообщения Института археологии АН СССР, вып. 108, М., 1966; Шу автор, Орошаемое земледелие энеолитических племен юго-восточной Туркмении, Земли древнего орошения, М., 1969.

<sup>39</sup> Н. Г. Минашина, Древнеорошаемые почвы Мургабского оазиса, «Почвоведение», № 8, М., 1962; Шу автор, Распределение солей в почвах и грунтовых водах на массиве древнего орошения в центральной части Мургабской дельты,—«Влияние орошения на почвы оазисов Средней Азии», М., Изд-во АН СССР, 1963; Шу автор, Почвы энеолитического оазиса Геоксюр; Шу автор, Изменение почвенного покрова в связи с исторической динамикой использования земель древнего орошения (по материалам Мургабского оазиса), «Земли древнего орошения», М., 1969.

<sup>40</sup> К. А. Акишев, К. М. Байпаков, Земли древнего орошения в низовьях реки Или, «Земли древнего орошения», М., 1969.

ченко<sup>41</sup>, А. Гребенкин<sup>42</sup>, Л. Н. Соболев<sup>43</sup>, Г. А. Арендаренко<sup>44</sup>, В. В. Радлов<sup>45</sup>, Н. Ф. Петровский<sup>46</sup>, Н. Ф. Ситняковский<sup>47</sup> ва бошқалар маълум даражада ҳисса қўшдилар. XX аср бошларида ри-



Антик давр ёдгорлиги Қизилқир ва унинг атрофидаги қадимги сугорилган ерлар

вожланиб бораётган рус тўқимачилик саноатининг хом ашёга бўлган талабининг ортиши билан Урта Осиёда пахтачиликни кенгай-

<sup>41</sup> А. П. Федченко, Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины) — «Известия общества любителей естествознания, антропологии и этнографии», т. VIII, вып. I, М., 1870.

<sup>42</sup> А. Гребенкин, О причинах неурожая в Бухарском ханстве. — «Туркестанские ведомости», № 18, 1872.

<sup>43</sup> Л. Н. Соболев, О постепенном движении несквоз к г. Бухаре. — «Известия русского географического общества», т. IX, вып. VIII, СПб., 1873; Шу автор. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. — «Записки Русского географического общества» по отделению статистики, т. IV, СПб., 1874.

<sup>44</sup> Г. А. Арендаренко, Заметки об ирригации в нагорных туманах Зеравшанского округа. «Туркестанские ведомости», № 51, 1876.


<sup>45</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина. «Записки Русского географического общества» по отделению этнографии, т. VI, СПб., 1880.

<sup>46</sup> Н. Ф. Петровский, Туземная единица объема воды и способы деления ее. «Справочная книжка Самаркандской области», вып. V, Самарканд, 1897.

<sup>47</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о бухарской части долины Зеравшана, Известия Туркестанского отдела Русского географического общества, т. I, вып. II, Ташкент, 1900.

тириш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида бир қанча гидрогеологик, гидрометрик ва тупроқшунослик экспедициялари ташкил этилди. Шу муносабат билан рус инженер-ирригаторларининг Зарафшон водийсининг гидрографияси ва унинг ирригация системаларини қайта қуриш масалаларига оид айрим асарлари нашр этилди. Булар орасида А. В. Чаплигининг тадқиқотлари<sup>48</sup> айниқса диққатга сазовордир.

Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш бизнинг давримизда бошланди. Воҳанинг археологик жиҳатдан тадқиқ этилиши муносабати билан кейинги йил-



Ўрта аср истеҳкоми ҳаробаси Қоравултепа

ларда унинг ўзлаштирилиш тарихи масалаларига бағишланган бир қанча илмий мақола ва асарлар пайдо бўлди. Бу борада В. А. Шишкиннинг «Варахша» номли асари айниқса қимматлидир<sup>49</sup>.

Гарчи В. А. Шишкиннинг бу асари бевосита Бухоронинг суғориш тарихига оид бўлмаса-да, аммо унда келтирилган турли даврларга мансуб археологик ёдгорликларнинг обзорида воҳанинг ўзлаштирилишининг тарихий динамикаси намоён бўлади.

Қуйи Зарафшоннинг ирригация тарихи кенг кўламда Я. Ғ. Ғуломов томонидан ўрганилди. Я. Ғ. Ғуломовнинг кейинги йилларда тўплаган бой археологик ва этнографик маълумотлари ҳали эълон

<sup>48</sup> А. В. Чаплигин, Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины, М., 1925.

<sup>49</sup> В. А. Шишкин, Варахша, М., Изд-во АН СССР, 1963.

қилинмаган бўлса-да, ҳар ҳолда Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихи масалалари, унинг бир қанча илмий тадқиқотларида талқин этилган<sup>50</sup>.

1966 ва 1970 йилларда XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида аграр муносабатларга доир М. А. Абдураимовнинг икки жилдлик монографияси босилиб чиқди<sup>51</sup>. Асарнинг биринчи жилдидаги махсус бир қисм Бухоро хонлигининг XVI—XIX асрлардаги сув хўжалигига бағишланган<sup>52</sup>. М. А. Абдураимов асарининг аграр муносабатларга оид асосий қисмини аграр муносабатлар билан шуғулланаётган тарихчиларимизга ҳавола қилиб, унинг суғориш тарихи қисми тўғрисида шуни айтиш мумкинки, автор ирригация тарихи масалаларини чуқур тадқиқ этмагани сабабли асарда турли хилдаги қўлёзма манбалар ва босма асарлардан келтирилган анчагина салмоқли маълумотлар масаланинг илмий жиҳатдан қўйилиши ва унинг хронологик ёритилиши жиҳатидан тўғри ва асосли талқин этилмаган. Натижада асарнинг суғориш тарихига оид ушбу қисми узук-юлуқ маълумотларнинг мажмуасига айланиб қолган.

Кейинги йилларда ўрта асрнинг йирик гидротехника иншоотлари қолдиқларининг топилиб текширилиши билан инженерлик типидagi қадимги ирригация иншоотларининг архитектураси, қурилиш материаллари ва уларнинг конструкцияси айрим архитектор, химик-технолог ва ирригатор-гидротехникларнинг диққатини ўзига тортди. Шу муносабат билан ўрта аср ирригация иншоотларига ишлатилган қурилиш материаллари ва конструкцияси талқин этилган айрим махсус мақолалар босилиб чиқди. Улар орасида А. Бобонов<sup>53</sup>, З. Х. Хусанхўжаев<sup>54</sup> ва Н. С. Гражданкинанинг<sup>55</sup> мақолалари айниқса диққатга сазовдир.

<sup>50</sup> А. Г. Гулямов, К изучению древних водных сооружений в Узбекистане.— «Известия АН УзССР», № 2, 1955; Шу автор, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса.— «Труды Института истории и археологии АН УзССР», вып. 8, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956; Шу автор, Исследование исторической гидрографии низовьев Кашка-Дарьи и Зеравшана.— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 6, Ташкент, Изд-во «Наука», 1965; Шу автор, Освоим земли древнего орошения— «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969; Я. Г. Гулямов, У. Исламов, А. Аскаров, Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966.

<sup>51</sup> М. А. Абдураимов, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI и первой половине XIX века, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан», 1966, т. 2, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1970.


<sup>52</sup> М. А. Абдураимов, Ўша асар, I-том, 259—308-бетлар.

<sup>53</sup> А. Бабаханов, О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана.— «Известия АН УзССР», серия общественных наук, № 4, 1959.

<sup>54</sup> З. Х. Хусанхўжаев, Из истории гидротехники и ирригации в Узбекистане.— «Гидротехника и мелиорация», № 8, М., 1969.

<sup>55</sup> Н. С. Гражданкина, Из истории гидротехнического строительства в Средней Азии (строительные материалы гидротехнических сооружений VIII—XIX вв.), «Труды Среднеазиатского научно-исследовательского института ирригации», вып., 129, Ташкент, 1971.

Шундай қилиб, фойдаланилган адабиётларнинг умумий обзорида қайд этилган асарларга қараганда, Ўрта Осиёнинг сугорилиш тарихини ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқ этишда совет тарихчилари салмоқли ҳисса қўшдилар. Шундай бўлса ҳам Ўзбекистоннинг бир қанча деҳқончилик воҳалари қаторида Зарафшон водий-



Шайбонийхон сув айирғич кўпригининг ҳозирги кунгача сақланиб қолган бир равоғи (1502 йилда бино қилинган)

сининг, хусусан Бухоро воҳасининг сугорилиш тарихи тарихшunosликда энг кам ёритилган масалалардан ҳисобланади. Уни ҳар томонлама чуқур ва кенг ёритиш шубҳасиз ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Қуйи Зарафшоннинг сугорилиш тарихи устида сўз юритилар экан, автор қадим замонларда Амударёга қуйилиб, икки дарё ҳавзаларини бир-бирига туташтирган Зарафшон дарёсининг оқими кейинчалик нега Амударёга етмай қолди? Нима сабабдан антик даврда Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида катта-катта ер майдони сугорилди-ю, ўрта асрларда улар сувсизликдан қуриб қолди? Қачон ва нима сабабдан қуйи Зарафшонда сув танқислиги содир бўла бошлади? Нима учун асрлар мобайнида Бухоро воҳасининг сўҳибкор деҳқонлари сув танқислигидан қутила олмади? Самарқанд воҳаси подшо Россияси томонидан босиб олингач, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсими қандай ҳал этилди? Ўзаро сув тақсими масаласига Туркис-

тон маъмуриятининг муносабати қандай бўлди? Бухоро воҳасининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида XIX асрда Амударёдан Бухорога сув чиқариш тўғрисида Аҳмад Дониш томонидан, водийда сув омборлари барпо этиш ҳақида рус ирригаторлари томонидан кўтарилган ҳаётий масалалар нима сабабдан ўша вақтларда амалга ошмади?— деган саволларга жавоб беришга ҳамда Бухоро аҳолисининг сув учун олиб борган кураш тарихи, унинг асрлар давомида яратган ажойиб ирригация техникаси ва сув хўжалиги тарихи масалаларини мумкин қадар муфассал талқин этишга ҳаракат қилди.

Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданияти марказларидан бири бўлган Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихига бағишланган ушбу асар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг ЎзССР ФА академиги Я. Ф. Фуломов раҳбарлигида ташкил қилинган Мохондарё археологик отрядининг 1950—1970 йилларда Бухоро воҳасида кенг кўламда олиб борган археологик текширишлари натижасида тўпланган материаллар асосида ёзилди.

Шунингдек, олдимизга қўйилган масалаларни ёритишда қуйидаги манбаларга асосланildi: археологик тадқиқотлар ва Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг аэрофотосуратларини дешифровка қилишда тўпланган археологик ва топографик материаллар, Шарқ кўлёзма асарларидан олинган тарихий маълумотлар, архив ҳужжатлари, Бухоронинг кекса деҳқон ва миробларидан ёзиб олинган этнографик маълумотлар ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва асримиз бошларида Туркистонда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган вақтли матбуот материалларидан фойдаланилди. Бу манбалардан олинган фактик материаллар асар текстига кўплаб киритилганлиги учун, манбаларнинг шарҳи устида алоҳида тўхтаб ўтилмади.

Автор мазкур ишнинг юзага келишида кўрсатган самимий ёрдамлари ва илмий маслаҳатлари учун Мохондарё археология отрядининг раҳбари, ЎзССР ФА академиги Я. Ф. Фуломовга; В. Д. Журин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё сув проблемалари ва гидротехника илмий текшириш институтининг (САНИИРИ) бўлим бошлиғи, ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригатор, ЎзССР ФА мухбир аъзоси Р. А. Алимовга; Н. Н. Миклухо-Маклай номидаги СССР ФА Этнография институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Б. В. Андриановга; техника фанлари кандидатлари Н. С. Гражданкина ва З. Х. Хусанхўжаевларга, шунингдек, археологик тадқиқотлар вақтида ташкилий жиҳатдан катта ёрдам берган Мохондарё археология отрядининг иштирокчилари (илмий ходим ва аспирантлар): Г. А. Михайлова, Ҳ. Муҳамедов, М. Р. Қосимов, С. Раҳимов, У. Исломов, А. Асқаров, Э. Ҳожиев, Ғ. Дадабоев, А. Абдулхамидов, М. Тагиев, Ҳ. Абдуллажонов, М. Бўстонов, лаборант Э. Турғунов, шоферлардан М. Юнусов, З. Қаримов, В. Карпичев ва бошқаларга автор ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

**ЗАРАФШОН ДАРЭСИ  
ВА УНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИ**

**1. Зарафшон водийси ва унинг сув ҳавзаси**

Самарқанд ва Бухоронинг асосий сув манбаи ҳисобланган Зарафшон дарёси шимолдан Туркистон ва жанубдан Ҳисор ҳамда Зарафшон тизмалари туташган ерда—3154 м баландликда<sup>1</sup> жойлашган Зарафшон музлигидан бошланади. Музликнинг узунлиги 24,7 км, кенглиги 1,7 км<sup>2</sup> бўлиб, қалинлиги 200 м<sup>3</sup>. Унинг ҳажми 40,8 км<sup>4</sup> га тенг.

Зарафшон ўзининг биринчи йирик ирмоғи — Фандарё келиб қуйилган жойигача Мастчоҳ деб аталади. Мастчоҳ дарёси Зарафшон музлигининг қуйи чегарасида 2775 м баландликдан<sup>5</sup> бошланиб, ягона ўзан бўйлаб баланд қояли ва тор тоғ дараси бўйлаб ғарбга томон оқади. Дарё юқори қисмининг кенглиги 25 м бўлиб, ҳар километр масофада, ўртача ҳисоб билан 7 м пастга тушади, шунинг учун ҳам у жуда тез ва ҳайқириб, ўйнаб оқади, тош, қум ҳамда лойқа каби оқизинди жинсларни ўзи билан кўп миқдорда олиб келади.

Зарафшон музлигидан 205 км қуйида, Айний (қадимги Варзаминор) қишлоғидан юқориқоқда, Мастчоҳ дарёсига Фандарёнинг суви чап томондан келиб қўшилади ва шу жойдан бошлаб у Зарафшон номини олади. Мастчоҳ дарёсининг сув ҳавзаси 4650 км<sup>6</sup> га тенг бўлиб<sup>6</sup>, у асосан уч дарё — Искандардарё, Яғноб ва Пасруд сувларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Искандардарёнинг юқори оқими Қорақўлдарё деб аталиб, у Ҳисор тоғининг шимолий ён бағрида Кўҳисафид, Тагисиё, Сиёкуҳ ва Яҳоб тоғ тизмаларида жойлашган кичик-кичик музликлардан бошланади. Мура ирмоғи қуйилган жойдан бошлаб, Қорақўлдарё Саритоғ номини олади.

<sup>1</sup> В. Л. Шульц, Гидрография Средней Азии, Ташкент, 1958, стр. 59.

<sup>2</sup> Уша асар, 91-бет. Яна қаранг: В. Л. Шульц ва Р. Машрабов, Ўрта Осиё гидрографияси, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1969, 137-бет.

<sup>3</sup> Е. П. Коновалов, Краткий отчет о работе на Зеравшанском леднике в 1932 г. В книге Зеравшан, Верховья Зеравшана и Фандарьи, Труды ледниковых экспедиций, вып. III, Л., 1936, стр. 374—375 и 398.

<sup>4</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 91-бет.

<sup>5</sup> Е. П. Коновалов, Уша асар, 374—375-бетлар.

<sup>6</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 59-бет.

Саритоғ дарёси ўз сувини Искандаркўлга қуяди. Кўлнинг узунлиги 3260 м, эни 2900 м, юзаси 3,4 км<sup>2</sup>. Саритоғ кўлдан Искандардарё номи билан оқиб чиқади<sup>7</sup>. Искандаркўлдан 22 км қуйида, ўнг томондан унга Яғноб дарёси келиб қуйилади ва шу ердан бошлаб у Фандарё деб аталади.

Яғноб дарёси Ҳисор тизмаларининг шарқий қисмида Қумбел довони районида 3650 м баландликда<sup>8</sup> жойлашган ва унчалик катта бўлмаган Яғноб музлигидан бошланади. Яғноб дарёси бошланган ердан 10 км ча қуйида ўнг томондан унга Такали ирмоғи келиб қўшилади. Яғноб 116 км дан ошиқроқ масофада Зарафшоннинг юқори оқими — Мастчоҳга деярлик параллель ҳолда шарқдан ғарбга томон, чуқур ва тор тоғ дараси ичидан оқиб ўтади. Яғноб дарёсининг сув ҳавзаси 1646,43 кв/км га тенг<sup>9</sup>.

Яғноб дарё қуйилишидан 4 км пастда чап томондан Фандарёга Пасруд дарёсининг оқими қуйилади. Пасруд Зарафшон тизмасининг жанубий ён бағрида Кўликалон довони яқинида 3600 м баландликда Казнок музлигидан бошланиб, унинг сув ҳавзаси 375,47 кв/км<sup>10</sup> дир. Пасруднинг қуйилишидан то Мастчоҳ дарёсигача 24,5 км масофада деярлик Фандарё энсиз дара орасида оқади. Фандарё сув ҳавзасининг умумий ҳажми (Искандардарё, Яғноб ва Пасруд дарёларини қўшиб олганда) 3250 кв/км<sup>11</sup> дир.

Мастчоҳ ва Фандарё ўзанлари туташган жойидан 56 км қуйида Даштиғозий қишлоғи қаршисида Зарафшонга чап томондан Киштутдарё оқими қўшилади. Киштутдарёнинг юқори оқими Саримат ва Арчамайдон ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Саримат Панжоб довонининг шимоли-шарқий ён бағрида 3700 м баландликда жойлашган музликлардан бошланади. Сариматга 20 км қуйида ўнг томондан Арчамайдон ирмоғи келиб қўшилади. Бу ирмоқ 3773 м баландликдаги Дўкдон довонининг шимоли-ғарбий ён бағрида жойлашган майда музликлардан оқиб чиқади. Бу икки ирмоқнинг қуйилишидан 5 км пастроқда чап томондан дарёга учинчи ирмоқ — Ворухнинг суви қуйилади. Шу ердан у Ворух деб аталади. Ворух 17 км масофада, Қўлэли қишлоғи қаршисида, ўнг томондан Артуҷ ирмоғининг оқимини қабул қилади ва Киштут номини олади. Киштут 11 км дара ичида оқади ва Зарафшонга келиб қўшилади.

Киштут қўшилишигача Зарафшон тоғ орасида энсиз водий бўйлаб оқади. Воҳанинг эни 1,5—2 км дан ошмайди. Киштут оқимини қабул қилгач, Зарафшон тоғ дараси орасидан чиқиб, бирмунча

<sup>7</sup> П. Ф. Домрачев, Исследование оз. Искандаркуль в гидрологическом и рыбохозяйственном отношении, В книге Зеравшан..., стр. 301. Яна қаранг: В. Л. Шульц ва Р. Машрабов, Уша асар, 139-бет.

<sup>8</sup> И. А. Киреев, Предварительный гидротехнический очерк бассейна р. Яғноб, В книге Зеравшан..., стр. 67.

<sup>9</sup> И. А. Киреев, Уша асар, 65-бет.

<sup>10</sup> И. А. Киреев, Общее описание работ Зеравшанской экспедиции, В книге Зеравшан..., стр. 28.

<sup>11</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 59-бет.



кенг водий бўйлаб оқади. Кенглиги 5—6 км бўлган водий ғарбга томон кенгайиб боради.

Панжакент шаҳридан 9 км юқорида Зарафшонга йирик ирмоқларидан учинчиси — Мағиёндарё, тўғрироғи Муғиёндарё келиб қўшилади. Маҳаллий аҳоли уни «Муғдарё» деб атайди.

Мағиёндарё Шинкдарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Шинкдарё Панжоб довоининг шимоли-ғарбий ён бағрида майда музликлардан бошланади. Унинг юқори оқими деярлик қатор кўлликлардан иборат бўлиб, 37 км масофада у Хазорчашма, Моргузар, Нофин ва бошқа кўллари ҳосил қилади ва ўнг томондан Мағиёндарёга келиб қўйилади. Мағиёндарёнинг юқори оқими Қорасув деб аталиб, у Ғова довоининг шарқий қисмидан бошланади. Қорасувга 31,5 км қуйида Муғиён қишлоғи яқинида чап томондан шу номдаги ирмоқ ўз сувини қуяди. Шу ердан бошлаб у Мағиёндарё номини олади. Мағиёндарё Шинкдарё оқимини қабул қилгач, 22 км қуйида Зарафшонга қўшилади.

Зарафшонга Фандарё, Киштутдарё ва Мағиёндарёдан ташқари, унинг юқори қисмида Туркистон, Ҳисор ва Зарафшон тизмаларидан 50 га яқин тоғ жилғалари келиб туташади. Бу жилғалар ёз бошланиши билан қуриб қолади.

Зарафшон дарёси сув ҳавзасининг умумий ҳажми Дупул сув ўлчаш участкасигача 10200 кв/км<sup>12</sup> ва Мағиёндарё келиб қуйилгандан сўнг эса 11782 кв/км<sup>13</sup> ни ташкил этади. В. Л. Шульц ва Р. Машрабовларнинг маълумотига кўра, Зарафшон дарёсининг гидрографик таърифи  $L=781$  км,  $F=12300$  км<sup>2</sup> га тенг<sup>14</sup>.

Панжакентдан қуйида Зарафшон ҳеч қандай ирмоқ қабул қилмайди, балки сунъий суғориш каналлари бўйлаб, ўзининг ҳаётбахш сувларини сарфлашга киришади. Панжакентдан 15 км ғарбда у кенг текисликка чиқади. Бу — Зарафшон дарёсининг аллювиал ётқизиқлари туфайли вужудга келган водийдир. Водийнинг шимолий чегараси Нурота тизмаларининг жанубий этакларига жойлашган баланд ва паст қирлар билан, жанубий чегараси эса, Зарафшон тизмасининг адрлари билан туташади. Бу водий кенглиги 35—40 км га боради ва баъзи жойларда ундан ҳам ошади. Текисликка чиқиши билан Зарафшон дарёси кенгайди. У оролар ҳосил қилиб, бир қанча ўзанлар бўйлаб оқади. Бу районда дарё ўзанининг кенглиги 1—1,5 км га этади. Зарафшоннинг ҳар икки соҳилларини кесиб чиқарилган катта-кичик суғориш артериялари худди шу райондан бошланади. Бу суғориш артерияларининг кўпчилиги тарихий манбаларда (даставвал ўрта аср араб географларининг асарларида) «Варқсар», яъни «Тўғон боши» номи билан тилга олинган Равотхўжа яқинидан бошланган. Чунки Самарқанд ва унинг атрофини сув билан таъминловчи Дарғом канали-

<sup>12</sup> О. П. Шеглова, Питание рек Средней Азии, Ташкент, 1960, стр. 136—208.

<sup>13</sup> А. З. Захидов, А. Ф. Чернова, Водноэнергетические ресурсы рек Узбекской ССР, Ташкент, 1963, стр. 15.

<sup>14</sup> В. Л. Шульц ва Р. Машрабов, Ўша асар, 143-бет.

нинг бош иншооти қадимдан шу жойга ўрнатилган. Ҳозирги кунда бу жойда Зарафшоннинг ҳар икки қирғоғидан чиқарилган бир қанча магистрал каналларнинг бош гидротехника иншооти — «Биринчи май тўғони» жойлашган. У 1926—1929 йилларда қурилиб, ишга туширилган.

Самарқанд шаҳридан 7 км шимоли-шарқда Чўпонота баландлиги яқинида Зарафшон шимолий ўзан — Оқдарё ва жанубий ўзан — Қорадарёга ажралиб, Миёнкол оролини ҳосил қилади. Миёнкол оролининг узунлиги 100 км, эни 12—15 км. Ўзининг қулай географик шароити туфайли, Миёнкол қадим замонлардаёқ ўзлаштирилиб, водийнинг энг обод қисмига айланган. Водийнинг Миёнкол районида Оқдарёдан 22 ва Қорадарёдан 12 канал бош олади. Миёнколнинг шарқий қисмида водийнинг кенглиги 30—35 км бўлиб, ғарбга томон торайиб боради. Каттақўрғон райони яқинида у 10—12 км дан ошмайди.

Водийнинг ўрта қисмида Нурота тизмасининг жанубий ён бағридан кўплаб сойлар оқиб чиқади ва Зарафшонга келиб қўшилади. Уларнинг тошқин сувлари баҳорда мазкур дарёга келиб қуйилади, ёзда вегетация даврида улар суғориш тармоқлари бўйлаб тортилиб кетади. Айримлари эса бутунлай қуриб қолади. Бу сойлар Зарафшон дарёси оқимининг ўзгаришида деярлик роль ўйнамайди.

Оқдарё ва Қорадарё туташган қисмида водий яна бир оз кенгайиб, унинг эни 18—20 км га етади. У шимол ва жануб томонлардан тоғолди паст ва баланд адрларни ёриб ўтади ва ғарбга томон торайиб боради. Навоий шаҳари яқинида унинг кенглиги 8—10 км дан ошмайди. Навоий районида водийдан Конимех воҳаси ажралиб, шимоли-ғарбга томон понага ўшаб чўл бағрига ёриб киради. Унинг кенглиги 3—4 км га боради. Шимолдан у Нурота тизмасининг ғарбий этаклари билан туташган баланд қирлар ва жанубдан Конимех чўлига қўшилиб кетган Офтобачи адрлари билан чегараланади.

Навоий шаҳаридан қуйироқдан бошлаб, Зарафшон деярлик ҳар икки томондан ўраб олинган чўл орасида оқади. Дарё ўнг соҳили бўйлаб Конимех чўлининг жанубий этаklarини ва чап соҳили бўйлаб Чўлималикнинг шимолий этаklarини ювиб ўтади, сўнг шимол ва жануб томонлардан юқоридаги чўллар билан сиқилган тор Хазора дарбандига оқиб киради. Бу районда водий ниҳоятда тораяди. Унинг кенглиги 2,5—3 км дан ошмайди. Оқдарё ва Қорадарё қўшилган жойдан то Хазорагача Зарафшондан 12 магистрал канал бош олади. Хазора дарбандидан чиққач, у ўз водийсининг қуйи қисмига томон йўл олади. Водийнинг бу қисмига кириши билан Зарафшон оқим йўналишини жануби-ғарбга томон буради. Шу йўналишда у конуссимон шаклда Бухоро воҳасини ҳосил қилади. Бухоро воҳаси шимол ва ғарбдан кўча қумлар остида қолган қадимги суғорилган ерлар орқали Қизилқум билан чегараланади. Шарқдан унга Чўлималик ҳамда Қизилтепа ва Қуйинмозор адрлари, жанубдан эса, Қарши чўли ёндашади. Унинг кенглиги 65 км га боради.

Қизилтепадан 7 км ғарбда Зарафшондан унинг дельта характеридаги қадимги ирмоғи Вобкентдарё<sup>15</sup> ажралиб чиқади. Вобкентдарё бошланган жой Хархўр номи билан машҳурдир. Хархўрдан 10 км ча қуйида Бухоро ва унинг атрофини сув билан таъминловчи Шаҳруд магистрали бош олади. Бу жой Дуоба номи билан аталади. Шу ердан бошлаб Зарафшон Қоракўлдарё номини олади. Дуобадан тахминан 78 км қуйида Яккатут станцияси яқинида, Зарафшоннинг қадимги қуриб қолган ўзани — Мохондарё Қоракўлдарёнинг ўнг қирғоғидан шимоли-ғарбга томон ажралиб чиқади. Бу районда Қоракўлдарё Бухоро воҳасидан чиқиб, тор водий бўйлаб,

1-жадвал<sup>16</sup>

Каналларнинг номи	Узунлиги (км ҳисобиди)	Ишлаш қобилияти (м <sup>3</sup> сек. ҳисобиди)	Сугориладиган майдонлар га ҳисобиди)
Қалқонота	23,3	5,5	3440
Конимех	59,8	13,5	10539
Шофрикон	20	25,0	9579
Султонобод	40	17,0	10833
Пирмаст	40	9,0	7058
Харқонруд	29	16,0	8008
Вобкентдарё	48	49,5	40179
Шаҳруд	65,5	35,1	48916
Хайробод	60,1	15,0	10486
Сарибозор		18—20	21501

ўзининг энг қуйи оқими, Қоракўл воҳаси томон йўл олади. Бу ерда водийнинг кенглиги 2,5—3 км дан ошмайди. Яккатутдан 25 км қуйида Зарафшон — Қоракўлдарё ўзининг шу номдаги елпигичсимон энг қуйи воҳасини ҳосил қилади. Қоракўл воҳасининг узунлиги 20 км, эни эса 35 км дан ортиқроқ бўлиб, у шарқ ва шимоли-ғарбдан жануби-ғарбга томон чўзилиб, Қарши чўлига ёндашган қирлар ва қолган уч томондан барханли қумлар билан қоп-

ланган зилқумнинг шарқий қисми билан ўралиб туради. Ҳозирги вақтда водийнинг Бухоро ва Қоракўл қисмларида Зарафшоннинг ҳар икки соҳиллари бўйлаб чиқарилган 35 та магистрал каналлар сугориш системаларини сув билан таъминламоқда. Улар орасида Қалқонота, Конимех, Шофрикон, Султонобод, Пирмаст, Харқонруд, Вобкентдарё, Шаҳруд, Ромитан, Хайробод ва Сарибозор каналлари Бухоро воҳасидаги энг йирик ирригация системалари ҳисобланади. Бу каналларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-жадвалда кўрсатилган.

Водийнинг юқори қисмидан сугориш тармоқларига тортилиб келаётган Зарафшон дарёсининг суви Қоракўл воҳасида батамом тугайди. Фақат унинг партови Тайқир ўзани орқали жанубга томон оқиб чиқади. Тайқирда деярлик сув бўлмаб, унинг ўзани доимо сувсизликдан қуриб ётади. Фақат қиш ва баҳор мавсумларидагина ортиқча партов сувлар Тайқирга ташланади. Тайқир Қоракўлдан жануби-шарқда жойлашган Денгизқўлга қуйилади. Ҳозирги вақтда

<sup>15</sup> Ҳозирги вақтда Вобкентдарё Бухоро воҳасидаги энг йирик магистрал каналлар системасига айлантирилган.

<sup>16</sup> Бу жадвал З. М. Акрамовнинг «Самарқанд ва Бухоро областлари қишлоқ хўжалиги географияси» (I қисм, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961) номли китобининг 132-бетиди берилган маълумотлар асосида тузилган.

Зарафшон дарёсининг оқими 781 км дан ошиқроқ масофада Амударёга 25 км етмай Қизилқумда тугайди.

Асрлар бўйи деҳқонларнинг меҳнат фаолияти натижасида ўзлаштирилиб, обод этилган Зарафшон водийсининг суғорма деҳқончилик ерларининг сув билан таъминланиши дарё оқимининг барқарор режимига доимо боғлиқ бўлди. В. Л. Шульц классификацияси бўйича, Зарафшон ва унинг юқори ирмоқлари баланд тоғ музликлари ва доимий қорликлардан таъминланувчи дарёлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам унинг оқими доимийдир. Зарафшон оқимининг 34 проценти сизот — қорасувлардан, 31 проценти музликларнинг сувларидан, 34 проценти қор ва қолгани эса ёмғир сувларидан ҳосил бўлади<sup>17</sup>. Шу сабабли, Зарафшон сув балансидаги мавсумий ўзгаришлар об-ҳаво шароитига ва ёнғингарчиликнинг ҳажмига боғлиқдир. Зарафшон тошқинлари бирмунча узоқ муддатда ўтиб, одатда уларнинг бири иккинчисига деярлик уланиб кетади. Масалан, тоғлардаги қорларнинг эришидан ҳосил бўладиган дастлабки тошқин май—июнь ойларида, музликлардан пайдо бўладиган иккинчи тошқин эса июль—сентябрь ойларида ўтади. Шу сабабли дарё оқими йиллик ҳажмининг 61,1 проценти ёз мавсумига — июнь—август ойларига тўғри келади. Август ойининг охирида бошланган озайиш март ойининг иккинчи ярмигача давом этади. Сентябрь—май ойлари давомида Зарафшон оқимининг ҳажми, унинг йиллик ҳажмининг 38—39 процентини ташкил қилади. Зарафшон оқимининг кўп йиллик ўртача ҳажми секундига 165<sup>18</sup> куб метрга ва вегетация даври бўйича эса секундига 273 куб метрга тенг<sup>19</sup>. Дупул сув ўлчаш участкасида дарёнинг энг юқори максимал оқими секундига 930 куб метрга ва суткалик минимум оқими секундига 24 куб метрга баробар<sup>20</sup>. Дупул, Мағиён ва Суджина гидрометрик постлари бўйича Зарафшон оқимидаги бир йиллик ўзгаришни 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Зарафшон оқимининг юқорига кўтарилган даври водийда суғорма деҳқончилик учун сувга бўлган талабнинг энг кучайган мавсумига тўғри келади. Дарё режимидagi бу ҳолат, шубҳасиз, водийни ўзлаштириш тарихида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши учун энг қулай ва зарур табиий шароитлардан бири бўлган.

Зарафшон дарёсида ҳар 9—11 йил давомида мунтазам равишда камсувлик ва серсувлик йиллари содир бўлиб туради. Серсувлик йиллари Зарафшоннинг тошқинлари қишлоқ хўжалигига, айниқса, унинг қуйи оқимига жойлашган Бухоро воҳасига жуда катта зарар етказган. Бундай ҳолларда магистрал каналларнинг бош иншоотларини сув олиб, экин майдонларини сув босар ва уларни ботқоқликка айлантириб, ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирарди.

<sup>17</sup> О. П. Шеглова. Питание рек Средней Азии, Ташкент, Изд. СамГУ, 1960, табл. № 31, стр. 213.

<sup>18</sup> В. Л. Шульц, Ўша асар, 59-бет.

<sup>19</sup> З. М. Акрамов, География сельского хозяйства Самаркандской и Бухарской областей, ч. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961, стр. 45.

<sup>20</sup> В. Л. Шульц, Ўша асар, 60-бет.

Серсувлик йилларида дарё оқимининг ўртача ҳажми секундига 209 куб. метрга, вегетация даврида эса 365 куб. метрга етади<sup>21</sup>.

Камсувлик йилларида эса Зарафшон оқимининг сатҳи пасайиб, водийда сув танқислиги юз бериб, бу ҳол айниқса, Бухоро воҳасида суғориладиган майдоннинг бирмунча қисқаришига, ҳосил унумдорлигининг камайишига сабаб бўларди. Камсувлик йилларида (масалан, 1957 йилда) Зарафшон оқимининг йиллик ҳажми секундига 118 куб. метрга, яъни кўп йиллик ўртача ҳажмга қараганда, секундига 50 куб. метрга камаяди. Зарафшон оқимидаги камайиш,

2-жадвал<sup>22</sup>

Вегетациядан олдинги даврда			Вегетация даврида		
ойларнинг номи	ҳажми м <sup>3</sup> /сек	процент ҳисобида	ойларнинг номи	ҳажми м <sup>3</sup> /сек	процент ҳисобида
октябрь	92,0	4,7	апрель	55,1	2,8
ноябрь	61,8	3,2	май	150	7,6
декабрь	49,3	2,5	июнь	352	17,9
январь	41,9	2,1	июль	487	24,8
февраль	39,6	2,0	август	394	20,1
март	38,7	2,0	сентябрь	202	10,3

айниқса, вегетация даврида кучаяди. Бу даврда дарё оқими секундига 186 куб. метр, яъни кўп йиллик ўртача ҳажмга нисбатан, секундига 87 куб. метрга қисқаради<sup>23</sup>.

Зарафшон дарёси йиллик оқимининг ўзгариб боришига ирригация катта таъсир қилади. Оқимнинг асосий қисми Самарқанд ва Бухоро воҳаларида суғориш системалари бўйлаб сарфланиб, дарёнинг энг қуйи оқими — Қорақўл воҳасига келганда вегетация даврида дарё оқимининг энг юқорига кўтарилган даври бўлса-да, унинг сатҳи нихоятда пастга тушиб кетади. Қорақўлга асосан дарёнинг қишки ва кузги оқимларининг ташланиши натижада, водийнинг бу қисмида йилига икки марта: март—апрель ва ноябрь—декабрь ойларида дарёда сув сатҳининг кўтарилиши юз беради. В. И. Шульц маълумотиغا кўра, Қорақўл воҳасида дарёнинг йиллик ўртача оқими Қорақўлда секундига 13 куб. метрни ташкил қилади<sup>24</sup>.

Зарафшон ўз водийсини сув билан таъминлаш билан бирга, тупроқ унумдорлиги учун зарур минерал моддалардан иборат оқизинди жинсларни кўп миқдорда лойқа ҳолда оқизиб келади. Самарқанд ва Бухоро воҳаларининг суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган аллювиал текисликлардаги экин майдонлари, Зарафшон дарёсининг мана шу лойқаси орқали ҳосил бўлган. Дарё сувининг

<sup>21</sup> З. М. Акрамов, Уша асар, 46-бет.

<sup>22</sup> В. Л. Шульц ва Р. Машрабов, Урта Осиё гидрографияси, 149-бет.


<sup>23</sup> З. М. Акрамов, Уша асар, 47-бет.

<sup>24</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 60-бет.

ўртача лойқалиги, унинг юқори оқимида — Дупул гидротехник пости яқинида, 0,88 кг куб. метрга тенг<sup>25</sup>. Зарафшон дарёсининг ҳар 1 км<sup>2</sup> сув йиғилиш майдони юзасидан ўрта ҳисобда ҳар йили 421 тонна оқизинди жинслар ювилиб келади<sup>26</sup>. Бу оқизинди жинслар турли ҳажмдаги қаттиқ заррачалардан иборат бўлиб, уларнинг миқдори ёзги сув тошқинлари пайтида айниқса кўпаяди.

В. А. Молодцов маълумотига кўра, Зарафшон сувининг ойлик ўртача лойқалигини 3-жадвалдан кўриш мумкин (кубометрида грамм ҳисобида).

Йиллик лойқанинг 81,7 проценти ёзги оқим билан келади. Зарафшон дарёси йилига, ўрта ҳисоб билан 4,5 млн тоннага лойқа олиб келади. Вегетация даврида Самарқанд ва Бухоро воҳалари бўйлаб экин майдонларига ётқизилган лойқанинг ҳажми гектарига 10—20 тоннага тўғри келади. Бу шароитда экин майдонларининг умумий сатҳи йилига 0,8—1,5 мм кўтарилади<sup>27</sup>.



Зарафшон дарёсида ўртача ойлик сув миқдорининг ўзгариши (Дупул дараси яқинида)

3-жадвал<sup>28</sup>

Курсаткичлар	I	II	III	IV	V	VI
Сувнинг лойқалиги г м <sup>3</sup>	32	29	70	157	967	868
Ойлик лойқанинг ҳажми (минг тонна ҳисобида)	3,2	2,3	6,5	26,0	468,8	816,4
	VII	VIII	IX	X	XI	XII
	1466	1363	520	108	53	36
	1570,4	1229,8	252,2	23,4	7,5	4,7

Дарё оқимидаги лойқа миқдорининг асосий қисмини ўртача ва майда ҳажмдаги муаллақ заррачалар ташкил қилади. Масалан, лойқа таркибида диаметри 0,1—0,01 мм бўлган ўртача ҳажмдаги

<sup>25</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 91-бет.

<sup>26</sup> В. Л. Шульц ва Р. Машрабов, Уша асар, 150-бет.

<sup>27</sup> В. А. Молодцов, Ирригационные наносы оазисов долины р. Зеравшан и дельты р. Мургаб, В книге «Влияние орошения на почвы оазисов Средней Азии», М., 1963, стр. 48.

<sup>28</sup> В. А. Молодцов, Уша асар, 54-бет.

муаллақ оқизинди заррачалар 52 процентни ва диаметри 0,01—0,001 мм лик майда заррачалар эса 44 процентни ташкил этади. Оқизинди жинсларнинг механик состави 4-жадвалда кўрсатилган.

Юқоридаги маълумотларга қараганда, дарё сувининг лойқалиги унинг қуйи қисмида, юқори оқимига нисбатан қисман кучаяди. Бу ҳолат Зарафшон оқимининг кучига боғлиқ бўлиб, ҳатто лойқа водийнинг қуйи қисмидаги ирригация системаларигача бемалол этади ва каналларни лойқа босиб, уларнинг саёзланишига ва ниҳоят суғориш шоҳобчаларининг нормал ишламаслигига олиб келади. Шунинг учун ҳам дарёнинг қуйи оқимига жойлашган Бухоро

4-жадвал<sup>29</sup>

Олинган жойи ва вақти	Сувнинг лойқалиги г/л	Заррачаларнинг ҳажми (мм ва процент ҳисобида)						
		>0,25	0,25— —0,1	0,1— —0,01	0,01— —0,005	0,005— —0,001	<0,001	<0,01
Самарқанд яқинида 31 август	2,52	0,16	3,25	55,56	12,48	15,17	13,38	41,03
Яккатут станциясида 26 август	2,98	—	4,51	48,92	14,21	17,66	14,70	46,57

воҳасидаги суғориш артерияларининг деярлик ҳаммасини, айниқса, уларнинг этак қисмларини муттасил равишда лойқа босиб, йилига икки марта каналларни тозалашга тўғри келади. Натижада канал соҳиллари — рошлари бора-бора кўтарилиб, узун қир шаклини олади. Баъзан канал рошларининг баландлиги 4 м ва эни эса 8—10 м дан ҳам ошиб кетади. Бу камчиликлардан ташқари дарё лойқаси деҳқончилик учун ҳам фойдалидир. Зарафшон сувидаги лойқа кимёвий таркиби жиҳатидан Урта Осиёнинг йирик сув манбалари Амударё ва Сирдарёлардан қолишмайди, айрим элементлар бўйича эса, балки устунроқ ҳам туради. Буни В. А. Молодцов томонидан келтирилган 5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Тупроқ унумдорлигининг гарови бўлган энг муҳим элементлар бўйича дарё лойқаларининг кимёвий таркибини солиштириш Зарафшоннинг оқизинди жинсларида Амударё ва Сирдарё лойқаларига нисбатан фосфор бир ярим-икки марта ва калий икки мартадан ошиқроқ эканини кўрсатади. Вегетация даврида суғориш натижасида тупроққа келиб қўшиладиган ўғитловчи элементларнинг умумий ҳажми гектарига тонна ҳисобда Зарафшон дарёси бўйича оҳак—2350 т, калий 485 т, ва фосфор—43 т; Амударё бўйича оҳак—4190 т, калий—422 т, фосфор—45 т; Сирдарё бўйича оҳак—1300 т, калий—119 т ва фосфор—7 т ни ташкил қилади<sup>30</sup>. Бу элементлар-

<sup>29</sup> В. А. Молодцов, Уша асар, 51-бет.

<sup>30</sup> В. А. Молодцов, Уша асар, 63-бет.

нинг ҳажми бирмунча катта бўлиб, йил сайин экин далаларига уларнинг келиб қўшилиши, шубҳасиз тупроқ унумдорлигининг ошишига маълум даражада таъсир этади.

Дарёнинг муаллақ оқизиндиларидан ташқари, сув билан бирга экин майдонларига турли хил эриган моддалар оқиб кирази. Веге-

5-жадвал<sup>31</sup>

Лойқанинг кимёвий таркиби	Зарафшон (% ҳисобида)	Амударё (% ҳисобида)	Сирдарё (% ҳисобида)
Кремнезём ( $\text{SiO}_2$ )	52,40	50,0	45,32
Бир ярим оксидлар ( $\text{R}_2\text{O}_3$ )	18,88	17,60	17,50
Темир оксиди ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ )	5,07	2,47	2,43
Алюминий оксиди ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ )	13,53	15,0	14,99
Фосфор оксиди ( $\text{P}_2\text{O}_5$ )	0,18	0,13	0,08
Оҳак ( $\text{CaO}$ )	10,81	12,0	14,70
Магний оксиди ( $\text{MgO}$ )	3,44	1,81	1,94
Натрий оксиди ( $\text{Na}_2\text{O}$ )	1,76	1,64	2,34
Калий оксиди ( $\text{K}_2\text{O}$ )	2,47	1,21	1,35

тация даврида Зарафшон дарёси эриган моддалари оқимининг миқдори тахминан 700 минг тоннага тенгдир. Шу жумладан, тупроқни

6-жадвал<sup>32</sup>

Дарёлар	$\text{C}'_1$	$\text{SO}''_4$	$\text{Ca}''$	$\text{Mg}''$	$\text{K}'$	$\text{Na}'$
Зарафшон	36	198	328	53	54	45
Амударё	360	774	774	85	45	—
Сирдарё	198	792	792	165	54	—

озиқлантирувчи муҳим элементлардан: кальций 200 минг т, магний 33 минг т, калий 20 минг т, азот 1,5 минг т ва фосфор 1 минг т ни ташкил қилади. Шуниси ҳам борки, Зарафшон суви кимёвий таркиби жиҳатидан Амударё ва Сирдарё сувларидан анча устун туради.

Вегетация даврида сув билан тупроққа келиб қўшиладиган эриган моддаларнинг ҳажми 6-жадвалда кўрсатилган (гектаридан кг ҳисобида).

Агар вегетация даврида Зарафшон сувлари билан бир гектар ерга 36 кг хлор кирса, Амударё ва Сирдарё сувлари билан кирадиган хлорнинг миқдори гектарига 320—400 кг ни ташкил қилади. Натижада, ернинг шўрланиши Зарафшон дарёси билан суғорилган ерларда Амударё ва Сирдарё сувлари билан суғорилган ерларга нисбатан 10—15 марта секинроқ бўлади.

<sup>31</sup> В. А. Молодцов, Уша асар, 62-бет.

<sup>32</sup> В. А. Молодцов, Уша асар, 82-бет.



Шундай қилиб, Зарафшон дарёси Самарқанд ва Бухоро воҳаларини сув билан таъминлабгина қолмай, балки кимёвий ўғитлар билан ҳам етарли даражада озиқлантиради. Унинг лойқаси эса ўз вақтида Зарафшон водийси аллювиал текислигининг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнаган. Водийдаги ҳозирги экин майдонларининг асосий қисми — агроирригация қатлами дарёнинг мана шу лойқаси туфайли вужудга келган.

## 2. Зарафшоннинг қуйи ирмоқлари ва унинг Амударёга қуйилиши

Зарафшон водийсида ҳали суғорма деҳқончилик ва ирригация системалари вужудга келмаган қадим замонларда Зарафшон дарёси оқимининг деярлик ҳаммаси водийнинг қуйи қисми томон интилган ва бир неча ўзанлар бўйлаб ёйилиб оққан. Чунки унинг бебош оқими, юқорида мутлақо сарфланмай, тошқинлар вақтида гоҳ ўнг, гоҳ чап томонларга тошиб, катта-кичик табиий шохоб ва кўллар ҳосил қилган. Ҳозирги Вобкентдарё, қуриб қолган Моҳондарё, Гурдуш, Гужайли ва бошқалар Зарафшоннинг тошқинлар ҳосил қилган дельта характеридаги қадимги шохобларидир. Шунингдек, ҳозирги вақтда қуриб қолган Моҳонкўл, Сатторкўл, Патталиқкўл, Чуқуркўл, Ўртақўл, Лўхликўл, Порсонкўл, Эчкиқирон, Замонбобокўли, Чандиркўл ҳамда Каттатузкон ва бошқа кўллар Зарафшоннинг қадимги ўзанлари ёқасида вужудга келган кўҳна кўллардандир.

X аср Бухоро тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий Бухоронинг қадимги орографияси ҳақида сўз юритганда, унинг қамишзор, тўқай ва чакалакзор билан қопланган ботқоқлик ва кўллардан иборат эканлиги тўғрисида ёзади<sup>33</sup>. Наршахийнинг маълумоти ҳикояларга асосланган бўлса-да, ҳар ҳолда ҳақиқатга анча яқин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, проф. Я. Ғ. Ғуломов бошлиқ Моҳондарё археологик отряди томонидан 1950—1970 йиллар давомида Бухоро воҳасида олиб борилган археологик текшириш натижалари, Зарафшоннинг қуйи қисмини ўзлаштириш тарихини ўрганиш билан бирга, Зарафшон дарёси қадимги ўзанларининг йўналиши ва сув оққан ҳамда қуриб қолган даврларини ҳам аниқлаш имконини берди.

Зарафшоннинг қуйи оқимида унинг қадимги энг йирик табиий тармоқларидан биринчиси ҳозирги Вобкентдарё каналидир. Тарихий манбаларда у Говхитфар<sup>34</sup>, Хитфар<sup>35</sup> номи билан аталиб. ҳо-

<sup>33</sup> Т а р и х и Н а р ш а х и й , Когон нашри, 1904, ЎзССР ФА Шарқшунос-лик институти, инв. № 3820, 6-бет. موضع امروز بخارا است ابكبر بوده است و بعضی ازوى نيستان بوده درخت زار و مرغزار بوده.

<sup>34</sup> Т а р и х и Н а р ш а х и й , Шефер нашри, Париж, 1892. 30-бет.

<sup>35</sup> Т а р и х и Н а р ш а х и й , Когон нашри, 40-бет.

зирги вақтда Бухоро областининг Вобкент, Ромитан ва Свердлов районларида 40 минг гектардан ошиқроқ майдонни суғоради<sup>36</sup>.

Вобкентдарё суви билан таъминланган қадимги суғорилган ерларда олиб борилган археологик текширишлар қадимги даврларда у ҳеч қандай сунъий иншоотсиз табиий равишда оққанини ва унинг ҳозирги бош қисми кейинчалик сунъий равишда қовлаб чиқарилиб, махсус тўғон билан сув кўтарилганини тақозо қилади. Наршахий ҳам Бухоро воҳасида X асрда мавжуд йирик ирригация тармоқларини қайд қилганида, Вобкентдарёни Зарафшоннинг табиий шохоби деб ҳисоблайди. Наршахий бу тўғрида қуйидагиларни ёзади:

همه رودها مردمان کنده مگر رود ختفرا آب خود کنده است بی  
زحمت خلق...

„Ҳамма анҳорларни халқ қазиган, аммо Хитфар анҳорининг қазилишида халқ заҳмат чекмаган, уни сувнинг ўзи ўйиб қазиган“<sup>37</sup>. Хитфар тўғрисида айтилган бу жумладан, унинг табиий ўзанлигига шубҳа қолмайди.

Қадимги Говхитфарга ҳозирги вақтда «дарё» сўзининг қўшилиб аталиши ҳам унинг табиийлигидан дарак беради. Бу борада Я. Ф. Ғуломов Хоразмнинг қадимги йирик суғориш артерияси — Говхўра канали номининг этимологияси устида сўз юритар экан, «ирмоқ ёки дарё» сўзини англатувчи қадимги терминлар тўғрисида ишончли фикрни ўртага ташлайди. «Говхўра ва Говхитфар» номларидаги «гов» олд қўшимчасини у, Урта Осиёнинг қадимги халқларида «тармоқ» ёки «дарё»ни англатган «ўкуз» терминига эквивалент сифатида талқин этади ва «ўкуз» сўзига боғланиб келган топонимлар сингари, Говхўра ва Говхитфар номлари ҳам дарё шохоби оққан томонлардаги жой ёки районларнинг номи билан боғлиқ бўлган ирмоқларни англатади деб, ҳисоблайди<sup>38</sup>. Қадимги Говхитфарнинг кейинги номи Вобкентдарё ҳам «Вобкентга томон оқадиган дарё» деб бекорга айтилмаган, балки Я. Ф. Ғуломов томонидан ўртага ташланган фикрни англатувчи, топоним сифатида вужудга келганлиги муқаррардир.

Шундай қилиб, археологик текширишлар билан бир қаторда, Вобкентдарё тўғрисидаги тарихий манбалардаги мавжуд маълумотлар ва унинг топонимлари этимологияси ҳам ҳозирги Вобкент канали Зарафшоннинг қадимги тармоғи эканини тасдиқламоқда.

Ҳозирги вақтда Вобкент каналининг боши Қизилтепа ва Ғиждувон ўртасида Зарафшон дарёси устига қурилган кўприкдан 1 км

<sup>36</sup> З. М. Акрамов, Уша асар, 132-бет, *Яна қаранг*: Қ. Н. Нурматов, Экономические проблемы комплексного развития сельского хозяйства, Ташкент, 1961, стр. 43.

<sup>37</sup> Тарихи Наршахий, Қогон нашри, 40-бет. *Яна қаранг*: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966, 35-бет.

<sup>38</sup> Я. Ф. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 144—145-бетлар.

қуйида Хархўр<sup>39</sup> участкасида жойлашган. Унинг ўзани дарё тубига нисбатан тахминан 3 метрча баланд бўлиб, махсус сув боғлаб олувчи гидротехник иншоот воситаси орқали сув билан таъминланади. Бундай шароит Хархўрнинг Вобкентдарё учун сунъий равишда ишланган кейинги сақо эканига шубҳа қолмайди. Шундай экан, сув боғлаб олувчи иншоотсиз, сувнинг табиий равишда оқишини таъминлаган унинг қадимги сақоси, шубҳасиз, Хархўрдан бир неча километр масофа юқорида бўлиши муқаррар эди<sup>40</sup>.

Қадимта Хитфар Зарафшон дарёсининг Хазора дарбандидан чиқиб, Бухоро воҳасининг жануби-ғарбга томон бурилган жойида, ўрта аср шаҳар ҳаробаси — Абумуслим тепаси қаршисида дарёнинг ўнг қирғоғидан ажралиб чиққан. Унинг қадимги бош олган участкасида то «Октябрь 50 йиллиги» номидаги Ташработ гидроузели қурилиб ишга тушгунча, Гиждувон ва Шофрикон районларини сув билан таъминловчи Султонобод ва Пирмаст магистрал каналлари бош олган эди.

Хитфар дарёдан ажралган қисмида деярлик ғарбга томон оққан, сўнгра у жануби-ғарбга бурилиб, Зарафшон дарёсидан 4—5 км ғарбда унга параллел равишда йўналган. Хитфарнинг қадимги ўзани деярлик ўзлаштирилиб, экин майдонларига қўшиб юборилган бўлса-да, аммо унинг қолдиқлари ҳозирги вақтда лўҳ ва қамишзорлар билан қопланган узун кетган бир неча саёз чуқурликлар ҳолида жуда яхши сақланган. Унинг бир қисми Гишти қишлоғидан 3—4 км жануби-ғарбда аниқ кўзга ташланади. Маҳаллий аҳоли ўртасида у «Кўлипингон» деб аталади. Унинг кенглиги 150—200 м. Кўлипингондан қуйида, қисқа масофа орасида Хитфарнинг излари кўринмаса-да, Гиждувондан 5 км жануби-шарқда «Кўлимавлиён» номи билан Қизилтепа ва Гиждувон магистраллини кесиб ўтади. Бу ерда унинг кенглиги 200—250 м га боради. Кўлимавлиёндан жанубда Хитфарнинг излари яна бир оз масофа деярлик кўринмай, 5—6 км қуйироқда «Кўлипизъён» номида жануби-ғарбга йўналади. У Хархўрдан 12 км қуйида Вобкентдарёдан, Комиакка, Комикасоба ва Кўмишкент каналлари бош олган жойда, унинг ҳозирги ўзанига келиб туташади. Бу жой Кўнадушанбабозор деб аталади. Кўнадушанбабозордан бошлаб Хитфар Вобкентдарёнинг сув оқиб пурган ҳозирги ўзани бўйлаб, деярлик ғарбга томон оққан.

1969 йилнинг кузида Бухоро области Ромитан ва Свердлов районларининг ғарбий ва шимоли-ғарбий чегарасига ёндашган қадимги суғорилган ерларни харитага тушириш вақтида Хитфарнинг қадимги қуриб қолган ўзанлари ва ундан чиқарилган кўпдан-кўп йирик суғориш каналларининг излари аниқланди. Хитфарнинг қадимги дельтаси ҳисобланган бу районни маҳаллий аҳоли Урганжий дашти деб атайди. Бу даштда Хитфарнинг қуриб қолган қадимги излари жуда яхши сақланган. Афтидан, Хитфар

<sup>39</sup> Хархўр — Вобкентдарёнинг Зарафшондан ажралиб чиқадиغان жой номи бўлиб, бу тўғрида кейинроқ батафсил гапирилади.

<sup>40</sup> 1962 йилнинг баҳорида Моҳондарё археология отряди қадимги Хитфар масаласи билан махсус шугулланиб, унинг қадимги табиий ўзанининг қолдиқларини қидириб топди ва қадимги сақосининг ўрнашган жойини аниқлади.

ҳозирги Ромитан канали Вобкентдарёдан бош олган районда иккига ажралиб, улардан биринчиси шимоли-ғарбга ва иккинчиси жануби-ғарбга йўналган. Биринчи ўзан Қоқиштувон қишлоғидан шимолроқда ҳозирги воҳа чегарасини кесиб ўтиб, чўл бағрига 10—12 км кириб борган ва кенг территорияга тошиб кўл ва кўлмаклар ҳосил қилган. Унинг қуруқ излари Хўжазафарон ва Хонгушар мавзелари ўртасида жуда яхши кўзга ташланади. Унинг кенглиги 75 м ва чуқурлиги 1,5—2 м га боради.

Хитфарнинг жануби-ғарбга йўналган иккинчи ўзани эса Қўргони Ромитан шаҳар харобасидан 2 км шимоли-ғарбдан ўтиб, Бобосимосий мавзеида воҳа чегарасини кесиб ўтган ва чўл бағрига 20—25 км кириб борган. Ширинқудуқ мавзеига 3 км етмасдан у яна иккига ажралиб, бири жанубга ва иккинчиси аввал ғарбга сўнгра жануби-ғарбга томон йўналган. Ўзанининг ҳар иккаласи ҳам қадимги Бухоро ҳокимлари — бухорхудотларнинг қароргоҳи бўлган Варахша яқинида бири ёдгорликдан 2 км шимолдан, иккинчиси 2 км шарқдан ўтиб, Мохондарё водийси томон йўналган. Эҳтимол у қачонлардир қадим замонларда Мохондарёгача етиб боргандир. Хитфарнинг қуриб қолган излари айниқса Варахша атрофида яхши сақланган. Унинг кенглиги 40—60 м ва чуқурлиги 2 м гача боради. Варахшага энг яқин сув манбаи ҳисобланган Ширинқудуқ ҳам Хитфарнинг қадимги ўзани ичидан ковланган.

Ҳозирги вақтда бу район кўча қум барханлари билан қоплашиб, қумлар орасида у ер ва бу ерда очилиб қолган қумлоқ тупроқли тақирлар узоқ вақт давомида Хитфар оқимининг узлуксиз тошқин сувлари ётқизган лойқалари натижасида вужудга келган. Хитфар адоғининг қулай табиий шароити қадим замонлардаёқ бу районда аҳоли яшаб, унинг обод этилишига имкон берган.

Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидан топилган археологик ёдгорлик ва айрим топилмаларга назар ташланса, Хитфарнинг қуйи оқими районининг ўзлаштирилиш тарихи намоян бўлади.

1953-1960 йилларда Мохондарё археологик отряди ҳозирги Ромитандан 28 км шимоли-ғарбда қадимги Хитфарнинг адоғида қад кўтарган антик давр ёдгорликларидан бири — Қизилқирдан 500 м жануби-шарқда микролид индустриясига жуда бой, неолит даврига оид тош қуроллар ясаш устахонаси ҳамда маконнинг қолдиқларини топиб текширди. Қизилқир, Варахша, Лайлакхўр, Бобосимосий ва унинг атрофида бир қанча пунктларда бронза даврининг Андронов-Тозабоғёб маданиятига оид буюмлар топилиб, улар қадимги Хитфар ва унинг қуйи қисмининг ўзлаштирилиш тарихини ўрганиш масаласига бирмунча аниқлик киргизди.

Бу районда неолит ва бронза даврлари қолдиқларининг мавжудлиги милoddан аввалги IV минг йилликнинг охири ва милoddан аввалги II минг йиллик давомида Хитфарнинг қуйи қисмида доимо сув бўлганлигидан ҳамда бу районда аҳоли гавжум яшаганидан далолат беради. Серсувлиги ва деҳқончилик учун қулайлигидан бўлса керак, бу районда кейинчалик қадимги суғорилган зоналар вужудга келади. Милoddан аввалги, II-I асрларда Бухоро воҳасининг ғарбий қисми ҳисобланган бу район қа-

лин ирригация тармоқлари билан қопланган бўлиб, у ерда Қизилқир, Субук, Бўронтепа, Сеталак, Қоравултепа, Сурхак, Боштепа ва бошқа кўпгина ёдгорликлар қад кўтарган. Аммо Хитфарнинг юқори ва ўрта оқимларида ирригация системалари ва деҳқончилик майдонларининг кенгайиши билан, унинг адоғига сув етмай, қадимги обод ерлар қуриб қолган.

Ўрта асрларда Хитфарнинг табиий оқими кенгайиб бораётган ирригация тармоқларини ва экин майдонларини сув билан тўла таъминлай олмаган бўлса керак. Унинг сақоси қуйроқда — Вобкентдарёнинг бош олган ҳозирги жойи Хархўрга кўчирилиб, сув боғлаб олувчи иншоот билан таъмин этилади ва янги сунъий ўзан бўйлаб йўналтирилади. Я. Ф. Гуломовнинг фикрича, Хитфар сақосининг Хархўрга кўчирилиши XVI асрда содир бўлган. Шу вақтдан бошлаб Хитфарнинг қадимги сақоси ишдан чиқиб, унинг юқори қисмидан эса сув оқмай қолади.

Шундай қилиб, ҳозирги Вобкентдарё канали, сунъий равишда ковлаб чиқарилган суғориш системаларидан бўлмай, балки Зарафшоннинг қуйи қисмидаги, дельта шаклидаги қадимги табиий ўзанларидан ҳисобланади.

В. Л. Шульц Зарафшон дарёсини Амударёнинг қадимги ирмоғи деб ҳисоблайди<sup>41</sup>. Унинг бу фикрига қўшилсак, ҳар қалай хато қилмаймиз. Чунки бизгача етиб келган баъзи бир тарихий манбаларда келтирилган айрим маълумотлар, гарчи улар иккинчи даражали бўлса ҳам, шунингдек, Зарафшоннинг қуйи оқими районида олиб борилган илмий текширишлар натижасида тўпланган географик ва археологик маълумотлар ҳақиқатан ҳам Зарафшон дарёсининг Амударёга томон оққанини ва унинг жўшқин сувлари бир неча ўзанлар бўйлаб Амударёга қуйилганини тасдиқлайди. Муҳаммад Наршахий Бухоро воҳасининг ҳосил бўлиши тўғрисида сўз юритар экан, «Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёда кўп сув ййилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб; ...то Битик ва Фаробгача»<sup>42</sup> етиб борган<sup>43</sup>, — дейди.

<sup>41</sup> В. Л. Шульц, Уша асар, 57-бет.

<sup>42</sup> Битик ва Фароб Чоржўй шаҳрининг қарама-қаршисида Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган қишлоқларнинг номи. Ҳозирги вақтда ҳам шу номлар билан аталади.

<sup>43</sup> بر سوی سهرقند رود عظیم است که آنرا رود ماصی خواند و در آن رود آب بسیار جمع شد و آن آب بسیار برفت و زمین را بکند ... آب بسیار گل بسیار می آور و تابه بتک و فراب رسید. Тарихи Наршахий, Когон нашри, 1904, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, ИНВ. № 3820, 6-бет. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966, 15-бет.

XV аср тарихчиси Хафиз Абрў «Тошқин вақтларда Зарафшон дарёсининг қуйилиш жойи то Амударёгача бориб туташади»<sup>44</sup>, деб ёзади. Унинг бу маълумоти Наршахийнинг фикрини тасдиқлайди. Икки даврда яшаган ҳар иккала авторларнинг юқорида келтирилган маълумотлари, бир томондан қараганда, Зарафшоннинг Амударё билан бўлган қадимги алоқаси тўғрисида, ҳар қалай маълум даражада гувоҳлик берса-да, бироқ бундай алоқани исботловчи аниқ фактик маълумот сифатида хизмат қила олмайди. Чунки Наршахий бундай воқеанинг шоҳиди бўлмагани ҳолда, ўзидан аввал яшаган ўтмишдошларининг ҳикояси асосида Зарафшон дарёсининг пайдо бўлиш жараёни устида фикр юритади, холос. Хафиз Абрўнинг маълумотини эса, периодик равишда аҳён-аҳёнда содир бўладиган Зарафшон тошқинларининг Амударёга томон уриб кетган оқимиға тегишли деб тушуниш мумкин. Лекин шунга қарамасдан, бу масала юзасидан, биз учун Хафиз Абрўнинг маълумоти бирмунча аҳамиятлидир. Чунки у бундай воқеанинг шоҳиди бўлиши мумкин.

Балки Хафиз Абрў замонида Зарафшоннинг оқими доимий равишда Амударёгача етиб бормаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда айрим серсувлик йилларида унинг тошқин сувлари қадимги қуруқ ўзанлари бўйлаб Амударёга томон уриб тургани эҳтимолдан узоқ эмас. Демак, бизгача етиб келган тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар Зарафшоннинг Амударё билан бўлган қандайдир алоқаси тўғрисида гувоҳлик беради. Аммо улар бу алоқанинг қачон бошлангани ва қандай ўзанлари орқали амалга ошганини ҳамда қайси вақтдан бошлаб тўхтаб қолганини аниқлаб бера олмайди.

Бу масалага бирмунча аниқлик киритиш учун бевосита Зарафшон водийсининг қуйи қисмида ўтказилган илмий текширишларнинг натижаларига мурожаат қилишга мажбурмиз.

Қадим замонларда Зарафшон сувини Амударёга қуйиб, ҳар икки дарё водийларини бир-бирига боғлаган актив ирмоқлардан бири — Мохондарё эканлиги кейинги йилларда топографик жиҳатдан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам тўла аниқланди. Унинг илон изига ўхшаб Амударё томон чўзилган қуруқ ўзанининг қолдиқлари ҳозирги кунгача чўл бағрида жуда яхши сақланган.

Тарихий манбаларда Мохондарё тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. У фақат XIX аср охиридан бошлаб адабиётларда тилга олинади. 1896 йилда Зарафшоннинг қуйи қисмида топографик ишлар олиб борган Н. Ф. Ситняковский Мохондарё тўғрисида би-

---

مَحَبَّ آن گاهى كه بقوت باشد تا بجيخون رسد.<sup>44</sup>

В. В. Бартольд, Хафиз Абрў и его сочинения. В кн. Музаффария сб. статей учеников проф. Барона Виктора Романовича Розена, СПб., 1897, стр. 2.

ринчи бўлиб маълумот беради<sup>45</sup>. «Зарафшоннинг қуйи қисмида, — деб ёзади Н. Ф. Ситняковский, — учта: Мохон, Қорақўлдарё ва Тайқир ўзанлари бор. Улардан биринчиси шимоли-ғарбга йўналади. Мохон бўйлаб экин экилмайди. Шунинг учун ҳам 1896 йилдагидек, аҳён-аҳёнда содир бўладиган серсувлик йилларида ортиқча сувлар унга ташланади. Мохонга сув ташланган вақтда, у ўзани бўйлаб ҳалқоб жойларни тўлдириб, Мохон, Чироқчи ва бошқа кўлларни ҳосил қилади. У сувни қаергача олиб бориши тўғрисида ҳали маълумот йўқ. Хива воҳаси районида унинг Амударёга етиб бориши мумкин эканлиги тўғрисида маҳаллий аҳоли гувоҳлик бермайди»<sup>46</sup>.

1915 йилда ОЗУ (Отдел земельных улучшений) топшириғига биноан мутахассислар: ботаник М. В. Культиасов<sup>47</sup>, геолог П. М. Васильевский<sup>48</sup> ва тупроқшунос Л. Л. Ножинлар томонидан биринчи марта Мохондарёнинг юқори ва ўрта қисмлари районида дастлабки текширишлар ўтказилди.

Ўзбекистон сув хўжалигининг топшириғига биноан 1928 йилнинг баҳорида ботаник Е. П. Коровин тупроқшунос Н. В. Кимберг билан биргаликда Мохондарё районининг тупроқ шароити ва суғорма деҳқончиликка яроқли бўлган ер майдонининг ҳажмини аниқлаш мақсадида унинг юқори қисмида рекогносцировка ишларини олиб боради<sup>49</sup>. Аммо экспедиция иштирокчилари Мохондарё бўйлаб ўтказилган кузатишларида Амударёгача етиб бормаганлар. Шунинг учун ҳам улар «Зарафшон дарёсининг Амударёга томон йўналган қадимги ўзанлари»<sup>50</sup> мавжуд эканини тасдиқламайдилар.

Ўрта Осиё географик жамиятининг топшириғи бўйича, 1928 йилнинг кузида В. П. Дробов бошчилигида махсус экспедиция Мохондарёга юборилади ва унга Мохондарёнинг Амударёга қуйилиш жойини аниқлаш вазифаси топширилади<sup>51</sup>. Текшириш натижасида В. П. Дробов Чоржўйдан тахминан 100 км ча қуйида Мохондарёнинг икки ўзан орқали Амударёга қуйилишини аниқлашга муяссар бўлади. Улардан бири ўрта аср истехкоми Наргизқалъа харобасидан қуйироқда ва иккинчиси эса, Оқрабод қишлоғи яқинида Амударёга қуйилган<sup>52</sup>.

---

<sup>45</sup> Н. Ф. Ситняковский, О древностях в районе нижнего течения Зеравшана, ПТКЛА, год III, вып. 3, Ташкент, 1898; *Яна қаранг:* Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, ИТОИРГО, т. I, вып. II, Ташкент, 1900, стр. 121—134.

<sup>46</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о бухарской части долины Зеравшана, стр. 130.

<sup>47</sup> М. В. Культиасов, К характеристике растительного покрова района, прилегающего к р. Махан-Дарья. Известия Среднеазиатского географического общества, т. XX, Ташкент, 1932, стр. 33—37.

<sup>48</sup> П. М. Васильевский, Река Зеравшан в Бухарском районе, Вестник ирригации, 1923, № 9, стр. 94—98.

<sup>49</sup> Е. П. Коровин, Махан-Дарья, ИСГО, т. XX, стр. 13—31.

<sup>50</sup> П. М. Васильевский, Река Зеравшан в Бухарском районе, стр. 96.


<sup>51</sup> В. П. Дробов, р. Махан-Дарья, ИСГО, т. XX, стр. I—II.

<sup>52</sup> В. П. Дробов, Уша асар, 9-бет.

В. П. Дробов текширишлари натижасида, Моҳондарё орқали Зарафшоннинг Амударё билан қадимги алоқаси ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлиги узил-кесил аниқланган бўлса-да, аммо бу алоқа қачон бошланган ва қай пайтда тўхтаб қолганлиги аниқланмаган.

1950 йилдан бошлаб, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида Я. Ғ. Ғуломов бошлиқ олиб борилаётган археологик текширишлар бу масалани ҳал қилишда бирмунча ойдинлик киритди.

Қуйи Зарафшонда яшаган қадимги аҳолининг моддий ва маданий қолдиқлари изларини кузатиш мақсадида Моҳондарё археологик отряди 1961 ва 1964 йилларнинг баҳорида, шу сатрларнинг автори иштирокида, Зарафшоннинг қадимги қуруқ ўзани — Мо-



Моҳондарёнинг Амударёга оққан қадимги қуруқ ўзани (Одилқудуқ яқинида)

ҳондарё бўйлаб махсус текширишлар ўтказди<sup>53</sup>. Натижада, милoddан аввалги IV минг йилликкача Моҳондарёнинг Амударёга томон ҳайқириб оққанини, сўнгра аста-секин унинг оқими сусайиб, милoddан аввалги I минг йилликнинг бошларида деярлик қуриб қолгани аниқланди.

Моҳондарё ўзани Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий бурчагига жойлашган Яккатут қишлоғи яқинида Қоракўл дарёнинг ўнг со-

<sup>53</sup> 1961 йил отряд составида автордан ташқари А. Асқаров, У. Исломов ва С. Раҳимовлар қатнашдилар. Шу йили Моҳондарё бўйлаб олиб борилган текширишлар Хатар қудуғига, 1964 йилда эса отрядимиз текширишни Амударёга етказди. 1964 йилда отряд составида Я. Ғ. Ғуломов, А. Р. Муҳаммаджонов, А. Асқаров, С. Файзиев, М. Юнусов, З. Қаримов ва Н. В. Кундряшевлар қатнашдилар.




ҳилидан бош олади. Даставвал у 28—30 км масофада кенг территорияда жуда ёйилиб, деярлик ғарбга томон йўналади. Бу масофада у Чуқуркўл, Мохонкўл, Уртакўл ва Чандиркўл каби бир қанча кўлларни ҳосил қилади. Усти қамиш ва юлғун босган бу қадимги кўллар ҳозирги вақтда умумий Мохонкўл номи билан машҳурдир. Мохонкўл районида водийнинг кенглиги 8—10 км га боради. Шимол томондан у водийдан 6—7 м кўтарилиб турган бархан қумликлари билан, жанубдан эса усти кўчма қум ва майда шағаллар билан қопланган қирликлар билан чегараланади. Мохондарё ўзани ўзининг юқори оқимида, айниқса, юқорида қайд қилинган кўллар орасида, жуда равшан кўзга ташланади. Бу районда унинг кенглиги 30 м, чуқурлиги эса 1,5—2 м га боради. Мохонкўлдан у икки ўзанга ажралиб чиқади. Улардан биринчиси асли номи билан ғарбга, иккинчиси Гужайли ёки Гурдуш номи билан жанубга йўналади. Мохондарёдан қуйида асосий ўзан Бозорбой, Уртакўл қудуқлари орқали ўтиб, у Чандир қудуғи яқинида шимоли-ғарбга бурилади. Чандирга яқинлашган сари водий торайиб, сўнгра Газов қудуғига томон бир оз кенгайса-да, Газов яқинида у яна шимолдан бархан қумликлар ва жанубдан қирсимон баландликлар билан қисилиб боради. Бу районда Мохондарё ўзанининг кенглиги 20—25 м, чуқурлиги 1—1,5 м дан ошмайди. Газов қудуғидан қуйида ва ҳар икки томондан келиб бир-бирига туташиб кетган қир ва бархан қумликлари орасида у деярлик ғойиб бўлади. Шу сабабли Мохондарё ўзани бу районда кўзга яққол ташланмайди. Ягона ўзан бўйлаб у Қамишли қудуғи орқали ўтиб, Ачи қудуғи яқинида ғарбга бурилади. 58—60 км масофада Одилқудуқ яқинида Мохондарё икки ўзанга ажралади. Улардан бири ғарбга ва иккинчиси жануби-ғарбга, Хўжақудуқ томон йўналади. Ғарбга йўналган асосий ўзан ўнг соҳилдаги қирларга ёндашган ҳолда Лаке, Учбош, I Оққум ва II Оққум қудуқларидан<sup>54</sup> ўтиб, бирмунча кенг территорияга ёйилади. Бу районда у Лўхли, Оғачуюқ, Кандирли, Қайиқли, Чуқуркўл, Қурбонбой, Раҳматбобо, Кичикпорсон, Каттапорсон ва Эчкиқирон каби бир қанча майда кўллар системасини ҳосил қилади. Ҳозирги вақтда тамоман қуруқ ва усти пўрсиқ шўр ҳамда атрофи юлғун босган бу кўллар орасида Мохондарёнинг излари деярли билинмай кетса ҳам, Раҳматбобо қудуғидан қуйироқда у кўзга равшан ташланади. Раҳматбобо кўлидан чиқгач, у жанубга йўналади ва Кичикпорсондан ўтиб, Каттапорсон территориясида иккига ажралади. Ўнг ўзан жануби-ғарбга, чап ўзан эса жанубга томон йўл олади. Ўзанлардан биринчиси Каттапорсондан 20 км масофада Хатар қудуғидан ўтиб, қалин қумликлар орасида ғойиб бўлади. Бир оз масофадан сўнг у барханлар остидан чиқиб, Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган XI—XII аср ёдгорлиги Нарғизқалъа<sup>55</sup>

<sup>54</sup> Бу қудуқлар Мохондарёнинг қадимги ўзани ичида қазилган. II Оққум қудуғигача суви чучук ва ундан қуйидаги қудуқларнинг суви шўрдир.

<sup>55</sup> Нарғизқалъа Чоржўй шаҳридан тахминан 100 км қуйида Амударё бўйида жойлашган.

ҳаробаларидан 1,5 км шимоли-ғарбда тўрт ўзанга ажралиб, дельта ҳосил қилади ва чуқур ҳамда кенг канъонлар орқали Амударёга бориб туташади. Канъонларнинг биринчиси Оҳурсувлот<sup>56</sup>, иккинчиси Юлғунли ёки Жилғиндисувлот, учинчиси Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот ва тўртинчиси Сувлисувлот ёки Дигисувлот номлари билан




Мохондарёнинг Амударёга оққан қадимги ўзани (Оққум қудуғи яқинида)

машҳурдир. Бу сувлотларнинг эни 75—125 м гача бўлиб, чуқурлиги 15—20 м дан ошмайди.

Қаттапорсондан ажралган иккинчи тармоқ эса, бирмунча кенг ўзан бўйлаб, Эчкиқирон кўлига келиб қуйилади. Бу районда унинг эни 40—50 м ва чуқурлиги 1,5—2 м га боради. Эчкиқирондан чиққач, у Одилқудуқдан ажралган ўзан билан бирлашиб жануби-ғарбга йўналади ва II Хўжақудуқ ҳамда Муллажўра қудуқлари орқали ўтиб, Наргизқальадан 18 км жануби-шарқда жойлашган Оқрабод мавзеи яқинида Шўрётқоқ, Сарибой, Поянда, Қумсулот ва Жарсулот каби бешта тармоққа бўлиниб, Амударёга бирлашади. Бу районда Моҳондарёнинг ўзани шимол ва жануб томонлардан ёндашиб келган унчалик баланд бўлмаган қирлар орасидан ёриб ўтади. Амударё қирғоғига яқинлашиш билан чуқур канъонларни ҳосил қилади. Шундай қилиб, Зарафшоннинг қадимги ўзани Моҳондарё тахминан 150 км масофада Амударё билан туташади.

<sup>56</sup> Амударёнинг ўнг қирғоғига қўндаланг туташган Моҳондарёнинг қадимги канъонлари подаларни сувлатиш, яъни сугориш учун жуда қулай бўлгани сабабли маҳаллий аҳоли уларни «сувлот», яъни моллар сув ичадиган жой деб атайди.

Юқорида қайд қилинган Гужайли ўзани эса, Мошонқўлдан чиққач, Мошонқудуқ, Чуқурқудуқ, Жанақудуқ, Ширқудуқ орқали ўтиб, XI аср архитектура ёдгорлиги Шибурданота мақбараси яқинида ғарбга бурилади. Шибурданота мақбарасидан 4—8 км ғарбда у икки ўзанга ажралиб, орол ҳосил қилади. Ҳар икки ўзан бирлашгач, Қоракўл райони марказидан 18 км шимоли-ғарбда жойлашган Замонбобо кўлига қуйилади. Кўлдан чиққач, Гужайли ягона ўзан билан шимол томонда, водийдан 10—15 м кўтарилиб турган қирсимон ба-




Амударё бўйидаги Наргизқалъа харобалари

ландликнинг этаклари бўйлаб шимоли-ғарбга йўналади. Замонбобокўли яқинида унинг кенглиги 10—12 м ва чуқурлиги 1—1,5 м га боради. Замонбободан 5—6 км қуйироқдан бошлаб, у бирмунча ёйилиб, қадимги кўллардан яна бири Кичиктузконни ҳосил қилади. Қачонлардир қуриб қолган Кичиктузконнинг усти ҳозирги вақтда шўр билан қопланган. Кичиктузкон районида Гужайли яна икки — сўл ва ўнг ўзанларга ажралади. Сўл ўзан ўз навбатида Кичиктузкондан 10—12 км жануби-ғарбда жойлашган ва бархан қумликлари билан қопланган Каптарниқуми мавзеида иккига ажралади. Улардан биринчиси ғарбга ва иккинчиси жануби-ғарбга йўналади. Ғарбга йўналган ўзан, I Ширинқудуқ ва II Ширинқудуқ ва Шўркўл шўридан ўтиб Тақиржой мавзеига боради ва адирсимон баландликка дуч келиб жанубга бурилади. Тақиржой яқинида у кенг территорияга ёйилади ва тақирлар полосасини ҳосил қилади. Жануби-ғарбга йўналган иккинчи ўзан Қорасув, Лутиш ва Пашалак қудуқлари ҳамда Шўрхак ва Қуланбоши шўрларидан ўтиб, Патта қудуғига боргач, ўз йўналишини жануби-ғарбдан шимоли-ғарбга томон буради ва Усти қишлоғи яқинида Қроч адирлари бўйлаб Оқрабод

томон йўналади. Паттали Қоратўқай мавзеи орқали ўтиб Сарибойни паттаси яқинида Амударёга бориб туташади.

Кичиктузкон районидаги ўнг ўзан эса шимоли-ғарбга йўналади ва Кичиктузкондан 6 км қуйида Гужайли бўйлаб қадимги кўллардан учинчиси — Каттатузкон шўрини ҳосил қилади. Каттатузконнинг қуруқ майдони Кичиктузкон сингари оппоқ шўрхок билан қопланиб, унинг узунлиги 8—10 км дан ошиқроқ бўлиб, у жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон чўзилган. Унинг эни 4—5 км, аф-



Мохондарёнинг Нарғизқалъа яқинида Амударёга қуйилган қадимги Сувли сув-  
лот ўзани

тидан, Гужайли ўзани қадим замонларда Каттатузкон территориясида биқик равишда тугамай, балки унинг оқими Каттатузкон кўлидан чиқиб, шимоли-ғарбга томон давом этган ва Моҳондарёнинг Одиқудуқдан ажралиб, Оқрабод яқинида Амударёга қуйилган жанубий ўзани билан туташган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки Каттатузконнинг шимоли-ғарбий соҳиллари сифатида қад кўтариб турган паст ва баланд адрлар ҳамда жанубий қисми бўйлаб у ёки бу ерда дўппайиб чиқиб қолган катта-кичик тепачаларнинг усти сарғиш қумоқ тупроқли тақир қатламлари билан қопланиб, улар Каттатузкон атрофида сув сатҳининг ниҳоятда баланд кўтарилган даврларида унинг лойқа ётқизиқлари натижасида вужудга келган. Ҳозирги вақтда Каттатузкон билан I Хўжақудуқ оралиғи 15 км масофада юлғун билан қопланган полоса билан боғланади. Рельефнинг бундай тузилиши, шубҳасиз, Каттатузкон территориясида Гужайлининг ниҳоятда ёйилиб, Хў-

жақудуққа томон бемалол чўзилганидан далолат беради. Эҳтимол, Гужайлининг жўшқин сувлари Мохондарёнинг Оқрабоддан Амударёга қуйилган оқимини қачонлардир активлаштиргандир. Шундай қилиб, Мохондарё Зарафшонни Амударё билан боғланган актив ирмоқларидан бўлиб, у Чоржўй шаҳаридан 100 км қуйироқда икки жойдан — Оқрабод ва Наргизқалъа мавзелари яқинида Амударёга қуйилган.

Мохондарёнинг Амударёга қуйилишининг топографик жиҳатдан аниқланиши, унинг ҳозирги вақтадаги қуруқ ўзанлари бўйлаб, сувнинг оққан даврлари юзасидан, қўлимиздаги мавжуд материалларга асосланиб, баъзи бир фикрларни айтиш каби масъулиятни зиммамизга юклайди.

Бу масала юзасидан шуни айтиш керакки, бизгача етиб келган манбаларда Зарафшоннинг Амударёга қуйилганлиги тўғрисида аниқ фактик маълумотларни учратмайсиз. Милодгача бўлган даврда яшаган қадимги Юнон ва Рим муаллифларидан тортиб, то сўнги феодализм даврида яшаган маҳаллий тарихчиларгача ўз асарларида Зарафшоннинг Амударёга етмай, қумликлар ичида тугаши тўғрисида ёзадилар.

Македониялик Искандарнинг Урта Осиёга юриши тўғрисида ёзган авторлардан Квинт Курций Руфнинг фикрича, Зарафшон дарёси ёки қадимги юнонларнинг айтишича, «Политимет» даставвал торгина ўзан бўйлаб оққан, сўнгра унурга қуйилиб, ер остига сингиб кетган<sup>57</sup>.

Географ Страбоннинг таъкидлашича, Политимет «Сугдиёгани суғоргач, қумли чўлдан иборат территорияга оқиб чиққан ва у ерда қумга сингиб кетган»<sup>58</sup>. Аррианнынги ёзишича, дарёда (Политиметда) сув тугаган жойдан чўл бошланган. «Сувнинг сероблигига қарамасдан у тамом бўлади, — деб ёзади Арриан, — чунки у қумликларга сингиб кетади»<sup>59</sup>. Қадимги авторларнинг маълумотларидан кўриниб турибдики, милод бошларида Зарафшоннинг Амударё билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Ҳафизии Абрўнинг юқорида келтирилган маълумотини ҳисобга олмаганимизда, гарчи бу ҳақда ўз мулоҳазамизни баён қилган бўлсак-да, Зарафшонни тилга олган ўрта аср Шарқ тарихчиларининг деярлик ҳаммаси ҳам қадимги юнон муаллифларининг маълумотларига ўхшаш фактларни қайд этадилар. Аввало улар ҳам Зарафшон Амударёга қуйилган деган фикрни мутлақо айтмайдилар. Бу борада айниқса X аср авторларининг маълумотлари диққатга сазовордир. Бухоро тарихчиси

---

<sup>57</sup> Квинт Курций Руф, О деяниях Александра Македонского, Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.) Хрестоматия под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, 1940, стр. 69.

<sup>58</sup> Страбон, География, Древние авторы о Средней Азии, стр. 85.

<sup>59</sup> Арриан, Поход Александра, Перевод с древнегреческого М. Е. Сергеевко, М.—Л., 1962, стр. 138.

Наршахий Зарафшон дарёси йигирма фарсанг<sup>60</sup> узунликдаги катта кўлга қуйилиши тўғрисида ёзади. Одатда бу кўлга Бухоро воҳисидан ортган партов сувлар ташланган. Шу билан бирга, Наршахий кўлнинг Боргини Фарох, Қоракўл, Бухайрайи Сомжан ва Денгиз каби тўрт хил номларини келтиради<sup>61</sup>. Худуд ул-Олам авторининг хабар қилишича, Зарафшон оқимининг бир қисми Бухоро деҳқончилигида сарф бўлиб, қолгани Мавозайи Байканд кўлига қуйилган<sup>62</sup>.

X аср географларидан Ибн Хавқал, Истахрий, Абу Зайд ал-Балхийлар эса, Наршахийнинг юқорида қайд этилган маълумотларини тасдиқловчи фактларни ўз асарларида келтиришлари билан бирга, бу манзарани ойдинлаштириб кўрсатувчи қимматбаҳо картографик ҳужжатларни чизиб ҳам қолдирганлар. Ибн Хавқал<sup>63</sup>, Истахрий<sup>64</sup> ва ал-Балхий<sup>65</sup> томонидан Мовароуннаҳрнинг алоҳида-алоҳида чизилган учта хариталарида гарчи схематик равишда бўлса ҳам Зарафшон дарёси бош олган ва қуйилган жойлари ҳамда унинг юқори irmoқлари асосан тўғри тасвирланган. Учала харитада ҳам Зарафшон бир неча тоғ дарёларидан ҳосил бўлган кўлдан бош олиб, аввал шимоли-ғарбга томон оққан, сўнгра жануби-ғарбга бурилиб Амударёга етмасдан доира шаклидаги кўл билан тугаган схемада кўрсатилган. Бу хариталарда ҳатто Зарафшон дарёси кесиб ўтган Суғд ва Бухоро вилоятлари ҳамда бу вилоятлардаги Самарқанд, Арбинжан, Дабусия, Хомкас, Қармония, Тавовис, Бухоро ва Нумижкат каби шаҳарлар ҳам кўрсатилган. Булар Зарафшон водийсининг умуман бирмунча аниқ ва тўлиқроқ тасвирланганидан далолат беради.

X аср авторларидан сўнг, Зарафшон дарёсининг оқими тўғрисида аниқроқ маълумот Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг солнома асари «Бобирнома»да қайд этилади. Бобир ҳам юқорида келтирилган далилларни тасдиқловчи маълумотларни баён қилади. Унинг ёзишича, XVI аср бошларида Зарафшоннинг оқими Амударёга қуйилиши у ёққа турсин, ҳатто ёз мавсумларида Бухорогача ҳам етиб бормаган<sup>66</sup>.

XVII аср авторларидан Саид Муҳаммад Тоҳир ўзининг «Ажойиб ул-табақот» номли асарида Зарафшон дарёси тўғрисида қисқа бўлса ҳам юқоридаги маълумотларни тасдиқловчи ва тўлдирувчи фактларни келтиради. «Кўҳак дарёси тоғдан оқиб тушиб,— деб ёзади автор,— Суғд, Самарқанд ва Миёнкол вилоятлари [орқали]

<sup>60</sup> Бир фарсанг 6—7 км; Б. В. Миллер, Персидско-русский словарь, М., 1953, стр. 307.

<sup>61</sup> Тарихи Наршахий, Когон нашри, 23-бет; Бухоро тарихи, 28-бет.

<sup>62</sup> Худуд ал-Алем, Рукопись Туманского с введением и указанием В. Бартольда, Л., 1930, стр. 90.

<sup>63</sup> Bibliotheca Geographorum Arabicorum, Opus geographicum auctore ibn Naukal. Liber Imaginis Terrae У. Н. Kramers, Lugduni, t, 2, 1939, pp. 48—449.


<sup>64</sup> Уша асар, 462—463-бетлар.

<sup>65</sup> K. Miller, *Maprae arabical*. Bd. IV, Stuttgart, 1929, p. 59-Жадвал, № 1—3.

<sup>66</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Бобирнома, Тошкент, 1960, 104—105-бетлар.

Бухорога боради ва Қорақўлда тугайди. Бу дарёнинг узунлиги бир юз йигирма фарсанг»<sup>67</sup>.

Саид Муҳаммад Тоҳирнинг Зарафшон дарёсининг узунлиги тўғрисида келтирган рақамлари тарихий манбалардаги энг дастлабки



И бн Хавқалнинг Мовароуннаҳр харитаси (Марказда Зарафшон дарёси ва унинг водийси тасвирланган)


маълумот бўлиб, дарёнинг ҳақиқий масофасига деярлик тўғри келади.

Аҳмад Дониш томонидан чизилган Бухоро шаҳари ва унинг атрофи планида ҳам «Зарафшон дарёсининг суви экин ерларига боғлаб олингач, Қорақўлга боради, [сўнгра қўлга] тўпланиб, ерга сингиб кетади»,— деб ёзилган<sup>68</sup>.

<sup>67</sup> نهر کوهک از کوهی بر میاید بولایت سغد و سمرقند و میانکال و بخارا میرسد در قراکول منتهی میشود طول این رود سايد محمد توحید بن ابوالحسن، آجوبیہ اول-تاباقت، قۇلەزما، ۛزССР ڤا Шарқшунослик институти، ивн, № 688, варақ 60 а.

<sup>68</sup> آب رود زرفشان پس از سر آب شدن زمین زراعت میرود. LOINA AN СССР архивы, Ф. 36, оп. 1, д. 17, л. 1.

Тарихий манбаларда келтирилган бу маълумотлар, гарчи турли даврларга оид бўлиб, ҳар томонлама тўла-тўқис бўлмаса-да, ҳар ҳолда македониялик Искандарнинг Урта Осиёга қилган ҳарбий юриши давридан, яъни милодгача бўлган IV аср охиридан то



Мохондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб топиб текширилган неолит ва бронза даврлари ёдгорликларининг схематик харитаси:

1—Неолит даври маконлари; 2—Бронза даври маконлари; 3—Кумбосган даштлик ерлар; 4—Барханли кумлар; 5—Кудуқлар; 6—Шур ва суви қуриб қолган қадимги кўллар; 7—Қуриб қолган қадимги дарё ўзани.

сўнги феодализм даврида ҳам Зарафшон дарёсининг Амударёга оқмаганини ҳар томонлама аниқ ва равшан тасдиқлайди. Шу сабабли бу масалага бир оз ойдинлик киритиш учун Зарафшоннинг қуйи қисмида ўтказилган археологик текширишларнинг натижаларига суйанмиз.

Мохондарё отрядининг 1950—1964 йиллар мобайнида Зарафшоннинг дельта характеридаги ирмоқлари жойлашган районлари бўйлаб очган археологик кашфиётлари қуйи Зарафшонда яшаган ибтидоий кишиларнинг моддий-маданияти қиёфасини ва хўжалик ҳаётининг асосларини тиклаш имкониятини бериш билан бирга, Мохондарё ва Гужайлининг қадимги ўзанлари бўйлаб сувнинг оққан даврлари (гарчи нисбий равишда бўлса ҳам) ва уларнинг оқимида содир бўлган баъзи бир ўзгаришлар тўғрисида фикр юритиш учун бизга қимматли фактик материал берди.

1960—1961 ва 1963 йилларда Гужайли бўйлаб, Кичиктузкон атрофида 3, Каттатузкон атрофида 33, Мохондарё бўйлаб, Лўхли-



кўл ва Эчкиқирон кўллари атрофида 2 калтаминор маданиятига хос бўлган неолит даври ёдгорликларининг қолдиқлари топиб текширилди<sup>69</sup>. Топиб текширилган неолит даври ёдгорликларининг жойлашган участкалари ва уларнинг остида ҳосил бўлган қатламларнинг стратиграфияси бизни қизиқтираётган масала билан чамбарчас боғлиқдир. Агарда Каттатузкон атрофида топилган неолит маконларининг тарқалиши кузатилар экан, қадимги кўлда сув сатҳи доимо ўзгариб турганини кўз олдимизга келтириш унчалик қийин эмас. Масалан, Каттатузконнинг шимолий ва шимоли-шарқий соҳиллари сифатида кўтарилиб турган қир ёқалаб жойлашган маконлар назарда тutilмаса, Каттатузконнинг аллювиал воҳасининг қум босиб у ёки бу ерда дўппайиб чиқиб қолган баландликлардан иборат қисмида ёдгорликларнинг тарқалиши топографик жиҳатдан бир хилда эмас. Улар кўл ичидаги тақир қоплаган баландликларнинг ён бағрида ҳам, бевосита шўрнинг устида ҳам учрайди. Қадимги кўлнинг чуқурлигига нисбатан бу ёдгорликларнинг бир сатҳда жойлашмагани, яъни уларнинг, бир пайтда гоҳ шўрнинг бевосита ичида, гоҳ унинг соҳиллари ён бағрида ва баъзан баландликларнинг тепасида учраши, шубҳасиз, милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирлари ва III минг йиллик давомида Каттатузкондаги сув сатҳи ва уни сув билан таъминлаган Гужайли оқимининг сув режимини ўзгартиб турганидан гувоҳлик беради.

Шу даврларда бу районга сувнинг қай даражада келиб турганини ҳамда Мохондарё ва Гужайлининг сув балансида содир бўлган баъзи бир катта ўзгаришлар тўғрисида Каттатузконнинг шимоли-ғарбий соҳилида жойлашган кўп қатламли неолит ёдгорлиги: I Дарбозақир ва II Дарбозақир маконларидаги қатламларнинг структурасидан ҳукм этиш мумкин. Шуниси эътиборлики, ҳар икки ёдгорликнинг маданий қатламлари тоза қум қатламлари билан алоҳида-алоҳида ажралиб турган тўрт қават тақир устида ҳосил бўлган. Бу тақир қатламлар Каттатузкон кўлида сув сатҳининг ниҳоятда кўтарилиб, Дарбозақир райони деярли сув остида қолган вақтларда, оқимнинг лойқа ётқизиқлари туфайли вужудга келган. Бу тўрт қават тақирларнинг тоза қум қатламлари билан ажралиб туриши эса, ўз навбатида, Дарбозақир районида қачонлардир қадим замонларда содир бўлган сув тошқинлари бирин-кетин тўрт марта қайтарилганидан далолат беради. Дарбозақир бетини қоплаган тақирлар устида неолит даври ёдгорликлари маданий қатламларининг бевосита ётиши, тақирлар қаватининг ҳосил бўлишига сабаб бўлган сув тошқинлари, бу территориянинг аҳоли томонидан ўзлаштирилгунча, яъни милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларигача юз берган. Шундай қилиб, неолит даврининг маданий қатламлари остида ётган ер қатламининг структураси Каттатуз-

---

<sup>69</sup> Неолит даврига оид ёдгорликлари милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирлари ва III минг йиллик билан саналади. У. Исламов, Многослойная стоянка кельтеминарской культуры в низовьях Зеравшана, ИМКУ, № 4, Ташкент, 1963, стр. 45.


кон территориясида сув сатҳининг максимал кўтарилган даври бу районда неолит маконларининг вужудга келишидан бирмунча олдинроқ содир бўлганини кўрсатади.

Бу даврда, яъни милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларига қадар, Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг жўшқин оқими Каттатузкон районига кенг территорияга ёйилган ва бемалол узлуксиз равишда Амударёга қуйилиб турган.

Моҳондарё ўзани бўйлаб Лўхли ва Эчкиқирон кўллари ва Гужайли бўйлаб Кичиктузкон ҳамда Каттатузкон кўллари атрофида кўпдан-кўп неолит маконларининг топилиши неолит даври, яъни милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирлари ва III минг йиллик мобайнида бу районда доимо сув бўлгани ва ҳаёт учун энг зарур бўлган бу манбанинг муттасил оқиб турганлиги сабабли ҳам аҳоли қарийб минг йилдан ошиқроқ давр давомида бу районда яшаш имконига эга бўлганининг аломатидир. Шубҳасиз, неолит даврида Зарафшон Моҳондарё орқали Амударёга вақти-вақти билан қуйилиб турган. Шуниси маълумки, неолит даврида ҳам Моҳондарё ва Гужайлининг сув баланси доимо бир хилда бўлмай, балки ўзгариб турган. Буни I Дарбозақир ёдгорлигининг маданий қатлами структурасидан аниқ сезиш мумкин. Дарбозақирнинг энг юқори тақрири устида вужудга келган бу маданий қатлам уч қават тоза ва зич қум қатламлари билан бўлиниб туради. Маданий қатламларнинг стратиграфия жиҳатидан бундай ётиши, шубҳасиз, неолит даври давомида ҳам қадимги Каттатузкон кўлидаги сув сатҳининг, шу жумладан, Гужайли оқим режимининг доимий равишда бир неча бор ўзгарганидан ва шу сабабли, I Дарбозақир мақонида истиқомат қилган ибтидий аҳолининг ўз турар-жойларини уч марта ташлаб кетиб, қайта яна ўрнашишга мажбур бўлганидан далолат беради. Юқорида келтирилган топографик ва археологик маълумотлар шуни кўрсатадики, неолит давригача жўш уриб оққан Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари милоддан аввалги IV—III минг йилликлар давомида ҳам Амударёга томон ўз оқимини, шубҳасиз тўхтатмаган.

Неолит даврининг охиридан бошлаб Моҳондарёда манзара бирмунча ўзгарган. Унинг қуйи ва ўрта қисмларида оқим аста-секин камайиб борган, ниҳоят, бронза даврига келганда Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг қуйи қисмларига сув етмай Каттатузкон каби қадимги кўл деярлик қуриб қолган. Худди шу даврдан бошлаб Зарафшоннинг Моҳондарё орқали Амударё билан бўлган қадимги алоқаси бутунлай узилган. Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари қуйи қисмларининг қуриб қолиши натижасида, бу райондаги кўпдан-кўп кўллар атрофида қамиш ва лўх босган тўқайлар ичида неолит даврдан яшаб желаётган аҳолининг ўз маконларини ташлаб, қуриб бораётган ўзанлар бўйлаб, унинг юқори қисмига кўчгани кузатилади. Буни Моҳондарёнинг ҳар икки ўзанлари бўйлаб, бронза даври ёдгорлик ва айрим топилмалари тарқалган территориянинг чегарасидан яққол кўриш мумкин. Неолит даврининг аҳолиси, асосан Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг қуйи қисмида,

айниқса, Каттатузкон атрофида жойлашган бўлса, бронза даврида эса, аҳоли уларнинг юқори қисмига, шу жумладан Каттатузкондан 20 км юқоридаги Замонбобо кўли, Кичиктузкон, Каптарниқуми ва Мохонкўл атрофларига келиб ўрнашган. Шунинг учун ҳам бронза даврининг моддий ва маданий қолдиқлари, асосан Мохондарё ва Гужайли ўзанларининг юқори қисмида учрайди. Ҳозирги вақтда бу районда бир неча йиллар давомида 20 дан ортиқ бронза даврига оид ёдгорликлар топилиб текширилди. Ёдгорликларнинг асосий қисми Замонбобо ва Кичиктузкон атрофида топилиб, улардан фақат учтаси Каттатузкон территориясида, аниқроғи,



Мохондарёнинг Гужайли ўзани ҳосил қилган қадимги Замонбобо кўли (самолётдан кўриниши)

қадимги кўлнинг шўр bosган энг чуқур ерларида жойлашган. Бронза даври қароргоҳларининг топографик жиҳатдан бундай жойланишининг ўзи, юқорида баён этилган фикрни маълум даражада тасдиқлайди. Ёдгорликларнинг бир группаси деҳқончилик ва ўтроқ чорвачилик билан шуғулланган аҳолига тегишли бўлиб, бу группа тарих фанида «Замонбобо маданияти»<sup>70</sup> деб аталмоқда. У милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан саналади. Иккинчи группа ёдгорликлар кўчманчи чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган аҳолига оид бўлиб, Андроново-Тозабобё

<sup>70</sup> Я. Г. Гулямов, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, Труды Ин-та истории и археологии, вып. VIII, Ташкент, 1956, стр. 149—161. Яна қаранг: А. Аскаров, Поселение Заманбаба, Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института археологии, № 93, М., 1963, стр. 86.

маданиятига кўпроқ мансубдир. У милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми билан саналади<sup>71</sup>.

Демак, милоддан аввалги II минг йилликка оид икки хил маданият қолдиқларининг бу райондан топилишининг ўзи, умуман олганда, бронза даврида ҳам Моҳондарё ва Гужайли ўзанининг оқиб турганидан ҳамда Замонбобо ва Кичиктузкон кўлларида доимо сув бўлганидан гувоҳлик беради. Бу даврларда Моҳондарё оқимининг қандай даражада бўлганини аниқлаш учун, Замонбобо кўлидан 700 м шарқда Гужайлининг қуриб ётган қадимги ўзани ёқасида жойлашган Замонбобо маданиятига тегишли бронза даври қишлоғи харобасида ўтказилган археологик текширишларни эътиборга олиш аҳамиятлидир. Узунлиги 23,5 м, кенглиги 9,5 м, чуқурлиги 1 м га яқин тухумсимон ярим ертўла чайла Гужайлининг ўнг соҳилида 170 см қалинликдаги тақирга ўйиб ишланган. Тақирнинг 150 см қалинлигидаги юқори қисми неолит даврининг охирига оид 7—8 см ли маданий қатлам устига ётқизилган. Икки даврга оид маданий қатламлар орасида қалин лойқа ётқизилганининг бўлиши, Замонбободаги бронза даври қишлоғининг вужудга келмасдан бир қанча вақт илгари, узоқ давр давомида оқиб турган каттагина оқимнинг жўшқин ҳаракатининг натижасини кўрсатса, ибтидоий деҳқонларнинг тақирни ўйиб ишлаган ярим ертўла чайласи эса, бронза даврида ҳам бу район тошқин сувларга сероб бўлганидан гувоҳлик беради. Кичиктузкон ва Замонбободан жануби-ғарбда жойлашган Қаптарниқуми, Қамишлик ва Ҳўкизқудуқ атрофларида кенг территорияда ётқизилган аллювиал қатламлар ва улар устида вужудга келган Замонбобо ва Андроново-Тозабоғёб маданиятларига мансуб бронза даври ёдгорликларининг унчалик қалин бўлмаган қатламлари ва бу маданий қатламларнинг интенсив эрозия натижасида емирилиб, улар орасидаги сопол идиш парчалари ва микролит қуроллари ҳар томонга сочилиб ётиши, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида ҳам бу районларда ҳаётнинг қайнаганидан ва Гужайли ўзани оқимининг тошқин сувлари Замонбобо ва Кичиктузконлардан ўтиб, жануби-ғарбга, Қаптарниқуми томон кенг территорияга ёйилганидан далолат беради. Афтидан, бронза даври давомида Зарафшоннинг даврий тошқинлари Гурдуш орқали Замонбободан ўтиб, кўпроқ ғарбга Қаптарниқуми томон оққанга ўхшайди. Чунки унинг ётқизган қадимги қалин лойқалари жуда кенг территорияга ёйилган. Ҳозирги вақтда Қаптарниқуми районида жуда кенг территорияда қалин қум барханлари остидан чиқиб қолган оппоқ тақирлар самолётдан жуда яхши кўзга ташланади<sup>72</sup>.

<sup>71</sup> Я. Г. Гулямов, У. Исламов, А. Аскарров, Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 208—223.

<sup>72</sup> 1964 йилнинг кузида биз Қаптарниқуми райони устидан самолётда кузатиш ўтказдик. Бу районда қадимги тошқинларнинг лойқа ётқизилари ғарбга томон жуда кенг территорияда қум барханлари остидан оппоқ тақирлар ҳолида яққол кўринади.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, гарчи милоддан аввалги II минг йилликнинг бошларида Моҳондарёнинг қуйи қисми сувсизликдан қуриб, Зарафшоннинг Амударё билан қадимги алоқаси бутунлай узилган бўлса ҳам, аммо унинг юқори қисмига сув келиб турган.

Шундай қилиб, Моҳондарёнинг тошқинлари атрофида ибтидоий деҳқончилик вужудга келиб, суғорма деҳқончиликка асос солинган бўлса-да, бироқ суғорма деҳқончилигининг бу районда ривожлангани кузатилмайди. Ривожланган суғорма деҳқончилик маданияти изларининг Моҳондарё районида учрамаслиги бунинг ёрқин далилидир. Я. Ғ. Ғуломовнинг фикрича, милоддан аввалги I минг йилликдан бошлаб Моҳондарёнинг оқими Гужайли ўзани орқали Замонбобо кўлидан қуйига ўтмаган<sup>73</sup>. Бухоро воҳасида суғорма деҳқончилигининг ривожланиши билан Зарафшон оқимининг ирригация тармоқларига тортилиб кетиши натижасида, гарчи серсувлик йилларида унинг тошқинлари Моҳондарёга томон вақти-вақти билан уриб турган бўлса ҳам, у деярли оқимдан тўхтаган. Аҳоли сувсиз қолган территорияни ташлаб, Зарафшоннинг асосий ўзанига яқинроқ жойга бориб ўрнашишга мажбур бўлган. Шу даврдан бошлаб, Моҳондарёнинг қуруқ ўзани баҳор ва ёздаги тошқинларни ҳамда деҳқончиликдан ортган партов сувларни ташлайдиган сув ташлагич коллектор ва унинг қуруқ ўзани бўйлаб жойлашган Моҳон ва Замонбобо каби қадимги кўллардан эса партовлар тўпланадиган адоқ ерлар сифатида фойдаланилган.

Моҳондарё оқими Амударёга қуйилиб турган қадим даврларда Зарафшоннинг асосий ўзани, Қорақўлдарё ҳам Тайқир орқали Амударё билан боғланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас<sup>74</sup>. Чунки худди шу даврларда Қашқадарёнинг қуйи оқими Қорақўлдарёга келиб қуйилиб, Амударёга томон интилишини бирмунча активлаштирган.


Ҳозирги Бухоро районига қарашли Хўжамуборак, Сариклар, Шайхлар ва Кўҳнашаҳар қишлоқларигача зўрға етиб келадиган Қашқадарё оқими, бундан бир неча минг йиллар муқаддам кучли оқим билан шимоли-ғарбга томон давом этган. У Бозорчи қишлоғидан ўтиб, Қўҳнашаҳардан 33—40 км қуйида, Тошқудуқ яқинида иккига ажралган. Улардан бири ғарбга, иккинчиси шимоли-ғарбга йўналган. Бу икки ўзанларнинг сувсиз қуруқ излари кўчма қумлар билан қопланган Қарши чўлининг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида жуда яхши сақланган<sup>75</sup>.

<sup>73</sup> Я. Ғ. Гулямов, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, стр. 150.

<sup>74</sup> Я. Ғ. Ғуломов фикрича, Зарафшон Тайқир билан Амударёга Денгизкўл орқали қўшилган, Қаранг; Я. Ғ. Гулямов, Вода возвращается по следу, «Правда Востока», 22 августа 1964 года.

<sup>75</sup> 1963 йилда Моҳондарё археологик отряди Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб текширишлар ўтказди. Натижада унинг Зарафшонга томон оққан излари ва қуйилган жойи ҳамда сув оққан даврлари аниқланди. Отряд составида автордан ташқари проф. Я. Ғ. Ғуломов, А. Асқаров, Р. Сулаймонов ва Ғ. Дадабоевлар қатнашдилар.

Тошқудуқдан ғарбга йўналган биринчи ўзан Қозончуқур мавзеигача, қарийб 25 км масофада икки қир ўртасида давом этади. Унинг эни 40—50 м, чуқурлиги 2—3 м, баъзи жойларида 4 м гача боради. Қозончуқур яқинида у қирлар орасидан чиққач, бирмунча кенг территорияга ёйилиб Кўкча баландлигидан жануброқда жойлашган Кўкча қудуғининг усти билан ўтади. IX—XI аср ёдгорлиги Қумсовтан шаҳар харобаси томон йўналади. Қумсовтан районида у Тошқудуқдан шимоли-ғарбга йўналган иккинчи ўзан билан қўшилади. Тошқудуқдан 15 км қуйида иккинчи ўзан ҳам ўз навбатида иккига ажралиб, узунлиги 11,5 км, эни 2 км ли орол ҳосил қилади. Юқори ўзан Талли ва Сузма қудуқлари, қуйи ўзан Одина ва



Қашқадарёнинг Зарафшонга қуйилган қадимги қуруқ ўзани (Сариқлар қишлоғи яқинида)

Зоиркалтанинг сузмаси қудуқлари орқали ўтиб, Майнали қудуғига етмасдан бирлашади.

Бу районда ўзанининг кенлиги 50 м ва чуқурлиги 1—1,5 м дан ошмайди. Майнали қудуғи яқинида у ўз йўналишини шимоли-ғарбдан жануби-ғарбга буради. У Бухоро воҳасининг жанубий чеккасига жойлашган Зағоркаш ва Қумрабод қишлоқларидан 8—10 км жанубда кенг территорияга ёйилиб, Қозоққудуқ, Қафиржар, Жанам ва Ширин қудуқлари орқали ўтади ва Қумсовтан атрофида ёйилади. Қумсовтан районида ҳар икки ўзанларнинг лойқа ётқиқиқлари натижасида эни 5 км ва узунлиги 30 км дан ошиқроқ кенг текислик ҳосил бўлган. Ҳозирги вақтда усти шўрхок босган бу текислик кўчма бархан қумлар билан қопланган. Бу районда ўзан барханлар остида қолиб, яққол кўзга ташланмаса-да, Қумсовтан-дан 14—15 км ғарбда Пайкент кўли яқинида яна пайдо бўлади. Гар-

чи у кўлнинг жануби-шарқидан қуйилиб, жануби-ғарбидан чиқиб Пайкент кўлини ҳосил қилса-да, бироқ унинг асосий оқими кўлни уч томондан, жануби-шарқ, жануб ва жануби-ғарбдан ўраб ўтади. Қашқадарёнинг қадимги ўзанининг қуруқ излари бу районда маҳаллий аҳоли ўртасида «арна» номи билан аталиб, у кўлнинг жанубида жуда яхши сақланган. Унинг кенглиги 15—20 м, чуқурлиги 2—3 м га боради. Пайкент кўлининг жануби-ғарбий бурчаги қисмида арна ярим доира шаклида айланиб ўтгани учун, бу мавзе Туямуйин номини олган.

Туямуйин қисмида арна бир оз кенгайиб, унинг эни 30—35 м ва чуқурлиги 1,5—2 м га боради. Туямуйинга ўтгач, у Харобақулончи ва Ариқбўйиқулончи қишлоқлари орқали Яккатут ва Қорақўл ўртасида темир йўлини кесиб ўтиб, Дўрман қишлоғи яқинида Зарафшонга — Қорақўлдарёга келиб қўшилади. Дўрман қишлоғи билан темир йўл орасида арна экин майдонларига қўшиб юборилгани сабабли, унинг ўрни кўзга яққол ташланмаса-да, аммо темир йўлнинг жанубида Ариқбўйиқулончи ва Харобақулончи қишлоқлари оралиғида у жуда аниқ кўринади. Бу районда унинг кенглиги 10—12 м, чуқурлиги 1—1,5 м дан ошмайди<sup>76</sup>.


Қашқадарёнинг қадимги ўзани бўйлаб ўтказилган археологик текширишлар натижасида, Пайкенткўлининг жанубий ва шарқий соҳилларидан 2—3 км четда, барханли қумлар атрофида бешта пунктда неолит даврига оид ва кўлнинг жанубий қисмида, арна бўйида ўнта пунктда бронза даврининг охирларига оид ёдгорликларнинг қолдиғи топилди<sup>77</sup>. Зарафшон водийсининг қуйи қисмига туташган Қарши чўлининг шимоли-ғарбий районларида неолит ва бронза даври ёдгорликларининг учраши, қадим замонларда Қашқадарёнинг суви чўл бағрини ёриб ўтиб, Зарафшонга томон оққанидан ва қулай табиий шароит туяйли бу район ҳозирги вақтдан тахминан 4—5 минг йил муқаддам аҳоли томонидан ўзлаштирилганидан далолат беради.

Топилган ёдгорликларнинг жойлашган территориясига қараганда, бронза даврига нисбатан неолит даврида Қашқадарёнинг оқим режими бирмунча кучли бўлиб, Пайкент кўли атрофида кенг территорияга ёйилган. Шу сабабли бўлса керак, неолит даврида қадимги кўлнинг атрофида ўрнашган маконларнинг қолдиқлари бронза даври ёдгорликлари топилган пунктлардан 2—3 км четроқда учрайди. Шунга қараганда, бронза даврига нисбатан, неолит даврида Пайкент кўлининг ҳажми бирмунча катта ва ундаги сувнинг сатҳи анча-мунча баланд бўлган. Шубҳасиз, бу даврларда Қашқадарё ўз оқимини узлуксиз Зарафшонга қуйиб турган.

<sup>76</sup> Я. Г. Гулямов, У. Исламов, А. Аскар ов, Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, стр. 18—20.

<sup>77</sup> Неолит даври ёдгорликлари Калтаминор маданиятига мансуб бўлиб, маданий қатлами сақланмаган. Бронза даври ёдгорликлари Амиробод-Тегискент ва Андронов-Тозабөгёб маданиятларига тегишли, Я. Ф. Фуломов, У. Исламов, А. Аскар ов, Уша асар, 194—196-бетлар.

Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва дарё суви асосий қисмининг суғориш системаларига тарқалиб кетиши натижасида, унинг оқими табиий равишда Зарафшонга етмай қолган бўлса ҳам, аммо то XI аср охирларигача Қумсовтан ва Пайкент кўлигача бўлган районларгача сунъий равишда сув ташланиб турилгани эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки бу қуруқ ўзан бўйлаб жойлашган қатор ўрта аср ёдгорликлари ва уларнинг атрофида вужудга келган обод ерлар шуни тақозо қилади. XII асрдан бошлаб, Қашқадарёнинг қадимги қуйи оқими сувсизликдан



Қумсовтан шаҳар харобаси

қуриб, Қумсовтандан Пайкентгача бўлган обод ерлар сувсиз қуруқ чўлга айланган. Гарчи XII асрдан бошлаб, Қашқадарё оқими ўзининг қадимги ўзани бўйлаб оқмаган бўлса ҳам, аммо аҳён-аҳёнда содир бўладиган серсувлик йилларида унинг тошқин сувлари қадимги қуруқ ўзан бўйлаб чўл бағрига вақти-вақти билан бир неча бор тошиб борган. Масалан, айрим этнографик маълумотларга қараганда, 1915—1917 йилларда Қашқадарёнинг тошқин сувлари Тошқудуқдан шимоли-ғарбга йўналган ўзанга уриб, Зағоркаш, Қумрабод, Раимобод, Танғаша ва Қипчоқ қишлоқларининг жанубидаги Туркон, Кўлён ва Қозоққудуқлари жойлашган районда кенг территорияга ёйилиб, Қафиржар ва Жанам орқали Қумсовтан яқинигача етиб борган. Тошқин ҳатто Зағоркаш қишлоғи яқинида захкаш устига пишиқ ғиштдан қурилган ўрта аср кўпригини олиб кетган. Зағоркаш жанубида сув босган территориянинг эни 10 км дан ошиқроқ масофага чўзилган. Бухоро воҳасининг жанубий чегарасидаги қишлоқларнинг аҳолиси ўз чорвасини Қарши чўли-



даги «Девориқоқ», «Зикриқудуғи» ва бошқа яйловларга ҳайдаб ўта олмаган. Улар Бухоро амирига ариза бериб, амирнинг буйруғига биноан Бухоро шаҳаридан то Қоракўлга қадар Зарафшон дарёсининг сувидан фойдаланган ҳамма аҳоли асбоб-ускунаси билан умумий ҳашар «мардивило»га чақирилган. Натижада, Зағоркаш қишлоғидан чўлга томон хокбанд (дамба) ва 13-кўприк қурилган. Бу кўприкларнинг қолдиқлари Қарши чўлида ҳозирги вақтгача сақланган 13-кўприк «Уста Абдурайим кўприги» номи билан машҳурдир. Чунки у маҳаллий усталардан бирининг шахсий маблағи ва кучи билан ўрнатилган.

Бундай воқеа 1969 йилда ҳам қайтарилиб, Қашқадарё суви Аму-Бухоро каналигача етиб келган ва маълум масофада унинг ўнг соҳилини ўпириб кетган.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, неолит ва бронза даврларида Қашқадарёнинг қуйи оқими Қоракўлдарёга қуйилиб, Қашқадарё воҳаси Зарафшон водийсининг Бухоро ва Қоракўл воҳалари билан туташган.

Шунга асосланиб, Қашқадарё Зарафшоннинг ва Зарафшон дарёси эса Амударёнинг қадимги ирмоғи деб, дадил айта оламиз.

### 3. Тарихий манбаларда Зарафшон

Тарихий манбаларда «Зарафшон» номи XVIII асрнинг бошидан бошлаб тилга олинса-да, бироқ бу дарё ва унинг водийси тўғрисидаги ёзма маълумотлар жуда қадим замонларга оиддир. Даставвал, юқорида эслаб ўтилганидек, «Политимет» номи билан антик давр авторлари Арриан, Квинт Курций Руф ва Страбонларнинг асарларида<sup>78</sup> қайд этилади. Политимет Зарафшон дарёсининг қадимги маҳаллий номи эмас, балки у юнонлар томонидан берилган топонимдир. Масалан, Страбон «Суғддан оқиб ўтадиган дарёни Аристобул Политимет деб атайди. Бошқа кўпгина [жойларнинг] номларини ўзгартириб, янгидан қўйганларидек, македонияликлар унга [Зарафшонга] ҳам бу номни берган эдилар»<sup>79</sup>,— дейди. Политимет сўзи қадимги юнон тилида «хурматли», «улуғ», «азим» маъносини англатган<sup>80</sup>. Қадимги юнон манбаларида Зарафшон тўғрисида келтирилган маълумотлар гарчи тўлиқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда унинг Суғдиёна каби обод «воҳани суғориб қумликлар ичида тугайди»<sup>81</sup>, деб кўрсатилиши, қадимги авторларнинг Урта Осиё географияси, айниқса, Урта Осиёдаги бошқа дарёлар тўғрисида берган маълумотларига қараганда бирмунча аниқ ва ишонарлидир.

<sup>78</sup> Арриан, Поход Александра, IV, 6, стр. 139; Квинт Курций Руф. О деяниях Александра Македонского, VII, 10, Древние авторы о Средней Азии, стр. 69; Страбон, География, XI, II, Древние авторы о Средней Азии, стр. 85.

<sup>79</sup> Страбон, География, XI, II, 5, Древние авторы о Средней Азии, стр. 85.

<sup>80</sup> И. Х. Дворецкий, Древнегреческо-русский словарь, т. II, М., 1958, стр. 1351.

<sup>81</sup> Страбон, Уша асар, 85-бет.

Хитой манбаларида Зарафшон дарёси «Нами» номи билан қайд этилади<sup>82</sup>. Томашекнинг фикрича, дарёнинг қадимги номи «Номиқ» бўлган<sup>83</sup>. Шуниси ҳам борки, Хитой манбаларида «Нами» деганда кўпроқ Сирдарёнинг юқори оқими тушунилиб, Зарафшон унинг ирмоғи деб ҳисобланган<sup>84</sup>. Шунга кўра, Хитой манбаларидаги Зарафшон дарёси тўғрисидаги маълумотлар бирмунча чалкаш бўлиб, бу чалкашлик топографик жиҳатдан қанчалик бузиб кўрсатилган бўлса, топонимик транскрипцияси жиҳатидан ҳам бузиб ёзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Абулхасан Нишопурийнинг «Хазойин ул-улум» асари бўйича Наршахийнинг келтирган маълумотига кўра, Зарафшон қадимда «Мосаф» ёки «Мосиф» деб ҳам аталган<sup>85</sup>.

Зарафшоннинг юқорида қайд қилинган қадимги номлари унга четдан берилган бўлиб, унинг қадимги маҳаллий исми ҳали аниқланмаган. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги ҳужжатларда Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган қадимги қишлоқларнинг топонимиясида Муғиён, Киштут, Мадрушкат, яъни Мастчоҳ ва Шинк номлари<sup>86</sup> тилга олинади. Шунга кўра, дарёнинг ирмоқлари қадим замонларда ҳам мана шу маҳаллий номлар билан аталган бўлиши мумкин.

Қадимги давр ёзма манбаларига нисбатан ўрта аср араб географлари асарларида Зарафшон тўғрисида бирмунча тўлиқ ва аниқ маълумотлар берилган. Уларнинг асарларида дарё «Водий-ус Суғд» ва «Нахр-ус Суғд» номи билан аталган<sup>87</sup>. Ибн Хавқалнинг сўзича, «Нахр-ус Суғд» Суғд ва Самарқандда «Нахр-ул Бухоро» номи билан ҳам машҳур бўлган<sup>88</sup>. «Худуд-ул Олам» автори ҳам Зарафшонни Нахр ул-Бухоро деб ёзади<sup>89</sup>. У Буттам тизма тоғларидан оқиб чиққан<sup>90</sup>. Истахрий ва Ибн Хавқаллар Буттам тоғ-

<sup>82</sup> Н. Я. Бичурин (Иакинф), Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. III. М.—Л., 1953, стр. 189.

<sup>83</sup> W. Tomaschek, Centralasiatische Studien. I. Sogdiana, Wien, 1877, (Sonderabdr. aus: SBAW Wien, Bd. LXXXVII, 1877, s. 19—20

<sup>84</sup> Н. Я. Бичурин, Уша асар, 39—40 ва 189-бетлар.

<sup>85</sup> Тарихи Наршахий, Когон шаҳри, 1904, 5-бет; Бухоро тарихи, 15-бет.

<sup>86</sup> Согдийские документы с горы Муг, вып. III, Хозяйственные документы, чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой, М., 1963, стр. 104—105; Яна қаранг: О. И. Смирнова, Каталог монет с городища Панжикент, М., 1963, стр. 19 и карта № 2.

<sup>87</sup> Истахрий, BGA I, 204, 306, 311—320-бетлар; Яна қаранг: Ибн Хавқал, BGA II, 346, 355, 359, 360, 365—366-бетлар; Яна қаранг: Мақдиси, BGA III, 19, 23, 269, 331—332-бетлар.

<sup>88</sup> النهر الواصل الى بخارا من نواحي سمرقند يعرف بنهر السغدو. Ибн Хавқал, BGA, II, 359-бет. بالسغدو سمرقند يعرف بنهر بخارا.

<sup>89</sup> Худуд ал-Алем, Рукопись Туманского с введением и указателем В. Бартольда, I, 1930, л. 9<sup>б</sup> и 23<sup>а</sup>, — «رود بخارا بر در سمرقند بگذرد» Бухоро дарёси Самарқанд шаҳарининг дарвозаси ёнидан оқиб ўтади». Худуд-ул Олам, 23<sup>а</sup> бети.

<sup>90</sup> Истахрий, BGA, I, 319-бет ва Ибн Хавқал, BGA II, 368-бет.

ларини уч қисмга: Буттам ал-аввал—Биринчи Буттам, Буттам ул-авсат—Ўрта Буттам ва Буттам ул-хориж—Ташқи Буттам<sup>91</sup>ларга бўлиб кўрсатадилар. Зарафшон Ўрта Буттамдан бош олади<sup>92</sup>. Истахрий, Ибн Хавқал<sup>93</sup> ва Ал-Балхийнинг Мовароуннаҳр хариталарида Буттам тоғлари ярим доира шаклида чизилган<sup>94</sup>. Зарафшон бу хариталарнинг биринчисида тўрт<sup>95</sup>, иккинчисида олти<sup>96</sup> ва учинчисида бешта<sup>97</sup> тоғ дарёларидан ҳосил бўлган кўлдан бош олади. «Худуд ул-Олам»да ёзилишича, Бухоро дарёси Ўрта Буттам тоғидан оқиб чиқадиган тўрт ирмоқдан ҳосил бўлган кўлдан бош олган. Бу кўл «Дарёжа» دريازه, яъни «Дарёча» номи билан аталган. Унинг эни ҳам, бўйи ҳам тўрт фарсангга тенг бўлган. Истахрий ва Ибн Хавқаллар бу кўлни «Жан» номи билан атайдилар<sup>98</sup>. Араб географларининг бу маълумотлари тўғрисида В. В. Бартольд «Дарёнинг бош ўзани ўрнида Фандарё ёки унчалик катта бўлмаган сўл ирмоқларидан бири ҳисобланган бўлса керак»<sup>99</sup>,—деб тўғри гумон қилади. Чунки дарёнинг сўл ирмоғи Фандарёнинг юқори оқими Искандаркўл билан, Шинкдарё эса Хазорчашма, Моргузар ва Нофин каби майда кўллар системаси билан боғлиқдир.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Шинкдарё «Жанд» номи билан ва у бош олган кўл эса «Кўли оби Жанд»<sup>100</sup> номи билан аталган. X аср муаллифлари эслаб ўтган «Жан» кўли билан «Кўли оби Жанд» номларининг транскрипцияси ўртасидаги ўхшашлик ҳисобга олинса, у вақтда араб географлари назарда тутган Зарафшоннинг асосий ўзанини Муғиёндарё деб ва «Жан» кўлини эса Муғиёндарёнинг сўл ирмоғи — Шинкдарёнинг юқори оқимига жойлашган кўлларнинг бирининг қадимги номи деб тушунтиришга тўғри келади. Бироқ шуниси ҳам борки, Ибн Хавқал «Жан» кўлини тасвирлаганда, уни Самарқанддан тахминан 30 фарсах юқорида жойлашган, деб кўрсатади<sup>101</sup>. Ҳар иккала пункт ўртасидаги масофани ҳисобга олганимизда, қадимги Жан ёки «Худуд ул-Олам»да тас-

<sup>91</sup> Истахрийнинг картасида Буттам тоғлари **البتيم الاول** Биринчи Буттам, **البتيم الثانى** Иккинчи Буттам ва **البتيم الثالث** Учинчи Буттам номлари билан кўрсатилган. *Bibliotheca Geographorum Arabicorum, Opus geographicum auctore ibn Naukal, Liber Imaginis Terrae*. Y. H. Kramers. Lugduni, t. 2, 1939, pp. 462—463.

<sup>92</sup> Истахрий, BGA I, 328-бет, Ибн Хавқал, BGA, II, 383-бет.

<sup>93</sup> BGA, Крамерс нашри, 448—449 ва 462—463-бетлар.

<sup>94</sup> K. Miller, *Marrae arabicae*. Bd. IV, Stuttgart, 1929, жадвал 59 №, № 1—3

<sup>95</sup> BGA, Крамерс нашри, 462—463-бетлар.

<sup>96</sup> Уша асар, 448—449-бетлар.

<sup>97</sup> K. Miller, *Marrae arabicae*, Жадвал № 59, № 1—3.

<sup>98</sup> Истахрий, BGA I, 319-бет; Ибн Хавқал, BGA II, 368, 383-бетлар.

<sup>99</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, М., Изд-во Восточной литературы 1963, стр. 133.


<sup>100</sup> В. Л. Вяткин, Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята, Справочная книжка Самаркандской области вып. VIII, Самарканд, 1902, стр. 28.

<sup>101</sup> Ибн Хавқал, BGA II, 383-бет.

вирланган «Дарёжа» кўли Фандарёнинг юқори оқимига жойлашган Искандаркўлига тўғри келади.

Шунга кўра биз, араб географлари назарда тутган асосий ўзани Фандарё деб ҳисоблашга мойилмиз. Араб авторлари у ёқда турсин, ҳатто XIX асрнинг 40-йиллари бошларида Россиядан Бухорога юборилган экспедициянинг иштирокчиси ва Зарафшон бўйлаб Искандаркўлигача рекогносцировка қилиб борган рус инженери Ф. Богословский ҳам Фандарёни Зарафшоннинг бош ўзани деб ҳисоблаган<sup>102</sup>.

Фақат Ибн Хавқал томонидан Мастчоҳ дарёси Зарафшоннинг ирмоғи сифатида тилга олинади. Унинг ёзишича, дарё Масхо ёки



Хўжа Закария Варроқ мақбарасининг харобалари

Масих<sup>103</sup> мавзеидан бошланиб, Бургар қишлоғи яқинида Суғд дарёсига қуйилган<sup>104</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, гарчи араб географлари асарларида Зарафшоннинг йирик ирмоқларидан Қиштут ва Мағиёндарёлар мутлақо тилга олинмаса-да, ҳар ҳолда унинг юқори оқими тўғри тасвирланади. Шуниси ҳам борки, Истахрий ва Ибн Хавқаллар фақат Зарафшон дарёсинигина «Нахр-ус Суғд» деб атамасдан, балки Сиёбни ҳам шу ном билан атаганлар. Бу ҳол араб географлари маълумотларига суяниб, Самарқанднинг тарихий топографияси тўғрисида сўз юритган авторларнинг

<sup>102</sup> Ф. Богословский, Записка о долине Зеравшана и горах ее окружающих, Горный журнал, ч. II, кн. X, СПб., 1842, стр. 5—6.

<sup>103</sup> Бобир бу номни Масчо ва Мосихо талаффузила тилга олади. Бобирнома, 71, 90, 98, 152-бетлар.

<sup>104</sup> И б н Х а в қ а л BGA, II, 383-бет.

фикрларини чалкаштириш билан бирга, араб географларининг айрим топографияк маълумотларига нисбатан шубҳа билан қарашга ҳам олиб келган.

Бу масала устида фикр юритган В. В. Бартольд учун Самарқанднинг X аср топографиясида шаҳристон ва рабод ўрнашган жойи билан бир қаторда, Суғд дарёсининг йўналиши каби масала ҳам ўрта аср географларининг ноаниқ баёнотларида чалкашиб кетгандек туюлади.

«Рабод деворлари... «Суғд дарёсининг» йўналиши тўғрисидаги маълумотлар,— деб ёзади В. В. Бартольд,— яна ноаниқдир. Рабод деворлари «Суғд дарёсининг» нариги томонидан бошланади. Дарё «рабод ва шаҳристон орасидан» оқиб ўтади ва айни замонда «рабод учун шимол томондан хандақ вазифасини бажаради». Бундай тафсилотлардан барчасининг изоҳ этилиши ҳам ва ҳақиқий топографик шароитга тўғри келиши ҳам даргумондир»<sup>105</sup>. В. В. Бартольдни кўпроқ шубҳалантирган воқеа, рабод учун шимол томондан хандақ бўлиб турган дарёнинг бир вақт ичида шаҳристон билан рабод орасидан оқиши масаласи эди. Шунинг учун ҳам у агарда дарё шаҳристон билан рабод ўртасидан оққан бўлса, у «рабод учун шимол томондан хандақ вазифасини бажара олмаган бўлар эди»,— деб ҳисоблайди<sup>106</sup>. Бундай қарама-қарши маълумотларга изоҳ бериш мақсадида у «Води-ус Суғд» остида Истаҳрий эҳтимол фақат Зарафшоннигина эмас, балки Сиёбни ҳам тушунгандир<sup>107</sup>,— деб тахмин қилади.

В. В. Бартольд «Води-ус Суғдни» Зарафшоннинг айнан ўзи, деб ҳисоблайди ва шунинг учун ҳам Самарқанднинг тарихий топографияси нотўғри тасвирлаган<sup>108</sup>,— деган фикр билан М. Е. Массон В. В. Бартольдни асоссиз танқид қилади. М. Е. Массоннинг фикрича, араб авторлари «Води-ус Суғд» номи остида, биринчи навбатда, Зарафшоннинг табиий ўзанларидан бири — Сиёбни англаганлар<sup>109</sup>.

Масалалага бир томондан қараганда, В. В. Бартольд ҳақли. Чунки араб географлари ўз асарларида «Води-ус Суғд» номи остида, М. Е. Массон ҳисоблаганидек, Сиёб тўғрисида эмас, балки ҳамма вақт Зарафшон дарёси устида сўз юритган. Масала шундаки, В. В. Бартольд ҳам, М. Е. Массон ҳам араб географлари асарларининг Самарқанд топографияси баёнига оид қисмининг контекстида «Води-ус Суғд» номи билан бир қаторда келтирган географик исм «Нахр-ус Суғд»га аҳамият бермасдан, «Води-ус Суғд» тўғрисида бир-бирига қарама-қарши икки хил фикрни олға сурадилар. Бу борада В. В. Бартольд «Води-ус Суғд» сўзининг луғавий маъносига суянса, М. Н. Массон Самарқанднинг ўрта аср шаҳар харо-

<sup>105</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, СПб., 1914, стр. 107.


<sup>106</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. I. стр. 138.

<sup>107</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 140-бет.

<sup>108</sup> М. Е. Массон, К периодизации древней истории Самарканды, ВДИ, 1950, № 4, стр. 163

<sup>109</sup> Е. М. Массон, Уша мақола, 163-бет.

баси — Афросиёбнинг географик ўрнига нисбатан фикр юритлади. Агарда шу ерда келтирилган «Нахр-ус Суғд»ни Сиёб деб тушунилса, масала тамоман бошқача тус олади. О. Г. Большаковнинг ёзишича, араб авторлари Сиёбни «Води-ус Суғд» номи билан эмас, балки «Нахр-ус Суғд» номи билан атаганлар. «Тўғрироғи уни «Суғд канали» деб таржима қилиш мумкин»<sup>110</sup>. Бироқ X аср географлари асарларида «Нахр-ус Суғд» номи остида фақат Самарқанднинг




Дарғом канали бош олган Равотхўжа районининг схематик харитаси:

I. Кузатиш мўласи—динг; II. Равотхўжа қалъаси; III. VII—VIII аср ёдгорлиги Куюктепа; IV. XI—XII аср истехкоми. 1—Хўжа Закария Варрак мақбараси; 2—Дарғом каналининг соқаси; 3—Дарғом канали бош олган қадимги тунелнинг қолдиқлари; 4—Биринчи Май тўғони

географик ўрни, шу жумладан, унинг шахристон ва рабоди тилга олинганда Сиёб канали тўғрисида сўз юритилиб, бошқа қисмларида эса асосан Зарафшон дарёси назарда тутилган. Шундай қилиб, «Самарқанд рабоди ва шахристони орасидан кесиб ўтган «Нахр-ус Суғд»— Сиёб канали ва рабод учун шимол томондан хандақ вазифасини ўтаган «Води-ус Суғд» эса Зарафшон дарёсидир. Иккинчи воқеа, рабод деворларининг Зарафшон дарёси нариги томонидан йўналиш масаласи эди. Истахрий ва Ибн Хавқаллар томонидан

<sup>110</sup> О. Г. Большаков, Заметки по исторической топографии долины Зеравшана в IX—X вв., КСИИМК, № 61, М., 1956, стр. 19.

тасвирланган рабод деворларига оид контекстадаги «рабод девори, дарёнинг нариги томонидан йўналади» деган жумлани О. Г. Большаков «рабод деворлари дарёнинг олд томонидан йўналади»<sup>111</sup>, деб таржима қилади ва бу чалкаш масалага оидлик киритади. Масалага О. Г. Большаков таржимаси бўйича ёндашсак, у вақтда рабод деворларининг йўналиши «Девори қиёмат» номи билан машҳур бўлган Самарқанднинг қадимги ташқи девори харобасининг тутган ўрни ва йўналишига тўғри келади. Бу Самарқанднинг тарихий топографиясининг реал шароитига мосдир.



Ровотхўжа ёдгорликларининг планлари ва кўндаланг кесимлари

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тафсилот шуни кўрсатадики, араб географларининг Самарқанд топографияси, шу жумладан, Зарафшон дарёси тўғрисида берган маълумотлари, В. В. Бартольд ҳисоблаганидек, «шубҳали ва чалкаш» бўлмай, балки ҳақиқатга тўғри ва ишончлидир. Зарафшон дарёси уларнинг асарларида «Води-ус Суғд» ва «Наҳр-ус Суғд» деб икки номда аталган.

Зарафшон дарёсининг қадимги топонимлари орасида «Дарёйи Ҳаромком ва Наҳри Ҳаромком» номлари ҳам ўрта аср манбаларида учрайди. Даставвал у X аср авторларидан Муҳаммад Наршахий томонидан тилга олинади<sup>112</sup>. Лекин Ҳаромком тўғрисида Тарихи Наршахийда келтирилган маълумотлар бирмунча чалкаш бўлиб,

<sup>111</sup> О. Г. Большаков, Уша мақола, 19-бет.

<sup>112</sup> Тарихи Наршахий, Қўлёзма, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Инв. № 1507, варақ 12<sup>б</sup>, 15<sup>б</sup>, 16<sup>б</sup>; Яна қаранг: Бухоро тарихи, 22, 25-бетлар.

асарда сўз Зарафшоннинг асосий ўзани ёки дарёнинг қуйи ирмоқларидан биронтаси устида бораётганлигини билиш қийин. Шунинг учун ҳам бу ерда «Ҳаромком» номи Зарафшон дарёсининг қадимги топонимларига қанчалик алоқадор эканини аниқлаб олиш ўринлидир.

Муҳаммад Наршахий, Искажкат ва Шарғ қишлоқлари орасидан оқиб ўтадиган Зарафшон қуйи ирмоқларидан бири — Сомжаннинг қадимги номлари устида сўзлар экан *دروغزار* *چون لختى فروغزار* «бир оз масофа ўтилган вақтда [уни] Ҳаромком дейдилар»<sup>113</sup>, — деб ёзади. Наршахийнинг бу маълумоти, юзаки қараганда, асосан Зарафшоннинг қуйи оқими—ҳозирги Қорақўлдарёга тегишлидек туюлади. Чунки текстда кўрсатилган масофа йўналишини қуйи томонга деб ҳисобланса, у вақтда Ҳаромком Қорақўлдарёнинг айнан ўзи бўлиб чиқади, Ҳаромком номини эса унинг қадимги топонимларидан деб тушунишга тўғри келади. Шуниси ҳам борки, X аср авторлари Зарафшоннинг қуйи оқимида унинг асосий ўзани деб Шаҳруд каналини тушунишган. Шунга кўра, Шаҳруднинг қадимги ўзани — Рудизар билан Сомжан ирмоғи қўшилгандан сўнг Зарафшоннинг энг қуйи оқими асосий ўзанининг давоми сифатида Ҳаромком номи билан аталган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо шуниси ҳам борки, агар масофа йўналишини юқори томонга деб тушуниб, Наршахийнинг Зарафшон дарёси қуйи ирмоқлари тўғрисидаги маълумотлари синчиклаб текширилса, Ҳаромком деганда у Зарафшоннинг асосий ўзанини назарда тутганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳар ҳолда, Тарихи Наршахийнинг 1904 йил Когон шаҳрида нашр этилган нусхасида *حرام کام ر*

«Ҳаромком деб, Зарафшон дарёсини атайдилар»<sup>114</sup>, — деган илова бекорга берилмаган.

Зарафшон дарёсининг қадимги топонимлари тўғрисида XVI асрга оид тарихий манбаларда жуда аниқ маълумотлар келтирилади. Бу манбалар орасида Ўрта Осиёдаги йирик руҳонийлар — Жуйборхўжаларининг феодал хўжалигига оид XVI аср тарихий ҳужжатларида берилган маълумотлар, айниқса диққатга сазовордир. Дарёи Ҳаромком ва Наҳри Ҳаромком номлари тилга олинган етти ҳужжатдан<sup>115</sup> 367-рақамлигида *که دریاى کوھک* «Ҳаромком дарёси Дарёи Кўҳак, — деб аталади»<sup>116</sup> ва 365-

<sup>113</sup> Тарихи Наршахий, Қўлёзма, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1507, варақ 126.

<sup>114</sup> Тарихи Наршахий, Когон нашри, 23-бет; Бухоро тарихи, 22-бет.

<sup>115</sup> Етти ҳужжатда Ҳаромком тилга олиниб, улардан учтаси № 287, 364, 367 рақамли ҳужжатларда «Дарёи Ҳаромком» ва тўрттаси № 363, 365, 368, 369 рақамли ҳужжатларда «Наҳри Ҳаромком» деб ёзилган. Қаранг: П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI в., М.—Л., 1938, стр. 338, 448—456; Яна қаранг: П. П. Иванов, Хозяйстве Джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., М.—Л., 1954, стр. 261, 313—317.

<sup>116</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 454.



рақамли ҳужжатда эса *نهر حرام کام که مشکور است بدریای کوهک* «Наҳри Ҳаромком дарёси Кӯҳак номи билан машҳур»<sup>117</sup>, — деб изоҳ берилади. Шуниси ҳам борки, Ҳаромком номи Бухоро воҳасининг қуйи қисми топонимияси орасида эмас, балки унинг юқори қисми, хусусан, Қармана билан Ғишти ўртасида жойлашган топографик пунктлар: Азвижон, Вағмитан, Хашман, Маржонхотун, Фародбуд, Фағмитан, Хазоркур, Ношинтал ва бошқа қишлоқлар номи билан бир қаторда тилга олинади<sup>118</sup>. Маълумки, аввалги тўрт қишлоқ ҳозирги вақтда ҳам шу ном билан юритилиб, улар Навоий районининг ғарбий қисмида жойлашган. Бу маълумотларга қараганда, Зарафшон дарёси XVI асрда Бухоро воҳасида Кӯҳак номи билан бир қаторда, Ҳаромком деб ҳам аталган.

Лекин Тарихи Наршахийнинг 1904 йилги Қогон нашрини ҳисобга олмасак, Ҳаромком номи XVI асрдан сўнг тарихий манбаларда мутлақо учрамайди.

Демак, XVI аср тарихий ҳужжатларида Зарафшоннинг топонимлари тўғрисида берилган аниқ маълумотлар Наршахий томонидан тилга олинган «Ҳаромком» Зарафшон дарёсининг қадимги номи эканига шубҳа қолмайди. Шундай қилиб, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби ва XVI аср ҳужжатларида келтирилган маълумотларга суяниб, Зарафшон дарёсининг қадимги маҳаллий номи, араб географлари тилга олган Наҳр-ус Суғд, Води-ус Суғд ёки Наҳр-ул Бухоро эмас, балки Ҳаромком бўлган деб ҳисоблашга мойилмиз.

Урта асрларда Зарафшон дарёси асосан Кӯҳак<sup>119</sup> номи билан машҳур бўлган. Дарёга берилган бу ном даставвал XII аср маҳаллий авторларидан Насафийнинг Самарқанд тарихига оид «Қандия» номли асарида тилга олинади<sup>120</sup>. XIV—XVI асрларга тегишли тарихий манбаларда, шу жумладан, Хафизии Абрў асари<sup>121</sup>, «Бобирнома»<sup>122</sup>, «Шайбонийнома»<sup>123</sup> ва бошқа кўпгина асарларда ҳам Зарафшон дарёси Кӯҳак номи билан тасвирланади. XVIII асрга оид рус тилида ёзилган баъзи бир манбаларда эса у «Куряк»<sup>124</sup>, деб бузилиб ёзилган.

<sup>117</sup> П. П. Иванов, Уша асар, 451-бет.

<sup>118</sup> П. П. Иванов, Уша асар, 451 ва 454-бетлар.

<sup>119</sup> Кӯҳак Самарқанд шаҳридан 8 км шимоли-шарқда жойлашган ҳозирги Чўпонота баландлигининг қадимги номи. Кӯҳак баландлиги шу исм билан биринчи марта араб географлари асарларида қайд этилади. Истахрий, ВГА, I, 319-бет; Ибн Хавқал, ВГА, II, 368-бет.

<sup>120</sup> Бу асарнинг тўлиқ тексти бизгача етиб келмай, Насафийнинг шогирди Абулфазл Муҳаммад томонидан қисқартирилган нусхаси «Қандияни хурд» сақланган. Қўлзма, УзССР ФА Шарқшунослик институти инв. № 5405, 10<sup>6</sup>-бет.

<sup>121</sup> В. В. Бартольд, Хафизии Абрў и его сочинения, стр. 2.

<sup>122</sup> Бобирнома, 96, 102, 104, 105, 107—108, 138—139, 145-бетлар.

<sup>123</sup> Биноий, Шайбонийнома, Қўлзма, УзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 844, 41<sup>6</sup>—42<sup>a</sup>—бетлар.

<sup>124</sup> Ефремов Филипп, Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибете и Индии и возвращение его оттуда через Англию в Россию, Казань, 1861, стр. 60 и 67.

Зарафшон дарёси нима сабабдан «Кўҳак» номини олганини Заҳириддин Муҳаммад Бобир қуйидагича талқин этади: «Кўҳак суви шимолдан оқар, Самарқанддин икки қуруқ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубдур. Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидан оқар учун Кўҳак суйи дерлар»<sup>125</sup>. «Бобирнома»да келтирилган бу маълумотга қараганда, «Кўҳак» қадимги самарқандликлар томонидан дарёга берилган маҳаллий ном бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Демак, келтирилган маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг қадимги маҳаллий номлари Ҳаромком ва Кўҳак бўлиб, водийнинг қуйи қисми — Бухоро воҳасида у Ҳаромком ва унинг юқори қисми — Самарқанд воҳасида Кўҳак деб аталган. Шу сабабдан, XVI асрда дарё ҳар иккала ном билан юритилган, деган хулоса чиқаришга ҳақлимиз.

XVI асрдан сўнг Зарафшон деярлик «Кўҳак» номи билан юритилган. Масалан, XVIII аср бошларига оид тарихий манбалардан «Тарихи Роқимий» асарининг автори Саид Роқим Қармана яқинида Зарафшон устига қурилган кўприк тарихини баён этар экан, асарнинг шу қисмига «تاریخ پل دریای کوهک در کرمینه», яъни «Қарминада Кўҳак дарёси устига қурилган кўприкнинг тарихи», деб сарлавҳа қўяди<sup>126</sup>. Бундан маълумки, бу вақтда водийнинг юқори қисмидагина эмас, балки унинг қуйи қисмида ҳам Зарафшон Кўҳак номи билан машҳур бўлган. Тарихий манбаларда Кўҳак номи то XIX асрнинг 60-йилларигача учрайди. Охирги марта бу ном Самарқанд қозиси Низомиддинхўжанинг 1868 йил 1 май куни Чўпота баландлигида Россия билан Бухоро хонлиги қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашув тўғрисидаги хотираномасида тилга олинади<sup>127</sup>.

XVIII аср бошларидан баъзи бир манбаларда дарё Кўҳак номи билан бир қаторда, «Зарафшон» деб ҳам ёзила бошлаган. Унинг кейинги номи биринчи марта «Тарихи Роқимий» асарида тилга олинади<sup>128</sup>.

Самарқанд маҳаллий авторларидан Абутоҳир XIX асрнинг 30-йилларида ёзилган „Самария“ асарида Самарқанд воҳасининг географиясини тасвир этар экан, у Зарафшон дарёсини „Кўҳак“ номи билан ёзади ва асарнинг икки ерида *دریای زرافشان که آن را زرافشون* „Зарафшон дарёсини Дарёйи Кўҳак деб атайдилар“, деган иловани келтиради<sup>129</sup>.

1841—1842 йилларда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлган ва Зарафшон водийси бўйлаб геологик текширишлар ўтказган

<sup>125</sup> Бобирнома, 104-бет.

<sup>126</sup> Саид Роқим, Тарихи Роқимий, Қўлёзма, УзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7711, 200<sup>б</sup>—202<sup>а</sup> -бетлар.

<sup>127</sup> Н. И. Веселовский, Самария, Сочинения Абутахирходжа, таджикский текст приготовлен Н. И. Веселовским; СПб., 1904, стр. VIII—XI

<sup>128</sup> Саид Роқим, Тарихи Роқимий, 201<sup>б</sup> -бет.

<sup>129</sup> Абутоҳир, Самария, Н. И. Веселовский нашри, 7 ва 9-бетлар.

рус тоғ инженерлари К. Ф. Бутенев<sup>130</sup> ва Ф. Богословский<sup>131</sup>лар ҳам ўз асарларида дарёни икки ном: «Кўҳак»<sup>132</sup> ва «Зарафшон» деб ёздилар.

1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг иштирокчиси Е. К. Мейендорф бу масала юзасидан диққатга сазовор маълумотни баён этади. Унинг ёзишича, дарё Самарқандда «Кўҳак»<sup>133</sup> ва Бухорода «Зарафшон» номлари билан аталган<sup>134</sup>. Е. К. Мейендорфнинг бу маълумоти Зарафшон дарёсининг топонимлари ишлатилган районларини аниқлаб бериш билан бирга, то шу кунгача тадқиқотчилар назарини ўзига жалб этмаган бу масалага ойдинлик киритади. Демак, юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, XIX аср бошларида дарёнинг қуйи оқими — қадимги Ҳаромком Зарафшон номи билан атала бошлайди ва у дарёнинг юқори оқими — «Кўҳак» билан бир қаторда юритилади. Натижада бу дарё тўғрисида ёзган авторлар уни қўш исм билан баён этишга мажбур бўлади. То XIX асрнинг 60-йилларигача тарихий манбаларда «Кўҳак» ва «Зарафшон», деб қўш ном билан ёзилади.

«Кўҳак» исмини «Зарафшон», яъни луғавий маъноси билан олинганда «Зар тўкувчи» аниқроғи «Зар келтирувчи» номига қандай сабаб билан алмашиб қолгани ва дарёнинг тамоман охири номга қўчирилиши бизга номаълум. Аммо унинг Зарафшон деб аталиши тўғрисида халқ оғзаки адабиётида қизиқ бир афсона бор. Унинг қисқача вариантини К. Ф. Бутенов қуйидагича келтиради: «Қадим замонларда ҳозирги Бухоро шаҳари жойлашган район ва унинг атрофидаги кенг территория Зарафшон дарёсининг тошқин сувлари билан қопланган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлган. Македониялик Искандар бу районни қуришти мақсадида дарёнинг бош олган қисмига олтиндан тўғон қурдириб, сувни боғлаган. Натижада дарёнинг юқори оқимида катта кўл ҳосил бўлиб, унинг қуйи оқимидаги ботқоқликлар қуриган. Аммо олтинтўғондан оқиб ўтган сув, уни ювиб майда олтин заррачаларини ўзи билан қуйига олиб борган»<sup>135</sup>. Шунинг учун дарё «Зарафшон», яъни олтин келтирувчи номини олган. Бироқ бу Зарафшон дарёси тўғрисидаги афсона, холос. Унинг номининг келиб чиқиши эса, Бухоро воҳасининг топонимияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Бухоро воҳасидаги энг йирик ирригация системаларидан бири — Шаҳруд магистрал канали ўрта асрларда «Наҳри Зар ёки Руди Зар» номлари билан аталган. Пайкентгача бўлган катта террито-

<sup>130</sup> К. Ф. Бутенев, Минеральные богатства Бухары, Горный журнал, 1842, ч. IV, кн. XI, стр. 138.

<sup>131</sup> Ф. Богословский, Записка о долине Зеравшана и горах ее окружающих, Горный журнал, 1842, ч. II, кн. X, стр. 5.

<sup>132</sup> К. Ф. Бутеневда «Қокак», Богословский да «Қоак» деб ёзилган.

<sup>133</sup> Е. К. Мейендорф, дарёнинг номини «Куван» деб ёзади.

<sup>134</sup> G. K. Meyendorff, Voyage, d' Orenbourg a Boukhara fait en 1820 a travers les steppes qui s'etendent a l'Est de mer d'Aral et au dela de l'ancien Jaxarter, Revue par M. le chevalier Amedee Jaubert, Paris, 1826, p.

<sup>135</sup> К. Ф. Бутенев, Ўша асар, 130—140-бетлар.

рия бу канал орқали суғорилиб, у ўзининг серсувлиги ва кенглиги жиҳатидан Зарафшоннинг асосий ўзани Қорақўлдарёга нисбатан ҳам каттароқ бўлган. Шунинг учун ҳам X аср авторлари Наҳри Зар Зарафшоннинг асосий қуйи ўзани, у Бухоро шаҳаридан оқиб ўтади, деб ёзганлар<sup>136</sup>. Шунга кўра, дарёга Зарафшон номининг берилиши қадимги Наҳри Зар каналининг исми билан боғлиқ бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Шаҳруднинг аввалги шохобларидан бири Комизар, яъни «Зар канали» деб аталади.

Зарафшон топоними қандай келиб чиққанидан қатъи назар, ҳар ҳолда, «дарёнинг олтин келтирувчилиги,— К. Ф. Бутунев ёзганидек,— фақат унинг номига асосланмай»<sup>137</sup>, балки сувининг водий учун ўйнаган ҳаётбахш ролига монанддир. Чунки унинг ҳар бир томчи суви Зарафшон водийсининг ободончилиги учун сарфланади.

Зарафшоннинг қуйи оқимида келганимизда, унинг дельта характеридаги қуйи ирмоқларидан бири — Вобкентдарё Тарихи Наршахийда «Говхитфар»<sup>138</sup>, Истахрий ва Ибн Хавқал асарларида «Нажжорхитфар»<sup>139</sup> номлари билан тилга олинади. Нажжорхитфар номини В. В. Бартольд Бухархитфар бўлиши мумкин деб ҳисоблайди<sup>140</sup>. Бу ерда Говхитфар номи араб географлари томонидан бузиб ишлатилган бўлиши мумкин. Чунки улар, маҳаллий авторлардан бўлмагани сабабли, Ўрта Осиё топонимиясини арабча транскрипцияда ишлатишга ҳаракат қилганлар. Бунинг устига Говхитфар ва Говхўра номларининг этимологияси тўғрисида Я. Ғ. Фуломовнинг фикрига суянилса, Вобкентдарёнинг қадимда Нажжорхитфар ёки Бухархитфар, деб аталишига асос қолмайди. Бу ўринда Вобкентдарёнинг ҳозирги вақтда бош олган жойи Хархўр номи этимологияси устида тўхтаб ўтиш ўринлидир. Истахрийнинг «говхўра» сўзини «сигир еми»<sup>141</sup> деб талқин этгани сингари, «Хархўр» номини унга солиштирсак, у вақтда унинг луғавий маъносини «эшак еми» деб тушунишга тўғри келади. Бироқ Хархўрнинг ўзида тўпланган этнографик маълумотлар, бу жойни «эшак еми» маъносидан эмас, балки «эшакхўр», яъни «эшак ўладиган жой» деган маънони тақозо қилади. Республикада хизмат кўрсатган ирригатор Хантов Хотамбобонинг фикрича «Хархўр» номининг келиб чиқиши қуйидагича бўлган. Одатда вегетация даврида Вобкентдарё оқимини тартибга солиб, унинг нормал оқишини таъминлаш мақсадида Хархўр тўғони боғланиб, вақти-вақти билан сув ташлаш учун очилиб туриларди. Тўғон боғланган даврларда Хархўр участкасида Зарафшон ва Вобкентдарёда сувнинг сокин оқими ҳосил бўлиб, дарёнинг оқизинди жинслари кўпроқ шу районнинг ўзига чўккан.

<sup>136</sup> Ибн Хавқал, ВГА II, 355-бет.

<sup>137</sup> К. Ф. Бутунев, Ўша асар, 138-бет.

<sup>138</sup> Тарихи Наршахий, Шефер нашри, 30-бет.

<sup>139</sup> Истахрий, ВГА I, 310-бет; Яна қаранг: Ибн Хавқал, ВГА II, 360-бет.

<sup>140</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, стр. 165, 168.

<sup>141</sup> Истахрий, ВГА I, 303-бет.

Тўғон очилиб, сув асосий ўзан бўйлаб, қуйига ташланган вақтларда Хархўрда дарё оқимининг сатҳи ниҳоятда пастга тушиб, дарё ичида сув билан соҳиллар ўртасида ботқоқликдан иборат терраса шаклидаги лойқа ётқизиқлар полосаси ҳосил бўлар эди. Мана шундай вақтларда Хархўр ҳашарига келган деҳқонларнинг дайдиб дарё ёқасига келиб қолган эшаклари, сув ичиш учун дарёга энгашган вақтда, олдинги оёқлари билан лойқага ботиб, муккаси билан йиқилар, бундан эгалари хабарсиз қолган вақтларда, лойқадан ўзини тортиб чиқара олмай ҳалок бўлар эди. Бундай воқеаларнинг тез-тез содир бўлиб туриши сабабли маҳаллий аҳоли бу мавзегга «Хархўр», яъни эшакхўр деб ном берган. Бироқ бу жойнинг Хархўр номи билан қачондан атала бошлангани маълум эмас. Ҳар ҳолда бу топонимнинг келиб чиқиши Вобкентдарёнинг бош иншооти — Хархўр тўғонининг қурилиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Зарафшоннинг энг қуйи оқими тарихий манбаларда турлича кўрсатилади. Наршахий унинг уч хил: Сомжан, Руди Шарғ ва Ҳаромком номларини келтиради<sup>142</sup>. Араб географлари уни «Руди Журғ» номи билан тилга оладилар<sup>143</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб Ҳаромкомни Зарафшоннинг қуйи оқимида унга берилган қадимги ном деб тушурилса, у вақтда Сомжан ёки Руди Шарғни Зарафшоннинг энг қуйи ирмоғи Қоракўлдарёнинг қадимги маҳаллий номи деб ҳисоблашга тўғри келади. Аммо адабиётларда Сомжан тўғрисида бири-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. 1896 йилда Бухоро воҳасида топографик ишлар ўтказган Н. Ф. Ситняковский Вобкентдарё системаси устида сўз юритар экан, Сомжани Хитфарнинг шохоби ёки Ромитан канали, деб кўрсатади<sup>144</sup>. В. А. Шишкин Сомжан тўғрисида икки хил фикрни ўртага ташлайди, биринчидан, Сомжан асосан Ромитан каналининг айнан ўзи, яъни «унинг иккинчи номи»<sup>145</sup> деб ҳисобласа, иккинчидан, Ҳаромком номи билан боғлиқ бўлган ҳали ечилмаган иккинчи Сомжан объекти масаласини кўтаради<sup>146</sup>. Бироқ бу масалани еча олмайди. О. Г. Большаковнинг фикрича, Сомжан Зарафшоннинг қуйи оқими — Қоракўлдарёнинг қадимги номидир<sup>147</sup>. Масалага Бухоро воҳасининг тарихий топографиясига нисбатан ёндашилса, бу борада О. Г. Большаков фикри ҳақиқатга анча яқин бўлиб, В. А. Шишкиннинг мулоҳазалари бирмунча чалкашдир. Гарчи О. Г. Большаков ўз

<sup>142</sup> Тарихи Наршахий, Қўлёзма, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1507, 120 л; Бухоро тарихи, 22-бет.

<sup>143</sup> Истахрий, ВГА I, 310-бет; Ибн Хавқал, ВГА II, 360-бет.

<sup>144</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, ИТОИРГО, т. I, вып. II, Ташкент, 1900, стр. 138 и 296.

<sup>145</sup> В. А. Шишкин, Археологические работы 1937 г. в западной части Бухарского оазиса, Ташкент, Изд-во АН СССР, 1940, стр. 40. Яна қаранг: В. А. Шишкин, Варахша, М., 1963, стр. 23 и 34.

<sup>146</sup> В. А. Шишкин, Варахша, 23-бет.

<sup>147</sup> О. Г. Большаков, Заметки по исторической топографии долины Зеравшана, IV—X вв. КСИИМК. № 61, М., 1956, стр. 22—23.

мақоласида Сомжан Қоракўлдарёнинг қадимги номи эканлигини ҳар томонлама тўла исбот эта олмаган бўлса ҳам, биз қуйидаги мулоҳазаларга асосланиб, О. Г. Большаков фикрини қувватлаймиз.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Сомжан уч хил объектдан иборат бўлиб, улардан биринчиси, дарё ёки унинг ирмоғи, яъни оқар сув, иккинчиси, вилоят, яъни Бухоро воҳасидаги қадимги административ районлардан бири ва учинчиси эса Зарафшоннинг энг қуйи оқимида жойлашган кўл ва ботқоқликлардир. Манбаларда бу объектлар алоҳида-алоҳида тасвирланади. Масалан, Истахрий ва Ибн Хавқалларнинг ёзишича, фақат биргина Сомжан номидаги вилоятнинг ўзи икки рустоққа бўлинган. Улардан биринчиси Сомжанун Модунун, яъни Юқори Сомжан ва иккинчиси Сомжанун Мовароун, яъни Қуйи Сомжан номлари билан аталган<sup>148</sup>.

В. А. Шишкин бу уч объект тўғрисида X аср авторларининг маълумотларини Бухоро воҳасининг тарихий топографиясига нисбатан тўғри талқин этмайди. Натижада, бу муҳим масала чигаллаштирилиб юборилади. Сомжан Ромитан каналининг иккинчи номи, деб ҳисоблашда В. А. Шишкин қуйидаги манбаларга суянади. Биринчидан, П. П. Иванов<sup>149</sup> ва О. Д. Чехович<sup>150</sup> томонидан таржима қилинган ва нашр этилган Бухоро хонлигининг аграр муносабатларига оид XVI аср ўрталари, XVIII аср бошлари ва XIX асрнинг иккинчи ярмига тегишли тарихий ҳужжатларда Сомжан тўғрисида берилган маълумотлар. Иккинчидан, Қўшбеги архиви номи билан аталувчи Бухоро Давлат канцеляриясининг сув хўжалигига оид XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларига оид ҳужжатларда Хитфар ва Сомжан топонимларининг бирга ёзилиши<sup>151</sup>. Учинчидан, Н. Ф. Ситняковский томонидан Ромитан каналини икки ном билан: Ромитан ва Сомжан деб кўрсатилиши. Тўртинчидан, юқорида эслаб ўтилганидек, Сомжан рустоғини араб географлари маълумоти бўйича икки районга: Юқори ва Қуйи Сомжанларга бўлиниши.

«Сомжан каналини X асрда мавжуд бўлган канал билан бир деб ҳисоблашда,— деб ёзади В. А. Шишкин,— бу маълумотларнинг шубҳа учун ўрин қолдириши даргумондир»<sup>152</sup>. Бу маълумотларга Бухоронинг тарихий топографияси нуқтаи назардан ёндашиб шуни айтиш мумкинки, Н. Ф. Ситняковскийнинг XIX аср охирига оид маълумотларидан ташқари, В. А. Шишкин суянган асосий манбалардаги маълумотлар XVI—XIX асрларга оид бўлиб, улар Сомжан шохоби тўғрисида бўлмай, балки шу номдаги туман,

<sup>148</sup> Истахрий, ВГА, I, 310-бет; Ибн Хавқал, ВГА, II, 359-бет.

<sup>149</sup> П. П. Иванов. Из архива шейхов Джуйбари. Материалы Средней Азии XVI в., М.—Л., 1938, стр. 135, 417—439, Яна қаранг: П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв. М.—Л., 1954, стр. 152, 299—357.

<sup>150</sup> О. Д. Чехович. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве, Ташкент, 1954, стр. 101, 103, 117, 120, 197—200, 218, 219.

<sup>151</sup> В. А. Шишкин, Варахша, 23-бет.

<sup>152</sup> Ўша асар, 23-бет.

яъни административ районга тегишлидир. Шунингдек, Қушбеги архиви ҳужжатларида ҳам Сомжан канали тўғрисида эмас, балки Хитфар ва Сомжан туманлари устида сўз юритилади. Бу районларни сув билан таъминловчи каналлар эса «Руди тумани Хитфар», яъни Хитфар районининг канали ва «Руди тумани Сомжан», яъни Сомжан туманининг канали каби умумий номлар остида тилга олинади. Бу маълумотга кўра, Н. Ф. Ситняковский ҳам «Руди тумани Сомжан» деб ишлатилган умумий исмдаги «туман» сўзига аҳамият бермай, уни тушириб қолдириб, Ромитанруднинг иккинчи номи сифатида ёзган бўлиши мумкин. Шубҳасиз, қадимги Руди Зар ёки Наҳри Зар канали Бухоро шаҳрини сув билан таъминлаб тургани учун кейинчалик у «Шаҳари Руд», яъни «Шаҳар канали» деб аталиб, аста-секин бу ном «Шаҳруд» бўлиб кетганидек, «Руди тумани Сомжан» ҳам кейинги даврларда, қисқача формада «Руди Сомжан», деб аталган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо «Руди Сомжан» географик топоними ҳозирги кунга қадар, XIV—XIX аср тарихий манбаларида тилга олингани маълум эмас.

Шу билан бирга, Наршахий томонидан берилган Наҳри Сомжаннинг бир неча топонимлари орасида «Ромитан» деган ном кўзга ташланмайди. Ваҳолонки, Ромитан топоними X аср араб географлари асарларида кўпгина дарё ва магистрал каналлар — Наҳри Бухоро, Наҳри Журғ билан бир қаторда алоҳида Наҳри ул-Ромитан номи билан тилга олинади<sup>153</sup>. Мана шуларга асосан қадимги Сомжанни Ромитан канали деб ҳисоблаш бирмунча қийин.

Демак, В. А. Шишкин асосланган манбалардаги Сомжан тўғрисидаги маълумотларни шу номдаги канал билан эмас, Ромитан тумани билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Масалага бир томондан қаралганда, В. А. Шишкин Сомжан канали проблемаси билан XVI—XIX аср тарихий манбаларида келтирилган кўпдан-кўп ишончли топографик маълумотлар асосида иккинчи муҳим масала — араб географлари томонидан баён этилган Бухоро рустоқлари: Юқори ва Қуйи Сомжанлардан бирининг жойлашган территориясини асосли равишда тўғри аниқлайди. Бу масалада, гарчи В. А. Шишкин, Ромитан тумани X аср авторлари томонидан эслаб ўтилган Юқори ёки Қуйи Сомжанлардан қайси бирига тўғри келишини аниқлай олмаса ҳам унинг Сомжан рустоқларидан «бирини Ромитан райони деб ҳисоблашга мойилмиз»<sup>154</sup>, — деган фикрига тўла қўшиламиз.

Араб географларининг ёзишича, Сомжан рустоқларининг ҳар иккаласи ҳам Бухоро воҳасининг атрофини ўраган қадимги «Канпирак» деворининг ичида бўлган<sup>155</sup>. Маълумки, Зарафшоннинг энг қуйи оқимида жойлашган Қоракўл воҳаси эса, бу девордан таш-

<sup>153</sup> Y. H. Kramers, *Opus geographicum auctore Ibn Haukal*, BGA, II, Editio secunda, fare, 1—2, Lugduni Batavorum, 1938—1939, p. 487.

<sup>154</sup> В. А. Шишкин, Варахша, 23-бет.

<sup>155</sup> Истахрий BGA I, 309—310-бетлар: Ибн-Хавқал, BGA II, 359—360-бетлар.

қарида бўлган. Шундай экан, Сомжан рустоқларининг ҳар иккисини ҳам Қоракўл воҳасидан юқориқордан, яъни Бухоро воҳасининг айнан ўзидан ахтаришга тўғри келади. XVI—XIX аср манбаларида тасвирланган Сомжан туманининг Ромитан райони-га тўғри келиши эса, ўз навбатида, X асрдаги Юқори ва Қуйи Сомжан рустоқларини Зарафшон дарёсининг ўнг томонидан, яъни Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий қисмидан излашга ундайди. XVI асрнинг 50—60-йилларига оид тарихий ҳужжатларда Тумани Сомжан<sup>156</sup>, Тумани Сомжани Бухоро<sup>157</sup> ва Тумани Сомжан вилояти Бухоро<sup>158</sup>, деб қўшма топонимлар билан аталган административ райондан ташқари, Хайробод номи билан боғланиб келган иккинчи Сомжан вилояти «Тумани Сомжан ва Хайрободи Бухоро»<sup>159</sup> ва «Тумани Сомжан ва Хайробод вилояти Бухоро»<sup>160</sup> каби қўшма ном билан тилга олинади. Ғарчи район номининг биргина ўзи унинг қадимги Сомжан рустоғлари проблемаси билан боғлиқ эканлигидан дарак берса-да, ammo ҳужжатларда тилга олинган қатор топонимлар рўйхати масалага бирмунча аниқлик киритади. Масалан, П. П. Иванов томонидан нашр этилган Бухоронинг йирик феодал руҳонийлари—Жуйборий хўжаларининг хўжалик ҳужжатлари тўпламидаги 338 ва 357-рақамли ҳужжатларда «Тумани Сомжан ва Хайробод вилояти Бухоро» территориясида жойлашган қишлоқлардан Биёнтуғон, Хувойиста, Зандависта, Гибандиза, Қўлиқўшчи, Қасримансур, Хатча, Оқтепа, Тарнов ва Руди Хайробод тўғрисида топографик маълумотлар берилади<sup>161</sup>. Бу топонимларнинг охириги тўрттаси ҳозирги пайтда ҳам шу ном билан аталиб, Бухоро воҳасининг топографик хариталарида кўрсатилган. Қартографик маълумотларга кўра, улар Хайрободдарё системасининг юқори қисмида, дарёнинг ўнг томонидан, Бухоро шаҳаридан тахминан 16—17 км шимоли-ғарбда жойлашган. Н. Ф. Ситняковский ҳам бу маъзеларни Хайрободдарё системасининг Чилонғу, Зиндавист, Оқтепа ва Хатча шохобчаларидан суғориладиган қишлоқлар қаторида кўрсатади<sup>162</sup>. Маълумки, бу қишлоқлар Бухоронинг Жондор ёки Хайробод номи билан машҳур бўлган административ районига қарашли бўлган. Айрим маълумотларга кўра, ўрта асрларда бу районнинг қуйи қисми баъзан «Тумани Тороб», деб алоҳида ном билан ҳам юритилган<sup>163</sup>.

<sup>156</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, 135, 420, 432-бетлар: *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство Джуйбарских шейхов, стр. 152, 300, 305.

<sup>157</sup> П. П. Иванов, Из архива Джуйбари, стр. 283—425, 434, 438; *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство Джуйбарских шейхов, стр. 235, 302, 306, 308.

<sup>158</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 471, 419, 423—424, 426, 428—431—433, 435—437, *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство, стр. 299—308.

<sup>159</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 439; *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство Джуйбарских шейхов, стр. 309.

<sup>160</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 421; *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство Джуйбарских шейхов, стр. 300.

<sup>161</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 476—477, *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство, стр. 300—301, 309.

<sup>162</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, стр. 302—304.

<sup>163</sup> П. П. Иванов, Из архива шейхов Джуйбари, стр. 476—477; *Яна қаранг:* П. П. Иванов, Хозияство Джуйбарских шейхов, стр. 326.



Демак, бир томондан, араб географлари асарларида Юқори ва Қуйи Сомжан рустоқларини «Қанпирак» деворнинг ичида, деб кўрсатилиши, иккинчи томондан, улардан бирининг ҳозирги Ромитан районига тўғри келиши, учинчидан, XVI аср ҳужжатларида Хайробод номи билан боғлиқ бошқа Сомжан вилоятининг тилга олинishi ва ниҳоят, охиргисининг топонимиясини Хайрободдарё системасида жойлашган районнинг бевосита ўзида бўлиши «Тумани Сомжан ва Хайрободи Бухорони» X аср авторлари тасвирлаган «Сомжанун Мовароун», яъни (нариги) Қуйи Сомжан ўрнида бўлган, деб ҳисоблаш учун бизда ишонч ҳосил қилади. Қадимги Қуйи Сомжан рустоғини Бухоронинг Хайробод ёки Жондор тумани билан бир деб олсак, у вақтда В. А. Шишкин томонидан аниқланган Ромитан ўрнидаги Сомжанни эса араб географлари тасвирлаган «Сомжанун Модунун», яъни Юқори Сомжан деб ҳисоблашга тўғри келади. Шу муносабат билан В. А. Шишкин тадқиқотларига асосланиб, Бухоронинг қадимги ҳокимлари бухорхудотларнинг саройин жойлашган Варахша райони, Қуйи Сомжан рустоғига қараган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш ҳақиқатдан ҳоли эмас. Варахшанинг қадимги ирригация системалари қолдиқларини синчиклаб ўрганиш билан бу масалани узил-кесил ҳал қилиш мумкин.

Шундай қилиб, Юқори ва Қуйи Сомжан рустоқлари жойлашган территориянинг аниқланиши X аср авторлари томонидан тасвирланган Руди Сомжани Ромитан каналига боғлаш учун мутлақо ўрин қолмайди. Руди Сомжан тўғрисида, араб географларига нисбатан Наршахий бирмунча тўлиқроқ ва аниқроқ маълумот беради. «Шарф қишлоғи Искажкатнинг рўпарасидадир,— деб ёзади Наршахий,— Икковининг орасида катта дарёдан бошқа ҳеч бир боғ ва бўш ерлар йўқ. У дарёни Руди Сомжан деб атаганлар. Ҳозирда эса Шарф дарёси, баъзи кишилар бўлса, Ҳаромком дейдилар»<sup>164</sup>, Наршахийнинг сўзларига қараганда, дарё уч хил: Руди Сомжан, Руди Шарф ва Ҳаромком номлари билан юритилган. Юқорида аниқланганидек, Ҳаромкомни Зарафшон дарёсининг умумий номи деб тушунсак, аввалги икки исм билан тилга олинаётган дарёни Зарафшоннинг ирмоғи, яъни шоҳоби деб ҳисоблашга тўғри келади. Бу ирмоқларнинг номи Руди Сомжан бўлиб<sup>165</sup>, Шарф қишлоғи ёнидан оққанлиги учун кейинчалик унга Руди Шарф исми берилган. Наршахий замонида у кўпроқ кейинги ном билан юритилган. Истахрий ва Ибн Хавқалларнинг сўзича, дарёдан бош олган Наҳри Журғ<sup>166</sup> ирмоғи шу номдаги қишлоқдан оқиб ўтиб, яна дарёга қуйилган<sup>167</sup>. «Наҳри Журғ номи билан маълум бўлган ирмоқ,— деб ёзади Ибн Хавқал,— дарёдан бош олади. Ҳатто у обод Журғ қишлоғига оқиб боради. Унинг ерларини суғоради ва қолдиғи яна

<sup>164</sup> Тарихи Наршахий, Шефер нашри, 16-бет; Бухоро тарихи, 22-бет.

<sup>165</sup> Якутда «Жарғ», В. В. Бартольд «Тўғрироғи Чарғ бўлса керак», деб ёзади. В. В. Бартольд, Сочинения: т. I. стр. 150.

<sup>166</sup> Истахрий ва Ибн Хавқаллар Руди Шарғни «Наҳри Журғ» деб ёзадилар, Истахрий, BGA I, 310—311-бетлар; Ибн Хавқал, BGA II, 360-бет.

<sup>167</sup> Истахрий, 310—311-бетлар; Ибн Хавқал, 360-бет.

дарёга қуйилади»<sup>168</sup>. Руди Сомжаннинг биргина топонимлари тўғрисидаги маълумотларнинг ўзи, сўз Зарафшоннинг, Шаҳруд магистралининг энг қуйи оқими устида бораётганидан далолат беради.

Руди Сомжаннинг икки қирғоғига жойлашган Шарғ ва Искажкат қишлоқлари Бухоро билан Тавовис<sup>169</sup> шаҳари ўртасидаги йўлнинг белида жойлашган<sup>170</sup>. Шунинг учун ҳам Шарғ қишлоғи одатда бу икки пункт оралиғида қўниш манзили бўлиб хизмат қилган<sup>171</sup>. Хуросон волиси Муҳаммал бинни Тоҳир (862—872) замонида Бухоронинг йирик феодалларидан Саҳл бинни Аҳмад ал-Доруғий томонидан дарё соҳилига катта сарой қурдирилган. Кейинчалик бу саройни дарё оқими вайрон қилган<sup>172</sup>. Доруғий саройини бузиб юборган дарёни В. В. Бартольд Зарафшон деб ёзади<sup>173</sup>. Бухородан тўрт фарсах ва Тавовис йўлидан ярим фарсах шимолда Шарғ ва Искажкат қишлоқлари яқинида Бомижкат<sup>174</sup>, унинг ёнида Сақбиён<sup>175</sup> ва йўлнинг устида эса Димас<sup>176</sup> қишлоқлари жойлашган. Охирги икки қишлоқни В. А. Шишкин Бухородан тахминан шу узоқликда Куйикмозор темир йўл станциясидан шимоли-ғарбда жойлашган ҳозирги Сибгон ва Дагмаст қишлоқларига тўғри келиши мумкин, деб ҳисоблайди<sup>177</sup>. Бизнинг фикримизча, Руди Сомжан бош олган район тўғрисида бу топографик маълумотнинг Ромитан ёки Ромитанруднинг Вобкентдарёдан ажралган жойига ҳеч қандай алоқаси бўлмай, балки Зарафшоннинг Қоракўлдарё номини олган Дуоба мавзеи атрофига тегишлидир.

Наршаҳийнинг ёзишича, дарё Пайкент шаҳари яқинидан оқиб ўтиб, кўлга қуйилган. Бу кўл бир неча ном билан аталган. Бу кўл «Боргини фарох» ва «Қоракўл» деб аталган. Турклар уни Денгиз дейишган<sup>178</sup>. «Ишончли кишилардан эшитганманки,— деб ёзади Наршаҳий,— у [кўл]нинг кенлиги йигирма фарсангдир. «Масолик ва мамолик» китобида айтилишича, уни «Бухайрайи Сомжан» — «Сомжан кўли» деб атайдилар<sup>179</sup>. Ал-Балхийнинг Мовароуннаҳр харитасида ҳам Зарафшон дарёсининг охирига жойлашган кўл Сомжан номи билан кўрсатилган<sup>180</sup>. Ибн Хавқал ўз харитасида бу кўлни «Бахр-ул Бухоро», яъни «Бухоро кўли» деб ёзади<sup>181</sup>. Бироқ Истахрий ва Ибн Хавқалларнинг Мовароуннаҳр харитаси устида ишлаган В. Н. Федчина Бахр-ул Бухоро номини «Хара-

<sup>168</sup> Ибн Хавқал, 360-бет.

<sup>169</sup> Бу шаҳарнинг харобаси ҳозирги кунда «Шаҳри вайрон» номи билан аталади. У Қизилтепа станциясидан тахминан 6 км шимолда жойлашган.

<sup>170</sup> Мақдисий, BGA V, 25 ва 203-бетлар.

<sup>171</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 150-бет.

<sup>172</sup> Тарихи Наршаҳий, Қогон нашри, 15-бет.

<sup>173</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 150-бет.

<sup>174</sup> Истахрий, BGA I, 315 ва 342-бетлар.

<sup>175</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 151-бет.

<sup>176</sup> Мақсидий, BGA V, 342-бет.

<sup>177</sup> В. А. Шишкин, Варахша, 23-бет.

<sup>178</sup> Тарихи Наршаҳий, Қогон нашри, 23-бет.

<sup>179</sup> Бухоро тарихи, 25-бет.

<sup>180</sup> K. Miller, *Marpae arabicae* Bd. IV, Stuttgart, 1929, жадвал 59 № 1—3.

<sup>181</sup> BGA, Крамерс нашри, 448—449-бетлар.

хаза» кўли деб нотўғри талқин этади<sup>182</sup>. «Худуд-ул Олам» асарида бу кўл Мовозан Байканд номи билан тилга олинади<sup>183</sup>.

Сомжан кўлининг қадимги номларидан «Қоракўл ва Денгиз» Зарафшоннинг қуйи оқими топонимиясида ҳозирги вақтгача ўз транскрипциясида сақланган. XIX асрнинг 40-йилларида Зарафшон водийсида геологик текшириш ўтказган Ф. Богословский<sup>184</sup> томонидан Қоракўл номи билан тилга олинган кўл, ҳозирги вақтда Денгизкўл номи билан машҳурдир. Шунингдек, қадимги Пайкент харобаси «Шаҳри хайбар» жойлашган райондан тортиб, Зарафшоннинг энг қуйи қисмидаги воҳа Қоракўл номи билан аталади. Демак, Наршахий томонидан тасвирланган Сомжан дарёсининг шу номдаги кўлга қуйилиши ва охиргиси Қоракўл ҳамда Денгиз каби бошқа топонимлар билан ҳам тилга олиниши, шу билан бирга, ҳозирги вақтда воҳанинг «Қоракўл», кўлнинг эса «Денгизкўл» деб аталиши уни Қоракўлдарё деб ҳисоблаш учун етарли даражада асос бўла олади.

Шундай қилиб, келтирилган тарихий топографик ва географик маълумотларга суяниб, Зарафшон дарёсининг қадимги маҳаллий номи Бухоро воҳасида Ҳаромком, Қоракўлдарё эса Сомжан бўлган деб ҳисоблашга мойилмиз.

---

<sup>182</sup> В. Н. Федчина, Некоторые картографические сведения о территории Средней Азии в трудах ученых средневекового Востока, В кн. Из истории науки и техники в странах Востока, вып I, М., Изд-во Восточной литературы, 1960, стр. 457.

<sup>183</sup> Худуд-ул Олам, 4<sup>а</sup> ва 9<sup>б</sup>-бетлар.

<sup>184</sup> Ф. Богословский, Уша мақола, 4—5-бетлар.

## II БОБ

### ҚУЙИ ЗАРАФШОННИНГ ҚАДИМГИ СУҒОРИЛГАН ЕРЛАРИ ВА БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛИШИНING ТАРИХИЙ ДИНАМИКАСИ

#### 1. Қуйн Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерлари

Қадим замонларда ўзининг кучли оқими билан Амударёгача етиб борган Зарафшон дарёсининг Амударё билан алоқасининг кейинчалик батамом узилиши Зарафшон дарёси сув балансининг қисқариши ёки Амударёгача қуйилиб турган ирмоғининг бошқа томонга бурилиб кетишига боғлиқ бўлмай, балки уни жиловлаш учун бел боғлаган минг-минглаб аҳолининг асрлар давомида қилган машаққатли меҳнат фаолиятининг самарали натижаси туфайли содир бўлган. Чунки Зарафшон водийси бўйлаб, дарёдан бош олган катта-кичик суғориш артериялари фақат водий ландшафт-тинигина ўзгартириб қолмай, балки дарё характериға, шу жумладан, унинг оқим йўналишиға ҳам маълум даражада таъсир этган эди. Дарё оқими асосий қисмининг ирригация системаларига таралиб юборилиши ва унинг водий бўйлаб қад кўтарган шаҳар ва қишлоқларға сарфланиб кетиши, шубҳасиз, Зарафшоннинг ҳайқириб ўзбошимчалик билан Амударёға томон интилган жўшқин оқимини сусайтирибгина қолмай, балки бу икки дарё ўртасидаги ўзаро қадимги алоқанинг узил-кесил узилишиға сабаб ҳам бўлган эди. Ниҳоят, водийда суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида, Зарафшоннинг оқими Амударёгача етиб бориши у ёқда турсин, ҳатто унинг сув баланси водийни сув билан тўла таъминлай олмади. Ҳатто дарёнинг қуйи қисмиға жойлашган Бухоро воҳасида вақти-вақти билан сув танқислиги содир бўлиб турарди. Шубҳасиз, бу масала водийнинг ўзлаштирилиш тарихий динамикаси билан боғлиқдир.

Қуйн Зарафшоннинг суғорилиши тарихи устида тўхташдан аввал шунини қайд қилиб ўтиш лозимки, бизгача етиб келган қадимги ёзма манбаларда воҳанинг обод этилиши тўғрисидаги аниқ маълумотлар деярлик учрамайди. Шунинг учун биз Бухоронинг қадимги ўзлаштирилиш тарихи тўғрисида бирмунча тўлиқроқ маълумотларни келтириш имкониятидан маҳруммиз. Шунга қарамасдан, антик давр авторларининг македониялик Искандарнинг Урта Осиёға ҳарбий юриши даврида Суғдда содир бўлган сиёсий воқеалар муносабати билан қайд этган айрим маълумотларидан

қуйи Зарафшондаги қадимги ободончиликнинг умумий манзарасини ҳарқалай кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Қадим юнон авторларидан Арриан, қадимги Самарқанд — Марокандда кўтарилган Спитамен қўзғолонига қарши македониялик Искандарнинг курашини ҳамда унинг қўзғолончилар орқасидан қувиб, уч кун давомида 1500 стадий<sup>1</sup> узунликдаги масофани босиб ўтганлиги ва тўртинчи кун тонг отар вақтида бир шаҳарга етиб бориб, у ердан Спитаменнинг кетидан изма-из то чўл чегарасигача қувиб борганини ва ниҳоят, қайтишда мамлакатни вайрон қилганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

«У ердан [чўлдан] орқага қайтар экан,— деб ёзади Арриан,— мамлакатни вайрон қилди. Ўз қалъасига кириб бекиниб олган «варварларни»<sup>2</sup> эса қириб ташлади. Чунки унга [Искандарга] берилган хабарга қараганда, улар македонияликларга қарши ҳужумда иштирок қилган эдилар»<sup>3</sup>. Диодорнинг хабар беришича, Искандар 120 мингдан ошқроқ суғдликларни қириб ташлаган<sup>4</sup>. Шундай қилиб, бу юришда Искандар Политимет дарёси суғорадиган мамлакатнинг бошидан охиригача кесиб ўтган эди<sup>5</sup>. Биринчидан, Искандар чўл чегарасигача фақат суғорилган воҳа бўйлаб жадал суръат билан тўрт кун давомида юриш қилган. Иккинчидан, бу масофада водий бўйлаб шаҳар ва қалъалар бўлиб, Искандар уларда яшовчи аҳоли қаршилигига учраган. Ниҳоят, учинчидан, бу водийнинг ободлиги ва аҳолисининг гавжумлигидан бўлса керак, Искандар Спитамен бошиқ қўзғолончиларнинг ҳужумларида қатнашган 120 мингдан кўпроқ маҳаллий аҳолини қириб, қалъаларини вайрон қилган. Бу маълумотлар қисқа бўлишидан қатъи назар, милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон водийсининг қай даражада обод этилганлиги ҳақида ҳам тасаввур бериши мумкин.

Афсуски, антик давр ёзма манбаларидан келтирилган юқоридаги умумий маълумотлар Бухоро воҳасининг ўзлаштирилиши тарихий жараёнини юзаки кузатиш учун ҳам мутлақо етарли далил эмас, шунингдек, биз тадқиқот этаётган масалага ҳам муайян аниқлик кирита олмайди. Шунинг учун ҳам қуйи Зарафшоннинг суғорилиш тарихи проблемаларини ёритишда кўпроқ археологик фактларга суянишга тўғри келади. Чунки Бухоронинг турли тарихий даврларга мансуб бўлган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган моддий-маданий ёдгорликлари қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиши тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воҳанинг суғорилиб обод этилишидаги узоқ тарихий жараёнини ўрганишга тадқиқотчилар учун беҳад бой фактик маълумотлар берувчи ягона бош манба ҳисобланади.

<sup>1</sup> Тахминан 225—283 км масофага тўғри келади.

<sup>2</sup> Суғд қўзғолончилари.

<sup>3</sup> Арриан, Поход Александра, Перевод с древнегреческого М. Е. Сергеевко, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1962, стр. 138.

<sup>4</sup> Диодор, Библиотека XVII, 84, Древние авторы Средней Азии, (VI в. до н. э.— III в. н. э.), Хрестоматия под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, Соцэкгиз, 1940, стр. 77.

<sup>5</sup> Арриан, Поход Александра, стр. 138.

Қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиш тарихий динамикасини аниқлаш учун, аввало Бухоро воҳасида, айниқса, унинг қадимги суғорилган ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг қисқа бўлса ҳам умумий обзори устида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг энг катта асосий қисми Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида, унинг дельта характеридаги қадимги йирик irmoқларидан бири Вобкентдарё этакларига жойлашган бўлиб, у Бухоро воҳасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий чегарасига ёндашган. Жанубдан шимолга томон қарийб 55 км чўзилган бу қадимги деҳқончилик массивининг майдони тахминан 100—120 минг гектарга тенг бўлиб, унинг ташқи чегараси воҳанинг шимоли-ғарбий қисмида — ҳозирги обод ерлар зонасидан 10—12 км, ғарбида эса қарийб 35 км ташқаридан — Урганжий дашти ичидан ўтади. Бу районнинг археологик манзараси мезолит даврининг аҳён-аҳёнда учраб турадиган чақмоқтош қурооллардан тортиб, то антик давр ва илк ўрта асрларнинг йирик иншоотлари — хом гишт ва пахсадан бино қилинган қадимги шаҳарлар, қалъалар ва қасрларнинг харобалари ҳамда бепоеъ Қизилқумга туташиб кетган сувсиз бу территориянинг қачонлардир суғорилиб обод этилишида ҳаётбахш роль ўйнаган қадимги ирригация тармоқларининг қуриб қолган изларини ҳам ўз ичига қамраб олган хилма-хил археологик ёдгорликларнинг комплекси билан ифодаланadi.


Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида 50-йиллардан бошлаб мунтазам ва кенг кўламда олиб борилаётган археологик текширишларнинг натижасида қуйи Зарафшонда яшаган қадимги аҳолининг яратган юксак маданиятига оид жуда бой археологик материаллар қўлга киритилди. Улар ўз навбатида Бухоро воҳасининг ўзлаштирилиши тарихий босқичларини, шу жумладан, ибтидоий ва суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ҳамда йирик ирригация системаларига ўтиш каби даврларни белгилаб чиқиш имконини берди.

Вобкентдарёнинг кўчма қумлар билан қопланган бу қадимги дельтасида барханларнинг кўчиши натижасида онда-сонда очилиб қолган тош даври овчи ва балиқчилар маконларининг қолдиқлари ва улар атрофида сочилиб ётган чақмоқтош микролит қурооллар ҳамда қўлда ясалган айрим дағалроқ сопол идиш бўлакларига қараб фикр юритилса, Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг ўзлаштирилиш тарихи тош асрининг охирларидан бошланган деган хулосага келиш мумкин. Фикримизнинг далили сифатида Бухоронинг қадимги подшоҳлари — *бухорхудотларнинг* қароргоҳи, Варахша харобаларидан 5 км жануби-ғарбда IX—XI аср ёдгорлиги Лайлакхўр яқинида топилган мезолит қурооллари<sup>6</sup> ва неолит сопол идиши бўлаклари, Ромитан марказидан 28 км шимоли-ғарбда антик давр ёдгорлиги I Қизилқирдан 1 км жануби-шарқда топиб

<sup>6</sup> В. А. Шишкин, Некоторые итоги археологических работ на городище Варахша (1947—1953 гг.) Труды Института истории и археологии. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956, стр. 10.

текширилган неолит даври қуроллари яшаш устахонаси ҳамда ўша давр одамлари яшаган маконнинг қолдиқларини қайд қилиб ўтиш мумкин<sup>7</sup>.

I Қизилқир ёдгорлиги остидан топиб текширилган бронза даврининг Андроново-Тозабөгёб маданиятига мансуб ягона қабр ва ундан чиққан жез исирғаларнинг бўлаклари ҳамда ташқарисига бошоқсимон ботирма нақшлар тортилган бутун сопол идишлар<sup>8</sup>, II Қизилқир<sup>9</sup>, Бобосимосий, Лайлакхўр ва бошқа жойлардан топилган шу маданиятга мансуб сопол идишларнинг бошоқсимон ботирма нақшли парчалари, шунингдек, Варахшадан ковлаб олин-



Барханли қумлар билан қопланган Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари (самолётдан кўриниши)

ган бронза даврига оид жез буюмлар: болта, пичоқ, камон ўқининг жез пайконлари ва бошқалар<sup>10</sup> милодгача бўлган II минг йилликнинг иккинчи ярмида Вобкентдарёнинг қадимги дельтаси ҳисобланган бу районда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган кўчманчи қабиаларнинг яшаганлигидан далолат беради.

<sup>7</sup> М. Р. Қасымов, Кызылқырская стоянка каменного века в окрестностях г. Бухары, «История материальной культуры Узбекистана», вып. 3, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1962, стр. 19—27.

<sup>8</sup> В. А. Шишкин, Варахша, М., Изд-во АН УзССР, 1963, стр. 20.

<sup>9</sup> Я. Г. Гулямов, У. Исламов, А. Аскарров, Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 194.

<sup>10</sup> Уша асар, 224—225-бетлар.

Афсуски, қуйи Зарафшонни илк бор ўзлаштиришга киришган, унинг энг қадимги аҳолисига мансуб бўлган моддий-маданият ёдгорликларининг деярли кўпгина қисми антик давр ва ўрта асрларда воҳанинг интенсив равишда суғорилиб обод этилиши оқибатида вайрон этилиб, йўқ қилиб юборилган. Юқорида қайд этилган I, II Қизилқир, Варахша, Бобосимосий ва бошқа шулар каби антик ҳамда ўрта аср ёдгорликларининг маданий қатламлари орасидан бронза даврига мансуб турли хил топилмаларнинг чиқиши бунинг яққол далилидир.


Юқорида кўрсатилган сабабга кўра, Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг археологик манзарасида милоддан аввалги VI—IV асрларни ўз ичига олган йирик ирригация системаларига ўтиш даврига мансуб моддий-маданият ёдгорликларининг излари деярли кўзга ташланмайди. Фикримизча, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида қуйи Зарафшоннинг суғорилиб обод этилган ерлар чегараси ҳозирги воҳа доирасидан ташқарига чиқмаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Афсуски, воҳанинг бир неча минг йиллар давомида деҳқончилик қилиниб келаётган обод қисмида то яқин вақтларгача археологик текширишлар мутлақо ўтказилмаган. Бироқ Бухоро ёшини аниқлаш мақсадида шаҳар территориясида кейинги йилларда олиб борилаётган қазиш ишлари натижасида кўҳна зиндон яқинида маданий қатламнинг остки қисмидан милодгача бўлган IV—III асрларга оид сопол идиш бўлаклари топилди. Гарчи бу топилмалар юқорида айтилган фикрни тасдиқлаш учун асос бўла олмас-да, ҳар ҳолда улар қуйи Зарафшонда милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмига мансуб маданий қатламнинг мавжуд эканидан далолат беради.

Рельефи ва магистрал сув таъминоти бўйича Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари иккига: шимолий ва жанубий қисмларга бўлинади. Унинг шимолий қисми Бухоро область Ромитан районининг шимоли-ғарбий чегарасига туташган ва антик давр ёдгорликлари I, II, III Қизилқир, Сеталак, Нортела, Талиубба ҳамда илк ўрта аср шаҳар харобалари Хўжапорсон, Хўжақул, Талисанг каби бир қанча тепалар жойлашган территорияларни ўз ичига олади. Жанубий қисмига эса Бухоронинг Ромитан ва Свердлов районлари ғарбида жойлашган Варахша харобаларини тўрт томондан ўраб олган кенг даштлик киради.

Қизилқир ва Хўжапорсон ёдгорликлари комплексини ўз ичига олган қадимги суғорилган ерлар шимолий қисмининг умумий майдони ўрта ҳисобда 20—25 минг гектарга тенг бўлиб, у шимолдан жанубга 20 км ва шарқдан ғарбга томон 10—12 км чўзилган. Шимол ва ғарб томонлардан уни Қизилқум ўраб туради, жанубидан Шимолий Ромитан коллектори ва шарқидан эски амир Темур захкаши кесиб ўтади.

Қадимда Вобкентдарёнинг шимоли-ғарбга йўналган юқори ирмоғи орқали суғорилган бу районнинг усти — агроирригация қатламлари кучли эрозия оқибатида бузилиб, ундаги қадимги суғорилиш тармоқларининг излари яхши сақланмаган. Бироқ шундай бўлса ҳам ҳозирги вақтда юзи майда шағал ва қум босган бу текис





Бухоронинг қадимда суғорилган ерларининг схематик харитаси :

1—Аҳоли яшайдиган жойлар; 2—Темир йул; 3—Чегара; 4—Дарё; 5—Кўл; 6—Суғорилган тармоқлари; 7—Заҳқаш; 8—Насос станцияси; 9—Қадимги шаҳар харобалари; 10—Гидроузеллар; 11—Қудуқ; 12—Қадимги суғорилган ерларнинг чегараси.

ер массивида Вобкентдарёнинг тошқин сувлари ҳосил қилган ўзанларнинг гоҳ яланғоч тақирлар билан, гоҳ кўча қумлар билан қопланган қолдиқлари, шунингдек, улардан чиқарилган суғориш шохобчаларининг соҳиллари батамом нураб, остки қисмларигина узун супалар шаклида дашт манзарасида бирмунча кўтарилиб қолган соҳил излари бу районнинг қадимги гидрографияси ва ирригациясининг умумий манзарасини маълум даражада тасвирлашга имкон беради.

Бу районнинг қадимги суғориш тармоқларининг излари Хўжапорсон, Ертепа, Сеталак, I, II, III Қизилқир атрофларида қайл этилди. Улар орасида антик давр истеҳкомли турар-жойлари—Қизилқир комплексини суғорган қадимги ирригация системаси, айниқса, диққатга сазовордир. Қизилқир канали ҳозирги воҳа чегарасидан 9 км ғарбда жойлашган антик давр истеҳкомининг харобаси Сеталакдан тахминан 500 м шимолроқдан ўтган ва эни 70 м лик дарё ўзанидан бош олиб, у шимолдан жанубга томон йўналган. Дашт манзарасида каналнинг излари кўзга яққол ташланмаса-да, лекин аэрофотосуратда жуда яхши кўринади. Қаналнинг кенглиги 20 м бўлиб, узунлиги 6 км га чўзилган. Меридионал йўналишда жанубга йўл олган бу канал Сеталакдан 100 м ча ғарбдан ва I Қизилқирдан 350 м шарқдан ўтиб, тўртинчи км да жануби-шарққа бурилади ва шимоли-шарқдан 250 м ҳамда шарқдан 400 м масофада антик давр ёдгорлиги II Қизилқирни айланиб ўтиб, яна жанубга томон йўналади. II Қизилқирдан 1 км ча жануброқда канал ўзани илк ўрта асрларда Бухоро воҳасининг атрофини ўраган Кампирак деворнинг харобаларига<sup>11</sup> ёндашади ва унинг ташқарисида унга параллел ҳолда 1,5 км масофада давом этиб, сўнгра майда шохобларга бўлиниб кетади. Қадимги Қизилқир районини суғорган антик даврнинг бу магистрал каналидан ҳар икки томонга ажралиб чиққан бошқа бир неча шохоблар изи ҳам аэрофотосуратда жуда яхши кўринади. Шохоблардан биринчиси магистралнинг 2 км сўл томондан чиқарилиб, у жануби-шарққа Хўжазафарон яқинидаги Қоровултепа томон йўналган. Иккинчи шохоб биринчисидан 500 м ча қуйроқда сўл томондан ажралиб чиқиб, антик давр турар-жойлари харобаларидан бири — III Қизилқир томон жануби-шарққа йўл олади ва ундан 100—150 м ғарброқда жанубга бурилади. Бу шохобнинг узунлиги қарийб 4 км га боради. Иккинчи шохобдан тахминан 1 км қуйроқда II Қизилқир қаршисида магистралнинг ўнг томонида учинчи ва ундан бир оз пастроқда эса тўртинчи йирик шохоблар бош олган. Бу охириги икки шохоблар асосан II Қизилқир атрофини суғорган. Учинчи

<sup>11</sup> Бу қадимги мудофаа иншоотининг қолдиқлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий ходими Ҳ. Муҳамедов томонидан 1956—1959 йилларда ўрганилиб, унинг схематик харитаси ишлаб чиқилган. Ҳ. Муҳамедов, Стена Кампирак, Из истории древних оборонительных сооружений в Узбекистане, журн. «Общественные науки в Узбекистане», № 1, 1961; Яна қараганг: Ҳ. Муҳамедов, Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.

шоҳобнинг кенглиги 6 м, узунлиги қарийб 4 км, тўртинчи шоҳоб эса 2,5 км га чўзилган.


Қизилқирнинг қадимги суғориш тармоқлари остида ҳосил бўлган ётқизиқлар таркибини аниқлаш ва уларнинг структураси асосида каналда сув оққан вақтларда антик даврнинг бу ирригация системасида содир бўлган баъзи бир ўзгаришларни белгилаш мақсадида II Қизилқирдан 1,5 км жануброқда унинг учинчи шоҳоби кўндалангига ковлаб кўрилди. Магистрал каналдан бош олган бу II Қизилқир шоҳобининг қуруқ ўзани ҳар икки рошлари нураб текислиб кетганлиги сабабли билинар-билинемас бўлиб қолган. Саёзгина ўзан усти қалинлиги 10 см тақир билан қопланган. Унинг остки қисмининг у ёки бу ерида майда шағал линзалари бўлган 80 см қалинликдаги сарғимтир йирик қум қатлами ётқизилган. Кўринишдан бу қатлам жўшқин сув оқимининг ётқизган чўкиндисига ўхшайди. Йирик қум қатлами тагида юпқа лойқа линзалари билан алмашиб турадиган ва ичиди онда-сонда майда сапол бўлаклари бўлган 25 см қалинликдаги кулранг соф аллювиал қатламлари ётади. Бу шубҳасиз каналда сув оқиб турган вақтларда ҳосил бўлган унинг ирригацион қатламидир. Каналнинг ҳар икки четидан қалинлиги 50 см ли қумоқ лойқа қатлами худди понага ўхшаб юқоридаги йирик қум ётқизигини ёриб тушади. Бу қум ётқизиқлари ўша вақтларда канал тозаланганда унинг ҳар икки чеккаси бўйлаб қолиб кетган лойқа қатламлардир. Каналнинг туби 30—40 см қалинликдаги кулранг тусли зич лойқадан иборат бўлиб, у тоза қум қатлами устига ётқизилган. Фикримизча, бу Вобкентдарёнинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган қадимги аллювиал қатламидир. Қизилқир теваарак-атрофини суғорган антик давр канали кўндаланг кесимининг структурасига қараганда, даставвал бу шоҳоб бирмунча кенгроқ бўлиб, эни 8 м бўлган. Кейинчалик канални лойқа босиб, у бирмунча саёзлашган ва торайган. Ниҳоят, канал бошининг қаровсиз қолганидан бўлса керак, унга дарёнинг каттагина тошқини уриб кирган ва у тез оқар ўзанига айланган. Сўнгра жўшқин сув оқими олиб келган йирик қум чўкиндилари билан унинг ўзани тўлиб қолган.

Шундай қилиб, канал остида ҳосил бўлган бу ётқизиқларда дарё дельтасига хос бўлган гидрографиянинг белгилари намён бўлади. Шубҳасиз, Вобкентдарёнинг қадимги дельтаси ҳисобланган бу районнинг ўзига хос гидрографик шароити унинг ирригация системаларигагина эмас, балки дарё тошқинларини тартибга солиб, бу кенг территорияни илк бор суғориб ўзлаштирган қадимги аҳолининг хўжалигига ҳам катта таъсир этган эди.

Қизилқир районининг қадимги ирригация системаси қачон барпо этилган ва қанча вақт ишлаб турган ҳамда қуйи Зарафшоннинг сунъий суғорилиши тараққиётидаги унинг аҳамияти ва ниҳоят, бу қадимги ирригация системасининг қуриб қолишининг асосий сабаблари ҳақидаги масалаларга бир оз бўлса-да, ойдинлик киритиш учун, аввало, умумий тарзда бўлса ҳам, бу территорияда кейинги вақтларда топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг обзори устида сўз юритишга тўғри келади. Чунки Амударё-

нинг этакларида бунёд этилган Хоразмнинг деярли ҳамма қадимги суғориш каналлари, қоида тариқасида бир ёки бир неча қалъалар билан боғлиқлиги кузатилганидек<sup>12</sup>, Қизилқир қадимги ирригация тармоқларининг барпо этилиши ҳам уларнинг қуруқ излари бўйлаб қайд этилган бир неча антик давр турар-жойларининг харобалари билан чамбарчас боғлиқдир.

1955—1960 йиллар давомида бу территорияда Сеталак, I, II, III ва IV Қизилқирлар, Ҳалқақир, Хўжазафарон ва бошқа шуларга ўхшаш ўндан ортиқ антик даврнинг археологик ёдгорликлари топиб текширилди. I Қизилқир ва унинг атрофидаги археологик ёдгорликларда ўтказилган қазишлардан маълум бўлишича, бу районнинг антик давр аҳолиси ёғоч, шох ва қамишлардан қурилган истеҳкомсиз оддийгина турар-жойларда ҳамда қалин паҳса ва катта-катта хом ғиштлардан бино қилинган мустаҳкам уй-



Антик давр ёдгорлиги Қизилқирнинг жанубидан ўтган каналнинг кўндаланг кесими

ларда яшаганлар. Тузилиши жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган бу икки хил турар-жойлардан қазиб олинган бой археологик материаллар ўртасидаги баъзи бир тафовутлар қиёсий талқин этилиб, Вобкентдарё этакларига жойлашган бу районнинг қадимги гидрографик шароити назарга олинса, Қизилқир атрофида, даставвал, истеҳкомсиз енгил типдаги очиқ турар-жойлар барпо этилганига шубҳа қолмайди. Бундай турар-жой қолдиқлари II Қизилқир атрофида, айниқса, яхши сақланган.

1957—1959 йилларда II Қизилқир 2-уй ва 3-уй деб номланган турар-жойларнинг харобаларида ўтказилган археологик қазишлар Қизилқирнинг антик давр ёдгорликлари комплексиغا мансуб бўлган истеҳкомсиз бошпаналарнинг планини аниқлаб олиш имкони берди. Бу борада II Қизилқир 2-уй ёдгорлиги остидан топиб текширилган турар-жойларнинг қолдиқлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу ёдгорлик II Қизилқирдан 100 м ғарбда жойлашган, у шимолдан жануб томон чўзилган ясси тепачадан иборат бўлиб,

<sup>12</sup> Я. Ғ. Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 86-бет.

атрофнинг умумий рельефидан 50—60 см кўтарилган. Унинг майдони ўрта ҳисобда 600 м<sup>2</sup> га тенг.

Тақир устидаги бу яссигина тепачада археологик қазишлар олиб борилганида унинг марказий қисмидан бурчаклари ёйсимон шаклдаги тўртбурчакли иккита чайланинг ўрни очилди. Чайла Г ҳарфи шаклида бири иккинчисига деярли кўндаланг тарзда жойлашган бўлиб, улардан биринчисининг олди жанубга ва иккинчисининг олди эса шарққа қараган. Ҳар иккала чайла ҳам тақир устидан бир оз чуқур қовланиб, ярим ертўла тарзида бино қилинган. Биринчи чайланинг бўйи 7,3 м, эни 5 м ва чуқурлиги 70 см; иккинчисининг бўйи эса 7,8 м, эни 4,6 м ва чуқурлиги 50 см га тенг. Иккинчи чайланинг атрофи ва ичидан топилган диаметри 12—15 см ли ўндан ортиқ устун ўрнатилган чуқурчалар, шунингдек, биринчи чайланинг ичидан чиққан 6—8 см қалинликдаги сувоқ парчалари ва улардаги новда ҳамда қамиш изларига қараганда, чайлаларнинг ҳар иккаласига ҳам устунлар ўрнатилиб бино қилинган, новдалардан четанга ўхшатиб ишланган деворнинг пастки қисми ташқарисидан сувалиб, томи қамиш билан ёпилган тўртбурчакли каттагина уй бўлган. Демак, чайлаларнинг планлаштирилишига асосланилса, Қизилқир комплексининг антик давр истеҳкомисиз турар-жойлари конструктив жиҳатдан анчагина мустақкам чайла типидagi уй-жойлардан иборат бўлган.

II Қизилқир 2-уйнинг олд саҳнида тақир устида тартибсиз жойлашган ноқсимон шаклидаги 25 та ўчоқ ҳамда тўртбурчак ва доира шаклидаги 9 та хўжалик ўралари бўлиб, ўчоқларнинг чуқурлиги 10—15 см, диаметри 30—35 см дан то 100—110 см гача; тўртбурчак ўраларнинг ҳажми 80×50; 100×50; 110×60 см; доира шаклидагиларининг диаметри 50—100 см ва чуқурлиги эса 15—20 см га тенг. Биринчи чайла полининг сатҳи иккинчи чайла поли сатҳидан пастроқда эканини ва кейингисининг 20 см дан ошиқроқ қалинликдаги маданий қатламнинг устида жойлашганлигини ҳамда ўчоқларнинг ўрнашган жойлари ва паст-баландлигини, шунингдек, иккинчи чайланинг биринчисига нисбатан кўндаланг тарзда унинг оғзига деярли қопқоқдек жойлашганини ҳисобга олинса, жанубга қараган биринчи чайланинг аввал ва шарққа қараган иккинчи чайланинг бирмунча кейинроқ бино қилингани эҳтимолдан узоқ эмас.

Чайлалар ичидан ҳамда ўчоқ ва ўралар атрофидан турли хилдаги археологик топилмаларнинг анчагина бой коллекцияси йиғиб олинди. Улар асосан майда рўзғор буюмлари: сиртига қизғиш ёки қорамтир бўёқ берилган кулолчилик чархида ясалган нафис сопол идишлар (товоқ, қаймоқдон, кўзача, кўза, сувдон, хурмача, хурма, хумча ва ҳ. к.), қўлда дағалроқ қилиб ишланган ошхона анжомлари (сопол қозон, това, ёғлоғи ва бошқалар), узунлиги 35—40 см ли ихчам қилиб ясалган ёрғучоқлар (11 дона), катталлиги 9—12 см ли темир пичоқлар (4 дона), қайроқ ва урчуқ тошлар, темир узук (2 дона), камон ўқининг уч парракли темир пайкони, мис бигиз ва қўнғироқча, сопқон тошлари, ҳосилдорлик маъбудасининг сопол ҳайкалчалари (4 дона), пастадан жуда нафис қилиб

ишланган аёлнинг бежирим муштуми ҳамда бир бош узум шаклидаги иккита маржон, рангдор тошлардан ясалган мунчоқлар ва бошқалардан иборат эди. Шу билан бирга, ҳар бир ўчоқ чуқури атрофида турли хилдаги керамика буюмларининг синиқлари; қўй, эчки, қорамол, ёввойи тўнғиз, ўрдак ва бошқа ҳайвон ҳамда паррандаларнинг суякларидан иборат ошхона чиқиндилари сочилиб ётарди. Археологик топилмалар орасида милоддан аввалги I аср ўрталарида ҳукмронлик қилган Гиркоднинг бир дона кумуш тангаси алоҳида диққатга сазовор бўлиб, унинг диаметри 13 мм, оғирлиги 1,5 гр га тенг. Танганинг аверсида ўнг томонга қараб турган ва сочи қулоғи орқасига таралган мўйловдор подшоҳнинг сурати, реверсида эса қўлида асо тутган қандайдир худонинг расми тасвирланган<sup>13</sup>. Гиркоднинг бундай кумуш тангалари Варахша ва унинг атрофидан<sup>14</sup> ҳамда Нортепадан топилган эди.

Шундай қилиб, II Қизилқир 2-уйдан топилган археологик материал асосан майда рўзғор буюмларидан иборат бўлиб, уларнинг орасида хум, йирик сувдон ва салмоқдор оғир ёрғучоқлар каби катта ҳажмдаги асбоблар мутлақо учрамайди. Археологик материалларнинг бундай қиёфасини турар-жойларни планлаштириш билан бирга қўшиб талқин этилса, бу ёдгорлик дарё этакларининг гидрографик шароитига мослашган мавсумий деҳқон хўжалиги маданиятига мансуб эканига шубҳа қолмайди.

II Қизилқир 2-уй харобалари очилган бу ясси тепанинг марказий қисмида тахминан 140—150 кв м майдонда кучли ёнғин натижасида 25 см қалинликда ҳосил бўлган куюк қатлам ва бу қатламнинг биринчи чайла ўрнини батамом, иккинчисининг эса бир қисмини қоплаб ўтганига ва унинг остида бутунлигича сақланиб қолган турли хилдаги рўзғор буюмларининг чайла олди саҳнда сочилиб ётишига қараганда, чайлалар қандайдир сабаб билан кучли ёнғин остида қолиб, бир вақтнинг ўзида батамом куйиб, вайрон бўлган. Сўнгра бу ерда ҳаёт қайта тикланмаган. Бироқ бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш керакки, II Қизилқир 2-уйдан топилган сирти қорамтир рангли нафис керамикага айнан ўхшаш сопол идиш бўлаклари уюмининг I, II ва III Қизилқирлар атрофида кўплаб учраб туришини ҳисобга олганда, енгил типдаги бундай очиқ турар-жойлар Бухоро воҳасидаги бу қадимги ирригация системасида кенг тарқалган бўлиши мумкин. Афсуски уларнинг кўпи бизгача сақланмаган.

II Қизилқир 2-уйнинг археологик материали, шу жумладан, кулочилик чархида ясалган сиртига қорамтир бўёқ берилган нафис керамикаси ва милоддан аввалги I аср ўрталарига оид Гиркоднинг кумуш тангаси асосида Қизилқирнинг истеҳкомсиз турар-жойлари милодгача бўлган II асрнинг охири ва I асрнинг биринчи ярми билан саналади. Демак, Қизилқирнинг юқорида тасвирлан-

<sup>13</sup> P. Gardner, The Coins of the Greek and Scythic Kings of Bactria and India in the British Museum, London, 1886, pl. XXIV, № 9.

<sup>14</sup> Л. И. Альбаум, Балалык-тепе, К истории материальной культуры и искусства Тохаристана, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1960, стр. 37—38; Яна қаранг: В. А. Ш и ш к и н, Варахша, стр. 229.

ган қадимги ирригация системаси милоддан аввалги II аср охири ва I аср бошларида чиқарилган деб ҳисоблаш мумкин.

II Қизилқир 2-уй типигаги очиқ турар-жойлар Қизилқирнинг пахса ва хом ғиштларда қурилган монументал биноларидан санаси жиҳатидан гарчи бирмунча олдинроқ пайдо бўлган бўлса ҳам, аммо бу икки хил ёдгорликларда ҳаёт деярли бир даврда давом этган. Қизилқирнинг бундай археологик манзараси Хоразмнинг антик давр сугориш тармоқларида қад кўтарган йирик қалъалар ва уларнинг атрофида пайдо бўлган очиқ қишлоқларга жуда ўхшаб кетади. I, II ва III Қизилқирлар, Сеталак, Ҳалқақир, Хўжазафарон, Нортена ва шу каби бошқа бир қанча тепалар антик даврнинг мана шундай монументал биноларнинг харобаларидир. Бу ёдгорликлар ичида энг каттаси I Қизилқир бўлиб, археологик жиҳатдан у бирмунча муфассал текширилган. 1953 ва 1955—1960 йилларда ўтказилган қазиш ишлари туфайли бу қадимги бионинг планлаштирилиши ва моддий маданият қолдиқлари жиддий ўрганилди<sup>15</sup>.

I Қизилқир диаметри 82—84 м ва максимал баландлиги 3,5 м ли доира шаклида яссигина тепа бўлиб, у Бухоро шаҳридан ўрта ҳисобда 40 км шимоли-ғарбда воҳанинг ҳозирги чегарасидан тахминан 7 км ғарбда жойлашган. Тепаликнинг усти қум, майда шағал ва сопол идиш бўлаклари билан қопланган бўлиб, узоқдан у қизғишроқ бўлиб кўзга ташланади, шунинг учун маҳаллий аҳоли уни «Қизилқир» деб атаган.

I Қизилқирда ўтказилган археологик қазишлардан маълум бўлишича, у икки қурилиш даврини ўз бошидан кечирган. Даставвал қалин пахса девор билан ўралган майдони 23,5×23,5 м ли квадрат шаклдаги олти хонали уй қурилган. Бинонинг пойдевори қум аралаш майда шағалдан иборат дўнглик устига ўрнатилган бўлиб, унинг саҳнига қалин тўшама ётқизилган. Тўшама остига бир қатор 55×45×10—12 см ва 56×48×10—12 см ли хом ғишт териблиб, устига қум аралаш майда шағал ётқизилган ҳамда юқорисига уч қатор 44×44×10 см хом ғишт ишланиб, юзи 24 см қалинликдаги лой билан сувалган уй саҳни остидаги қалин қатламдан иборат эди. Бино ташқари деворининг қалинлиги 2,4 м, ички деворларининг қалинлиги эса 2,2 м га тенг. Бино девори 3 м гача яхши сақланган. Девор ёрилмаслиги учун 50—55 см қалинликдаги ҳар пахсанинг устига бир қатор 44×44×10 см ли хом ғишт терилган<sup>16</sup>.

Бинонинг дарвозаси жануб томонда бўлган. Ичкарига кириш учун аввал эни 2 м ли торгина узун йўлак орқали саҳни 7,5×4,55 м

<sup>15</sup> Я. Г. Гулямов, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, Труды Института истории и археологии, вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956, стр. 157—161; Яна қаранг: В. А. Нильсен, Кызыл-кыр, История материальной культуры Узбекистана, вып. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, стр. 69—78, А. Р. Мухаммаджонов, Қизилқир, «Фан ва турмуш» журналы, 7-сон, 1957, 23—26-бетлар.

<sup>16</sup> Я. Г. Гулямов, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, стр. 159; Яна қаранг; В. А. Нильсен, Кызыл-кыр, стр. 61.

ли далонга ўтилган. Далоннинг шимолий деворидан уйнинг ички хоналарига кирадиган кенглиги 1 м ли эшик ўрни қўйилган. Бинонинг асосий қисми чор атрофи бўйи 13,7 м, эни 2,75 м ли йўлаксимон узун хоналар билан ўралган 9×9 м ли квадрат шаклдаги каттагина залдан иборат бўлган. Биринчи жанубий узун хона марказидан залга, икки бурчагидаги эшиклардан шарқий ва ғарбий узун хоналарга, залдан эса шимолий узун хонага ўтилган.

Қандайдир ҳалокатдан сўнг бино маълум даражада вайрон бўлган. Кейинчалик бино қайтадан тикланган. Иккинчи қурилиш



Қизилқир ёдгорлигидан қазиб очилган қадимги бино харобалари

даврида залдан торгина йўлак ажратилиб, у қисман кичиклаштирилган, шимолий, шарқий ва жанубий узун хоналарнинг эшик ўринлари беркитилиб, фақат зал, далон ва жанубий узун хоналардан фойдаланилган. Шунингдек, Қизилқирда аҳолининг аста-секин кўпайиши туфайли бино шарққа томон 20 м ва жанубга томон 22,5 м кенгайтирилиб, унинг умумий майдони 43,5×46—48 м га етказилган, яъни уйнинг саҳни деярли тўрт марта кенгайган. Бинога қўшиб олинган янги участка атрофи 2 м қалинликдаги пахса девор билан ўралиб, ичига 40 га яқин турли ҳажмдаги катта-кичик хоналар қурилган. Аммо бинонинг кейинги қисми планлаштириш ва айрим конструктив хусусиятлари жиҳатидан унинг қадимги қисмидан тубдан фарқ қилган. Бу, шубҳасиз, Қизилқирда яшаган қадимги аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.



I Қизилқирнинг археологик материали анчагина бой бўлиб, у асосан катта ҳажмдаги хўжалик асбоблари: салмоқдор ёргучоқлар, йирик хум ва сувдонлар, хумча ва кўзалар, шунингдек, товоқлар, урчуқ тошлар, сопол ҳайкалчалар, қорачироқлар, сопол қозон ва қўчқор бошли қозон осғич поялар ва бошқа турли хилдаги рўзғор буюмларидан иборат бўлган. Йирик сопол идишларининг сирт елкасидан гир айлантриб қуйилган қора ёки қўнғир рангли бўёқнинг оқиб тушган излари билан қопланган. Майда идишлар сиртига эса оқиш ёки қизғиш бўёқлар берилган. Топилмалар орасида девор остида ҳалок бўлган аёл скелетидан териб олинган зеб-зийнат буюмлари алоҳида диққатга сазовордир. Скелетнинг бош томонидан калта тутқичли думалоқ жез ойна, бўйнидан ораларига параллелепипед шаклидаги нақшли ва кўзли уч дона олтин тумор ўтказилган беш шода марварид, кўкраги ва иликларидан эса ярим шар шаклидаги ўртаси бўш тўқссента олтин мунчоқлар чиқди<sup>17</sup>. Бу топилмалар билан бир қаторда, I Қизилқирдан грек-бактрия подшоҳи Евтидемнинг кумуш оболига тақлидан Бухоронинг қадимги маҳаллий ҳукмдорлари томонидан зарб этилган икки дона кумуш танга топилди<sup>18</sup>. Бундай кумуш тангалар қуйи Зарафшонда жуда кенг тарқалган. 1938 йилда Бухоро шаҳридан 3—4 км шарқда жойлашган Тали Мурдапарттов тепасидан 78 дона кумуш танга топилган эди<sup>19</sup>. Бу кумуш тангалар Бухорода қадимги чул муомаласини ўрганишда асосий манба бўлибгина қолмай, балки улар Қизилқирнинг антик давр ёдгорликларини саналашда, шу билан бирга, бу районни сув билан таъминлаган қадимги ирригация тармоқларининг барпо этилган ва ишлаб турган вақтларини белгилашда ҳам муҳим илмий аҳамият касб этган энг аниқ тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

С. П. Толстов Хоразмнинг қадимги маҳаллий ҳокимлари томонидан зарб қилинган танга пуллар устида фикр юритар экан, уларнинг грек-бактрия подшоҳи Евкратид тангаларига алоқадор эканлиги тўғрисида ёзган эди<sup>20</sup>. Хоразмда зарб қилинган бундай тангаларнинг энг қадимги нусхалари милоддан аввалги II асрнинг охирлари ва I аср бошлари билан саналади. Хоразмнинг қадимги нумизматик материалларига асосланиб I Қизилқирдан топилган Евтидем оболига тақлидан зарб этилган кумуш тангаларни милоддан аввалги II аср охирлари ва I аср бошларига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

Топилган бой археологик ва айрим нумизматик материалларга қараганда, I Қизилқирдан қазиб очилган бу қадимги монументал бинонинг биринчи қурилиш даври милоддан аввалги III аср охир-

<sup>17</sup> В. А. Нильсен, Кызыл-кыр, стр. 68—77.

<sup>18</sup> Я. Г. Гулямов, Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, стр. 160; Яна қаранг: Я. Ф. Фуломов, Бир танга тарихи, «Фан ва турмуш» журнали, 2-сон, 1958, 22-бет.

<sup>19</sup> В. М. Массон, Из истории древнего Согда, Сб. студенческих работ САГУ, вып. III, Ташкент, 1951, стр. 68.

<sup>20</sup> С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., Изд-во Восточной литературы, 1962, стр. 223—224.

лари ва I аср бошларига ва иккинчиси эса милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. I Қизилқирда ҳаёт милод бошларида тугаган. Шунинг учун ҳам Я. Ф. Фуломов I ва II Қизилқирларни милоднинг бўсағаси билан саналайди<sup>21</sup>.

I, II Қизилқир 2 ва 3-уйлардан ташқари Ҳалқақир, Сеталак, III Қизилқир, Нортета ва бошқаларда олиб борилган археологик текширишлардан аниқланишича, бу қадимги воҳанинг антик ёдгорликлари хронологик жиҳатдан ягона бир комплексни ташкил этган. Бу комплекс эса юқорида қайд этилган қумуш тангалар билан милоддан аввалги II аср охирилари ва I аср билан саналади.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар ва аэрофотосуратларни дешифровка қилиш натижасида тўпланган аниқ маълумотлар антик давр ёдгорликлари комплекси жойлашган Қизилқир атрофини суғорган қадимги канал изларини Вобкентдарё этақларида, унинг дельта характеригаги шохобларининг биридан чиқарилган локал типдаги суғориш системасининг қолдиқлари эканини ва бу суғориш тармоқлари милоддан аввалги II аср охириларида барпо этилиб, милод бошларигача ишлаб турганини кўрсатди. Бироқ Вобкентдарёнинг қуйи шохобларида сув оқимининг аста-секин камайиб бориши ва ниҳоят, батамом қуриб қолиши натижасида Қизилқирнинг антик давр ирригацияси издан чиқиб, бу қадимги обод район сувсизликдан қуриб қолган. Бу шубҳасиз, иқтисодий тараққиёт ва деҳқончилик ролининг ортиши туфайли милоднинг I—II асрларида Ўрта Осиёнинг барча йирик дарё ҳавзаларида содир бўлганидек, қуйи Зарафшонда ҳам суғориш ишларининг олдингига нисбатан мисли кўрилмаган даражада кенгайиши билан боғлиқ эди. Чунки Зарафшон дарёси, айниқса, унинг қуйи irmoғи Вобкентдарё бўйлаб чиқарилган йирик суғориш тармоқлари орқали дарё оқимининг, асосан, унинг юқори қисмида сарф бўлиб кетиши оқибатида, қадимги дельта шохобларининг суви тортилиб, улар аста-секин қуриб қола бошлаган эди. Я. Ф. Фуломов Қизилқир атрофининг хароб бўлишини Вобкентдарёдан Зандана каналининг чиқарилиши ва Бухоро воҳаси шимоли-ғарбий қисмининг суғорилиб обод этилиши билан боғлайди.

Археологик маълумотларга кўра, Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг шимолий қисми чегараси илк ўрта асрларда ҳам гоҳ торайиб, гоҳ кенгайиб, доимо ўзгариб турган. Бу райондаги суғоришнинг илк ўрта асрлардаги тарихий динамикаси юқорида қайд этилган Канпирак девор қолдиқларини ва у ўраб турган бир қатор археологик ёдгорликларни ўрганиш билан жуда аниқ белгилаб чиқилди.

Ҳ. Муҳамедовнинг аниқлашича, Бухоро воҳасининг атрофини ўраб турган қадимги девор икки даврда қурилган иккита алоҳида-алоҳида мудофаа иншоотларидан иборат бўлиб, улардан биринчисининг қолдиқлари айрим участкалардагина, иккинчисиники

<sup>21</sup> Я. Г. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, в кн. «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 67.

эса воҳа атрофининг кўпгина жойларида сақланиб қолган<sup>22</sup>. В. А. Шишкин ўрта аср муаллифи Масъудийнинг қадимги Суғд подшоҳларидан бири томонидан қурилган девор хароб бўлиб қолганлиги сабабли халифа Маҳдий замонида Хуросон амири Абул Аббос Тусий буйруғига биноан у қайтадан янгиланди<sup>23</sup>, деган маълумотига асосланиб, Бухоронинг бу қадимги девори III—IV аср билан VII аср мобайнида бино қилинган деб тахмин қилади<sup>24</sup>.

X аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номи асарида келтирилган маълумотларига кўра, Канпирак номи билан машҳур бўлган бу девор 166—215 ҳижрий (782/83—830/31) йилларда қуриб битказилган<sup>25</sup>. Ҳ. Муҳамедов тарихий манбалар ва археологик тадқиқотларга суяниб, Наршахийнинг маълумоти қадимги деворнинг янгидан тикланиши даврига оид деб ҳисоблайди<sup>26</sup>. Шу билан бирга, унинг фикрича, тиклаш даврида кўҳна девор фақат таъмир этилибгина қолмай, балки унинг ташқарисида обод этилган ерлар ҳисобига воҳа чегараси кенгайган ёки, аксинча, обод ерларнинг майдони ичкарига томон қисқарган жойларда эса у янгитдан бино қилинган<sup>27</sup>.

Агарда В. А. Шишкиннинг юқоридаги тахмини ҳисобга олиниб, Ҳ. Муҳамедовнинг тадқиқотларига асосланилса, у вақтда Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг шимоли-ғарбий чегараси III—IV асрларда антик даврга нисбатан 5—6 км шарққа, ҳозирги воҳа томон ичкарига торайиб, VIII—IX асрлардан то XII асргача эса 7—8 км шимолга томон кенгайган. Бу манзарани Қизилқир, Қоровултепа ва Хўжапорсон атрофларида Канпирак деворнинг ҳар икки даврдаги излари орқали кузатиш мумкин. Масалан, III Қизилқир яқинида меридионал бўйлаб йўналган Канпиракнинг кенг марза шаклидаги харобалари воҳанинг ҳозирги чегарасидан 5—6 км ғарбда, яъни антик давр обод ерларининг деярли ўртасидан кесиб ўтади. Қоровултепадан тахминан 5 км шимолроқда у иккига ажралади<sup>28</sup>, улардан бири Ертепа яқинида шарққа бурилади ва Нуртепа ҳамда Талисанглардан ўтиб, Зандана томон йўл олади. Бу участкада антик давр ёдгорликлари I—IV Қизилқирлар, Ҳалқақир, Сеталак, Норттепа ва бошқалар деворнинг ташқарисида қолади. Иккинчи девор эса шимолга томон яна 10 км ча давом этиб, ўрта аср шаҳар харобаси Хўжакултепадан 1 км ча шимоли-ғарбда шарққа бурилади ва Шовара қишло-

<sup>22</sup> Ҳ. Муҳамедов, Стена Канпирак... стр. 49—50; Яна қаранг: Ҳ. Муҳамедов, Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, 86—89-бетлар.

<sup>23</sup> Масъудий, Китобут танбиҳ вал ашроф, М. J, de Goeje, Lugduni, Batavorum, 1894, BGA, VIII, p. 65.

<sup>24</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 25—26.

<sup>25</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966, 36-бет.

<sup>26</sup> Ҳ. Муҳамедов, Стена Канпирак..., стр. 49; Яна қаранг; Ҳ. Муҳамедов, Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, 89-бет.

<sup>27</sup> Уша асар, 89-бет.

<sup>28</sup> Ҳ. Муҳамедов, Стена Канпирак..., стр. 49; Яна қаранг: Ҳ. Муҳамедов, Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, 89-бет.

ғи яқинида воҳанинг ҳозирги чегарасига яқинлашади. Бу территориядаги иккинчи девор Хўжапорсон, Хўжақул, Тоштепа, Жартепа, Хўжабобо хосса, Галиқози, Саидмурод, Галиуба каби бир қанча қадимги ва ўрта аср археологик ёдгорликларини ўраб ўтади. Ҳ. Муҳамедовнинг фикрига кўра, биринчи марза қадимги деворнинг, иккинчиси эса VIII—IX асрларда қурилган Канпиракнинг қолдиқлари бўлган<sup>29</sup>.

Демак, бу қадимги мудофаа деворлари харобалари кесиб ўтган пунктларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, Қизилқир ва Хўжапорсон атрофида сугорилган ерларнинг майдони III—IV асрларда милоддан аввалги I асрдигига нисбатан деярли 4—5 баробар қисқарган. VIII—IX асрларда эса шимолга томон 3—4 баробар кенгайган. Зандана канали орқали сугорилган бу район X—XI асрларда, айниқса, обод бўлган. Урта аср муаллифлари Самъоний ва Ёқутларнинг ахборотларига кўра, ўша вақтларда Хитфар (Зандана) каналининг сувлари Хурмитан ёки Хурмайтан қишлоғигача етиб борган<sup>30</sup>. В. А. Шишкин Хўжапорсонтепани Самъоний ва Ёқутлар тилга олган Хурмитан қишлоғининг харобалари деб ҳисоблайди<sup>31</sup>. Дарҳақиқат, қадимда Зандана рудининг қуйи оқимига жойлашган ўрта аср шаҳар харобаларидан энг каттаси Хўжапорсон ва ундан бир оз кичикроғи Хўжақултепаларидир. Бу ёдгорликларнинг ҳар иккаласи ҳам қўшалоқ тепадан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидадир. Хўжапорсонтепанинг узунлиги 100 м, эни 75 м ва баландлиги 12 м га тенг бўлиб, Хўжақултепанинг ҳажми 95×50 м ва баландлиги 16 м га боради. Бу тепаларнинг археологик материали VI—VII асрларнинг бўёқсиз, X—XI асрларнинг сирли сопол идишлари, симоб кўзачалар, шиша буюмлар ва тош қозонларнинг бўлаклари ҳамда XV—XVI асрларнинг кошинкор ғиштларининг парчалари ва бошқа хилдаги моддий маданият қолдиқларидан иборатдир<sup>32</sup>.

Шундай қилиб, Бухоронинг қадимги сугорилган ерларида олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, милоддан аввалги I аср ва милод бошларида Қизилқир ва Хўжапорсонтепа каби археологик ёдгорликлар комплекси жойлашган район тўла ўзлаштирилган. Бу даврда сугориб обод этилган ерларнинг майдони бу районда максимал даражада кенгайиб, у қарийб 20—25 минг гектарга етган. Милоднинг I—II асрларида Занданаруднинг чиқарилиши билан бу территория деярли сувсиз қолган. III—IV асрларда Қизилқир ва Хўжапорсон атрофларидаги обод ерларнинг майдони деярли 4—5 баробар қисқариб, унинг умумий ҳажми 5 минг гектардан ошмаган. VI—VIII асрларда, айниқса, IX—XI асрларда, бу районнинг шимолий қисми яна қайта обод этилиб,

<sup>29</sup> Уша асар. ўша бет.

<sup>30</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1965, стр. 165.

<sup>31</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 22.

<sup>32</sup> Бу районнинг XV—XVI асрлардаги сугорилиши тўғрисида шу бобнинг кейинги қисмида сўз юритилади.

III—IV асрлардагига нисбатан у 3—4 марта кенгайтирилган. Бу даврда тахминан 15—18 минг гектар ер суғорилган.

Варахша ва Боштепа группасига мансуб бўлган антик давр ёдгорликлари комплекси жойлашган Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг жанубий қисми археологик обзори устида тўхтар эканмиз, аввало шуни қайд қилиб ўтиш керакки, территориал жиҳатидан Қизилқир ва Хўжапорсон участкасига нисбатан бирмунча кенг ва археологик ёдгорликлари бўйича ниҳоятда бой бўлган бу районнинг моддий маданияти 1937—1954 йилларда В. А. Шишкиннинг кенг кўламда олиб борган тадқиқотлари туфайли археология фанида шуҳрат қозонди.

Вобкентдарёнинг жануби-ғарбига йўналган қуйи ирмоқларидан суғорилган бу қадимги воҳа шимолдан жанубга 30—35 км ва шарқдан ғарбга томон 35—40 км чўзилган. Шимолда унинг чегараси шимолий Ромитан коллектори, шимоли-ғарбда Кампиракқумга, жанубда Зарафшоннинг қадимги қуйи ирмоқларидан бири Мохондарё ҳавзасига бориб туташади. Шарқдан уни Бухоро областининг Ромитан ва Свердлов районларининг ғарбий чеккаси ўраб туради. Ғарбда унинг чегараси илк ўрта аср ёдгорлиги Оқрабат атрофидаги оғир қумликларгача етиб боради. Рельефи жиҳатидан бу территория ғарб ва шимоли-ғарбга томон бир оз қияланиб кетган қадимги аллювиал текисликдан иборат бўлиб, қумоқ тупроқли унинг устки агроирригация қатламлари кучли эрозия натижасида нураб, баъзи жойларда 1,2—1,5 м қалинликдаги энг устки қисмини шамол учираб кетган. Шунга қарамасдан, унинг умумий манзарасида дарё шохобларининг ичи қум босган қуруқ ўзанлари, текис тақирлар устида узун марза шаклида кўтарилиб, баъзан барханли қумлар остига яширинган қадимги ирригация тармоқларининг ҳамда қумликлар остидан чиқиб қолган қачонлардир экин экилган пайкалларнинг излари, шунингдек, у ёки бу ерда дўппайиб тепа бўлиб ётган қадимги қишлоқ ва шаҳарларнинг вайроналари кўзга яққол ташланади. Бу кенг майдоннинг юзи қадимги моддий-маданият қолдиқлари билан қопланган. У асосан антик даврнинг сиртига қизил ранг берилган нафис керамикасининг бўлақларидан тортиб, то IX—XI ва қисман XV—XVI асрларнинг сирланган сопол идишларининг синиқларигача ўз ичига олади. Археологик материалларнинг каттагина қисмини X—XI асрларнинг моддий-маданият қолдиқлари ташкил этади. Шубҳасиз булар, баъзи бир асрлардаги узилишларни ҳисобга олмаганда минг йилдан ошиқроқ давр давомида бу районда жўшқин ҳаётнинг барқ уриб қайнаганидан далолат беради.

Мазкур воҳанинг ирригацияси ҳақида сўз юритилар экан, аввало шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Қизилқир ва Хўжапорсон участкасига нисбатан бу районнинг қадимги суғориш тармоқларининг қолдиқлари бирмунча дурустроқ сақланган. Аэрофотосуратларда Вобкентдарёнинг Варахша яқинидан оқиб ўтган қадимги қуруқ ўзанлари ва уларнинг шохобларидан чиқарилган ҳамда қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг харобалари — тепалар оралаб шох отиб кетган каналларнинг излари жуда яхши дешифровка

этилади. Булар, шубҳасиз, Варахша атрофи ирригациясининг умумий манзарасини, суғориш тармоқларининг йўналиши ва уларнинг конфигурациясини аниқлаш имконини беради.

Мазкур асарнинг биринчи бобида қайд этилганидек, Вобкентдарёнинг жануби-ғарбига йўналган энг қуйи ўзанининг излари Бобосимосийдан жануби-ғарбда 20—25 км масофада жуда аниқ кузатилади. Унинг кенлиги 40—60 м, чуқурлиги 1,5—2 м га боради, у Бобосимосийнинг жануби, Талисурхак ва Талисафидларнинг шимолидан ўтиб, Талигузадан 1 км шимоли-шарқда иккига ажралиди. Унинг шохобларидан бири жанубга ва иккинчиси аввал ғарбга сўнгра жануби-ғарбга йўналади. Биринчи шохоб Варахшадан 2 км шарқдан, иккинчиси эса 2 км шимолдан ўтади ва ундан 7—8 км қуйроқда барханли қумлар ичига кириб ғойиб бўлади. Вобкентдарёнинг мана шу қуйи ирмоғи қадимда Варахша ҳамда унинг атрофидаги обод ерларнинг суғорилишида асосий сув манбаи бўлибгина қолмай, балки бу районнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги ирригация системаларининг барпо этилишида, уларнинг конфигурацияларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Чунки, ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Варахша атрофидаги энг қадимги ирригация тармоқлари Вобкентдарёнинг мана шу қуйи ирмоғи этакларида, баъзан унинг шохобларини узайтириб уларнинг давоми тарзида, баъзан уларга параллел равишда давр офта торттиб кетилган. Афсуски, Варахша атрофидаги антик давр ирригация системалари асрлар давомида олиб борилган интенсив деҳқончилик ва илк ўрта асрларда йирик суғориш тармоқларининг барпо этилиши, қолаверса, бу аллювиал текисликнинг сувсизликдан қуриб, узоқ даврлар мобайнида кучли эрозия остида қолиши натижасида вайрон этилиб, уларнинг қолдиқлари бизнинг вақтимизгача тўла сақланмаган. Уларнинг айрим изларигина ўрта асрлардаги воҳа чегарасидан ташқарида жойлашган антик давр обод ерларининг чеккаларида ёки илк ўрта асрларда ўзлаштирилмай оролчага ўхшаб қолиб кетган баъзи бир участкалардагина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, уларнинг мавжуд қолдиқлари антик даврда Варахша атрофидаги суғорилиб обод этилган ерларнинг чегарасини аниқлашда, шунингдек, бу районнинг энг қадимги ирригация системаларини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Хўжа Оқтожи, Талигуза ва Хўжахотин яқинида Варахша атрофининг энг қадимги суғориш тармоқларидан сақланиб қолган излари топиб текширилди. Варахшадан тахминан 1,5 км жануби-ғарбда дарё шохобининг этакроғидан чиқарилган қадимги канал аввал шимоли-ғарбга, сўнгра ғарбга томон йўналиб, Хўжа Оқтожидан 300 м ча шимолдан ўтади. Бу каналнинг излари аэрофотосуратларда 2,5 км масофада аниқ кўринади. Каналнинг эни 20 м бўлиб, рошлари билан қўшиб ҳисоблаганда, унинг умумий кенлиги 40 м га боради. Каналнинг ўнг қирғоғи жуда яхши сақланган, баландлиги 1—1,2 м келади. Унинг чап қирғоғи бўйлаб ўрта асрларда ариқ ўтказилиб, у деярли бузилиб кетган.

Хўжа Оқтожидан 1,2 км шарқда иккинчи қадимги каналнинг қолдиқлари сақланган. У Вобкентдарёнинг Варахша шимолидан ўтган асосий ўзанидан айрига ўхшаш икки шохоб орқали бош олган. Қаналнинг умумий кенглиги 30 м бўлиб, унинг излари илк ўрта аср шаҳар харобаси Лайлакхўр томон 3 км дан ошиқроқ масофада жуда яхши кузатилади. Аэрофотосуратларда бу қадимги каналнинг ҳар икки томонидан ажралиб чиққан шохоблари ва ора-чора уларга кўндаланг тортилган ариқлар ҳамда канал бошининг дарё шохобининг юқориси томон сурилган излари кўзга таш-




Варахшадан 3 км ғарбдан ўтган антик давр каналининг қолдиқлари (ўнг қирғоғи)

ланади. Канал трассаси бўйлаб, онда-сонда антик даврнинг истеҳкомсиз очиқ қишлоқларининг харобалари учраб туради. Учинчи қадимги канал излари Талигузадан тахминан 0,5 км шарқда, меридионал йўналишда 1,5 км масофада кузатилади.

Варахшадан 3 км жанубда антик даврнинг тўртинчи ирригация системасининг қолдиқлари топиб текширилди. У Хўжахотиндан 4,5—5 км шимоли-шарқда, Вобкентдарёнинг Варахша шарқидан ўтган қуйи шохоби ўзанининг ичидан бош олган. Эни 40 м, баландлиги 1,5 м гача марза шаклида сақланган канал ўзанининг қолдиқларига қараганда, у анча-мунча кенг бўлган. Хўжахотиндан 1,5 км шимолда бу қадимги канал учта шохариққа ажралиб, 2—3 км масофада улардан бири жануби-шарққа, қолган иккитаси эса бир-бирига параллел равишда жануби-ғарбга йўналган. Афтидан бу қадимги ирригация системасини сув билан таъминлаб турган Вобкентдарё қуйи шохобининг оқими пасайиб, қуриб қола

бошлаган бўлса керакки, кейинчалик каналнинг боши юқорига, дарёнинг асосий ўзанига кўчирилиб, унинг трассаси 7 км шимоли-шарққа томон узайтирилган. Илк ўрта асрларда бу антик давр каналининг ўзани бўйлаб эни 12 м ли суғориш магистрали ўтказилган. Унинг излари 12—13 км масофада аниқ кузатилади. Каналдан чиқарилган кўпдан-кўп суғориш тармоқларининг йўналишига қараганда, у Варахшадан жанубда жойлашган Талипупа, Тоғалбоз ва Хўжахотин атрофларини сув билан таъминлаган.



Қўштепа атрофини суғорган X—XI аср каналининг излари

Бу қадимги ирригация системасининг атрофида майда ариқлар, экин экилган пайкалларнинг излари сақланиб, кучли эрозияга учраб вайрон бўлиб кетган антик давр истеҳкомисиз очиқ қишлоқлари ўрнида кулолчилик чархида ясалиб, сиртига қорамтир ранг берилган нафис керамика бўлаклари (асосан қадаҳ, товоқ), ёрғучоқ парчалари ҳамда бошқа хил топилмалар сочилиб ётади. Бу терма археологик материаллар тасвирланаётган қадимги ирригация тармоқларининг ишлаб турган даври тўғрисида маълум даражада гувоҳлик берса-да, аммо уларнинг барпо этилган вақтини белгилаш учун, афсуски, асос бўла олмайди. Чунки бу масала Варахша атрофидаги қадимги ирригация тармоқларининг излари бўйлаб жойлашган бир қатор археологик ёдгорликларда кенг кўламда қазииш ишларининг олиб борилишини ва уларнинг остки қатламларидаги моддий-маданият қолдиқларини синчиклаб ўрганишни талаб этади. Шундай бўлса-да, бу ерда биз Варахшанинг остки қатлампидан топилган айрим моддий-маданият қолдиқлари тўғрисидаги баъзи бир маълумотларни В. А. Шишкиннинг тадқиқотларидан келтириш имкониятига эгамиз.



Варахша шаҳар харобасининг шимоли-ғарбий қисмида 2,5 м чуқурликда шаҳарнинг қадимги қалъа девори ва буржининг қолдиқлари топиб текширилди. Баландлиги 2,6 м гача қазиб очилган Варахшанинг бу қадимги мудофаа иншооти йирик форматдаги (36×36×9 см дан 44×44×10 см гача) хом ғишлардан бино қилиниб, деворларининг қалинлиги 1,8—2 м га тенг. Буржининг диаметри деворлари билан қўшиб ҳисоблаганда 8,5 м га боради<sup>33</sup>. Тортилган ёй шаклида қурилган бурж ва унга туташган қалъа деворига найзасимон шаклда ишланган икки қават нишон туйнуқлари ўрнатилган. С. К. Кабанов, топилган археологик материаллар асосида бу иншоотни милоддан аввалги II—I асрлар ва милонинг бошлари билан саналайди<sup>34</sup>.

Варахшанинг бу қадимги мудофаа иншоотининг қолдиқлари ва археологик материали ҳамда Хўжахотин шаҳар харобаларининг остки қатламларидан топилган милодгача бўлган II—I асрлар керамикасининг бўлақлари ҳисобга олинса, бу қадимги воҳанинг илк ўрта аср археологик ёдгорликларининг кўпи антик давр истеҳкомли турар-жойларининг харобалари устида барпо этилгани эҳтимолдан узоқ эмас. Шуларга асосланилса, милод бўсағасида Варахша атрофида қадимги ирригация тармоқлари бўйлаб қатор истеҳкомли турар-жойлар мавжуд бўлганига шубҳа қолмайди. Бироқ айрим нумизматик материаллар, жумладан, Варахша атрофидан икки дона Евтидем тангаси<sup>35</sup> ва Қалъаи Маллабекдан бир дона Евтидем тангасига тақлидан зарб этилган кумуш танга пулларнинг топилиши<sup>36</sup> бу районда милоддан аввалги III аср охирлари ва II аср бошларига мансуб моддий-маданият қолдиқларининг мавжудлигидан ва унинг ўша даврлардаёқ суғорилиб обод этилганидан далолат беради.

Антик даврнинг истеҳкомли турар-жойларининг харобалари Варахшадан тахминан 10—15 км шимоли-ғарбда, қадимий суғорилган ерларнинг ғарбий чеккасида жуда яхши сақланган. Бухоро археологиясида улар Боштепа группаси ёдгорликларни номи билан машҳур<sup>37</sup>. Бу ёдгорликлар Яккатал<sup>38</sup>, Боштепа, I—II Оёқтепалар, Уртатепа, I—II Қўшқирлар, Чектепа ва I—II Чўққитепаларни<sup>39</sup>

<sup>33</sup> С. К. Кабанов, Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953—1954 гг., История материальной культуры в Узбекистане, вып. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР 1959, стр. 123—153; Яна қаранг: В. А. Шишкин, Варахша, стр. 107—111.

<sup>34</sup> С. К. Кабанов, Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша, стр. 149—150.

<sup>35</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 229.

<sup>36</sup> Бу танга 1957 йил кузида Ҳ. Муҳамедов томонидан топилган. Я. Ф. Гуломов, Бир танга тарихи, «Фан ва турмуш» журнали, 2-сон, 1958 йил, 22-бет.

<sup>37</sup> В. А. Шишкин, Археологическая разведка на Баш-тепе, Труды Института истории и археологии, вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1958, стр. 163—172; Яна қаранг: В. Д. Жуков, Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников в западной части оазиса, ўша институт асарлари, VIII сон, 173—204-бетлар; Яна қаранг: В. А. Шишкин, Варахша, стр. 137—144.

<sup>38</sup> Бу тепа В. А. Шишкин тадқиқотларида I Номсиз (Безымянный № 1) номи билан аталган.

<sup>39</sup> Бу тепани В. А. Шишкин II Номсиз (Безымянный № 2) деб атайди.

Ўз ичига олган ўндан ортиқ антиқ давр қасрларининг харобаларидан иборат бўлиб, улар жойлашган территориянинг майдони шимолдан жанубга 5—6 км, шарқдан ғарбга томон қарийб 7 км чўзилган<sup>40</sup>.

Боштепа группаси ёдгорликларининг энг чекка шимолдагиси Яккатал бўлиб, ундан 1 км ча жануб ва жануби-ғарброқда Боштепа жойлашган. Боштепанинг шимоли тик, жануби қияроқ бўлиб, майдони 55×55 м ва баландлиги 8 м га тенг. Боштепадан 400 м жануброқда Уртатепа, 1,5 км жануби-шарқроқда I Оёқтепа



Антиқ давр истехкомининг харобаси — Чектепа

ва охиргисидан 1,25 км шарқроқда эса II Оёқтепа жойлашган. II Оёқтепа думалоқ шаклдаги ёдгорлик бўлиб, ҳажми 64×64 м, баландлиги 8,5 м га тенг. II Оёқтепадан 1,3 км шимоли-шарқда I Қўшқир<sup>41</sup>, 1,5 км шарқда Чектепалар жойлашган. Чектепа планда 25×25 м ли квадрат шаклдаги ёдгорлик бўлиб, унинг баландлиги 8 м га боради. Ундан 1 км ча шимолроқда II Қўшқир, 1,3 км жанубда I Чўққитепа ва ниҳоят, охиргисидан жануби-шарқда шу масофада II Чўққитепа жойлашган.

В. А. Шишкин ва В. Д. Жуковларнинг археологик тадқиқотларидан маълум бўлишича, бу ёдгорликлар йирик форматдаги (48×48×12—42×42×10 см) хом ғишлардан баланд қилиб кўтарилган такурси устига бино қилинган қасрларнинг харобалари

<sup>40</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 138.

<sup>41</sup> Бу тепани В. А. Шишкин Талисурх номи билан тилга олади.

эди. Шуниси диққатга сазоворки, Хоразмнинг антик давр шаҳар ва қалъаларининг ёнида очиқ қишлоқларнинг мавжудлиги характерли бўлганидек<sup>42</sup>, Боштепа группаси ёдгорликларининг атрофларида ҳам бир қанча истеҳкомсиз очиқ турар-жойларнинг харобалари жойлашган. Бундай ёдгорликлар I—II Оёқтепа, Ўртатепа, Чектепа ва бошқа қасрларнинг атрофларида қайд этилган<sup>43</sup>.

Боштепа ва II Оёқтепаларда ўтказилган археологик қазилардан чиққан ҳамда Ўртатепа, I Оёқтепа, Чектепа, I—II Чўққитепалар, I—II Қўшқирлар ва уларнинг атрофларидан тўпланган терма ашёвий топилмалар бўйича, Боштепа группасига мансуб бўлган ёдгорликларнинг археологик материаллари комплекси катта ҳажмдаги сопол идишлар: хум, сувдон, хумча, тоғора, кўза, кувача ҳамда сиртига қизил ранг ва сайқал берилган тутқичли қадаҳ, нафис қилиб чархда ишланган сопол товоқ бўлаклари, сопол ҳайкалчалар, урчуқ тошлар, қайроқлар, ёрғучоқлар, камон ўқининг уч парракли ва зуғатали жез пайконлари, темир пичоқ бўлаклари ва бошқалардан иборат.

Боштепа ва II Оёқтепа археологик материалларини, шу жумладан, керамикасини Аёзқалъа (Хоразм)<sup>44</sup>, IV Афросиёб (Самарқанд)<sup>45</sup>, Тўпхона (Тожикистон)<sup>46</sup>, Ширинсой (Фарғона)<sup>47</sup>, Қуйимозор (Бухоро)<sup>48</sup> ва бошқа ёдгорликларнинг ашёвий топилмаларига таққослаш асосида В. А. Шишкин ва В. Д. Жуковлар Боштепа группаси ёдгорликлари комплексини милоддан аввалги II—I ва милоднинг I асрлари билан саналайдилар<sup>49</sup>.

В. Д. Жуков Боштепа группаси ёдгорликлари билан Самарқанд воҳасининг Дарғом бўйи даштидан топиб текширилган истеҳкомсиз қишлоқларининг археологик материаллари ўртасидаги ўхшашлик устида сўз юритар экан, уларни бир даврга киритади, шу билан бирга, Боштепа қасрларини Зарафшон водийсининг қуйи қисмида ташқи чегара шароити тақозоси билан мудофаа мақсадида қурилган истеҳкомлар ва Дарғом бўйи даштининг очиқ

<sup>42</sup> Я. Ф. Гуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 88-бет.

<sup>43</sup> В. А. Шишкин, Археологическая разведка на Баш-тепе, стр. 166.

<sup>44</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, М., Изд-во МГУ, 1948, стр. 109; Уша автор, По следам древнехорезмской цивилизации, М.—Л., 1948, стр. 110, 117.

<sup>45</sup> А. И. Тереножкин, Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда, Вестник древней истории, 1947, № 4, стр. 129; Уша автор, Согд и Чач. Краткие сообщения Института истории материальной культуры АН СССР, XXXIII, М.—Л., 1950, стр. 156.

<sup>46</sup> М. М. Дьяконов, Работы Кафирниганского отряда, Труды Согдийско-Таджикской экспедиции, т. I, Материалы и исследования по археологии СССР, М.—Л., 1950, № 15, стр. 165—166, таблица № 87.


<sup>47</sup> В. Ф. Гайдукевич, Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане, Советская археология, 1952, XVI, стр. 342, 350.

<sup>48</sup> О. В. Обельченко, Кую-Мазарский могильник, Труды Института истории и археологии АН УзССР, вып. VIII, стр. 224—225.

<sup>49</sup> В. А. Шишкин, Археологическая разведка на Баш-тепе, стр. 172; Уша автор, Варахша, стр. 140; Яна қаранг: В. Д. Жуков, Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников, стр. 203.

қишлоқларини эса воҳа ичкариси шароитида барпо этилган истеҳкомсиз турар-жойлар деб тўғри хулосага келади<sup>50</sup>.

Боштепа атрофлари гарчи ҳозирги вақтда деярли барханли оғир қумликлар ва саксовулзорлар билан қопланган бўлса-да, аммо аэрофотосуратларда Вобкентдарёнинг қуйи дельтаси шохобларидан иккитасининг излари жуда яхши кўринади. Қуруқ ўзанлардан бири илк ўрта аср шаҳар харобаси Қанпирактепадан 2 км шимоли-шарқдан бошланиб, у бу ёдгорликнинг шимоли ва II Чўққитепанинг жанубидан ўтади ҳамда қарийб 10 км масофада шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон йўналади. Иккинчи ўзан ҳам шу йўналишда бўлиб, у биринчисидан 5 км шимоли-шарқдан, II Қўшқир, Чектепа, I—II Оёқтепаларнинг шимолидан ва I Қўшқир (Талисурх), Уртатепа ҳамда Боштепаларнинг жанубидан ўтади. Унинг излари тахминан 5 км масофада кўзга ташланади. Ҳар



Қоратепадан 15 км жанубдан ўтказилган илк ўрта аср давр каналининг кўндаланг кесими

икки қуруқ ўзанларнинг кенглиги 25—30 м га боради. Булардан ташқари тепалар атрофида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон йўналган каналларнинг излари тез-тез учраб туради. Ҳатто В. Д. Жуков II Оёқтепа яқинида канал ва ундан кўндаланг чиқарилган ариқларнинг ҳамда эни 4—6 м, узунлиги 10—15 м ли квадрат ва тўғри бурчак шаклидаги экин экилган полларнинг изларини қайд этган<sup>51</sup>. Бу каналлар, шубҳасиз, юқорида тасвирланган дарё шохоблари этакларидан бош олган, Қизилқирнинг қадимги суғориш системасига ўхшаш локал типдаги ирригация тармоқларидан иборат бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Афсуски, барханли қумликлар орасида уларнинг биронтасининг ҳам изларини узоқ масофада кузатиб бўлмайди.

В. Д. Жуковнинг таъкидлашича, Боштепа группаси ёдгорликлари жойлашган бу қадимги деҳқончилик воҳаси милоддан аввалги I ва милоднинг I асрларида гуллаб-яшнаган<sup>52</sup>. Милоднинг II—III асрларида эса у сувсизликдан қуриб, аҳоли томонидан ташлаб кетилган. В. Д. Жуков Боштепа атрофларининг қуриб қолишини Зарафшоннинг ўрта оқимида суғориш системаларининг кенгайиб,


<sup>50</sup> В. Д. Жуков, Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников., стр. 174, 203.

<sup>51</sup> В. Д. Жуков, Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников., стр. 203.

<sup>52</sup> Ўша асар, ўша бет.

дарё суви сарфининг юқорида ошиб кетиши ва унинг этакларида сувнинг етмай қолиши билан боғлайди<sup>53</sup>. Кейинги йилларда ўтказилган археологик тадқиқотларнинг натижаларидан аниқланишича, бу қадимги воҳанинг қуриб қолишига кўпроқ Вобкентдарё ҳавзасида йирик суғориш каналларининг барпо этилиши сабаб бўлган.

Вобкентдарёнинг қуриб қолган қадимги ўзанидан чиқарилган йирик суғориш системаларидан бирининг қолдиқлари Варахшадан 10 км шимолда ўрта аср шаҳар харобалари Қўрғони Ромитан ва Субуқ оралиғида топиб текширилди. Шарқий кенглик йўналишидаги бу қадимги канал Қўрғони Ромитандан 2 км шимоли-ғарбдан бошланади. Каналнинг эни 11 м бўлиб, рошлари билан қўшиб ҳисоблаганда унинг умумий кенглиги 19—20 м га боради. Рошларнинг баландлиги 50—60 см гача сақланган. Қарийб 30 км масофада чўл бағрига ёриб кирган унинг излари аэрофотосуратларда



Қоратепа яқинидан ўтказилган ўрта аср каналининг кесими

кўзга яққол ташланади. У Қиётон шаҳар харобасидан 0,5 км ча шимолдан, Қўштепадан 0,5 км ва Қоратепадан 1,5 км жанубдан ўтиб, 17 км масофада икки шохобга ажралади. Шохоблардан бири шимоли-ғарбга ва иккинчиси ғарбга йўналади. Биринчи шохоб 20 км да иккига бўлиниб, X—XI аср ёдгорлиги Минора тепасини шимол ва жанубдан ўраб ўтади. 21 км дан сўнг Қанпирак деворининг икки еридан кесиб ўтгач, унинг юқори ўзани яна 6—7 км давом этади. Иккинчи шохоб эса Субуқдан 1 км шимолдан ўтади. Бу шохоб ҳам Қанпиракни кесиб ўтиб, 23 км масофада барханли оғир қумликлар ичига кириб кўздан ғойиб бўлади. Субуқдан шимолда каналнинг излари эни 12 м ли сойлик шаклида жуда яхши сақланган. Рошларининг кенглиги 9 м ва баландлиги 1—1,2 м га боради.

Бу қадимги магистрал каналнинг юқори қисмида унинг ўнг қирғоғидан учта ва сўл қирғоғидан иккита шохариқлар ажралиб чиққан. Унг қирғоқ шохариқлари шимоли-ғарбга 7—8 км, чап қирғоқ шохариқлари жануби-ғарб ва ғарбга, сўнгра шимоли-ғарбга томон 10—15 км чўзилган. Шуниси диққатга сазоворки, магистрал каналдан чиқарилган ҳар бир шохариқ бўйлаб бир ёки бир неча антик давр истеҳкомли турар-жойларининг харобалари жойлашган. Масалан, Қиётон рўпарасидан каналнинг асосий ўзанидан бош олган биринчи шохариқ бўйлаб топиб текширилган Талчайи-зоир ва Талчайиашур, Қўштепа яқинидан ўтган иккинчи шохариқ

<sup>53</sup> Уша асар, 174-бет.

системасидаги II Қўштепа, Қоратепа орқали Бўронтепага йўналган учинчи шохариқ атрофида қайд этилган, III, IV, V Қоратепа-лар ҳамда магистралнинг чап соҳили бўйида жойлашган II Қоратепа ва бошқа антик давр ёдгорликлари ҳамда улар атрофида қайд этилган истехкомсиз очиқ турар-жойларнинг харобалари шулар жумласидандир. Бу тепалар доира ёки овал шаклида бўлиб, диаметри 70—80 м ва баландлиги 3—4 м га боради. Уларнинг терма археологик топилмалари: ёргучоқ бўлаклари, сиртига қизғиш ранг берилган нафис сопол идиш ва қадаҳларнинг парчалари, терракоталарнинг синиқлари ва бошқалар II Оёктепанинг археологик материалига жуда ўхшашдир. Бу қадимги магистрал канал системасидан суғорилган Бўронтепа шаҳар харобасининг остки қатламлари ҳам антик даврга мансуб бўлиб, унинг атрофида рекогносцировка ўтказган В. А. Шишкин ҳам Бўронтепанинг археологик материалининг асосий қисми милод бошларига оид керамика буюмларидан иборат эканлиги тўғрисида ёзади<sup>54</sup>. Ҳатто у Бўронтепадан 300—600 м шимолроқда сопол идишлар пиширилган хумдонларнинг қолдиқлари ва улар атрофида уюлиб ётган брак сопол идишлар ва қадаҳлар ҳамда тошқоллардан иборат антик даврнинг бир қанча кулолчилик устахоналарининг харобаларини қайд этган<sup>55</sup>.

II Қоратепадан 0,5 км шимолда каналнинг асосий ўзани ҳамда Қўштепадан 1 км шимолдан ундан чиқарилган шохариқ кўндалангига кесиб кўрилди. Кесимлардаги ётқизикларнинг структурасига қараганда, бу қадимги суғориш системаси ўз бошинан икки даврни кечирган. Эни 11 м ли магистрал канал ўзининг усти 36 см қалинликдаги тақирдан иборат бўлиб, унинг остида 15 см ли майда қум қатлами ётқизилган. Қум тубидаги 40 см ли кулранг тусли соф аллювиал қатлам 20 см ли қум ва қалин лойқа ётқизиклари устида ҳосил бўлган. Бу магистралдан бош олган шохариқ кесими структураси ва чап қирғоғининг айрим жойларда икки қатор марза шаклида сақланганига қараганда, даставвал унинг эни 9 м дан ошиқроқ бўлиб, кейинчалик у қарийб 2 м га торайган. Бу суғориш системасининг биринчи қадимги даври II Қўштепа, II Қоратепа, Талчайизоир, Талчайиашур каби антик давр ёдгорликлари ҳамда Субуқ ва Бўронтепа шаҳар харобаларининг остки қатламлари асосида милод бошлари билан, кейинги иккинчи даври эса бир қанча археологик ёдгорликлар асосида илк ўрта асрлар билан саналади.

Қадимда Қўштепа, Қоратепа, Субуқ ва Бўронтепа атрофларини суғорган антик даврнинг бу магистрал канали ўзининг конфигурацияси ва топографияси жиҳатидан Хоразмнинг сўнгги Кушан ва Африғийлар даврларидаги ирригация системаларига, шу жумладан, эни 9 м ва узунлиги 50 км ли Қирққиз каналига жуда ўхшаб кетади<sup>56</sup>. Хоразмнинг сўнгги антик давр суғориш тармоқлари

<sup>54</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 134.


<sup>55</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>56</sup> Б. В. Андрианов, Древние оросительные системы Приаралья (в связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия), М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 120 и 133.

учун характерли бўлганидек, унинг унчалик кенг бўлмаган суғориш зонаси магистралнинг ҳар икки соҳили бўйлаб жойлашган.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар ва аэрофотосуратларни дешифровка қилиш воситаси билан Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг жанубий қисмида ҳам Вобкентдарёнинг қадимги қуруқ ўзанлари ва уларнинг шохобларидан чиқарилган унчалик катта бўлмаган локал типдаги қадимги суғориш системалари ҳамда дарёнинг асосий ўзанидан бош олган антик даврнинг йирик суғориш тармоқларининг излари ва уларнинг конфигурацияси аниқланди. Қадимги ирригация системалари бўйлаб жойлашган археологик ёдгорликларга қараганда, милод бошларида Варахша воҳасида тахминан 60—80 минг гектар ер майдони суғорилиб обод этилган.

Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, антик давр охирларида Варахша воҳасининг қадимги ирригация системалари



Қўштепа артрофини суғорган X—XII аср канали ўзанининг кўндаланг кесими.

ишдан чиқиб, у деярли қуриб қолган. В. А. Шишкиннинг кўрсатишича, бу даврда сувсизликдан ташлаб кетилган ерларнинг чегараси Варахшадан 10—12 км шарқдан, Бухоро воҳасининг ҳозирги ғарбий чеккаларини ҳам ўз ичига олиб ўтган<sup>57</sup>. «Варахша атрофларининг сувсизликдан қуриб қолгани сабабли бўлса керак,— деб таъкидлайди В. А. Шишкин,— бу даврда шаҳарнинг қадимги қалъа девори ва бурчи остида қалин кўчма қум қатлами ҳосил бўлган»<sup>58</sup>. Варахша воҳаси ирригация системаларининг ишдан чиқиб, Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг қуриб қолиши, шубҳасиз, IV—V асрларда Урта Осиёда содир бўлган иқтисодий ва сиёсий тушкунлик билан боғлиқ бўлган.

Археологик текширишларга қараганда, узоқ вақт давом этган вайроналикдан сўнг V аср охирлари ва VI аср бошларида бу қадимги воҳанинг суғориш тармоқлари қайта ишга солиниб, Варахша атрофлари яна обод этилган. В. А. Шишкин тадқиқотларидан маълум бўлишича, бу даврда Варахша атрофида янгидан мустақ-

<sup>57</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 230.

<sup>58</sup> Уша асар, 230-бет.

кам шаҳар девори барпо этилиб, унинг жанубий қисмида эса арк ва қасрлар бино қилинган. Айни шу даврдан бошлаб Варахша Бухоронинг феодал ҳокимлари — бухорхудотларнинг қароргоҳига айланган<sup>59</sup>.

Тоғиб текширилган моддий-маданият қолдиқларига кўра, VIII—IX асрларда суғорилиб обод этилган ерларнинг майдони Варахшадан ғарбга томон анча-мунча кенгайиб, антик даврнинг Боштепа группаси ёдгорликлари жойлашган қадимги воҳанинг шарқий чегарасига бориб туташган. Худди шу даврларда бино қилинган Бухоро воҳасининг мудофаа девори Варахшадан 9—10 км ғарбдан ўтган. X—XI асрларда Варахша атрофлари, айниқса гуллаб-яшнаган<sup>60</sup>. Бу даврда Варахша воҳаси бир неча йирик суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланиб турган. Бу қадимги воҳанинг шимолий қисмида жойлашган Қўштепа, Қоратепа, Субуқ ва Бўронтепаларни суғорган антик даврнинг магистрал канали X—XI асрларда энг йирик суғориш системасига айланган. Бу даврда унинг қуйи оқими бирмунча узайтирилиб, Канпиракдан ташқарида майдони шарқдан ғарбга 6—7 км, жанубдан шимолга 4—5 км чўзилган дашт ерлар суғорилиб обод этилган. Урта аср муаллифлари Ёқут ва Самъонийлар томонидан тилга олинган Субитғук ва Бўрон ёки Фаврон каби Бухоронинг обод қишлоқлари шу каналнинг қуйи қисмида қад кўтарган. Уларнинг маълумотига кўра, Бухоро билан Бўрон оралиғи 5 фарсах (40 км) лик йўл бўлган<sup>61</sup>. Бу қишлоқларнинг харобалари ҳозирги вақтгача сақланиб, улар юқорида номлари тилга олинган Субуқ ва Бўронтепаларга тўғри келади. Бўронтепа Бухородан шу масофада шимоли-ғарбда жойлашган. У деярли квадрат шаклидаги бири иккинчисига ёндашган иккита тепадан иборат бўлиб, бирининг баландлиги 15,7 м ва иккинчисиники эса 5,6 м бўлган. Бўронтепа атрофлари Қоратепа орқали ўтган каналдан суғорилиб, чўл бағрида унинг излари жуда яхши сақланган. Каналнинг эни 5 м, рошларининг баландлиги 70—80 см, кенглиги 5—6 м га боради.

Бўронтепадан 6,5 км жануби-ғарбда Субуқтепа жойлашган. Планда у ҳам тўғри тўртбурчак шаклдаги бир-бирига туташган икки тепадан иборат. Улардан шимолдагиси тик ва баланд бўлиб, ҳажми 75×125 м, баландлиги қарийб 15 м, жанубдагиси эса бирмунча яссироқдир. Унинг майдони 200×100 м ва баландлиги 5,5 м га тенг. Бу улкан шаҳар харобалари атрофидаги ерлар IX—XI асрларда Қўштепа жанубида асосий магистралдан чиқарилган канал орқали суғорилган. 15 км ли узунликдаги унинг излари аэрофотосуратларда кўзга яққол ташланади.

Бухоро тарихчиси Наршахий Варахша қишлоғидаги қадимги ободончиликни тасвирлар экан, унинг 12 та канал орқали суғо-

<sup>59</sup> В. А. Шишкин, Уша асар, 231 ва 234-бетлар.

<sup>60</sup> В. А. Шишкин, Уша асар, 242—243-бетлар.

<sup>61</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, стр. 174, 182, 184.



рилганлиги тўғрисида ёзади<sup>62</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, аэро-фотосуратларнинг дешифровкаси ва Варахша атрофида ўтказилган археологик қидирувлар Наршахийнинг бу ахборотини тўла тасдиқлади. Варахша воҳасининг илк ўрта асрлар топографиясида Вобкентдарёнинг қадимги дельтасидан чиқарилган 6 та магистрал каналларнинг ҳар бири икки шохобга ажралиб, улар Варахша атрофларини суғорган 12 та тармоқли улкан суғориш системасини ҳосил қилган эди. Каналлардан икkitаси Вобкентдарёнинг




Варахша жанубидан ўтказилган қадимги канал қолдиқлари

Варахша томон йўналган ўзанининг ўнг қирғоғидан ва қолган тўрттаси эса чап соҳилидан чиқарилган. Ўнг қирғоқ каналлардан биринчиси шимоли-ғарбга томон 10—12 км чўзилиб, у Дағартепа ва Сандиқтепа каби бир неча илк ўрта аср қишлоқ харобаларининг атрофларини суғорган. Иккинчи канал Варахшанинг шимолдан ўтган Вобкентдарёнинг қадимги қуруқ ўзанига параллел равишда ғарбга томон йўналиб, шарқда Чандиртепа ва Эрвойтепа, ғарбда Канпирактепа, жанубда Вобкентдарёнинг қуруқ ўзани ва шимолда Баландтепалар оралиғида шимолдан жанубга 5 км ҳамда шарқдан ғарбга томон 10 км чўзилган майдонни суғорган.

Жануб ва жануби-ғарбга йўналган учинчи канал Талисурхакдан тахминан 1,5 км шимолроқдан дарёнинг чап қирғоғидан бош олиб, 11—12 км масофада у асосан ҳозирги Свердлов районининг

<sup>62</sup> Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1963, 24-бет.

ғарбий чегарасига ёндашган Талисурхак (Авлиётепа), Чортоқ, Талимузаффар, Хўжанажот, Талисанг, Хўжакабутпўш, Ромуш, Пошойи, Хазратқизбиби, Қалъаи Маллабек ва бошқа бир қанча ўрта аср ёдгорликлари жойлашган ерларни суғорган. Талисафиддан 1 км шимолроқдан чиқарилган тўртинчи канал жануби-ғарбга томон 19—20 км чўзилган. Илк ўрта асрларнинг бу суғориш системаси бўйлаб Талисафид, Кематепа, Ялпоқтепа, Хўжапаранда, Сартароштепа, Каттахўжашон, Зармитан ва бошқа археологик ёдгорликлар жойлашган. Бешинчи канал Қўтантепа яқинидан бошланиб, унинг кенглиги 12 м, рошларининг баландлиги 1,5 м ва узунлиги 8—9 км га борган. У асосан Варахшанинг шарқий томонидаги ерларни сув билан таъмин этган. Бу суғориш системаси илк



Варахша жанубидан ўтказилган канал ўзанининг кўндаланг кесими

ўрта аср ёдгорликларидан Талипуца ва Тағолбоз каби бир неча қишлоқ харобаларини ўз ичига олган. Бу суғориш тармоғининг йўналиши ва унинг трассаси бўйлаб ўтказилган археологик тадқиқотларга қараганда, XI аср охирида ва XII аср бошларида Варахша шаҳари ва унинг атрофи шу каналнинг ўнг қирғоғидан чиқарилган махсус шохариқ орқали сув билан таъминланиб турган. Талигузадан 3 км шимоли-шарқдан бош олган олтинчи канал эса илк ўрта асрларда бевосита Варахшани суғорган ирригация системаси бўлиб, у Талигузадан 2 км шарқда икки шохобга ажралиб, улардан бири жанубга ва иккинчиси ғарбга йўналган. Эни 9 м ли каналнинг биринчи шохоби Варахшанинг жанубидаги ва иккинчиси эса унинг ғарбидаги ерларни суғорган. Бу суғориш тармоқлари ва улар атрофида барпо этилган пайкалларнинг излари аэрофотосуратларда жуда яхши кузатилади. Бу борада биринчи канал шохобининг қуйи қисмида Хўжахотин яқинида сақланиб қолган экин экилган пайкалларнинг қолдиқлари, айниқса диққатга сазовордир. Учта шохариқларга ажралган каналнинг марказий ўзани бўйлаб кенглиги 0,5 км ва узунлиги 1,5 км ли майдонда кўндалангига ҳар икки томонга тортилган майда ариқлар ва тахталарга ажратилиб экин экилган пайкалларнинг поллари жуда яхши сақланган. Бу қадимги пайкалларнинг қолдиқлари, терма археологик топилмаларга кўра, X—XI асрларга мансуб бўлиб, улар қарийб 750 га ер майдонини эгаллаган. Варахша-

нинг илк ўрта асрларда барпо этилган бу суғориш тармоқлари бухорхудотларнинг қароргоҳи харобасидан ташқари Талигуза, Хўжа Оқтожи, Ашурак, Лайлакхўр, Хўжахотин каби ўрта аср йирик археологик ёдгорликларининг атрофини суғорган.

Шундай қилиб, аэрофотосуратларни дешифровка қилиш ҳамда археологик қидирув ва маршрутлар ўтказиш асосида қадимги Варахша воҳасини суғорган иккита магистрал каналнинг излари ва уларнинг конфигурацияси аниқланди. Бу суғориш тармоқлари то-



Қадимги Қизариқ каналининг излари (самолётдан кўриниши)

пографияси ва улар бўйлаб жойлашган ўнлаб археологик ёдгорликларга қараганда, бу каналлар IX—X асрларда қўйи Зарафшоннинг энг йирик ирригация системаларига айланган. Уша даврларда бу икки магистрал каналлар орқали қарийб 80—100 минг гектар ер майдони суғорилиб обод этилган.

Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари тўғрисида сўз юритилганда, Қорақўлдарёнинг чап қирғоғида, Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган илк ўрта аср шаҳар харобаси Пайкент ва унинг атрофларини суғорган қадимги ирригация системасининг қолдиқлари ва унинг бўйида қад кўтариб турган айрим археологик ёдгорликлар устида ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофоқдир.

Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қадимда Пайкент атроф-

лари Шаҳруд каналининг қўйи қисмидан чиқарилган махсус канал орқали суғорилган<sup>63</sup>. Унинг излари Бухоро воҳасининг жанубий чегарасига ёндашган даштликда Ройимобод қишлоғи билан Пайкент шаҳар харобаси оралиғида 15—16 км масофада жуда яхши сақланган. Бу каналнинг қолдиқлари маҳаллий аҳоли

<sup>63</sup> 1964 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг проф. Я. Ф. Ғулумов бошлиқ Моҳондарё археологик отряди Пайкент атрофларидаги қадимги суғорилган ерларда махсус текширишлар ўтказди.

Ўртасида «Қизариқ» номи билан машҳурдир. Қизариқнинг эни 6 м, рошларининг баландлиги 1—1,5 м гача сақланган. Райимобод қишлоғи яқинида жануби-ғарбга томон йўналган Қизариқнинг излари Авлиёдан 0,5 км қуйроқда, аввал Қуйимозор сув омборидан чиқарилган канални, сўнгра унга деярли параллел ўтказилган Денгизкўл коллекторини кесиб ўтгач, Пайкент даштига томон йўл олган. Райимободдан 2,5—3 км жануби-ғарбда Қизариқнинг чап қирғоғидан бешта шохариқ ажралиб чиққан. Жанубга томон йўналган бу шохариқларнинг кенлиги 2—2,5 м ва рошларининг баландлиги 0,5 м дан ошмайди. Уларнинг излари 1—1,5 км масофада барханли қумлар остига кириб ғойиб бўлади. Шохариқлар бош олган жойда VI—VII аср кўшкнинг харобалари жойлашган\*. Планда у деярли квадрат шаклида бўлиб, майдони 35×33 м ва баландлиги 3,5 м га тенг. Кўшк ташқи деворининг қалинлиги 4,75 м бўлиб, у ҳажми 36×24×10—11 ва 40×40×11—12 см ли йирик хом ғиштдан ишланган. Бу археологик ёдгорликдан 4 км ча ғарбоқда Қизариқ учта шохобчага ажралиб, улардан бири шимоли-ғарбга, Яккатут темир йўли станцияси томон, қолган иккитаси ғарбга йўналган. Иккинчи шохобча 2 км масофадан сўнг Денгизкўл коллекторини кесиб ўтиб, шимолга бурилади ва шу йўналишда яна 3—4 км давом этгач, Яккатут ва Чандир қишлоқларининг жанубидаги пастак адирликлар ичига кириб, кўздан ғойиб бўлади. Ғарбга йўналган Қизариқнинг асосий ўзани Денгизкўл коллектори бўйлаб қарийб 7 км давом этгач, Пайкентдан 2,5 км шимоли-шарқда жойлашган илк ўрта аср кўшкнинг харобаси Бодиосиё тепасининг шимолидан ўтиб, Пайкентга етмай тугайди. Бодиосиё яқинида Қизариқнинг ва ундан чиқарилган ариқларнинг излари кўзга яққол ташланади. Я. Ғ. Ғуломов Қизариқ каналининг ковлаб чиқарилишини Пайкент шаҳарининг барпо этилиши ва унинг атрофларининг сугорилиб обод қилиниши билан боғлаб, уни VI аср бошлари билан саналайди<sup>64</sup>.

Қизариқнинг қуйи қисмида жойлашган илк ўрта аср кўшкнинг харобаси Бодиосиё, даставвал, 1898 йилда Н. Ф. Ситниковский томонидан қайд этилган<sup>65</sup>. 1913 йилда Л. А. Зимин<sup>66</sup> ҳамда 1939 йилда Давлат Эрмидажи ва Моддий маданият тарихи институтининг А. Ю. Якубовский бошлиқ Зарафшон археологик экспедицияси томонидан Пайкент ва Бодиосиё атрофларида баъзи бир археологик текширишлар ўтказилган<sup>67</sup>. Уша йили Бодиосиё ва унинг атрофи планга туширилиб, унда Қизариқнинг қуйи қисми қарийб

\* Я. Ғ. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, стр. 69.

<sup>64</sup> Я. Ғ. Ғуломов, Уша мақола. 69—70-бетлар.

<sup>65</sup> Н. Ф. Ситниковский, О древностях в районе Зеравшана, Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, год третий, Ташкент, 1897—1898, стр. 93.

<sup>66</sup> Л. А. Зимин, Развалины старого Пайкента, Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, год восемнадцатый, вып. II, Ташкент, 1913, стр. 86.

<sup>67</sup> А. Ю. Якубовский, Краткий полевой отчет о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмидажа и ИИМК в 1939 г., Труды отдела Востока Государственного Эрмидажа, т. II, Л., 1940, стр. 61.

3 км масофада қайд этилган<sup>68</sup>. 1956 йилда эса Г. В. Шишкина Бодиосиёда археологик қазишлар олиб борди<sup>69</sup>.

Бодиосиёнинг плани квадрат шаклида эканлиги, ҳажми 24×22,5 м ва баландлиги 8 м га тенг бўлганлиги аниқланди. Бодиосиё Г. В. Шишкина томонидан батамом қазилиб, ундан баландлиги 5,2 м ли пахса тагкурси устига қурилган саҳни турли ҳажмдаги 8 хонали бинонинг қолдиқлари очилди. Бино ташқи девори-



Қизариқ каналининг қолдиқлари

нинг қалинлиги 2,5 м бўлиб, у пахса ва йирик форматдаги хом гиштлардан ишланган<sup>70</sup>.

Бодиосиёдан 300 м жануби-ғарбда диаметри 25 м, баландлиги 4,5 м ли яссироқ тепача жойлашган. Унинг атрофида саҳни 40×20, 60×20, 60×40 ва 100×50 м ли ҳовли ва турар-жойлар ҳамда уларга ёндашиб ўтган шохариқдан сопол қувурлар орқали сув олган қадимги водопроводнинг қолдиқлари қайд этилган<sup>71</sup>. Г. В. Шишкина Бодиосиё ва унинг яқинидаги турар-жой қолдиқларини илк ўрта асрларда Пайкент атрофида бунёд этилган кўп-

<sup>68</sup> А. Ю. Якубовский, Уша асар, 61-бет.


<sup>69</sup> Г. В. Шишкина, Замок Бад-Асия в окрестностях Пайкенда, История материальной культуры Узбекистана, вып. 4, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1963, стр. 87—109.

<sup>70</sup> Г. В. Шишкина, Замок Бад-Асия в окрестностях Пайкенда, стр. 87—101.

<sup>71</sup> Г. В. Шишкина, Уша мақола, 102-бет.

дан-кўп работлардан бирининг харобаларига қабул этиб, улардан чиққан археологик материаллар асосида Бодиосиё ёдгорлиги VIII—IX асрларда бино қилинган деб тахмин қилади<sup>72</sup>.

Араб халифалиги қўшинларининг Ўрта Осиёга ҳарбий юриши даврида Пайкент шаҳри вайрон этилиб, қаровсиз қолган, унинг қадимги Қизариқ ирригация системаси ишдан чиққан. Бўшаб қолган Пайкент бирмунча вақтдан сўнг қайта тикланиб, Зараф-



VIII аср истехкоми Бодиосиё харобалари (самолётдан кўриниши)

шон дарёсидан унга янгитдан сув чиқарилган. Иккинчи канал ҳозирги Яккатут темир йўл станциясидан шимолроқда Қорақўлдарёдан бош олган. Унинг билинар-билимас излари Яккатутнинг жанубида айрим пунктлардагина сақланиб қолган<sup>73</sup>. Бухоро воҳаси атрофининг Канпирак девор билан ўраб олиниши муносабати билан бу улкан мудофаа иншоотининг ташқарисида қолган Пайкент воҳасига VIII аср охири ва IX аср бошларида янги канал ўтказилган. Бу учинчи суғориш тармоғи ҳозирги Оғар қишлоғи яқинида Қорадарёнинг чап қирғоғидан чиқарилиб, у аввалги каналдан 2 км ғарбдан, унга параллел равишда ўтган. Эни 15 м ли унинг излари Оғар ва Пайкент оралиғида ҳозир ҳам жуда яхши сақланган<sup>74</sup>.

<sup>72</sup> Г. В. Шишкина, Уша мақола, 102-бет.

<sup>73</sup> Я. Г. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, стр. 70.

<sup>74</sup> Я. Г. Фуломов, Уша мақола, 70—71-бетлар.

Бу суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган Пайкент илк ўрта асрларда Бухоро воҳасидаги энг обод ва йирик шаҳарлардан ҳисобланган. Наршахийнинг ёзишича, унинг атрофида мингдан ортиқ работ бўлган<sup>75</sup>. Археологик материалларга кўра, Пайкент ва унинг атрофи X—XI асрларда айниқса гуллаб-яшнаган.

Шундай қилиб, Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, илк ўрта



Қизариқдан чиқарилган қадимги шохоб қолдиқлари

асрларда, айниқса IX—XI асрларда қуйи Зарафшонда бир қанча йирик суғориш иншоотлари қурилиб, воҳанинг суғорма деҳқончилиги ер майдони ниҳоятда кенгайган.

IX—XI асрларда қуйи Зарафшонда суғориш ишларининг кенгайгани тасодифий воқеа бўлмай, балки Араб халифалиги ҳукмронлиги тугатилгач, ўз мустақиллигини тиклаб олган Мовароуннаҳрда, аввал Сомонийлар, сўнгра Қорахонийлар каби йирик феодал давлатларининг ташкил топиши туфайли мамлакатда содир бўлган иқтисодий ва маданий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу даврда фақат Бухоро воҳасигина эмас, балки бутун Зарафшон водийси тўла суғорилиб, обод этилган.

Араб географларининг маълумотларига кўра, Самарқанд русоқларидан саккизтаси Зарафшон дарёсидан чиқарилган бир қанча катта-кичик магистрал каналлардан суғорилган. Дарғом кана-

<sup>75</sup> Наршахий, Бухоро тарихи, 24-бет.

ли системасидан суғорилган Варқсар, Маймурғ, Санжарфагон ва Дарғом рустоқларининг суғорма деҳқончилик майдонининг узунлиги 10 фарсах, кенглиги 4 фарсах бўлган<sup>76</sup>. Узунлиги икки кунлик масофага<sup>77</sup> тенг бўлган Пай ёки Фай<sup>78</sup> канали орқали суғорилган воҳа Суғднинг энг обод ва гавжум қисми ҳисобланган<sup>79</sup>. Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Иштихон ва Кушония Суғднинг марказий рустоқларидан ҳисобланган. Улар алоҳида-алоҳида каналлар орқали суғорилган. Иштихон рустоғи майдонининг узунлиги беш кунлик ва кенглиги бир кунлик, Кушониянинг узунлиги икки ва кенглиги бир кунлик масофа бўлган<sup>80</sup>.

Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Варқсардан (ҳозирги Равотхўжа) Бухоро чегарасигача Суғд дарёси олти кунлик масофада фақат қишлоқлар, боғ ва бўстонлар ҳамда суғориш каналлари бўйлаб оққан<sup>81</sup>.

X аср авторлари маълумотларига кўра, Бухоро воҳаси Самарқандга нисбатан обод ва кенг бўлган. Унинг обод ерлари 22 рустоққа бўлинган. Бу рустоқлардан 15 таси воҳанинг атрофини ўраган қадимги мудофаа истеҳкоми — Канпирақнинг ичкарасига ва 7 таси унинг ташқарисига жойлашган<sup>82</sup>. Наршахий ва Истахрийлар ўз асарларида Бухоро рустоқларини сув билан таъминлаган йирик магистрал каналлардан 17 тасининг рўйхатини келтирадилар<sup>83</sup>. Истахрийнинг маълумотига кўра, Бухоро шаҳрини кесиб ўтган Зар канали 12 та шохобга бўлинган<sup>84</sup>. Истахрий ва Худуд ул-Оламда келтирилган маълумотга қараганда, Бухоро воҳасининг Канпирақ билан ўраб олинган обод қисмининг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 12 фарсах бўлган<sup>85</sup>.

Бухоро воҳаси Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда (874—907) айниқса обод этилиб, унинг ташқи чегараси Канпирақ девордан ташқарига анча кенгайтирилган. Ўз давлат чегарасининг Канпирақ билан чекланишини истамаган Исмоил Сомоний деворни тиклаб туриш учун сарфланадиган харажат ва қилинадиган хашар ишларини бекор қилган<sup>86</sup>. Наршахий бу тўғрида:

<sup>76</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, М., 1963, стр. 144.

<sup>77</sup> Бир кунлик масофа 5 фарсах, яъни 30—35 км га тенг.

<sup>78</sup> Каттақўрғон шаҳари яқинида Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидан бош олган Нарпай (Наҳрипай) канали.

<sup>79</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 144-бет.

<sup>80</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 146-бет.

<sup>81</sup> ... ومقدار هذا النهر من ورغس رالى حد بخارا حيث تاخدمنه  
انهار بخارا المذكوة داهل حائطهم سنة ايام مستبكه القرى و البساتين  
والانهار...

<sup>82</sup> В. В. Бартольд, Уша асар, 163—168-бетлар.

<sup>83</sup> Истахрий BGA II, 310—311-бетлар; Наршахий, Бухоро тарихи, 34—35-бетлар.

<sup>84</sup> Истахрий, BGA II, 307—308-бетлар.

<sup>85</sup> Истахрий, BGA II, 305-бет; Яна қаранг: Худуд ал-Алем, рукопись Туманского с введением и указателем В. Бартольда, Л., 1930, л. 22<sup>б</sup>.

<sup>86</sup> Х. Муҳамедов, Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, 73—74-бетлар.



«Амир,— то мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан, деди ва устига олган бу вазифани тўла бажарди»<sup>87</sup>,— деб ёзади. Истахрий Зарафшон водийсини тасвирлар экан, унинг унумдорлигига қойил қолади. Бухоро воҳасини у мовий осмон гумбази остига тўшалган ва қасрлар билан нақшланган ям-яшил гиламга ўхшатади<sup>88</sup>.

В. В. Бартольд Самъоний ва Ёқут маълумотларига асосланиб Зарафшон водийсида жойлашган 230 обод қишлоқ номларининг рўйхатини келтиради<sup>89</sup>. В. А. Шишкин биргина Бухоро воҳаси территориясида қадимги шаҳар ва истеҳкомлар харобаларидан 500 га яқинини қайд этган<sup>90</sup>. Бу маълумотлар Зарафшон водийсининг, шу жумладан, унинг қуйи оқимига жойлашган Бухоро воҳасининг суғорилиб, нақадар обод этилганидан далолат беради.

Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу қадимги обод воҳа, ва айниқса, унинг ғарбий қисми XII асрдан бошлаб сувсизликдан аста-секин қуриб, унинг майдони анча қисқариб кетганлиги аниқланди. Варахша воҳасининг суғорилиб обод этилиши тарихий босқичларини белгилаб чиққан В. А. Шишкин қадимги суғорилган ерларнинг сувсизликдан қуриб, обод ерларнинг қисқариб кетишини XII аср бошларида Ўрта Осиёда содир бўлган иқтисодий ва сиёсий тушкунлик билан боғлайди<sup>91</sup>.

Дарҳақиқат, иқтисодий ва сиёсий инқироз оқибатидан бўлса керак, Бухорода деҳқончилик шу қадар тушкунликка учрайдики, ўша даврда яшаган Наршахий асарининг таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Қубовий Бухоро яқинидаги энг унумдор ерлар тўғрисида сўзлаб: «Бизнинг давримизда [1128 й.] бу Кўшки муғон ерлари шундай [арзон] бўлдики, уни текинга берсалар ҳам, ҳеч қим олишни истамайди. Сотиб олингани ҳам [ҳукмдорларнинг] халққа қилган зулм ва шафқатсизлиги сабабли [экилмай ётади] ва текинга қолиб кетади»<sup>92</sup>, деб ёзади.

Арслонхон ҳукмронлик қилган даврда (1102—1130) сувсиз қолган Пайкент ва унинг атрофларига сув чиқариш учун қилинган ҳаракатлар ҳам кутилган натижани бермаган. «Ҳаромконнинг суви Байканд иморатлари [яқини]га гоҳ етиб келиши, гоҳ эса етиб келмаслиги туфайли,— деб ёзган эди бу тўғрида Аҳмад Қубовий,— сув иморатларгача етиб келсин учун Арслонхон алоҳида ариқ қазишга буюрди. Байканд тоғ тепасида<sup>93</sup> жойлашган бўлиб, лекин тоғ баланд эмас эди. Хоқон тоғдан ариқ қазишга буюрди. Тош шундай қаттиқ эдики, унда ҳеч бир дарз йўқ эди... Тошларни юмшатиш учун жуда кўп харвор ёғ ва сирка сарф бўл-

<sup>87</sup> Наршахий, Бухоро тарихи, 36—37-бетлар.

<sup>88</sup> Истахрий, ВГА II, 305—306-бетлар.

<sup>89</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, стр. 173—187.

<sup>90</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 21.

<sup>91</sup> В. А. Шишкин, Уша асар, 243-бет.

<sup>92</sup> Наршахий, Бухоро тарихи, 34-бет.

<sup>93</sup> Бу тоғ эмас, мергелли сланец жинсларидан иборат пастак адирликлардир.

са ҳам бир фарсанг масофадан ортиқ қазийёлмадилар. Кўп кишилар ҳалок бўлди; кўп қийинчилик кўриб, кўп маблағ сарф қилгандан кейин, [ариқни] қазимай қолдирдилар»<sup>94</sup>. Пайкентга сув чиқариш учун ковланган бу канал ҳозирги Чандир қишлоғи яқинида Қоракўлдарёдан чиқарилиб, унинг битмай қолиб кетган эни 10—12 м ли излари 5—6 км масофада Чандир ва Пайкент оралиғидаги адирликлар орасида жуда яхши сақланган<sup>95</sup>.

Шундай қилиб, феодализм мулкчилиги шароитида содир бўлган иқтисодий ва сийсий инқироз оқибатида XII асрда Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари сувсизликдан батамом қуриб қолган. XV—XVI асрларда Бухоро воҳасининг ғарбий чегарасига ёндашган қадимги суғорилган ерларнинг кичикроқ қисмида ҳаёт гарчи тикланган бўлса-да, аммо бу ерларнинг асосий қисми ҳозирги вақтгача қуйи Зарафшоннинг турли тарихий босқичларига мансуб бўлган сон-саноксиз археологик обидаларни ўз бағрида сақлаб келаётган сувсиз даштликдан иборат археологик кўриққа айланган.

## 2. XIV—XVI асрларда Бухоро воҳаси суғорилишининг тарихий динамикаси

Чингизхоннинг Ўрта Осиёга ҳужуми ва мўғул истилочиларининг бир ярим асрлик ҳукмронлиги забт этилган бошқа вилоятларда бўлганидек, Зарафшон водийсининг ҳам иқтисодий ва маданий ҳаётига, айниқса, унинг деҳқончилик хўжалигининг асоси бўлган ирригациясига катта зарба берди.

С. П. Толстов Чингизхон ҳужуми Шарқ мамлакатларининг ирригация хўжалигига етказган зарарига баҳо бериб: «Ўнлаб авлодларнинг меҳнати билан барпо этилган ирригация тармоқларининг вайрон этилиши жиҳатидан мўғуллар ҳужумининг оқибати Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида айниқса оғир бўлган эди»<sup>96</sup>, — деб ёзади.

Дарҳақиқат, мўғул истилочиларининг Зарафшон водийси бўйлаб, айниқса, унинг йирик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Дабусия ва бошқа шаҳар-қишлоқларда кўплаб сув иншоотларини бузиб ташлаганликлари ҳамда у ерларда ўтказган оммавий қирғинлари туфайли деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг сони камайиб кетганидан водийнинг йирик суғориш системалари қаровсиз қолиб, сувсизликдан қуриб қолган ирригация шохоблари узоқ давр давомида тикланмай ётган.

Карл Маркс ирригация экономикасининг асоси ҳисобланган Шарқ мамлакатларида суғориш тармоқларининг вайрон этилишининг энг оғир оқибатлари тўғрисида сўз юритиб: «Осиёда... мамлакатни бутун асрлар давомида одамсиз қолдирмоқ, шу мамла-

<sup>94</sup> Наршахий, Бухоро тарихи, 25-бет.

<sup>95</sup> Я. Г. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, стр. 71.

<sup>96</sup> С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., Изд-во Восточной литературы, 1962, стр. 296.

катни бутун цивилизациясидан маҳрум қилмоқ учун битта қирғин урушнинг ўзи кифоя қилади»<sup>97</sup>, — деган хулосага келган эди.

Афросиёбда ўтказилган археологик қазишмалардан маълум бўлишича, Самарқанд шаҳрини сув билан таъмин этган «Жуйи Арзиз» («Қўрғошин канали») <sup>98</sup> устига пишиқ гиштлардан <sup>99</sup> бино қилинган қадимги акведукнинг мўғул истилочилари томонидан бузиб ташланиши натижасида шаҳар сувсиз қолиб, аҳолиси қирғинга учраб хонавайрон этилган Самарқанд кейинчалик ҳам «Афросиёб» номини олган ўзининг қадимги харобалари ўрнида қайта тикланмаган. В. В. Бартольднинг фикрига кўра, XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида бўлиб ўтган мўғулларнинг ғалаёнлари натижасида Мовароуннаҳр аҳолисининг бошига тушган мусибат Чингизхон босқини келтирган вайронликка нисбатан ҳам узунроқ ва чуқурроқ излар қолдирган эди<sup>100</sup>.

Истилочилар томонидан икки марта ёндирилиб, вайронага айлантирилган Бухорода XIII аср охириларидан бошлаб мўғуллар ҳужуми етказган шикастларни тузатишга киришилган бўлса-да, аммо шаҳар ва қишлоқлардаги харобалар узоқ даврларгача сақланиб қолган эди. 1333 йилда Бухорода бўлган Марокаш сайёҳи Ибн Батутанинг сўзларига қараганда, ўша вақтда шаҳардаги мачит, мадраса ва бозорларнинг кўпи хароба ҳолда бўлган.

Афсуски, тарихий манбаларда Мовароуннаҳр, шу жумладан, Бухоронинг иқтисодий ва маданий ҳаётига оид маълумотларнинг деярли йўқлиги, бунинг устига Зарафшон водийсининг қуйи қисмида жойлашган археологик ёдгорликларнинг XIII—XIV асрларга мансуб бўлган маданий қатламларида кенг кўламда археологик қазишлар ўтказилиб, тадқиқ этилмаганлиги сабабли, биз Бухоро воҳасининг ирригация хўжалигига мўғуллар истилоси етказган шикастлари ва уларни тузатиш учун XIII аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган дастлабки ирригация қурилишлари тўғрисида аниқроқ ва муфассалроқ фикр юритиш имконидан маҳруммиз. Бироқ шунга қарамасдан, мўғуллар исти-

<sup>97</sup> К. Маркс, Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги; К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I том, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 344-бет.

<sup>98</sup> X аср араб географларининг тасвиришича, «Жуйи Арзиз» иншооти тошлардан қурилган равоқ устига ўрнатилган улкан нова (акведук) бўлиб, шаҳарга нова орқали оқиб ўтадиган сувнинг силжиб кетмаслиги учун унинг ичи қўрғошин билан қопланган. Шунинг учун у «Қўрғошин канали», яъни «Жуйи Арзиз» деб аталган. Бу иншоот бино қилинган жой «Расат Тоқ» ёки «Сари Тоқ» деб юритилган. В. В. Бартольд, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 275—276.

<sup>99</sup> 1945 йилда Хазрати Хизир мачитидан жануброқда А. И. Тереножкин «Жуйи Арзиз»нинг қолдиқларини топиб текширди. Топилган пишиқ гишт намуналарига қараганда қадимги «Жуйи Арзиз» новаси X аср араб географлари тасвириганларидек тошлардан эмас, балки катталиги 53×40×9 : 42×20×9 см ли тўртбурчак; 42×42×9 см квадрат ва 28—36×48, 5—49×9 см ли понасимон шаклдаги йирик форматли пишиқ гиштлардан бино қилинган эди. А. И. Тереножкин, Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда, «Вестник древней истории», М., 1947, № 4, стр. 131.

<sup>100</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1963, стр. 524.

лосидан кейин Бухоро воҳасидаги айрим қишлоқлар ва шаҳар атрофи ирригация хўжалигининг умумий ҳолатини характерлаб берувчи баъзи бир маълумотларни XIII аср охири ва XIV асрнинг иккинчи чорагида тузилган вақф ҳужжатларидан келтириш билан бизни қизиқтираётган масалага қисман бўлса-да, ойдинлик кири-тиш мумкин. Бу борада Бухоронинг илк ўрта асрлардаги обод рустоқларидан бири Сомжан туманида жойлашган Хамина қиш-лоғидаги Хўжа Хамина мозорига вақф қилинган ерларнинг 1299 йил-да тузилган вақфномасида берилган баъзи бир топономик маълу-мотлар диққатга сазовордир<sup>101</sup>.

Ҳужжатнинг вақф қилинган ерларнинг чегараси кўрсатилган қисмларида Сомжан ва Паркад номли каналлар ҳамда Хамина, Мағкони Хурдак, Навфаж, Марғосун, Нухўддиза, Фағона, Гушак ва бошқа қишлоқлар тилга олинган. Бу қишлоқлардан Навфаж, Марғосун ва Гушаклар Н. Ф. Ситняковский томонидан тузилган Бухоро воҳасининг XIX аср охирларидаги қишлоқлари ва ариқла-рининг рўйхатида келтирилган<sup>102</sup>. Улар асримиз бошида тузилган Бухоронинг топографик харитасида ҳам кўрсатилган. Ҳозирги Бухоро области Ромитан районининг ғарбий чегарасида жойлаш-ган бу қишлоқларнинг тутган ўрни назарда тутилса, Бухоро во-ҳаси обод ерларининг ғарбий чегараси юқорида номлари тил-га олинган қишлоқлар жойлашган қисмида, XIII аср охирларида ҳам ҳозирги чегарага деярли яқин бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва хонақоси учун 1326—1335 йилларда тузилган вақф ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қараганда, ўша вақтларда Бухоро ва Вобкент атрофидаги қишлоқларда қаровсиз ётган узумзорлар, мевали да-рахтлари араланиб, тўнкаларигина сақланган боғларнинг ўринла-ри, қуриб қолган ариқ ва ҳовузлар, вайрон этилган сарой, мачит-лар, кадивар ва зироатчилар яшаган уй-жойларнинг харобалари ҳали кўп бўлган<sup>103</sup>. Масалан, ҳужжатда вақф этилган Ушмиюн қишлоғи тўғрисида сўз юритилганда, баланд тепалик устига жой-лашган унинг қўрғони ичида илгари мачит, саройлар, омборхона-лар ва кадиварларнинг уй-жойларидан иборат турли хилдаги имо-ратлар бўлгани, эндиликда эса уларнинг ҳаммаси харобага ай-лангани ва экин ерлари эса дарахтлари кесилган хароб боғлардан иборат экани баён этилган<sup>104</sup>.

XVI асрнинг иккинчи чорагидаги Бухоронинг хўжалик тарихи-га оид бу ноёб манбада келтирилган маълумотларга асосланилса

<sup>101</sup> Бу ҳужжат А. К. Арендс ва А. Б. Холидов томонидан рус тилига таржи-ма этилиб, О. Д. Чеховичнинг сўз бошиси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлан-ган. Ҳужжатнинг араб ва форс тилида ёзилган асл нусхалари УзССР Марказий Давлат архивида сақланмоқда. ЦГА УзССР ф. И-323, оп. 1, ед. хр. 1423 (3 и 1422)16.

<sup>102</sup> Н. Ф. Ситняковский, Список арыков и населенных пунктов Бухар-ской части долины Зеравшана, Известия Туркестанского отдела Русского гео-графического общества, т. I, вып. II, Ташкент, 1900, стр. 179—314.

<sup>103</sup> О. Д. Чехович, Бухарские документы XIV века, Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1965, стр. 14.

<sup>104</sup> О. Д. Чехович, Бухарские документы XIV века, стр. 14, 46, 126, 127.

М. Е. Массоннинг XIV асрнинг иккинчи чораги бошида Бухоро тўла қайта тикланган эди<sup>105</sup>, деган фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки бу даврда Бухоро эндигина тиклана бошланган эди. Буни XIV аср Бухоро вақф ҳужжатида берилган маълумотлар ҳам тўла тасдиқлайди. Ҳужжатда вақф ерлари ва уларнинг атрофидаги хусусий мулклар тасвир этилганида янги қазилган каналлар, қайта ўрнатилган сув иншоотлари — новалар, янгитдан барпо этилган боғ ва тоқзорлар, янги қурилган уй-жойлар ҳамда яқиндагина ташландиқ бўлиб ётган ерларга экилган зироатлар тилга олинган<sup>106</sup>.

Демак, келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг иккинчи чорагида Бухоро воҳасида деҳқончилик хўжалигини, шу жумладан, унинг асоси ҳисобланган суғориш тармоқларини аста-секин тиклашга киришилган бўлса-да, аммо мўғуллар истилоси ва уларнинг ҳукмронлиги келтирган вайроналикнинг асорати ҳали ҳам кучли бўлган. Уша давр ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасини ҳисобга олганда, Мовароуннаҳрнинг, шу жумладан, Зарафшон водийсининг деҳқончилик хўжалигига, айниқса унинг ирригациясига етказилган шикастни бир неча асрлар мобайнидагина тузатиб, иқтисодий ҳаётни тўла йўлга қўйиш мумкин бўлур эди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Темур давлатининг ташкил топиши билан Зарафшон водийсининг юқори қисмида жойлашган Самарқанд воҳасида йирик суғориш каналлари чиқарилиб, Миср, Димишқ, Шероз, Султония, Бағдод каби кўркам янги қишлоқлар ҳамда боғ-роғлар барпо қилинган<sup>107</sup> ва Самарқанд шаҳри ниҳоятда обод этилган бўлса-да, аммо Бухоро воҳасининг ирригация тарихида бу давр, фикримизча, узоқ йиллар мобайнида суғориш тармоқлари аста-секин тикланиб келинаётган даврнинг давоми бўлган. Чунки Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотларнинг натижалари, гарчи XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Бухоро воҳасида амалга оширилган суғориш ишлари ҳақида тарихий манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамаса-да, шундан далолат бермоқда.

Археологик маълумотларга кўра, XV асрдан бошлаб, Бухоро воҳасининг ғарбий чегараси даштга, XII асрдаёқ сувсизликдан қуриб қолган, жанубда Варахша ва Шимолда Хўжапорсон воҳаларига томон аста-секин кенгай бошлаган. Варахша билан ҳозирги воҳа оралиғида жойлашган қадимги суғорилган ерларда X—XI аср шаҳар харобалари Дингилтепа, Зармитон, Хўжахотин, Тилисафид,

---

<sup>105</sup> М. Е. Массон, Исторический этюд по нумизматике Джагатаидов (по поводу Таласского клада монет XIV в.), Труды САГУ им. Ленина, новая серия, вып. XI, Исторические науки, кн. 25, Археология Средней Азии, IV, Ташкент, 1957, стр. 79.

<sup>106</sup> О. Д. Чехович, Бухарские документы XIV века, стр. 14—15, 39, 44, 48, 57, 119—120, 123, 125, 129, 137.

<sup>107</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 195.

Талисурхак яқинида В. А. Шишкин ҳамда Қўштепадан шимолда бизнинг экспедициямиз томонидан XV аср қишлоқлари ва пишиқ ғиштдан ишланган мақбараларининг харобалари қайд этилади<sup>108</sup>. Қалъайи Симичдан шимоли-шарқда жойлашган ғўристонда, мармардан ясалган 50 тача қабр тошлари сақланиб, В. А. Шишкин томонидан саналари аниқланган учта мармар тошлардан бирида 882 ҳижрий йилининг зулҳижжа ойи (1478 й. январь—февраль) ва иккинчисида 875 ҳижрий (1470/71) йили кўрсатилган<sup>109</sup>. Қисқалиги ва умумийлигидан қатъи назар, бу археологик маълумотлар Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда Бухоро воҳасининг ирригация хўжалиги тўла тикланиб, суғорилиб обод этилган ерларнинг майдони бу вақтга келиб, мўғуллар истилоси арафасидаги деҳқончилик майдонига нисбатан бирмунча кенгайиб, унинг ғарбий чегараси даштга томон 5—6 км сурилганини кўрсатади.

Бадриддин Қашмирийнинг «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон» номли асарида келтирилган айрим маълумотларга қараганда Улуғбек замонида (1409—1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндашган Сомонжуқ даштига сув чиқарилиб, обод этилган<sup>110</sup>.

Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга ҳарбий юриши, айниқса, ўзбек султонларининг Зарафшон водийсида тож-тахт учун олиб борган ўзаро урушлари оқибатида экин далалари ва боғ-роғларнинг поймол этилиши, бунинг устига ҳарбий харажатларнинг ўрнини қоплаши учун аҳолидан ундириб олинadиган солиқларнинг ниҳоятда кўпайиши, шубҳасиз, мамлакат экономикасига ва унинг асоси бўлган суғорма деҳқончилик хўжалигига путур етказган эди.

XVI аср муаллифларидан Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий ўша даврларда Мовароуннаҳрда содир бўлган оғир аҳволни ўзининг «Абдуллонома» асарида қуйидагича тасвирлаган эди: «[Ўша вақтда] ҳар тарафдан тескари шамол эсарди. Ҳар бурчакдан фитна гарди осмонга кўтариларди. Ҳар куни жигарни ўртайдиган олов ёқиларди. Ҳар замон бало тўфони юқори кўтариларди. Соғу саломатлик анқодек махфийлик пардаси остига яширинган эди. Тинчлик ва хотиржамлик кибрити ахмар ва аҳду ҳунарнинг ривожкоридек кўринмай кетган эди. Омонлик ва тўғрилиқ жаҳондан нафратланиб, интизом ҳам жамият юлдузлари тўдасидагина чегараланиб қолган эди...

Халойиқ тангликдан ҳайрон бўлиб, фуқаро бурчак-бурчакда саргардон эди»<sup>111</sup>.

XVI аср бошларига оид тарихий манбалардан Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» номли асарида келтирил-

<sup>108</sup> В. А. Шишкин, Варахша, М., Изд-во АН СССР, 1963, стр. 127—137.

<sup>109</sup> В. А. Шишкин, Варахша, стр. 137.

<sup>110</sup> Бадриддин Қашмирий бинни Абдуссалом Хусайний, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2094, варақ 302<sup>б</sup>.

<sup>111</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий), 1-жилд, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966, 38-бет.

ган маълумотларга қараганда, ўша даврларда мамлакатда тинчлик ва осойишталик йўқолиб кетгани ва солиқларнинг кўплигидан халқнинг аҳволи оғирлашиб қолганидан Самарқанд вилояти аҳолисининг бир қисми ўз мулклари, ерларини ташлаб, бошқа жойларга кўчиб кетган<sup>112</sup>. Натижада жуда кўп ерларга экин экилмай, улар бўш қолиб, ер солиғидан давлат девонхонасига тушадиган даромад миқдори кескин равишда қисқарган<sup>113</sup>.

Бироқ бу ерда шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, қисқа муддатга бўлса ҳам Шайбонийхон ҳукмронлик қилган даврда (1500—1510), сўнгра Абдуллахон (1557—1598) даврида давлатнинг сиёсий жиҳатдан бирлаштирилиши ва ягона ҳокимиятнинг ўрнатилиши мамлакат экономикасининг яхшиланишига олиб келди.

«Меҳмонномаи Бухоро» асарида баён этилишича, Шайбонийхон ер-сув ҳамда солиқ масалаларини тартибга солиш мақсадида Самарқанд яқинида Қонигил манзилида қонуншунос олимларни тўплаб махсус кенгаш ўтказган. Кенгашда солиқларнинг оғирлиги ва амалдорларнинг зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган мулкдорларнинг ерларини ишга солиш масаласи муҳокама қилиниб, бундай ер-сувларни подшоҳ тасарруфига топшириш, ер эгалари қайтиб келгач, уларга ўз мулк ерларини қайтариб бериш ва ердан давлат фойдалангани учун хазинадан маълум ҳақ тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган<sup>114</sup>.

Қамолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» номли асарида келтирилган маълумотларга кўра, 1503 йилда Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарёларга ажралган қисмига Шайбонийхон томонидан сув айирғич кўприк қурилган<sup>115</sup>. Зарафшон водийсида бундай йирик сув иншоотининг бино қилиниши шубҳасиз мамлакатнинг хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида, бир томондан, марказий ҳокимиятнинг сиёсий мавқеининг мустаҳкамланиши, иккинчи томондан, ўзбек уруғларининг ўтроқ деҳқончилик ҳаётига кўчиш жараёнининг кучайиши билан обикор ерларга бўлган талабнинг ортиб бориши мамлакатда ишдан чиқиб бўш ётган ерларга сув чиқариш ва янги ерларни ўзлаштириш учун ирригация ишларининг кенгайишига олиб келди.

Археологик маълумотлар ва тарихий манбаларнинг шоҳидлигига қараганда, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида, айниқса унинг марказий қисми ҳисобланган Зарафшон водийсида


<sup>112</sup> Фазлуллоҳ ибн Рузбехон, Меҳмонномаи Бухоро, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 1414, варақ 128<sup>а-б</sup>.

<sup>113</sup> Р. Джалилова, Қ истории аграрных отношений в Государстве Шейбани-хана в начале XVI века, Общественные науки в Узбекистане, № 9, 1963, стр. 42.

<sup>114</sup> «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг «Қонигил кенгаши»га бағишланган саҳифаларининг рус тилига қисқартирилган таржимаси Р. Жалилова томонидан нашр этилган; Р. Джалилова, Қ истории аграрных отношений в Государстве Шейбани-хана в начале XVI века, «Общественные науки в Узбекистане», № 9, 1963, стр. 40—43.

<sup>115</sup> Қамолиддин Биноий, Шайбонийнома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 844, варақ 40<sup>а</sup>—42<sup>б</sup>.

бир қанча йирик суғориш иншоотлари қурилиб, обикор ерларнинг майдони кенгайтирилган. 1583 йилда Зарафшон водийсининг шимолида жойлашган Нурота тизма тоғидан оқиб тушадиган Оқчоб сойининг дараси ичига «Абдуллахонбанди» сув омбори бино қилиниб, Нурота воҳасининг шарқий қисмига жойлашган Жўш ва Оқчоб атрофлари суғорилиб обод этилди<sup>116</sup>. Зарафшон водийсининг ирригация хўжалигини, жумладан, Бухоро воҳасининг суғориш тармоқлари бўйлаб Зарафшон дарёси сувининг тақсимотини тартибга солишда Зарафшон дарёси устига 1582 йилда қурилган



XVI асрда бино қилинган сув омбори Абдуллахонбанди тўғонининг-қолдиқлари

«Пули Қармина»<sup>117</sup>, XVI асрнинг иккинчи ярмида бино қилинган «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор»<sup>118</sup> каби сув ўлчагич ва сув бўлғич кўприклар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. XVIII асрнинг охирларига оид тарихий манбалар-

<sup>116</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий), УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2207, варақ 327<sup>а</sup>; Яна қаранг: В. В. Бартольд, Қ истории орошения Туркестана, Сочинения, т. III, стр. 204; Яна қаранг: А. Муҳаммаджонов, Қадимги сув иншоотлари тарихидан, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1968, 22—28-бетлар.

<sup>117</sup> Саид Роқим, Тарихи Роқимий, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 7711, варақ 201<sup>а</sup>—202<sup>б</sup>.

<sup>118</sup> А. Р. Мухамеджанов, Средневековые мосты — водоизмерители на Зерафшане, История материальной культуры Узбекистана, вып. 8, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1969, стр. 124—136.



дан Мирзо Баде девоннинг «Мажмаъ ал-арқом» номли асарида келтирилган маълумотларга кўра, бу сув иншоотларининг воситаси билан Бухоро воҳасидаги сўғориш тармоқларининг ҳақобаси белгиланиб, Зарафшон дарёсининг суви шу иншоотлар орқали сўғориш системаларига тақсимланган<sup>119</sup>.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Туятортар каналининг чиқарилиб, Жиззах воҳаси сув таъминотининг яхшиланиши<sup>120</sup> ҳамда Мурғоб водийсининг юқори қисмида Кўшк сойи тўсилиб «Ховузи-хон» сув омборининг барпо этилиши<sup>121</sup> ўша даврда амалга оширилган йирик ирригация қурилишларидан эди.

Жиззах воҳаси ҳамда Эски Туятортар канали бўйлаб ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Туятортар канали милод бошларида Фармонтепа яқинида Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан чиқарилиб, XVI асрда унинг ўзани узайтирилган. Дўснат, Қоратош, Аламли, Янгиқўрғон оралиғида қарийб 100 км масофада унинг ўзани паст-баланд адирлар ёқалаб ўтказилиб, Жиззахнинг асосий сув манбаи — Сангзор дарёсига туташтирилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида хонлик пойтахтининг Бухоро шаҳрига кўчирилиши билан, шаҳар бирмунча кенгайтирилиб, унинг атрофи обод этилган. Ўша даврда Бухоронинг обод этилишини Ҳофиз Таниш қуйидагича тасвирлайди. «Айниқса ул ҳазрат (Абдуллахон) замонида ва шу кунларда [яъни ҳижрий тўққиз юз тўқсон учинчи йилда<sup>122</sup>] унинг ободонлиги кундан-кунга ортмоқда... [Бухорода] ул ҳазратга (Абдуллахонга) мувофиқ [қилиб] кўп олий бинолар: масжидлар, работ ва кўприклар ҳамда ҳовузлар бино қилдилар. Олимлар, зоҳидлар, тақводорлар ва диёнатлиларнинг маошлари учун экинзорлар, обод жойларни вақф қилдилар. Унинг (Бухоронинг) қайси тарафига борманг, ҳар қандай саҳро [ё] чўлда бирор мусофир тунаб қоладиган бўлса, [у] ташқарида қоладиган жой топмайсиз»<sup>123</sup>.

Ҳофиз Таниш Бухоронинг ғарбида жойлашган Сувмитонда барпо этилган боғни қуйидагича тасвирлайди: «...у боғнинг тўрт томони турли мевали дарахтлар билан ҳамда тол, сарв, терак, ток, чинор ва ранг-баранг гуллар билан безалган эди»<sup>124</sup>. Бухородан

---

<sup>119</sup> Мирзо Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, А. В. Вильданова томонидан нашр этилган фото факсимиле, varaқ 90<sup>а-б</sup> ва 91<sup>а</sup>, Письменные памятники Востока, Историко-филологические исследования, Ежегодник, 1968, М., Изд-во «Наука», 1970, стр. 51—53.

<sup>120</sup> Н. М. Вирский, Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области по данным поземельно-податных работ, с 13 статистическими таблицами — Справочная книжка Самаркандской области, вып. X, 1912, стр. 41.

<sup>121</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, Сочинения, т. III, стр. 113 и 153.

<sup>122</sup> 1583 йилда.

<sup>123</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий) 1-жилд, 275—276-бетлар.

<sup>124</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома, 281-бет.

ўша боғгача бўлган бир фарсахлик (7—8 км) йўлнинг икки ёнидан ариқлар қазилиб, соҳилларига дарахтлар ўтказилган эди<sup>125</sup>.

Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда (1557—1598) мамлакатда амалга оширилган қурилиш ва ирригация ишларини Бадриддин Қашмирий ўзининг «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон» номли асариде тасвирлар экан: «...Ҳар бир шаҳарда масжид ва олий мадрасалар бино қилиниб, уларнинг тоқ — равоқлари етти рангли кошин, олтин ва лажувардлар билан нақшланди. Ҳар манзилда равоқлар ва сардобалар қурилиб, дарёлар устига тошкўприклар ўрнатилди. Каналлар қазилиб, даштларга сув чиқарилди. Халойиқ ўртасида омонлик, арзончилик... ва шодлик пайдо бўлди»<sup>126</sup>, — деб ёзади.

Бухоро хонлигида суғориш ишларини кенгайтириб, янги ерларни ўзлаштиришда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган ўша даврнинг энг йирик феодал руҳонийларидан Жўйборий хўжалар катта роль ўйнадилар. XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб, хонлиkning идора ишларига кенг кўламда сиёсий таъсирларини ўтказиб келган мусулмон руҳонийларининг бошлиғи бўлган Жўйборий хўжалар мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тутган ўз мавқеларидан фойдаланиб, тасарруфларидаги катта-катта ер-сувлардан иборат мулкларини кенгайтиришга интиланлар. Шунинг учун ҳам улар меҳнаткаш халқ омасининг кучи билан сув иншоотлари қуриш ва даштларга сув чиқариб, янги ерларни ўзлаштиришдан манфаатдор бўлганлар.

Бадриддин Қашмирийнинг «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон» номли асарининг тўртинчи қисми<sup>127</sup> Жўйборий хўжаларнинг олиб борган ирригация қурилишларининг баёнига бағишланиб, унда XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг турли вилоятларида Амударё, Зарафшон, Чирчиқ, Вахш ва Мурғоб дарёларидан чиқарилган йирик суғориш тармоқлари тўғрисида қимматли фактик маълумотлар келтирилади.

Бадриддин Қашмирийнинг маълумотига кўра, 964 ҳижрий (1556/57) йилда Хўжа Ислоҳ Бухоронинг Шаҳруд суғориш системасидан алоҳида канал чиқариб, Мирзо Улуғбек Қурагон замо-

<sup>125</sup> Ўша асар, 282-бет.

... در هر شهری مساجد و مدارس عالی ساخته و طاق و رواق  
آن بکاشی هفت رنگ و طلا و لاجورد بپرداخته و در هر منزلی  
رباطها بنا کرده و سردآبها بر آورده و بر روی دریاها پلهای  
سنگین بسته و در هر صحرائی جویبارها روان کرده و در میان  
خلایق امانی و ارزانی و شوق و شادمانی پدید آورده [ند].

Бадриддин Қашмирий. Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон, ҶСШР  
ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2094, варақ 380.

فصل چهارم در صفت جویبارها و نهرهایی که خواجه عالم  
بناه ارشاد. Бадриддин Қашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул

ғилмон, варақ 302.а

нидан (1409—1449) то Абдуллахон соҳибқирон давригача сувсизликдан қаҳраб ётган Сомонжуқ даштини<sup>128</sup> суғориб обод этган<sup>129</sup>. Кейинчалик бу канал Хўжа Қааб номи билан юритилган. У Шаҳруд суғориш системасидаги энг йирик шохоблардан ҳисобланган. Н. Ф. Ситняковскийнинг маълумотига кўра, XIX асрнинг охирилари Хўжа Қааб шохобининг сув сарфи 15 тошга тенг бўлиб, у Тахти-тал, Деҳидароз, Ёбу, Тошрабат, Шўробод, Хўжа Қааб ва бошқа қишлоқларни суғорган<sup>130</sup>.

967 ҳижрий (1559/60) йилда Хўжа Исломнинг буйруғи билан унинг ўғли Хўжа Қосим Кўҳак (Зарафшон) дарёсидан Афшана қишлоғигача канал чиқариб, Исмоил Сомоний замонидан бери сувсиз ётган биёбон ва қумликларгача сув олиб боради<sup>131</sup>.

Каналлар қаздириб, янги ерларни ўзлаштиришда Хўжа Исломнинг ўғли ва меросхўри Хўжа Саъд ҳам катта ишлар қилади. У 976 ҳижрий (1568/69) йилда канал қаздириб, Амударёдан Чоржўй атрофларига сув олиб келади. Малиқшоҳ Салжуқий замонидан бери сувсиз қолган ва мўғуллар томонидан бутунлай вайрон этилган Чоржўй атрофидаги ерларни суғориб обод этади<sup>132</sup>.

<sup>128</sup> Сомонжуқ дашти Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндашган бўлиб, у ҳозирги Қуйимзор сув омборидан жанубда ва Тўдакўлдан шарқда жойлашган.

<sup>129</sup> در تاريخ سنه اربع و ستين و تسعمائه حضرت قطب الا برار يعنى پدر بزرگوار نامدار ایشان جویبار فبض آثار صحرای سمانجوق برآورده و آب آن جویبار را از رود شهر بخارا جدا کرده... چنانچه از زمان میرزا الغ بیگ کورکان باز تا آیام پادشاه صاحب قران... در آن صحرا و بیابان بغیر از آب برف و باران آب دریای نرسیده بود و این زمان سمانجوق از کثرت باغات و بساتین غیرت خدد برین گردیده <sup>6</sup> 302.6

<sup>130</sup> Н. Ф. Ситняковский, Список арыков и населенных пунктов Бухарской части долины Зеравшана, стр. 273.

<sup>131</sup> در سنه سبع و ستين و تسعمایه بامر عالی حضرت قطب الا برار خواجه قاسم شاؤری جویبار قریه افشنه بر آورده و آب آن جویبار را از دریای کوهک جدا ساخته در بیابانها و ریگستانها انداخته که از زمان اسماعیل سامانی... در آن


حدود آب نایاب بود... <sup>6</sup> 302.6

Бадриддин Кашмирий, Ўша асар, 302.6. <sup>132</sup> در سنه سته و سبعین و تسعمایه خواجه همایون... از دریای جیخون جویباری بر آورده و آب آنرا بیابان حصار چهار جوی گز رانیده و در جوی اسع الطولی و العرض در آورده چنانچه از زمان ملک شاه... در آن بیابان آب روان نرسیده بود و از سکنه سرزمین که بعضی مانده بودند در فترات ترک و مغول بردست چنگزخانین بقتل آمده... این زمان... ویرانها آبدان و معمور گردید.

Бадриддин Кашмирий, Ўша асар, 303<sup>a</sup> — 303<sup>b</sup>.

«Равзатур ризвон»да келтирилган маълумотларга қараганда, ўша 976 ҳижрий йилнинг ўзида Хўжа Саъднинг буйруғи билан Хулогухон ҳужуми даврида мўғуллар томонидан аҳолиси қириб ташланиб, пайҳон этилган Марв шаҳари атрофларига Мурғоб дарёсидан канал қаздирилиб, сув чиқарилган. Янгитдан ўзлаштирилган бу ерларда деҳқончилик қилиниб, боғ-роғлар барпо этилган<sup>133</sup>.

Бадриддин Қашмирийнинг асарида Бухоро воҳасининг ғарбий чегарасига ёндашган қадимги суғорилган ерларнинг XVI асрда қайта ўзлаштирилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор.



XIV асрнинг иккинчи ярмида чиқарилган Нуқунда каналининг кесими

Масалан, 985 ҳижрий (1577/78) йилда Хўжа Қалон бошчилигида Ромитан тумани каналидан шоҳоб қовиланиб, Севинж қишлоғи этагидаги дашт ерларга сув чиқарилиб обод этилган<sup>134</sup>. Бадриддин Қашмирийнинг асарида келтирилган бу маълумотни Ромитан районининг ғарбий чегарасига ёндашган қадимги суғорилган ер-

در سنه سته و سبيعين و تسعمائة خواجه... کاردارانرا امر فرمودند<sup>133</sup> که در ولایت مرو شاه جهان جویباری از بالا رودشور جدا سازند آب جویبار... را از شهر کهنه آن ولایت... گزرانیده در اراضی پایان اندازند و سکنه بلده مذکوره کشت و کار کنند و باغ و بوستان... گردانند چون حکم عالی... عمل نموده... اهالی آن دیار در زمان هلاکوخان بقتل آمده بودند و در مدتی سصد هشتاد سال آن ویرانها آبادان نگردیده بود...

Бадриддин Қашмирий, Ўша асар, варақ 303 б – 304а.

در سنه خمس و ثمانین و تسعمایه بامر... خواجه امیر کلان<sup>134</sup>... جویبار عجبی از رود تومان رامیتن برآورده و آب آنرا راست از پایان قریه سونج روان ساخته و در شوره زاری انداخته اراضی شوره را... صالح زراعت ساخته که هر گزار قدیم الایام باز بدان سر زمین آب روان نکزشته بود.

Ўша асар, варақ 303.а

ларда олиб борилган археологик текширишлар тўла тасдиқлади. «Равзатур ризвон»да тилга олинган Севинж қишлоғининг харобалари ҳозирги кунгача сақланиб, у Қалъайи Симинч деб юритилди. Қалъайи Симинч ва унинг шимоли-шарқида жойлашган Ҳазорбоғ атрофларида<sup>135</sup> топиб текширилган қадимги суғориш тармоқларининг излари ва боғларнинг ўринлари Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидаги бу дашт ерларнинг XVI асрда суғорилиб, обод этилганлигидан гувоҳлик беради.

987—993 ҳижрий (1579/80—1585) йилларда Вахш дарёсидан чиқарилган канал Жўйборий хўжалар томонидан амалга оширилган ирригация қурилишлари ичида энг йириги эди. «Равзатур ризвон»да келтирилган фактик маълумотларга қараганда, бу канал 6 йил мобайнида қазилган. Абдуллахоннинг 987 ҳижрий йилда чиқарган махсус фармонига биноан, Хўжа Қалоннинг Вахш дарёсидан сув чиқариш учун қазилган каналига Ҳисор, Денов, Қабодиён, Аймоқот ва Шаҳри Сафо вилоятларининг ҳокимлари ўн минг мардикорни сафарбар этганлар<sup>136</sup>.

1583 йилда Нурота воҳасида бино қилина бошланган Оқчоб сув омборининг тўғони қурилиб битказилган бўлса керакки, Оқчоббанди қурилишида бошчилик қилган Аҳмадали оталиқ Абдуллахоннинг 993 ҳижрий йили робил сониий ойида (апрель 1585) чиқарган фармонига мувофиқ Жўйборий хўжаларнинг Вахш дарёсидан чиқараётган канални қазиб тугатиш учун саркор қилиб тайин этилган<sup>137</sup>. Фармонда таъкидланишича, Аҳмадали оталиқ ҳамда мулла Муҳаммадбийга ўн минг мардикорни Ҳисор қаламравидан тўплаш ва уларга бош бўлиб ишлатиш буюрилган<sup>138</sup>. Демак, «Равзатур ризвон»да келтирилган маълумотларга қараганда, Хўжа Қалоннинг Вахш дарёсидан чиқарган канални қазитиш учун олти йил давомида ҳар йили Ҳисор, Денов, Қабодиён ва бошқа вилоятлардан ўн мингдан мардикор олиб турилган<sup>139</sup>. Вахш

<sup>135</sup> Ҳазорбоғ атрофлари 1968 йилдан бошлаб Ромитан районидаги «Октябрь-50 йиллиги» номли совхоз томонидан қайта ўзлаштирилмоқда.

<sup>136</sup> هو الغنى ابو الغازى عبدالله بهادر خان سوزومينز. اربابان و كلانتران و رعایائی قلم روحصار و دهنو و قباديان و ايماقات و شهر صفا بايد که چون حکم برسد ده هزار مردکار جهت کندن جويبار حاصه قطب الاقطابى حضرت خواجه دام بر کاته که در وحش واقع است سرانجام نموده باهتمام کماشتگان آنحضرت جواب گویند و خلاف حکم عالى نکنند و درین باب تقصیر ننمایند.

Бадриддин Кашмирий, Ўша асар, варақ 304<sup>a</sup>—б.

<sup>137</sup> Бадриддин Кашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон, варақ 316<sup>a</sup>.

<sup>138</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>139</sup> Бадриддин Кашмирий, Ўша асар, варақ 304<sup>a</sup>, 316<sup>a</sup>—б; Яна қаранг: А. Жуvonмардиев, XVI—XIX асрларда Фарғона ер-сув масалаларига доир, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1965, 44—45-бетлар.

канални қазиб тугаллангач, қарийб ўнта қишлоққа сув чиқарилиб, обод этилган<sup>140</sup>.

Ҳофиз Танишнинг ёзишича, Бадахшон вилоятининг Имом мавзен атрофларига сув чиқарилиб обод этилгач, ўзлаштирилган янги ерлардан 120 қўш, яъни 6 минг таноби Абдуллахон томонидан Хўжа Саъдга инъом қилинган<sup>141</sup>.

Булардан ташқари, Бадриддин Кашмирийнинг ёзишича, 991 ҳижрий (1583) йилда Жўйборий хўжалар Тошкент вилоятида Зоғариқ каналда суғориш ишларини ўз тасарруфларига олиб, жуда кўп ерларни суғориб обод этадилар<sup>142</sup>. Жўйборий хўжаларнинг бу хизмати учун Тошкент вилоятининг ҳоқими Абдулқуддус султоннинг 991 ҳижрий йили ражаб ойида (июль—август 1583) чиқарган фармонига биноан, Зоғариқ суғориш системасидан икки юз эллик қўш ер-сув ҳамда уларни суғорадиган ариқлар «дарубаст» шаклида Жўйборий хўжаларга ҳадя қилинади<sup>143</sup>.

Дарёлардан каналлар чиқариб, янги ерларни суғориш, аҳолининг қўлидаги ерларни сотиб олиш ва бошқа йўллар билан XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг Жўйборий хўжалари ер-сувларидан иборат жуда катта мулк тўпланган эди. Ф. Энгельс йирик ердор феодалларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида тутган мавқеига баҳо бериб: «...Ўрта аср феодал давлатида... сиёсий нуфузнинг даражаси ерга эгалик қилишнинг ҳажми билан белгиланган»,— деб ёзади<sup>144</sup>. Дарҳақиқат, Жўйборий хўжаларининг Бухоро хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган мавқеларини, ўрта асрларда уларнинг қўлида тўпланган обикор ерларнинг ҳажмидан ҳам билиш мумкин.

Жўйборий хўжаларининг XVI—XVII аср феодал хўжалигига оид тарихий ҳужжатларини синчиклаб ўрганган шарқшунос олим П. П. Ивановнинг аниқлашича, Хўжа Ислоннинг қўл остида уч юз қўш, яъни 15 минг таноб (қарийб 3750 гектар) обикор ери бўлган<sup>145</sup>. Тарихий манбаларда кўрсатилишича Хўжа Ислоннинг ўғли ва меросхўри Хўжа Саъднинг мол-мулки отасиникидан ҳам кўпроқ бўлган. Мовароуннаҳр, Марв, Балх, Бадахшон ва Хуросон вилоятлари ҳамда Ахсикат, Туркистон ва Ҳирот шаҳарларида ҳам-

چون جويبار و خش... جارى كردندله قريب ده ده ويران<sup>140</sup>  
بباغ و بوستان و گلستان آبادان گرديد.

Бадриддин Кашмирий, *Ўша асар*, 304<sup>6</sup>.

<sup>141</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, Қўлёзма, инв. № Д—88, варақ 428<sup>a</sup>; *Яна қаранг:* П. П. Иванов, *Хозияство Джуйбарских шейхов*, стр. 57.

<sup>142</sup> Бадриддин Кашмирий, *Ўша асар*, варақ 304<sup>6</sup>.

<sup>143</sup> Бадриддин Кашмирий, *Ўша асар*, варақ 304<sup>a</sup>—305<sup>6</sup>.

<sup>144</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, *Сочинения*, т. 21, Изд-е II, стр. 172.

<sup>145</sup> П. П. Иванов, *Хозияство Джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии, в XVI—XVII вв. М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 52, 332.*

маси бўлиб 2 минг қўш, яъни 100 минг таноб (25 минг гектар) обикор ерлардан ташқари<sup>146</sup>, унинг 25 минг бош қўйи, 1500 бош йилқиси ва 1000 бош туяси бўлган<sup>147</sup>.

Бухоро подшоси Абдуллахон томонидан Хўжа Саъдга берилган ёрлиқлардан бирида<sup>148</sup> келтирилган маълумотларга қараганда, Бухоро шаҳари ва унинг етти туманида Жўйборий хўжаларга тегишли 87 қишлоқдаги қарийб 28840 таноб ер-сув, 4 бозор растаси ва бошқалардан иборат мол-мулк давлат солиқларидан озод этилган эди<sup>149</sup>.

Янги каналлар чиқаришдан ташқари, ўз қўл остиларидаги экин ерларини сув билан таъмин этиши учун ҳар йил Жўйборий хўжаларга ирригация тармоқларини лойқадан тозалаш ҳамда сув иншоотларини тузатиб туришдек жуда катта сув хўжалиги ишларини бажаришга тўғри келган. Айрим маълумотларга қараганда, каналларни лойқадан тозалаш учун ҳар йили Жўйборий хўжалар 3 мингта мардикорни ҳашарга чиқарганлар<sup>150</sup>.

Абул Аббос Муҳаммад Толибнинг «Матлабат толибин» номли асарига келтирилган маълумотларга қараганда, Жўйборий хўжалардан Хўжа Тожиддиннинг Ҳасанободдаги ерларини сув билан таъминловчи каналнинг Зарафшон дарёсига ўрнатилган бош тўғонини тузатиш учун 1000 та мардикор қатнашиб 10 минг ҳарвор шох сарфланган. Тўғон бошини сув олиб кетган вақтларда Ҳасанобод атрофида жойлашган тўққизта қишлоқнинг аҳолиси тўғонни тузатиб, дарёни боғлашга ожизлик қилар ва бундай пайтларда мазкур хўжанинг вакиллари Бухоро туманларидан ҳашарчи чақириб, шох-шабба йиғар эдилар. Сувни боғлаш учун келган беҳисоб ҳашарчилар бир неча кун тўғонни тузатиш иши билан банд бўлганлар<sup>151</sup>.

<sup>146</sup> Бадриддин Кашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул филмон, Қўлёзма, varaқ 157<sup>б</sup>, 306<sup>а</sup>.

<sup>147</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 64, 333.

<sup>148</sup> УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 54.

<sup>149</sup> Л. Раҳманова, Документ XVI века по истории феодального землевладения в Средней Азии, Общественные науки в Узбекистане, № 6, 1969, стр. 55—56.

<sup>150</sup> هر سال بجهت جوی پرراختن بعدد هر زوج یک مرد بیرون میروند سه هزار مرد جمع میشود.

Али ибн Хусайн ал-Воиз ал-Кошифий, Рашаҳот айнал ҳаёт, Литография, Лукнава, 1308 (1890), 228-бет.

<sup>151</sup> حضرت ایشان ماملک حسن آباد را خود بنا فرمودند مشتمل بر چند دیه و چند چهار باغ و باغ های انکورو حرم سرای عالی بنا نهادند و سر آب خوب بنا فرمودند... و بند جوی او دریای کوهک بغایت بزرگ و مشقت بسیار داشت و اندک نقصانی که درو پدید میآید هزار مردکار و ده هزار خروار شاخ بکار بردند و بسیار مشقت میکشیدند تا بند مذکور مستحکم میکشت و باو

«Равзатур ризвон ва ҳадиқатул филмон» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Жўйборий хўжалар XVI асрнинг иккинчи ярмида ирригация қурилишларидан ташқари, Бухоро ва унинг атрофида, шунингдек, Мовароуннаҳрнинг кўпгина бошқа шаҳарларида жуда катта бинокорлик ишларини амалга оширадilar. Масалан, Бухоронинг Жўйбор маҳалласида, Чашмаи Аюб, Кафшфуршон бозори, Дурунишаҳр Чорсуси, Саҳар (Калон минори), Сув-



Хўжапорсан яқинидан ўтган қадимги канал тубининг қолдиқлари

митон, Фиждувон, Қорақўл, Оҳугир тумани, Тотканд (Миёнкол) ва Чоржўйда ўн битта ҳаммом, карвон йўллари кесиб ўтган чўлларда ўнта сардоба ҳамда Бухоронинг Саррофон гузари ва Дурунишаҳр чорсусида иккита карвонсарой қурдирадilar<sup>152</sup>.

977 ҳижрий (1569/70) йилда Жўйборий хўжалар томонидан Бухорода Мавлоно Абдулвоҳид жоме масжиди, 979 (1571/72) йил Сомонжуқда, 988 (1580/81) йилда Тоткандда жоме масжиди бино

جوادی که موضع مذکور نہ دیہہ بود و مردم این دیہہا از عدء کار این بند عاجز میگشتند و کلاہ حضرت ایشان ما از تومانات توحیہ مرد و شاخ میکردند و چند روز مرد بیحساب در و کار میکردند تا آب جاری میکردید.

Абул Аббос Муҳаммад Толиб, Матлабат толибин, ЎзССР ФА Шарқ-шунослик институти, Қўлёма, инв. № 60, варақ, 261.

<sup>152</sup> Бадриддин Кашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул филмон, варақ<sup>а-б</sup>.



қилинади<sup>153</sup>. Шу билан бирга, у 981 (1573/74) йилда Қосондаги Хўжа Ахрор, 986 (1578/79) Қоракўлдаги Модари Муҳаммадёр султон ва Занданидаги жоме масжидлари, 990 (1582) йилда Бухородаги Абдулазизхон, 991 (1583) йилда Марвдаги Мир Алишер, 992 (1584) йилда Сожмин қишлоғидаги, 994 (1585/86) йилда Бухородаги Модари Абдуллахон, 997 (1588/89) йилда эса Сувмитон жоме масжидлари ҳамда Қизил Арслонхон мадрасаси таъмир этилади<sup>154</sup>.

Бухоронинг йирик ер эгалари — руҳоний феодалларидан Жўйборий хўжаларнинг XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда, шу жумладан, қуйи Зарафшонда амалга оширган ирригация иш-



Қизариқ магистралдан бош олган шоҳоб излари

лари ва бинокорлик қурилишлари шубҳасиз ўз тасарруфларидаги феодал хўжаликни кенгайтиришга ҳамда хонликнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ўз нуфузларини оширишга қаратилиб, улар асосан меҳнаткаш аҳолини эксплуатация қилиш ҳисобига бажарилган эди. Лекин шундай бўлса ҳам Жўйборий хўжаларнинг ирригация соҳасидаги фаолияти мамлакатнинг суғорилиб обод этилиши тарихида муҳим аҳамият касб этган эди.

Бухоро воҳасининг ғарбида, қадимги суғорилган ерларда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, XII асрлардаёқ сувсизликдан қуриб қолган ерларнинг бир қисми бу даврга келиб қайта ўзлаштирилиб, воҳа ғарбга томон 5—8 км га кенгайган. Бухоронинг ҳозирги Свердлов ва Ромитан районларининг ғарбий чегарасига туташган қадимги Варахша воҳасининг шарқий ва шимоли-шарқида жойлашган Дағалбоз, Хўжахотин, Қалъайи

<sup>153</sup> Уша асар, varaқ 291<sup>б</sup>, 292<sup>б</sup>, 293<sup>б</sup>.

<sup>154</sup> Бадриддин Кашмирий, Равзату ризвон ва ҳадиқатул филмон, varaқ 291<sup>б</sup>—294<sup>а-б</sup>.

Симич, Қўштепа каби ўрта аср шаҳар харобалари атрофларида қайд этилган XV—XVI асрлар моддий маданият ёдгорликлари қолдиқларининг сочилиб ётган территорияга қараганда, XV—XVI асрларда суғорилиб, қайта обод этилган ва воҳага қўшилган янги ерлар жанубдан шимолга қарийб 30 км ва шарқдан ғарбга томон 5—6 км га чўзилган. Унинг майдони, бизнинг ҳисобимизга кўра, тахминан 15—18 минг гектарга тенг бўлган. Худди шундай манзара Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий чегарасига ёндашган қадимги суғорилган ерларда, Хўжақул ва Хўжапорсон каби ўрта аср шаҳар харобаларининг атрофларида кузатилади. XV—XVI асрларда бу районда бизнинг тахминий ҳисобимизга кўра 5—6 минг гектар янги ер қайта обод этилиб, воҳанинг шимоли-ғарбий чегараси, ҳозирги чегарадан қарийб 7—8 км ташқаридан, яъни ғарброқдан ўтган.

Шундай қилиб, келтирилган археологик ва тарихий маълумотлар шуни кўрсатдики, XV—XVI асрларда Ўрта Осиёда давлатнинг сиёсий жиҳатдан бирлаштирилиши ва ягона ҳокимиятнинг ўрнатилиши мамлакат экономикасини яхшилаб, ирригация қурилишларининг жонланишига олиб келган. Бу даврда Зарафшон водийсида, айниқса, унинг қуйи қисмига жойлашган Бухоро воҳасида ҳам бир қанча йирик суғориш тармоқлари ва ирригация иншоотлари барпо этилиб, воҳанинг суғорилиб обод этилган ерларининг майдони бирмунча кенгайган. Водийнинг юқори қисмида Туятортар канали чиқарилиб, XVI асрнинг бу йирик суғориш тармоғи орқали Зарафшон дарёсининг сувлари ҳатто Жиззах воҳасигача етиб борган.

### III Б О Б

## БУХОРО ВА САМАРҚАНД УРТАСИДА СУВ ТАҚСИМОТИНИНГ ҚАДИМГИ ТАРТИБЛАРИ

### 1. Қуйи Зарафшоннинг сув таъминоти

Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихидан маълумки, Зарафшон дарёси сувидан фақат Самарқанд ва Бухоро воҳаларининг деҳқончилигида фойдаланилмай, балки турли даврларда Қарши ва Жиззах воҳаларида суғорма деҳқончиликни кенгайтиришда ҳам ундан маълум миқдорда фойдаланилган.

Эски Ангор канали трассасида ўтказилган археологик текширишлар натижасида милод бошларида чиқарилган 100 км дан ошиқроқ узунликдаги махсус канал<sup>1</sup> орқали биринчи марта IX—X асрлардан бошлаб XIII асргача, иккинчи марта XIV—XV асрларда Зарафшон дарёси Қашқадарё воҳасини қўшимча сув билан таъминлаб турганлиги аниқланди<sup>2</sup>.

XVI асрнинг иккинчи ярмида эса Жиззах воҳасининг сув таъминотини яхшилаш ва Мирзачўлнинг жануби-ғарбий қисмини ўзлаштириш мақсадида Туятортар канали чиқарилиб, Зарафшон дарёсининг суви Мирзачўлга олиб борилган<sup>3</sup>. Бу маълумотларга бир томонлама қараганда, қадим замонларда Зарафшон дарёсининг сув баланси ҳам, суғориш қобилияти ҳам бирмунча юқори бўлиб, водийнинг суғорма деҳқончилик майдони ҳозирги вақтдагига нисбатан анча-мунча кенг бўлган деган хулосага келиш мумкин.

<sup>1</sup> А. Тереножкин, Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана; ВДИ, № 2, 1947, стр. 186, 190.

<sup>2</sup> 1954 йилда бу районда археологик кузатишлар олиб борган С. К. Кабанов Эски Ангор канали орқали Зарафшон суви қадимда Қашқадарё воҳасида олиб борилганини инкор этади (Қўранг: С. К. Кабанов, Археологические наблюдения на строительстве Иски Ангарского канала; МКУ, вып. 1, Ташкент; Изд-во АН УзССР, 1959, стр. 173. Бироқ биз С. К. Кабановнинг бу фикрига мутлақо қўшилмаймиз. Чунки, биринчидан, Эски Ангор системаси бўйлаб IX—XIII асрларда Хазорбуқа, Қоратепа ва Талактепа каби ёдгорликлар қад кўтарган. Иккинчидан, X—XII асрлар Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончилик ниҳоятда кенгайиб; унинг энг обод этилган даври бўлган. Учинчидан, худди шу даврларда Қарши чўлининг Қорақўл воҳасига бориб туташган шимоли-ғарбий қисмига жойлашган Қумсўтан ва Пайкентнинг жанубий этакларига муттасил сув етказилиб берилган. Булар тасодифий воқеа бўлмай, балки Эски Ангор канали орқали Зарафшондан келган қўшимча сув туфайли содир бўлган.

<sup>3</sup> А. Мухамеджанов, Новые открытия Махандарьинского археологического отряда, ОНУ, 1962. № 11, стр. 76.

Шуни қайд қилиш керакки, водийнинг ўзлаштирилиш процес-си узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Бунинг устига водийнинг суғорилиш динамикаси мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий қисми ўзлаштирилгандан сўнг, водийнинг қайси бир қисмида бўлмасин, суғорма деҳқончи-лик майдонининг кенгайиши бошқа районларнинг ҳисобига содир бўлган. Чунки Зарафшон дарёсининг сув баланси водийнинг суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган барча ер майдонини сув билан таъминлай олмаган. Масалан, Зарафшон дарёсининг суғориш қобилияти водий территориясининг ҳажмидан 32 марта кичик бўлиб<sup>4</sup>, у Зарафшон водийсининг бир қисминигина суғориб келган, холос. Водийнинг ирригация системаси қайта қурилмасдан аввал, дарёнинг суғориш қобилияти 340—350 минг гектардан ошмаган. Водийда қатъий план асосида муттасил иш олиб бораётган сув хўжалиги мавжуд бўлган ва унинг ирригация системаларининг асосий қисми қайта қурилиб, йирик гидротехника иншоотлари билан таъминланган ҳамда дарёнинг вегетациядан ташқари даврлардаги бекорчи оқими Каттақўрғон ва Қуйимозор сув омборларига тўпланиб, ундан деҳқончиликда рационал фойдаланилаётган ҳо-зирги вақтда Зарафшоннинг ўртача суғориш қобилияти 450—460 минг гектарни ташкил этади. Зарафшон дарёси сув балансининг етарли эмаслиги туфайли, Бухоро воҳасининг чўл зонасида суғорма деҳқончилик учун яроқли ва ўзлаштирилиши мумкин бўлган катта ер массивларини ўзлаштириш масаласи то Аму-Бухоро кана-ли қурилгунга қадар кун тартибига қўйилмаган<sup>5</sup>.

Зарафшон дарёсининг суғориш қобилияти ҳисобга олинса, қадим замонлардаёқ суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши водийда сув танқислигини келтириб чиқарган ва унинг қуйи ҳамда юқори қисмларида сув тақсимоти жорий этилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу тўғрида аввало шуни айтиш керакки, Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги ўзаро сув тақсимотининг келиб чиққан даври-ни аниқ кўрсатиб берадиган ҳужжатга эга эмасмиз. Шу сабабли, бу масаланинг қачон кўтарилгани номаълум. Бунга қарамасдан, тарихий манбаларда айрим тарихий воқеаларнинг баёни муноса-бати билан тилга олинган баъзи бир маълумотлар бу масалага бир оз бўлса-да, ойдинлик киритиши мумкин. Бу масала юзасидан X аср Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг қуйидаги маълумоти диққатга sazovorдир. Наршахий Бухоро қозилари ҳақида баён қилар экан: «Яна Саъид ибн Халаф ал-Балхийний икки юз ўн учинчи йил жумод ал-аввал ойининг охирида (16 август 828) қо-

<sup>4</sup> Самарқанд ва Бухоро областлари жойлашган территория қарийб 16 млн га, шу жумладан, суғорма деҳқончилик майдони ҳозирги вақтда 517,3 минг гектар-га тенг. Бу водий умумий майдонининг 3,2 процентини ташкил этади.

<sup>5</sup> Н. А. Буцковнинг 1957 йилги маълумоти бўйича бундай ер майдонининг ҳажми Бухоро областида 8602 мингга ва Самарқанд бўйича 58,8 минг гектарга тенг бўлган. Н. А. Буцков, Почвы Зеравшанского бассейна и их мелиоративное состояние. В кн. Вопросы сельского хозяйства Зеравшанского бассейна; Материалы по производительным силам Узбекистана. вып. 9, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957, стр. 152.

зиликка тайинладилар, — деб ёзади у, — Бу киши қозиликни шундай олиб бордики, худойи таолонинг яратган бандаларига адолат, инсоф ва шафқат қилиш борасида уни мисол қилиб кўрсатар эдилар, у яхши қонун-қоидалар ўрнатди. Жумладан, токи кучлик киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун бу тўғонларни қурдириб Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни у киши асослаган»<sup>6</sup>.

Наршахийнинг бу ахборотида, гарчи қисқа бўлса ҳам, IX аср бошларида Бухоро воҳасида сув таъминотининг умумий аҳволи равшан ифодаланади. Унда Бухорода сув таъминоти талаб даражасида бўлмай, балки унинг ўша даврда ҳам танқис экани аниқ сезилиб туради. Сўнгра Наршахийнинг: «Кучлилар заифлар устидан зулм қилмаслиги учун Бухоро сувининг тақсимоти қози Саид бинни Халаф замонида, адолат ва инсоф билан амалга оширилди, деб таъкидлаши бир томондан, сув танқислиги туфайли ундан фойдаланишда ҳукмдор табақа вакиллари томонидан сунистеъмом қилишига йўл қўйилганлиги натижада сувдан фойдаланувчилар ўртасида, шубҳасиз, норозиликлар келиб чиққанлигидан далолат берса, иккинчи томондан, бу масъулиятли ва оғир вазифанинг давлат ва шариат қонунларини яхши билган ҳамда ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун тайинланган шахсга — давлатнинг олий судьяси — Бухоро қозисига топширилиши Бухорода сув тақсимоти масаласи давлат аҳамиятига эга бўлганлигини кўрсатади.

Самарқанд тарихига бағишланган «Қандия» асарининг автори Умар Ибн Муҳаммад ан-Насафий Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида Наршахий маълумотини тасдиқловчи бир воқеани ҳикоя қилади. «Қунлардан бир кун Султон Исмоил Сомоний, — деб ёзади автор, — томоша қилиш мақсадида ўз боғига киради ва [сувсизликдан] боғнинг қовжираб ётганини кўриб, жаҳли чиқади ва миробни койийди. Мироб [унга] — эй Султон ҳали сиз билмайсизми? Султоннинг боғи учун ҳам шу сув, фуқаронинг боғи учун ҳам шу сув ҳамда бева ва етимлар учун ҳам шу сувнинг [ўзидан оқиб боради], — деб жавоб беради. Миробнинг жавоби Султонга хуш келади ва қимматбаҳо тўн билан уни мукофотлаш тўғрисида буйруқ беради. [Сўнгра] у, — сувнинг навбати бизга келган вақтда бизни огоҳлантир, биз [келиб] боғни томоша қиламиз, — деб айтади»<sup>7</sup>. Бу

<sup>6</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1966. 14-бет.

... سعيد بن خلف البلخي بود که ويرا قضا دادند در سلخ جمادی الاول سنه ثلاث عشر و بوجهی قضا راند که بروی مثل زدند از عدل و انصاف و شفقت... و از انجمله این درغات و قسمت آب بخاراوی نهاد بعدل و انصاف تا قوی بر ضعیف ستم نکند..!

Description topographique et Historique de Boukhara par Mohammed Nercshakhy, texte persan, public par Charles Schefer, Paris, 1892, pp. 3—4.

<sup>7</sup> Насафий, Қандия ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 46/III, варақ 16<sup>a</sup>—17<sup>b</sup> ва инв. № 5405, варақ 18<sup>a</sup>—18<sup>b</sup>.

маълумот Насафий томонидан ҳикоя тарзида келтирилиб, унда мамлакатда ҳукмронлик қилиш учун чексиз ҳуқуққа эга бўлган Бухоронинг феодал ҳукмдори — Исмоил Сомонийнинг сув тақсимот масаласига одилона муносабатда бўлганини бирмунча идеаллаштириб кўрсатиш учун авторнинг мойиллиги сезилиб турса-да, аммо бу эпизодни Наршахийнинг юқорида келтирилган ахбороти билан солиштирилса, унинг ҳақиқатга анчагина яқин бўлиб чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Насафийнинг маълумотиغا қараганда, Самарқандда ҳам сув таъминоти ҳамма вақт талаб даражасида бўлган эмас. Унинг ёзишича, Самарқанд атрофида жами 14800 деҳқончилик участкаси (*хабл*) бўлиб, уларни сув билан таъминлаш учун каналларга 680 тўғон (*варғ*) ўрнатилган эди<sup>8</sup>. «Одамлар бири иккинчисига жабр қилмасин ва сувни [кераклигидан] ортиқча боғлаб олмасин ҳамда сувдан деҳқонларнинг ҳаммаси фойдалансин ва кучлилар заифларга зулм ўтказмасин, деб сувни одатга мувофиқ кишиларга тақсимлаб бериш учун мироблар ва жуйбонлар тайин қилинган эди»<sup>9</sup>, — деб баён қилади Насафий. Насафийнинг бу ахборотидан водийда сувдан фойдаланишда муайян тартиб ўрнатилганлигини англаш мумкин.

Демак, Наршахий ва Насафий маълумотларига кўра, Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихий динамикасида Самарқанд ва Бухоро воҳалари суғорилиб, обод этилган даврлари назарда тутилса, бу икки воҳа ўртасида ўзаро сув тақсимотининг келиб чиқиши муқаррар ва унинг қадимий эканлигига гумон қолмайди.

Шубҳасиз, сув таъминоти жиҳатидан сув манбаининг бошида жойлашган район билан, унинг қуйи қисмидаги районга нисбатан ҳамма вақт қулай шароитда бўлган. Бу аҳвол кўпинча сувдан фойдаланишда юқоридагилар учун суиистеъмол қилиш имконини берар, ҳатто айрим ҳолларда эса қуйи районнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тобе бўлишига мажбур этар эди. Бу тўғрида «Қандия»да қуйидаги ажойиб ҳикоя келтирилади: «Кўп йиллар давомида Самарқанд тўғрисидаги мақтовларни эшитиб юрган номаълум [сайёҳ] яҳудий Самарқанд [шаҳарини] кўриш орзусида Чин ва Хитой томонидан келади. Самарқанднинг [эшитганидек] улуғвор ва муҳташамлигини кўриб ҳайратда қолади. Гўё ер юзидан ундан чиройли ва гуллаб яшнаган шаҳар мавжуд эмасдек [туюлади]. Сўнгра Кўҳак [Зарафшон] дарёси [бўйига] келади ва бир кишидан: «Бу катта дарё қаерга оқиб боради», — деб сўрайди. У: «Бухорога боради», — деб жавоб беради. Сайёҳ — Бухоро шаҳри азим бўлса керак, чунки унга катта дарё оқиб борар экан, — деб айтади. Сўнгра у Бухорога боради ва сайр қилиб қайтар экан, заргарлар растасида бир кишига назари тушади. У олтиндан икки

<sup>8</sup> Н а с а ф и й, Уша асар, Қўлёзма, инв. № 46./III, varaқ 15<sup>6</sup>.

<sup>9</sup> Н а с а ф и й, Уша асар, varaқ 15<sup>6</sup>.

оҳу ва кумушдан бир дона қуён<sup>10</sup> ёмби тарзида қуймоқда эди. [Сайёҳ ундан] — «Қим учун [буларни] тайёрляяпсан»,— деб сўрайди. У,— Самарқанд подшоҳи учун деб жавоб беради. Самарқанд подшоҳи шаҳримизга [Бухорога] бу сувни [Зарафшон сувини] юбориб [ташлаб] туриши учун кўп йиллардан бери биз мана шундай [олтин] оҳулар ва [кумуш] қуёнларни қуйиб бир неча хил бошқа буюмлар, хизматкор ва қуллар билан унга тўлаб келмоқдамиз»<sup>11</sup>,— деб шикоят қилади у.

Бу ҳикоя шунчаки афсона бўлмай, балки қадимги Суғд билан Бухоро ўртасида сув учун бўлиб ўтган тарихий воқеалар асосида вужудга келган лавҳалардандир. Водийнинг суғорилиш тарихидан маълумки, худди шунга ўхшаш воқеа кейинги асрларда ҳам қайтарилиб, Бухоро унинг жонсиз гувоҳи бўлган. Самарқанднинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши ва Туркистон маъмурияти билан Бухоро амирлиги ўртасида Зарафшон сувини тақсимлаш учун олиб борилган алоқалар бунинг яққол далили ва қадимги воқеаларнинг қайта такроридир<sup>12</sup>. Шубҳасиз, ягона сув манбаидан суғориладиган водийнинг икки ҳокимият қўл остида бўлиниб кетиши, ўзаро сув тақсимотининг расмий ҳал этилишини ва оқимнинг қуйи қисмида жойлашган ҳокимият, сув учун маълум миқдорда ҳақ тўлаб туришини талаб этар эди. Чунки дарёнинг юқори қисмидан унинг қуйисига сув ташлаш, одатда дарё ва каналларга қурилган иншоотларни бузиб, қайта тиклаш йўли билан амалга оширилиб, бундай машаққатли меҳнат учун кўп миқдорда ишчи кучи ва қурилайш материаллари сарф этилар эди. Россия ва Бухоро ўртасида бўлиб ўтган бундай воқеаларни исботловчи тарихий ҳужжатларга эга бўлишимиз сабабли, Бухоронинг қадимги Самарқанд ҳукуматига солиқ тўлаб тургани тўғрисидаги Насафийнинг маълумотини ҳақиқатга жуда яқин тарихий факт сифатида ҳисоблашга мойилмиз.

Шундай қилиб, Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимоти водийнинг суғорилиши тарихида, қадим замонлардаёқ кўтарилган ҳаётий масалалардан бўлиб, сув ҳўжалигининг ҳар томонлама пухта уюштирилишини талаб этар эди. Шубҳасиз, ўзаро сув тақсимоти, айниқса, дарёнинг қуйи оқимига жойлашган Бухорони сув билан таъминлаш масаласи қадимдан Зарафшон ирригаторларининг асосий ва масъулиятли вазифаларидан ҳисобланган.

---

<sup>10</sup> Қандиянинг қўлёзма нусхаларидан бирида *دو آهو از نقره و* яъни «кумушдан икки оҳу ва *یک خرگوش از طلا* олтиндан бир қуён»,— деб ёзилган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 4269. варақ 69.

<sup>11</sup> Қандия, Қўлёзма, инв. № 46/III, варақ 9<sup>б</sup> — 10<sup>а</sup>.

<sup>12</sup> XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги сув тақсимоти тўғрисида кейинги бобларда батафсил тўхтаб ўтилади.

## 2. Зарафшон дарёси тошқинларининг қадимги жадвали ва ўзаро сув тақсимотининг тартиблари

Водийда ирригация ишларини ҳар томонлама пухта ва тўғри ташкил этиш ҳамда вегетация даврида дарё сувидан рационал фойдаланиш учун Зарафшон оқимида содир бўладиган турли-туман даврий ўзгаришларни олдиндан билиш масаласи ҳамма вақт водийнинг сув ҳўжалигида жуда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам водийнинг ирригатор ва деҳқонлари жуда қадим замонлардаёқ, Зарафшон дарёсини узоқ вақт кузатиш натижасида унинг характерини, яъни дарё оқимида сувнинг кўтарилиши ва озаийши даврларини жуда яхши билиб олганлар.

Қадимдан Хоразмда Амударё тошқинларининг жадвали бўлганидек<sup>13</sup>, Зарафшон водийсида ҳам Зарафшон дарёсида ҳар йили содир бўладиган тошқинларнинг жадвали мавжуд эди. Унда дарё оқимида юз берадиган ўзгаришларнинг белгилари, вақти ва муддати аниқ кўрсатилган.

Бу жадвал бўйича, Зарафшон дарёсида биринчи тошқин ҳамал ойида, янги йилнинг кириши билан бошланади. Бу март ойининг 20—22 кунларига тўғри келади. Баҳор мавсуми бошланиши билан Зарафшон дарёсида юз берган бу биринчи тошқин маҳаллий аҳоли ўртасида «нарзоб» номи билан машҳурдир. Халқ ўртасида тарқалган миф ҳикояларига қараганда, «назроб» янги йил— «наврўз» кириши муносабати билан худо томонидан Баховуддинга<sup>14</sup> таҳорат олиш учун юборилган «ҳады суви», яъни «назир об» эмиш. Шунинг учун ҳам баъзан уни «Баховуддиннинг суви» деб аташади<sup>15</sup>.

Зарафшон водийсида, айниқса, Бухоро областида «нарзоб»нинг келиши «наврўз»нинг кириши муносабати билан бошланган сайил «сайли гули сурх» ёки «қизил гул сайли»<sup>16</sup> билан бир вақтга тўғри келганлиги сабабли катта байрамга айланган ва у зўр хурсандчилик билан қарши олинган. Баъзи бир этнографик маълумотларга қараганда, «нарзоб»нинг келиши тўғрисида биринчи бўлиб хабар қилган киши Қармана шаҳри беги томонидан ҳамда Бухоро амири томонидан биттадан тўн кийишга муяссар бўлган<sup>17</sup>.

<sup>13</sup> Я. Ф. Гуломов, Хоразмнинг сўғорилиш тарихи, (қадим замонлардан ҳозиргача), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 249 ва 305-бетлар. Яна қаранг: Я. Г. Гулямов, Из истории ирригационной практики народов Средней Азии, Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте, Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, 1958, стр. 571.

<sup>14</sup> Баховуддин (1318—1389) XIV асрда суфизмнинг «нақшбанд» оқимига асос солган киши.

<sup>15</sup> ЦГВИА СССР, Азиатская часть, ф. 400, д. 74. Всеподданнейший отчет Военного губернатора Самаркандской области за 1888 г., л. 16.

<sup>16</sup> «Сайли гули сурх — қизил гул сайли» ҳар йили 22 мартда янги йил кириши муносабати билан Ўрта Осиёда бўладиган маҳаллий байрам. А. Х. Хамраев, Праздник «Красной розы», Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, Серия общественных наук, 1958, № 6, стр. 72—73.

<sup>17</sup> Авторнинг 1953 йилги дала материалларидан. Бу маълумот Бухоро областьи Ғиждувон район Ғишти сув участкасининг кекса мироби Қудратов Исомбобо (72 ёшда) билан бўлган суҳбатдан ёзиб олинган.



«Нарзоб» бошланишида тиниқ сув бўлиб, у икки ҳафтадан ортиқроқ давом этади. Г. Арендаренко маълумоти бўйича, биринчи тошқин апрель ойининг ўрталарида тугаган<sup>18</sup>. Зарафшон деҳқонлари, жумладан, бухороликлар «нарзоб»ни деҳқончилик учун, айнқса, дон ўсимликлари, маҳаллий агротехника термини билан айтганда «оқ экинлар» учун ҳам, шунингдек, ғўза ва «кўк экинларни»<sup>19</sup> экиш олдидан ерларни тайёрлаш учун ҳам ниҳоятда фойдали деб ҳисоблайдилар.

Зарафшон водийсида «нарзоб»нинг аҳамиятини бухоролиكنинг қуйидаги сўзидан билиб олиш мумкин: «Агарда «нарзоб» вақтида икки қўлингга иккита кўза кўтариб дарё лабига борсанг, кўзаларни сувга бирин-кетин ботирма, балки бирданига иккаласини ботир, улар бир вақтда тўлиб чиқсин»<sup>20</sup>. Маҳаллий аҳоли ўртасида барча деҳқонларга маълум бўлган, бу оддийгина жумла, биринчидан, «нарзоб» муддатининг қисқалигидан дарак берса, иккинчидан, фурсатни қўлдан бой бермасдан тезлик билан «нарзоб» сувидан рационал равишда фойдаланиб олиш кераклигини баён этади.

Ҳақиқатан ҳам «нарзоб» эндигина бошланган янги деҳқончилик мавсумининг шундай бир даврига тўғри келадики, бу вақтда баҳор кириб, кунларнинг исиши натижасида, ернинг нами қурий бошлайди, кузда экилган экинлар, айнқса, донли ўсимликлар эндигина майса бўлиб чиққан ва баҳорги кўк экинларни экиш мавсуми бошланган давр бўлиб, бу пайтда ерларни «нарзоб» суви билан сўғориш экинларнинг ердан униб чиқиши ва ўсиши учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлган.

Зарафшон дарёсида ҳар йили баҳорда содир бўладиган биринчи тошқин Амударёда бўладиган «кўк қамиш тошуви»<sup>21</sup> ва Сирдарёнинг «қалами» ёки «қалами гули тошуви» каби тошқинлар ўзининг бошланиши жиҳатидан бир даврга тўғри келади.

Водийнинг қуйи қисмида жойлашган Бухоро воҳасида сўғориш мавсуми Самарқанд воҳасига нисбатан бирмунча эртароқ бошланиши сабабли «нарзоб» сувидан кўпроқ Бухоро деҳқонлари фойдаланар эдилар.

Жадвал бўйича, иккинчи тошқин Зарафшон дарёсида совур ойининг охири ва жавза ойининг бошларида бошланади. Бу май ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Тошқин кела бошлаган даврда дарё суви ниҳоятда лойқаланиб оқиши сабабли, маҳаллий аҳоли уни «лоёб»<sup>22</sup> ёки «лойқа сув»<sup>23</sup> номи билан юритган. Бу

<sup>18</sup> Г. Арендаренко, Заметка об ирригации в нагорных туменях Зеравшанского округа, «Туркестанские ведомости», 1876, № 51.

<sup>19</sup> «Кўк экинлар» турига асосан сабзавот ва полиз экинлари кирган.

<sup>20</sup> Авторнинг 1958 йилги дала материалларидан, Информатор Хамраев Шарафбобо (78 ёшда), Бухоро область, Шофрикон район, Чандир қишлоқ Совети, Карл Маркс колхози.

<sup>21</sup> Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг сўғориш тарихи, 249—305-бетлар.

<sup>22</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, л. 74, л. 14.

<sup>23</sup> Тошқиннинг бу ўзбекча номи Қонимех ва Қармана (Навой) районларида юритилади. Авторнинг 1961 йилги дала материалларидан, Информатор Очилов Ҳолиқулбобо (90 ёшда), Бухоро область, Навой район, Ижон қишлоқ Совети, Бухоро колхози.

даврда олма дарахтлари гулини тўкиб, гуллар сув билан оқиб кела бошлаганлиги сабабли бу тошқинни «оби гули сиб» ёки «олма гули суви» деб аташган, баъзан қисқартириб «гулоб», деб ҳам юритишган.

Зарафшон водийсининг аҳолиси «лоёб» сувини жуда қадрлаган. Чунки «лоёб» бир томондан, ўзининг бошланиш вақти билан ёзги ҳароратнинг кўтарилиб бориши ва ердан намнинг тамоман қочиши натижасида суғоришга бўлган муҳтожликнинг ортиб бораётган даврига тўғри келса, иккинчи томондан, ўзи билан бирга оқизиб келган ҳисобсиз лойқа — табиий минерал жинслар билан ерни ўғитлаган. «Лоёб» суви билан шўрхок ерларни суғоришни Бухоро деҳқонлари ниҳоятда фойдали деб билганлар<sup>24</sup>.

«Лоёб»нинг суви Зарафшон водийсининг ўрта қисми — Самарқанд воҳасида, айниқса, қимматли бўлган. Чунки «лоёб» суви кела бошлаган вақтда бу районда шоли экиш мавсуми бўлиб, шоликорларнинг сувга муҳтож даври бошланган бўларди. Шунинг учун ҳам самарқандликлар «лоёб»нинг келишини сабрсизлик билан кутардилар.

Зарафшон дарёсида ҳар йили бўладиган «лоёб» тошқини йил сайин май ойи ўрталарида Амударёда бошланадиган учинчи тошқин «юлдуз товуши»дан<sup>25</sup> 10—15 кун кейин ва Сирдарёдан келадиган «олма гули» тошқини билан айни бир пайтда содир бўлади.

Жадвал бўйича Зарафшон дарёсининг учинчи тошқини саратон ойининг кириши билан бошланарди. Бу июнь ойининг 22-кунларига тўғри келарди. Бу тошқин маҳаллий аҳоли ўртасида «хунук об» ёки «совуқ сув» деб аталади<sup>26</sup>. Баъзан у «Оқ сув» номи билан ҳам юритилади. «Хунук об»нинг муддати икки ҳафта бўлиб, у саратоннинг ўрталаригача (июль ойининг 6—7 числоларигача) давом этади. Шунинг учун ҳам Зарафшоннинг кекса деҳқонлари саратоннинг биринчи ярмини «хунук об», деб ҳисоблайдилар. «Хунук об»нинг келиши Амударёда ҳар йили 24 июлда содир бўладиган тўртинчи тошқин — «қирқ чилғов тошуви»<sup>27</sup>нинг бошланишига тўғри келади.

Жадвал бўйича Зарафшон дарёсининг тўртинчи тошқини маҳаллий аҳоли ўртасида «гармоб»<sup>28</sup> ёки «иссиқ сув» номи билан машҳурдир. «Гармоб»нинг бошланишини асосан саратоннинг 17-кунидан ҳисоб қилинади. Бу 9 июлга тўғри келади. «Гармоб»нинг келиши янтоқнинг гуллаши ва узумнинг ола бўлиш даврига тўғри келади. Шунинг учун ҳам янтоқ гулининг тез ёки секин очилиши, шунингдек, узум ғужумларининг оқара бошлаши, бухоролик соҳибкорларнинг айтишича, «гармоб»нинг ўз вақтида бўлишини.

<sup>24</sup> Авторнинг 1959 йилги дала материалларидан. Информатор Зоиров Отамурод (74 ёшда), Бухоро область, Ромитан район, Ромитан совхоз, Шўрчи бўлими.

<sup>25</sup> Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 249 ва 305-бетлар.

<sup>26</sup> Авторнинг 1958 йилги дала материалларидан. Информатор Қудратов Исомбобо, Бухоро область, Ғиждувон район, Ғишти қишлоғи.

<sup>27</sup> Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 249—250-бетлар.

<sup>28</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, д. 74, л. 15.

ёки кечикишини олдиндан аниқлаб берувчи аломатлардан ҳисобланган. «Гармоб»нинг муддати асосан 17 кун бўлиб, бухороликлар яна беш кун қўшиб, уни 22 кун деб ҳисоблайдилар. Шундай қилиб, унинг оқими асад ойининг 7-числоларигача (июлнинг охири ва августнинг бошигача) давом этади. «Гармоб» охирги беш кунлик қўшимча оқими «равобайи гармоба», яъни «иссиқ сувнинг оқаваси» ёки сувдан фойдаланувчиларнинг сўзи билан айтганда «оби талаш», яъни «талаш суви ёки жанжалли сув» номлари билан юритилган<sup>29</sup>. Чунки «гармоб» Зарафшон деҳқонлари томонидан сабрсизлик билан кутилиб, сувдан фойдаланувчилар ўртасида унинг сувини тақсим қилиш деярлик ҳамма вақт жуда катта қийинчиликлар билан амалга оширилган. Кўпинча «гармоб» оқимининг охирги кунларида сув талаш бўлиб, баъзан у катта жанжалга айланган. «Гармоб»нинг бошланиши Амударёнинг «Қирқ чилғов товуши»нинг энг кучайган даврига тўғри келади<sup>30</sup>.

Зарафшон деҳқонлари «гармоб» сувига ниҳоятда катта аҳамият берадилар. Чунки у шундай бир вақтда бошланадики, бу эрта экилган «кўк ва оқ» экинлар йғиб олинган ва кечки донлик ҳамда «кўк» экинлар экиш мавсуми жуда қизғин кетаётган давр бўлади. Бу давр ғўзанинг шоналаш даври бўлиб, уни «гармоб» суви билан суғориш ҳаётбахш аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам Бухоро воҳасининг деҳқонлари «гармоб» сувини кечки экинларнинг етилиб пишиш ва мўл ҳосил олиш гаровидир, дейдилар.

Бухоролик кекса деҳқонлар ва миробларнинг берган маълумотларига қараганда, «гармоб» сувидан ичган ҳар қандай кечки экин, ҳатто у «гармоб» вақтида суғорилган ернинг намига экилган бўлса ҳам пишиб етилган. «Гармоб» қайтгандан сўнг экилган ёки суғорилган экин мутлақо пишмаган, натижада ҳосил ҳам тўкмаган. Бундай экинлар «алафи гов»<sup>31</sup>, яъни қорамол учун хашак бўлиб қолган. Масалан, «гармоб» суви билан суғорилмаган маккажўхори, тариқ, қўноқ ва мош каби экинлар кузда дон қотирмасдан пишмай қолган. «Гармоб» сувидан ичмаган сабзи ва пиёз каби сабзавот экинларини узоқ муддат, яъни қиши билан сақлаб бўлмаган, улар кўп вақт ўтмай чирий бошлаган. «Гармоб»нинг аҳамияти ва деҳқонларнинг унга бўлган муносабатини Шаҳруд каналининг қуйи қисмига жойлашган Зарманоҳ ва Галажўй қишлоқларининг аҳолисини «гармоб» суви учун ёзган қуйидаги аризасидан аққол кўриш мумкин: «...Бизлар ҳам Шаҳрудга поён-обхўр ва ҳам навбати обхўр бўлганимиз учун экинларимизни суғориш кўп кейинга қолди. «Гармоб» вақтидур, агарда бир ҳафта ичида кўк экилган ва ...пахталаримиз шул «гармоб»дан ичмаса меҳнатларимиз зое бўладур. Очуқ маълумдирки, «гармоб»дан қол-

<sup>29</sup> Авторнинг 1959 йилги дала материалларидан. Информатор Зоиров Отамуродбобо (74 ёшда), Бухоро область, Ромитан район, Ромитан совхоз.

<sup>30</sup> Я. Ф. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 250-бет.

<sup>31</sup> Зарафшон водийсида деҳқонлар одатда сув танқислигидан кузги экинларни ўз вақтида экишга улгурмасалар, ерга жўхори ёки тариқ экиб, кузда уни қорамол учун хашак сифатида ўриб олганлар. Бухоро воҳасида бу «алафи гов» номи билан юритилган.

ган [экинлар] ҳеч қандай ҳосил бермайдур... Илтимос қилурмиз-ким, ҳозирда «гармоб» вақти ўтмасдан Панжа Зарманоҳ навбати тамом бўлиши [билан] сувни шаҳарга бермасдан Галажўй панжасига... берсунлар»<sup>32</sup>.

Шунинг учун ҳам зарафшонлик деҳқонлар кузги экинларни «гармоб» суви оқиб турган вақтда экишга ва экишга тайёрланган ерларни унинг суви билан суғориб олишга ҳаракат қилганлар. Агарда бу вақтда сув танқис бўлиб, экинларни суғориб олмасалар, айрим экинларга тамоман сув бермасдан ернинг нами билан, яъни маҳаллий деҳқонлар ўртасида кенг тарқалган «намарза» усули билан етиштириб ҳосил олганлар. Агарда кузги экин «гармоб» бошланмасдан аввал бир марта суғорилиб, «гармоб» вақтида сув ичмай қолса, бундай экин тамоман қуриб битар эди. «Гармоб»гача бир марта сув ичган экинларни маҳаллий деҳқонлар «якоба»<sup>33</sup> номи билан атаб, «якоба» бўлиб қолган экинлар ўлим сувини ичган деб ҳисоблаганлар. Бундай экинларни улар «якоба маргоба» деб атаганлар.

Ёзда ҳар бир деҳқон иложи борича «гармоб» сувидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Қамсувлик йилларида сув етишмай сувдан фойдаланувчилар ўртасида «гармоб» тўғрисида катта жанжаллар кўтарилган. Шунинг учун ҳам Бухоро деҳқонлари «гармоб»ни — «узумнинг олasi сувнинг балоси», деб бекорга айтмаганлар. Бу даврда водийда ирригация ишлари авж олиб, Зарафшон мироблари дарё оқимини тартибга солиш, суғориш артерияларига сувни боғлаш ва «гармоб» сувини суғориш системаларининг ҳамма участкаларигача етказиш ҳамда уни навбатма-навбат тақсимлаб бериш каби оғир ва масъулиятли вазифани бажаришга мажбур эдилар.

Шундай қилиб, Зарафшон дарёсида ҳар йили баҳор ва ёз мавсумларида тўртта тошқин содир бўлган. Бу тошқинлар жадвалдан маълумки, Зарафшон водийсида ҳам суғориш каналлари Хоразм ирригация системаси сингари дарё тошқинларига мослаштирилиб қурилиб, суғорма деҳқончилик қадимдан тошқинларнинг ўз вақтида ва нормал келишига боғлиқ бўлган.

Юқоридаги тошқинлардан ташқари, йилнинг қолган фаслларида дарёда оқиб турадиган сувларнинг ҳам алоҳида-алоҳида номлари бўлиб, улар қайси ойда ва мавсумда ҳамда қайси манбадан оқиб келса, ўша ойнинг ёки манбанинг номи билан аталган. Масалан, мезон ойида<sup>34</sup> тошқинлар қайтиб, дарё суви тина бошлаганда келадиган оқим «матчо об» ёки «матчо суви» деб аталган<sup>35</sup>. Бу оқимнинг оз ёки кўп бўлиши ёзги ҳароратнинг баланд ёки паст бўлишига боғлиқ бўлган. Чунки бу оқим Мастчоҳ дарёсининг юқори қисмига жойлашган Зарафшон музлигининг эриши-

<sup>32</sup> ЦГА УзССР ф. 52, оп. 1, д. 35, л. 101—102.

<sup>33</sup> Якоба — тожикча сўз бўлиб, «бир сувли», яъни бир марта суғорилган экин демакдир.

<sup>34</sup> Шамсия ҳисоби бўйича мезон ойи — 24 сентябрдан 24 октябргача бўлган кунларга тўғри келади.

<sup>35</sup> ЦГВИА, ф. 400, д. 97, л. 16.

дан ҳосил бўладиган ниҳоятда тиниқ сув эди. «Матчо об» кузда донлик «оқ» экинларни экиш пайтида келгани учун, деҳқонлар уни жуда қадрлаганлар<sup>36</sup>. Қавс ойида оқадиган сув «қавс об»<sup>37</sup>, қишда сув яхлай бошлагандаги сув «яхоб» ва қиш чилласида келадиган сув «чилла об» номлари билан аталган. «Қавс об» сабзавот экинларнинг серсув ва ширадор бўлиб етилишини таъминлаган. «Яхоб» ва «чилла об» сувларидан кўпроқ шўрхок ерларнинг шўрини ювишда фойдаланилган. Демак, Зарафшон сувларининг ҳаммаси ҳам деҳқончилик учун фойдали бўлиб, мавсумнинг турли вақтларида, турли хилдаги агротехника ишларига мўлжалланган. Шунинг учун ҳам Зарафшон деҳқонлари ва ирригаторлари қадим замонлардан бошлаб, агротехника ишларини амалга оширишда мавсум давомида экиладиган экинларнинг вақти, тури ва районига қараб, водийнинг ўрта ва қуйи қисмлари ўртасида мавсумий сувларни тўғри тақсим қилиб, вегетация даврида улардан ниҳоятда режа билан фойдаланганлар.

Самарқанд ва Бухоро воҳаларининг мироблари ва соҳибкор деҳқонлари Зарафшоннинг даврий тошқинларидан ташқари, дарё оқимидаги сув баланси умумий миқдорининг ўзгариб туришига қараб, уни кўп сувлик, ўртача сувлик ва оз сувлик даврларига бўлганлар<sup>38</sup>.

Айрим қўлёзма асарларда кўп сувлик даври «вақти фуроб» термини остида учрайди<sup>39</sup>. Бухороликлар уни «мўлоб», деб ҳам аташади. Дарёда сув ўртача бўлган даврни маҳаллий аҳоли «об миёна» деб, камсувлик даврини «вақти қиллат» ёки «вақти навбати банду баст», яъни каналларни навбат билан боғлаш вақти деб атаган<sup>40</sup>. Водийнинг юқори ва қуйи қисмлари ўртасида сув тақсимотини тўғри ҳал қилиш учун дарё сув балансининг умумий ҳолатини аниқлаш муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Чунки дарё оқимининг сатҳига қараб, ўзаро сув тақсимотида у ёки бу ирригация ишлари амалга оширилган. Шунинг учун ҳам водий сув хўжалигининг мутахассислари дарёнинг сув сатҳини ўлчаш учун ҳар хил тадбирларни қўллаганлар. Масалан, Зарафшоннинг ўрта ва қуйи қисмларида мироблар сув сатҳини жуда оддий усул билан белгилаганлар; агарда Зарафшоннинг кечувларидан отлик бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа ўта олмаса, бу мавсум «фуроб», яъни кўп сувлик давр деб, агарда отлик ўтиб, пиёда ўта олмаса

<sup>36</sup> ЦГВИА, ф. 400, д. 97, л. 16.

<sup>37</sup> *Қавс об* — 24 ноябрдан 22 декабргача оқадиган сув.

<sup>38</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. ЗИРГО, т. IV, СПб., 1874, стр. 266—267. *Яна қаванг*: Evgene Schuyller, Turkestan Notes of a Louney in Russian Turkestan, Khokan and Kulja, v. 1, London, 1876, pp. 288.

*Яна қаранг*: Ирригационная система реки Зеравшан, „Туркестанский сборник“, Т., 152, стр. 41.

<sup>39</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>а</sup> — 18<sup>б</sup>.

<sup>40</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>а</sup> — 18<sup>б</sup>.

у ўртча сувлик давр, яъни «об миёна» деб ва агар отлиқ ҳам, пиёда ҳам бемалол қатнай олса, бу камсувлик давр, яъни «вақти қиллат» деб ҳисобланган. Борди-ю ўзаро сув тақсимоти даврида сувнинг умумий миқдорини аниқлаш керак бўлиб қолса, мироблар отлиқ ёки пиёда кишини дарё кечувларининг биридан қирғоқдан-қирғоққа ўтказиб кўрганлар.

XIX асрнинг 80-йилларида Зарафшон водийсида хизмат қилган рус ирригаторларидан бири бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: «Дарё ёки каналдаги сувнинг миқдорини аниқлаш учун бизнинг ариқ оқсоқолларимиз ҳам, Бухоро аминлари ҳам маҳаллий аҳолидан бирининг от миниб ёки пиёда дарё ёки каналдан кечиб ўтиши тўғрисида амр қилишдан бошқа ҳеч қандай йўлни қўлламайдилар. Баъзан бундай ҳам қилмай, фақат [оқимга] қараб, катъиян шунча тош сув деб белгилайдилар»<sup>41</sup>.

Бундан ташқари, Зарафшон водийсида, айниқса, унинг юқори қисмида сув сатҳи дарё устига қурилган кўприкларнинг равоғига қараб ҳам аниқланилган. «Сув кўпайганда унинг сатҳи Зарафшоннинг юқори қисмида дарёга ўрнатилган кўприк равоғининг теппасига кўтарилар эди,— деб ёзади Л. Н. Соболев,— Одатда осонлик билан ўтиладиган кечувлар жуда қийинчилик билан ўтиладиган бўлиб қолар эди»<sup>42</sup>.

Зарафшондаги сув сатҳини дарё устига қурилган иншоотларга қараб белгилаш Мисрда Нил дарёси қирғоғи бўйлаб тошдан ишлаб чиқилган қадимги сув ўлчагич иншоотлар<sup>43</sup> воситаси билан Нилдаги сув сатҳини ўлчаш усулига жуда яқиндир. Бундай гидрометрик усуллар, аввало, қадим замонлардан бери, дарё тошқинларига тобе бўлиб келган ирригация системаларини сув билан таъминлаш учун дарёнинг ҳар бир тошқин сувидан ўз вақтида фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, иккинчидан, дарёда сув сатҳига қараб, вақтинчалик иншоотлар<sup>43</sup> воситаси билан дарё оқими бошқарилиб, тартибга солиб турилган ҳамда Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида сув тақсимоти амалга оширилган. Ўзаро сув тақсимоти вақтида дарё оқимидаги бу даврий ўзгаришларга ҳам қатъий риоя қилинган.

Ўрта асрларда Бухоро хонлигидаги мансаблар ва мансабдорларнинг вазифалари тўғрисидаги рисолада келтирилган маълумотларга қараганда, водийдаги ҳар бир маъмурий районларнинг кўп сувлик давр учун ҳам, оз сувлик давр учун ҳам алоҳида ҳақобаси, яъни ҳисса суви бўлиб<sup>44</sup>, дарё оқимининг сатҳига қараб белгиланган ҳақобалар бўйича, сув тақсимоти амалга оширилган.

<sup>41</sup> Н. П. Ирригация, Туземная единица объема воды и способы деления ее, «Туркестанский сборник», т. 527, стр. 201.

<sup>42</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 270-бет.

<sup>43</sup> 1964 йилда Қоҳира шаҳрида бўлган «Ўзбекфильм» оператори А. Мукаррамов Нил дарёси қирғоғига қурилган қадимги сув ўлчагич — гидрометрик иншоотларидан бирининг фотосини бизга ҳада қилди. Бунинг учун А. Мукаррамовга миннатдорчилигимизни билдирамыз.

<sup>44</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2324, варақ 18<sup>а</sup> — 18<sup>б</sup>.

XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсининг сув хўжалиги устидан кузатиш олиб борган Л. Н. Соболев эса Зарафшонда сув кўп бўлган даврларда, водийнинг шарқий ва ғарбий қисмлари ўртасида ўзаро сув тақсимоти бўйича ҳеч қандай тартиб мавжуд эмас ва тартибли сув тақсимоти учун қандайдир бир чора кўришга муҳтожлик ҳам йўқ<sup>45</sup>,— деб қайд этади. Л. Н. Соболевнинг бу фикри ҳақиқатдан анча узоқ бўлиб, бу рус авторларининг водийнинг сув хўжалиги билан ўша вақтларда ҳали етарли таниш эмаслигидан далолат беради.

Шубҳасиз, Зарафшон дарёсида сув кўп бўлган даврларда водийнинг ҳар икки қисми учун сув етарли бўлган. Шу сабабли бундай вақтларда ҳар бир суғориш системаси ўз ҳақобасини тўла олиб, ҳатто деҳқончиликдан ортиб қолган сув дарёнинг қуйи қисмига жойлашган кўлларга ёки суғориш каналларининг этакларидаги партов ерларга ташланган. Бундай пайтларда, айниқса, баҳор ва ёзги тошқинлар даврида Зарафшон дарёси тошиб, кўпгина жойларни сув олар ва экин майдонларини сув босиб, ернинг мелiorатив ҳолатини ёмонлаштирар, натижада қишлоқ хўжалигига катта зарар етар эди. Бу тўғрида турли даврга оид тарихий манбалардан етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. «Бир сафар Кўҳак дарёси [тошиб] Соғарж ўзани томонга уриб кетди,— деб ҳикоя қилинади XVI аср манбаларидан «Жамеъ ул-мақомот» асарида,— Даҳбид яқинига етганда кўп жойларни хароб қилди. Шу жумладан, ҳазрат [Махдум Аъзам]нинг боғи ва Мавлоно Мирмуҳаммад мазори сув остида қолди. Бундай ночорлик ва мушкул вақтда ҳазрат бир гуруҳ оқсоқолларга дарё лабига боринглар ва сув олган жойни боғлаб, тошқинни камайтиринглар. Агарда шундай қилмасанглар Даҳбидни ҳам сув босади, деб амр қилди. Ҳазратнинг буйруғига биноан биз халойиқ билан бориб, уч кун меҳнат қилиб, ҳарчанд урунсак ҳам сувни камайтириш иложини тополмадик...»<sup>46</sup>.

«Зарафшон водийсини яхши биладиган кишиларнинг сўзига қараганда,— деб ёзади Л. Н. Соболев,— сув тақсимоти учун ҳеч

<sup>45</sup> Л. Н. Соболев, Ўша асар, 267-бет.

<sup>46</sup> ... يکبری دریای کهک بجانب ساغرچ میل کرد و بکنار دهبید رسید و اکثر جایهارا خراب کرد تا که باغ انحضرت و مزار مولانا میر محمدا فروگرفت و در آن بیچاره گی و اضطرار انحضرت جماعتی از کلانتران را امر کردند که لب دریا بروید جای بند پیدا سازید که آب کم شود و اگر نه دهبیدرا آب فروخواهد گرفت و مایان جماعتی بامر انحضرت رفته تاسه روز هر چند سعی و اهتمام نمودیم که آب را کم سازیم علاج پزیر نشد...

«جامع المقامات» ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 7638, варақ 174а.

қандай чора кўрилмаган йиллар ҳам, сув ғалла экилган ерларни босиб, маҳаллий аҳоли ортиқча сувдан қандай қилиб қутулишни билмаган йиллар ҳам бўлган»<sup>47</sup>. Шунинг учун ҳам бундай пайтлар водийнинг ҳар икки қисмида ҳам сувдан деҳқончиликда керагича фойдаланилиб, ирригация ишлари асосан дарё оқимини бошқариб, дарё ва каналларга қурилган суғориш иншоотларининг сув тошқинлари натижасида бузилиб кетишидан сақлаб қолиш ва экинларни сув босиб, ерларнинг ботқоқланишининг олдини олишга қаратиларди.

Зарафшон дарёсида сув ўртача бўлган йилларда суғорма деҳқончилик учун унинг суви водийда ниҳоятда тежаб фойдаланилгандагина етарли бўлиб, бундай йилларда ўзаро сув тақсимотини Самарқанд ва Бухоро воҳаларида вегетация даврида сувга бўлган эҳтиёжга қараб амалга оширишни талаб этар эди.

Бухоронинг сув хўжалигига оид баъзи бир тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга қараганда, дарё оқими ўртача бўлган даврларда Зарафшоннинг қуйи қисмидаги районларни сув билан таъминлаш учун икки йўл: «нимжўй»<sup>48</sup> ва «партофта» ёки «партовта»<sup>49</sup>, шунингдек, Бухоро деҳқонларининг ибораси билан айтганда, «обпарта»<sup>50</sup> усуллари қўлланилган. «Нимжўй» усули бўйича дарё сувининг ярмиси ва «партовта» ёки «обпарта» бўйича эса дарё оқимининг деярлик ҳаммаси Бухоро воҳасига ташланган.

Ҳар икки усул: «нимжўй» ҳам, «обпарта» ҳам Самарқанд воҳасида дарёдан бош олган магистрал каналларни боғлаш воситаси билан амалга оширилган. «Нимжўй» даврида Зарафшоннинг ўрта оқимидаги каналларнинг бир қисми, «обпарта» вақтида эса уларнинг деярли барчаси боғланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «нимжўй» дарёдаги сув ўртачадан бир оз кўпроқ бўлган ҳолларда ва «обпарта» эса дарё суви ўртача миқдорда бўлган даврда қўлланилган<sup>51</sup>. «Нимжўй ва обпарта» усулларида сув хўжалигида ҳамма вақт фойдаланилмай, балки вегетация даврининг сувга бўлган эҳтиёжи ошган пайтларида бу усуллар қўлланилган. Суғориш мавсумида улардан фақат икки марта — апрель ойининг иккинчи ярмида ва август ойининг ўр-

<sup>47</sup> Л. Н. Соболев, Ўша асар, 267-варақ.

<sup>48</sup> Қорақўл қозиси Мулла Абдулвоҳид судурнинг Қорақўл вилоятида сувнинг камлиги тўғрисида Бухоро амири Музаффарга (1860—1885) ёзган аризаси. Бухоро тарихи ва ўлкашунослик музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, 3<sup>а</sup> варағи. *Яна қаранг:* ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, инв. № 2260, 94<sup>б</sup> варағи.

<sup>49</sup> Ўша ҳужжат, Бухоро музейи, инв. № 9841/12, варақ 3<sup>а</sup>.

<sup>50</sup> Л. Н. Соболев, Ўша асар, 269-бет.

<sup>51</sup> Л. Н. Соболев, Ўша асар, 269—270-бетлар; *Яна қаранг:* «Голос» газетасининг 1875 йил 6 июль сонидан нашр этилган «Ирригационная система реки Зеравшана» номли мақолада «обпарта» вақтларини май ойининг ўрталари ва августнинг охирларида деб кўрсатган. Туркестанский сборник, т. 152, л. 41—42; *Яна қаранг:* А. Гребенкин «обпарта»нинг иккинчи муддатини 15 сентябрдан 15 октябргача деб ҳисоблайди. А. Гребенкин, О причинах неурожая в Бухарском ханстве, «Туркестанские ведомости», 1872 г. 1 мая № 18.



таларидан бошлаб фойдаланилган<sup>52</sup>. «Нимжўй» ва «обпарта» усуллари воситаси билан Бухорога сув ташлаш муддати ҳар икки галда ҳам икки ҳафтадан то бир ойгача бўлган. «Бухоро туманлари учун икки ой давомида: бир ой баҳорда, иккинчи ой кузда: баҳорда 15 апрелдан 15 майгача, кузда 15 августдан 15 сентябргача сув, айниқса, зарур бўлади», деб таъкидлайди Л. Н. Соболев<sup>53</sup>. «Бу вақтда Зарафшон округи, Хатирчи ва Қармана беклигининг бош суғориш каналлари боғланар эди. Биринчи марта «обпарта» баҳорги экинларни экиш учун тайёрланган ерлари ва қисман, кузги арпа ва буғдой майсаларини суғориш учун, иккинчи марта кузги экин ерларини суғориш учун амалга ошириллар эди»<sup>54</sup>.

Шуниси ҳам борки, баъзи бир тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга қараганда, «нимжўй» усули одатда ёз ойларида кўпинча «гармоб» вақтида амалга оширилган. Биринчидан, бу даврда «обпарта» усулини қўллаш учун ҳожат бўлмаган, чунки бу давр «гармоб» тошқини келиши билан дарё оқимининг энг кўпайган вақтига тўғри келган. Иккинчидан, водийнинг ҳар икки қисмида ҳам сувга бўлган талабнинг энг кучайган даври бўлиб, дарё оқимини «нимжўй» усулида тақсимлаш эса водийнинг ҳар икки қисмини ҳам пропорционал равишда сув билан таъмин этар эди. Учинчидан, бу даврда, «обпарта» усулини жорий этиш мутлақо мумкин эмас эди. Чунки Самарқанд воҳасини бир ой мутлақо сувсиз қолдириб, унинг қишлоқ хўжалигига путур етказиш мумкин эди. «Суғоришнинг усули ва вақти бўйича ўрта осиеликлар шунчалик омилдиларки,— деб ёзади А. Гребенкин,— оғир «обпарта» [усули]ни ўринсиз [бевақт] қўлламайдилар»<sup>55</sup>.

«Нимжўй»нинг вегетация даврида амалга оширилган вақти, тартиби ва «нимжўй» воситаси билан Бухорога ташланган сувнинг қандай қилиб қуйида тақсимланиши тўғрисида Бухоро амири Ҳайдарнинг мактублар тўпламида<sup>56</sup> берилган ҳужжатларидан бирда аниқ баён этилади. Бу ҳужжат дарё суви тўғрисида амир Ҳайдар номига ёзилган аризага 1815 йил июль ойида Муҳаммад Ҳакимбий томонидан берилган жавоб хати бўлиб, унда Зарафшон оқимини «нимжўй» қилиб Бухорога ташлаш ҳақида қуйидагилар ёзилган: «...Самарқанд ва Миёнкол сувини нимжўй қилиб, сувни Бухороий Шариф томонига ташлашни... Хўжам Нақшбандий ва Давлатбийга амр қилдик. Ҳозир асад оёи ҳам кирди. Аввало шаҳар ҳовузларини сувга яхшилаб тўлғазсинлар, сўнгра [сувнинг] борини Қоракўл, Хайробод [Бухоро] туманлари ва Руди Шаҳрга яхшилаб тақсимласинлар. Ҳар қайсиси ўзига тегишли ҳақобасини

<sup>52</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 269-бет.

<sup>53</sup> Уша асар, уша бет.

<sup>54</sup> А. Гребенкин, Уша асар.

<sup>55</sup> А. Гребенкин, О причинах неурожаев в Бухарском ханстве, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>56</sup> Мактуботи амир Ҳайдар, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2126.

[ҳисса суви] олиб, мусулмонларга сувни яхшилаб етказиб берсинлар...»<sup>57</sup>.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, водийнинг ўрта қисмидан, унинг қуйисига дарё сувини «нимжўй» ёки «обпарта» воситаси билан ташлаш одатда Бухоро амирининг ихтиёрида бўлиб, шахсан унинг буйруғи билан амалга оширилган. Шунингдек, XVI—XVIII асрларда водийнинг сув хўжалигига бошчилик қилган оталиқ ва XIX асрда хонликнинг ички ишларини бошқарган қушбегилар ҳам баъзан бу тўғрида буйруқ бериш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шубҳасиз, «нимжўй» ва «обпарта» вақтида сув тақсимиоти тепасида турган амалдорлар: бек, амлоқдор, қози, амин ва мироблар ўз шахсий манфаатларини кўзда тутиб, бу ишни амалга оширганлар. Чунки сув танқислиги шароитида бундай ишларга аралашиш улар учун фойдали бўлган.

Демак, дарёда сув ўртача бўлган даврларда Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш учун жорий этилган «нимжўй» ва «обпарта» усуллари ўз даври учун асрлар давомида тажрибадан ўтган энг қулай ирригацион ишлардан бўлиб, уни Зарафшоннинг ўрта аср сув хўжалигида Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида ўзаро сув тақсимиотини пропорционал равишда оқилона амалга оширган тадбирлар, деб ҳисоблаш мумкин.

Зарафшон дарёсида сув кам бўлган йилларда унинг оқими водий қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган талабини деярлик қондира олмаган. Бундай даврларда дарё сувининг асосий қисми Самарқанд воҳасида сарфланиб, дарёнинг қуйи оқимига жойлашган Бухоро воҳасида сув танқислиги содир бўлар эди. Бу ҳақда XVI аср тарихий манбаларидан бири бўлган «Бобирнома»да жуда қимматли маълумотлар келтирилган: «Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўтгуз-қирқ йиғоч йўлга ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдир. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, Балки ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас»<sup>58</sup>.

«Жамеъ ул-мақомот» асарида келтирилган маълумотга қараганда, XVI аср мобайнида Зарафшон дарёсининг сувсизликдан деярлик қуриб қолган даврлари ҳам бўлиб турган. «Бир мартаба Кўҳак дарёси шунчалик қуриб қолдики, унда ҳеч сув қолмади.

... خوچم نقشبندى و دولت بى را فرموديم كه آب سمرقند و<sup>57</sup>  
ميانكال رانيم جوى نموده آب را جانب بخاراى شريف جارى مينمايند  
اكنون ماه اسدهم در آمد آولا حوضهاى شهر را خوب از آب پر كنند  
بعد از آن بوده را بقراكول و خير اباد و تومانات و رود شهر خوب  
تسويه نموده هر كدام حقايق خودهارا گرفته مسلمانان را خوب از  
آب برارند...

Мактуботи амир Ҳайдар, ЎзССР ФА ШИ, Қўлёзма, инв. № 2126, варақ 86—9а.  
<sup>58</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Бобирнома, Тошкент, ЎзССР  
ФА нашриёти, 1960, 104—106-бетлар.

Офаринкент туманининг аҳолиси келиб аҳволдан [сувсизликдан] арз қилдилар...»<sup>59</sup>.

Шубҳасиз, бундай даврларда Зарафшон ирригаторлари дарё сувини тақсимлашда аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилганлар.

Дарёнинг қуйи оқимидаги районларни сув билан таъмин этиш учун бу даврда фақат улар «обпарта» усулидан фойдаланардилар. Чунки Зарафшоннинг ўрта қисмидан «обпарта» қилинган сув Бухорога жуда қийинчилик ва катта жанжаллар билан олиб келинарди. Бундай даврларда сувни Бухорога ҳайдаш учун мироблардан ташкил топган махсус отряд юборилар эди. «Обандоз» ёки «манқувват» номи билан аталган махсус мироблар отряди назорати остида Бухорога сув ташлаш тўғрисида XVI аср манбаларида ҳам тилга олинади. «Кунлардан бир куни ҳазрат [Махдуми Аъзам] Бухоро шаҳаридан Самарқанд томон келаётган эди,— деб ҳикоя қилади XVI аср авторларидан бири,— Сангсиз [мавзеига] етганида отличлар тўдасига дуч келади. Тавозе ва ихтиром билан отдан тушиб, улар ҳазратни тавоф қиладилар. Ҳазрат сизлар ким бўласизлар деб, сўради. У тўдадагилар — биз мироблар бўламиз, деб жавоб беришди. Хон ҳазратлари бизни сув учун юборган эди, то Самарқандгача бордик, сув учун ҳеч қандай илож бўлмади. Қайтиб келмоқдамиз. Ҳозир хон ҳазратларига қандай жавоб айтишни билмай турибмиз...»<sup>60</sup>. Бу маълумотга қараганда, сув фақат Бухорода эмас, балки Самарқандда ҳам бўлмаган.

Бу даврда қўлланиладиган «обпарта» усули, дарёда ўртача сувли йилларда қўлланиладиган «обпарта» усулидан ташкилий жиҳатдан ҳам, вазифаси жиҳатидан ҳам бирмунча фарқ қилган. Биринчидан, агарда Зарафшон дарёсида сув ўртача бўлган йил-

---

... یک مرتبه دریای کوهک چنان خشک شد که هیچ آب نماند.<sup>59</sup>  
مردم نمى آفرين کينت آمده عرض احوال کرده...

Жамеъ ул-мақомот, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. №7638, варақ 173б.

... یکبارى انحضرت از بلده فاخره بخارا بجانب سمرقند میآمدند<sup>60</sup>  
سنگ سیز که رسیدند جماعتی سواران پیش آمدند و بتواضع و نیار از اسپان فرو آمده انحضرت را طواف کردند. انحضرت پرسیدند که چه کسانیست آنجماعت گفتند که ما میرابانیم که مارا حضرت خان

از برای آب فرستاده بودند تا سمرقند رفته شد هیچ آبی میسر نشد  
باز گشته میآیم اکنون نمیدانیم که بحضرت خان چه جواب گویم...

Силсилат ус-Сиддиқин ва Айнис ал-  
Ошиқин, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 662, варақ 133а.

ларда водийнинг ўрта қисмидан, унинг қуйи қисмига «обпарта» қилиш учун Зарафшон дарёсининг ўрта оқими бош олган магистрал каналлар боғланса, дарёда сув оз бўлган даврда водийнинг ўрта қисмида дарёдан чиқазилган катта-кичик каналларнинг деярлик ҳаммаси, бундан ташқари, Хатирчи ва Қармана бекликлари территориясини сув билан таъминловчи каналлар ҳам боғланар эди<sup>61</sup>. Иккинчидан, агарда Зарафшонда сув ўртача даврдаги «обпарта», умуман, водийнинг қуйи қисми, шу жумладан, унинг деҳқончилик ерларини сув билан таъмин этиш учун мўлжалланган бўлса, дарёда сув оз бўлган йилларда қўлланадиган «обпарта» асосан Бухоро шаҳари учун, яъни шаҳардаги ҳовузларни сув билан тўлғазиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган эди. Шубҳасиз, Зарафшонда сув оз бўлган йилларда Зиёвуддин беглиги жойлашган райондан то Қоракўлгача бўлган деҳқончилик ерлари — Зарафшон водийсининг қуйи қисми деярлик сувсиз қолар эди.

Бундай йилларда кўпинча деҳқончиликдан ҳеч нарса унмай, мамлакат иқтисодий танглик остида қолиб, очарчиликнинг бошланишига сабаб бўлар эди. Шунинг учун ҳам «сувнинг мўллиги элнинг тўқлиги» деб халқ бекорга айтмаган. «Бундан ўн икки йил муқаддам, амир Насрулло [1826—1860] даврида Зарафшонда сув шунчалик кам бўлган эдики, — деб ёзади Л. Н. Соболев, — ҳатто у Қармана беклиги учун ҳам етарли бўлмаган эди. Шу йилнинг ёзида Бухорода сув мутлақо бўлмай, Зиёвуддин беклигида жуда оз миқдорда бўлган эди. Шуниси яхши бўлдики, Хива, Қарши ва бошқа жойлардан кўп миқдорда ғалла олиб келингани учун Бухорода очарчилик бўлмади»<sup>62</sup>.

Демак, Зарафшон дарёсида сув оз бўлган йилларда водийнинг суғорма деҳқончилиги учун сув етарли бўлмай, бу даврда водийнинг ҳар икки қисмлари ўртасидаги ўзаро сув тақсимоти юзасидан олиб борилган амалий ишлар асосан Бухоро шаҳарини сув билан таъминлаш учун қаратилган. Шундай қилиб, Зарафшон дарёсини асрлар давомида кузатиш натижасида қадим замонлардаёқ унинг тошқинлари жадвали ишлаб чиқилган эди. Бу жадвалда йилнинг тўрт фаслларида дарё оқимида содир бўладиган доимий ўзгаришлардан ташқари, бир неча йилларда бир марта қайтариладиган кўп сувлик — «вақти фуруб» ва оз сувлик — «вақти қиллат» каби даврий ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинган. Дарё оқимидаги ўзгаришларга асосан Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасидаги ўзаро сув тақсимотида «нимжўй» ва «обпарта» усуллари қўлланилган.

### 3. Бухоро туманларининг ҳақобаси

Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасидаги ўзаро сув тақсимотининг қадимги тартиблари устида тўхтар эканмиз, XVI—XIX асрларда водийнинг маъмурий районлараро ички сув тақсимоти тўғ-

<sup>61</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>62</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 267-бет.

рисиди ҳам бир-икки оғиз сўз юритишга тўғри келади. Аввало шуни айтиш керакки, водийдаги ҳар бир маъмурий районнинг ўз ҳисса суви «ҳақобаси» бўлиб, у райондаги суғорма деҳқончилик ер майдонининг ҳажмига қараб белгиланган. Шунинг учун ҳам вегетация даврида ҳар бир районнинг ўз ҳақобасидан ташқари ортиқча сув боғлаб олиши учун йўл қўйилмаган. Бухоро воҳасида, ҳатто «нимжўй» ёки «обпарта» қилинган сув ҳам Бухоро туманлари бўйлаб уларнинг ҳақобаси бўйича тақсимланган.

Ўрта асрларда Бухоро хонлигидаги мансаблар ва мансабдорларнинг вазифалари тўғрисидаги рисолада ҳам Қорақўл қозиси Мулла Абдулвоҳиднинг Қорақўл воҳасида сув танқислиги ҳақида Бухоро амири Музаффар номига ёзган арзномасида<sup>63</sup> Бухоро туманлари ҳақобасининг миқдори ва уларнинг магистрал каналлар бўйича тақсимотига оид қимматбаҳо фактик маълумотлар берилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, хонликнинг ўрта аср сув хўжалиги структурасини ўрганишда асосий манбалар қаторида туради. Бу икки ҳужжатлар бўйича, ҳар бир административ район учун белгиланган ҳисса сув ҳақоба «равоқ» ҳисоби билан ўлчанган<sup>64</sup>. Сувнинг миқдорини аниқлаш учун водийнинг сув хўжалигида жорий этилган бу ўлчов бирлиги мана шу икки ҳужжат туфайли тадқиқотчилар учун маълум бўлди. Ҳужжатларда келтирилган фактик маълумотларга қараганда, бу ўлчов бирлиги Зарафшон дарёси устига пишиқ фишдан қурилган: Пули Қармана, Сарипули Меҳтар Қосим, Пули Чаҳор Минор ва Пули Жондор<sup>65</sup> каби кўприкларининг равоғи бўйича белгиланиб, суғориладиган ер майдонининг ҳажмига нисбатан аниқ миқдорни аниқлатган. Буни ҳужжатларда келтирилган қўйидаги жумлалардан ҳам кўриш мумкин. «Бир равоқ тахминан юз минг таноб ернинг ҳақобаси оқиб ўтадиган жой (ўлчов) дир<sup>66</sup>. Бундай майдонни ҳисобдон кишилар бир

<sup>63</sup> Бу рисола ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган инв. № 2374 қўлёзмасининг 17<sup>а</sup>—19<sup>б</sup> варақларида келтирилади. А. А. Семенов рисолаи рус тилига таржима қилган. Қаранг: А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанности насителей их в средневековой Бухаре, Советское востоковедение, V, М.—Л., 1948, стр. 139—150. Бу рисолаининг «оталиқ» мансабига оид қисми Қорақўл қозиси Мулло Абдулвоҳид судурнинг Қорақўл вилоятида сувнинг камлиги тўғрисида ёзган аризасида келтирилган. Бухоро музейи, инв. № 9831/12, варақ 1<sup>а</sup>—4<sup>а</sup>. Ҳар икки ҳужжат текстларини солиштириш натижасида биринчи ҳужжатда айрим жумла кўчирувчи Бухоро қозиси Шарифжон Маҳдум томонидан тушириб қолдирилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам биз, текстнинг бундай қисмига сноскани Бухоро музейи ҳужжатида бердик.

<sup>64</sup> ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>а</sup>—18<sup>б</sup>; Яна қаранг: Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. 9831/12, варақ 2<sup>а</sup>—2<sup>б</sup>.

<sup>65</sup> Бу ёдгорликларнинг қолдиқлари 1962—1964 йилларда автор томонидан текширилиб, улар устида ирригация техникаси бобида муфассал тўхтаб ўтилади.

<sup>66</sup> یک رواقی که تخمیناً گذرگاه حبابه یکصد هزار طناب زمین باشند.

туман<sup>67</sup>, деб аташади<sup>68</sup>. Ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий «туман» термини суғориш билан боғлиқ эканлиги тўғрисида қуйидаги ажойиб маълумотни келтиради: дарёдан чиқарилган каналдан суғорилган ер майдонининг ҳажми юз минг танобга етса, бундай майдон туман деб юритилган<sup>69</sup>. Демак, ўлчов бирлиги «равоқ» юз минг таноб ерни суғорадиган сувнинг миқдори бўлиб, бир равоқ сув олган майдон туман деб аталган.

Рисолада ёзилишича, дарё оқимининг қандай бўлишидан қатъи назар; хоҳ «фуроб», хоҳ «вақти қиллат» бўлсин, бари бир сув ҳар бир туманнинг ҳақобасига биноан баробар тақсимланган. Аввало сув Самарқанд воҳасига берилган. Бу ерда дарё сувининг водий бўйлаб, туманларга тақсимланиши устида тўхташдан аввал, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ҳақобаларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, масалага бирмунча ойдинлик киритади. Чунки рисолада Самарқанд ҳақобаси тўғрисида аниқ маълумот келтирилмайди. Бунинг устига рисоланинг Самарқанд ҳақобасига тегишли қисми А. А. Семенов томонидан нотўғри талқин этилиб, масала бирмунча чалкаштирилиб юборилган.

Рисолада Бухоро воҳасига ташланадиган сув ва Самарқанд ҳақобаси тўғрисида қуйидаги жумла келтирилади:

«Кўп сувли вақтда ҳам, ёки навбат билан [каналлар] боғланадиган [оз сувлик] вақтида ҳам у [оталиқ] Қармана яқинидан 21 равоқ<sup>70</sup> сувни ўтказиб, бундан [21 равоқдан]<sup>71</sup> кўпроғини, кўп сувлик вақтда ҳам шунча сувни ҳақобасига мувофиқ Самарқанддан то Қарманагача етказиб беради»<sup>72</sup>. Демак, келтирилган фактларга

<sup>67</sup> Туман термини Бухоро хонлигидаги административ районларнинг умумий номи. Бу термин мўғул тилида ўнг минг рақамини англатади. Ҳарбий термин сифатида у Темирчилар давригача ўнг минг отлиқ аскар бера оладиган районга айтилган. Муҳаммад Ҳусайн, Бурхони қоғе, т. I, Лахнав, 1887; Яна қаранг: Л. Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, СПб., 1849, стр. 406; Яна қаранг, А. А. Семенов, Уша мақола, 152-бет.

<sup>68</sup> *اهل حساب يك تومان مينه اند.* Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 8831/12, варақ 2а.

<sup>69</sup> Мир Алишер Навоий, Мажолис ус-нафоис, ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, варақ 427.

<sup>70</sup> Текстда *دورو اقي بيست و 22* равоқ деб ёзилган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>а</sup>. Бухоро музейидаги ҳужжатда у 21-равоқ деб кўрсатилади. Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2<sup>а</sup>.

<sup>71</sup> А. А. Семенов рақамни бир равоқ деб кўрсатади. А. А. Семенов, Уша мақола, 145-бет. А. А. Семеновнинг бу талқини бўйича Самарқанднинг ҳақобаси бир равоқдан сал кўпроқ бўлиб чиқади. Бу шубҳасиз нотўғри. Чунки Зарафшон водийси ўзлаштирилиб обод этилгандан бери Самарқанд воҳасида суғориладиган ер майдони Бухоро воҳасига нисбатан кам бўлмай, балки ошиқроқ бўлган. Шунга биноан унинг ҳақобасининг ошиқ бўлиши ҳам муқаррардир.

<sup>72</sup> *از محاذی کریمینه در وقت فور آب یادر وقت نوبت بندو بست بیست و یک رواق آب گزرانیده یا فضلہ انرا از سمرقند تا کریمینه موافق حقایه در وقت و فوراب باندازه نوبت وقت قلت رسانیده شود...*

ЎзССР ФА ШИ, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>а</sup> — 18<sup>б</sup>.

қараганда, Бухоронинг ҳақобаси 21 равоқ, Самарқандниқ эса 21 равоқдан бир оз кўпроқ бўлган. Ҳужжатда кўрсатилишича, Самарқанд воҳасининг ҳақобаси Самарқанд ва Миёнкол туманлари ҳамда Хазорайи Чохаргонаийи Соғарж районларида қадимги одат бўйича, сувдан фойдаланувчилар ўртасида адолат билан тақсимланган<sup>73</sup>.

Рисолада Бухоро ҳақобаси Қарманадан ўтказилган, 21 равоқ сувнинг Бухоро туманлари бўйича тақсимоти батафсил баён этилади. Унда келтирилган маълумотлардан водийнинг сув ҳўжалигида энг муҳим масалалардан ҳисобланган сув тақсимоти қандай тартибда ҳал этилганини яққол кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам биз рисоланинг шу қисмини тўлиқ келтирамиз: «...Қармананинг этагидаги Хазора билан Тошработ ва унинг шарқидан то қир тагигача бўлган район [билан] Узулушкент, Чаҳоргов ва бошқалар ҳиссаси бўйича [бир равоқ] сувнинг 5/8 қисми берилади. Шофурком билан Амиробод туманларига 1, 1/4 равоқ сув берилади. Шу жумладан, 3/5 қисми шофуркомликларга ва 2/5 қисми эса амирободликларга бўлиб берилади. Султонобод ва Хазорайи Пирмаства бир равоқ сув берилади<sup>74</sup>. Ҳарқонруд туманига бир равоқ сув берилади. Комот ва Хитфар туманларининг ҳиссаси бўйича икки равоқ сув юқорида эслаб ўтилганидек бўлинади. Шундан 2/5 қисмини комотликлар ва 3/5 қисмини хитфарликлар оладилар. 1, 1/8 равоқ сув Коми Абуमुслим туманига берилади. Мазкур туманга Коми Зар ҳам киради. [Бу] туманлардаги деҳқонларнинг ҳар бири экин ерларига мувофиқ [ўз] ҳиссаларини ажратиб оладилар. Шаҳар руди уч равоқ сув олади. Бироқ Фаровиз тумани ва Санъан каналы сувдан фойдаланувчилар Шаҳруд системасига қарашли бўлгани учун Шаҳруд тақсимотидан 5/8 равоқ ҳиссани Фаровиз тумани олади. Ундан сўнг қолган ўн бир равоқ сув Пули Меҳтар Қосим кўпригидан ўтказилади, сув тақсимотининг тўғри бўлиши учун ҳар бир кўприк бекитилади. Мазкур 11 равоқ сувдан 1, 1/4 равоғи Сомжан туманига берилади. Бир равоқнинг 5/8 қисми Ғозийободаги Нимхазорайи Қалтидан то Деҳмун ва Ушавагача туташган ерларга берилади. 2, 1/8 равоқ сув Ҳайробод ва Тароб туманларига берилади. Сўнгра қолган етти равоқ сув Пули Чаҳор Минор кўпригидан ўтказилади. 3/4 равоқ сув Ҳазорайи Шаҳри Ислому ва Пайкентга<sup>75</sup> берилади. 1, 1/4 равоқ сув Моҳон ва Кўликалонга бе-

<sup>73</sup> ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18а.

...بطریق تسویه و تعدیل آب از سمرقند مع تومات او و هزاره  
چهارگانه ساغرچ و میانکالات و تومات موافق نسفی قدیم بین  
الخواص والعوام...

<sup>74</sup> Рисолада шу жумла кўчирувчи томонидан туширилиб қолдирилган. Бу жойни Бухоро музейидаги ҳужжат тўлғазади. Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. 9831/12, варақ 2<sup>а</sup>.

<sup>75</sup> Бу топографик пункт рисолада тушириб қолдирилган. Унинг номи Бухоро музейи ҳужжатида келтирилади. Бухоро музейи, инв. № 9831/12, варақ 2<sup>а</sup>.



Номаълум Бухоро мироби томонидан тузилган Бухоро ирригацияси системасининг схемаси (Човли канали системаси)



рилиб, буни улар ўзаро учга тақсимлаб оладилар<sup>76</sup>. Шу вақт беш равоқ сув қолади. У Пули Жондор кўпригидан ўтиб тақсимланади. Бу қолдиқ сув Қорақўлнинг ҳақобасидир. Бурунги ҳокимлар ва подшоҳларнинг одатида [сувдан фойдаланишнинг] мана бундай тартиби бўлган ва у қадимги хоқонларнинг дафтарларига ёзиб қўйилган»<sup>77</sup>.

<sup>76</sup> Жумланинг маъносига қараганда қандайдир учинчи топографик пунктнинг номи тушиб қолган.

<sup>77</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2834, варақ 18а — 18б.

و خمسہ اثمان یگ رواق آبرا بهزاره پایان کرمینہ مع تاشراباط و شرقی آن تانحت قیرو مع اوزلشکنند و چارکاو و غیرها حصہ بدهند و یک رواق و ربع یک رواق آب را بتومان شافرکام و تومان امیر آباد بدهند کہ ثلثہ اخماس این مجموع را شافرکامی و خمسین را میرآبادی تقسیم کرده برند و یک رواق آب بتومان سلطان آباد و هزاره پرمست حصہ بدهند کہ بنهچ مذکور تقسیم کرده برند و یک رواق آبرا بتومان خرقانرود حصہ بدهند و دو رواق آب را بتومان کامات و خنفر حصہ بدهند بنهچ مذکور لکن خمسان را کاماتی گیرد و ثلثہ اخماس را ختفری برد و یک رواق آب و ثمن یک رواق آب را بتومان کام ابو مسلم حصہ بدهند و داخل است بتومان مذکور کام زرهر کدام از مزارعین کامها موافق اراضی مزروعہ حصہ جدا کرده برند و سه رواق آبرا رود شهر میگیرد اما تومان فراویز و آبخور نہر صنعان داخل رود شهر است لکن خمسہ اثمان یک رواق را تومان فراویز حصہ میگیرد از تقسیم رود شهر و بعد از ان یازده رواق آب بقیه را کہ از پل مہتر قاسم گزانیدہ میشود ہر پل بمنزلہ بند است ار برای درستی تقسیمات و یک رواق و ربع یک رواق آبرا از یازده رواق آب مذکور بتومان سامجن میدهند. و خمسہ اثمان یک رواق آب را بہ نیمہزارہ قلتی و در غازی آباد تاکہ بدہمون و اوشاوا رسد بدهند. و دو رواق و ثمن یک رواق آب را بتومان خیرآباد و تومان تاراب بدهند ہفت رواق آب بقیہ را از پل چہار منار گزانیدہ ثلثہ ارباع یک رواق آب را بہزاره شهر اسلام و پیکند حصہ بدهند. و یک رواق و ربع یک رواق آب را بہماحان و کول کلان حصہ بندند کہ اثلاثا تقسیم کرده گزند این ہنگام باقی

Юқорида қайд этилган тарихий ҳужжатда келтирилган фактик маълумотлар асосида Бухоро воҳасида жойлашган ҳар бир маъмурий район — туманларидаги суғорма деҳқончилик ер майдонининг ҳажмини аниқлаш мумкин. Буни ҳужжат асосида тузилган I-жадвалдан кўриш мумкин.

I-жадвал


№№	Бухоро туманларининг номи	Ҳақобаси равоқ ҳисобида	Суғориладиган ер майдони (минг таноб ҳисобида)	№	Бухоро туманларининг номи	Ҳақобаси равоқ ҳисобида	Суғориладиган ер майдони (минг таноб ҳисобида)
1	Хазора, Ташрабат, Узулушкент, Чоҳаргов ва бошқалар	0,25	62,5	10	Сомжан	1,25	125
2	Шофурком	0,75	75	11	Нимхазорайи Қалти, Деҳмун, Ушава	0,625	62,5
3	Амиробод	0,5	50	10	Хайробод ва Тороб	2,125	212,5
4	Султонобод ва Нимхазорайи Пирмаст, Ҳарқонруд	1	100	3	Хазорайи Шаҳри Ислом ва Пайкент	0,75	75
6	Комот	0,8	80	14	Мохон ва Кўдикалон	1,25	125
7	Хитфар	1,2	120	13	Қорақўл	5	500
8	Коми Абу-муслим	1,125	112,5				
9	Шахруд, Фаровиз ва Санъан	3	300		Жами	21	2,100

Равоқ ҳисоби асосида тузилган бу жадвал бўйича, Бухоронинг суғорма деҳқончилик ер майдонининг ҳажми ўрта асрларда 2 миллион 100 минг танобга, гектар ҳисоби билан олганда 528 минг гектарга тенг бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳақиқатдан узоқроқ бўлиб, ўлчов бирлиги сифатида қабул этилган равоқнинг ҳажми ўрта аср ҳисобдонлари томонидан бирмунча бўрттириб кўрсатилган. Чунки Зарафшоннинг суғориш қобилияти, унинг оқимидан рационал равишда фойдаланилган тақдирда ҳам 480—500 минг гектардан ошмайди. Бу ерда яна шунини ҳисобга олиш лозимки, қадим замонлардан бошлаб, Бухоро воҳасида агротехника уч пайкаллик олмошлаб экиш усулига асосланган бўлиб, ер майдонининг қарийб 30—40 проценти мутлақо экилмай, шудгор қилиб

میماند پنج رواق آب که میگزرد از پل جاندار و تقسیم میباید این بقیه مذکورہ بجداولیل قراکول. این طریقہ بوداست تعامل عمال و حکام و صداق سابقین واندر اراج یافته بردفاتیر حواقین.

қўйилган. Сув тақсимотида эса, шубҳасиз, шудгор остидаги ерлар ҳам ҳисобга олинган.

Бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш керакки, равоқ ҳисоби асосидаги сув тақсимотининг амалга оширилган даври водийнинг сув хўжалиги тарихида алоҳида бир давр бўлиб, унинг чегарасини аниқлаш эса шу хўжаликнинг тарихий динамикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу тарихий манбаларда равоқ ҳисоби асосидаги сув тақсимотининг жорий этилган даври тўғрисида аниқроқ маълумот берилмаган. Шунинг учун ҳам бу ҳисоб қайси




Чаҳор Минор кўпригининг плани ва кўндаланг кесими

асрда ишлаб чиқилганини аниқ айтиш мушкул. Шунга қарамасдан, Бухоронинг сув хўжалиги тарихини ўрганишда асосий манба сифатида хизмат қилган ҳужжатларнинг тузилган даврини аниқлаш билан бу масалага бир озгина ойдинлик киритиш мумкин. Шу жумладан, Бухоронинг ўрта аср мансаблари тўғрисида рисола ҳамда Қорақўлда сув танқислиги тўғрисидаги арзномалар гарчи кейинги даврга оид бўлса ҳам, аммо уларда берилган тарихий маълумотлар бирмунча қадимийроқдир. Чунки ҳар иккала ҳужжат авторлари ҳам маълумотларни ўзларигача ёзилган манбалардан олганликлари ҳақида очиқ фикр баён қиладилар. Масалан, биринчи ҳужжатни кўчириб ўз тўпламига киритган Бухоронинг охириги қозикалони Шарифжон Махдум хонликнинг ўрта аср мансаблари тўғрисидаги маълумотларини Мирзо Муҳаммад Баде девоннинг XVIII асрнинг охирида ёзилган «Мажма ул-арқом» («Рақамлар тўплами») номли асаридан олганини ёзади<sup>78</sup>. Шунга асо-

<sup>78</sup> УзССР ФА ШИ, Қўлёзма, инв. 2374, варақ 196.

сан, А. А. Семенов бу рисолаи XVIII асрга оид деб ҳисоблайди<sup>79</sup>. XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган иккинчи ҳужжат автори Мулла Абдулвоҳид Судур эса, ўз далилларини Бухоро мансаблари тўғрисидаги рисолага ҳавола қилади<sup>80</sup>. Демак, ҳар иккала ҳужжатларнинг манбаи битта бўлган. Бу манба Мирзо Муҳаммад Баде девоннинг «Мажма ул-арқом» асаридир. Рисоланинг асл нусхаси факсимиле 1970 йилда А. Б. Вильданова томонидан нашр этилди<sup>81</sup>. Шуларга асосан Бухоронинг суғориш системалари ўртасидаги ўзаро сув тақсимоти бўйича юқорида тасвирланган тартиб XVIII асрда ўрнатилган экан, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо ҳуж-



Чаҳор Минор кўприги устунлари ва қанотларининг кўндаланг кесими

жатларда келтирилган баъзи бир маълумотлар бу сана юқорида айтилганидек, XVIII асрга эмас, балки бир оз ундан олдинроққа тўғри келишидан далолат беради. Масалан, ҳужжатларда «оталиқ» лавозимининг жорий этилиши тўғрисида сўз юритилар экан, унга Зарафшон сувини бошқариш ва қадимги одатга биноан ҳақобалар бўйича уни Самарқанддан то Қорақўлгача тенг ва адолат асосида тақсимлаб бериш вазифаси юклангани ҳақида баён

<sup>79</sup> А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре, Советское востоковедение, т. V, М.—Л., 1948, стр. 138.

<sup>80</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 2831/12, варақ 2<sup>а</sup>

از اتفاقات رساله در نظر در آمد که در آنجا عملات و مناصب دیوانی دار الفاخره را بتمامه ذکر کرده بیان وافى نموده...

<sup>81</sup> А. Б. Вильданова, Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях, Письменные памятники Востока, Историко-филологические исследования, ежегодник 1968, М., Изд-во «Наука», 1970, стр. 40—67.

этилади. Келтирилган маълумотга қараганда, «оталиқ» лавозимидаги мансабдорлар мамлакатнинг сув хўжалигини бошқарган. Хўш «оталиқ» тўғрисида тарихий манбаларда яна қандай маълумотни учратиш мумкин. XVI аср авторлари Ҳафиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» ва Бадриддин Кашмирийнинг «Равзатурризвон ва ҳадиқатул ғилмон» номли асарларида келтирилган фактик маълумотлардан «оталиқ» лавозимини ўтаган мансабдорларнинг XVI асрнинг иккинчи ярмида хонликнинг сув хўжалигини ва ирригация иншоотларининг қурилишига бошчилик қилганлиги маълум<sup>82</sup>. Шунга қараганда, Бухорининг сув тақсимоти XVI асрда оталиқ томонидан бошқарилган бўлиши шубҳасиздир.

Шулар билан бир қаторда, суғориш системалараро сув тақсимоти учун ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган «равоқ» терминининг нимага асосан қабул қилинганлигини аниқлаш бу муаммони ечишда асосий факторлардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу масала бўйича ҳам яна юқоридаги манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки ҳар учала ҳужжатда ҳам ҳар бир район ҳақобасини ўлчаб тақсимлаш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бухоро воҳасида Қорақўлдарё устига ўрнатилган гидротехника иншоотлари Пули Меҳтар Қосим, Пули Чаҳор Минор ва Пули Жондор каби сув тақсимловчи кўприклар тилга олинади. Ҳужжатлар контекстининг мазмунига қараганда, дарёдаги сув миқдори кўприкларнинг равоғига қараб белгиланган. Шунга қараганда равоқ термини ўлчов бирлиги сифатида дарё устига қурилган кўприкларга боғлиқ бўлиб, Пули Меҳтар Қосим, Пули Чаҳор Минор ва Пули Жондор каби кўприклар ўз навбатида Бухорининг сув хўжалигида сув ўлчагич иншоот сифатида хизмат қилган. Демак, равоқ ҳисоби билан амалга оширилган сув тақсимотининг жорий этилиши бу иншоотларнинг қурилган даври билан шубҳасиз боғлиқдир. Шу сабабли иншоотлар санасини аниқлаш масаланинг ечилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, 1962 йилда Пули Меҳтар Қосим, Пули Чаҳор Минор ва Пули Жондор иншоотларини археологик текшириш натижасида бу иншоотлар XVI аср иккинчи ярмида бино қилинганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар Зарафшон оқимининг «равоқ» ҳисоби асосидаги тақсимоти водийнинг сув хўжалигида жорий этилишини XVI асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган деб, ҳисоблаш учун етарли даражада шаҳодат бера олади.

#### **4. Зиёвуддин ва Қорақўл воҳасининг сув таъминоти ҳамда сувсиз деҳқончилик қилиш агротехникаси**

Зарафшон водийсининг ўрта ва қуйи қисмлари ўртасида сув тақсимоти масаласини ҳал этишда водийнинг ҳар икки қисмининг

<sup>82</sup> Ҳафиз Таниш Бухорий, Абдуллонома, ЎзССР ФАШИ, Қўлэзма, инв. № 2207, варақ 327<sup>а</sup>. Яна қаранг: Бадриддин Кашмирий, Равзатурризвон ва ҳадиқатул ғилмон, ЎзССР ФАШИ, Қўлэзма, инв. № 2094, варақ 316.

чегарасига жойлашган Зиёвуддин ҳамда Зарафшон дарёсининг қуйн қисмидаги Қоракўл воҳасини сув билан таъмин этиш алоҳида ўринни тутди. Бу воҳалар юқорида эслаб ўтилганидек, дарёда сув кўп бўлган йиллари сув билан керакли миқдорда таъминланар, дарёда сув ўртача бўлган даврларда эса сугориш ишлари ниҳоятда қийинчилик билан амалга ошириларди.

Биргина Зиёвуддин беклигига қарашли районни сув билан таъминлаш учун Зарафшон дарёсининг икки ерига катта тўғонлар қурилишини талаб этар эди. Биринчи тўғон Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарёларга ажраладиган жойида — Қорадарёнинг ўнг томонига, иккинчиси эса Қорадарёнинг ўзига қурилар эди. Биринчи иншоот сувни Оқдарёдан Қорадарёга боғлаб олиш учун, иккинчи иншоот эса Қорадарёга боғланган сувдан Зиёвуддин беклиги ерларини сугорадиган Нарпай каналига сув чиқариш учун қурилар эди. Чунки Қорадарёнинг ўзани Оқдарёнинг ўзанига нисбатан баландроқ жойлашган бўлиб, Нарпай каналининг ўзани Қорадарёнинг ўзанига нисбатан бирмунча баландроқ ердан жой олган эди. Шунинг учун ҳам бу икки иншоот Зиёвуддин беклиги ерларини сув билан таъминлашда муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли бу икки сугориш иншоотини қуриш вазифаси қадимдан давлат томонидан Зиёвуддин бегига топширилган эди<sup>83</sup>. «Оқдарёнинг Қорадарёдан ажраладиган жойида Оқдарёга тўғон [банд] қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — деб ёзади А. Гребенкин, — бурунги вақтлардан Зиёвуддин беги зиммасига юкланган эди»<sup>84</sup>. Бу иш Нарпай каналидан сугориладиган Зиёвуддин, Каттақўрғон бекликлари ҳамда Самарқанднинг Офаринкент тумани аҳолиси томонидан ҳашар усули билан бажариларди<sup>85</sup>.

Дарё сувининг бу иншоотларни ювиб кетиши сабабли, ҳар йили тўғонларнинг умумий ҳолатига қараб ёки қайта қурилар ёки тузатилар эди. Шунинг учун ҳам Зиёвуддин беги ҳар йили май ойининг охири ёки июнь ойининг бошларида ҳашарчиларни йиғиб, Оқдарё ва Қорадарё тўғонларини қуриш мақсадида Самарқандга келар эди<sup>86</sup>.

Иншоотларнинг ҳар иккаласи ҳам созтупроқ, шох-шабба, хашак, тош ва қумлардан қурилган дамба эди<sup>87</sup>. Архив материаллари бўйича, Чўпонота тўғонининг узунлиги 3,5 км (3 чақирим 120 саржин) бўлиб, остки қисмининг қалинлиги (1—2 саржин) 2,13—4,26 м, устки қисмининг қалинлиги 0,7 м (бир аршин), баландлиги эса (1—3 аршин) 0,7—2,13 м бўлган<sup>88</sup>. Шунинг учун ҳам бу ин-

<sup>83</sup> Eugene Schuyler, *Turkestan, Notes of a Journey in Russian Turkestan Khokand, Kulja, V. I, London, 1876, pp. 288—289.*

<sup>84</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>85</sup> Ирригационная система реки Зерафшан, Туркестанский сборник, т. 152, л. 42.


<sup>86</sup> Eugene Schuyler, Уша асар, 289-бет; Яна қаранг: Л. Н. Соболев, Уша асар, 265-бет.

<sup>87</sup> ЦГА УзССР, ф. И—1, оп. 41, д. 32, л. 20.

<sup>88</sup> ЦГА УзССР, ф. И—1, оп. 14, д. 324, л. 18—20.

шоотларни қуриш ёки ремонт қилиш ниҳоятда машаққатли бўлиб, катта куч ва кўп миқдорда инерт материалларини талаб этар эди.

Биргина Чўпонота тўғонини тиклаш учун 1000<sup>89</sup> ва 2000<sup>90</sup> гача, айрим маълумотларга қараганда эса 5000<sup>91</sup> ҳашарчи қатнашиб, юзлаб араваларда инерт материаллари: тош, чим, шох ва ёғочлар



Чўпонота сув айирғич тўғонининг 1878 йилда олинган плани

ташиларди. «2000 ҳашарчини Каттақўрғон ва Пайшанби бекликлари ва 3000 ҳашарчини Зиёвуддин беклиги етказиб берар эди»<sup>92</sup>. Ҳашар муддати 8 кундан<sup>93</sup> 12 кунгача давом этарди<sup>94</sup>. Бу фактик маълумотларга кўра Чўпонота тўғонини тиклаш учун минимум 8 минг ва максимум 60 минг ишчи куни сарф бўлган. Кўпинча бу

<sup>89</sup> А. П. Федченко, Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда (С картой Зеравшанской долины), ПЗ ИОЛЕАЭ т. VII, вып. I, М., 1870, стр. 28.

<sup>90</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>91</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, ЗИРГО т. VI, СПб., 1880, стр. 12.

<sup>92</sup> В. В. Радлов, Уша асар, 12-бет.

<sup>93</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>94</sup> ЦГА УзССР ф. И—I, 14, д. 324, л. 18—20.

иншоотни тиклаш май ойида Зарафшон дарёсида бошланадиган «лоёб» тошқини вақтига тўғри келиб, сув тўғонни 2—3 марта олиб кетар ёки айрим жойларини бузиб юборар эди. Бундай вақтларда уни икки, уч марта қайта тиклашга тўғри келарди. Масалан, 1871 йилда Зарафшон дарёсининг суви тўғонни 3 марта олиб кетиши сабабли Зиёвуддин беги 3 мартаба ҳашарчиларни йиғиб келиб, уни тузатишга мажбур бўлган<sup>95</sup>. Биринчи марта 150 та ҳашарчи, 25 та арава билан 13 кун ишлашган. Иккинчи марта 1,5 минг ҳашарчи, 30 арава билан 7 кун ишлаган. Учинчи марта, тўғонни тузатиш учун Каттақўрғондан 1200 ҳашарчи, 13 та арава келтирилиб, туғон 8 кунда тикланган. Ёғочни Зиёвуддин беги олиб келган<sup>96</sup>.

Архив материаллари бўйича, бир йилда Чўпонота тўғонини тиклаш учун 23224—34836 ишчи кунни сарф қилинган<sup>97</sup>. Бу иншоот Каттақўрғон, Пайшанба ва Зиёвуддин бекликлари ерларини сув билан таъминлашда ҳаётбахш аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, Самарқанд воҳаси Россияга қўшиб олингандан сўнг, Бухоро хонлиги ва Зарафшон округи ўртасидаги ўзаро алоқаларда алоҳида ўрин тутган. Бу ҳақда А. П. Федченко шундай дейди: «Бу тўғонни халқаро аҳамиятга эга деб айтиш мумкин. Бухоро хонлигининг каттагина қисмини сув билан таъминлаш унга боғлиқдир»<sup>98</sup>. Демак, юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, «Зиёвуддин беклигининг суғорма деҳқончилик ерларини сув билан таъминлаш ниҳоятда қийинчилик билан амалга оширилган. Шунинг учун ҳам Зарафшон дарёсининг ўрта оқимидан унинг қуйи оқимига дарёсуви «нимжўй» ёки «обпарта» қилинган вақтларда Зиёвуддин беклигини суғорадиган Нарпай канали боғланмаган.

Қорақўл воҳаси дарёнинг энг қуйи оқимига жойлашганлиги сабабли сув таъминоти жиҳатидан Зарафшон дарёси бўйлаб бош олган катта-кичик суғориш системаларидан тамоман фарқ қилган. Биринчидан, вегетациядан ташқари даврда Қорақўл Зарафшоннинг қишки сувлари ва баҳорги тошқинларини қабул қилган бўлса, вегетация даврида эса, водий бўйлаб деҳқончиликдан ортан партов сувлар унга ташланиши натижасида воҳанинг каттагина қисми захоб ва шўрхок майдонга ҳамда кўл ва ботқоқликларга айланарди. Иккинчидан, Зарафшон дарёсида сув кам бўлган йилларда эса дарё оқими Қорақўлга мутлақо етиб бормай, воҳа сувсизликдан қуриб, деярлик чўлга айланарди. Ҳатто сув кам бўлган пайтларда водийнинг қуйи қисми учун «обпарта» ёки «нимжўй» усуллари воситаси билан ташланган дарёсуви ҳам Қорақўл воҳасига етиб бормас эди. Мана шундай табиий шароитда, водийнинг суғорилиш жараёни давомида Қорақўл учун муайян ҳақоба белги-ланган эдими? Агарда у ҳақобага эга бўлган бўлса, унинг ҳиссаси қанча эди? Дарёнинг этагига жойлашган бу районга сув қан-

<sup>95</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>96</sup> А. Гребенкин, Уша асар, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>97</sup> ЦГА УзССР ф. И—1, оп. 14, 324, л. 21.

<sup>98</sup> А. П. Федченко, Уша асар, 28-бет.



дай тартибда етказиб берилган?— деган саволлар, шубҳасиз объектив равишда, ўз-ўзидан келиб чиқади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, тарихий асарларда Қоракўлнинг тарихи, айниқса, сув таъминоти тўғрисидаги маълумотлар жуда кам бўлиб, улар ҳам турли даврларга оид ва бири иккинчисидан мутлақо фарқ қилади. Бундай чалкаш маълумотлар асосан XIX асрга оид асарларда учрайди. XIX аср авторларининг маълумотларига кўра, Қоракўл бир-бирига қарама-қарши икки хил кўринишда, яъни бири обод ва серсув, иккинчиси эса мутлақо сувсиз қуруқ чўл шаклида тасвирланади. Масалан, XIX асрда яшаган маҳаллий авторлардан Шайх Сулаймон Бухорий ўзининг «Луғоти чиғатой ва турки усмоний» номли асарида Қоракўлни Бухородан каттароқ бўлган, яъни «Бухоро етти туман, Қоракўл етти ярим туман дерлар», деб ёзади<sup>99</sup>. XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта оқимларини текширган рус авторларидан Л. Н. Соболев ҳам айнан шу маълумотни келтириб, уни Бухоро ҳукмдори Абдуллахон (1557—1598) даври билан боғлайди. «Уч юз йилдан ҳам аввалроқ, Қоракўл мавзеи Бухоро туманларидан яхшироқ суғорилган эди,— деб ёзади Л. Н. Соболев,— Абдуллахон ҳукмронлик қилган даври тўғрисида бухороликлар «Хафт тумани Бухоро, хафтуним тумани Қоракўл», деб сўзлайдилар, яъни суғорилган туманлардан еттитаси Бухорода, етти яримтаси Қоракўлда бўлган»<sup>100</sup>.

Бу маълумотларга юзаки қараганда, ҳақиқатан ҳам, Қоракўл қачонлардир сувга сероб, обод бўлиб, унинг суғориладиган ерлари Бухоро туманлари экин майдонларининг ҳажмига нисбатан каттароқ бўлган экан, деган мулоҳазага келиш мумкин. Аммо Қоракўлнинг сув таъминоти тўғрисидаги айрим маълумотлар бизни бу фикрдан қайтишга мажбур этади. Масалан, Л. Н. Соболев Қоракўлнинг Зарафшон сувига нисбатан ҳуқуқи ҳақида сўз юритар экан, «Бухородан сув ортиб қолган вақтлардагина Зарафшондан сув олиш рухсат этилар эди. Суғориш учун сувни Қоракўл Сирдарёдан олиши керак»<sup>101</sup>, деб ёзиб, Қоракўлнинг Зарафшондан оладиган ҳақобасини шубҳа остида қолдиради. Бу маълумотларни у Темур даври солномаларига ҳавола қилади. Шуниси борки, XIV—XV асрларда яратилган ва биз учун маълум бўлган тарихий манбаларда айнан шундай фактни ҳозирча учратмадик. Аммо шунга яқин маълумот XIX асрнинг иккинчи ярмига оид тарихий ҳужжатларда, юқорида қайд қилиб ўтилган Қоракўлда сув танқислиги тўғрисидаги арзномада келтирилади. «Қоракўл ҳақобага эга эмас, сув тақсимотида Қоракўл учун муайян ҳисса белгиланмаган деб, баёнотчи кишилар оғзидан эшитган эди», деб ёзади

<sup>99</sup> Шайх Сулаймон Бухорий, Луғати чиғатой ва турки усмоний, Истамбул, 1298 ҳижрий йили (1880), 98-бет.

<sup>100</sup> Л. Н. Соболев, Географические статистические сведения о Зеравшанском округе, ЗИРГО, т. IV, СПб., 1874, стр. 273—274.

<sup>101</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 274-бет.

ҳужжат автори Абдулвоҳид<sup>102</sup>. Кейинги бу икки маълумот, юқорида келтирилган маълумотларга нисбатан мутлақо қарама-қарши бўлиб, Қоракўл воҳасини сувсизликка маҳкум этади.

Демак, бу икки хил мазмундаги маълумотлардан бир группаси Қоракўл етарли даражада ҳақобага эга, ҳатто у Бухоро воҳасидан ҳам кенгроқ бўлган деб кўрсатса, иккинчи группасида эса, бунинг акси, яъни Қоракўл ҳеч қандай ҳақобага эга бўлмаган ва ўз тақдирига ташланган нообод воҳа сифатида тасвирланади. Қоракўлнинг сув таъминоти тўғрисидаги бу икки хил мазмундаги маълумотлар этнографик характерда бўлиб, унинг авторлари ўз асарларида халқ оғзидан эшитганларини ҳеч қандай изоҳ ва мулоҳазасиз келтирганлар. Бунинг устига бундай маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмигача ёзилган тарихий манбаларда тилга мутлақо олинмайди.

Шунинг учун ҳам, Қоракўлнинг сув таъминоти тарихини ёритиш жараёнида бу маълумотларни шарҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундай қарама-қарши мазмундаги маълумотларни шарҳлар эканмиз, шубҳасиз, улар ҳақиқатга қанчалик тўғри келади? Агарда ҳақиқатга яқинроқ бўлса, бундай аҳволни Қоракўл қачон бошидан кечирган бўлиши мумкин, деган мулоҳазалар бевосита пайдо бўлади.

Бухоро хонлигининг ўрта аср мансаблари ва мансабдорларининг вазифалари ҳамда Қоракўлда сув танқислиги тўғрисидаги икки ҳужжат орқали бу масалаларга ҳам бир оз бўлса-да, ойдинлик киритиш мумкин. Ҳар иккала ҳужжатларда келтирилган фактик маълумотларга кўра, Қоракўл воҳаси беш равоқ миқдорда ҳақобага эга бўлган. Иккинчи ҳужжатда — «Беш равоқ сув ҳамма Қоракўл каналларининг ҳиссаси бўлган», — деб ёзилган<sup>103</sup>. Беш равоқ ҳажмдаги сув мазкур ҳужжатларнинг ўзида «равоқ» термини бўйича берилган изоҳга қараганда, тахминан беш юз минг таноб ер майдонининг ҳақобаси ҳисобланган<sup>104</sup>.

Қоракўлнинг бу ҳисса суви Бухородан 22 км жануби-ғарбда Қоракўлдарё устига пишиқ гиштдан қурилган гидротехника иншооти «Пули Жондор» кўприги орқали ўлчаб ўтказилиб, сўнгра воҳанинг суғориш системалари бўйлаб тақсимланган. Буни биринчи ҳужжатда<sup>105</sup> келтирилган қуйидаги жумладан яққол кўриш

---

بندہ نواز از افواق مردم شنیده میشد که قراکول خقابه<sup>102</sup>  
ندارد تقسیمات آب حصه از برای قراکول معین و مقرر نگشته.

Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2<sup>a</sup>, к стр 236

پنج رواق آب که حصه تمامی جویهای قراکول بوده<sup>103</sup>

Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2 б.

<sup>104</sup> УзССР ФАШИ, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>a</sup> — 18<sup>b</sup>, Яна қаранг:  
Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2

پنج رواق آب میگذرد از پل جاندار و تقسیم میماند این بقیه<sup>105</sup>  
مذکور بجاویدل قراکول.

мумкин: «Беш равоқ сув Пули Жондордан ўтказилиб тақсимланади. Мазкур бу қолдиқ Қоракўлнинг ҳақобасидир».

Демак, тарихий манбаларда келтирилган бу маълумотларга қараганда, Қоракўл беш равоқ миқдорда муайян ҳақобага эга бўлган. Бундай ҳақоба XVI асрнинг иккинчи ярмида тайин этилган. Қоракўл учун белгиланган бу беш равоқ сув Карманадан ташланадиган йигирма бир равоқ миқдордаги Бухоро ҳақобасининг 23,8 процентини ташкил этган. Шубҳасиз бу миқдордаги сув Қоракўлнинг деҳқончилик майдони учун етарли бўлган. Аммо белгиланган миқдордаги ҳақобадан Қоракўл воҳаси қанчалик фойдалана олгани биз учун бирмунча қоронғи. Чунки бу масалага оид фактик маълумотларга эга эмасмиз. Агарда Қоракўл системаси белгиланган ҳақобани мунтазам равишда тўла олиб турган деб ҳисобласак, у вақтда Қоракўл воҳасининг суғорма деҳқончилик ер майдони ҳозиргига нисбатан ўрта асрларда бирмунча катта бўлган деган мулоҳазага келиш шубҳасиздир. Шуниси ҳақ борки, ҳар бир воҳанинг ободонлиги, кўп жиҳатдан, сиёсий ҳукуматнинг мустақкамлигига ҳамда мамлакат ҳаётидаги осойишталикнинг барқарорлигига боғлиқ бўлган. Масалага шу жиҳатдан ёндашганимизда, Қоракўл воҳасининг сув таъминоти, алоҳида олганда унга белгиланган ҳақобанинг миқдори XVI—XIX асрлар давомида доимо бир хилда бўлмай, балки мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги шароитга мувофиқ ўзгариб турган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шу сабабли, кейинги даврга оид тарихий манбаларда равоқ ҳисобига асосланган сув тақсимоти тўғрисида маълумот мутлақо учрамайди.

XIX асрга оид баъзи бир тарихий ҳужжатларда берилган маълумотларга қараганда, амир Ҳайдар даврида (1800—1825) Бухоронинг сув тақсимоти қайта ишлаб чиқилиб, Қоракўл учун Бухоро ҳақобасининг 3/14 қисми миқдоридан сув тайин этилади.

«Мўйсафид ва ёши улуғ аминлардан эшитган эдим,— деб ёзади Қоракўл қозиси Абдулвоҳид,— жаноби амир Саид [Ҳайдар] ...Қоракўл ҳиссасига адолат юзасидан қаради. Аминлар [Бухоро сувининг] ўн тўртдан уч қисмини [беришга] қарор қилиб, ҳукм чиқардилар»<sup>106</sup>. Қоракўл учун тайин этилган бу сув улуши Бухоро ҳақобасининг 21,6 процентини ташкил этиб, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб олиб келинган беш равоқ миқдордаги ҳақобага қараганда 2 процент кам эди.

Қоракўлнинг сув таъминоти тўғрисидаги икки даврга оид бу рақамлар, биринчидан, Қоракўл муайян ҳақобага эга бўлганлиги

ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, инв. № 2374, варақ 18<sup>б</sup>; Яна қаранг: А. Б. Вильданова, Подлинник Бухарского трактата о чинах и званиях, Письменные памятники Востока, стр. 53—54.

از امينان موى سفيد و كهن سال شنيده ام كه جناب امير سعيد<sup>106</sup>  
حصه قراکول را بصواب دید. امينان از چهارده سهم سه سهم قرار  
نموده حکم داده اند...

Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2<sup>б</sup>.

ва шунга асосан XIX аср авторларининг «Қоракўл ўз ҳақобасига эга эмас эди», деган маълумоти XVI асрнинг иккинчи ярмидан то XIX аср ўрталаригача бўлган давр учун ўз ифодасини топмаганини кўрсатса, иккинчидан, Бухоронинг суғориш системалараро сув тақсимоти тартиблари маълум даражада ўзгариб туришига қарамай, Қоракўл ҳақобасининг миқдори деярлик қисқармаганини намойиш қилади. Учинчидан эса, ҳақобаларнинг миқдори суғориладиган ер майдонининг ҳажмига қараб белгиланган деб ҳисобласак, у вақтда Қоракўл ва Бухоро ҳақобалари ўртасидаги тафовут XVI—XIX асрларда Қоракўлнинг деҳқончилик майдони Бухоро туманларининг майдонидан кенгроқ бўлиши у ёқда турсин, ҳатто унинг тўртдан бир қисмини ҳам ташкил қилмаганидан далолат беради. Шунга асосланган, XIX аср авторларининг «Қачонлардир Абдуллахон даврида Қоракўл етти ярим туман бўлган», деган иккинчи маълумоти ҳам суғориладиган ер майдонининг ҳажми бўйича мутлақо тасдиқланмайди. Бу масалада яна шуни қайд қилиб ўтиш мумкинки, 1960—1962 йилларда Қоракўл воҳасидаги қадимги суғорилган ерларда ўтказилган археологик текширишлар ҳам Қоракўлнинг Бухоро воҳасидан бир неча марта кичик бўлганини тасдиқлади. Қоракўл сув билан тўла таъминланиб, ҳозирги вақтда янгидан ўзлаштирилган Эшакчи массивини қўшиб олганда ҳам унинг суғориладиган ер майдони 35 минг гектардан ошмайди.

Шундай қилиб, тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотларнинг қисқалигидан қатъи назар, қоракўлликларнинг ўз улушларини талаб қилиш учун юридик жиҳатдан ҳақли эканлигига шубҳа қолдирмайди. Шу билан бирга, Қоракўлнинг етти ярим туманлиги мутлақо тасдиқланмай, бу масала баҳс мавзуимиздан ўз-ўзидан тушиб қолади.

Қоракўл учун белгиланган ҳақобанинг аниқланиши муносабати билан қўлимиздаги маълумотлар асосида воҳага дарё сувини етказиб бериш тартиблари тўғрисида бир-икки оғиз сўз юритиш бу ерда ўринлидир. Шубҳасиз, Зарафшон дарёсида сув кўп бўлган даврларда Қоракўл воҳаси, гарчи тўла бўлмаса ҳам, ўз ҳақобасини олиб турган. Аммо сув танқислиги йилларида эса, унга сув етказиб бериш масаласи, Бухоронинг сув хўжалигида энг мураккаб масалалардан ҳисобланиб, у ниҳоятда қийинчиликлар билан ҳал этилган. Бундай даврларда кўпинча, Қоракўлга сув ташлаш шахсан Бухоро амирининг буйруғи билан амалга оширилиб, одатда Бухоро каналларининг бир қисмини, дарёдаги сувнинг сатҳи жуда паст бўлса, уларнинг деярлик ҳаммасини боғлаш билан сув етказиб берилар эди. Бу тўғрида Қоракўлнинг қозиси бўлган Абдулвоҳид, «фақирнинг ўзи марҳум амир [Насрулло]нинг буйруғига биноан бир неча маротаба Хайробод ва Комот каналларини боғлаб [Қоракўлга сув] бериб, [қоракўлликлардан] дуо олган эдим»<sup>107</sup>, деб

<sup>107</sup> نهر خيرآباد و كامات را خود فقير بفرمايش امير مرحوم  
چند بار بسته داده دعا گرفته بودم.

гувоҳлик беради. Бухоро амири Музаффар даврида ҳам унинг буйруғи билан Шахруд мироби Абдулвосе мирохўр туманларда

(158)  
 مرحبتان  
 آنچه امبای الحال بنده با نومانان بوده  
 تومان و غلامه خورد سده  
 بجم ابولیم جور خسته جور بسته جور زمین خورده  
 دوزده شک دوشک دوشک هفت شک شک  
 جور و میر خسته  
 بنت شک  
 پرت خورده  
 بیت شک  
 تون خوران  
 بیاید خندان حلقه شفا و خندان و خندان و جین  
 بیت شک دوشک دوشک دوشک دوشک  
 ارزکن جور شک  
 چار شک دوشک تون خوران زور خورده  
 دربار شک  
 دوشک  
 دوشک

Бухоронинг суғориш тармоқлари бўйлаб Зарафшон сувининг тақсимоти тўғрисидаги ҳужжат

Зарафшондан бош олган магистрал каналларнинг деярли ҳаммасини боғлаб, йигирма бир кун давомида сувни Қоракўлга

ҳайдаб берганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>108</sup>. Демак, гарчи Қорақўл ўз ҳақобасига эга бўлса ҳам, аммо унинг ҳақобаси кўпинча Бухоронинг асосий магистрал каналларини боғлаб, сув «обпарта» қилиш воситаси билан етказиб берилган.

Аммо XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Қорақўл воҳасининг сув таъминоти ниҳоятда ёмонлашади, натижада у мунтазам сув танқислиги остида қола бошлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қорақўл воҳасининг сув таъминоти ва Бухоронинг сув тақсимотини бошқарган миробларнинг бу масалага муносабати қандай бўлганини, юқорида қайд этилган ҳужжат — Қорақўлда сув танқислиги тўғрисидаги арзномада келтирилган маълумотлардан тасаввур қилиш мумкин. Аввало, XIX асрнинг иккинчи ярмида, Қорақўл сув таъминотининг умумий аҳволи устида сўз юритилар экан, бу тўғрида мазкур арзномада келтирилган маълумотлар устида бирмунча муфассалроқ тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унда берилган фактик маълумотлар ўша даврнинг кундалик ҳаётидан олиниб, аниқлиги, тўғрилиги ва мавжуд аҳволнинг очиқ ёзилганлиги бўйича, XIX асрда ёзилган асарлардаги маълумотларга қараганда, анча-мунча устун туради. Шу билан бирга, унинг автори эса, ҳужжатда баён этилган воқеаларнинг оддий шоҳиди бўлибгина қолмай, балки Бухоронинг сув ҳўжалигида, шу жумладан, Қорақўлнинг сув таъминоти йўлида маълум даражада меҳнат сарфлаган прогрессив кишилардан бўлиб, шу ҳужжатнинг яратилишининг ўзи унинг ёрқин далилидир.

Ҳужжат автори Қорақўлда узлуксиз сув танқислиги, сувга бўлган талаб ва шикоятларнинг доимий бўлиб туриши тўғрисида жуда аниқ маълумотларни келтиради. «Сувнинг озлиги сабабли Қорақўл фуқароси бу йил,— деб ёзади у,— икки-уч маротаба арз қилган эди. Вакил ва муборакнома олиб келиб Дуобадан 30 тошдан то 40 тошгача сув [боғлаб] олишга [муяссар] бўлган эди. Шу сувдан Хайробод, Қаллазор ва Пайкентга оқиб, ниҳоят 15 тошдан 20 тошгача сув Қорақўлга келади. Ҳовуз[лар] сувга тўлиб, қўрғон атрофи ва сув бошидаги [ерлар] бир оз сув ичган бўлса-да, аммо узоқдаги ва сув этагидаги ерларда 500—1000 таноб [майдонлар суғрилмай] жойида турибди. Ҳовузларига сув кирмай, аҳоли қудуқлардан сув ичмоқда. [Қудуқлардаги] бор сув ҳам кундан-кун камайиб бормоқда...»<sup>109</sup>. Шу билан бирга, ҳужжатда Қорақўлга бир

<sup>108</sup> Ўша ҳужжат, варақ 1<sup>б</sup>.

<sup>109</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831 12, варақ 1<sup>б</sup>.

فقراى قرا كول امسال از وجه كمى آب دو سه بارى عرض نموده محرم و مباركنامه آورده از دو آبه مقدار سى سنگ تا چهل سنگ آب گرفته بودند از اين آب بخيرايد و گله زار و پيكند رفته نهايت پانزده سنگ تا بيست سنگ آب بقرا كول آمده حوض آب شده اطراف قورغان و بالا ابها كمابيش خورده آمازمينهاى دورودست و پايان ابها پانصد طناب هزار طناب بجايش استاده حوض آبهم نيافته از چاه آبي ميخورند آب بوده گى نيز روز بروز كم شده استاده...

неча йил давомида мутлақо сув келмай, ҳатто Денгизкўл сувсизликдан қуриб қолганлиги тўғрисида қуйидаги жуда қизиқ фактни ўқиш мумкин. «...Кунлардан бир куни Вобкентда қозихонада ўтирган эдим,— деб ёзади ҳужжат автори Абдулвоҳид,— Қоракўл овчиларидан Мусо арбооб номли оқсоқол кириб келди. Қаердан келаян деб сўраган эдим.— «Бир неча йил мобайнида Қоракўлнинг Денгизига<sup>110</sup> сув тушмади, ундаги балиқлар ўлиб, барҳам еди. Янгиқўрғоннинг қуйисида кўл пайдо бўлиб, унда балиқлар кўпайибди, деб эшитдик. Балиқ овлайдиган тўр олиб, шояд нафақайи аҳли аёл бўлармикан деб бир неча нафар бўлиб келган эдик. Насибага яраша балиқ тутиб, бозорларда сотдик, энди Қоракўлга кетмоқдамиз»,— деб жавоб беради<sup>111</sup>.

Арзнома автори сўзини давом эттириб, «мана шундай [ортиқча] сувлар Коми Абуमुслим ва Коми Қасаба, Қомот ва Нимхазорайи Пирмаст, Султонобод каналларининг ҳаммасидан ҳам кўлларга қуйилиб, атрофдаги ерларга айнан зарар етказмоқда. Мусулмонлар яна экишдан қолмоқда. Шу сабабли танглик содир бўлмоқда. Арз-дод қилиб маҳрам ва ясовулларни юборсалар ҳам ўз жойига қайтмаяпти<sup>112</sup>. Мана шу партов сувлар агарда тартибга солиниб, Қоракўл вилоятига юборилса, уларнинг ҳаммаси деҳқончилик учун сарфланиб, бир кафт сув ҳам бекорга кетмас эди. Атрофдаги аҳоли кўллардан зарар кўрмас эди»<sup>113</sup>, деб Бухоронинг сув хўжалигидаги мавжуд ақволдан шикоят қилади.

<sup>110</sup> Зарафшон дарёсининг қуйи қисмига жойлашган Денгизкўл демоқчи.

<sup>111</sup> Бухоро музейи, Қўлэзма, инв. № 9831/12, варақ 36.

روزی در واپکنند بقاضیخانه نشسته بودم، موسی ارباب نام اقسقال صیادان قراکول در آمد پرسیدم از کجا میرسی. گفت مدت چند سال میشود که بدنگیز قراکول آب نمیافتد، ماهیانش مرده برهم خورده است. شنیدیم که بپایان ینغی قورغان کولی پیدا شده ماهی بسیار بهم رسیده. چند نفر صیاد طور ماهی گری گرفته آمده بودیم تا شاید باعث نفقه اهل و عیال گردد. بقدر نصیب ماهی گرفته بیا- زارها فروختیم. اکنون بقراکول رفته استاده ایم...

<sup>112</sup> Яъни исрофгарчиликнинг олдини олиб бўлмаяпти.

<sup>113</sup> Бухоро музейи, Қўлэзма, инв. № 9831/12, варақ 36.

اینچنین آب کام آبمسلّم و کام کسبه کامات و آب نیمهزاره پرّمست سلطان آباد همه بکولهای افتد بزمینن های اطراف ضرر های ظاهر و بین میرساند. مسلمانان از کشت کار باز میمانند از این وجه بستوه می آید عرض داد نموده محرم ویساول میبرند بجائی نمیرسد اگر همین آبهای پرتو سرانجام و سرشته یافته بولایت قراکول رود همه صرف زراعت گردیده کفی آبی بمصرف نمیرود فقرای اطراف کول ها متضرر نمیگردند...

Мазкур тарихий ҳужжатларда келтирилган фактик маълумотларга қараганда, Қорақўл воҳасининг сув таъминотидаги бундай оғир аҳвол, кўп жиҳатдан Бухоронинг сув хўжалигида ҳукм сурган тартибсизлик натижасида содир бўлиб, охиргиси эса, асосан шу хўжаликни бошқарган миробларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам ариза автори хонликнинг сув маъмурияти устидан қуйидаги шикоятмуз жумлаларни бекорга келтирмайди: «Қорақўл аҳолисининг кўпчилиги — йигирма беш йилдан бери бизнинг бу томонларга сув ходимлари келмади. Мавжуд аҳволимиз жаноби олийга маълум бўлмайди, деб фуқаролик арзини баён этмоқда»<sup>114</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, сув тақсмотини бошқарган мироблар ўз мансабларидан суистеъмол мақсадларда фойдаланиш учун суғориш системаларига тегишли ҳақобаларни ўз вақтида ва тўла бермасдан, турли хилдаги хийла-найрангларни ишлатар эди. Бу тўғрида манбалардан етарли даражада фактик далилларни келтириш мумкин. «Шуниси ҳам борки [Бухоро] туман[лари]дан ўн тош сув ташлашса, йигирма тош ҳисоб қиладилар, йигирма тош ташланса, аминлари ҳисобни қирқ тошга етказдилар. Мана шундай йўл билан ҳисобланган икки юз тош [сув]дан охирида Пайкентдан Қорақўл тарафига йигирма тош сув ўтади. Юқоридан олиндиган ҳар қандай сув ҳам [аввалда] қуйи туманга оқиб боради, охирида Хайробооддан ўтиб, Қорақўлга келганда ундан ўшанчалик сув қолмайди. [Натижада] дуоғўй [қози]нинг иши кўпайиб кетмоқда. Ўларнинг [аминлар] муомаласидан яхши хабардор ва огоҳ бўлганим сабабли, умид қилиб билганларимни арзга мувофиқ холисан юбормоқдаман»<sup>115</sup>.

Мазкур ҳужжатда берилган маълумотга қараганда, шундай йиллар ҳам бўлганки, вегетация даври тугаб, водийда, деҳқончилик учун ҳатто сувга муҳтожлик қолмаган кеч кузда ҳам Қорақўл

<sup>114</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12 варақ 4<sup>a</sup>.

لیکن فقرای قراکول اکثری عرض بنده گی میکنند که از مدت بیست پنجسال آنجانیب بما مردم آبی و آخی نیامده احوال مایان ظاهرا بجناب عالی معلوم نمیشود.

<sup>115</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 3<sup>a</sup>.

لیکن از تومانیکه دهسنگ آب پرتاوته بیست سنگ حساب میکنند، بیست سنگ پرتاوته چهل سنگ امینانش در حساب می درارند بر همین نهج دو صد سنگ محسوب مینمایندہ اخیرش از پیکند بطرف قراکول بیست سنگ آب میگذرده هر آبیکه از بالا گرفته شودبتومان پایانش میرود اخیر بخیر اباد رفته بقراکول آبی چند آن نمیماند کار دعا گوئی بیشتر افتاده است از معامله آنها اطلاع و آگاهی بسیار دارم ازین جهت حالصاً بوجه امید دانسته خودرا بموفق عرض میرسانم.



воҳасига сув мутлақо тегмаган. «Шу кунлар қавснинг охири,— деб ёзди ҳужжат автори,— туманларда иш [деҳқончилик] тугаб, сув учун зарурат қолмаган. Сувлар кўлларга қуйилиб, атрофдаги ерларга зарар етказмоқда. Агар [шу сувларни] Қоракўлга ташланса, бир кафт сув бекорга сарфланмай, ҳамма истагига мувофиқ деҳқончилик қилар эди...»<sup>116</sup>.

Келтирилган маълумотлар, бир томондан, Бухоро воҳасида Зарафшондан чиқарилган Янгиқўрғон, Коми Абуमुслим, Коми Касаба, Комот, Пирмаст ва Султонобод каналлари системасида деҳқончилик учун сув сероб бўлиб, ҳатто эҳтиёждан ортиқча сув атрофдаги кўлларга ташлаб юборилганини кўрсатса, иккинчи томондан, айни вақтда Қоракўл воҳаларида сув танқислиги содир бўлиб, оқар сув деҳқончилик у ёқда турсин, ҳатто аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун ҳам топилмай, қоракўлликларнинг кўпчилиги қудуқ сувларидан фойдаланишга мажбур бўлганлигидан хабар беради. Суғориш системаларининг сув таъминотидаги бундай аҳвол, шубҳасиз Бухоро сув хўжалигининг тушкунликка учраганлигининг оқибати бўлиб, Зарафшоннинг қуйи оқимида жойлашган районларнинг деҳқончилигига жуда катта путур етказар эди.

Утган асрнинг 70-йилларида Самарқандда хизмат қилган биринчи рус ирригаторларидан З. Жижемский Зарафшон қуйи қисмининг сув таъминоти тўғрисида сўз юритар экан, «Қоракўл, Шаҳруд ва Вобкент воҳаларининг ташландиқ оқавасидан ёки [тўғонлардан] уриб кетган тасодифий сувлардан фойдаланишга мажбур эди», деб ёзди<sup>117</sup>.

Утмишда Қоракўлнинг сув таъминоти ниҳоятда ёмон бўлганини ва унинг сувга сероб бўлиши қоракўлликларнинг бир умр орзусига айланганини Қоракўл районида 1958—1962 йилларда шу сатрларнинг автори томонидан тўпланган этнографик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Қоракўлнинг миришкор кекса деҳқонлари «Сув тақсимоти тепасида турган Бухоро мироблари,— Қоракўл обпартови Бухоро аст, яъни Қоракўл Бухородан ортан ташландиқ сувдан фойдаланиши керак деб ҳисоблар эдилар. Шу сабабли Қоракўл воҳасига сув Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган Самарқанд ва Бухоро воҳаларидан ортиб қолган вақтлардагина ташланар эди»<sup>118</sup>, деб бир оғиздан гувоҳлик берадилар.

<sup>116</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 3а.

در این ایام که آخر قوس است کشت کار تومانات تمام شده از آب مستغنی گردیده، آبها بکولها افتاده، بزمینهای اطرافش ضرر کرده استاده، اگر بقراکول پرتوته شود کفی آبی بمصرف نمیبرده، همه موافق خاطر خواه کشت زراعت نموده.

<sup>117</sup> З. Жижемский, Ирригация в долине Зеравшана, УзССР, Сув хўжалиги ва мелiorация министрлигининг кутубхонаси, Қўлёзма, инв. № 1568, стр. 35.

<sup>118</sup> Информаторлар: Маҳмудов Абдужаббор бобо (70 ёшда, Қоракўл райони Жигачи қишлоғи), Муллаберди бобо (78 ёшда, Қораун қишлоғи).

Қоракўлнинг сув таъминоти тўғрисидаги бу маълумотлар XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, муайян ҳақобадан маҳрум бўлиб, унинг сувсизликка маҳрум этилганидан далолат беради. Шунга асосан, тарихий асарларда «Қоракўл ҳақобага эга эмас, сув тақсимотида Қоракўл учун муайян ҳисса белгиланмаган эди», деган фактнинг қайд этилиши бежиз бўлмай, балки XIX асрнинг иккинчи ярмида воҳанинг сув хўжалигидаги мавжуд аҳволнинг инъикоси эди. Чунки Қоракўл воҳаси агарда маълум миқдорда сувни олиб турганда эди, сув танқислиги тўғрисида Бухоро амири номига арзнома юборган Қоракўл қозиси Абдулвоҳид ўзининг баёнотида Қоракўл доимо муайян ҳақобага эга бўлиб келганини таъкидлаш мақсадида тарихий манбалардан далиллар келтирмаган бўлар эди. Шу билан бирга, ҳақиқатан ҳам Абдулвоҳид замонида Қоракўл ўз ҳақобасидан маҳрум этилган бўлса керакки, у, муайян ҳақобасиз давлат солиқларини қандай қилиб тўлаш мумкин? деган саволни ўртага ташлайди. «Бу ҳамма ерлар: мулк, хирожимуваззаф ва муқосама, мадраса ва мачитларнинг қадимги вақфлари, хайри эҳсон ва турли хилдаги йиғимлар ҳамда омма ва хосса даҳяклари муайян ҳақобасиз қандай суратда қайд этилади»<sup>119</sup>, деб Абдулвоҳид мавжуд аҳволдан таажжубда қолганини баён этади.

Мунтазам сувсизлик, унинг оқибатида содир бўлган оғир иқтисодий танглик, шубҳасиз, Қоракўл аҳолисини ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур этган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Қоракўлда юз берган бундай воқеани Абдулвоҳид қуйидагича тасвирлайди. Чунончи «юришга бир оз қуввати ва сафар учун тоқати бўлган гадой ҳам,— деб ёзади у,— ватанни ташлаб, Самарқанддан то Хоразм чегарасигача тўғри келган жойга бориб ўрнашмоқда. Юришга қуввати ва йўл учун озиқ-овқати бўлмаганлар эса, ғойибдаги маҳфий хонадан нима кўринар ва беайб корхонадан қандай парда очилар экан»<sup>120</sup>, деб оёқни сабр этагига ўраб, кўзни худонинг эҳсонига тикиб жаноби олийни дуо қилиб ўтирибдилар»<sup>121</sup>.

<sup>119</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 2а.

این همه اراضی ملک و حراج موظفی و مقاسمه و اوقاف قدیمه بر مدارس و مساجد و وجوه حیرات و انواع مبرات و دهیکهای عامه و حاصه از غیر حقایبه معین چگونیه صورت میبسته باشد.

<sup>120</sup> Яъни тақдирдан қандай хабар келар экан.

<sup>121</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 3б — 4 а.

ینابیران گدای که اندک قوت رفتن و طاقت سفر داشت ترک وطن گرفته از سمرقند تا حدخوارزم بچرا افتاده اند. آنانیکه قوت رفتن و توشه راه ندارند پای در دامن صابرین بچیده، چشم بر احسان خداوند داشت، جناب عالی را دعا نموده نشستہ اند، تا از نپا نخانه غیب چه رو نماید و از کارخانه لاعیب چه پرده کشاید.

Бухоро туманларида сув таъминотидаги аҳволнинг беқарорлиги сабабли, деҳқонларнинг ўз қишлоқларини ташлаб Россия ерларига кетиб қолганликлари тўғрисидаги фактни Аҳмад Дониш ҳам ўз асарларида қайд этади<sup>122</sup>.

Демак, Қорақўлнинг сув таъминотидаги аҳвол тўғрисида юқорида келтирилган маълумотлар асосида, XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган тарихий асарларда, «Қорақўл ҳақобага эга эмас ва сув тақсимотида Қорақўл учун муайян ҳисса белгиланмаган эди», деб қайд этилган фактни ҳақиқатга жуда яқин бўлган деб ҳисоблашга мойилмиз.

Шундай қилиб, тарихий манбалардаги маълумотларга суяниб, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Бухоронинг сув хўжалиги тушкунликка дучор бўлган, асрлар давомида тажрибадан ўтган суғориш системалари ўртасидаги сув тақсими тартибларига путур етиб, натижада водийнинг қуйи қисмига жойлашган районлар, шу жумладан, Қорақўл воҳаси офир сув танқислиги остида қолган деб ҳисоблаш мумкин. Бухоронинг сув хўжалигидаги бундай аҳвол, аввало, шу хўжаликда, феодализм мулкчилиги шароитига хос бўлган қатор камчиликлар: ерга ва сувга бўлган хусусий мулкчилик, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини бошқарган хонлик маъмуриятидаги феодал биқиклик ва ўзбошимчилик ҳамда ирригация хўжалигида ҳукм сурган техникавий қолақликлар билан боғлиқ эди. Бунинг устига, водийнинг ягона сув манбаи — Зарафшон дарёси юқори оқимининг Россия қўл остига ўтиши билан Самарқанд воҳасида деҳқончилик майдонининг, айниқса шликорликнинг кенгайиши натижасида Бухоро ҳақобасининг ўз вақтида тўла етказиб берилмаслиги эса, Бухоро туманларининг, айниқса, дарёнинг энг қуйи оқимига жойлашган Қорақўлнинг сув таъминотида маълум даражада салбий томондан таъсир этган эди. Аммо шунини қайд қилиб ўтиш керакки, ерга ва сувга бўлган феодал мулкчилиги шароитида, бошқа кўпгина аграр масалалар қаторида, сув масаласининг ҳам адолатли тўғри ҳал бўлиши мумкин эмас эди.

Узлуксиз давом этган сув танқислиги воҳанинг деҳқончилик хўжалигига ҳам катта таъсир этган эди. Агарда Қорақўлнинг яқин ўтмишдаги деҳқончилиги тарихига назар ташланса, камсувлик оқибатида деҳқончилик хўжалигининг ниҳоятда чегараланиб қолгани кўзга яққол ташланади. Буни 2-жадвалдан кўриш мумкин<sup>123</sup>.

Жадвалда келтирилган рақамлар бўйича Қорақўл воҳасидаги деҳқончилик майдонининг 48,2 проценти, яъни унинг деярли ярми мутлақо экилмай, шудгор бўлиб турган. Вегетация даврида энг кам сув сарфланадиган куз ва баҳор мавсумларида пишиб етилдиган бошоқли экинлар, воҳанинг деҳқончилик хўжалигида бирин-

<sup>122</sup> Аҳмад Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития, Ба саъи ва ихтимом ва тасҳеҳи А. Мирзоев, Сталинобод, 1960, 135-бет.

<sup>123</sup> Бу жадвал А. Предтеченскийнинг «Сельское хозяйство и задачи ирригации в Зеравшанской долине» номли асарида келтирилган маълумотлар асосида тузилган. Қорақўлнинг XIX асрдаги деҳқончилиги тарихига оид аниқ маълумотлар бўлмагани сабабли, 1916 йилга оид статистик рақамлардан фойдаланишга тўғри келди.

чи ўринда бўлиб, у экин майдонининг 54,2 процентини ташкил этган. Ёз бўйи суғоришни талаб қиладиган пахта, беда, жўхори, поллиз, сабзавот ва бошқа хилдаги экинлар кейинги ўринларда бўлиб, улар экин майдонининг 45,8 процентини банд қилган. Шоли каби сувни кўпроқ талаб этадиган экинлар эса мутлақо етиштирилмаган.

Маълумки, деҳқончилик хўжалигининг у ёки бу структурасининг ташкил топиши, аввало, водийнинг иқлими, тупроғининг мелиоратив шароити, суғорилиш ҳолати ҳамда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ва уларнинг қанчалик даромадли экани каби табиий ва иқтисодий шароит билан

2-жадвал

№		Деҳқончилик майдони	Экин майдони	Шудгор майдони	Экин майдонининг тақсими:					
					ғалла	пахта	беда	жўхори	Поллиз ва сабзавот	Бошқа хилдаги экинлар
1	Ҳажми (минг десятина ҳисобида)	36,7	19,0	17,7	10,3	4,8	2,7	0,4	0,7	0,1
2	Процент	100	51,8	48,2	54,2	25,3	14,2	2,2	3,6	0,5

чамбарчас боғлиқдир. Аммо камсувлик районларда суғорма деҳқончилик хўжалигида ҳал қилувчи ролни сув таъминоти ўйнайди.

Шунинг учун ҳам Зарафшон дарёсининг қуйи қисмидаги камсувлик районларининг соҳибкор деҳқонлари сув танқислигига қарши курашда оғир ва машаққатли меҳнат сарфлаб, водийнинг деҳқончилик тарихида, диққатга сазовор бўла оладиган, ўзига хос оригинал янгиликни ихтиро этганлар. Бу кундалик эҳтиёж учун энг зарур бўлган деҳқончилик маҳсулотларини суғориладиган ерларда сувсиз етказиш агротехникасининг ишлаб чиқиши бўлиб, бу усул Бухоро соҳибкори ўртасида «қоқлама» номи билан машҳурдир.

Сув танқислиги натижасида вужудга келган деҳқончилик агротехникасининг бу ажойиб усули ҳақида бирмунча муфассал тўхтаб ўтиш ўринлидир. Чунки у Зарафшон соҳибкорларининг водийнинг агротехникаси бўйича, асрлар давомида тўплаган жуда бой тажрибаларидан бўлиб, қисман бўлса-да, деҳқончилик тарихини янги саҳифалар билан бойтади.

«Қоқлама» термини фақат XIX асрнинг иккинчи ярмига оид тарихий манбаларда, жумладан, Қоракўлда сув танқислиги тўғрисидаги ҳужжатда тилга олинади.

Ҳужжатда: «ерларни шудгор қилиб, [уни] қоқлама номи билан аташди», деб ёзилган<sup>124</sup>. Бу ерда «қоқлама» термини шудгор маъ-

<sup>124</sup> *كرده قاقلمه مينامند*. Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 9831/12, варақ 3а.

носида ишлатилгани шубҳасиз. Аммо унинг оддий шудгор маъносидаги тор тушунчадан чиқиб, машаққатли меҳнат талаб қиладиган агротехниканинг оригинал усулини англатиши тўғрисида фикр қилиб бўлмайди. Чунки ҳужжатда «қоқлама» сўзининг изоҳига онд бирмунча аниқроқ маълумот берилмаган. Шунинг учун ҳам деҳқончилик агротехникасининг бу ажойиб усули — «қоқлама»ни ёритишда кўпроқ этнографик маълумотларга суянишга тўғри келади. 1958—1964 йилларда Бухоро областининг Ромитан районидаги Қоқиштувон, Хўжаубон, Қўрғон, Мирзая, Қоракўл районидagi Қораун, Жигачи ва Навоий районидagi Кавобий ҳамда Учтут қишлоқларида тўпланган этнографик маълумотларга қараганда, «қоқлама» қуйидаги иш процессларини ўз ичига олган<sup>125</sup>. Ерни «қоқлама»га тайёрлаш асосан эрта баҳорда, ҳали ердан нам қочмасдан бошланган. Ери шўрҳок районларда эса иш ҳатто қишда бошланиб, ернинг шўрини ювиш учун аввало, агар имконият бўлса, яхоб суви берилган. Баҳор кириши билан шудгор қилишга киришилган. «Қоқлама»га тайёрланадиган шудгор ерни бирин-кетин узлуксиз ҳайдашдан иборат бўлиб, у икки навбатга бўлинган. Биринчи навбат, ерни ҳайдаш то июнь ойининг охиригача давом этган. Ёзги чилланинг кириши билан ерни ҳайдаш вақтинчалик тўхтатилиб, шудгор қилинган майдон қирқ кун давомида ташлаб қўйилган. Буни маҳаллий деҳқонлар «лолаббӣ шудгор» деб аташади. Бу даврда қуёшнинг ўткир нурлари ва ёзнинг жазирама ҳарорати билан шудгор қилинган майдон тупроғидаги зараркуанда ҳашаротлар ва бегона ўсимликларнинг тухум ва илдизлари деярли қуриб битган. Август ойи кириши билан иккинчи навбат ер ҳайдаш бошланиб, у сентябрь ойигача давом этган. Ҳар иккала навбатда ҳам ер майдони 6—10 марта ҳайдалган<sup>126</sup>. «Хўжалиғи бирмунча бақувват бўлган ўрта ҳол деҳқонлар, — деб ҳикоя қилади Ромитаннинг кекса соҳибкорларидан Зоиров Отамуродбобо, — ерни шудгор қилиб, «қоқлама»га тайёрлаш учун ҳар йили фақат омов тишининг ўзидан 5—10 тасини эҳтиёт қилиб олдириб қўяр эдилар». Бу, шубҳасиз, ерни шудгор қилиш жараёни нақадар машаққатли бўлганлиғи тўғрисида гувоҳлик беради.

Сентябрь ойдан бошлаб, шудгор қилинган майдон бўйлаб, мола босишга киришилган. Мола босиш ҳам ўз навбатида уч навбатга бўлинган. Аввало махсус тишли мола билан шудгорга 8—10 мартаба узунасига ҳамда кўндалангига мола босилган. Бухоро деҳқонлари буни «чапирост» усулидаги «дондона мола» деб юригадилар. Дондона мола шудгор кесакларини майдалаш учун ишлатилган. Кўп мартаба ҳайдалган ва қайта-қайта дондона мола юргизилган ер майдони натижада майда тупроққа, яъни «ҳокка»

<sup>125</sup> Бизга маълумот берган информаторлар: Зоиров Отамуродбобо (73 ёшда, Ромитан р-н, Мирзая қишлоғи), Имомов Аллабобо (73 ёшда, Навоий р-н, Кавобий қишлоғи), Махмудов Абдужабборбобо (70 ёшда, Қоракўл р-н, Жигачи қишлоғи), Мулла Бердибобо (78 ёшда, Қоракўл р-н, Қораун қишлоғи) ва бошқалар.

<sup>126</sup> Баъзи бир деҳқонлар ерни то асад ойигача (июлнинг 20 числоларигача) 20 мартабагача ҳайдаб, сўнгра шудгорини бир ой муддат билан ташлаб қўйганлар.

айланган. Шу билан ерни «қоқлама»га тайёрлаш учун олиб борилган асосий ишлаш жараёни тугаган. «Қоқлама»га тайёрланаётган ернинг тупроғини тобига келганини аниқлаш учун, одатда деҳқонлар кесакни юқорига отиб, шудгорга ташлаб кўрганлар. Шудгорга тушган кесак агар тупроққа ботиб, кўмилиб кетса, у вақтда ер майдони етилган деб ҳисобланган. Бундай шудгорга қадам қўйилса, киши оёғи тиззасигача тупроққа ботиб кетган. Экишдан аввал «чапирост» усулида ерга иккинчи навбат мола босилиб, унинг сони 6—8 мартабагача етказилган, Сентябрь ойининг охиридан бошлаб ерга уруф сепилган. Уруғдан сўнг тишли мола билан учинчи навбат 2—3 мартаба мола босилган. Шу билан қарийб олти ой мобайнида давом этган машаққатли ва мураккаб агро-техника жараёни тугаган.

Экин майдонининг шу қадар синчиклаб ишланиши, «қоқлама»га экилган экинларни қишки ва баҳорги ёғингарчилик ҳисобига етарли намлик билан таъминлаш имконини берар эди. Чунки қайта-қайта ҳайдалиш натижасида майда заррачаларга айланган тупроқ бир неча мартаба юргизилган моланинг оғир зарби билан зичланиб, ернинг ортиқча парланишига йўл қўймас ва намликни ўзида узоқ вақт сақлаш имконини берар эди. Зарафшон деҳқонларининг сўзича, ернинг намини шамол кўтармас эди. Натижада «қоқлама»га экилган бошоқли экин кузнинг ўзидаёқ униб чиқиб, баҳорда нормал ўсиб, ёзнинг иссиқ ҳарорати бошланмасданок, бошоқ тортиб дон қотгунга қадар суғоришга муҳтож бўлмай, етарли намни ернинг ўзидан олар эди.

«Қоқлама»га донлик экинлардан асосан буғдой ва қисман арпа экилиб, улар кейинги йилда ҳосил тўккан. Шунинг учун ҳам «қоқлама»га экилган экинни маҳаллий деҳқонлар «солий» ёки «йиллик» деб аташади. Кекса деҳқонларнинг сўзича, «қоқлама»га экилган буғдой суғориладиган майдоннинг ҳосилидан кам ҳосил тўкмаган. Айрим маълумотлар бўйича, ҳар таноб ердан 15—20 пуд, гектар ҳисоби билан олганда тахминан 10—13 центнер миқдорида ҳосил олинган.

Бухоронинг камсувлик районлари: Конимех, Зандана, Ромитан, Хайробод ва Қоракўлларда «қоқлама» усули жуда кенг жорий этилган бўлиб, айниқса Қоракўлда ғалла деярли «қоқлама»да етиштирилар эди. Шунинг учун ҳам қоракўлликлар «қоқлама»ни водий агротехникасидаги ўз ихтиролари деб ҳисоблайдилар<sup>127</sup>.

Бухоронинг деҳқончилиги тарихида «қоқлама» усулининг қачон вужудга келгани тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Шунга қарамасдан, «қоқлама»нинг кашф этилиши, агротехниканинг шу усули кенг жорий этилган районларнинг сув таъминотидаги шароит билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг асрлар давомида деҳқончилик агротехникасида тўпланган жуда бой тажрибалар асосида юзага келган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

---

<sup>127</sup> Қоракўлнинг кекса деҳқонларидан Мулла Бердибобо «Қоқламни Қоракўл деҳқонлари кашф этган», деб гувоҳлик беради.

Қўлёзма асарларда берилган айрим маълумотлар ҳамда Бухоро воҳаси бўйлаб тўпланган этнографик маълумотларга қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги суғориш системаларида деҳқончиликда «қоқлама» усулидан жуда кенг фойдаланилган.

Демак, суғориладиган ерларда ниҳоятда оғир меҳнат талаб қиладиган «қоқлама» усули билан донли экинларни сувсиз етиштириш, Зарафшон водийсининг қуйи қисми деҳқончилиги тарихида, Бухоро соҳибкорларининг доимий сув танқислигига қарши ихтиро этган агротехниканинг ўзига хос ажойиб тадбирларидан бўлиб, Бухоронинг суғорилиш тарихини ўрганишда алоҳида ўрин тутди.

Водийнинг суғориш системалари қайта қурилиб, йирик ирригация иншоотлари билан таъминланиши натижасида Зарафшон дарёсининг оқими тамоман тартибга солинган ҳамда Аму-Қорақўл ва Аму-Бухоро каби машина каналлари орқали Бухоро ва Қорақўл воҳалари сув билан тўла таъмин этилиб, қуйи Зарафшоннинг ҳосилдор ерлари камсувлик ва сувсизлик ҳавфидан абадий қутилган ҳозирги вақтда эса, «қоқлама» усулида сувсиз деҳқончилик қилиш агротехникаси янада чуқурроқ аҳамият кашф этади. Чунки у суғорма деҳқончилик маданияти тарихида диққатга сазовор бўлган бу усулнинг ижодкори — жафокаш халқнинг сувсизлик йўлида чеккан оғир машаққати, кўрсатган маҳорати ва меҳнатсеварлигини намойиш қилиш билан, сувга сероб бўлиш халқимизнинг асрлар давомида тарихий орзуси бўлиб келганини ҳамда совет даврида республикамизда, жумладан, Зарафшон водийсида амалга оширилган ва ҳозирги вақтда амалга оширилаётган йирик ирригация қурилишларининг халқ хўжалигида улуғворлиги ва мамлакатнинг ободонлиги ҳамда халқнинг фаровонлиги учун нақадар аҳамиятли эканини яққол таққослаб берувчи тарихий манзараларни намойиш қилади.

Шундай қилиб, Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимоти водийнинг суғорилиши тарихида кўтарилган муҳим масалалардан бўлиб, сув хўжалигини ҳар томонлама пухта уюштирилишини талаб этган. Шунинг учун ҳам қадим замонлардаёқ Зарафшон дарёсининг тошқинлари жадвали ишлаб чиқилиб, сув ҳар бир воҳада деҳқончилик мавсумининг эрта ёки кеч бошланишига ҳамда дарёдаги сув балансининг ўзгаришига қараб, асрлар давомида сув хўжалиги бўйича тўпланган тажрибалар асосида вужудга келган махсус тартиб бўйича тақсимланган. Бу тартиб бўйича ҳар бир суғориш системаси учун алоҳида тайин этилган ҳисса сув — ҳақоба бўлиб, у суғориладиган ер майдонининг ҳажмига қараб белгиланган. Аммо водийнинг суғориладиган ер майдонининг умумий ҳажмига нисбатан, асосий сув манбаи Зарафшон дарёсининг суғориш қобилиятининг бирмунча кичиклиги, бунинг устига ўрта аср феодал мулкчилиги шароити сув хўжалигида мавjud бўлган нуқсон ва камчиликлар водийдаги ҳамма суғориш системаларини сув билан тўла таъмин этиш имкониятини бермас эди. Шу сабабли Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида сув танқислигининг тез-тез содир бўлиб туриши табиий эди. Шунга қарамасдан, Бухо-

ронинг меҳнатсевар халқи сув тақсимотига қарши курашда, сувсиз деҳқончилик агротехикасини ижод этдики, бу водийнинг суғорилиш тарихида деҳқончилик маданиятининг энг юқори даражали маҳсулотларидан ҳисобланади.

Сув тақсимотидаги бундай тартиб феодал тузуми ҳукм сурган даврда Бухоро хонлигидек қолоқ ишлаб чиқариш кучларига эга бўлган мамлакат учун характерли бўлиб, у маҳаллий ирригаторлар ва деҳқонларнинг асрлар давомида ирригация ва деҳқончилик соҳасида олиб борган меҳнат фаолиятлари ҳамда орттирган тажрибалари натижасида ишлаб чиқилган ва қабул этилган эди.

Зарафшон водийсининг ҳар икки қисми ўртасидаги сув тақсимоти масаласи, юзаки қараганда, жуда кичик бир масала бўлиб, уни ҳал қилиш учун жорий этилган тартиб ниҳоятда оддийгина бўлиб кўзга ташланса ҳам, лекин у жуда қийинчилик ва зўр куч воситаси билан ҳал бўлар эди. Ўзаро сув тақсимотини амалга ошириш вақтларида кўпинча Зарафшоннинг ҳар икки қисмлари ўртасида катта жанжаллар кўтарилиб, баъзан кўнгилсиз оқибатлар билан тугар эди. Аммо бутун водий ягона бир ҳукуматнинг қўл остида бўлгани учун сув тақсимоти катта сиёсий масала сифатида кўтарилмас эди. Кўпинча бу масала водийнинг қайси томони кучли бўлса, ўша томон фойдасига ҳал бўлар эди. Бироқ Ўрта Осиё Россияга қўшилиб, Зарафшон водийсининг бир қисми Россия қўл остига ўтгандан сўнг, ўзаро сув тақсимоти масаласи Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларда сиёсий масалалардан бирига айланди.



#### IV БОБ

### САМАРҚАНД МАСАЛАСИ ВА БУХОРОНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ

#### 1. Зарафшон ва Самарқанд масаласининг ҳал этилиши

Ўтган асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта қисмлари подшо Россияси томонидан босиб олиниб, бу ерда Зарафшон округи<sup>1</sup> ташкил этилди. Бир бутун ягона водийнинг маъмурий жиҳатдан иккига ажралиб, унинг асосий сув манбаи Зарафшон дарёси юқори оқимининг Россия ҳукмронлигига ўтиши, подшо самодержавиесининг Ўрта Осиёдаги сиёсатига ҳамда унинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда чексиз ҳуқуқга эга бўлган Туркистон генерал-губернаторлигининг Бухоро хонлигига нисбатан тутган муносабатига ҳам таъсир этди.

Самарқанд воҳасининг, айниқса, Зарафшон дарёсининг юқори оқими, яъни сув бошининг Россия ҳукмронлигига ўтишига Туркистон маъмурияти ҳукмрон доиралари катта аҳамият бериб, бу нарса Бухоро хонлигини бўйсундиришнинг қулай воситаси ҳамда унинг устидан ўрнатилган вассалликни мустаҳкамлаш ва уни тобеликда тутиб туришнинг бирдан-бир гарови деб ҳисобладилар. Шунинг учун ҳам Самарқанд воҳаси Россияга қўшиб олиниши даврида улар ўртасида водийдаги асосий сув манбаи — Зарафшон дарёсидан «ҳарбий стратегияда фойдаланиш» ҳамда Россия ва Бухоро муносабатларида Самарқанднинг «аҳамияти» тўғрисида турли-туман фикр ва мулоҳазалар намоён бўлади.

Подшо қўшинларининг қадами ҳали Зарафшон водийсининг тупроғига тегмасданоқ, Бухоро хонлигининг ҳарбий кучларига қарши ҳужумни бошқараётган ҳарбий қўмондонлик доирасида Самарқандни эгаллаш билан Бухорони ўз-ўзидан сувсиз қолдириш мумкин<sup>2</sup>, деган фикр пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Самарқанд қўлга киритилганидан сўнг, Бухоро хонлигига узил-кесил зарба бериш учун водийдаги асосий сув манбаи — Зарафшон дарёсидан фойдаланиш режалари тузилади. Рус шарқшуноси В. В. Радловнинг<sup>3</sup> ёзишича, Бухоро хонлигини бўйсундириш учун рус ҳарбий

<sup>1</sup> 1887 йилдан бошлаб у Самарқанд области номи билан аталади.

<sup>2</sup> А. П. Федченко, Топографические очерки Зеравшанской долины, ПЗИОЛЕАЭ, т. VII, вып. 1, стр. 28.

<sup>3</sup> Бу вақтда В. В. Радлов таржимон сифатида Бухоро ва Россия чегараларини белгилаш комиссиясида иштирок этади.

қўмондонлиги ўртасида 1868 йилнинг ёзида Оқдарёни тўсиб, Зарафшон дарёси оқимини Қорадарёга буриб юбориш билан Бухорони тамоман сувсиз қолдириш масаласи тўғрисида жўшқин мунозара олиб борилган<sup>4</sup>. Самарқандни олиш орқали Бухорони сувсиз қолдириш мумкин деган фикр ҳам, Зарафшон дарёси оқимини унинг сўл ирмоғи Қорадарёга буриб юбориш тўғрисидаги мулоҳаза ҳам мутлақо асоссиз эди. Чунки бундай қўпол режани амалга ошириш учун сарфланадиган куч ва маблағдан ташқари водийнинг табиий шароити бунинг учун етарли тўсиқ эди. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг ландшафтидаги хусусиятларни тезда пайқаб олган А. П. Федченко ва В. В. Радлов бундай қўпол режа ва асоссиз мулоҳазаларга қарши чиқиб, матбуотда уларни танқид қилдилар. «Самарқандни эгаллаш билан гўё Бухорони ихтиёрий равишда сувсиз қолдириш мумкин деган мулоҳазалар,— деб ёзди А. П. Федченко,— қанчалик муболаға билан айтилган эди. [Чунки] бизнинг ерларимиз [Қорадарё системаси бўйича] билан бирга хонликнинг бир қисми ҳақиқатан ҳам сувсиз қолса, лекин унинг иккинчи қисми, шу жумладан, Бухоро шаҳари одатдагига қараганда кўп миқдорда сувга эга бўлади»<sup>5</sup>. Оқдарёни тўсиб Бухорога тамоман сув ўтказмаслик режасининг мутлақо асоссиз эканини В. В. Радлов қуйидагича талқин этади:

«Менимча, Зарафшоннинг географик тутган ўрни билан мутлақо таниш бўлмаган кишиларгина бундай фикрга келадилар. Зарафшон водийсининг катта қисми икки томондан баланд тоғлар билан ўралган. Шунинг учун сувнинг асосий қисми, ҳарқалай ғарбга томон ўзи учун йўл излашга мажбур. Агарда Оқдарё ва Қорадарё ўзанларини ажратувчи тўғонни тузатиш учун беш мингга яқин мардикор бир неча ҳафта банд бўлса, бугун Оқдарёни боғлаш учун яна қанча ишчи кучи керак бўларкин? Бундан кўра Бухорони забт этиш осон эмасми? Ҳар қалай Оқдарёни боғлаш мумкин деб фарз қилайлик. Аммо у вақтда Қорадарё ва Нарпай шу қадар сувга тўлардики, шубҳасиз, қўл остимиздаги ерларимизни сув босиб, сув бирмунча чуқурда жойлашган Оқдарёга уриб кетар эди»<sup>6</sup>. Шуниси ҳам борки, Бухорони бўйсундириш йўлида водийнинг сув манбаидан фойдаланиш планининг пайдо бўлиши ва унинг рус ҳарбий қўмондонлиги доирасида муҳокама этилиши тасодифий воқеа бўлмай, балки табиий бир ҳол эди. Чунки деҳқончилик хўжалиги сунъий суғоришга асосланган Шарқ мамлакатларида жуда қадим замонлардан бошлаб сув манбалари ва ирригация иншоотлари, бир томондан, марказий ҳокимият қўлида меҳнаткаш халқни эксплуатация қилиш ва уни ўз қўлида тобеликда тутиб туриш учун асосий қурол сифатида хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, чет эл босқинчилари учун обод воҳаларни босиб олишда қаршилик кўрсатувчи мудофаа кучларига зарба бе-

<sup>4</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, ЗИРГО, т. VI, СПб., 1880, стр. 14.

<sup>5</sup> А. П. Федченко, Топографический очерк Зеравшанской долины, стр. 28.

<sup>6</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, ЗИРГО, т. VI, СПб., 1880, стр. 14.

риш учун қулай восита бўлган. Шунинг учун ҳам душман даставвал асосий сув манбаларини эгаллашга ва уларга ўрнатилган ирригация иншоотларини бузиб ташлашга ҳаракат қилган. Бундай воқеалар ҳақида тарихий манбаларда турли-туман маълумотлар мавжуд. Масалан, Жиззах Россияга қўшиб олинганидан сўнг маҳаллий беклар 1867 йилнинг баҳорида генерал Абрамов бошлиқ Россиянинг ҳарбий кучларига зарба бериш учун Санзар дарёсининг тўғонини бузиб, шаҳарни мутлақо сувсиз қолдирганлар.

Маълумки, 1868 йил 2 июнда Зирабулоқда Россия ва Бухоро қўшинлари ўртасида бўлган жангда амир армияси мағлубиятга учраганидан сўнг, шу йилнинг 28 июнида Россия билан Бухоро ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Бу шартномага мувофиқ, Зирабулоққа қадар забт этилган территориялар, шу жумладан, Хўжанд, Уратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари Россияга қўшиб олиниб, бу янги территорияда Туркистон генерал-губернаторлиги составида Зарафшон округи ташкил этилди. Бухоро хонлиги чегараси қатъий белгилаб чиқилган бўлса-да, бироқ Зарафшон водийсининг қўшиб олиниши Россия ҳукмрон доираларини ташвишга солиб қўйди ҳамда Ўрта Осиё масаласи бўйича, вақтинчалик бўлса ҳам, улар ўртасида қатъий келишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиёда Туркистон маъмуриятининг бундай актив ҳаракати Англия билан Россия ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юбориши мумкин деб хавфсираган Ташқи ишлар министрлиги ва Осиё департаменти, Зарафшон водийсининг қўшиб олинишига тамоман қарши чиқиб, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини хонликка қайтариб бериш масаласини кўтариб, уни ҳимоя қилди.

Россия мустамлакачилик планини амалга оширишда чексиз ҳуқуққа эга бўлган Туркистон генерал-губернатори ва унинг атрофидаги ҳарбий қўмондонлик ўзига берилган ваколатдан фойдаланиб, Самарқанд воҳасини Россия ҳукмронлиги остида сақлаб қолиш учун, имкони берича, ҳаракат қилади. Натижада, Ўрта Осиёнинг ичкарисига томон тобора кириб бориш халқаро низога сабаб бўлишидан ва унинг оқибатида Ўрта Осиёда Россиянинг маъқеи ёмонлашувидан чўчиган ҳукуматнинг марказий маҳкамалари билан марказий ҳокимиятнинг «олий фармонларини» эътиборга олмай Ўрта Осиёда актив ҳаракат қилаётган Туркистон маъмурияти ўртасида жиддий тортишувлар бошланади.

«Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши» номли монографиянинг автори, совет тарихчиси Н. А. Халфиннинг сўзича, бу Ўрта Осиё масаласида ўзига хос икки хил йўлнинг намоён бўлиши эди<sup>7</sup>. Россиянинг Ўрта Осиё сиёсатида пайдо бўлган бундай аҳвол, шубҳасиз, 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги билан Бухоро хонлиги ўртасида тузилган сулҳ шартномасининг подшо ҳуку-

<sup>7</sup> «Туркестанские ведомости», 1893, № 33, 2 май, стр. 123.

<sup>8</sup> Н. А. Халфин, Присоединение Средней Азии к России, (60—90-е годы XIX в.) М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 283.

мати томонидан тасдиқланишига тўққинлик қилиб, Россиянинг Урта Осиёдаги сиёсатида узил-кесил ечилмай муаммо бўлиб қолган ва бир неча йил давомида давлат маҳкамалари ўртасида баҳс мавзусига айланган «Самарқанд масаласи»нинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

«Самарқанд масаласи», шубҳасиз, Бухоро хонлиги устидан ўрнатилган вассаллиқни мустақамлаш плани билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳал этилиши жараёнида подшо самодержавиеси ҳукмрон доиралари ўртасида вужудга келган сиёсий вазият Россиянинг Бухоро хонлигига нисбатан тутган сиёсатининг ҳақиқий моҳиятини, аynиқса, Туркистон маъмуриятининг Самарқанд воҳасини қўлда сақлаб қолиш билан кўзда тутган мақсадини очиқ намоён қилади.

Россиянинг Ҳарбий министрлиги «Самарқанд масаласи»да Туркистон маъмуриятини қўллаб-қувватлаб, ҳар қалай унга ёрдам бериш учун ҳаракат қилса ҳам, аммо Ташқи ишлар министрлигининг талабига биноан Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман номига Самарқанд воҳасини Бухорога қайтариб бериш ва чегарани Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан ўтказиш тўғрисида кетма-кет фармойишлар юборишга мажбур бўлади.

Бухоро билан сулҳ шартномаси тузилмасдан йигирма кун аввал 4 июнда Россиянинг ҳарбий министри Д. А. Милютин Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманга телеграмма юбориб, бундан кейинги олға юришни тўхтатиш ҳамда ҳарбий кучларни Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғи — Жиззах томон «ўз чегарасига» қайтаришни таклиф этади<sup>9</sup>.

Россия — Бухоро муносабатлари ҳатто Ҳарбий ва Ташқи ишлар министрликлари бошлиқларининг Александр II иштирокида ўтказилган махсус кенгашида муҳокама этилиб, унда «аввалги программага қатъий амал қилмоқ» ва янги ерларни эгаллашликка қарор қилинади<sup>10</sup>. Д. А. Милютин мажлис қарори тўғрисида К. П. Кауфманга юборган мактубида Россиянинг Бухоро билан чегараси Самарқанднинг шарқидан ўтиши ва бу шаҳар Россия империяси қўл остидаги ерлардан ташқарида қолиши керак эди, — деб таъкидлайди. Аммо у хатида, шу билан бирга, қандай йўл билан бўлмасин Бухоро устидан Россиянинг сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилишини таъминлаш тўғрисида ишора қилади<sup>11</sup>.

Александр II Туркистон генерал-губернаторлиги билан Бухоро хонлиги ўртасида тузилган сулҳ шартномасини тасдиқлаш муддатини орқага суриб, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини Бухорога қайтариб бериш тўғрисидаги қарорни маъқуллагандан сўнг, Д. А. Милютин К. П. Кауфманга 1868 йил 13 июлда яна махсус мактуб юбориб, унда забт этилган районларни, шу жумладан, Самарқанд шаҳрини бўшатиб чиқиш тўғрисида буйруқ беради<sup>12</sup>. Шу йилнинг 2 августида К. П. Кауфман номига ва 13 август-

<sup>9</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 37, 121-ҳужжат.

<sup>10</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 37, 122-ҳужжат.

<sup>11</sup> ЦГА УзССР, ф. И-175, оп. 1, д. 37, 122-ҳужжат.

<sup>12</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 37, 153-ҳужжат.

да Главштабнинг бошлиғи Ф. Л. Гейден номига Петербурдан юборилган ёзма фармойишда Туркистон ҳокимига тўрт йил муддат ичида тўлаш шарт билан Бухоро устига қўйилган контрибуция миқдорини бир миллион сўмгача ошириш, сўнгра ишғол этилган районларни амирга қайтариб бериш таклиф этилади<sup>13</sup>.

Ўрта Осиёда ўрнатилган сиёсий мавқеидан мағрурланган Туркистон генерал-губернатори ва унинг атрофидаги ҳарбий қўмондонлик, марказдан узлуксиз келаётган фармойишларга аҳамият бермай, забт этилган районларни хонликка қайтариб бериш у ёқда турсин, балки Зарафшон округида Россиянинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мумкин қадар унинг чегарасини кенгайтириш учун ҳаракат қилдилар. Шунинг учун ҳам Петербург билан олиб борилган музокараларда К. П. Кауфман «Самарқанд масаласи»да ўз фикрининг ва бу йўлда амалга оширилаётган хатти-ҳаракатининг тўғрилигини исботлашга ва Зарафшон водийсининг юқори қисмини қўлдан бермасликка ҳаракат қилади. Александр II Самарқандни Бухоро хонлигига қайтариб бериш муддатини бирмунча орқага чўзиш тўғрисидаги К. П. Кауфман таклифини қабул қилади ва унга Бухоро хонлигига нисбатан бундан кейинги олиб бориладиган сиёсати тўғрисида ўз мулоҳазаларини ёзиб ҳукуматга топшириш буюрилади.

Аммо Туркистон маъмурияти томонидан Ўрта Осиёда амалга оширилаётган бундай сиёсат Ташқи ишлар министрлиги ва Осиё департаментида тобора безовталиқни кучайтириб, уларнинг бошлиқларини таҳликага солиб қўяди. М. А. Терентьев ва М. И. Венюковларнинг ёзишича, ташқи ишлар министри ва давлат канцлери А. М. Горчаковни ҳамда Осиё департаментининг бошлиғи Н. П. Стремоуховларнинг Англияни Россияга қарши қўзғатиб қўйилмаса эди деган мулоҳаза чўчитмоқда эди<sup>14</sup>. 1868 йил август ойда Панжакент шаҳари «ўз ихтиёри билан бўйсуниб»<sup>15</sup>, у Зарафшон округига қўшиб олинган, шу йилнинг октябрь ойда амирнинг катта ўғли Абдулмалик раҳбарлигида кўтарилган қўзғолонни бостириш учун А. К. Абрамов бошлиқ рус қўшинларининг Қарши шаҳарига кириб бориши натижасида<sup>16</sup> «Самарқанд масаласи» бўйича бир-бирига қарама-қарши икки хил йўлни ўтказётган давлат маҳкамалари ва уларнинг тарафдорлари ўртасида мунозара кучайиб, жиддий тус олади. Россия чегарасини кенгайтириш мақсадида қилинган ҳар қандай ҳарбий юришлардан норози бўлган А. М. Горчаков ва Н. П. Стремоуховлар Зарафшон водийсини Бухорога қайтариб беришни қатъий талаб қилдилар. Уларни

<sup>13</sup> ЦГА УзССР, ф. И-175, оп. 1, д. 37, 164-ҳужжат.

<sup>14</sup> М. А. Терентьев, История завоевания Средней Азии с картами и планами, т. 3, СПб., 1906, стр. 423; Яна қаранг: М. И. Венюков, Туркестанские вопросы, «Русская мысль», 1899, № 9.

<sup>15</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 34, д. 20, л. 26; Яна қаранг: Ч. О. Федченко и А. П. Федченко, Отчет Туркестанской ученой экспедиции общества с 16 апреля 1869 г. по 15 апреля 1879 г., ПЗИОЛЕАЭ т. VII, вып. I, М., 1870, стр. 154.

<sup>16</sup> В. В. Радлов. Средняя Зеравшанская долина, стр. 91.

«Осиё масалалари» бўйича мутахассис Н. В. Хаников қувватлайди. Н. В. Хаников Самарқанддан, умуман, Ўрта Осиёда олиб борилаётган тажовузкорлик сиёсатидан воз кечиш зарурлиги тўғрисида баён қилади. Унинг фикрича, бундай сиёсат Россияни «Ўрта Осиёдаги майда хонликларнинг ички ишларига аралашиб гирдобига яна тортиб кетади»<sup>17</sup>.

Зарафшон округини хонликка қайтариб бериш учун амалда ҳеч қандай чора кўрилмаса ҳам, ҳар қалай Россия императори Н. В. Ханиковнинг фикрига қўшилади<sup>18</sup>. Шундай қилиб, Ташқи ишлар министрлиги Туркистон маъмуриятининг ўзбошимчалик ҳаракатига қарши марказий ҳокимиятни қўзғатиш ва ҳар томонлама сиқувни кучайтириш билан Зарафшон округини Бухорога қайтариб бериш учун зўр бериб ҳаракат қилади.

«Самарқанд масаласига» нисбатан Ташқи ишлар министрлигининг тутган бундай муносабати подшо самодержавиеси мустамлакачилик сиёсатининг тарафдорларидан ва унинг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган рус буржуазияси доирасида норозилик пайдо қилди. «Вестник Европы» журналининг 1869 йил 5-сонида нашр этилган редакцион мақоласида «Самарқандни қайтариб бериш масаласининг» муҳокамага қўйилиши ўринсиз, деб ҳисобланиб, қаттиқ танқид қилинади. Марказий Осиёда ўз таъсир доиралари чегарасини белгилаб олиш учун Англия билан Россия ўртасида тортишув кетаётган бир пайтда бундай қатъиятсизликнинг айниқса хавфли эканини таъкидлаб, журнал редакцияси Туркистонда «бундан кейинги қўлга киритиладиган» районлардан воз кечиш тўғрисида давлат томонидан қандайдир биронта мажбурият қабул қилинишига қарши огоҳлантириш билдиради<sup>19</sup>. Шундай қилиб, рус буржуазияси «Самарқанд масаласи»да Туркистон маъмурияти томонидан амалга оширилаётган актив йўлнинг оддий тарафдори бўлибгина қолмай, балки матбуот орқали уни қувватловчи таянч бўлиб хизмат қилмоқда эди.

Шуниси ҳам борки, ўша вақтда Ўрта Осиёда бўлган ва бу ердаги қулай шароитдан илмий мақсадда фойдаланиш учун Туркистон маъмуриятида хизмат қилган баъзи бир рус шарқшунослари, жумладан, В. В. Радлов Зарафшон округининг табиий шароити ҳамда халқининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини назарда тутиб водийни иккига ажратмасдан бутунлигича қолдириш тарафдори сифатида «Самарқанд масаласи»га ёндашган бўлса-да, аммо бу масалани Самарқанд воҳасини хонликка қайтариб бериш ёки Бухоро воҳасини ҳам қўшиб олиб, Зарафшон водийсини бутунлай қўлга киритиш билан масалани узил-кесил ҳал қилиш керак, деган фикрни ўртага ташлайди: «Зарафшон водийсидаги ҳозирги вазият,—деб ёзади В. В. Радлов,—қандай бўлмасин Ўрта Осиёда мав-

<sup>17</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 38, 215-ҳужжат, Н. В. Ханиковнинг 12 ноябрь 1868 йилда Ташқи ишлар министри А. М. Горчаковга юборган мактуби.

<sup>18</sup> ЦГВИА ф. ВУА, д. 6808, л. 2.

<sup>19</sup> «Вестник Европы», Внутреннее обозрение, 1869, № 5, стр. 378.

қонмизни мустақкамлайди деб ишониш мумкинми? Суғорилиш жиҳатидан Зарафшон водийси ажралмас қисми ташкил этади. Бу ернинг шароити ва бошқа томонларни назарга олганда, уни бутунлай эгаллаш ёки мутлақо тегмасдан қолдириш керак. Унинг бир қисмини эгаллаб, қолган қисми билан яқин алоқада бўлган аҳолини қўл остимизга олмоқдамиз ва забт этилмаган қисмида эса, бизга қарши режаларни бемалол тузиш мумкин бўлган маконни қолди-  
моқдамиз. Биз томондан ҳеч қандай назорат остига олинмаган душманларимиз қўл остимиздаги аҳолини узлуксиз қўзғатиш имконига эга бўладилар. Бу хусусда мусулмон руҳонийлари диндор аҳоли ўртасида доимо муваффақият қозона оладилар»<sup>20</sup>. Рус шарқ-шуноси В. В. Радлов ўз асарида Зарафшон водийсини забт этмаслик тўғрисида ёзган бўлса-да, аммо у «Самарқанд масаласи»ни асосан буржуа синфининг вакили сифатида талқин этиб, Урта Осиёда подшо самодержавиесининг сиёсий мавқеини мустақкамлаш учун ҳарбий экспансияни давом эттириш керак деган мулоҳазани олға суради. Бу билан у рус буржуазиясининг «Самарқанд масаласи» тўғрисида «Вестник Европы» журнали орқали юқорида баён этилган «бундан кейинги қўлга киритиш» мумкин бўлган районлардан воз кечиш керак эмас деган фикрни қувватлайди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг бевосита ҳарбий ёрдами билан Бухоро амири Музаффар Қаршида ўз ҳукмронлигини қайта тиклаган бўлса<sup>21</sup> ҳам, Зарафшон водийсининг юқори қисмини, жумладан, Самарқанд шаҳрининг қўлдан кетишига рози эмас эди. Шунинг учун ҳам у 1868 йилги шартномага асосан қўлдан кетган районларнинг бир қисмини қайтариб олиш мақсадида 1869 йилнинг кузида ўғли Саид Абдул Фаттоҳ бошчилигида Петербурга махсус элчилик юборди<sup>22</sup>. Бухоро элчилиги Россияда илтифот билан қарши олинган бўлса ҳам, аммо элчиликнинг Бухоро ва Россия муносабатларига доир масалани муҳокама қилиш тўғрисидаги асосий мақсади Ташқи ишлар министрлиги томонидан, бу Туркистон генерал-губернатори ихтиёрига топширилган масала деган баҳона билан рад этилади<sup>23</sup>.

Петербургда Александр II томонидан Бухоро элчиларини қабул қилиш маросимида қатнашган Аҳмад Донишнинг ёзишича, элчи Абдулқосимбий императордан забт этилган районлардан Тошкент, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларининг қайтариб берилишини сўраганида подшо қўл силтади ва оёғи билан ер тепини,— «бу вилоятлар бутунлай Тошкентдаги губернаторнинг жа-

<sup>20</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, стр. 15.

<sup>21</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, стр. 91.

<sup>22</sup> Элчилик хизматкорлардан ташқари қирқ кишидан ташкил топган бўлиб, Саид Абдул Фаттоҳнинг ҳали жуда ёшлиги туфайли элчиликни бошқариш Абдулқосимбий додхога топширилган эди. Элчилик ҳайъатида Аҳмад Дониш ҳам бўлиб, унга имомлик ва котиблик вазифаси юклатилган эди. Аҳмад Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони мағния, Сталинобод, 1960, 61—64-бетлар.

<sup>23</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, д. 40, л. 61—62.

вобгарлиги остида, [шунинг учун ҳам] бу ерларнинг ихтиёри унинг қўлида. Буни ундан сўраш керак»<sup>24</sup>,— деб жавоб беради.

Петербургда Бухоро элчилигига нисбатан шундай муносабатда бўлиш табиий эди. Чунки подшо ҳукумати Бухоро вакили билан икки давлат ўртасидаги алоқаларни муҳокама қилишни мутлақо истамас эди. Чунки, «Самарқанд масаласи»да давлатнинг ҳукмрон доиралари ўртасида кучли ихтилофлар бўлиб, бу масала бўйича ягона фикрга келинмаган эди. Бунинг устига қўлга киритилган янги ўлканинг бевосита ҳокими К. П. Кауфман Зарафшон округини Россия қўл остида сақлаб қолиш учун қатъий ҳаракат қилмоқда эди. Подшо ҳукумати бундай жанжалли масалани бошидан соқит қилиш учун маҳаллий маъмуриятнинг ихтиёрига ҳавола қилган эди. Шундай қилиб, подшо ҳукумати Ўрта Осиё сиёсатидаги энг муҳим масалани хонликнинг вакили иштирокида муҳокама қилишдан бош тортди. Унинг бундай муносабати Бухоронинг Россияга тобе бўлиб қолганининг дипломатия саҳнасидаги кўриниши бўлса ҳам, аммо амалда эса, Ўрта Осиё сиёсатининг Туркистон маъмуриятининг ҳукмрон доираси қўлига берилиб қўйилганидан далолат беради.

Шуни қайд қилиш лозимки, хонликнинг қўлдан кетган районларни қайтариб олиш учун қилган ҳаракати Россиянинг прогрессив руҳдаги кишилари доирасида хайрихоҳлик топади. Петербургда шарқшунос Мирза Муҳаммадали Козимбек<sup>25</sup> ва Тошкентда таржимон П. И. Пашинолар Абдулқосимбийга юкланган топшириқнинг бажарилиши учун Бухоро элчилигига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилдилар. Ҳатто П. И. Пашино Самарқандни Бухорога қайтариб бериш тўғрисида Петербурдан келган махфий телеграмма билан Бухоро элчилигини хабардор қилади. Бу хабарга асосан хонлик вакиллари Самарқандни қайтариб бериш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини Туркистон генерал-губернаторидан талаб қиладилар, аммо К. П. Кауфман уни мутлақо рад этади<sup>26</sup>.

Россияга юборилган элчилик фаолиятининг бевосита шоҳиди бўлган Аҳмад Дониш унинг муваффақиятсизликка учрашига, «амирнинг фаросатсизлиги ва элчининг аҳмоқлиги»<sup>27</sup> сабаб бўлди деб кўрсатади. «Ҳақиқатан ҳам, агар ўша вақтда элчи сўзлаганда,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— ўзини бамаъни тугганида эди,

<sup>24</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 68-бет.

پادشاه دست افشانند و پای بر زمین زده و گفت: قبضه بسط آنولایتها در عهده گبرنات تاشکند است و اختیار آنجا بدست او این سئوال از و باید کرد.

<sup>25</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 67—68-бетлар.

<sup>26</sup> Е. И. Гневушева, Забытый путешественник, Жизнь и путешествия Петра Ивановича Пашино, М., 1958, стр. 59—60.

<sup>27</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 74-бет.

... کسر و نقص از سفاهت خود او [امیر] و بلاهت ایلچی اوست.



қўлдан кетган баъзи бир вилоятлар қайтариб олинар эди. Агар у индамай турганда ҳам амирзоданинг келиши муносабати билан вазирларнинг ўзлари биронта вилоятни қайтариб берар эдилар»<sup>28</sup>.

Совет тарихчиси Н. А. Халфин Зарафшон округининг тақдирини «қабул маросими вақтида Бухоро элчисининг тутган ҳулқи эмас, балки подшо самодержавиесининг Ўрта Осиёдаги сиёсатининг умумий асослари ҳал этган эди»<sup>29</sup>,— деб жуда тўғри кўрсатади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар асосида «Самарқанд масаласи» бўйича давлат маҳкамалари ўртасида кескин ихтилофлар борлиги ва уларнинг тобора чуқурлашиб боргани аниқланди.

Мана шундай вазиятда Туркистон маъмурияти «Самарқанд масаласи»да ўз мақсадини амалга оширишда асосан Ўрта Осиёдаги ўз мавқеига суянди ва унга путур етказмаслик учун ҳаракат қилди. У Бухоро хонлиги олдида ўз обрўсини йўқотмаслик учун ҳатто 1868 йилги сулҳ шартномасининг марказий ҳоқимият томонидан тасдиқланмаганлигини амирга билдирмади<sup>30</sup>. Шунингдек, ўз мавқеини мустаҳкамлашда ҳар бир қулай шароитдан, имкони борича вазиятга қараб, жуда эпчиллик билан фойдалана олди.

«Самарқанд масаласи» Туркистон маъмурияти фойдасига ҳал этилишида бу вақтда мустақил бўлиб олган юқори Зарафшондаги Мастчоҳ, Фалғор, Фан, Киштут, Мугён ҳамда Қашқадарё водийсидаги Қарши, Китоб ва Шаҳрисабз бекликларида амирга қарши кўтарилган қўзғолонлар К. П. Кауфман учун айниқса қўл келди.

1868 йилнинг кузида амир Музаффар Абдулмалик қўзғолонини бостириш учун Туркистон генерал-губернаторлигига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Уша давр тарихий воқеаларининг шоҳиди бўлган Бухоро тарихчиси Мирзо Абдулазим Сомий «Тарих-и салотин-и Манғития» номи асарида<sup>31</sup> қўзғолонни бостиришда подшо ҳукуматининг ҳарбий кучларидан фойдаланиш ташаббуси Бухоро ҳукмрон доираларидан чиққанлиги тўғрисида гувоҳлик бера-

<sup>28</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 73-бет.

فی الواقع اگر در آن مرتبه اینچنین با معنی میبود بسخن، بعضی ولایتهای رفترا باز گشت میفرمود و اگر خواموش هم میبود خود وزرا بقدم امیرزاده بعضی ولایت [ها] را رد مینمودند.

<sup>29</sup> Н. А. Халфин, Присоединение Средней Азии к России, стр. 287—288.

<sup>30</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 34, д. 80, л. 18—20. К. П. Кауфманнинг 1870 йил 2 майда Н. П. Стремоуховга юборган мактуби.

<sup>31</sup> Китобнинг махсус бир боби Абдулмаликнинг қўзғолонини бостириш учун Музаффарнинг ёрдам сўраб Туркистон генерал-губернаторига мурожаати ва унинг Насафга (Қаршига) қўшин юбориши ҳамда Туранинг қочишига бағишланган. Мирзо Абдулазиз Сомий, Тарих-и салотини Манғития; (История Мангитских государей), Издание текста предисловие, перевод и примечания Л. М. Енифановой, стр. 97—101, Тожикча текст 93<sup>6</sup>—96<sup>6</sup>-варақлари.

ди<sup>32</sup>. Мирзо Абдулазим Сомийнинг ёзишича, улар «Икки томоннинг шикасти Давлати Олийнинг [яъни Бухоро амирининг] фойдасидир, деб [амирни] ишонтирадилар»<sup>33</sup>. Натижада, А. К. Абрамов бошчилигида юборилган қўшин 1868 йил 27 октябрда<sup>34</sup> Қарши шаҳрини қўлга киритиб, шаҳарни амирга қайтариб беради<sup>35</sup>. Бухоро хонлигига кўрсатилган бу «илтифоти» билан Туркистон маъмурияти Зарафшон водийси юқори қисмининг қўшиб олиниши учун янада қулай замин тайёрлаб олган эди. Чунки Зарафшон округи ташкил топиши билан хонликдан мутлақо ажралиб маҳаллий бекларнинг ихтиёрида мустақил бўлиб олган Зарафшон юқори қисмининг Туркистон маъмурияти томонидан қўшиб олиниши учун эндиликда амирнинг тўсқинлик қилмаслиги муқаррар эди.

Ташқи ишлар министрлиги ва Осие департаментининг норози-лигига қарамасдан<sup>36</sup> 1870 йилнинг апрель—июнь ойларида Зарафшоннинг юқори қисмига Искандарқўл экспедицияси уюштирилиб<sup>37</sup>, шу йилнинг ўзидаёқ Мастчоҳ, Фалғор, Фан, Киштут, Муғиён ва Яғноб бекликлари «Нагорные тюмени» номи билан Зарафшон округига қўшиб олинади<sup>38</sup>.

---

<sup>32</sup> Сомийнинг Қаршида Абдулмалик қўзғолсинни бостириш учун Туркистон маъмуриятидан ёрдам олиш тўғрисидаги Бухоро амирининг ташаббусига оид маълумоти Н. А. Халфин асарида Шаҳрисабз воқеалари билан чалкаштирилиб юборилган. Қаранг: Н. А. Халфин, Присоединение Средней Азии к России, стр. 291—292.

شکست طرفین صلاح دولت عالی است گفته معقول ساحتند

Мирзо Абдулазим Сомий, Тарих-и салотин-и Манғития, варақ 94а.

<sup>34</sup> Сомий Қаршини олиниш санасини 1288 ҳижрий (яъни 1871—1872) йилда деб нотўғри кўрсатади. Сомий, Тарихи салотини Манғития, варақ 96<sup>6</sup> русча таржимасида 101-бет.

<sup>35</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, стр. 91.

<sup>36</sup> Осие департаментининг директори Н. П. Стремоухов 1870 йил 15 июлда Главштабнинг бошлиғи Ф. Л. Гейденга юборган мактубида Туркистон губернаторининг бу «ташаббуси» жиддий тўқнашувни келтириб чиқариши ва Урта Осиеда яна уруш бошланиб кетиши мумкин, деб уни огоҳлантирган эди. ЦГА УзССР, ф. И-715, д. 42, 237-ҳужжат.

<sup>37</sup> Искандарқўл экспедицияси составида натуралист А. П. Федченко, тоғ инженери Д. К. Мышенков, шарқшунос А. Л. Кун, самарқандлик таржимон Абдурахмон ибн Муҳаммад Латиф ва бошқалар қатнашадилар. Бу экспедиция натижасида Зарафшоннинг энг кам ўрганилган юқори қисми рус олимлари томонидан текширилади. А. П. Федченко, Путешествие в Туркестан, СПб., М., 1875, стр. 126—177; Яна қаранг: А. П. Федченко, Сборник документов, Ташкент, 1956, стр. 52—80; А. Л. Кун этнографик, статистик ва тарихий материаллар тўплади. Қаранг: Б. В. Лунин, Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении, Ташкент, 1965, стр. 114—124; таржимон Абдурахмон ибн Муҳаммад Латиф экспедиция даврида (1870 йилнинг 25 апрелидан 27 июнигача) кундалик ёзиб боради, АВЛОИНА, ф. 33, оп. 1, д. 217, л. 30.

<sup>38</sup> «Узбекистон ССР тарихи», II том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 28-бет. Искандарқўл экспедицияси «амирга қарши ҳаракатни бостириш учун» уюштирилди деган нотўғри фикр айтилган. Биринчидан, юқори Зарафшон бекликларидаги қўзғолонни бостириш учун хонлик томонидан ёрдам сураб мурожаат қилинмаган. Иккинчидан эса, бу қўзғолон қанчалик хонликка қарши бўлса, ундан ҳам кўпроқ Туркистонда подшо Россиясининг ҳукмронлигига қарши қа-

Юқори Зарафшонда Исқандарқўл экспедицияси қизғин иш олиб бораётган бир вақтда Туркистон генерал-губернатори хонликдаги аҳволни ва Бухоро ҳукмрон доираларининг муносабатини билиш ҳамда амир билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида 1870 йил май ойида Бухорога полковник А. С. Носович бошчилигида махсус элчи юборади. А. С. Носовичга Россия империясининг нияти «қўшни хонликларни қўллаб-қувватлаш, улар билан дўстлик ва тинчлик алоқаларини мустаҳкамлаш эканлиги» ҳақида амирни хабардор қилиб қўйиш топширилади<sup>39</sup>. А. С. Носович бошчилигидаги элчилар Бухорода яхши қарши олиниб, амир Россия вакилига ўзининг «содиқ дўстлигини» изҳор этади.

Бир томондан, Исқандарқўл экспедициясининг, иккинчи томондан, Бухорога юборилган А. С. Носович миссиясининг муваффақият билан тугаши Туркистон маъмурияти учун хонликка нисбатан яна бир дипломатик комбинацияни қўллаб, «Самарқанд масаласи»да ўз йўлининг ғалабасини таъминлаш имконини беради.

1870 йилнинг ёзида Музаффар Жўрабек ва Бобобек қўзғолонини бостириш ҳамда мустақил Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини бўйсундириш учун ёрдам сўраб, Туркистон маъмуриятига мурожаат қилади<sup>40</sup>. Амирнинг бу мурожаати Қарши воқеасидаги ташаббуснинг такрори бўлиб, рус қўшинларининг ёрдами билан Шаҳрисабз беклари устидан қилинадиган ғалаба Шаҳрисабз воқеасида хонликнинг ҳукмронлигини қанчалик мустаҳкамласа, шунчалик унинг подшо Россиясига тобелигини кучайтирар эди. Шунинг учун ҳам К. П. Кауфман амирнинг илтимосини қабул қилади. Зарафшон округининг бошлиғи А. К. Абрамов Шаҳрисабз ва Китоб бекларига қарши ҳарбий отряд жўнатилаётгани тўғрисида Бухорога хабар қилиб, Шаҳрисабз беклигини идора этиш учун амалдорлар юборилишини амир Музаффардан сўрайди<sup>41</sup>. Сомийнинг ёзишича, «жаноби олий бир неча саркарда ва лашкар билан Тўхтамишбий иноқни юборади»<sup>42</sup>. Генерал Абрамов бошлиқ рус қўшинлари билан Шаҳрисабз кучлари ўртасидаги ҳарбий тўқнашувда Бухоронинг қўшинлари мутлақо иштирок қилмайди. Ҳатто амир-

---

ратилган эди. Учинчидан эса Мастчоҳ, Фалғор, Фан, Киштут ва Муғён бекликларини Туркистон маъмурияти Зарафшон округининг ажралмас бир қисми деб ҳисоблаб, уларни қўшиб олиш учун жиддий ҳаракат қилмоқда эди. Туркистон маъмуриятини кўпроқ унинг табиий бойликлари қизиқтирмоқда эди. ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 40, 24 ва 41-ҳужжатлар; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. 715, оп. 1, д. 42, 222-ҳужжат.

<sup>39</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, д. 41, 164-ҳужжат, К. П. Кауфманнинг 1870 йил 18 апрелда А. С. Носовичга берган кўрсатмаси.

<sup>40</sup> Сомий, Тарихи салотини Манғития, варақ 105<sup>б</sup>.

جناب عالی... بگبورناطر نامه کرده از و چاره چستند.

<sup>41</sup> ЦГА УзССР, ф. И-715, оп. 1, д. 43, 285-ҳужжат, А. К. Абрамовнинг 1870 йил 6 август Музаффарга ёзган мактуби.

<sup>42</sup> Сомий, Тарихи салотини Манғития, 105<sup>б</sup> варағи.

جناب عالی توخته‌میش بی اناق را باچند سر کرده و لشکر فرستادند.

нинг вакиллари рус қўшинлари Шаҳрисабз бекларини енгиб, шаҳар қўлга киритилмагунча Шаҳрисабзга яқинлашмайдилар. «Христиан қўшинлари даставвал Китобга келиб,— деб ёзди Сомий,— уч соатда уни забт этдилар, [сўнгра] қисман куч сарфлаб, Шаҳрисабзни эгаллаб талон-торож қилдилар. ...Тўхтамишбий иноққа хабар етказилиб, уни олиб келдилар. Мулкни [Шаҳрисабз воҳасини] унга топшириб, Самарқандга қайтдилар<sup>43</sup>. Шаҳрисабз воҳасининг хонликка топширилиши К. П. Кауфманнинг Музаффарга юборган махсус мактуби орқали расмийлаштирилди<sup>44</sup>.

Шундай қилиб, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларига зарба берилиб, уларнинг Бухорога топширилиши билан, бир томондан, Россиянинг хонлик устидан ўрнатилган сиёсий ҳукмронлигидан мутлақо норози бўлган ва сулҳ шартномасига асосан ўзаро келишиб олган Бухоро хонлиги билан Туркистон генерал-губернаторига қарши курашаётган мустақил бекликлар тугатилди. Иккинчи томондан, бундай илтифотдан сўнг Бухоронинг Россияга нисбатан миннатдорлиги ва ишончи ошиб, ўзаро алоқа мустаҳкамланди. Шаҳрисабзга қарши ҳарбий юриш марказий ҳокимиятнинг рұхсатисиз амалга оширилиб, бу воқеадан у мутлақо беҳабар қолган бўлса-да, аммо унинг муваффақияти Ўрта Осиёда Туркистон маъмуриятининг сиёсий мавқеини анча-мунча кучайтирган эди. Чунки Бухоро ҳукмрон доираларининг Самарқандни қайтариб олиш учун қилган ҳаракатининг натижасиз туғаши билан бир вақтда Туркистон маъмуриятининг ҳарбий кучлари воситаси билан Шаҳрисабз ва Китоб бекларининг қўзғолони бостирилиб, бутун Қашқадарё водийсининг хонликнинг қўл остига қайтарилиб берилиши, шубҳасиз амир Музаффарнинг Самарқанд учун даъво қилишига мутлақо ўрин қолдирмаган эди. Шунинг учун ҳам Зарафшон округи устидан ўрнатилган ҳукмронликни энди, Туркистон генерал-губернатори қонун чиқариш йўли билан расмийлаштириб, «Самарқанд масаласи»га хотима беришга киришади.

1871 йилнинг бошида «Ўрта Осиёдаги сиёсатимизга тегишли ва муҳокама этилиши зарур бўлган масалалар» номи билан махсус кенгаш учун ишлаб чиқилган программа<sup>45</sup> К. П. Кауфман учун «Самарқанд масаласи» бўйича ўзининг қатъий мулоҳазаларини билдириш ва уларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш имконини беради. «Ўрта Осиёдаги сиёсатимизга тегишли масалалар» бўйича

لشکر نصارا اولاً ببلا کتاب آمده درسه ساعت انرا فتح کرده<sup>43</sup>  
گزشته شهرسبز را باند ککه کوشش گرفته نمارت کردند... بتوخته  
میش اناق خبر رسانیده اورا برده ملک را بوی سپاریده سمرقند  
مراجعت کردند

Сомий, Ўша асар, варақ 95б.

<sup>44</sup> А. Семенов, Покоритель и устроитель Туркестанского края генерал-адъютант К. П. фон Кауфман, 1-«Кауфманский сборник», М., 1910, стр. XXXIII.

<sup>45</sup> Бу программада «Самарқанд масаласини» янгидан муҳокама қилиш пункти ҳам бор эди.

Ташқи ишлар министри Д. А. Милютинга юборган жавобда Туркистон генерал-губернатори «Самарқанд масаласи»нинг қатъий муҳокама этилишини талаб қилиб, «фақат Самарқанд билан Бухорони итоатда тутиб тура оламиз, Самарқандни ҳамон қўлда тутиб турар эканмиз, Бухоро бизга тобе эканини ҳис қилади»<sup>46</sup>,— деб таъкидлайди. Бу билан К. П. Кауфман Бухоро устидан Россиянинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилишининг асосий омилларидан бири, Зарафшон водийсининг юқори қисмини қўлда сақлаб туриш, деб кўрсатмоқчи бўлади. Туркистон ноибининг бундай жавобига қарши Ҳарбий министрликда ҳам, Ташқи ишлар министрлигида ҳам ҳеч қандай эътироз билдирилмайди. Шундан сўнг, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман 1872 йил декабрь ойининг бошида Ўрта Осиё ишлари бўйича чақирилган махсус кенгашда Ўрта Осиёдаги аҳвол ва бу ўлкада Россия империяси сиёсатининг натижалари тўғрисида доклад қилади. У рус савдогарлари учун Ўрта Осиё бозорларининг бевосита очилиши ва Бухоро билан алоқанинг барқарор тинчлик характери олишини подшо ҳукумати томонидан эришилган энг муҳим натижа деб ҳисоблайди. Бундай натижага у Самарқандни, яъни «Зарафшон водийсининг юқори қисмини қўлда сақлаб қолиш» билан эришилди, деб таъкидлайди. Чунки бундай аҳвол Бухоро хонлигини кучсизлантирар ва кези келганда уни тезда ҳарбий сиқик остига олиш имконини берар эди<sup>47</sup>. Шунинг учун ҳам Ҳарбий министрлик ва Туркистон генерал-губернатори Самарқандни қўлда сақлаб қолишга ҳаракат қилган эди<sup>48</sup>.

К. П. Кауфманнинг Ўрта Осиёда қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида қилган доклади подшо Александр II томонидан маъқулланиб, «Зарафшон округи бутунлай Россияга қўшиб олинди ва Самарқандни Бухорога қайтариб бермасликка қарор қилинди»<sup>49</sup>.

Демак, «Самарқанд масаласи»да Ўрта Осиёни бўйсундириш мақсадида тузилган умумий программа — Туркистон маъмуриятининг «актив йўли» ғолиб чиқди. Маълумки, 1873 йил 23 сентябрда Бухоро хонлиги билан қайта сулҳ шартномаси тузилиб, у подшо Россиясининг вассалига айланди.

Шундай қилиб, подшо Россиясининг ҳукмрон доираларининг «Самарқанд масаласи» атрофида олиб борган мунозараларига оид архив ҳужжатлар шуни кўрсатадики, «Самарқанд масаласи»нинг ҳал этилишида стратегик жиҳатдан Зарафшон округига ниҳоятда катта аҳамият берилиб, Самарқандни, яъни сув бошини Россия қўл остида сақлаб қолиш — Бухоро хонлигининг бўйсундирилишининг асосий воситаси деб ҳисобланди.

<sup>46</sup> ЦГВИА, ВУА, д. 6836, л. 15—16.

<sup>47</sup> АВГР, Главный архив, 1—9, оп. 8, д. 12, л. 11—15.

<sup>48</sup> А. А. Попов, Из истории завоевания Средней Азии, журн. «Исторические записки», 1940, № 9, стр. 219.

<sup>49</sup> Кауфманский сборник, М., 1910, стр. LXXVI—LXXVII.

## 2. Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув

### тақсимотига Туркистон маъмуриятининг муносабати

Зарафшон водийсининг юқори қисмида подшо Россиясининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, Самарқанд ва Бухоро ўртасида ўзаро сув тақсимотининг қандай ҳал этилгани тўғрисида сўз юридилар экан, аввало, бу масалага Туркистон маъмуриятининг муносабати ҳамда Бухоронинг сув таъминоти ҳақида ўша аср авторлари томонидан айтилган баъзи бир фикр ва мулоҳазалар устида қисман бўлса-да, тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки Россиянинг Ўрта Осиё сиёсатида «Самарқанд масаласи» кўндаланг бўлиб, бу масала бўйича чоризмнинг ҳукмрон доиралари ўртасида қарама-қарши икки хил мулоҳазаларнинг келиб чиқиши ҳамда Туркистон маъмуриятининг Зарафшон округига Бухоро хонлигини бўйсундиришнинг асосий воситаси деб қараши, шубҳасиз Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги ўзаро сув тақсимоги масаласига ҳам таъсир этади.

Зарафшоннинг юқори қисми Россияга қўшиб олиниши билан Туркистон ҳукмрон доиралари ўртасида сув бошининг Россия қўл остига ўтишининг аҳамияти; сув масаласида Бухоронинг Самарқандга қарамлиги; хонликни Россия тобелигида тутиб туриш учун бундай устунликдан фойдаланиш тўғрисида айрим фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлади. Туркистон маъмуриятининг сув масаласи ҳақидаги баъзи бир фикрлари XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Зарафшон водийси, хусусан Бухоро хонлиги тўғрисида ёзган рус авторлари: жумладан, Л. Ф. Костенко, Л. Н. Соболев, В. В. Радлов, Н. П. Стремоухов, Д. Н. Логофет ва бошқаларнинг асарларида, маълум даражада ўз ифодасини топган. Масалан, 1870 йилда Тошкентдан Бухорога юборилган А. С. Носович миссиясининг иштирокчиси Л. Ф. Костенко сув таъминоти жиҳатидан Бухоронинг Зарафшон округига муте бўлиб қолганини қуйидагича тасвирлайди: «Деҳқончилик борасида Бухоро Самарқандга мутлақо қарамдир,— деб, ёзади Л. Ф. Костенко,— чунки Бухоро ерлари, боғ ва экинларини сув билан таъминловчи Зарафшон дарёсининг юқори оқими Россия қўл остидаги вилоятдан ўтади. Баҳорда сув кам бўлиб, ерларни суғориш учун сувга эҳтиёж катта бўлган вақтда Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларида сув бағамом ариқларга боғланиб олинади. Хонликнинг илтимосига кўра, ҳукуматимиз Бухоро худудига томон сув ташлаш учун Зарафшон округи аҳолисига ариқларини атайин боғлаш тўғрисида буйруқ берган вақтидагина Бухорога сув тегади. Шундай қилиб, Бухорони озиқ-овқат билан таъминлаш рус ҳукуматининг хоҳишига боғлиқдир»<sup>50</sup>.

Л. Ф. Костенко сув масаласида Бухоронинг Зарафшон округига қарам бўлиб қолганини, умуман, тўғри кўрсатса-да, аммо бу тобеликни у анча-мунча бўрттириб, хонликнинг иқтисодий ҳаётини

<sup>50</sup> Л. Ф. Костенко, Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. (С подробным маршрутом от Ташкента до Бухары, СПб, 1871, стр. 100—102.

бутунлай Россиянинг хоҳишига боғлаб қўяди. Лекин шуниси ҳам борки, Л. Ф. Костенконинг Бухорода бўлган даври ва асарининг характери назарга олинса<sup>51</sup>, унинг юқоридаги фикрини нотўғри деб бўлмайди. Чунки А. С. Носович миссияси Бухорога юборилган 1870 йилда Зарафшон дарёсида сув кам бўлиб, вегетация даврида сувга бўлган эҳтиёж ниҳоятда кучайган эди. Бундай шароитда Бухоронинг сув масаласида Зарафшон округига қарамлиги кучайиб, мамлакат озиқ-овқат таъминотининг асосий манбаи ҳисобланган деҳқончилик сув тақсимотини бошқарувчи маъмурларнинг хоҳишига маълум даражада боғлиқ бўлиб қоларди. Айниқса, сув танқис бўлган пайтларда сув бошидан келган ҳар бир вакил учун Бухоронинг қарамлиги яққол кўзга ташланарди. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70—80-йилларида Зарафшон водийсини синчиклаб ўрганган рус ҳарбий авторларидан Л. Н. Соболев Зарафшон водийсининг Бухорога тегишли ғарбий қисмидаги аҳволдан хабардор бўлганимизда эди, «Бухоро бекликлари, туманлари ва Бухоро шаҳрининг Самарқандга қарам қилиб қўйилган тобелиги биз учун тўла аниқланмай қолар эди»<sup>52</sup>, деб бекорга ёзмаган. Л. Н. Соболев ҳам Бухоронинг сув масаласидаги қарамлигига баҳо берганда Л. Ф. Костенконинг фикрини қайтариб, «Сир, Аму ва Зарафшон дарёлари бизнинг қўлимизда, шунинг учун ҳам Хива ва Бухоронинг иқтисодий фаровонлиги бизга боғлиқдир»,— деб ёзади<sup>53</sup>. У ўз фикрини давом эттириб Бухоро тўғрисида бундай дейди: «Шундай қилиб, Бухоро деҳқончилигининг тақдир руслар қўлидадир. Фақат сув танқислиги йилида бухороликларнинг эҳтиёжига парво қилмасдан Зарафшон округи ерларини мўл-кўл суғориш бунинг учун кифоя»<sup>54</sup>.

Асримизнинг бошларида Бухоро хонлиги тўғрисида қатор асарлар ёзган рус буржуа тарихчиси Д. Н. Логофет эса: «Зарафшон водийсининг Бухоро хонлиги ҳузуридаги қисми бошдан охиригача тамоман русларга қарамдир. Шуни эътиборга олиш керакки, Қорасув [Қорадарё]га сув ташламаслик воҳа учун ҳам ва бу қарамликни тўла англаган унинг аҳолиси учун ҳам ўлим жазосига маҳкум этиш билан баробардир»<sup>55</sup>,— деб Бухоронинг сув масаласидаги қарамлигини янада бўрттириб кўрсатади. Унинг бу фикри Бухоронинг суғорилиш тарихида янгилик бўлмай, балки бундай мулоҳаза Д. Н. Логофетдан 43 йил аввал Самарқанднинг босиб олиниши арафасида Туркистоннинг ҳарбий доиралари ўртасида ву-

<sup>51</sup> Л. Ф. Костенко иштирок этган А. С. Носович миссияси Бухорога 1870 йил 23 майда етиб келади. У Бухородан 1870 йил 18 июнда жўнайди. Л. Ф. Костенконинг асари кундалик тарихида ёзилиб, авторнинг фикр ва мулоҳазалари, ҳар томонлама кенг ва чуқур маълумотлар асосида олиб борилмай, балки шохид бўлган айрим воқеаларга нисбатан юритилган.

<sup>52</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, ЗИРГО, т. II, СПб., 1874, стр. 212.

<sup>53</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 164-бет.

<sup>54</sup> Л. Н. Соболев, Об орошении Зеравшанской долины, ЗИРГО, т. IX, 1873, стр. 239.

<sup>55</sup> Д. Н. Логофет, Бухарское ханство под русским протекторатом, т. I, СПб., 1911, стр. 114.

жудга келган эди. Д. Н. Логофет фикрининг нотўғрилиги шундаки, биринчидан, Қорадарёдан Зарафшоннинг Бухоро қисмидаги ерларнинг ҳаммаси эмас, балки хонликнинг фақат Зиёвуддин беклиги суғорилган, холос. Иккинчидан, Қорадарёни сувсиз қолдириш учун Зарафшоннинг бутун оқимини Оқдарёга буриб юбориш керак эди. Бунинг учун ниҳоятда катта куч ва минглаб кубометр қурилиш материаллари сарф қилиш керак эди. Бундай ишни дарёда сув ўртача бўлганда ҳам асло амалга ошириб бўлмасди. Учунчидан, Зарафшон дарёсида сув ниҳоятда кам бўлган пайтда Қорадарёни боғлаб, маълум муддат ичида уни сувсиз қолдириш мумкин деб ҳисобланилганда ҳам фақат Бухоро қўл остидаги Зиёвуддин беклиги ерлари сувсиз қолмай, балки Самарқанднинг Офаринкент тумани ва Каттақўрғон бўлимнинг деярлик ўндан тўққиз қисми ҳам сувсизликка маҳкум этилар эди. Бунинг устига Оқдарёга буриб юборилган оқим Бухоро воҳаси томон оқиб, хонликнинг асосий деҳқончилик туманлари, шу жумладан, Бухоро шаҳри ҳам сув танқислиги даврида, ундан бемалол фойдаланиш имконига эга бўларди. Тўртинчидан, Бухоро хонлигидан, айниқса, унинг деҳқончилигидан Россия манфаатдор эди. Чунки Бухоро Россиянинг ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун хом ашё манбаи ва рус саноат молларини сотиш учун асосий бозор бўлиб, подшо ҳукумати тинчлик йўли билан ундан кўпроқ фойда олиш сиёсатини амалга оширмоқда эди. Шундай қилиб Д. Н. Логофетнинг Зарафшон суви тақсимоти тўғрисидаги мулоҳазалари мутлақо қувватланмади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Бухоронинг сув масаласидаги қарамлиги юқорида номлари тилга олинган авторларнинг асарларида маълум даражада бўрттириб кўрсатилган бўлса-да, ҳар қалай Зарафшон округи хонликка нисбатан, биринчидан, ҳамма вақт сувдан керагича фойдаланиш, иккинчидан, дарёда сув кам бўлган даврларда уни суиистеъмол қилиш ва учинчидан, водийнинг юқори ва қуйи қисмлари ўртасидаги ўзаро сув тақсимотини бошқариш каби имкониятларига эга эди. Шунинг учун ҳам баъзи бир рус авторлари, жумладан, В. В. Радлов ва Н. П. Стремоухов Бухоро устидан ўрнатилган сиёсий ҳукмронликни мустаҳкамлаш учун юқорида қайд этилган имкониятлардан фойдаланиш тўғрисида ўз мулоҳазаларини изҳор этадилар. В. В. Радлов «Ҳар ҳолда водийнинг ўрта қисмида сувдан бемалол фойдаланиш билан унинг қуйи қисмида суғориш тартибларини бузиш имкони бор»<sup>56</sup>,— деб ёзган эди.

1874 йилда Бухорода бўлган ва унинг сув таъминотидаги аҳволни кузатган Н. П. Стремоухов: «Зарафшоннинг асосий оқими бизнинг худудимизда бўлгани учун ҳар йилги сув тақсимоти ҳукуматимиз ихтиёрида. Бу ишни бошқариш билан у бухороликлар олдида анчагина устунликка эга. Энг зарур эҳтиёж (сув)дан қи-

<sup>56</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, стр. 14—15.



сиб Россияга нисбатан ўз муносабатларида эҳтиёткор бўлишга ҳамма вақт уларни мажбур этиш мумкин»<sup>57</sup>,— дейди.

Демак, келтирилган маълумотларга қараганда, Бухоро хонлиги устидан Россия сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилишида Туркистон маъмурияти томонидан «Самарқанд масаласи»га қанчалик аҳамият берилган бўлса, бу ҳукмронликни мустақкамлашда Зарафшон водийсида қўлга киритилган қулай табиий шароитга ҳам шунчалик аҳамият берилган. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийси, айниқса, Бухоро ҳақида XIX асрнинг иккинчи ярмида рус авторларининг қатор асарларида водийнинг асосий сув манбаи — Зарафшон дарёсига юқори баҳо берилиб, ҳатто сув масаласи орқали хонликни доимо тобеликда тутиб туриш мумкин деган мулоҳазалар рўй-рост баён этилган.

Самарқанд воҳасида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва сув бошининг Зарафшон округи ихтиёрига ўтиши бухороликларни ҳам ташвишлантирди. Аҳмад Донишнинг ёзишича, «Агарда Россия Зарафшоннинг сувини ўз эҳтиёжи учун сарф қилса, дарёнинг суви Бухорога етмаслиги мумкин»<sup>58</sup>, деган хавф пайдо бўлади. Чунки Самарқанд воҳасининг Россияга қўшиб олиниши билан Зарафшон дарёсининг юқори оқимига жойлашган ва Бухоро воҳасининг сув таъминоти учун сув ташлағич қулфак бўлиб хизмат қилувчи асосий сув узеллари, жумладан, Чўпонота сув айирғич иншооти Зарафшон округи қўл остида қолиб, улар орқали ўзаро сув тақсимотини бошқариш эса, шубҳасиз, ўз-ўзидан Самарқанд маъмуриятининг ихтиёрига ўтган эди. Натижада Бухорони сув билан таъминлаш, аввалгидек хонлик ҳукмрон доираларининг тўғридан-тўғри буйруғига асосан амалга оширилмай, балки Россиянинг Туркистондаги колониал маъмуриятининг хоҳишига ва унинг бевосита ижозатига боғланиб қолган эди. Сув таъминотидаги бундай аҳвол, шубҳасиз, деҳқончиликнинг асосий омили — сув масаласида Бухоро Туркистон маъмуриятига, хусусан, Зарафшон округига ҳақиқатан ҳам тобе бўлиб қолганини кўрсатади. Бу ҳақда Аҳмад Дониш «бундан буён Самарқанднинг суви умидида хотиржам ўтириб бўлмайди»<sup>59</sup>, деб ёзади. Шу сабабли Аҳмад Дониш Бухоронинг суғорилиш тарихида биринчи бўлиб, ҳозирги кундан қарийб бир аср муқаддам, Бухорога Амударёдан сув чиқариш масаласини кўтарди<sup>60</sup>. Бу масалани амалга ошириш учун ҳаракат қилиб, у хонлиكنинг ҳукмрон доираларига мурожаат қилади. Демак, турли манбалардан келтирилган маълумотларга қараганда, 1868 йилда

<sup>57</sup> Н. П. Стремоухов, Поездка в Бухару (Извлечение из дневника) РВ, т. СХУII, 1875, стр. 672.

<sup>58</sup> اگر زرافشان را روسيه بمصارف خویش رساند ممکن است که دریا بخارا آب ندهد. Аҳмад Дониш, Рисола..., 132-бет.

<sup>59</sup> بامید آب سمرقند فراغبال نتوان نشست. Аҳмад Дониш, Рисола..., 132-бет.

<sup>60</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 132—133-бетлар (А. Донишнинг Амударёдан сув чиқариш тўғрисидаги ғояси тўғрисида кейинги бобларда муфассал тўхталамиз).

Бухоро хонлиги билан Туркистон генерал-губернатори ўртасида сулҳ шартномаси тузилиб, Зарафшон округи ташкил этилгандан сўнг хонликнинг Самарқандни қайтариб олиш учун зўр бериб қилган ҳаракати, шубҳасиз, бир томондан, Бухоронинг сув таъминоти тўғрисидаги таҳлика билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шундай экан, Бухоронинг сув таъминоти масаласига юқорида қайд этилган вазият қандай таъсир қилган?

Маълумки, Зарафшон юқори қисмининг Россия қўл остига ўтиши ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар ягона сув манбаидан фойдаланувчи Зарафшон округи билан Бухоро хонлиги ўртасида ўзаро сув тақсимотининг расмий жиҳатдан ҳал этилишини тақозо қиларди. Шу сабабли сув масаласи Бухоро хонлиги Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасидаги муносабатда алоҳида ўрин тутади. 1868 йилда Россия билан Бухоро ўртасида тузилган шартнома моддаларида Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасидаги ўзаро сув тақсимоти гарчи қайд этилмаган бўлса ҳам, аммо архив ҳужжатларига қараганда, Россиянинг Туркистондаги колониал маъмурияти бу масалага алоҳида аҳамият беради. Зарафшон сувининг тақсимоти тўғрисида Бухоро хонлиги билан Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасида олиб борилган махсус ёзишмалар орқали бу масала муҳокама этилади. Бироқ ирригация ва унга асосланган суғорма деҳқончилик рус маъмуллари учун деярлик ўрганилмаган янги соҳа эди. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг сув хўжалиги билан яқиндан таниш бўлмаган ва уни етарли даражада ўрганмаган Туркистон маъмурияти аввалги йилларда Зарафшон водийсининг ўрта ва қуйи қисмлари ўртасидаги ўзаро сув тақсимотини эскича — маҳаллий аҳоли орасида қабул этилган тартиб бўйича амалга оширишга ҳамда бу ишни маҳаллий ирригаторларнинг ихтиёрида қолдиришга мажбур бўлади. Чунончи, Зарафшон водийси юқори қисмининг Россия қўл остига ўтиши биланоқ сув тақсимоти юзасидан Бухоро хонлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасида олиб борилган дастлабки ёзма музокараларда К. П. Кауфман Бухоро амирига «аввалдан сув тақсимоти қандай тартибда амалга оширилган бўлса, бундан кейин ҳам шу тартибда» давом эттириш тўғрисида ваъда беради<sup>61</sup>.

Маълумки, Зарафшон водийсининг Бухоро қўл остидаги қисми сув таъминоти бўйича икки воҳага бўлиниб, уларга сув етказиб беришда, кўп меҳнат ва инерт материаллар сарфланарди. Масалан, Зиёвуддин беклигини сув билан таъминлаш учун ҳар йили Самарқанд яқинида Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарё ўзанларига ажралган жойидаги узунлиги 3,5 км Чўпонота сув айирғич иншоотини ва Каттақўрғон яқинида Қорадарёга ўрнатилган Нарпай тўғонини ремонт қилиш, агарда сув тошқини уларни олиб кетган бўлса, қайтадан тиклаш лозим эди. Зиёвуддин беклигидан қуйида жойлашган Бухоронинг қолган асосий деҳқончилик воҳаларини суғориш учун эса, Самарқанд воҳасида дарёдан бош ол-

<sup>61</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 41, л. 2—3.

ган қирқдан ортиқ магистрал каналлар боғланиб<sup>62</sup>, дарёда сув кам бўлса, оқимнинг деярлик ҳаммаси, агар сув ўртача бўлса, унинг ярмиси Бухоро худуди томон ташланар эди.

Сув тақсимоти эски тартибда қолдирилгани учун Чўпонота иншоотининг ҳар йилги ременти Зарафшон округи ташкил этилгандан кейин ҳам Зиёвуддин беги Раҳматбий томонидан бошқариларди. Шундай қилиб, Зиёвуддин беги А. Гребениннинг таъкидлашича, «аввалгидек банднинг [Чўпонота иншоотининг] хўжайини бўлиб қолаверди»<sup>63</sup>.

Шундай бўлса ҳам, Зиёвуддин беклиги ва Бухоро туманларини сув билан таъминлаш, хонликнинг талаби ва Бухоро ҳукмрон доираларининг илтимосига қараб амалга ошириларди. Шу сабабли ҳар йили деҳқончилик мавсуми бошланиши билан сувни Қорадарёга боғлаш учун Зиёвуддин беги Самарқандга келган пайтда, Бухоро ҳукмрон доиралари махсус мактуб орқали Туркистон маъмуриятига ёки Зарафшон округига мурожаат этиб, Самарқандга расмий равишда ўз вакилларини юбориб, дарё сувининг Бухоро худудига «обпорта ёки нимжўй» қилинишини илтимос қилар эдилар.

Маълумки, 1868 йилда Зарафшон водийсида Россия ва Бухоро қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар сабабли Чўпонота тўғони ўз вақтида тузатилмай қолади<sup>64</sup>. В. В. Радловнинг ёзишича, Россия ва Бухоро чегаралари белгилаб чиқилгандан сўнг, хонлик томонидан чегаралаш комиссияси составида қатнашган Зиёвуддин беги Раҳматбий шу йилнинг ўзидаёқ, Самарқандга бориб, Зарафшон тўғонини тузатиш учун Каттақўрғонга келади<sup>65</sup>. Шунингдек, 1870 йилнинг апрель ва май ойларида сув масаласи юзасидан Яқуб Қоровулбеги Бухородан элчи қилиб Самарқандга юборилади<sup>66</sup>. Бухоро амири Музаффар ва қушбеги Муҳаммадшоҳбийлар К. П. Кауфман ва А. К. Абрамовга мактуб ёзиб, Зарафшон сувини Бухорога аввал бир ой «нимжўй» ва кейин ўн беш кун «обандоз» қилинишини сўрайдилар<sup>67</sup>.

Амир Музаффарнинг К. П. Кауфманга ёзган мактуби Бухоронинг сув масаласида Туркистон маъмуриятига қанчалик қарам бўлиб қолганини яққол намоиш қилувчи тарихий ҳужжатдир. Мактубда: «Жонирал губернатор адъютант фон Кауфман Русия аскариясининг сипоҳ солори ва Туркистон лашкариясининг губернатор сардорига. Сўз шулким Бухоройи шариф мусулмонлари ва бева-бечоралари сув учун кўп муътал бўлиб турурлар. Сув важҳидин аввалга ҳам ваъда бўлиб эрдиким, сувнинг тақсими

<sup>62</sup> Каналлар шох, чим ва тошлардан қурилган мавсумий тўғонлар билан боғланган. Суғориш мавсумида бу иншоотларни бир неча марта тиклаб, бир неча марта бузишга тўғри келган. Бу иншоотларнинг тузатилиши китобнинг «Зарафшон водийсининг ирригация техникаси» бобида тасвирланади.

<sup>63</sup> А. Гребенкин, О причинах неурожаев в Бухарском ханстве, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>64</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, стр. 13.

<sup>65</sup> Уша асар, 86-бет.

<sup>66</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 41, л. 1 и 6.

<sup>67</sup> ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 13—18.

бошдин на тариқаки бўлатурғон бўлса, вақти бўлғонда бериб бўладур [турилади]. Энди бир ой савр суви зарур бўлибдур... давлатлу ва мурувватлу улуғ подшоҳнинг ҳаққиға бева-бечоралардин дуо олиб, ваъда бўлган [қилинган] сувни бир ой берилсунким, мусулмонларнинг экинлари зое бўлмасун ва яна ким мусулмонларга вақтиға сув берилмаса бева-бечоралар безовта бўлуб бизға келсалар, аларға не жавоб айтурмиз. Фиш шаҳри муҳаррам 1207 [йил] амир Саид Музаффар»<sup>68</sup>, — деган сўзлар битилган эди.

Бухоро хонлиги билан бевосита қўшни бўлиб қолган Туркистон генерал-губернаторлиги хонлик билан алоқасини бузмаслик мақсадида ўзаро сув тақсимоти масаласига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қараб, иложи борича, Бухорони сув билан таъминлашга ҳаракат қилади. Чунки Бухорони ўз вақтида сув билан таъминлаш «Самарқанд масаласи» муносабатида ва Россиянинг Урта Осиё сиёсатида ҳам муҳим сиёсий аҳамияти бор эди. Чунончи, Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти «Самарқанд масаласи» билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга икки ёқлама таъсир этиши мумкин эди. Биринчидан, агарда Бухорони сув билан таъминлаш тинч йўл билан амалга оширилса, «Самарқанд масаласи» бўйича К. П. Кауфман тутган йўл бирмунча мустаҳкамланиши мумкин, иккинчидан, сув туфайли қандайдир норозилик келиб чиқиб, сув тўғрисида хонлик Зарафшон округидан даъвогар бўлиб қолса, Туркистон маъмурияти билан Россия марказий маҳкамаларининг «Самарқанд масаласи»даги муносабатлари янада кескинлашуви шубҳасиз эди. К. П. Кауфман билан А. К. Абрамов ўртасида олиб борилган ёзишмаларга қараганда, «Самарқанд масаласи» узил-кесил ҳал этилгунча Бухоронинг сув таъминотиға алоҳида эътибор берилиб, сув тақсимотини мумкин қадар бухороликларнинг талаби бўйича амалга ошириш учун ҳаракат қилингани яққол кўзга ташланади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Қашқадарё водийсида амирга қарши кўтарилган қўзғолоннинг Туркистон маъмуриятининг бевосита ҳарбий ёрдами билан бостирилиши ва Қарши, Китоб ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларининг хонликка топширилиши Туркистон генерал-губернаторлиги билан Бухоро хонлиги ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишида қанчалик аҳамият кашф этган бўлса, ўзаро сув тақсимоти масаласининг тинчлик билан ҳал этилиши, бу алоқаларнинг мустаҳкамланишида шунчалик аҳамиятга эга эди. Шу сабабли К. П. Кауфман 1870 йил 2 апрелда А. К. Абрамовға ёзган мактубида қуйидагиларни таъкидлайди: «Бу иш [сув тақсимоти] ҳеч қандай можаросиз тўғри амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Биз Бухорони сув танқислиги остида қолдирмаслигимиз керак. Умуман, мен бу ишни жуда муҳим иш деб ҳисоблайман ва Бухоронинг аввалгидан кўп бўлмаса ҳам, ундан оз бўлмаган миқдорда сувга эга бўлишини хоҳлар эдим»<sup>69</sup>.

Ўзаро сув тақсимотини бевосита бошқарувчи Зарафшон округининг бу масалаға муносабати ва 1870 йилги сув танқислиги дав-

<sup>68</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 41, л. 3.

<sup>69</sup> ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 7; см.: ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 41, 51, 4.

рида Бухоронинг сув таъминотидаги аҳволини А. К. Абрамовнинг Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари бошлиқларига юборган фармойишлари ва бу фармойишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар ҳамда Бухоро ҳукмрон доираларининг сув юзасидан Зарафшон округи маъмурларига ёзган мактубларидан аниқлаб олиш мумкин. Масалан, Бухоро вакили Самарқандга келган куннинг эртаси, яъни 8 апрелда А. К. Абрамов Каттақўрғон ва Самарқанд бўлимларидаги барча каналларни боғлаб, сувнинг ярмиги Бухорога ташлаш тўғрисида буйруқ беради<sup>70</sup>. 1870 йилнинг 19 апрелида у К. П. Кауфманга юборган ахборотида: «Бухорони дарҳол сув билан таъмин этиш тўғрисида сиз жаноби олийнинг шахсий фармойишингизни олибоқ, илгариги вақтларда қандай тартибда амалга оширишган бўлса, худди шу тартибда каналларни боғлаш ҳақида буйруқ бердим. Сўнгра, сувсизлик тўғрисида кейинчалик Бухоро ҳукумати томонидан ҳеч қандай шикоят ва маломат бўлмасин ҳамда амирнинг илтимоси жуда яхши бажарилаётгани ҳақида Бухоро элчиси шахсан ишонч ҳосил қилсин деб уни Самарқандда 4 кун туришга таклиф қилдим»<sup>71</sup>, — деб ёзади.

Каттақўрғон бўлими бошлиғи А. Д. Озеров ва Самарқанд бўлими бошлиғи Серовларнинг А. К. Абрамовга ёзган ахборотларида Бухорога сув ташлаш тўғрисидаги фармойиш қатъий жавобгарлик асосида амалдорларга дарҳол эълон қилингани<sup>72</sup> ва 12 апрелдан бошлаб магистрал каналларнинг ярим суви бир ой муддат билан Оқ ва Қорадарёларга ташлангани тўғрисида хабар қилинади<sup>73</sup>. Аммо дарёда оқимнинг ниҳоятда озлиги туфайли, ташланган сув бир ой мобайнида ҳам Бухорогача етиб бормади<sup>74</sup>. Шу сабабли қушбеги Муҳаммадшоҳбий Самарқанд маъмурларига мурожаат қилиб, яна 15 кун сувнинг Бухорога «обандоз» қилинишини сўрайди<sup>75</sup>. Гарчи Самарқанд воҳасида шоли экиш мавсуми бошланиб, сувга муҳтожлик кун сайин ортиб бораётган бўлса ҳам, қушбегининг талабини қондириш учун А. К. Абрамов барча каналларни боғлаб, сувнинг ярмини 20 майдан 4 июнгача Бухорога ташлаш тўғрисида Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига буйруқ беради<sup>76</sup>. Шу йил 18 майда қушбегига юборган жавоб мактубида у «гарчи ҳозирги вақтда деҳқонларимизнинг ерларини суғориш учун сув ўзимизга керак бўлса ҳам, дўстлик муносабатларимиз туфайли мен Зарафшондан бош олган барча каналларни дарҳол боғлаб, 15 кун «нимжўй» қилишга буюрдим»<sup>77</sup>, деб таъкидлайди.

<sup>70</sup> ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 1.

<sup>71</sup> Уша архив, varaқ 8—9; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 41, л. 5.

<sup>72</sup> ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 3.

<sup>73</sup> Уша архив, varaқ 11.

<sup>74</sup> Уша архив, varaқ 13—18.

<sup>75</sup> Бухоро қушбегиси А. К. Абрамов ва Серов номларига биттадан ҳамда А. Д. Озеров номига кетма-кет иккита мактуб юборди. ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 13—18; 30—32.

<sup>76</sup> Уша архив, varaқ 20.

<sup>77</sup> Уша архив, varaқ 21.

Бухоро вакили Яқуб қоровулбеги 4 июнгача Самарқандда бўлиб<sup>78</sup>, сув тақсимоги устидан назорат қилиб туради. Бу вақтда дарё оқими Бухорогача етиб боради<sup>79</sup>. Шундай қилиб, 1870 йил баҳор ва ёз ойларида Зарафшонда сув ниҳоятда оз бўлишига қарамасдан, Бухорога сув етказиб берилади.

Бу даврда Самарқанд маъмурияти хонликнинг Зарафшон округи билан бевосита чегарадош бўлган Зиёвуддин беклигининг сув таъминотига ҳам алоҳида эътибор беради. Чўпонота сув айирғич иншоотини тиклаш учун ҳар йили Зиёвуддин бегига ижозат берилиб, бу билан у керакли йиқдорда сувни дарёдан боғлаб олиш имконига эга бўлса ҳам, баъзан унга сув танқислиги даврида, Нарпай канали системаси бўйича барча сувни бекликка «обпарта» қилиш учун рухсат берилади. Масалан, 1871 йилда, Офаринкент тумани ва Каттақўрғон бўлимида Нарпай каналдан чиқарилган барча ариқлар боғланиб, 15 кунгача сув Зиёвуддин районига «обпарта» қилинади<sup>80</sup>.

Бухорони сув билан таъминлаш учун қилинган бундай илтифот хонликнинг Россияга нисбатан туган муносабатига, хусусан 1870 йилда Бухорога юборилган А. С. Носович миссиясига топширилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига катта таъсир этган эди. Буни «Туркестанские ведомости» газетасининг 1870 йил 6-сонида А. С. Носович миссияси тўғрисида нашр этилган қўйидаги ахборот яққол намоён қилади. «Бухорода бўлган даво мобайнида полковник А. С. Носович русларга нисбатан Бухоро халқининг кайфияти бегараз эканига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилди. Сувга бўлган муҳтожлик жуда ҳам зўрайган вақтда Самарқанддан сувнинг кечиктирилмасдан дарҳол Бухоро ариқларига ташланиши дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига айниқса катта таъсир қилган эди»<sup>81</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Самарқанд масаласи»ни ҳал қилиш жараёнида Туркистон маъмурияти Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги ўзаро сув тақсимога катта аҳамият беради. Бухорони сув билан таъминлашда водийнинг сув хўжалигидаги мавжуд тартибларга риоя қилишга ҳамда бухороликларнинг талабини мумкин қадар қондиришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман Ўрта Осиёда Россиянинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш ва «Самарқанд масаласи»да ўз йўлининг ғалабасини таъминлаш учун сув масаласида Зарафшон водийсида қўлга киритилган устунликдан XIX асрнинг айрим авторлари томонидан тавсия қилинган «Бухорони сувдан сиқиш йўлидан» фойдаланмай, балки аксинча, зарафшонликлар ўртасида қабул этилган ва қадим замон-

<sup>78</sup> Бухоро вакилининг таъминоти учун Самарқанд маъмурияти суткасига 5 сўмдан маблағ ажратади. ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 27.

<sup>79</sup> ЦГА УзССР, ф. И-5, оп. 1, д. 30, л. 35.

<sup>80</sup> А. Гребенкин, О причинах неурожаев в Бухарском ханстве, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>81</sup> Известия о пребывании русского посольства в Бухаре, «Туркестанские ведомости», 1870, № 6.

лардан бери фойдаланиб келинган одат бўйича белгиланган миқдордаги сувни хонликка етказиб берди. Бундай тактика, шубҳасиз, сув бошининг Россия қўл остига ўтиши билан Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида пайдо бўлган тахликага, вақтинчалик бўлса ҳам барҳам берилиб, сув масаласида хонлик томонида содир бўлиши муқаррар бўлган шикоят, норозилик ёки даъвогарликнинг олди олиниб, эҳтиёт чораси кўрилган эди.

### 3. Сув тақсимоти комиссияси ва Чўпонота сув айирғичини реконструкция қилиш

Бухоро хонлиги билан Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасида олиб борилган дастлабки музокаралар асосида Самарқанд билан Бухоронинг ўзаро сув тақсимоти аввалгича қолдирилиб, уни амалга ошириш ерли миробларнинг ихтиёрига топширилган бўлса ҳам, аммо бу масала ҳали расман ечилмаган эди. Чунки сув тақсимоти тартиблари тўғрисида томонлар қатъий келишиб олмаган эдилар. Шу сабабли 1872 йил январь ойида Самарқандда сув тақсимоти бўйича А. К. Абрамов бошчилигида махсус комиссия тузилади<sup>82</sup>. Л. Н. Соболевнинг ёзишича, комиссиянинг асосий вазифаси Бухоро ва Зиёвуддин беклиги сув таъминоти учун Зарафшон оқимининг умумий миқдорига қараб, қўлланиладиган чора ва тадбирларнинг тартибини белгилашдан иборат эди<sup>83</sup>. Шунга кўра, комиссияга кўпроқ хонлик томонидан бўладиган талабларни аниқлашга ва амалга ошириладиган чораларни асосан Бухоро вакилларининг ахборотлари бўйича белгилаб чиқишга тўғри келади.

Бухоро вакили Абдулғаффор иноқнинг комиссияга берган ахборотига кўра, деҳқончилик мавсумида Зиёвуддин беклиги учун июнь—август ойлари ва Бухоро учун апрель—май ҳамда август—сентябрь ойлари сувнинг энг зарур даврлари ҳисобланган. Шунга асосан комиссия бухороликларнинг талабини ҳисобга олиб, сув тақсимоти бўйича қуйидаги тартибни қабул этган: 1) июнь ва август ойларида Каттақўрғон бўлими ва Офаринкент туманини сугориш системаларини «нимжўй» қилиб, Зиёвуддин беклигига сув миқдорини кўпайтириб бериш<sup>84</sup>; 2) Бухоронинг сув таъминоти учун, дарё оқимининг умумий сатҳига қараб, мавсумда бир ойдан икки маротаба: биринчи марта, 15 апрелдан 15 майгача ва иккин-

<sup>82</sup> Комиссия составида ҳар икки томондан учтадан вакил қатнашади (ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 29, д. 746, л. 23; *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Записки о долине реки Зеравшан и ее ирригационной системе, Самарканд, 1872, стр. 45. *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 208; *Яна қаранг:* Eugene Schuyler, Turkistan, Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand and Kulja, London, 1876, V, I, p. 288; *Яна қаранг:* З. Ж и ж е м е н с к и й, Ирригационное дело в долине Зеравшана, «Туркестанские ведомости», 1888, № 5.

<sup>83</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 268.

<sup>84</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 269.

чи марта, 15 августдан 15 сентябргача Зарафшон округидан сувни Бухорога «обпарта» ёки «нимжўй» қилиш<sup>85</sup>. Демак, комиссия хонлиқнинг талабига асосан, сув тақсимотидаги мавжуд тартибни муҳокама қилиб, бир оз ўзгартишлар билан уни ҳар икки давлат маъмурияти олдида қайтадан расмий равишда қабул қилди. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, комиссиянинг юқоридаги қарорларига Самарқанд вакиллари эътироз билдирадидлар, айниқса, улар дарёда сув кам бўлган даврларда оқимнинг деярлик ҳаммасини бир ойдан икки марта Бухорога «обпарта» қилиш усулига мутлақо қарши эдилар. Чунки улар деҳқончилик мавсумида сувга талаб ортган вақтда сувни икки ой мобайнида Бухорога ташлаб, Самарқанд воҳасини тамоман сувсиз қолдириш билан, Зарафшон округининг қишлоқ хўжалигига катта зарар етказиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

1872 йилда Самарқандда тузилган комиссиянинг фаолиятига Л. Н. Соболев баҳо бериб: «Бухоро хонлиги билан бизнинг қўл остимиздаги ерлар ўртасида Зарафшон сувининг тақсимоти тўғрисида тартиблар ўрнатишда фақат биргина Бухоро ҳукуматининг талабига асосланмай, балки Зарафшон округи ирригациясининг эҳтиёжларини ҳам эътиборга олиш керак»<sup>86</sup>,— деб ёзади.

Шу сабабли бўлса керак, Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида комиссия қабул қилган қарорга кейинчалик қатъий риоя қилинмайди. Натижада хонлик сув масаласида Туркистон маъмуриятига шикоят қилиб туради. Масалан, Аҳмад Дониш Бухоро вакили сифатида 1873 йили Петербургда бўлган вақтида Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман билан Бухоро суви масаласи бўйича музокара олиб боради. «Бир сафар элчилик билан император пойтахтига етиб борганимда,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— Бухоронинг суви тўғрисида губернатор [К. П. Кауфман] билан баҳслашдим: «Модомики, император бизга нисбатан муруватли экан, сен эса дўстлик даъвосини қилаяпсан, Самарқанд сувини баробар тақсимлаб, 10—15 кун Бухорога ҳавола қил ва 10—15 кун Самарқандга инъом қил...»<sup>87</sup>.

Комиссия қарорининг баҳс мавзусига айланиши ва амалда унга айтарлик риоя қилинмаганлиги, сув тақсимотидаги эски тартиб ва қондаларнинг эндиликда бўлинган водийдаги ҳар икки томонлар-

<sup>85</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 29, д. 746, л. 23; Яна қаранг: Н. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 269; Яна қаранг: Eugene Schuyler, Turkistan... p. 288.

<sup>86</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 272.

<sup>87</sup> Аҳмад Дониш, Рисола ё муҳтасаре аз таърихи салтанати хонадони Манғития, 134-бет.

و نوبتی که همراه سفارت بپایتخت امپراطوری رسیدہ بودم، از برای آب بخارا باگبرنات مناقشا نمودم: چون امپراطور بہا مروت دارد، تودعوی دوستی داری آب سمرقندرا بہ تسویہ بخش کن وده روز پانزده روز ببخارا حوالہ کن وده روز پانزده روز بسمرقند فرمای...



нинг талабига жавоб бера олмай қолганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам К. П. Кауфман Аҳмад Донишнинг Зарафшон сувини баробар тақсим қилиш тўғрисидаги таклифига розилик билдиради ва уни амалга ошириш учун ваъда беради. «Бу масалада ҳаддан ташқари кўп мартаба биз қаттиқ туриб талаб қилганимиздан, у [губернатор] безор бўлди. [Сўнгра] — Сизлар хотиржам бўлинглар, мен Самарқанд ҳоқимига ёзма буйруқ бераман. Сизларнинг хоҳишингизга мувофиқ ҳар йили у сувларингизни ўз вақтида етказиб беради»<sup>88</sup>, — деб жавоб беради.

Петербургда сув масаласи бўйича олиб борилган музокаралар ҳақида Аҳмад Дониш рисоласида қуйидагиларни баён қилади: «Тошкентдан чиқиб, Самарқандга кириб келган вақтимизда Самарқанд ҳоқими Абрамов биз билан учрашди ва илтифот қилиб айтдики, дарё сувини қандай хоҳласанглар ва айтсанглар шундай қилиб, Бухоро ва Самарқанд ўртасида бир неча кундан баробар тақсимлаб беришим ва дарёда сув бор экан бу тақсимотнинг қатъий бўлиши тўғрисида губернатордан менга буйруқ келди. Энди сиз булар тўғрисида ўз амирингизни хабардор қилинг. У ишончли ва мўътабар бир кишини юборсин. У ва сув хўжалиги одамлари билан мушоҳада қилиб, сувни тақсим қиламиз»<sup>89</sup>.

Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида Туркистон маъмуриятининг илтифот билан ваъда беришига қарамасдан, Л. Н. Соболевнинг ёзишича, сув масаласини бари бир биргина бухороликларнинг талабини қабул қилиш билан ечиб бўлмас эди. Уни фақат Зарафшон дарёси ва унинг оқими ҳамда водийнинг ҳар икки қисмидаги суғориш системаларини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш асосида ҳал қилиш керак эди<sup>90</sup>.

Шундай қилиб, комиссия Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласини бухороликларнинг талабига асосан ҳал этган бўлса ҳам, аммо Зарафшон водийсидаги сиёсий вазият сув масаласини водийнинг ҳар икки қисмидаги суғорма деҳқончи-

<sup>88</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 134-бет.

ما درين باب ابرام از حديش برديم، تاكه بيزار شد گفت: شما دلجمع باشيد، من بحاكم سمرقند خط و نشان ميفرستانم كه هر ساله آب شما بوقتش برساند و موافق مرام شما.

<sup>89</sup> Аҳмад Дониш, Рисола..., 152—153-бетлар.

وقتیکه از تاشکند مرخص شده داخل سمرقند شدیم، ابرامی حاکم سمرقند بما ملاقات نموده و فرمود: بامن بویروق آمد از گیرنات که آب دریا را چنانکه خواهید و گوئید میان بخارا و سمرقند بتسویه تقسیم کنم چندروز — چندروز و این قسمت تابدریا آب باشد استوار و محکم بود اکنون شما بامیر خود عرضه آنها کنید، تایک آدم معتمد و معتبر بفرستاند، بمشافهه وی و آدماں آبدن آبرا تقسیم کنیم.

<sup>90</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 271—272-бетлар.

ликнинг ер майдони ва сувга бўлган эҳтиёжига қараб сув тақсимотининг пропорционал жорий этилишини тақозо қилмоқда эди.

Л. Н. Соболевнинг фикрича, ўзаро сув тақсимоти бўйича, қатъий тартиб ўрнатиш учун аввало қуйидаги масалаларни аниқлаб олиш лозим эди:

1) Зарафшон оқими, айниқса, унинг Хатирчидан то Денгизкўлагача бўлган ва рус гадқиқотчилари учун деярли номаълум қисмини батафсил ўрганиш;

2) Бухоро хонлиги худудида Зарафшондан чиқарилган каналлар, уларнинг суғориш қобилияти ва қўш<sup>91</sup> ҳисоби ҳар бир каналдан суғориладиган ер майдони ҳажмини белгилаш;

3) Нарпай канали системасини муфассал ўрганиш;

4) водийда етиштириладиган агротехника экинларининг навларини, ҳар бир экин майдонининг қўш ҳисоби билан ҳажми ва бир йилда ҳар бир экинга сарфланадиган сувнинг миқдорини аниқлаш;

5) Зарафшон округида дарёдан бош олган каналлар ва уларнинг суғориш қобилияти ҳамда ҳар бир каналдан суғориладиган ер майдонининг ҳажми ва экин турларини аниқлаш;

6) дарё сув сағҳини ўлчаш ва водий бўйлаб унинг тақсимотини тўғри амалга ошириш учун тўртта жойга: а) Панжакент шаҳари яқинида Зарафшонга, б) Чўпонота мавзеида Оқдарёга, в) Хатирчи шаҳари яқинида Оқдарё ва Қорадарёларнинг қўшилган ерига ва г) Каттақўрғон билан Зиёвуддин чегарасида Олчинёғоч қишлоғи яқинида Нарпай каналига сув ўлчагичлар ўрнатиш;

7) ўтган замонларда Қорақўлнинг сув билан таъминланишини аниқлаш<sup>92</sup>.

Л. Н. Соболев томонидан кўтарилган бу масалалар водийнинг сув ҳўжалигини, айниқса, унинг ирригация системаларини илмий асосда текшириш учун тавсия этилган дастлабки фикр ва мулоҳазалар бўлиб, уларни амалга ошириш, шубҳасиз, водийдаги сув муаммосини ечишда катта аҳамият кашф этиши мумкин эди. Бундай мураккаб ва масъулиятли ишларни амалга ошириш учун аввало сув ҳўжалиги маъмуриятини ташкил этиш зарур эди. Шу муносабат билан водийда ирригация ишларини ташкил этиш ва уларни бошқариш мақсадида 1872 йилда Самарқандда «Зарафшон округи ирригациясининг мудири» лавозими ташкил этилади<sup>93</sup>. Бу лавозимга даставвал рус ирригатори Черневский тайин қилинади<sup>94</sup>. Рус ирригаторлари текшириш ишларини Самарқанд воҳасидан бошлайдилар. Бу табиий эди. Чунки Самарқанд маъмурияти учун аввало ўз қўл остидаги ҳўжаликни ўрганиш ва унинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш керак эди. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, сув ҳўжалиги бўйича, Панжакентдан Бухоро хонлиги чегарасигача бўлган масофада Зарафшон дарёси ва бу район-

<sup>91</sup> Бир қўш — 13,02 десятинага тенг.

<sup>92</sup> Л. Н. С о б о л е в, Ўша асар, 272—273-бетлар.

<sup>93</sup> Ирригационная система реки Зеравшан, «Туркестанский сборник» т. 152, стр. 44.

<sup>94</sup> З. Ж и ж е м с к и й, Ирригационное дело в долине Зеравшана, «Туркестанские ведомости», 1888, № 6.

да ундан чиқарилган Дарғом, Ем, Қозон, Туятортар ва Нарпай каби энг йирик каналларнинг ўзанлари нивелировка (ер нишабини аниқлаш) қилинади. Шу билан бирга, дарёнинг ўрта оқимига жойлашган катта-кичик каналлар текширилиб харитага туширилади. Натижада, бу каналларнинг узунлиги, суғориш қобилияти ва суғориладиган районлари ҳамда ҳар бир ирригация системаси бўйича суғорма деҳқончилик ер майдонининг умумий ҳажми аниқланади. Л. Н. Соболевнинг маълумоти бўйича, Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган 56 канал бўлиб, улардан 42 таси Панжакент ва Самарқанд бўлимларини, 14 таси Каттақўрғон бўлимини суғорар эди<sup>95</sup>. Самарқанд воҳасида Зарафшондан бош олган 56 каналдан суғорилган ер майдонининг умумий ҳажми 9893,79 қўш ёки 128818,75 десятинага тенг бўлган. Шу жумладан, Самарқанд бўлимида 7410,25 қўш ёки 96487,5 десятина ва Каттақўрғон бўлимида 2483,53 қўш ёки 32331,25 десятина<sup>96</sup> ер майдони суғорилган.

1888 йилда Самарқанд ҳарбий губернаторининг Россия Ҳарбий министрлигига юборган ҳисоботи бўйича, Зарафшон водийсида дарёдан 142 та магистрал канал бош олиб, шундан 99 таси Самарқанд воҳасини ва 43 таси Бухоро воҳасини суғорар эди. Водий бўйича ҳаммаси бўлиб 1924 та иккинчи даражали каналдан 985 таси Самарқанд қисмида ва 939 таси Бухоро қисмида жойлашган<sup>97</sup>.

Л. Н. Соболев маълумотига кўра, ўтган асрнинг 70-йилларида Бухоро воҳасининг суғорма деҳқончилик ер майдони 22210 қўшга ёки 289174,2 десятинага тенг бўлган. Шу жумладан, Бухоро районлари бўйича ер майдони 1-жадвалдагидек тақсимланган<sup>98</sup>.

Рус ирригаторлари водийда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари, экиладиган районлари, экиш ва суғориш даврларини аниқладилар.

Зарафшон водийсида экиш даврига қараб, икки хил экин нави етиштирилади: 1) «тирамойи ёки оқ» — кузда экиладиган зироатлар: арпа, бугдой, зиғир, кўкнори ва бошқалар; 2) «Кўк» — баҳор мавсумида экиладиган зироатлар: жўхори, шоли, тарик, мош, нўхот, қўноқ, сабзи, пиёз, шолғом, тамаки ва бошқалар. Булардан

---

<sup>95</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 227—249.

<sup>96</sup> Л. Н. Соболев, Записка о долине реки Зеравшан и ее ирригационной системе, Самарканд, 1872, стр. 19; *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Об орошении Зеравшанской долины, ИИРГО, т. IX, 1873, стр. 238. *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Долина реки Зеравшан и ее ирригационная система, ТВ, 1874, № 15, *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 231 и 249.

<sup>97</sup> ЦГВИА СССР, Азиатская часть, ф. 400, д. 74, л. 17.

<sup>98</sup> Л. Н. Соболев, Записки о долине реки Зеравшан и ее ирригационной системе, стр. 29—37; *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Об орошении Зеравшанской долины, стр. 237; *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Долина реки Зеравшан и ее ирригационная система, «Туркестанские ведомости», 1874, № 17—18; *Яна қаранг:* Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, стр. 253—259.

ташқари водийда ғўза, йўнғишқа (беда) ва алапигов (ўт) ҳам экилар эди.

Бу зироатлардан буғдой, жўхори ва шоли Зарафшон округида, яъни водийнинг ўрта қисмида етиштирилди. Масалан, буғдой асосан сентябрь—ноябрь ойларида экилиб, апрель ойида бир марта, май ойида икки марта суғорилган. Шоли май ойида экилиб, 90 кун давомида муттасил суғорилган. Шоли Зарафшон округининг Шавдор, Широқ, Офаринкент, Суғут, Каттақўрғон, Янгиқўрғон ва Пайшанба туманларида етиштирилган. Булардан ташқари

1-жадвал

Районлар номи	Қўш ҳисобид	Десятина ҳисобида
Зиёвуддин беклиги	2970	38669,4
Хатирчи беклиги	1250	16275
Қармана беклиги	2170	28253,4
Ғиждувон тумани	1500	19530
Шоффриком (Варданзе) тумани	900	11718
Пирмаст тумани	600	7812
Вобкент (Қомод) тумани	1050	13671
Зандана (Хитфар) тумани	1500	19530
Ромитан (Сомжан) тумани	900	11718
Жондор (Хайробод) тумани	1200	15624
Вогонзе (Қоми Абуमुслим) тумани	900	11718
Бухоро шаҳари ва унинг атрофи	5770	75125,4
Қоракўл	1500	19530
Жами	22210	289174,2

Зарафшон округида кўп сув талаб қиладиган зироатлардан тарик, қўноқ, зиғир ва ғўза экилган.

Зарафшон водийсида ҳаммаси бўлиб 32 хил қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, картошка ҳам етиштирилган<sup>99</sup>. Картошка экиш Ўрта Осиёнинг бошқа районларидагидек, Зарафшон водийсига ҳам руслар томонидан олиб келинган. Ҳар бир экин навини экиш вақти, суғориш муддати, ҳар бир десятина ер майдонидаги экинга сарфланадиган сув миқдорини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Зарафшон водийсининг Самарқанд қисмида асосан сувни кўпроқ талаб қиладиган зироатлар экилиб, сувга муҳтожлик даври апрель—август ойлари ҳисобланган. Апрельда сув «кўк экинларни» экиш ва «тирамои — оқ экинларни» суғориш учун, май—июль ойларида у шоликорлик учун керак бўлган. Август ва сентябрь ойларида эса куз-

<sup>99</sup> ЦГВИА СССР, Азиатская часть, ф. 400, д. 74, л. 19—20.

Экин нави	Экиш даври	Сугорилиш даври	Сугориш сони	Ҳар десятина ерга сарфланган сувнинг миқдори (куб. саж. ҳисобинда)
буғдой	август—сентябрь	апрель—май	3	415
арпа	август	апрель—май	3	415
кўкнори	август	апрель—июнь	4	583
пиёз (кузги)	август	март ойдан бошлаб ҳар 4 кунда	15	1037
шоли	апрель—июнь	90 кун муттасил сув остида	3	1890
ғўза	апрель	июль—сентябрь ҳар 24 кунда	6	415
жўхори	апрель	июнь ойининг охиридан ҳар 10—16 кунда	20	830
тариқ	апрель	ҳар ҳафтада	6	2765
қўноқ	май—июнь	ҳар 3 ҳафтада (20 июндан)	6	830
нўхат	апрель—май	ҳар 3 ҳафтада (20 июндан)	3	830
мош	май—июнь	ҳар 3 ҳафтада (1 июндан)	8	415
бурчоқ	март—апрель	ҳар 3 ҳафтада (1 июндан)	24	1106
тамаки	март—апрель	ҳар 10 кунда 3 марта, сўнгра ҳар 3—6 кунда	7	1659
зиғир	март	ҳар 3 ҳафтада	3/7	968
кунжут	апрель—май	тупроқ шароитига қараб ҳар 2 ҳафтада	6	415/986
каноп	март	ҳар 10—16 кунда	8	830
тарвуз	апрель—май	тупроқ шароитига қараб ҳар 2 ҳафтада ёки ҳар ойда	8	554
қовун	март—май	—	5/10	346/692
беда	апрель	ҳар 2 ҳафтада	7	968
руян (4 йиллик ўсимлик)	май	майдан то октябргача ҳар 2 ҳафтада	24	3317
адрас	апрель	ҳар ойда бир марта	5	691
савзи (баҳорги)	март	биринчи ойда ҳар 10 кунда, сўнгра 4 ойда ҳар 4 кунда	34	1632
бодринг	апрель	3 ҳафта ҳар 3 кунда, сўнгра 2 ой ҳар куни	69	3312
карам	апрель	3 ҳафтада ҳар куни, сўнгра 12 марта ҳар 8 кунда	34	1632
картошка	февраль—март	бир ой ҳар 10 кунда ва 3 ой ҳар ҳафтада	19	912
лавлаги	март—апрель	ҳар 2 ҳафтада	12	576
шолғом	март—апрель	ҳар 3 ҳафтада	8	384
қовоқ	апрель	тупроқ шароитига қараб	3/8	208/553
қалампир	март	4 ой ҳар 10 кунда	12	870
пиёз (баҳорги)	март	ҳар 4 кунда	14	989
чилим каду	март	бир ой ҳар 10 кунда, сўнгра 20 кун мобайнида ҳар куни	24	1760
ток	кўп йиллик	январь, май, июнь ва ноябрь	4	936

ги «оқ экинларни» экиш олдидан сув ерни суғориб ҳайдаш учун керак бўлган.

Булардан ташқари, Зарафшон дарёсининг сув балансини ҳамда Самарқанд ва Бухоро воҳаларида сарфланадиган сув миқдорини аниқлаш учун ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ Зарафшон дарёсининг олти жойига сув ўлчаш пунктлари барпо этилган. Бу пунктлардан биринчиси, Панжакент шаҳаридан 20 км юқорида дарё устига қурилган Дупул кўприги яқинига, иккинчиси, Зарафшонга қуйиладиган Мағиён дарёси бўйига, учинчиси, Чўпонота яқинида Зарафшон қирғоғига, қолганлари Самарқанд округи билан Бухоро хонлиги чегарасида Оқдарё, Қорадарё ва Нарпай канали қирғоғига қурилган.

Сув ўлчаш пунктларининг аввалги иккитаси Зарафшон дарёсининг суви водийдаги суғориш тармоқларида сарф бўлмасдан унинг кундалик сув миқдорини ўлчаш ҳамда дарё оқимида содир бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш имкониятини берса, қолганлари водийнинг юқори ва қуйи қисмларига жойлашган районларда сарф бўладиган сув ҳажмини аниқлаш имконини берар эди. Ўтган асрнинг 70—80-йилларида юқоридаги сув ўлчаш пунктлари воситаси билан Зарафшон оқими муттасил ўлчаб борилмаган бўлса ҳам<sup>100</sup>, ҳар қалай уларнинг ўрнатилиши Самарқанд ва Бухоро ўртасида пропорционал сув тақсимотини жорий этишда рус ирригаторлари томонидан кўрилган амалий чоралардан бўлиб, сув масаласини ечишда у шубҳасиз кейинчалик ҳал қилувчи аҳамият кашф этган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб рус мутахассислари Зарафшон водийсининг ирригация ва қишлоқ хўжалигидаги умумий аҳволни ва асосий сув манбаи Зарафшоннинг сув балансини ўрганишга киришадилар. Шундан сўнг А. К. Абрамов, водийда олиб борилган дастлабки текширишларга суяниб, 1874 йил 16 июнь ва 19 июлда махсус фармон орқали ирригация мудирини Черневскийга — Самарқанд воҳасида дарё сувини ирригация системалари ўртасида одат бўйича тақсимлаш, ниҳоят суғоришнинг ҳақиқий талаблари ва Зарафшондаги сувнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларга асосланган бирмунча рационал тақсимотга ўз ўрнини бериши керак деб буйруқ беради<sup>101</sup>.

Бу даврда рус ирригаторлари Зарафшон водийсининг суғориш системасини ўрганиш билан бир қаторда, уни қайта қуриш учун биринчи қадамларни қўя бошладилар. Биринчи навбатда, бу иш Чўпонота сув айирғич тўғонидан бошланади. Чунки бу иншоот Каттаўрғон бўлими ва Зиёвуддин беблиги ерларини суғоришда асосий сув узели бўлиб, уни тиклаш ва тартибда сақлаб туриш ўзаро сув тақсимотида муҳим аҳамиятга эга эди.

Зарафшон водийсининг юқори қисми подшо ҳукумати томонидан қўшиб олинганидан сўнг, Чўпонота ва Нарпай тўғонларини

<sup>100</sup> Зарафшон оқимини муттасил ўлчаш XIX асрнинг 90-йилларидан бошланади.

<sup>101</sup> З. Ж и ж е м с к и й, Ирригационное дело в долине Зеравшана, «Туркестанские ведомости», 1888, № 6.

тиклаш иши эски тартибда қолдирилганлиги тўғрисида юқорида эслаб ўтган эдик. Шу вақтдан бошлаб бу иншоотларга сарф бўладиган маблағ ва ишчи кучи Бухоро хонлиги ва Зарафшон округи ўртасида мазкур районларда Қорадарёдан суғориладиган ер майдонининг умумий ҳажмига қараб баробар тақсим қилиш жорий этилади. Бу вақтда Қорадарёдан суғориладиган ер майдонининг умумий ҳажми, ўртача ҳисобда Зиёвуддин беклигида 2000 қўшга, Каттақўрғон бўлимида 1200 қўшга ва Самарқанд бўлимида 800 қўшга тенг бўлган<sup>102</sup>. Шунга асосан мазкур иншоотларга ҳар йили сарф бўладиган ҳаражатларнинг 0,5 қисмини Зиёвуддин беклиги, 0,3 қисмини Каттақўрғон ва 0,2 қисмини Самарқанд бўлими тўлар эди<sup>103</sup>. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бу вақтда тўғонлар учун ишлатиладиган қурилиш материалларини сотиб олиш ва уларни ташиб келтириш учун сарф бўладиган маблағни Зиёвуддин беклиги ва иншоотларни тиклаш учун керакли миқдордаги ишчи кучини Каттақўрғон ва Самарқанд бўлимлари берар эди.

Бироқ бу иншоотларни тиклаш мавсумий характерга эга бўлиши, бир тарафдан, йил сайин, юқорида айтиб ўтилганидек, катта маблағ ва зўр куч талаб этса, иккинчидан, Зиёвуддин беклигини ҳам ва Каттақўрғон бўлимини ҳам мунтазам равишда сув билан таъминлай олмас эди. Чунки улар дарё тошқинлари даврида сувнинг кучига бардош бера олмай, мавсумда бир неча бор бузилиб кетар, натижада деҳқончилик учун сув энг зарур бўлган даврларда ирригация системалари сувсиз қолиб, дала ишлари қизғин кетаётган бир вақтда деҳқонлар тўғонни тиклаш учун қайта-қайта ҳашар қилишга мажбур бўлардилар. Шубҳасиз, бундай аҳвол Қорадарёдан суғориладиган районлар деҳқончилиги учун жуда зарарли эди. Шунинг учун ҳам бу иншоотлар, айниқса, Чўпонота тўғонини тиклаш масаласи, кўп ўтмай маҳаллий ирригация системаси билан эндигина танишиб келаётган рус ирригаторларининг диққатини жалб этган эди. Улар бу иншоотлар ўрнига мустаҳкам тўғон қуриш ва сарф бўладиган ҳар йилги катта ҳаражатларни бирмунча қисқартириш йўлини қидира бошлайдилар. Шу мақсадда 1871 йилда махсус комиссия ташкил этилиб, унга Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарёларга ажралган ерида дарё оқимини ўрганиб, Чўпонотадаги мавсумий тўғон ўрнига, мустаҳкам сув айирғич иншооти қуриш масаласини аниқлаш топширилади<sup>104</sup>.

Бироқ комиссия қуйидаги сабабларга кўра бу масалани амалга ошириш мумкин эмаслигини аниқлади: 1. Агарда доимий тўғон қурилса, дарёнинг оқизинди жинслари унинг олдига тўпланиб, ўзанининг ўнгга томон силжишига олиб келади. Натижада кўп ўтмай Зарафшон ўзига янги ўзан очиб, тўғон четда қолиши мумкин эди. Бунга қарши тўғондан ташқари унинг маълум жойига сув ташлагич иншоотлар қуриш билан бирга, Зарафшонини ўз йўналишида

<sup>102</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 20; Яна қаранг: Ирригационная система реки Зеравшан, «Туркестанский сборник», т. 152, стр. 42.

<sup>103</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 1, 14, д. 324, л. 20.

<sup>104</sup> Ирригационная система реки Зеравшан, «Туркестанский сборник», т. 152, стр. 143.

ҳаракат қилишга мажбур этиш учун унинг қирғоқларини бир неча километр масофада мустаҳкамлашга ва бирмунча кўтаришга тўғри келар эди. 2. Агарда бундай тадбир амалга ошириладиган бўлса, дарё ўзани чуқурлашиб, унинг кечувларидан мутлақо ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолар эди. Бу эса мамлакатнинг алоқа ишларининг тўхтаб қолишига олиб келарди. Чунки Чўпонота яқинида дарё иккига ажраладиган жойдан мамлакатнинг асосий савдо ва почта йўллари кесиб ўтар эди. Бунинг учун Зарафшон дарёси устига мустаҳкам кўприк қуриш керак эди. Бундай капитал қурилиш, биринчидан, кўп миқдорда қурилиш материалларини, иккинчидан, катта маблағни талаб этар эди. Водийда эндигина ташкил топган Самарқанд маъмурияти бундай ишни амалга ошириш учун ҳали ожиз эди. 3. Водийда етарли даражада ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари бўлмаганлиги туфайли дарвозалик тўғонини қуриш ҳам мумкин эмас эди<sup>105</sup>.

Бундан ташқари, Чўпонота тўғонини реконструкция қилиш масаласи яна бошқа сабаб билан ҳам боғлиқ эди. Маълумки, ҳар йили бу иншоотни тузатиш ёки қайта тиклаш Зиёвуддин беги ихтиёрида бўлиб, бу унинг учун яхшигина даромад манбаи эди. Тўғонни тиклаш учун Зиёвуддин беклигидан тўпланган маблағни<sup>106</sup> сарфлашда, у шахсий фойдасини кўзлаб, уни суистеъмол қилар эди. Бунинг устига, иншоотнинг кўпинча ўз вақтида тузатилмаслиги ёки ремонтнинг шошилини олиб борилиши натижасида тўғоннинг бепанд бўлиб қолиши дарё тошқинлари даврида уни бир неча бор оқим олиб кетишига сабаб бўлар эди. Оқибатда Қорадарё воҳаси бутунлай сувсиз қоларди. Бундай вақтларда Чўпонота тўғонини тиклашдаги асосий оғирлик, шубҳасиз, ҳашарчилар етказиб берувчи Зарафшон округининг аҳолисига тушар эди. Масалан, иншоот ўз вақтида ремонт қилинмаганлиги сабабли 1873 ва 1875 йилларда дарё тошқини уни таг-туғи билан оқизиб кетган. Тўғон тиклангунча Қорадарё воҳаси, шу жумладан, Каттақўрғон шаҳари бутунлай сувсиз қолган. Уни тиклаш учун 1873 йилда 23, 1875 йилда эса 34 минг ишчи кунни сарф бўлган<sup>107</sup>.

Қорадарё воҳасида деҳқончилик учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган бу суғориш иншоотини тиклаш мақсадида Зиёвуддин бегини бу ишдан четлатиш чорасини излаб топишга Самарқанд маъмурияти мажбур этди. Шу сабабли 1877 йилда Чўпонота тўғонини тузатиш учун Зиёвуддин беклигидан Хонқулбек ва Бобобек қоравулбегиларнинг келишига қарамасдан, бу ишни Зарафшон округининг ирригация мудири З. Жижемский бошқаради. Тўғон беш кун ичида тузатилди. Уни тузатишда 108 ҳашарчи ва 60 та аравадан фойдаланилди. Аммо кўп ўтмай дарё тошқини тўғоннинг 63 саржин (134 м) узунликдаги қисмини ўпириб кетади. Унинг ўпирил-

<sup>105</sup> Ирригационная система реки Зеравшан, «Туркестанский сборник», т. 152, стр. 43.

<sup>106</sup> Баъзи маълумотлар бўйича Чўпонота тўғони ремонтни учун Зиёвуддин беги ҳар йили аҳолидан «боқи пули» сифатида 10560 сўм йиғиб оларди; Қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 33.

<sup>107</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 55.



тан қисми 280 ҳашарчи ва 13 та арава ёрдамида 12 кунда қайтадан боғланади.

Агарда 1876 йилда Чўпонота тўғони учун 16534 сўм 40 тийин харажат қилинган бўлса<sup>108</sup>, 1877 йилда уни тузатиш учун ҳаммаси бўлиб 3900 ишчи кунни ҳамда шох, ёғоч, сотиб олиш ва араваларни кира қилиш учун фақат 374 сўм 60 тийин сарф қилинади<sup>109</sup>. Шундай қилиб, Чўпонота тўғонининг бевосита рус ирригатори назорати остида тузатилиши билан 1877 йилги харажат аввалги йилларга нисбатан бирмунча қисқарган эди. Ишнинг бундай якуни, шубҳасиз, Чўпонота тўғонидан Зиёвуддин бегини мутлақо четлатиш ва уни Самарқанд маъмурияти ихтиёрига олиш учун асос бўлади. Бунинг бирдан-бир чораси Чўпонотага дарё тошқинларига бардош бера оладиган мустақкам тўғон ўрнатиш эди. Чунки мустақкам тўғон ҳар йилги ҳашарсиз, Қорадарё воҳасини доимо сув билан таъминлар ва шу билан Зиёвуддин бегининг Чўпонота сув айирғичи ҳашари баҳонаси билан Самарқандга келишига барҳам бериларди.

Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг буйруғига биноан рус ирригатор-инженери З. Жижемский 1877 йилда Чўпонота сув айирғичининг реконструкциясини лойиҳалаштиради. З. Жижемский 1878 йил 30 ноябрда<sup>110</sup> ва 1879 йил 22 февралда<sup>111</sup> К. П. Кауфманга ёзган махсус докладларида Чўпонота иншоотини реконструкция қилиш орқали қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилганлигини баён қилади: 1) Чўпонота тўғонини мумкин қадар дарё тошқинлари бошланмасдан тузатиш; 2) Чўпонотанинг фашиналардан қурилган мавсумий тўғони ўрнига мустақкам кўрбанд ўрнатиш; 3) иншоотни тузатиш вазифасидан Зиёвуддин бегини четлатиш. Шу билан бирга, у Чўпонота тўғонини тиклашдаги камчиликлар устида бирма-бир тўхтаб ўтади. «Бу ишни [тўғонни тиклашни] ташкил этиш учун,— деб ёзади З. Жижемский,— одатда Зарафшонга сув кела бошлаган вақтда киришилади, уни амалга ошириш эса дарёда сув энг кўпайган вақтга тўғри келади. Тўғоннинг ҳолатига қараб йилига у икки марта: биринчи марта июнь, иккинчи марта август ойларида тикланади. Отлиқ ва аравалар билан Оқдарёга ўтадиган сув йўлини тўсиб, у ерга шох-шабба ва хашак босилар, уларнинг устига эса тош, чим ҳамда қум ташланарди. Бундан ташқари, бир чақирим, тошқин кучайган вақтларда эса, бир ярим чақирим келадиган масофадан чим чопиб келтириларди»<sup>112</sup>.

Айниқса, унинг Чўпонота сув айирғичи реконструкциясининг лойиҳаси ва бунинг учун тузган харажатлар сметаси диққатга сазовордир. Лойиҳа бўйича, 3 чақирим 120 саржин (3,5 км га яқин) узунликдаги Чўпонота тўғони 2,5 чақирим (2,6 км)га келтирил-

<sup>108</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 29, д. 746, л. 24.

<sup>109</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 21—22.

<sup>110</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 18—35.

<sup>111</sup> Уша архив, варақ 51—52.

<sup>112</sup> Уша архив, варақ 20.

ган<sup>113</sup>. Қалинлиги остида 1—2 саржин (2,13—4,26 м)дан 4,5 саржинга (9,6 м), юқорисида эса 1 аршин (0,71 м)дан 3 саржинга (6,4 м) етказилган<sup>114</sup>. Баландлиги ўртача ҳисоб билан 0,6 саржин (1,28 м)га тенг бўлган<sup>115</sup>. Шундай қилиб, лойиҳада иншоот узунлигини қисқартириш эвазига уни мустаҳкамроқ қилиб қайта қуриш кўзда тутилган эди. Бу ишни амалга ошириш учун 9420 сўм 86 тийин ва 23548 ишчи кунни ёки пулга чаққанда 9419 сўм 20 тийин, жами 18840 сўм 06 тийин сарф бўлар эди<sup>116</sup>. Шу харажатларнинг 9420 сўм 86 тийинини Зиёвуддин беклиги тўлаб, ҳашарчиларни Зарафшон округи бериши керак эди<sup>117</sup>. Маскур маблағни 3-жадвалда кўрсатилган ишларга сарфлаш кўзда тутилган эди.

Чўпонота сув айирғичини тиклаш 3. Жижемский лойиҳаси бўйича ташкил этилса, шубҳасиз, биринчидан, дарёни боғлаш иши

3-жадвал

Харажатлар	Суммаси	
	сўм	тийин
Араваларнинг кираси	3635	91
Ёғоч, шох ва хашак сотиб олиш	1222	50
Иш қуроллари сотиб олиш	1202	80
Варқбонлар ёллаш (тўғончилар)	1008	—
Ҳашарчиларнинг озиқ-овқати	1818	40
Қора уйларнинг ижарасига	533	25
Ж а м и	9420	86

бирмунча осонлашиши, иккинчидан эса, ҳар йили дала ишлари қизиган мавсумда олиб бориладиган Чўпонота ҳашари маълум даражада қисқариши мумкин эди.

3. Жижемскийнинг лойиҳаси Тошкент шаҳари ва Қурама уездининг ирригатори Н. Ульяновга рецензияга берилади. Натижада, Чўпонота сув айирғичини реконструкция қилиш масаласи 3. Жижемский билан Н. Ульяновлар ўртасида қизғин ёзма мунозарара айланади<sup>118</sup>.

Лойиҳа ва смета бўйича ирригация ва техникавий мулоҳазалардан ташқари, Н. Ульянов қуйидаги эътирозларни билдиради:

<sup>113</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, стр. 18 и 32.

<sup>114</sup> Уша архив, varaқ 20 ва 32.

<sup>115</sup> Уша архив, varaқ 48.

<sup>116</sup> Уша архив, varaқ 33—34.

<sup>117</sup> Уша архив, varaқ 33.

<sup>118</sup> Н. Ульянов, Заметки к проекту плотины на Карадарье 7 января 1879 года, № 6, ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 48—50; Яна қаранг: 3. Жижемский, Объяснительная записка, 12 февраля 1879 года, № 40, ЦГА УзССР ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 53—88. Яна қаранг: 3. Жижемский, Доклад, 22 февраля 1879 года, ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 51—52; Яна қаранг: Н. Ульянов, Заметки по поводу докладов заведующего ирригацией Зеравшанского округа о плотине на Карадарье, 17 марта 1879 года, № 102, ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 1, д. 324, л. 60—61.

1) Қорадарёга сув ташлагич дарвозасиз доимий «кўрбанд» қуриш хато режадир. Чунки бундай иншоотни дастлабки йилдаёқ сув олиб кетади ёки ортиқча сувни Оқдарёга ташлаш учун унинг бир неча ерини бузишга тўғри келади; 2) ирригация соҳасида маҳаллий аҳоли жуда ҳам тажрибакордир. Дарёни қачон боғлашни у яхши билади. Шунинг учун дарёда сув сатҳининг кўтарилиши ва пасайишига қараб, уни фақат сувга муҳтожлик вақтида тартибга солиш керак. Чунки тўғонни барвақт қуриш учун дарёда сувнинг қандай келишини олдиндан билиб бўлмайди. Шуларга асосан, Н. Ульянов З. Жижемский лойиҳасини асосиз деб топади<sup>119</sup>. Дала ишларида ишчи кучи энг зарур бўлган вақтда мажбурий ҳашардан деҳқонларни халос қилиш учун Н. Ульянов Тошкент ва Қурама уездига жорий этилганидек, Чўпонота тўғонининг ҳар йилги ремонти ёки қайта тиклашни кўп йиллик муддат билан пудратга беришни тавсия қилади<sup>120</sup>.

Н. Ульяновнинг Чўпонотага «кўрбанд» типдаги доимий тўғон қуриб бўлмайди деган фикри нотўғри эди. Чунки Чўпонота иншоотининг ўзи асли кўрбанд бўлиб, З. Жижемский уни тамоман қайта қуришни эмас, балки мавжуд тўғонни дарё тошқинларига бардош бера оладиган қилиб мустақкамлашни лойиҳалаштирган эди. Аслини олганда фашиналардан қурилган кўрбанд тўғонлардан Зарафшон водийсида кенг фойдаланилиб, бу водийнинг ирригация техникасидаги ўзига хос хусусиятларидан эди. Тошкент ирригатори Н. Ульянов учун эса масаланинг бу томони шубҳасиз номаълум бўлган.

Шундан сўнг, 1878 йилда Чўпонота тўғонини тиклаш вазифаси Зиёвуддин беги қўлидан Зарафшон округи ирригацияси мудри ихтиёрига ўтади. Худди шу йилдан бошлаб, дарё оқимини Бухоро худудига «обпарта» қилиш усулига барҳам берилиб, Зарафшонда сувнинг миқдори қандай бўлишидан қатъи назар, уни Зарафшон округи билан Бухоро хонлиги ўртасида баробар тақсим қилиш жорий этилди.

Чўпонота тўғонини тиклаш вазифасининг рус ирригаторлари қўлига ўтиши билан Бухоронинг сув таъминоти тамоман Самарқанд маъмуриятининг ихтиёрига боғланиб қолгандек туюлса-да, аммо архив ҳужжатларига қараганда масаланинг бундай ҳал этилиши, ўзаро сув тақсимотида бирмунча ижобий натижа берган эди. Буни биргина Чўпонота иншоотининг ҳар йилги харажати мисолида кўриш мумкин. Масалан, 1877 йилгача Чўпонота тўғонини тиклаш учун йилига 9289 сўм 60 тийиндан то 13934 сўм 40 тийингача сарфланган бўлса<sup>121</sup>, 1878—1881 йиллар давомида ҳаммаси бўлиб 13279 сўм 98 тийин харажат қилинган<sup>122</sup>. Харажатлар Зарафшон округи билан Зиёвуддин беклиги ўртасида баробар тақсимланган (4-жадвал).

<sup>119</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 49.

<sup>120</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 49—50 и 61.

<sup>121</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 21.

<sup>122</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 324, л. 67—68, 73 и 77.

Бу рақамларга қараганда, Чўпонота тўғонини тиклаш рус ирригаторлари ихтиёрига ўтгандан сўнг, унга сарфланадиган харажат уч-тўрт баробар қисқарган.

Зарафшон сувидан тенг баробар фойдаланишнинг жорий этилиши ҳар икки томонларнинг талабига мос тушган бўлса керак, чунки 1878—1885 йиллар мобайнида архив ҳужжатларида сув тақсими тўғрисида Бухоро ҳукмрон доираларининг шикоят қилгани қайд этилмайди. Шунинг учун ҳам, З. Жижемский сув тақсимоти тўғрисида 1884 йил 19 августда Туркистон генерал-губернаторлигига юборган докладида «1878 йилдан бошлаб, Зарафшоннинг суви туфайли фалокат — одам ўлдириш, зўрлик ва муштлашиш содир бўлмади»,— деб ёзади<sup>123</sup>.

#### 4-жадвал

Йиллар	Зарафшон округи	Зиёвуддин беклиги	Харажатларнинг умумий суммаси
1878	949 с. 43 т.	949 с. 43 т.	1898 с. 86 т.
1879	1304 с. 06 т.	1304 с. 06 т.	2608 с. 12 т.
1880	1735 с. 05 т.	1735 с. 05 т.	3470 с. 10 т.
1881	2651 с. 45 т.	2651 с. 45 т.	5302 с. 90 т.
<b>Ж а м и</b>	<b>6639 с. 99 т.</b>	<b>6639 с. 99 т.</b>	<b>13279 с. 98 т.</b>

Шундай қилиб, Самарқанд воҳаси Россияга қўшиб олингандан сўнг, Туркистон маъмурияти Бухоро хонлиги билан бўлган алоқаларда муҳим аҳамият кашф этган ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб сув тақсимоти масаласига дуч келди. Ўрта Осиёнинг бошқа барча воҳаларида бўлганидек, Зарафшон водийсида ҳам гарчи Туркистон маъмурияти мамлакатнинг ички ишларига, шу жумладан, ирригация хўжалигига аралашмай, бетараф қолишни афзал кўрса ҳам, аммо сув масаласидаги вазият уни ўз гирдобига тортиди. Рус ирригаторлари XIX асрнинг 70-йилларидаёқ ирригация хўжалигининг умумий ҳолатини, айниқса, Зарафшон дарёси сув баланси, водийдаги суғорма деҳқончилик ер майдони, экин навлари ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш каби қатор масалаларни ўрганишга киришдилар. Бу шубҳасиз, водийнинг ирригацияси ва қишлоқ хўжалигини илмий асосда текшириш йўлидаги дастлабки қадам эди. Шулар асосида Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси оқимини баробар тақсимлаш жорий этилди. Бу ўзаро сув тақсимотининг расман ҳал этилиши эди. Шу билан бирга, водийнинг ирригация системасини, жумладан, Чўпонота сув айирғичини қайта қуришга киришилди.

<sup>123</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 29, л. 746, л. 25.

## САМАРҚАНД ВА БУХОРО ВОҲАЛАРИ УРТАСИДА СУВ ТАҚСИМОТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Самарқанд воҳасида суғорма деҳқончиликнинг кенгайиши ва қуйи Зарафшонда сув танқислигининг кучайиши. Бухорода «Техника бўлими мудири» лавозимининг ташкил этилиши

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёсининг сувини тақсимлаш масаласига нисбатан Туркистон маъмуриятининг муносабати тубдан ўзгарди. Бу, шубҳасиз, подшо ҳукуматининг Урта Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсати билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу вақтда Урта Осиёни бутунлай забт этиб, ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олган подшо Россияси қўлга киритилган янги ўлкани иқтисодий жиҳатдан ўзлаштиришга ва Урта Осиёда Россия саноти учун зарур хом ашё базасини вужудга келтиришга киришган эди.

Ер-сув масаласи Урта Осиёда, шу жумладан, Туркистонда, чоризм иқтисодий сиёсатининг асосий проблемаларидан бири эди. Дастлабки йилларда подшо маъмурияти Туркистонда ер ва сувдан фойдаланишнинг маҳаллий усул ва тартибларини бузмасликка ҳаракат қилган бўлса ҳам, аммо ўлкани идора қилиш, ер-сув муносабатлари соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширишга подшо ҳукуматини мажбур қилади. 1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини идора қилиш ҳақида Низом»да бу тадбирлар маълум даражада ўз ифодасини топди. Ўлкани идора қилиш тўғрисидаги бу Низомнинг жорий этилиши билан маҳаллий феодал аристократия қўлидаги мулк ерларнинг катта қисми давлат фойдасига мусодара қилиниб, мулкдорларнинг ердан фойдаланишдаги ҳамма имтиёзлари тугатилади. Мулк ерларнинг ҳаммасидан амлок (давлат) ерлар билан бир қаторда, давлат ер солиғи олиш жорий этилди. Вақф ерларининг ҳам бир қисми тугатилиб, уларга ҳам солиқлар солинадиган бўлади. Шундай қилиб, мулк шаклидаги феодал ер эгаллиги тугатилиб, маҳаллий феодал аристократиянинг ҳукмронлиги заифлаштирилган эди.

Туркистонда подшо ҳукуматининг ер-сув муносабати соҳасида амалга оширган муҳим тадбирларидан бири меҳнаткаш деҳқон оммасининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг дастлабки тартиб ҳамда қоидаларини белгилаш эди. Ўтроқ аҳолининг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи Низомда қуйидагича баён қилинади: «Азалдан мерос сифатида қишлоқдаги ўтроқ аҳолининг ихтиёрида бўлган амлок ер-

лар маҳаллий одат қондалари асосида шу аҳоли ихтиёрида қолдирилади»<sup>1</sup>. Шунингдек, Низомда қайд қилинишича, барча сув ресурслари давлатники деб эълон қилиниб: «Бош ариқлардаги, анҳор, дарё ва кўллардаги сувлар маҳаллий тартибга кўра аҳоли ихтиёрига берилади»<sup>2</sup>.

Ер ва сувдан фойдаланиш масалалари билан бир қаторда, 1886 йилда маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқ ва мажбуриятларнинг характери ва миқдори ҳам белгиланади. Обикор ерларда деҳқончилик қилувчи ўтроқ аҳолидан илгари ўртача, ялпи даромаднинг 20 проценти миқдорида давлат ер солиғи олинган бўлса, эндиликда даромаднинг 10 проценти миқдорида солиқ олина бошлайди. Демак, деҳқонлардан олинадиган давлат солиғининг миқдори тахминан икки баробар қисқаради. Шундай қилиб, ер муносабатлари соҳасида 1886 йилги тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳарбий-феодал ер эгаллиги тугатилиб, суғорма деҳқончилик ерларининг асосий қисми мерос ҳуқуқи асосида меҳнаткаш деҳқонлар қўлига ўтди. Улардан олинадиган солиқлар ва натурал мажбуриятлар маълум даражада тартибга келинди.

Авалло шуни қайд қилиб ўтиш керакки, аграр масала бўйича подшо ҳукумати томонидан ўтказилган барча тадбирлар Туркистонда суғорма деҳқончилик ерларини национализация қилиб, уларни ерсиз деҳқонларга бўлиб бериш учун эмас, балки босиб олинган янги ўлкада маҳаллий шароитга мослаштирилган граждан бошқармасини вужудга келтириб, Туркистонни Россия ҳукмронлиги остида маҳкам тутиб туриш, уни бошқариш учун сарфланадиган давлат харажатларини мумкин қадар камайитириш ва ўлкадан иложи борича кўпроқ даромад ундириб олиш каби мақсадлар кўзда тутилган эди. Аммо шуниси ҳам борки, давлат солиқлари миқдорининг (гарчи у кейинчалик узлуксиз ортиб борган бўлса ҳам) ва аҳоли устига юкланган ҳашар ишлари ҳажмининг камайиши хонлик даврига нисбатан, айниқса қўшни Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан, Туркистон деҳқонлари иқтисодий ҳаётида, бир қадар бўлса ҳам ҳар қалай энгиллик бўлган эди. Бу, шубҳасиз, майда деҳқон хўжалигининг ривожланишида прогрессив аҳамиятга эга эди. Туркистонда меҳнаткаш аҳолининг яшаши учун маълум даражада энгиллик содир бўлгани боисидан бўлса керакки, бу даврда қўшни давлатлардан, айниқса, Бухоро ва Хива хонликларидан, шунингдек, Қашғар ва Эрондан турли сабаблар билан аҳолининг Туркистонга кўплаб кўчиб кела бошлагани кузатилади. Бундай воқеанинг шоҳиди бўлган Аҳмад Дониш<sup>3</sup> ва Қоракўл вилоятининг қозиси Абдулвоҳид<sup>4</sup> Бухоро деҳқонлари ўз қишлоқларини ташлаб, Россия қўл остидаги ерларга, шу жумладан, Самарқанд воҳасига кўчиб кетабошлагани тўғрисида қайғуриб ёздилар.

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанским краем 12 июня 1886 г., стр. 33.

<sup>2</sup> Уша жойда, 41-бет.

<sup>3</sup> Аҳмад Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадонни Манғития, Ба саъи ва ихтимом ва тасҳеҳи А. Мирзоев, Сталинобод, 1960, 135-бет.

<sup>4</sup> Бухоро музейи, Қўлёзма, инв. № 983112,3<sup>а</sup> ва 4<sup>б</sup> варақлари.

Дарҳақиқат, 1867 йилдан то 1879 йилгача ўтган давр ичида юқорида кўрсатилган мамлакатлардан кўчиб келган аҳоли ҳисобига Туркистон аҳолиси ярим миллион кишига кўпайган эди<sup>5</sup>.

Мерос ҳуқуқи асосида обикор ерларнинг деҳқонлар ихтиёрига ўтиши эса, гарчи, бир томондан, хусусий ер эгалигининг кенгайишига, иккинчи томондан, майда деҳқон хўжалигининг ерсиз қолиб бой ва қулоқ хўжаликларининг вужудга келишига замин яратган бўлса-да, аммо ер ва сувдан фойдаланиш янги тартибининг жорий этилиши — хусусий соҳибкорларнинг суғорма деҳқончилик ерларига бўлган талабини ошириб, ўлкада деҳқончиликнинг ривожланишига катта таъсир қилди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўлкада, шу жумладан, унинг энг ҳосилдор водийларидан бири — Зарафшоннинг ўрта оқимида жойлашган Самарқанд воҳасида ҳам суғорма деҳқончилик ер майдони кенгая бошлайди. Айрим архив маълумотларига кўра, масалан, 1872 йилда Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида обикор ерларнинг майдони 145575 десятинага тенг бўлса, 1878 йилда у 191612 десятинага етади<sup>6</sup>. Бироқ Зарафшон водийсининг подшо Россияси қўл остидаги юқори қисмида, суғорма деҳқончилик ерларининг кенгайиши Бухоро воҳасининг сув таъминотида салбий таъсир қилиб, ўзаро сув тақсимоти юзасидан хонликнинг нозилиги кучайишига сабаб бўлиши мумкин эканини назарда тутиб, Самарқанд маъмурияти 1880 йилдан бошлаб, то Амударёдан Бухорога сув чиқарилмагунча, Зарафшон округида обикор ерларни кенгайтирмаслик тўғрисида махсус қарор қабул қилди<sup>7</sup>. Шунга қарамай, Зарафшоннинг юқори қисмида суғорма деҳқончилик ер майдони йил сайин кенгайиб, 1883 йилга борганда унинг ҳажми 282700 десятинага етади<sup>8</sup>. Шундай қилиб, 1872—1883 йиллар мобайнида Зарафшон округида обикор ерларнинг майдони 137125 десятинага, яъни қарийб 2 баробарга кенгайган эди.

1890 йилга бориб биргина Самарқанд уездида деҳқончилик ерларининг майдони 218 минг десятинага етказилди<sup>9</sup>, бу даврда дон ўсимликларидан шולי, техник ўсимликларидан пахтаниннг майдони айниқса кенгайди. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қараганда, 1869—1892 йиллар давомида Зарафшон округида шоликор ерларининг майдони 2,5 баравар, яъни 254 процентга кенгайган<sup>10</sup>. Масалан, Самарқанд воҳасида 1869 йилда 10 минг десятина ерга шולי экилган бўлса, 1880 йилда шоликорлик ерларининг майдони 25712 десятинага ва 1891 йилда эса 36956 десятинага етади<sup>11</sup>. 1885—1895 йилларда пахта майдони 2,5 баробардан

<sup>5</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I том, 2-китоб, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957, 117-бет.

<sup>6</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 19, л. 302.


<sup>7</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 1 ва 10.

<sup>8</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 1, д. 912, л. 1.

<sup>9</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 19, л. 302.

<sup>10</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 284, л. 14; Яна қаранг: Обзор Самаркандской области за 1891 год, Самарканд, 1892, 42-бет.

<sup>11</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400. Азиатская часть, д. 68, л. 153; Яна қаранг: ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 284, л. 14.



1878—1883 йилларда Самарқанд воҳасида ўзлаштирилган ерларнинг схематик харитаси



зиёдроқ кенгаяди. Масалан, 1885 йилда Самарқанд областида пахта экилган ерлар 5800 десятина<sup>12</sup>, 1895 йилда 15223 десятинага етади<sup>13</sup>.

«Экин ерларининг кенгайиши янги каналлар қазиб чиқариш учун харажатлар талаб қилмади, балки маҳаллий деҳқончиликнинг эҳтиёжига қараб, қатъий сув тақсмотини жорий этиш, тўғонларни бошдан оёқ тузатиш ва Зарафшон сувини Бухоро хонлигига ташлаш тартибини ўзгартиришнинг натижаси бўлди. Бу тадбирлар туфайли... узоқ вақтдан бери суғорилмай ётган кўпгина ерларга сув чиқарилиб, 100 минг десятинага яқин ер майдонини доимий обод этиш имкони яратилди»<sup>14</sup>,— деб ёзади Зарафшон округининг бошлиғи 1882 йилги ҳисоботида.

Самарқанд область ирригациясининг бошлиғи З. Жижемский таъкидлаганидек, гарчи, Самарқанд воҳасида обикор ерларни кенгайтириш мақсадида, «Бухоро хонлигининг даввосига дучор бўлмаслик учун янги каналлар қазиб чиқарилмаган»<sup>15</sup> бўлса-да, аммо Зарафшон дарёсининг юқори қисмида суғорма деҳқончилик ер майдонининг, айниқса, сувни кўп миқдорда талаб этадиган шолікорлик ерларининг кенгайиши, шубҳасиз, дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Бухоро воҳасининг сув таъминотига ҳам, Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги ўзаро сув тақсмотини амалга ошираётган Самарқанд маъмуриятининг бу масалага нисбатан бўлган муносабатига ҳам кескин таъсир этади.

Шубҳасиз, Самарқанд воҳасида обикор, шу жумладан, шолікор ерларнинг кенгайиши билан сувга бўлган талаб ҳам ўз-ўзидан ошди. Бунинг устига, водийнинг асосий сув манбаи Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган Самарқанд маъмурияти имкони борича дарёдан кўпроқ сув боғлаб, ўз қўл остидаги ерларни сув билан тўла таъминлашга ҳаракат қилди. Натижада, Бухоро воҳасига ташланадиган сувнинг миқдори йил сайин камайиб борди.

Ўтган асрнинг 90-йил бошларида Ўрта Осиёда бўлган инглиз миссионер сайёҳи К. Биддельф ўша вақтда Бухоронинг сув таъминотида содир бўлган аҳвол тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди: «Бухоронинг суғориладиган ер майдони анча-мунча кенг бўлса-да, аммо Самарқандга нисбатан бу ерда сувнинг миқдори анча кам эди. Ҳатто у мавжуд экин ерларига кифоя қилмайди. Шунинг учун бу ерда экин майдонини кенгайтириш тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади. Эҳтимол, руслар [Самарқанд маъмурияти] дарёнинг юқори қисмини эгаллаб олиб, Россиянинг вассали — Бухоро амири [ерлари]га сув ташлашдан олдин, ўз фуқароларининг сувга бўлган

<sup>12</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 5, д. 424. л. 1.

<sup>13</sup> Обзор Самаркандской области за 1898 г., Самарканд, 1899, стр. 8. Яна қаранг: Т. С. Саидкулов, Самарканд во второй половине XIX и в начале XX веков, Самарканд, 1970, стр. 115.

<sup>14</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 260/910, д. 77, л. 5.

<sup>15</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 263/916<sup>а</sup>, д. 305, л. 154.

талабини қондириш учун табиий равишда ҳамма чораларни кўриши сабабли бундай аҳвол содир бўлмоқдадир»<sup>16</sup>.

Ҳар ҳолда, Самарқанд маъмурияти, К. Биддельф ўйлаганидек, Бухорони атайин сув танқислигида қолдириш мақсадида бўлмасда, аммо Зарафшоннинг юқори қисмида шоликорликнинг кенгайиши, шубҳасиз, Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёси сувидан фойдаланишда суистеъмол қилишни кучайтириб юборган эди. Асрлар давомида қўлланилиб келинган ўзаро сув тақсимотидаги одатдаги тартиблар аста-секин бузилиб, Бухоронинг тегишли ҳақобати ўз вақтида ва белгиланган миқдорда ташланмаганлиги натижасида, Зарафшон дарёсида сув кам бўлган вақтларда у мутлақо сувсиз қола бошлаган эди. «Мана яқин икки ойдан бери Зарафшон водийсининг Бухоро қисми бутунлай сувсизликдан қийналмоқда,— деб ёзилган эди «Таржимон» ва «Ашхабад» газеталарининг 1899 йил ёз ойи сонларидан бирида,— қишлоқларда аҳоли кундалик рўзғорга ишлатиш ва ҳайвонларни суғориш учун ариқлар тубидан қудуқлар қазиб сув ахтармоқдалар. Сувни кўп талаб қиладиган шоли экини водийнинг руслар қўл остидаги қисмида кўп миқдорда экилиши сабабли, бу ҳодиса [сувсизлик] йил сайин содир бўлиб туради. Шундай қилиб, шоликорлик ерларининг эгалари энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун бир томчи сувга ҳам зор бўлган ўн мингларча қўшнилари — бухороликлар ҳисобига боймоқдалар»<sup>17</sup>.

Дарҳақиқат, Самарқанд воҳасида шоли экиладиган майдоннинг кенгайиб кетганлиги, бир томондан, дарёнинг юқори оқимида, сувни суистеъмол қилиш зўрайиб, ўзаро сув тақсимоти тартибига нисбатан Бухоро хонлиги норозилигининг кучайишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, Зарафшон округида сувдан тартибли ва унумли фойдаланишга тўсқинлик қилиб, деҳқончилик учун яроқли бўлган ер майдонининг кўпгина қисмини мелиоратив жиҳатдан ишдан чиқармоқда эди.

Бу аҳвол Самарқанд маъмуриятини шоли экиладиган майдоннинг ҳажмини қисқартиришга мажбур этади. Самарқанд маъмуриятининг 1891 йил 16 декабрда чиқарган буйруғига биноан бу масала юзасидан махсус комиссия ташкил этилади<sup>18</sup>. Комиссия бу масалани ҳар томонлама ўрганиб, 1892 йил 13 январда шоли экиладиган майдоннинг умумий ҳажми Зарафшон округидаги деҳқончилик ер майдонининг умумий ҳажмининг 10 процентидан ошмаслиги ҳамда бу хил қишлоқ хўжалик экинини деярли зах ва пастлик ерларда етиштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилади.

Мазкур қарорга мувофиқ Самарқанд маъмурияти 1892 йил 3 февралда Зарафшон округининг қуйидаги воҳаларида шоли экишни ман этган эди. Самарқанд уезди бўйича: Туятортар, Бу-

<sup>16</sup> Путешествие Биддельфа по Закаспийскому краю. Перевод второй части книги "Four months in Persia and a visit to Transcaşpia, by C. E. Biddulph, London, 1892, „Туркестанские ведомости.“ 1893, 10 май, № 32, стр.121

<sup>17</sup> «Таржимон», 1899, № 28, «Ашхабад», 22 май, 1899; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-27, л. 4792, л. 23.

<sup>18</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 9124, л. 2.

лунғур, Бешариқ, Пойариқ, Кучлик, Ҳасанариқ, Қўштегирмон, Чоржўй, Шохоб, Қиёт, Жуйи Девона ва Янгикўрғон каналлари системасида; Каттақўрғон уезди бўйича: Бурхонхўжа, Оқтепа, Мингўрик, Колхосса, Бекчўлиобод, Пастқиличобод, Носиробод, Хўжаариқ, Янгикент, Лаълистон, Сархат, Чаноқ ва Файзобод каналлари системасида; Нарпай канали бўйича: пастлик ва зах ерларга ҳамда Хўжаариқ системасига қарашли майдонларда 150 десятина ерга шоли экишга рухсат берилади<sup>19</sup>. Шундай қилиб, комиссия Самарқанд уездининг 12 волостидаги 102 ва Каттақўрғон уездининг 12 волостидаги 22 қишлоқда шоли экишни тақиқлаб қўяди<sup>20</sup>.

Гарчи Зарафшон водийсининг юқори қисмида шиликорлик ерларини қисқартириш мақсадида Самарқанд маъмурияти томонидан махсус комиссия ташкил этилиб, алоҳида буйруқ чиқарилган бўлса ҳам, у кутилган натижани бермайди. Шоли экиладиган майдон 1892 йилнинг ўзида бир оз қисқарган бўлишига қарамай, кейинчалик у аввалгидан ҳам кенгайиб кетади. Масалан, 1897 йилда шоли экиладиган ер майдонининг ҳажми 42611 десятинага етган бўлса<sup>21</sup>, 1900 йилга бориб биргина Самарқанд уездининг ўзида 39041 десятинага етди<sup>22</sup>. Бундай аҳвол шубҳасиз Зарафшон округи ва Бухоро хонлиги ўртасидаги ўзаро сув тақсимотидаги келишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. «Кейинги йилларда Самарқанд областида экин ерларининг кенгайиши натижасида,— деб ёзган эди Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский 1892 йил 14 январда Россия ҳарбий министрига ёзган мактубида,— хонликнинг Зарафшон дарёсидан суғориладиган қисмида сувнинг танқислиги тўғрисида Бухоро ҳукуматидан муттасил ҳаққоний шикоятлар келмоқда»<sup>23</sup>.

Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида ўзаро сув тақсимоти доимий комиссияси ташкил этилгунга қадар, Бухоро ҳукуматининг сув танқислиги тўғрисида Самарқанд маъмуриятига узлуксиз келиб турган шикоятлар деярли натижасиз қолган. Бундай шикоятларни «зарур вақтларда ҳал қилиш тасодифий характерга эга эди. Бухорога ташланадиган сув, Самарқанд областидаги ариқларда оқаётган сувнинг миқдорини камайтириш эвазига, гоҳ кўпайтирилар, гоҳ бухороликларнинг шикоятлари жавобсиз қолдирилар эди»<sup>24</sup>,— деб ёзган эди Туркистон ўлкасида деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармасининг бошлиғи ўзининг 1902 йил 13 февралда Туркистон генерал-губернаторига юборган ёзма докладыда.

Утган асрнинг 80—90-йилларида Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида сўз юритилар экан, бу даврда Зарафшон дарёсининг

<sup>19</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 9124, л. 2—4: Яна қаранг: Обзор Самаркандской области за 1891, Самарканд, 1892, стр. 43.

<sup>20</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 284, л. 15.

<sup>21</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 256.

<sup>22</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 284, л. 14.

<sup>23</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 121, л. 1.

<sup>24</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 13.

қуйи оқимида, айниқса, унда сув кам бўлган йилларда тез-тез содир бўлиб турган сув танқислигини фақат Зарафшон водийси юқори қисмида обикор ерларнинг, шу жумладан, шоликор ерларнинг кенгайиши ва бу районда дарё сувининг сарфи йил сайин ошиб борганлиги билан изоҳлаб бўлмайди. Гарчи Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёси сув сарфининг ошиб бориши, шубҳасиз, Бухоро сув таъминотиغا катта таъсир этган бўлса-да, бироқ бу масала ўз навбатида Бухоро хонлигининг сув хўжалигидаги аҳволи билан узвий боғлиқ эди. Чунки, хонлик сув хўжалигининг ниҳоятда қолоқлиги, ирригация системаларининг оддий бўлса-да, бошқариладиган сув иншоотлари билан мутлақо жиҳозланмагани, бунинг устига Бухоро миробларининг ирригация ишларини ташкил этишда ниҳоятда масъулиятсизлиги оқибатида Самарқанддан ташланган дарё сувидан кўпинча ўз вақтида унумли фойдаланилмас эди. «[Самарқанддан ташланган] сувнинг Қоракўл кўлига томон уриб кетгани тўғрисида ёз мавсумида бир неча марта хабар келган эди,— деб ёзади 1886 йилда Бухоро ирригация системалари бўйлаб кузатиш олиб борган рус инженер-ирригатори З. Жижемский,— бундай аҳвол хонликда сув танқислиги ирригациянинг тўғри бошқарилмаслиги туфайли содир бўлишини яққол тасдиқлайди»<sup>25</sup>.

Шу боисдан Самарқанд маъмурияти Бухорода сув танқислигининг асосий омилларидан бири — Зарафшоннинг юқори оқимида дарё сувининг кўплаб сарфланишига эмас, балки хонликнинг сув хўжалигидаги тартибсизлиги натижасидир деб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Шунга кўра, XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Туркистон маъмурияти Бухоронинг сув хўжалигини ўз назорати остига олишга ҳаракат қилади. 1886 йилнинг октябрь ойида Самарқанд область ирригациясининг мудирининг инженер З. Жижемский Бухорога юборилади<sup>26</sup>. Унга Бухоро воҳасида Зарафшон дарёси оқимининг тақсимоти ва деҳқончиликда сувдан фойдаланиш тартиблари тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда иложи бўлса, сувдан фойдаланиш тартибларини яхшилаш йўли билан Бухоро шаҳри атрофида ташланадиган сувнинг миқдорини кўпайтириш вазифаси топширилган эди<sup>27</sup>. 1886 йилнинг кузида З. Жижемский Хатирчидан то Қоракўлгача бўлган масофада Бухоро воҳасининг ирригация системалари бўйлаб кузатиш олиб борди. Гарчи рус ирригатори, Бухоронинг сув хўжалигини, айниқса, унинг сув таъминотини яхшилашда Бухоро миробларига амалий ёрдам кўрсата олмаган бўлса-да, аммо у қуйи Зарафшоннинг ирригациясига оид қимматли маълумотлар тўплайди. З. Жижемский Бухородан қайтгач, Бухоро воҳасининг ирригацияси ва хонликнинг сув хўжалигидаги аҳволи тўғрисида батафсил ҳисобот ёзиб, Туркистон маъмуриятига топ-

<sup>25</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 1, д. 668, л. 8.

<sup>26</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 12, л. 17.

<sup>27</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 12, л. 17.

ширади. У ҳисоботида хонлиқнинг сув хўжалигини яхшилаш ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни баён этган эди<sup>28</sup>.

Маълумки, 1885 йилда Бухорода «Россия императорлигининг сиёсий агентлиги» таъсис этилган эди. Сиёсий агент подшо Россиясининг Бухоро хонлигидаги расмий вакили бўлиб, Бухоро ҳукумати билан олиб бориладиган алоқалар шу агент орқали амалга ошириларди. Шунинг учун Россия императорлигининг сиёсий агентлиги ташкил этилган вақтдан бошлаб, Россия вакилининг Самарқанд ва Бухоро ўртасида ўзаро сув тақсимотини ҳал қилиш юзасидан Бухоро ҳукумати билан Самарқанд маъмурияти ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасида олиб борилган муносабатларда бевосита иштирок этиши мажбуран бўлиб қолади. Бухоро ҳукумати ҳам ўз навбатида бошқа кўпгина масалалар билан бир қаторда, сув тақсимоти масаласини сиёсий агент орқали ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Гарчи Бухоронинг сув таъминоти масаласи Россиянинг Бухородаги сиёсий вакилининг хонлик билан олиб борган алоқаларида ҳал қилиниши зарур бўлган асосий масалалар қаторидан жой олган бўлса-да, аммо сиёсий вакилнинг Самарқанд—Бухоро сув тақсимоти борасидаги амалий фаолияти, аввалда фақат Бухоро ҳақобасининг қанчалик тўлиқ ташлангани тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш билан чекланган эди.

Шу сабабли бўлса керак, Россиянинг сиёсий вакили П. М. Лессар ўзининг 1891 йил 20 декабрда Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский номига ёзган мактубида сув тақсимоти масалалари билан шуғулланувчи сиёсий ваколатхонанинг на асосий вазифасига, на унинг ҳайъати сонига тўғри келмаслиги ва Бухоро учун махсус инженер лозим эканлиги тўғрисида баён қилган эди<sup>29</sup>.

Сиёсий агентнинг ташаббуси билан 1892 йилнинг бошида Туркистон маъмурияти Бухорога рус инженер-ирригаторини юбориш ва бунинг учун хонликда ирригация масалалари билан шуғулланадиган махсус «Техника бўлимининг мудири» лавозимини ташкил этиш масаласини Россиянинг Ҳарбий министрлиги олдига қўяди. Бу масалани асослаш учун Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский 1892 йил 14 январда ҳарбий министрга ёзган мактубида қуйидагиларни баён қилган эди: «...бизнинг чегарамиз [Самарқанд]дан ташланган сув Бухоро маҳаллий маъмуриятининг уқувсизлиги ва нотадбиркорлиги оқибати беҳуда исроф бўлмай, албатта Бухоро деҳқонларининг эҳтиёжи учун тўла сарфланишига ишонч ҳосил қилинганидагина... Зарафшоннинг ирригация системасини имкони борича яхшилаш ҳамда Бухоро ва Самарқанд ўртасида дарё сувини мумкин қадар тўғри тақсим қилишга эришиш мумкин...»<sup>30</sup>.

Туркистон генерал-губернаторининг топшириғига биноан сиёсий агент П. М. Лессар Бухорода «Техника бўлимининг мудири» ла-

<sup>28</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 14, д. 681, л. 129—146.

<sup>29</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 328.

<sup>30</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 121, л. 1.

возимини ташкил этиш тўғрисида амир Абдуллахадхоннинг розилигини олади<sup>31</sup>.

Бухорода «Техника бўлимининг мудирини» лавозимини ташкил этиш тўғрисидаги Туркистон генерал-губернаторининг таклифи Россия Ҳарбий министрлигининг тавсияси билан 1892 йил 15 ноябрда Давлат қонунлари ва молия департаментларининг бирлашган Давлат кенгашида муҳокама қилинди. Давлат кенгашида Туркистонда бундай янги лавозимнинг таъсис этилишига очиқ эътироз билдирилмади. Аммо кенгаш иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласининг ниҳоятда мураккаблигини назарда тутиб, хонликда сув тақсимотини бошқариш ва маҳаллий аҳолининг деҳқончиликда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш каби ҳар қандай ваколатнинг Бухорога юбориладиган рус мутахассисига берилишига мутлақо қарши чиқадилар. Масаланинг бундай қўйилиши ўлкада Россиянинг ҳукмронлигига путур етказиши мумкин, деган мулоҳаза билан Бухорода «Техника бўлимининг мудирини» лавозимини ташкил этиш ҳали барвақт деб топилади<sup>32</sup>.

Бироқ бир йилдан сўнг, Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги бу янги лавозим вазифалари қайта ишланиб, аниқлаб чиқилгач, мазкур масала Давлат кенгашида 1893 йилнинг ноябрь ойида<sup>33</sup>, ва 1894 йил 12 апрелда Россия императори<sup>34</sup> ва шу йилнинг 19 мартда эса Сенат томонидан тасдиқланади<sup>35</sup>.

«Техника бўлимининг мудирини» лавозимининг йиллик ҳаржи 13,5 минг сўм миқдорига белгиланиб, ундан 6 минг сўмини Туркистон маъмурияти ва 7,5 минг сўмини эса Бухоро хонлиги тўлар эди<sup>36</sup>. Бу лавозимга биринчи бўлиб рус инженер-ирригатори Х. В. Гельман тайинланади<sup>37</sup>.

«Техника бўлимининг мудирини»га қўйидаги вазифалар топширилган эди:

1. Бухоро хонлигининг Зарафшон дарёсидан чиқарилган барча ирригация системалари устидан назорат қилиш.

2. Хонликдаги ирригация қурилишлари, магистрал йўллар қуриш ва уларни тузатишда раҳбарлик қилиш.

3. Қуриладиган иншоотларнинг лойиҳасини тузиш ва тайёрланган сметаларни текшириб бориш.

4. Ҳар бир ишга Туркистон генерал-губернаторининг алоҳида руҳсатини олиш билан Бухоро ҳукуматининг инженерлик соҳаси бўйича баъзи бир топшириқларини бажариш.

5. Хонликнинг сув хўжалиги масалаларига мутлақо аралашмаслик. Кўрсатмада айтилишича, бу вазифаларни бажаришда тех-

<sup>31</sup> Уша жойда.

<sup>32</sup> ЦГВИА, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 121, л. 61—62; 65—66<sup>а</sup>.

<sup>33</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 121, л. 82.

<sup>34</sup> Уша архив, 106-варағи.

<sup>35</sup> Уша архив, 114-варағи.

<sup>36</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 545, л. 22; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 362, л. 183.

<sup>37</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 545, л. 22; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 362, л. 182.

ника бўлимнинг мудури ҳамма вақт Туркистон маъмуриятининг манфаатини кўзда тутиши лозим эди<sup>38</sup>. Айниқса, хонликнинг ирригацияси устидан олиб бориладиган назорат қисмида асосан Самарқанддан ташланадиган Зарафшон дарёсининг суви беҳуда исроф бўлмай, тўла деҳқончиликка сарф бўлишига унинг алоҳида аҳамият бериши таъкидланган эди<sup>39</sup>.

Бухорода «Техника бўлимнинг мудури» лавозимини ташкил қилишда Туркистон маъмурияти ҳам, Бухоро хонлиги ҳам алоҳида-алоҳида мақсадларни кўзда тутган эди. Туркистон маъмурияти рус инженери бошчилигида ва унинг бевосита ёрдамида Бухорода бир қатор ирригация қурилиш ишларининг амалга ошиши ва сувдан фойдаланишда бирмунча тартиб ўрнатилиши натижасида сув танқислиги тўғрисида хонликнинг норозилигига маълум даражада чек қўйилиши мумкин деб ҳисоблаган бўлса, Бухоро хонлиги Россия мутахассисининг хонликка келиши билан Бухоро ҳақобаси ўз вақтида ташланиб, унинг сув таъминоти тубдан яхшиланади деб ўйлаган эди.

Рус инженери Х. В. Гельман Бухорода «Техника бўлимнинг мудури» лавозимида то 1900 йилгача хизмат қилди. Бу давр ичида у Бухоро воҳасининг суғориш системаларини ўрганди, айрим ирригация иншоотларини қайта қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқди ва Самарқанд—Бухоро сув тақсимоли масаласини ҳал қилишда актив қатнашди ва қўйидаги ишларни бажарди: 1) Қорақўлдарё ва Шаҳруд каналининг сув айирғич иншооти — Дуоба тўғонининг лойиҳа ва сметасини ишлаб чиқди; 2) Янги Бухоро (Қогон) шаҳрининг сув таъминоти системасини лойиҳалаштириб, унинг сметасини тузди; 3) Туркистон ҳарбий округи штабининг топшириғи билан Термиз атрофида ирригация бўйича қидирув ишлари олиб борди; 4) Бухоро шаҳари атрофидаги ботқоқликларни қуриштириш лойиҳаси ва сметасини тузди; 5) Бухоро хонлиги ҳисобига Самарқанд воҳасида 12 та магистрал каналга ўрнатилган 36 та сув ташлағич иншоотининг қурилиши устидан назорат қилиб турди; 6) Бухоро воҳасининг ирригация харитасини тузди; 7) Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимолига оид маълумотларни мунтазам қайд қилиб борди; 8) Янги Бухоро шаҳари яқинида бино қилинган амирнинг янги саройи сметасини текшириб берди; 9) Тахтақорача шоссеси ҳолатини назорат қилиб турди<sup>40</sup>.

Техника бўлими мудирининг Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги доимий комиссияни ташкил этишда ҳамда Зарафшон дарёси суви тақсимоли тартибларини белгилашда хизмати айниқса катта бўлди.

Афсуски, унинг бу фаолияти Туркистон маъмуриятини ҳам, Бухоро хонлигини ҳам ва икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда

<sup>38</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 545, л. 21—22; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 362, л. 182.

<sup>39</sup> Уша жойда.

<sup>40</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 545, л. 22—23; Яна қаранг: ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 50, л. 5—7; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 362, л. 184—185.

воситачилик қилган Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий ваколатхонасини ҳам қаноатлантирмаган. Бухоро ҳукумати маслаҳат сўраб бирор марта ҳам рус инженерига мурожаат қилмади, чунки арзигудек ирригация қурилиши ишлари деярли амалга оширилмади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро хонлиги шароитида биргина рус инженерининг кўмаги билан Бухоро воҳасининг сув таъминотини мутлақо яхшилаб бўлмас эди. Бунинг учун аввало Зарафшон дарёсининг сув режимини тартибга солиш, водий сув хўжалигини тугдан яхшилаш, унинг ирригация системаларини қайта қуриш ҳамда уларни гидротехник иншоотлар билан жиҳозлаш, шу билан бирга, Бухоро воҳасини сув билан тўла таъмин этиш учун қўшимча сув ресурсларини излаб топиш ва улардан суғоришда фойдаланиш учун улкан ирригация қурилишларини амалга ошириш зарур эди. Бундай ирригация ишларини Россияда, шу жумладан, унинг мустамлакасига айланган Туркистонда, айниқса Бухоро хонлигида ҳукм сурган ижтимоий тузумнинг мавжудлиги, иқтисодий қолоқлик ҳамда ирригация техникасини ўша даврдаги тараққиёт даражаси билан амалга ошириш мутлақо мумкин эмас эди. Шу сабабли Бухоронинг сув таъминотини яхшилаш соҳасида рус инженери Х. В. Гельманнинг олиб борган ишлари фақат қоғоздагина бўлиб, амалда унинг натижаси деярли кўринмаган.

Шунинг учун ҳам 1899 йилнинг бошидаёқ Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий агенти Туркистон маъмуриятига мурожаат қилиб, хонликдаги «Техника бўлимининг мудирини лавозимини тугатиш тўғрисида таклиф қилади. Чунки Бухоро воҳасида сув танқислиги йил сайин кучайиб бораётган шароитда хонлик маблағига техника бўлими мудирини тутиб туриш Бухоро ҳукуматининг эътирозини келтириб чиқарибгина қолмай, балки рус инженерининг фаолиятига бевосита бошчилик қилган сиёсий агенти Бухоронинг ҳукмрон доираси олдида ноқулай аҳволга солиб қўйган эди. Бу ҳақда В. И. Игнатъев 1899 йил 20 февралда Туркистон генерал-губернатори лавозимини вақтинча ўтаб турган Н. А. Ивановга ёзган мактубида қуйидагиларни баён қилган эди: «...Бухоро хонлигида қарийб олти йилдан бери мавжуд бўлган техника бўлими на унга юкланган ишончни, на унинг учун сарф бўлган маблағни оқлади... Бухоро ҳукумати ҳисобидан йилига 7,5 минг сўм харажат қилаётган техника бўлими мудирини лавозимининг мавжудлигига амирнинг мутлақо хайрихоҳлиги йўқ... Техника бўлимининг харажати учун ҳар йили Бухоро ҳукуматидан пул талаб қилинган вақтда, амир инженер Гельманнинг вазифаси айнан нимадан иборат экани ва у Бухоро хонлиги учун қандай фойда келтираётгани тўғрисида уни хабардор қилиш илтимоси билан менга мурожаат қилади. Афсуски бундай сўроқларга жавоб бериш учун мен ҳамма вақт хижолат тортаман...»<sup>41</sup>.

<sup>41</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, 1, д. 362, л. 183—185; Яна қаранг; АВПр, ф. Среднеазиатский стол, д. 545, л. 22—24; Яна қаранг: ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, оп. 261/911, д. 50, л. 5—7.



Бухородаги «Техника бўлимининг мудирӣ» лавозимини тугатиш тўғрисида сиёсий агентнинг таклифи Ҳарбий министрликнинг бош штаби томонидан маъқулланади ва Давлат кенгашининг 1902 йил 11 декабрда чиқарган қарорига асосан у бекор қилинади<sup>42</sup>. Техника бўлими вазифасини бажариш учун Туркистон генерал-губернатори қошида техник лавозими ташкил этилади. Бу янги лавозимнинг йиллик харажати 4400 сўм белгиланиб, унинг 1400 сўмини Бухоро хонлиги тўлар эди<sup>43</sup>.

Демак, Зарафшон сувининг тақсимотини назорат қилиб туриш мақсадида Бухорода ташкил этилган «Техника бўлими мудирӣ» лавозими Туркистон маъмурияти кўзда тутган натижани бермади. Гарчи шундай бўлса ҳам, унинг фаолияти тўғрисида юқорида келтирилган маълумотлар рус инженери Х. В. Гельманнинг Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласини ҳал этиш борасида маълум даражада ўз ҳиссасини қўшганидан далолат беради.

## 2. Самарқанд ва Бухоро сув тақсимоти доимий комиссияси

Самарқанд воҳасида обикор ерларнинг интенсив равишда кенгайиб, бу районда Зарафшон дарёси сув сарфининг йил сайин ортиб бориши натижасида, ўтган асрнинг 90-йилларида Бухоронинг сув таъминотида содир бўлган аҳвол Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти бўйича қатъий тартиб ўрнатилишини ва уни муттасил назорат қилиб турувчи доимий сув тақсимоти комиссиясининг ташкил этилишини тақозо қилар эди.

Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти бўйича кўтариладиган масалаларни ҳал этиш, ҳар икки томон харажатлари миқдорини ҳамда ўзаро сув тақсимоти тартибларини белгилаш мақсадида 1894 йил 22 мартда Туркистон генерал-губернаторининг чиқарган махсус буйруғига биноан Самарқанд ва Бухоро сув тақсимоти доимий комиссияси ташкил этилади<sup>44</sup>. Комиссияга Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги ирригация бўйича махсус топшириқлар чиновниги инженер Н. Петров бошлиқ қилиб тайинланади, унинг ҳайъати Бухородаги техника бўлимининг мудирӣ Х. В. Гельман, Самарқанд области ирригациясининг бошлиғи инженер Н. Петровский ва Самарқанд ҳарбий губернаторининг кўрсатмаси билан Самарқанд маҳаллий аҳолиси томонидан юборилган Мирзо Шариф Муҳаммадшарифов ва Муҳаммадражаб Мулламуҳаммедов ҳамда Бухоро ҳукуматининг вакиллари: Абдушукур амин Жума Алиев ва Исматулла амин Ўрозалиевлардан иборат эди<sup>45</sup>.

Комиссияга қуйидаги вазифалар топширилади:

<sup>42</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 362, л. 237.

<sup>43</sup> Уша жойда.

<sup>44</sup> ЦГА УзССР, ф. И-17, оп. 1, д. 2497, л. 14.

<sup>45</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 326; Яна қаранг: ЦГА УзССР ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 21.

1. Зарафшон дарёсининг сувидан фойдаланишда Самарқанд, Каттақўрғон уездлари ва Бухоро хонлигининг манфаатлари бирлигини назарда тутиб, маҳаллий сув тақсимотини ҳар томонлама пухта ўрганиб, мумкин қадар, унга мослаштирилган ва тўғри сув тақсимооти лойиҳасини ишлаб чиқиш.

2. Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида, Бухоро хонлигида ирригация соҳасида олиб бориладиган текширишларга суяниб, келгусида Зарафшон водийсининг ирригация системасини яхшилаш, деҳқончиликда сувдан тежаб фойдаланиш, суғориладиган ер майдонини кенгайтириш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар бериш<sup>46</sup>.

Комиссиянинг асосий вазифаси маҳаллий сув тақсимооти тартиби асосида пропорционал сув тақсимотини жорий этиш бўлгани учун у, аввало, бу масалани ўрганишда водийнинг ҳар икки қисмида жойлашган районларда сарф бўладиган сув миқдорининг ҳажмига қараб иш олиб боришга ҳаракат қилади. Бироқ сув миқдори маҳаллий ўлчов бирлиги — тош ҳисоби билан белгиланиши ва бу ўлчов абсолют бирликка эга эмаслиги туфайли бу масалани ечишда ижобий натижа бермайди.

Шундан сўнг комиссия сув тақсимотини Самарқанд, Каттақўрғон уездларида ва Бухоро хонлигида Зарафшон дарёсидан суғориладиган ер майдонининг ҳажмига қараб ишлаб чиқишга қарор қилади. 1894 йилда Каттақўрғон уезд бошлиғининг комиссияга берган маълумотига кўра, Каттақўрғон уезида суғориладиган ер майдони ўртача ҳисоб билан 43 минг десятинага, шу жумладан, шולי экиладиган ерлар эса 3750 десятинага тенг бўлган<sup>47</sup>. Самарқанд уезида эса суғориладиган ер майдони ўртача ҳисоб билан 81 минг десятина, шу жумладан, шоликор ерлар 16250 десятинага тенг бўлган<sup>48</sup>.

Демак, Зарафшон водийсининг Самарқанд маъмурияти қўл остидаги қисмида ҳаммаси бўлиб суғорма деҳқончилик ер майдонининг ҳажми 124 минг десятина бўлиб, ундан 20 минг десятинаси шоликор ерлар эди. Россиянинг сиёсий агенти орқали Бухоро қўшбегисидан олинган маълумотга кўра, Бухоро воҳасида Зарафшон дарёсидан суғориладиган ер майдонининг ҳажми қарийб 140 минг десятина (519950 таноб)га тенг бўлган<sup>49</sup>.

Бироқ пропорционал сув тақсимотини ишлаб чиқиш учун суғорма деҳқончилик ер майдонининг ҳажмини белгилашнинг ўзи кифоя қилмас эди. Бунинг учун комиссия яна бир масалани — водийнинг юқори ва қуйи қисмларида агротехника экинларини экиш ва уларни суғориш мавсумларини аниқлаб олиши лозим эди. 1897 йил 27 апрелда комиссия бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилади. Унда Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари ҳамда Бухоро хонлиги ўртасида Зарафшон дарёси сувини қуйидагича тақсимлашни тавсия қилади:

<sup>46</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 14.

<sup>47</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 10.

<sup>48</sup> Уша жойда.

<sup>49</sup> Уша жойда.

1. 15 ноябрдан то 10 мартгача Самарқанд аҳолисининг кундалик эҳтиёжи учун керакли миқдордаги сувни қолдириб, Зарафшон дарёси сувининг қолган қисмини Бухоро хонлигига ташлаш.

2. 10 мартдан то 10 майгача дарё сувини водийнинг ҳар икки қисмидаги ер майдонининг ҳажмига қараб баробар тақсимлаш.

3. 10 майдан то 10 июнгача Бухоро хонлигига ташланадиган сув миқдорини аста-секин камайтириб, 10 июнгача уни 4/10 га етказиш ва бу пропорцияни 15 августгача сақлаш. Чунки бу даврда Самарқанд воҳасида шולי экиш мавсуми бошланганлиги учун 10 июндан то 15 августгача Зарафшон сувининг 60 процентини Самарқанд воҳасининг сарфи учун қолдириш.

4. 15 августдан 15 сентябргача шолининг йиғиштириб олинишига қараб, Бухоро хонлигига ташланадиган сувнинг миқдорини аста-секин кўпайтириб, 15 сентябрдан то 15 ноябргача сувни яна баравар иккига тақсим қилиш<sup>50</sup>.

5. Агарда юқорида қайд этилган тартиб бўйича сув тақсимоти амалга оширилганда ҳам сув етарли бўлмаса, у вақтда комиссия Самарқанд билан Бухоро ўртасида ёки водийнинг ҳар икки қисмидаги районлар ўртасида сувдан навбат билан фойдаланиш усулини жорий этишни лозим топади.

Шу билан бирга, комиссия сув тақсимотини амалга ошириш пайтида ортиқча куч ва кўп миқдорда материал ҳамда вақтнинг бекорга сарф бўлмаслиги учун қуйидагиларни белгилаб чиқади: а) Самарқанд ва Каттақўрғон уездларидаги каналларга маҳаллий сув ташлагич иншоотлар — ништоқлар билан бир қаторда, Бухоро ҳукумати ҳисобига, махсус гидротехника иншоотлари — затворлари шчитлик регуляторлар ўрнатиш; б) Бухоро хонлигига сув ташлаш тўғрисидаги фармойишларнинг бажарилишини кузатиб туриш учун Бухоро ҳукумати ҳисобидан битта кондуктор ва иккита назоратчи ёллаш; в) Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти тўғрисида комиссия аъзоларини доимо хабардор қилиб туриш учун Дупул кўприги яқинида Зарафшонга, Сужина қишлоғида Муғиён дарёсига ва Бухоро хонлиги чегарасида Қорадарё, Оқдарё ҳамда Нарпай каналига қурилган футштоқларда (сув ўлчагич) сув сатҳининг ўзгаришини мунтазам равишда кузатиб бориш ва бу маълумотларни почта орқали Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги ирригация бўйича махсус топшириқлар чиновнигига, Самарқанд области ирригация бошлиғига ва Бухородаги техника бўлимининг бошлиғига юбориш; г) Оқдарё, Қорадарё ва Нарпай каналларига ўрнатилган футштоқларнинг кўрсаткичларини ёзиб бориш учун ўзаро сув тақсимотига ажратиладиган умумий маблағ ҳисобидан иккита назоратчи ёллаш<sup>51</sup>.

Шундай қилиб, комиссия Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон водийсининг юқори қисми Россия қўл остига ўтгандан бери ҳал бўлмаётган сув тақсимоти масаласини ҳар томонлама ўрганиб, водийдаги суғориладиган ер майдонининг ҳажмига

<sup>50</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 17—15.

<sup>51</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 18—20.

асосан пропорционал сув тақсимотини жорий этиш учун амалий тадбирларни белгилаб чиқди.

Гарчи Бухоро ва Самарқанд ўртасида пропорционал сув тақсимоти тартиблари ишлаб чиқилиб, бу тўғрида махсус қарор қабул қилинган бўлса-да, аммо бу масала ҳали узил-кесил ҳал бўлмаган эди. Чунки пропорционал сув тақсимоти тартибларини белгилашда эътиборга олинган маълумотлар, жумладан, водийда Зарафшон дарёсидан суғориладиган ер майдонининг ҳажми аниқ фактик материалларга асосланмаган бўлиб, фақат айрим расмий шахсларнинг берган оғзаки маълумотларидан иборат эди. Шунинг учун ҳам бу масала муҳокама қилинган вақтда комиссиянинг баъзи аъзолари ўз эътирозларини билдирган эдилар. Масалан, Самарқанд области ирригациясининг бошлиғи Н. Петровский Зарафшон округида Зарафшон дарёсидан суғориладиган ер майдонининг ҳажми 124 минг десятина эмас, балки 200 минг десятинадир деб кўрсатади<sup>52</sup>. Шунингдек, Бухоро вакиллари ҳам хонликда дарёдан суғориладиган ер майдонининг ҳажми комиссияга берилган расмий маълумотларга нисбатан икки баробар ортиқ бўлиши керак деб баён қиладилар<sup>53</sup>. Ҳақиқатан ҳам Бухоро хонлигидаги ер майдонининг ҳажми Л. Н. Соболевнинг маълумотига кўра, 284 минг десятина (1135 минг таноб)га<sup>54</sup> ва инженер З. Жижемскийнинг маълумоти бўйича, 255 минг десятина (1020 минг таноб)га тенг бўлган<sup>55</sup>.

Аммо Самарқанд ва Бухоро сув тақсимоти бўйича комиссия тавсия этган тартиб, водийнинг ҳар икки қисмидаги обикор ерларнинг аниқ ҳажмига асосан ишлаб чиқилмагани сабабли Туркистон маъмурияти томонидан маъқулланмайди.

Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига биноан 1895 йил 20 апрелда комиссия сув тақсимоти масалаларини қайта муҳокама қилиб, Самарқанд ва Каттақўрғон уездларидаги обикор ерларнинг ҳажмини картографик материаллар асосида белгилаб чиқди. 1895 йил 4 майда бу масала юзасидан комиссия томонидан тузилган махсус протоколда қайд этилишича, Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимотининг нисбатини белгилашда, Самарқанд воҳасида обикор ерларнинг ҳажми, ўрта ҳисоб билан 225 минг десятина, шу жумладан, шоликор ерлар 25 минг десятинага тенг деб олинган<sup>56</sup>. Шунингдек, Бухоро ҳукумати томонидан берилган янги маълумотга кўра, Бухоро воҳасида обикор ерларнинг майдони 182 минг десятина (609 минг таноб)га тенг бўлган<sup>57</sup>.

Бундан ташқари комиссия тўпланган янги маълумотлар асосида водийнинг юқори қисмида етиштириладиган агротехника экинларини экиш ва суғориш мавсумларини қайта белгилаб, Самар-

<sup>52</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 329.

<sup>53</sup> Уша жойда.

<sup>54</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 17.

<sup>55</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 329.

<sup>56</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 323.

<sup>57</sup> Уша жойда.

қанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимотини қуйидаги тартиб бўйича амалга оширишга қарор қилади:

1. 16 ноябрдан 16 мартгача Самарқанд аҳолисининг кундалик эҳтиёжи, тегирмон, обжувоз ва корхоналарнинг ишлаши, отуловлар ҳамда янги ўтқазилган дарахт кўчатларини суғориш учун керакли миқдордаги сувни Самарқанд областида қолдириб, қолган сувни Бухоро хонлигига ташлаш.

2. 16 мартдан 16 майгача, водийнинг юқори қисмида шולי экинчи мавсуми бошланмасдан, Зарафшон оқимини Самарқанд ва Бухоро воҳаларидаги обикор ерларнинг ҳажминини, яъни 200 минг десятинага 150 минг десятина — 4/3 нисбати билан тақсим қилиб, дарё сувининг 57 процентини Самарқанд области ихтиёрида қолдириш, қолган 43 процентини хонликка ташлаш.

3. 16 майдан 1 июлгача Самарқанд воҳасида шоликорлик мавсуми даврида, хонликка ташланадиган сув миқдорини аста-секин қамайтириб, 1 июлдан 16 августгача Зарафшон сувини 150 минг десятинага 300 минг десятина<sup>58</sup>, яъни 1/2 нисбати билан тақсим қилиб, унинг 33 процентини Бухоро хонлигига ташлаш ва 67 процентини Самарқанд ва Каттақўрғон уездларининг сарфи учун қолдириш.

4. 16 августдан 1 октябргача, шолининг йиғиштириб олинишига қараб, хонликка ташланадиган сув миқдорини узлуксиз кўпайтириб бориб, 1 октябрдан 16 ноябргача уни 16 мартдан 16 майгача бўлган давр учун жорий этилган усулда тақсим қилиш, яъни дарё сувининг 57 процентини Самарқанд воҳаси учун қолдириб, 43 процентини хонликка ташлаш<sup>59</sup>.

Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувини тақсим қилиш тўғрисида жорий этилган бу тартибни муҳокама қилиш вақтида Бухоро ҳукуматидан келган вакиллар унинг 2 ва 4-моддалари тўғрисида ўз эътирозларини билдирадидилар. Бухоро вакиллари апрель ойининг иккинчи ярмидан то май ойининг ўрталарида ҳамда август ойининг иккинчи ярмида Бухоро воҳасида экинларни суғориш учун сув энг кўп талаб этиладиган давр бўлиб, бу ойларда хонликка ташлаш учун мўлжалланган 43 процент дарё суви, умумий талабни қониқтира олмаслигини айтадилар. Улар, Самарқанд Бухоро хонлиги қўл остидалиги даврида икки ҳафтадан то тўрт ҳафтагача мавсумда икки марта Бухорога ташланадиган сув миқдорини кўпайтириш мақсадида «обпарта» ва «нимжўй» усулларининг қўлланиши сабаби ҳам худди шу шароитга боғлиқ эканини кўрсатадилар ва шу даврда хонликка ташланадиган сув миқдорини, мавсумнинг бошқа ойлари ҳисобига кўпайтириб берилишини илтимос қиладилар.

Бухоро вакилларининг илтимосини назарда тутиб комиссия, хонликка ташланадиган сув миқдорини кўпайтириш мақсадида,

<sup>58</sup> Бошқа экинларга нисбатан сувнинг шוליға кўпроқ сарф бўлишини назарда тутиб, сув тақсимотининг бу моддасини белгилашда комиссия Самарқанд воҳасидаги 25 минг десятина шоликорлик ерларини тўрт баробар ошириб, унга қолган 200 минг десятина ер майдонини қўшиб ҳисоблаган.

<sup>59</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 167, л. 323—325.

мавсумнинг бошқа ойлари ҳисобига, 1 апрелдан то 20 апрелгача ва 16 августдан 5 сентябргача Самарқанд ва Каттақўрғон уездларининг сувини ярмигача қисқартириб, Бухоро сувини оширишга қарор қилади<sup>60</sup>.

Ҳақиқатан ҳам комиссия Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимоти тартибларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда уларни маҳаллий усулларга мослаштиришга ҳаракат қилган.

Демак, 1894—1895 йилларда Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласи махсус комиссия томонидан ўрганилиб, водийнинг ҳар икки қисмларидаги обикор ерларнинг умумий ҳажми нисбатига асосан ўзаро сув тақсимоти тартиблари ишлаб чиқилган эди.

Бироқ ўша вақтда Туркистон генерал-губернатори лавозимини вақтинча ўтаб турган Самарқанд областининг ҳарбий губернатори Ростовцев қуйидаги мулоҳазаларга асосан сув тақсимоти комиссиясининг қарорини тасдиқламади: 1) қарорда Самарқанд ва Каттақўрғон уездларидаги экин майдонининг ҳажми тахминан кўрсатилган. Ваҳолонки, келгуси йилда Зарафшон водийси бўйича ер ва солиқ комиссияси Самарқанд уездида ўз ишини тугатади ва бу уезддаги экин майдонининг аниқ ҳажми маълум бўлади; 2) Бухоро хонлигида суғориладиган ер майдони фақат тахминий маълумотга асосан олинган; 3) процент жиҳатидан тахминий олинган сув миқдоридан кўра, Бухоро хонлигига Самарқанд ва Каттақўрғон уездларидан ортиб қолган сув кифоя қилиши мумкин; 4) сув тақсимоти даврида Бухорога сув ташлаш учун қабул этилган тартиблари Самарқанд ва Каттақўрғон уездларидаги суғориш системалари бўйича ёппасига жорий этиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки суғориш системаларининг ҳаммасида ҳам сувдан фойдаланиш тартиби бир хилда эмас. Шунинг учун ҳар бир система бўйича, Бухорога ташланадиган сув процентини белгилаб чиқиш зарур эди; 5) суғориш системаларининг техника жиҳатидан ниҳоятда бўш жиҳозланганлиги сабабли беҳуда сарф бўладиган сувдан фойдаланиш чорасини кўриш ҳисобига хонликка ташланадиган сув миқдорини кўпайтириш лозим; 6) магистрал канал системаларида сувдан фойдаланиш шароитларини ўрганиш вазифаси юкланган Самарқанд область ирригация маъмурияти, етарли ишчи кучининг йўқлиги сабабли, шу йилнинг ёз мавсуми давомида бу ишни, яъни беҳуда сарфланадиган ортиқча сув ҳисобига Бухорога сув ташлаш ишини бажаришга қодир эмас; 7) агарда, башарти юқорида қайд этилган масалалар келгуси йилгача аниқланиб, ижобий натижа берадиган бўлса, Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласини 1896 йилнинг кузигача қолдириш лозим<sup>61</sup>.

Ўзаро сув тақсимоти комиссиясининг белгилаб чиққан тартиби тўғрисидаги бу мулоҳазалар, юзаки қараганда, сув тақсимоти масаласини аниқ маълумотлар асосида ечишга мўлжалланган бўлса

<sup>60</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 324—325.

<sup>61</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 26—27.

ҳам, аммо аслида эса Бухоро хонлигининг сув таъминотига нисбатан бўлган қўпол муносабатидан дарак берарди. Чунки Самарқанддан ортиб қолган сув билан хонлики таъмин этиш ва унга ташланадиган сув миқдорини суғоришда бекорга исроф бўладиган сувнинг ҳисобига кўпайтириб бериш тўғрисидаги фикрлар асрлар давомида Бухоро воҳасининг Зарафшон дарёсидан олиб келган қонуний ҳақобасидан маҳрум этиб, Самарқанд маъмуриятига бутунлай қарам ва унинг партовига муҳтож қилиб қўяр эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Чунки бундай ҳолат ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошида Бухоронинг сув таъминотида намоён бўлган эди.

Шундай қилиб, Самарқанд ва Бухоро воҳаларидаги обикор ерлар ҳажми тўғрисида аниқ маълумотларнинг йўқлиги сабабли, ўзаро сув тақсимоти бўйича комиссия қабул қилган қарор иккинчи марта ҳам Туркистон маъмурияти томонидан маъқулланмаган эди.

Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласини тўғри ҳал қилиш йўлида рус ирригаторларининг олиб борган амалий ишлари устида сўз юритилар экан, водийнинг юқори қисмида ҳукмронлик қилган Самарқанд губернаторлигининг бу масалага нисбатан тутган муносабати ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Чунки сув тақсимотининг тўғри амалга оширилиши ва Бухоронинг ўз вақтида етарли миқдорда сув билан таъмин этилиши кўп жиҳатдан самарқандликларнинг хоҳишига боғлиқ бўлган.

Шубҳасиз, ўзаро сув тақсимоти комиссиясининг 1895 йил 5 май қарори Туркистон губернатори томонидан тасдиқланмагандан сўнг, бу масалага Самарқанд маъмуриятининг муносабати тубдан ўзгарди ва у Зарафшон дарёси сувидан фойдаланишда ўз манфаатини кўзлаб, комиссия қабул этган қарорга мутлақо рия қилмай қўйди.

«Самарқанд областининг ҳарбий губернатори марҳум граф Ростовец даврида,— деб ёзади Россиянинг сиёсий агенти В. И. Игнатъев 1899 йил 24 майда Туркистон генерал-губернаторига ёзган мактубида,— Зарафшон сувини тақсим қилиш комиссияси йилнинг турли ойларида Бухоро хонлигига ташланадиган сувнинг миқдори тўғрисида қарор чиқарган эди. Лекин мазкур қарорга ҳеч қачон рия қилинган эмас. Шунингдек, ҳозирги вақтда Самарқанд маъмурияти унга амал қилмаётир»<sup>62</sup>.

Бу даврда сув тақсимоти қандай амалга оширилганлиги тўғрисидаги фактик маълумотларга назар ташласак, Самарқанд маъмуриятининг бу масалага нисбатан тутган муносабатини яққол кўриш мумкин. Масалан, 1895 йил ёз мавсумининг ўзида «комиссия протоколида белгиланган сувга қараганда, Бухорога кам миқдорда сув ташланган эди. Бундай аҳвол октябрь ойигача давом этади... 33 процент ўрнига 18 процент, баъзан Зарафшон сувининг 1/9 қисмигина [Бухорога] ташланар эди... Июль ойи давомида


<sup>62</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4792, л. 22.

сувнинг миқдори 33 процентга етган бирор кун ҳам бўлмади»<sup>63</sup>, — деб хабар қилган эди сиёсий агент ўзининг 1895 йил 23 ноябрда Туркистон маъмуриятига йўллаган мактубида.

1899 йилга келиб Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш масаласи янада оғирлашди. Самарқанд маъмурияти Зарафшон дарёсида сувнинг озлиги ва водийнинг юқори қисмидан ортмаслигини баҳона қилиб, Бухоро хонлиги территориясига деярли сув ташламай қўяди. Масалан, «1899 йил апрель ойининг иккинчи ва май ойининг биринчи яримларида Бухоро территориясига ҳаммаси бўлиб дарёнинг 3 процент суви ташланган эди»<sup>64</sup>.

1899 йил матбуотда босилиб чиққан ахборотларга қараганда, шу йили Бухоро воҳаси икки ой давомида бутунлай сувсиз қолган. Бу вақтда экинларни суғориш у ёқда турсин ҳатто аҳолининг кундалик энг зарур эҳтиёжи учун ҳам сув топилмаган<sup>65</sup>.

Бундай оғир аҳвол тўғрисида сўз юритилар экан, Россиянинг сиёсий агенти ва Бухородаги техника бўлимининг мудирини Зарафшон дарёси сувининг тақсимоли масаласига қандай муносабатда бўлди? деган саволнинг келиб чиқиши табиий бир ҳолдир. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, сув тақсимоли масаласи хонликда чоризмнинг ҳукмронлигини мустақамлаш мақсадида ташкил этилган Россия сиёсий агентини ҳам ва Бухоро воҳасида сув таъминотини яхшилаш ниятида таъсис этилган Бухородаги техника бўлими мудирини ҳам жуда оғир



1895 йил июнь—июль ойларида Бухоро воҳасига ташланган Зарафшон дарёси сувининг миқдори:

1. Дарё оқимининг миқдори; 2. 1895 йилда Ўзаро сув тақсимоли комиссияси қабул этган шартнома бўйича Бухорога ташланадиган сувнинг миқдори; 3. 15 июндан 30 июлгача Бухорога оққан сувнинг ҳажми.

<sup>63</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 2497, л. 27.

<sup>64</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 4792, л. 9.

<sup>65</sup> «Бухорода сув масаласи», «Таржимон» газетаси, 1899 йил 28 сон, бу газета Қримда Боғчасарой шаҳрида нашр этилган; Яна қаранг: «Туркестанские ведомости», 1899, № 175; Яна қаранг: «Ашхабад» газетаси, 1899 йил 22 май.



аҳволга солиб қўйган эди. Хонликдаги Россиянинг бу икки вакили Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимоти масаласининг тўғри ҳал қилинишининг тарафдори бўлиши билан бирга, Бухоро воҳасини тартибли равишда доимо сув билан таъминлаб туришга ҳаракат қилади.

Сиёсий агентнинг Туркистон ва Самарқанд маъмуриятлари билан сув тақсимоти юзасидан олиб борган ёзма алоқаларида Бухоро хонлигини ўз вақтида сув билан таъминлаб туриш сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш билан бирга, уни сув танқислигида қолдириш фақат Бухоро ҳукумати учунгина эмас, балки Россия учун ҳам, айниқса, унинг саноати, жумладан, тўқимачилик саноатига катта зарар келтириши мумкинлиги қайд қилинади. Масалан, Россиянинг Бухородаги сиёсий вакили В. И. Игнатъев 1899 йил 24 майда Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовскийга қуйидагиларни ёзган эди: «Яқин икки ойдан бери Зарафшон водийсининг Бухоро қисмида сув йўқ, ...Бухоро шаҳрида ҳовузлар қуп-қуруқ, ҳатто ичиш учун ҳам аҳолига сув етмаётир. Ўсимликлар қовжираб, экинлар ҳалокатга юз тутмоқда... Агарда сувсизлик давом этадиган бўлса, ғўза бутунлай қуриб қолиб, мамлакат учун офат бўлади ва бизнинг шахсий манфаатларимизга катта зарар етказди.

Менимча, Бухоро хонлигидаги аҳвол ва бизнинг унга муносабатимиз Ўрта Осиёдаги ўз мулкимиз ободонлиги тўғрисида қанчалик ғамхўрлик қилаётган бўлсак, Бухоро хонлигининг манфаати ва унинг ободонлиги тўғрисида ҳам шунчалик ғамхўрлик қилиш мажбуриятини устимизга юклайди. Бухоро хонлигининг ободонлиги зарарига Самарқанд областида шликорлик плантацияларини кенгайтириш зиёндан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Масалан, хонликда ғўза ҳосил тўкмаса, савдо ва темир йўлимиз манфаатига ниҳоятда ёмон таъсир қилади. Бизнинг мулкимиз билан Бухоро хонлиги ўртасида Зарафшон сувини тақсим қилиш масаласини тезлик билан ва узил-кесил ҳал қилиш керак»<sup>66</sup>.

Бухоро хонлигида сув танқислиги тўғрисида сиёсий агентнинг Туркистон ва Самарқанд маъмуриятларига узлуксиз юборган баёнотлари ва хонликни сув билан таъминлаш учун қатъий туриб қилган талабидан кейин, 1899 йил 22 майда Туркистон генерал-губернатори Н. А. Ивановнинг фармони билан Самарқанд областининг ҳарбий губернатори Г. М. Федоров бошчилигида сув тақсимоти комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтади. Комиссия Бухоро воҳасида содир бўлган сувсизликни назарда тутиб, Нарпай суғориш системасидан ташқари Самарқанд воҳасидаги барча каналларни боғлаб, дарё сувининг деярли ҳаммасини 7 кун давомида Бухоро территориясига ташлаш тўғрисида қарор қилади<sup>67</sup>.

Комиссиянинг қарорига асосан 25 майдан дарё суви Бухорога ташланган бўлса ҳам, бироқ у тўла-тўкис амалга оширилмайди. Масалан, июнь ойининг бошида Зарафшон оқимининг ҳажми ўр-

<sup>66</sup> ЦГА УзССР, ф. И-47, оп. 1, д. 4792, л. 22.

<sup>67</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4792, л. 12.

тача ҳисоб билан секундига 6500 куб. футга<sup>68</sup> тенг бўлса-да, Бухорога ташланган сувнинг миқдори 1 июнда секундига 3925 куб. фут ва 2 июнда 3600 куб. футдан ошмаган<sup>69</sup>.

«Нарпайдан ташқари Самарқанд областидаги барча ариқлардаги сувни 7 кун давомида Бухорога ташлаш тўғрисидаги... фармойиш,— деб ёзган эди сиёсий агент 1899 йил 12 июнда Туркистон генерал-губернаторига юборган мактубида,— Самарқанд маъмурияти томонидан тўла-тўқис амалга оширилмади. Бухорога Зарафшон сувининг ярмичаси етиб борган бўлса-да, бу миқдордаги сув тўла етти кун давомида оқмади. Бухороликлар икки олий сувсизликдан бутунлай қуриб қолган ҳовузларини тўлдириб олишга муяссар бўлдилар, холос. Ғўза, жўхори ва полиз экинлари деярли суғорилмай қолди»<sup>70</sup>.

Бухоро хонлиги қушбегиси Жонмирзабий девонбегининг 1899 йил 11 июнда сиёсий агент В. И. Игнатъевга ёзган мактубида Самарқанддан ташланган сувнинг Бухоро территориясига қай даражада етиб келгани ва унинг Бухоро вилоятлари ўртасида қандай тақсим қилингани тўғрисида қуйидагиларни баён қилган эди: «...Нарпай соқасидан ташқари, барча каналларни боғлаб етти кунлик муҳлат билан Самарқанддан Бухорога сув ташланган эди. Дўстимизнинг илтимосига кўра Бухорога берилган бу сув [тўғрисида] жаноби олийнинг марҳамат ва меҳрибонлиги ҳамда... давлатхонанинг фармонида биноан Зиёвуддин, Хатирчи, Қармана вилоятларига ва туманларга мактуб юборилиб, уларнинг ҳар бири эҳтиёж учун зарур миқдордаги сувни ўз ариқларига боғлаб олдилар. Бухоройи шарифга етиб келган унинг ортиқча қисми фақат эҳтиёж учун зарур миқдорда шаҳар ҳовузларини тўлдириб олишга кифоя қилди, холос. Чунки тўрт-беш кундан сўнг, сувнинг келиши ёмонлашиб, у тўхтаб қолган эди. Аҳолининг экинлари мутлақо сув ичмади. Шунингдек, ...давлатхонанинг фармони билан Хатирчи, Зиёвуддин, Қармана вилоятлари ва туманларида шу сувдан эҳтиёж учун зарур миқдорда ҳовузлар тўлдириб олинган бўлса-да, аммо уларнинг экинлари ҳам суғорилмади...»<sup>71</sup>.

<sup>68</sup> Бир куб фут сув, 0,028 кубометр сувга тенг.

<sup>69</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4792, л. 13.

<sup>70</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 26, д. 170, л. 1; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, сп. 1, д. 167, л. 3 и 187.

<sup>71</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 51:

... بمهلت هفت روزه از سمرقند سواری نهری دیگر چویهار ابسته  
آب را به بخارا فرستاده بودند. همون آب دوست ما التماس نموده به  
بخارا فرستاده گئی را از روی مرحمت و مهربانی جناب عالی بمحکو  
مات دولتخانه عالی بولایت ضیاالدین و خطیرچی و گرمیته و تومانات  
خط کرده بقدر ضرور هر کدام بحویهاشان آب گرفته زیادهتی آن  
به بخارای شریف آمده بدون شهر حوض آبه بقدر ضرور شده

Юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, етти кун давомида Зарафшон дарёсининг суви Бухорога томон оққан бўлса ҳам, аммо ундан деҳқончилик учун мутлақо фойдаланилмаган эди. Чунки Самарқанддан ташланган сув аҳолининг кундалик эҳтиёжидан ортмаган.

Сувсизликдан Бухоро воҳасида зироатлар қуриб, деҳқончилик хавф остида қолган бир пайтда, 1899 йил 4 июнда Самарқандда ҳарбий губернатор Г. М. Федоров раислигида сув тақсимотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди<sup>72</sup>. Йиғилишда Бухорога сув ташлаш ёки ташламаслик масаласи ҳамда Зарафшон дарёсидаги сувнинг умумий миқдори тўғрисидаги кўрсаткичлар муҳокама қилинди. Комиссияга берилган маълумотларга қараганда, 1899 йил июнь ойининг бошларида Дупул кўприги яқинида Зарафшонга ва Сужина қишлоғи яқинида Муғиён дарёсига ўрнатилган сув ўлчагичда кўрсатилишича, дарёда оқаётган сувнинг умумий миқдори, яхлит ҳисоб билан, секундига 12 минг куб. футга тенг бўлган<sup>73</sup>. Зарафшон дарёсида шунча сув бўлишига қарамай, суғоришда сувдан одатдагидек тўла фойдаланилса, дарёнинг мавжуд оқими Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари деҳқончилигидан ортмайди, шу сабабли Зарафшонда сувнинг миқдори 12 минг куб. футдан ошмагунча, Бухорога сув ташлаб бўлмайди; агарда бор сувдан Бухоро воҳаси учун 3,5—5 минг куб. фут ҳажмда сув ажратиб берилса, у Самарқанд воҳаси деҳқончилигига салбий таъсир қилиб, натижада озиқ-овқат ва солиқ масалаларида ўринсиз қийинчиликлар содир бўлиши мумкин деган мулоҳазалар билан Бухоро сувдан маҳрум этилганди<sup>74</sup>.

Демак, сув тақсимоти комиссиясининг 1899 йил 4 июнда қабул қилган бу қарорига биноан Бухоро воҳасининг Зарафшон дарёсидан олиб келган қонуний ҳақобасини йўққа чиқариб, уни тамоман сувсиз қўйишга қаратилган эди.

Бу қарор Бухоро ҳукмрон доираларининг норозилигини оширибгина қолмай, балки бу масалани ҳал этишда воситачи бўлган Россиянинг сиёсий агентини жуда ноқулай аҳволда қолдирган эди. Шунинг учун ҳам сиёсий агент комиссиянинг бу қарорига норозилик билдириш билан бирга, сув тақсимотини узил-кесил ҳал қилиш учун ҳаракат қилади.

Россиянинг сиёсий вакили В. И. Игнатъев 1899 йил 12 июнда Туркистон генерал-губернаторига юборган баёнотида: «...4 июнда

بمَدَّتْ چهار پنج روز عقیب آب گنده تمام شده بود. کشت زراعت  
فقرایان اصلا آب نخورده است. انچنین آب مذکور بمحکومات دولتخانه

عالی هم بولایت های خطیرچی، ضیالددین، گرمینه و تومانات بقدر  
ضرور حوض آبه شده کشت زراعت هاشان آب نخورده است...

<sup>72</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4792, л. 13—14.

<sup>73</sup> ЦГА УзССР ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 37.

<sup>74</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4792, л. 13—14.

Самарқандда бўлиб ўтган кенгашда тузилган протокол бўйича, Бухоро территориясига сув ташлаш имконияти йўққа чиқарилган, чунки Зарафшондаги сувнинг миқдори фақат Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари учун етарли эмиш. Шундай қилиб, Бухоро ерларидаги экинлар ҳалокатга маҳкум этилган... Бу масалани ҳозирги ҳолича қолдириш, яъни бошқача айтганда, мамлакат ободонлигини турли хилдаги тасодиф ва Самарқанд маъмуриятининг ўзбошимчалигига боғлаб қўйиш ҳаққониятга зид ва шахсий манфаатимизга тўғри келмайди. Бухородаги бундай оғир аҳволдан қутилиш учун фақат хонликнинг ободонлиги зарарига Самарқанд областида кенгайиб бораётган шоликорлик ер майдонини тезлик билан қисқартириш керак. Агарда буни амалга ошириш имконияти бўлмаса, Бухоро ерларидаги экинларни суғориш учун бошқа чора излаб топилмаса, у вақтда Бухоро ҳукуматига шуни эълон қилишга тўғри келадими, у Зарафшон водийсида ўз фуқароларининг деҳқончилик билан шуғулланишини ман қилсин...»<sup>75</sup>, — деб ёзади.

Бу баёнотидан сўнг, Туркистон генерал-губернатори 1899 йил 16 июнда сув тақсимотини 1895 йилда қабул қилинган тартиб бўйича амалга ошириш тўғрисида буйруқ беради<sup>76</sup>. Бу фармойишнинг тезлик билан ва тўғри амалга оширилишини кузатиб бориш учун ирригация бўйича махсус топшириқлар чиновниги инженер Н. Петров Самарқандга юборилади<sup>77</sup>.

16 июнда Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовский Россиянинг ҳарбий министрига телеграмма юбориб, Бухорога ташланадиган сув миқдорининг қисқариб кетганлиги сабабли аҳоли табиий офат хавфи остида қолганлиги туфайли, одатдаги сув тақсимотини қайта тиклаш тўғрисида буйруқ берганини хабар қилади<sup>78</sup>.

17 июнда ҳарбий министрнинг Туркистон генерал-губернаторига юборган телеграммасида Самарқанд билан Бухоро ўртасида одатдаги сув тақсимотининг қайта жорий этилиши Россия императори томонидан маъқулланганлиги тўғрисида хабар қилади<sup>79</sup>.

Бундан Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласи подшо ҳукуматига етиб борганлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, Бухоро хонлигини ўз вақтида сув билан таъминлаш мақсадида сиёсий агентнинг қатъий туриб қилган амалий ҳаракатлари натижасида 1899 йил июнь ойидан бошлаб Самарқанд ва Бухоро ўртасида яна одатдаги — маҳаллий аҳоли ўртасида қадимдан жорий этилиб келган тартиб қайта тикланган эди.

Самарқанд ва Бухоро ўртасида одатдаги сув тақсимотини қайта жорий этиш Россия императори томонидан маъқуллангани ҳақидаги хабар Самарқанд маъмурияти ва Россиянинг Бухородаги сиёсий вакилига маълум қилинганч, Бухорога сув ташлаш

<sup>75</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 43—44, 187; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 26, д. 170, л. 1.

<sup>76</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 30.

<sup>77</sup> Уша жойда.

<sup>78</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 31.

<sup>79</sup> Уша жойда.

учун ҳамма чоралар кўрилади. 1899 йили «26 июнда Зарафшон сувининг 33 проценти, 30 июнда эса ундан ҳам кўпроғи Бухорога ташланган эди. Сувни кўпайтириб бериш то июнь ойининг ўрталаригача давом этади»<sup>80</sup>. Бироқ кўп вақт ўтмай Самарқанд воҳасида сув миқдори 2/3 қисмдан камайиб кетганлиги баҳонаси билан Бухорога ташланаётган сувнинг ҳажми 1/4 қисмгача қисқартирилади<sup>81</sup>.

1899 йилги сув танқислиги Бухоро воҳаси деҳқончилигига катта зарар етказган эди. Шу йили деҳқончилик экинларининг ҳосили қисқариб, галланинг нархи ошиб кетади. Масалан, пахта ҳосили 50 процентга камайиб кетади<sup>82</sup>, буғдойнинг нархи 41, арпа 80, ва ун 44 процентга кўтарилган эди<sup>83</sup>.

Ноқулай аҳволда қолган сиёсий агент ҳатто ўзаро сув тақсимоти учун сарф бўладиган харажатлар тўғрисида Бухоро ҳукумати қандай хабардор қилишини ҳам билмай қолган эди. Бу тўғрида сиёсий агент В. И. Игнатъев 1899 йил ноябрь ойида Туркистон маъмуриятига юборган мактубида қуйидагиларни баён қилган эди: «Канцелярия томонидан 12 ноябрда 307 рақамли расмий хатни олгандан кейин, Бухорога оқайтган Зарафшон сувининг миқдорини аниқлаш мақсадида Самарқанд областида янги усулни жорий этиш учун Бухоро ҳукумати томонидан 1500 сўм ассигнация қилиниши тўғрисида алоқа қилишга журъат эта олмадим.

Бу мавзу бўйича менинг ахборотим амирга етказилганда, у сув тақсимоти учун ундан пул сўраб қилинган янги талабни кўнгилсизлик билан қарши олиб, Остонақул девонбеги орқали мен унга янги усулнинг жорий этилиши Бухорога сувнинг тегишли қонуний қисмининг ташлаб турилишини таъминлай олиши тўғрисида хабар қилишимни сўраган...

Афсуски, Амирнинг талабига ижобий жавоб бериш учун мен имкониятга эга эмас эдим. Чунки ўтган ёз мавсумидаги тажриба шуни исботладики, Самарқанд области билан Бухоро ўртасида комиссия протоколига мувофиқ қатъий ва жуда аниқ сув тақсимоти жорий этилмагунча Бухоро ҳукуматининг ҳар қандай харажатлари ҳам ёрдам бермайди. Сув тақсимотининг ҳар йилги харажатлари учун Бухоро ҳукуматидан пул талаб қилинган вақтда... доимо мен, бу харажатлар ўз ўрнини бутунлай қоплайди, улар вазитаси билан сувнинг қонуний қисми Бухоро территориясига ташланади деб, амирни ишонтирар эдим. Бироқ менинг ишонтиришларим то ҳозирги вақтгача амалга ошмай келди. Бундай аҳвол олий ҳазрат олдида мени ниҳоятда ноқулай ҳолга солиб қўймоқда»<sup>84</sup>.

Самарқанд ва Бухоро сув тақсимоти масаласи бўйича Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти фаолиятига баҳо берилар экан, шуни қайд қилиш керакки, у Бухородаги техника бўлимининг му-

<sup>80</sup> Уша жойда.


<sup>81</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 188.

<sup>82</sup> Уша жойда.

<sup>83</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, д. 274, л. 19, 36.

<sup>84</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 188.

дири билан биргаликда доимо хонлик манфаатларини ҳимоя қилиб, Бухоронинг қонуний ҳақобасини ундириб беришга ва сув масаласини тўғри ва холисона ҳал қилишга ҳаракат қилади. Масалан, Бухоро воҳасида сув танқислиги кучайган бир вақтда Самарқандда ўзаро сув тақсимотини тартибга солиш масаласи бўйича 1899 йили комиссия учинчи марта йиғилади. Бу масала юзасидан 19 ва 21 июнда тузилган протоколда комиссия қуйидаги қарорни қабул қилади: а) Бухоро ва Самарқанд ўртасида Зараф-



Самарқанд ирригация системаларига ўрнатилган дастлабки инженерлик типидagi иншоотлар

шон сувини тақсимлаш вазифасини Бухородаги техника бўлимининг бошлиғига юклаш; б) Бухоро хонлиги ҳисобига Самарқанд областидаги каналларнинг бош қисмига гидротехника иншоотлари ўрнатиш<sup>85</sup>. Комиссиянинг бу қарорига қарши Бухородаги техника бўлимининг бошлиғи ҳам, сиёсий агент ҳам ўз эътирозларини билдирган эдилар.

Комиссия қабул қилган қарорнинг иккинчи моддасига асосан махсус лойиҳа ва смета тузилиб, 1900 йил 22 февралда Туркистон маъмуриятига топширилади. Бу смета бўйича, Самарқанд областида 40 та йирик ва 50 та майда каналларнинг бош қисмига гидротехника иншоотлари ўрнатиш мўлжалланиб, уларга қарийб 120 минг сўм сарф қилинар эди<sup>86</sup>. Шу жумладан, 1900 йилнинг ўзида бундай иншоотларни қуйидаги йирик каналларга ўрнатиш

<sup>85</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 31.

<sup>86</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 26, д. 170, л. 85—86.

мўлжалланади: Туятортар, Каттатайлоқ, Янгибеш, Мирза, Янги, Тўқус, Жуйи Девона, Хўжа, Қўнабеш, Оқ, Хон, Тош, Ортиқ ва Қатагон. Смета бўйича, бу иншоотларнинг сарфи учун 34222 сўм 08 тийин белгиланган эди<sup>87</sup>.

Комиссия қабул қилган қарор ва унга биноан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳамда сметалар Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги сув тақсимотини тартибга солиш учун мўлжалланган бўлса ҳам, аммо бу ишга сарфланадиган харажатларни Бухоро ҳукуматига, шунингдек, уни амалга ошириш масъулиятини эса Бухородаги техника бўлимининг бошлиғига юклатилган эди. Шунинг учун ҳам техника бўлимининг мудирини Х. В. Гельман комиссия қарорига ҳам ва унга биноан тузилган сметага ҳам эътироз билдирган эди.

Инженер Х. В. Гельман бу қарор тўғрисида Туркистон генерал-губернаторига юборган махсус мулоҳазасида Бухоро ҳукумати маблағига Россия қўл остидаги районларда иншоотлар қуриш таъминотида ноқулай эканини баён қилади. «Каналларнинг бош қисмига қулфак (затвор)лар ўрнатиш, уларнинг пухталигини таъмин этиш жиҳатидан ҳам, аҳолининг ҳашар ишларига сарф қиладиган оғир меҳнатини енгиллаштириш жиҳатидан ҳам мутлақо Самарқанд областининг манфаатига тегишлидир»<sup>88</sup>. Шунингдек, инженер Х. В. Гельман сметага қарши қуйидаги мулоҳазани билдирган эди: «Сув тақсимотини тўғри амалга оширишдан Самарқанд области кўпроқ манфаатдордир. Чунки, агар у сувдан фойдаланишда суистеъмолликка йўл қўймай, ўзига белгиланган 2/3 қисмини боғлаб олса, у вақтда масала ўз-ўзидан ҳал бўлиб, Бухорога сувнинг 1/3 қисми оқар эди... лойиҳалаштирилган иншоотларнинг ёрдами билан Самарқанд областида сувдан навбат билан фойдаланиш имконияти яратилади. Модомики шундай экан, Бухоро ҳукуматининг маблағи ҳисобига Россияга қарашли ерларда сувдан фойдаланишни яхшилаш мутлақо ўринсиздир»<sup>89</sup>.

Демак, Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласини ҳал этишда, Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти ҳам, техника бўлими бошлиғи ҳам хонлик манфаатларини ҳимоя қилганлар.

«Бухородаги сиёсий агентлар хонликни сув билан таъмин этиш ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзларига қатъий вазифа қилиб олган эдилар,— деб ёзади Россиянинг сиёсий вакили Қалмиков Ташқи ишлар министрлигига 1901 йил 3 сентябрда йўллаган мактубида,— масалани узил-кесил ва тўғри ҳал этиш учун улар турли хил чора ва тадбирларни қўлладилар»<sup>90</sup>.

Бухоронинг сув таъминотини яхшилаш борасидаги Россия сиёсий агентлигининг амалий тадбирлари хонликка нисбатан унинг хайрихоҳлиги ёки Бухоро меҳнаткаш деҳқонларига ғамхўрлик қилиш юзасидан бўлмай, балки Бухоро хонлигида чоризмнинг мус-

<sup>87</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1. оп. 26, д. 170, л. 85; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 35.

<sup>88</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 32.

<sup>89</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2794, л. 34—35.

<sup>90</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400. Азиатская часть, д. 176, л. 2.

тамлакачилик сиёсатини амалга ошириш ва унинг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у сув масаласини ҳал этишда Бухоро воҳасида деҳқончиликни ривожлантиришни эмас, балки уни мавжуд аҳволда сақлаб қолишни назарда тутган. «Самарқанд областини суғориш учун Зарафшон сувининг 2/3 қисми боғланиб, фақат унинг 1/3 қисмигина Бухорога ташланади,— деб ёзган сиёсий агент Калмиков, юқорида қайд этилган мактубида,— аммо шу миқдордаги сув ҳам Бухорода деҳқончиликни Туркистон забт этилмасдан аввалги даражада сақлаб туриш учун тўла кифоя қилади»<sup>91</sup>.

Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласига ўз навбатида, Туркистон маъмурияти ҳам, Россиянинг ташқи сиёсатини бошқарган Ҳарбий ва Ташқи ишлар министрликлари ҳам чоризмнинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва сиёсий манфаатлари нуқтаи назардан қараган эдилар. Бухоронинг сув таъминоти борасида Россиянинг Ташқи ишлар министрлигининг Ҳарбий министрликка юборган қуйидаги мулоҳазаларида бу ўз ифодасини яққол топган эди: Бухоронинг «сув таъминотини тартибга солиш, Россияга олиб чиқиладиган пахтанинг етиштирилишини ривожлантиради. Бухоронинг иқтисодий аҳволини яхшилаш эса, сиёсий нуқтаи назардан жуда муҳимдир, чунки... Россия тобелигидаги мамлакатнинг ободонлиги Англия таъсирида ёки унга қарам бўлган бир қанча Осиё давлатлари ўртасида бизнинг шуҳратимизни оширади...»<sup>92</sup>.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимоти масаласини ҳал этишда Самарқанд маъмурияти дарё сувидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиб, Бухоронинг сув таъминотига бефарқ қараган бўлса, Россиянинг сиёсий агентлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги эса Ўрта Осиёда Россиянинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини кўзда тутиб, Бухорода деҳқончиликни мавжуд аҳволда давом эттириш учун хонликка керакли миқдорда Зарафшон сувини ажратиб беришга ҳаракат қилган эдилар. Булар, шубҳасиз, Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти масаласида ҳам подшо ҳукуматининг Ўрта Осиёда тутган мустамлакачилик сиёсатига хос бўлган белгилар: шуҳратпарастлик, маҳаллийчилик, бефарқлик ва чекланганлик ўз ифодасини топганидан далолат беради.

### 3. Самарқанд ва Бухоро сув тақсимотининг тартибга солиниши ва қуйи Зарафшоннинг сув таъминоти

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти бўйича бирмунча аниқ маълумотлар тўпланади. Шу билан бирга, 1896 йилда Бухоро воҳасида инженер Н. Ф. Ситняковский бошлиқ олти ой давом этган ҳарбий топографик экспедиция<sup>93</sup>, 1901 йилда Самарқанд областида қарийб ўн

<sup>91</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, д. 176, л. 2.

<sup>92</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 213, л. 3.

<sup>93</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, ИТОИРГО, т. II, вып. II, Ташкент, 1900, стр. 122.



йил иш олиб борган махсус ер ва солиқ комиссиясининг текширишлари яқунланиб<sup>94</sup>, Зарафшон водийсининг ҳар икки қисмларида дарёдан суғориладиган обикор ерларнинг ҳажми аниқланди.

Сув тақсимоти бўйича тўпланган янги маълумотлар асосида бу масалани қайта ўрганиб, уни узил-кесил ҳал қилиш мақсадида 1902 йил 12 мартда Самарқанд губернатори В. Ю. Мединский раслигида янги комиссия тузилади. Комиссия ҳайъати Самарқанд губернаторининг ёрдамчиси полковник Арвантаки, Туркистонда деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармасининг бошлиғи М. Псарев, Туркистон генерал-губернаторлигидаги техника бўлими бўйича махсус топшириқлар чиновниги Х. В. Гельман, Самарқанд области ирригациясининг бошлиғи Н. Петровский, область инженери Е. Дубровин, Самарқанд уезди бошлиғи полковник Черневский, Ўрта Осиё темир йўли вакиллари В. Бугузов, инженер Печковский, сиёсий агентликнинг таржимони Черкасов ва секретарь М. Вирскийлардан иборат эди. Бухоро ҳукумати томонидан комиссия ҳайъатида Абдусайдбекий Исматулла Ҳазратов амин жевачи ва Абдушукур Жумаали аминлар қатнашадилар<sup>95</sup>.

Комиссияга асосан 1895 йил 4 майда қабул қилинган сув тақсимоти тартибларини қайта кўриб чиқиш ва Бухоро воҳасига керакли миқдорда сув ташлаш чораларини аниқлаш вазифаси топширилади<sup>96</sup>. Бу масала юзасидан комиссия 1902 йил 2—3 апрелда йиғилади. Биринчи навбатда, у водийнинг ҳар икки қисмларида Зарафшон дарёсидан суғориладиган обикор ерларнинг ҳажмига оид тўпланган маълумотларни муҳокама қилади.

1892—1901 йилларда Самарқанд областида текширишлар олиб борган ер ва солиқ комиссиясининг маълумоти бўйича, Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан суғориладиган ер майдони 309 минг десятина, шу жумладан, шоли экиладиган ерлар 43 минг десятинага тенг бўлган. Комиссия шолига сувнинг кўпроқ сарф бўлишини назарда тутиб, Самарқанд воҳаси обикор ерларининг ҳажмини яхлит ҳисоб билан 438 минг десятинага тенг деб қабул қилади<sup>97</sup>.

Бухоро ҳукуматининг комиссияга берган маълумотида кўра, Бухоро воҳасида Зарафшон дарёси сувидан суғориладиган ер майдони 231 минг десятина бўлса, 1896 йилда олинган (масштаби икки верстлик) харита бўйича баҳорикор ерлар билан яхлит ҳисобда 341 минг десятинага тенг бўлган<sup>98</sup>. Комиссия сув тақсимоти тартибларини ишлаб чиқишда Бухоро ҳукумати томонидан берилган расмий маълумотни асосга олади.

Комиссия бу маълумотларни муҳокама қилиб, суғориладиган ер майдонининг ҳажми Самарқанд областида Бухоро хонлигига қараганда тахминан икки марта ошиқ эканлигини аниқлади, ҳам-

<sup>94</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 278.

<sup>95</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 278; Яна қarang: М. Вирский, Река Зеравшан и ирригационное дело в бассейне её, Справочная книжка Самаркандской области на 1902 г., вып. VII, Самарканд, 1902, стр. 185.

<sup>96</sup> Уша жойда.

<sup>97</sup> Уша жойда.

<sup>98</sup> Уша жойда.

да ўзаро сув тақсимотини ҳам мана шу мутаносибликка асосан ишлаб чиқишга қарор қилди. Шунга биноан сув тақсимотида қуйидаги тартиб қабул этилади: а) дарёда сувнинг миқдори қанча бўлишидан қатъи назар, деҳқончилик мавсумининг бошидан то охиригача сувнинг учдан икки қисмини Самарқандда қолдириб, учдан бир қисмини Бухорога ташлаш; б) Бухоро ҳукуматининг илтимосига биноан, мавсумда 20 кундан икки марта: 1 апрелдан 20 апрелгача ва 16 августдан 5 сентябргача Бухоро хонлигига ташланадиган сув миқдорини кўпайтириш<sup>99</sup>.

Сув миқдорини кўпайтириш эса, бошқа ойлarda ташланадиган 33 процент сувнинг ҳисобига амалга оширилади.

Сув тақсимотини тартибли равишда ва ўз вақтида амалга ошириш учун комиссия махсус қарор қабул қилади. Бу қарорда қуйидаги тадбирлар белгиланган: 1) дарёдаги сув миқдорини систематик равишда белгилаб бориш учун учта пунктга: Дупул кўприги яқинида Зарафшон дарёсига, Бухоро чегарасида Қорадарё ва Оқдарёларга (сув ўлчагичлар) ўрнатиш; 2) Чўпонота яқинида Зарафшон дарёси Оқдарё ва Қорадарёга ажраладиган жойга тош ва темирдан дарвозали сув айирғич тўғон қуриш; 3) Чўпонотадан юқорида 40 чақирим масофада Зарафшондан чиқарилган магистрал каналларнинг бош қисмига, маҳаллий иншоот — ништоқлар ўрнига сувни боғлаб оладиган ва уни қайта дарёга ташлайдиган дарвозали доимий регуляторлар ўрнатиш; 4) Зарафшоннинг қишда бекорга оқадиган сувини бир жойга тўплаб, ундан баҳор мавсумида дарёда сув жуда камайган даврларда фойдаланиш учун сув омборлари қуриш; 5) Самарқанд ва Бухоро ирригация системаларини ўрганиш ва уларнинг сув таъминотини тартибга солиш мақсадида водийнинг магистрал каналлари бўйлаб гидротехника жиҳатидан дастлабки текширишлар ўтказиш<sup>100</sup>.

Лекин бу ишларни амалга оширгунча бирмунча вақт ўтар эди. Шунинг учун 1902 йил 27 ноябрда Самарқанд маъмуриятининг талабига биноан комиссия иккинчи мартаба тўплаиб, қуйидаги қарорни қабул қилади: а) сув тақсимотини тўғри амалга ошириш мақсадида каналларнинг бош қисмига гидротехник иншоотлар қурилгунча, 15 мартдан 1 сентябргача, яъни бутун ирригация мавсуми давомида сув боғлаб олувчи 10 та пунктда: Туятортар, Тайлоқ; Янгибеш ва Кўнабеш; Янгиқора ва Тош; Мирза ва Оқ; Тўкус ва Қурбонобод; Янги ва Қозон; Дарғом ва Чоржўй; Жўйи Девона, Қоратери ва Хўжа; Минг, Қолхосса ва Носиробод ариқларининг бош қисмида 15 тадан доимий ҳашарчи ва 5400 боғламдан қамиш ва шох-шабба сақлаш; б) харажатларнинг ярмини Бухоро хонлиги ҳисобига олиб бориш<sup>101</sup>.

<sup>99</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 279; Яна қаранг: М. Вирский, Река Зеравшан и ирригационное дело в бассейне её, стр. 185—187; Яна қаранг: А. Муҳаммаджонов, Зарафшон водийсининг сув хўжалиги тарихидан, Тошкент, 1956, 28-бет.

<sup>100</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 437, л. 23—24; Яна қаранг: М. Вирский, Река Зеравшан и ирригационное дело в бассейне её, стр. 188—190.

<sup>101</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 167, л. 411—412.

Бундай тадбир, шубҳасиз, сув тақсимотини тартибли амалга оширишни таъминлаш билан бирга, бу каналларнинг бош қисмидаги тўғонларни мустақкам тутиб туриш имконини ҳам берар эди.

Шундай қилиб, 1902 йилда Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласи расмий равишда узил-кесил ечилиб, уни тартибли амалга ошириш учун чоралар белгилаб чиқилди.

Сув тақсимоти масаласи, гарчи расман ҳал қилинган бўлса-да, бироқ водийнинг ирригация системалари ҳали сувни боғлаб олувчи ва ташловчи махсус гидротехника иншоотлари билан жиҳозланмагани оқибатида, уни амалга ошириш ниҳоятда машаққатли эди. Бунинг учун ҳар йили, ишчи кучидан ташқари катта маблағ сарф бўлар эди. Харажатларнинг деярли ярмисини Бухоро хонлиги тўларди. Масалан, 1900—1917 йилларда Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти учун 1-жадвалда кўрсатилган сумма сарф бўлган<sup>102</sup>.

Сув тақсимоти учун сарф бўлган бу харажатлар Зарафшон водийси меҳнаткаш оммаси учун оғир жарима эди. Чунки Самарқанд маъмурияти ҳам, ўз мустақиллигини йўқотиб подшо Россиясига қарам бўлиб қолган Бухоро хонлиги ҳам водийнинг ирригация ишлари учун мутлақо маблағ ажратмас эдилар. Бундай ишлар деярли ҳамма вақт меҳнаткаш халқнинг ҳисобига олиб берилган.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бу вақтда Туркистон маъмурияти ҳар йилги сув тақсимотининг харажатларидан ташқари, юқорида эслаб ўтилганидек, Самарқанд областида қуриладиган гидротехник иншоотлар учун, гарчи бундай иншоотлар Бухоро воҳасини сув билан таъмин этишда унчалик ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлмай, балки аксинча Самарқанд воҳасининг суғориш системасини тартибга солиш учун мўлжалланган бўлса ҳам, сарфланадиган харажатларнинг бир қисмини Бухоро хонлиги ҳисобига олиб боради. Масалан, 1912 йилда Самарқанд губернатори Г. Д. Одиш-лидзе фармонига биноан инженер К. С. Савицкий Зарафшон водийсининг юқори қисмида Равотхўжа тўғонини қуриш лойиҳасини ишлаб чиқади. Смета бўйича бу иншоотни қуриш учун 497030 сўм 98 тийин белгиланиб, харажатларнинг учдан бир қисми Бухоро хонлигига юкланади<sup>103</sup>. Шунга асосан Бухоро ҳукумати 1914 йил 2 февралда 198607 сўм 45 тийин пулни Самарқанд банкасига ўтказган эди<sup>104</sup>.

Маълумки, Ўрта Осиё ирригацияси тараққиёти тарихида биринчи марта инженерлик типиди 1913—1917 йилларда қурилиб ишга туширилган бу йирик сув иншооти — Равотхўжа тўғони, асосан Самарқанд воҳасининг юқори қисмида чап қирғоқ ирригация системалари: Янги, Қозон ва Даргом; ўнг қирғоқ магистрал каналлари: Туятортар, Булунғур, Тайлоқ, Мирза ва бошқа суғориш

<sup>102</sup> Жадвал ЎзССР Марказий архивининг 1, 3, 18, 22 ва 126 фондларидан олинган маълумотлар асосида тузилди.

<sup>103</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 6, д. 535, л. 113.

<sup>104</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1407, л. 5—6.

системаларининг сув таъминотини тартибга солиш мақсадида би-  
но қилиниб, шубҳасиз, Бухоронинг сув таъминотини яхшилашда  
бевосита аҳамият касб этмас эди.

Бундан ташқари, Самарқанд воҳасида Оқдарё ва Қорадарё-  
лардан бош олган магистрал каналларга ёғочдан дарвозали 27 сув  
ташлағич иншоотлар қуриш учун 1916 йил март ойида Бухоро ҳу-  
кумати Самарқанд банкисига 36298 сўм 22 тийин ўтказган эди<sup>105</sup>.

*1-жадвал*

Йиллар	Самарқанд области буйича харажатлар	Бухоро хонли- ги буйича ха- ражатлар	Жами сўм ҳи- собида
1900	5619	7420	13039
1901	10566	9659	20225
1902	5028	5065	10093
1903	8252	7586	15838
1904	—	—	—
1905	23967	23968	47935
1906	15776	15775	31551
1907	8698	8150	16848
1908	15168	13120	28288
1909*	11653	11653	23306
1910	28614	25938	54552
1911	11387	14447	25834
1912	27145	20799	47944
1913	25295	20329	45624
1914	24242	12122	36364
1915	23815	15035	38850
1916	26902	15258	42160
1917	58571	33866	92437

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фактик маълумотларга  
қараганда, Самарқанд маъмурияти Зарафшон водийсининг Рос-  
сия ҳайъатидаги юқори қисмида амалга оширилган ирригация  
қурилишлари учун сарф бўлган харажатларнинг бир қисмини ўз  
қўл остидаги аҳолидан ва иккинчи қисмини эса, Бухоро воҳасига  
ташланадиган Зарафшон суви эвазига Бухоро хонлигидан унди-  
риб олган. Бу, шубҳасиз, Ўрта Осиёда подшо Россиясининг тут-  
ган иқтисодий сиёсати — мумкин қадар камроқ харж қилиб, ило-  
жи борича кўпроқ фойда ундириб олиш сиёсатининг амалдаги бир  
кўриниши эди, холос.

Гарчи 1902 йилдан бошлаб, Самарқанд ва Бухоро ўртасида  
қатъий мутаносиб миқдорда сув тақсимоги жорий этилиб, бу ма-  
сала расман узил-кесил ҳал этилган бўлса ҳам, аммо Зарафшон  
дарёсида сув оз бўлган даврларда, Бухоро воҳаси, бари бир сув  
танқислигида қола беради. Чунки Самарқанд маъмурияти Бухоро  
воҳасининг қонуний ҳақобасини бундай даврларда ҳеч қачон тў-

<sup>105</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1419, л. 2.

лиқ ташламай, сувга бўлган суиистеъмолликни муттасил давом эттирган. Масалан, 1910 йилнинг апрель ва май ойларида, комиссия томонидан белгиланган 33 процент ўрнига, дарё сувининг 12,75 проценти ташланган<sup>106</sup>. Ҳатто 1912 йилнинг май ва июль ойларида Бухоро хонлиги мутлақо сувсиз қолган<sup>107</sup>. 1916 йилда эса, ёз мавсумида ташланган сувнинг миқдори ўрта ҳисоб билан 15,8 процентдан ошган эмас<sup>108</sup>.

Бу вақтда Бухоро воҳасида сувсизлик тўғрисида «Бухоройи шариф» газетасининг 1912 йил 88-сонида<sup>109</sup> ва Оренбургда нашр этиладиган «Вақт» газетасининг 1912 йил 13 июль сонида<sup>110</sup> махсус мақолалар босилиб чиқади. Бу мақолалар ўша вақтларда юз берган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган шоҳидларнинг ёзма хотиралари бўлиб, уларда Бухоро воҳасидаги сувсизлик, суғорма деҳқончилигининг оғир аҳволи ҳамда Бухорони сув билан таъминлаш масаласига Туркистон маъмуриятининг муносабати ёрқин тасвирланган.

«Маълумки, шартномага биноан Зарафшондаги бор сувнинг учдан бир қисми Бухорога ташланиши керак эди,— деб ёзади «Бухоройи шариф» газетаси,— бироқ ҳақиқатда эса бу шарт амалга оширилмай Бухоро учун фақат бор сувнинг 6 процентдан 18 процентигача миқдорда сув ташланапти, холос. Бу албатта шартномада белгиланган нормадан ниҳоятда камдир<sup>111</sup>.

Сувсизлик натижасида Бухоро воҳасида суғорма деҳқончилик тамоман ҳалокатга юз тутгани «Вақт» газетасида нашр этилган мақолада қуйидагича тасвирланган: «...Боғчалар сувсизлик ила маҳкум, ариқлардан чанг ва туз чиқар ва ҳар бир гиёҳ забони ҳол ила «ал оташ!» дер. Олти ойдин бери сув йўқ. Арпа ва бугдойнинг бўйи ва ҳосили Самарқандникининг учдан бири. Йўнғичқа — беда бўйи 6—8 вершок, бизники эса ярим аршин. Пахта ва жўхори ҳануз вершок.

...Июнь ойинда саратоннинг 40 даражадан ортиқ иссиғи... Самарқанд ва Каттақўрғон уездларининг ярим миллион халқидан 24 минг марбаъа верст ердан ортган сув қачон келиюрда, ичиюрим деб бутун Бухоро халойиқи ва арозиси ёниюр... Бухорода... ҳатто ҳовузлари қупқури. Бечора аҳоли ҳовуз ва ариқларнинг ичидан қуйи (қудуқ) қазиб сув ичарлар...»<sup>112</sup>.

Бухоро воҳасида юз берган сувсизлик ҳатто хонлик территориясида олиб борилаётган темир йўл қурилишига ҳам таъсир этган эди. Темир йўл қурилишининг бошлиғи инженер Островский 1916 йил май ойида Туркистон генерал-губернаторига махсус телеграмма юбориб, Бухорода сувсизлик оқибатида темир йўл қу-

<sup>106</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 757, л. 351.

<sup>107</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 11130, л. 96.

<sup>108</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 351.

<sup>109</sup> «Бухоройи шариф» газетаси, 1912 йил, 88-сон.

<sup>110</sup> «Бухоро хонлигинда саёҳат», «Вақт» газетаси, 1912 йил 13 июль. Оренбургда ҳафтада тўрт марта чиққан адабий ва сиёсий туркча газета.

<sup>111</sup> Бухоройи Шариф» газетаси, 1912 йил, 88-сон.

<sup>112</sup> «Бухоро хонлигинда саёҳат», «Вақт» газетаси, 1912 йил 13 июль.

рилишини давом эттириш мутлақо мумкин бўлмай қолганлиги тўғрисида хабар қилган эди<sup>113</sup>.

Зарафшон дарёсида сув оз бўлган даврларда Бухоро воҳасининг узлуксиз сув танқислигида қолиши, шубҳасиз, фақат бухороликларнинг норозилигига сабаб бўлибгина қолмай, сув тақсимоти ни амалга оширишда бошчилик қилаётган Туркистон маъмурияти ни жуда ноқулай аҳволга солиб қўяди. Чунки сув тақсимоти учун сарфланадиган харажатларнинг 33 процентини Бухоро хонлиги ўз вақтида тўлаб турса-да, аммо ўзининг қонуний ҳақобасига эга бўла олмаслиги адолатдан эмас эди.

Шунинг учун ҳам, Бухоронинг сув таъминоти масаласи ўша вақтда Самарқанд ва Туркистон маъмуриятлари ўртасида махсус ёзишмалар орқали муттасил муҳокама этилиб, Бухорони ўз вақтида ва тартибли сув билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш учун қарор қилинади:

1. Бухорога ташланадиган сув миқдорини муттасил ҳисобга олиб бориш учун Дупул кўприги яқинидаги ҳамда Самарқанд воҳаси чегарасида Оқ ва Қорадарёларга ўрнатилган гидрометрик постларнинг ишига бошчилик қилиш учун махсус техник тайинлаш.

2. Бухорога ташланган сувнинг миқдори тўғрисидаги маълумотни керакли вақтда тезлик билан олиб туриш учун Самарқанд шаҳари билан гидрометрик постлар ўртасида телефон линиясини ўтказиш.

3. Бухорога сув ташлаш учун махсус 10 та отлиқ назоратчи миршаб тайинлаш.

4. Зарафшон ирригация системаси бўйлаб, барча магистрал каналларнинг бош қисмига дарвозали сув ташлағич иншоотлар ўрнатиш<sup>114</sup>.

Бу ишларни амалга оширишда кўпроқ Бухоро воҳасининг манфаати кўзда тутилганлиги учун, харажатларни деярли хонлик ҳисобига олиб бориш назарда тутилган эди. Масалан, гидрометрик постларни бошқариш учун чақириладиган техник учун йилгига 1,5 минг сўм<sup>115</sup>, гидрометрик постларни Самарқанд билан боғлаш учун ўтказиладиган телефон линияси учун 1912 йилги смета бўйича 19666 сўм<sup>116</sup>, 1913 йили 24251 сўм 02 тийин<sup>117</sup>, 1916 йили 52848 сўм 28 тийин<sup>118</sup> ва ниҳоят 1917 йилда қайта тузилган охириги смета бўйича эса 37496 сўм 56 тийин белгиланган эди<sup>119</sup>.

<sup>113</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 351.

<sup>114</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 11130, л. 78—79—146; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 363; Яна қаранг: ЦГА УзССР ф. И-3, оп. 1, д. 550, л.—45.

<sup>115</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 11130, л. 146, Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 363; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 550, л. 5.

<sup>116</sup> ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 11213, л. 13.

<sup>117</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 550; Яна қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-18, оп. 1, д. 11213, л. 13.

<sup>118</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 757, л. 365.

<sup>119</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 361.

Бухоро ҳукумати бу иншоотни амалга ошириш учун ўз розилигини билдириш билан бирга, 1913 йилдан бошлаб махсус техник учун йилига 2000 сўм<sup>120</sup> ва телефон линияси учун 24251 сўм<sup>121</sup>, Самарқанд ирригация системаларига қуриладиган дарвозали 27 сув ташлагич иншооти учун 1916 йилда 36298 сўм 26 тийин ассигнация қилган эди<sup>122</sup>.

Бухоро воҳасида, сув танқислиги яна кучайган бир даврда 1916 йил 31 майда Самарқанд шаҳарида сув тақсимот комиссиясининг кенгаши чақирилади<sup>123</sup>. Кенгашда Самарқанд ва Бухоро сув тақсимотидаги аҳвол тўғрисида Самарқанд области ирригация бўлимининг бошлиғи М. Сергеевнинг ахбороти муҳокама қилиниб, комиссия Бухоро воҳасига тезлик билан сув ташлаш ва келгусида сув тақсимотини пропорционал равишда ўз вақтида амалга ошириш тўғрисида махсус қарор қабул қилади. Бу қарорга биноан Самарқанд область ирригация бўлимининг бошлиғига қўйидагиларни амалга ошириш топширилади: а) шу вақтдан бошлаб, Бухорога ташланадиган сув миқдорини кўпайтириб, белгиланган нормага етказиш; б) 23 апрелдан 1 июнгача Бухоро ўз ҳақобасини тўлиқ олмаганлиги ҳисобига, 24 июндан 15 июлгача ва 15 августдан 15 сентябргача унга сувни нормадан ошириб бериш; в) келгусида ҳар йили ўз вақтида тартибли сув тақсимотини амалга ошириш чораларини кўриш; г) магистрал каналларнинг бош қисмларига дарвозали иншоотлар ўрнатиш; д) Бухорога сув ташлаш билан махсус шуғулланувчи кичик техник штатини кўпайтириш<sup>124</sup>.

Демак, комиссия ўзининг 1916 йил 21 май қарори билан пропорционал сув тақсимотини амалга ошириш ва Бухоро воҳасини ўз вақтида сув билан таъминлаш масъулиятини Самарқанд маъмуриятининг зиммасига юклаган эди. Шунинг учун ҳам 1916 йилдан бошлаб, самарқандликлар Бухоро ҳақобасини етказиб бериш чорасини кўра бошлаган эди. Масалан, 1917 йилнинг апрель ва май ойларида Зарафшон водийсининг қуйи қисми яна сув танқислигида қолади. Самарқанд маъмурияти Бухоро воҳасига ташланган дарё сувини қуролли куч воситаси билан қўриқлаб, сувни Бухорогача етказиб беради. Бу даврда сув тақсимотида бошчилик қилган Самарқанд уездининг бошлиғи полковник А. И. Мартинсон комиссияга юборган мактубида қуйидагиларни баён қилган эди: «Дарё ўзани бўйлаб постларга қўйилган 300 аскар мудофаасида биринчи марта Бухорога 27 апрелдан 7 майгача сув ташланди. Сув ташлаш вақтида сув бошдан-оёқ мудофаа этилиб, Бухорога [Зарафшон сувининг] 42 процентига яқин қисмини беришга муваффақ бўлинди. Махсус мудофаасиз бўлса ҳам, бироқ 50 та Бухоро йигитларининг иштироки билан иккинчи марта 17 майдан 27 майгача сув ташланиб, унинг 20,5 процентга яқин

<sup>120</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1407, л. 2.

<sup>121</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 361.

<sup>122</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1419, л. 1—2.

<sup>123</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 351.

<sup>124</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 352.

қисмини ҳайдашга эришилди. Учинчи марта 40 отлиқ аскарнинг мудофаасида 7 июндан 13 июлгача сув ташланиб, Бухорога унинг 7—10 проценти берилди»<sup>125</sup>.

Шундай қилиб, 1917 йилга келганда сув тақсимоти масаласи шу даражага бориб етдики, Самарқанд маъмурияти Бухоро ҳақобасини етказиб бериш учун дарёнинг юқори қисмидан ташланган сувни махсус қуроли отряд билан мудофаа қилишга мажбур бўлган. Шунга қарамасдан, Бухоро воҳасига сув етказиб бериш ниҳоятда оғир эди. Буни биз бухороликларнинг шикоятларидан аниқлаб олишимиз мумкин. Масалан, Бухоро қушбегиси 1917 йил 11 июнда Россиянинг сиёсий агентлигига йўллаган мактубида қуйидагиларни хабар қилади: «...Элчихонага маълумдурким, йилнинг бошидан бери яна Бухорои шарифга сув келмай, фуқароларнинг зироатлари сувсизликдан қовжираб ҳатто аҳолининг ичимлиги учун ҳам ҳовузларда сув қолмади... Шу жиҳатдан, жаноби олий фуқароларнинг кўнгли таскин топиши ва Бухорои шариф ҳақобасини ҳаракат қилиб ажратиб олиш ва уни [Бухорога] ташлаш учун вазирликнинг паноҳи Хатирчи ва Зиёвуддин [вилоятлари]нинг ҳоқими Останақулбий қушбеги ва Бухорои шарифнинг мироби Аҳмадхўжа судурга фармон қилдиларким, мазкурлар Самарқандга бориб, Бухоронинг ҳақобаси устида тараддуд қилсинлар...»<sup>126</sup>. Чунки самарқандликлар дарёда сув кам бўлган даврларда сув тақсимоти тартибларига ва маъмуриятнинг Бухоро воҳасига сув ташлаш тўғрисида чиқарган буйруқларига амал қилмасдан, сувдан фойдаланишда сунистеъмолчиликка йўл қўйишган. Шубҳасиз, бундай даврларда Бухоро воҳасининг сув танқислигида қолиши табиий эди. Шунинг учун ҳам Самарқанд уездининг бошлиғи А. И. Мартинсон 1917 йилда Бухорога сув ташлаш тўғрисида сиёсий агентликка қуйидагиларни баён қилиши бежиз эмас: «[Самарқанд] аҳолисининг ўзбошимчалиги шунчаликки, улар ҳеч қандай фармойиш билан мутлақо ҳисоблашмайдилар ва [Бухорога] ташланган сувни назорат қилиб юрган [ҳарбий] отряднинг ўтиб кетиши билан дарҳол каналларга сиққунча ҳамма сувни яна боғлаб оладилар...»<sup>127</sup>.

<sup>125</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 167.

<sup>126</sup> ... به ایلچی خانه معلوم است که از اول سال باز در بخارای

شریف آب نامده زراعت فقرايان از بی آبی خشک شده حتی برای خورای گی فقرا حوض آب نبوده... از ینجهت جناب عالی از برای تسکین و تسلی خاطر فقرا و از برای حقابۀ بخارای شریف را تردد کرده گرفته تسویه کرده گزرائیدن وزارت پناه استانقل بی قوش بیگی حاکم خطیرچی و ضیالالدین و احمد خواجه صدور میر آب بخارای شریف را مهربانی نموده اند که مذکوران بسمرقند رفته از وجه حقابۀ بخارا تردد لازمها مینمایند...

ЦГА УзССР, ф. И-3, оп.-2, д. 757, л. 204.

<sup>127</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 2, д. 757, л. 167.



Сувнинг етарли бўлмаслиги оқибатида Бухорода содир бўлган қурғоқчилик ва нарх-навонинг ошиб кетиши натижасида Бухоро амираи 1917 йилда ғалладан олинадиган деҳқончилик солиғи — «хирожи ғаллот»нинг ярмисини кечишга мажбур бўлади<sup>128</sup>. Бу тўғрида Низомиддинхўжа қушбеги 1917 йил 31 майда Россиянинг сиёсий агентлигига йўллаган мактубида қуйидагиларни хабар қилган эди: «...Бу йил вилоятларда ғалла ҳосил тўкмай, нарх-наво қимматлашиб кетгани сабабли жаноби олий ҳазратим азбаройи фуқаропарварликдан, аҳолининг аҳволига шафқат қилиб, ушбу йилги давлат солиғи — «хирожи ғаллот»нинг ярмисини деҳқонлардан кечиб, дуо олмоқдалар...<sup>129</sup>».

Демак, юқорида келтирилган фактик маълумотлар шуни кўрсатадики, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида Зарафшон дарёсининг сувини тақсим қилиш масаласи бир неча йил давомида махсус комиссия томонидан ҳар томонлама пухта ўрганилиб, маҳаллий тартиблар асосида қатъий пропорционал сув тақсимоти жорий этилган бўлса ҳам, бироқ дарёда сув кам бўлган даврларда водийнинг қуйи қисмига жойлашган Бухоро воҳаси бари бир сув танқислигида қолар эди. Чунки, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Зарафшон дарёсининг сув баланси водийда суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни сув билан тўла таъмин эта олмасди. Шунинг учун ҳам Самарқанд воҳаси подшо Россиясига қўшиб олинганидан сўнг, кўп вақт ўтмай, сув танқислигига барҳам бериш мақсадида, Зарафшон водийсининг ирригация тарихида биринчи марта иккита йирик ва муҳим масала кўтарилади. Булардан бири Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш учун Амударёдан сув чиқариш ва иккинчиси Зарафшон дарёсининг қишги ва баҳорги сувларини тўплаб, ёзда дарёда сув камайган даврда улардан суғоришда фойдаланиш мақсадида сув омборлари қуриш масаласидир.

<sup>128</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1188, л. 1—3.

<sup>129</sup> ... حناب عالی حضرت تم بنابر ایمسال غلات ولایت ها ناشد و نرخ ها  
قیمت بودن از روی فقرا نوازی بحال فقرا ترحم کرده از حصه  
الخراج غلات حق دولتخانه عالی همین سال نصفش را بفقرایان گزشته  
دعا گرفته میشود...

## АМУДАРЕДАН БУХОРО ВОҲАСИГА СУВ ЧИҚАРИШ ВА ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУРИШ МАСАЛАСИ

### 1. Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш ғоясининг пайдо бўлиши

Қарши чўлини ўзлаштириш ва Бухоро воҳасида суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш учун Амударё сувидан фойдаланиш масаласига бағишланган баъзи бир асарларда қайд этилишича, бу масала даставвал XIX асрнинг 80-йилларида Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти инженер П. М. Лессар томонидан кўтарилган<sup>1</sup>. Бироқ тарихий манбалар Амударёдан Қарши ва Бухорога сув чиқариш ғояси бирмунча олдинроқ келиб чиққанлиги тўғрисида гувоҳлик бермоқда.

X аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобининг 1904 йил Когонда нашр этилган босма нусхасида берилган маълумотга кўра, XII асрнинг бошларида Зарафшон қуйи оқимига жойлашган Пайкент шаҳарига Амударёдан сув чиқариш учун ҳаракат қилинган<sup>2</sup>. Ўзбек тарихчиси М. А. Абдураимов бу маълумотга асосланиб Қорахонийлар давлатининг ҳукмдори «Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон Амударёдан Пайкентга алоҳида канал чиқармоқчи бўлган»<sup>3</sup>, деб ёзади.

«Бухоро тарихи»нинг бир қанча қўлёзма ва босма нусхалари асосида 1966 йилда ўзбек тилида нашр этилган текстида Арслонхон Пайкент шаҳарига Амударёдан эмас, балки Харомком, яъни Зарафшон дарёсидан алоҳида канал қазиб сув чиқармоқчи бўлган<sup>4</sup>, деб ёзилган. Уша вақтда охиригача қазиб етказилмай ташлаб кетилган бу каналнинг излари 1963 йилда академик Я. Ф. Гуломов

<sup>1</sup> Л. В. Дунин-Барковский, Развитие орошения в Узбекистане водами Аму-Дарьи, Ташкент, 1946, стр. 14; Яна қarang: Л. В. Дунин-Барковский, Совместное использование водных ресурсов бассейнов Зеравшана и Кашка-Дарьи и подача воды из других источников, в кн. «Вопросы сельского хозяйства Зеравшанского бассейна», Материалы по производительным силам Узбекистана, вып. 7, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957, стр. 34.

<sup>2</sup> Тарихи Наршахий, Когон нашри, 1904, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Литография, инв. № 3820, 23-бет.

<sup>3</sup> М. А. Абдураимов, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI — первой половине XIX века, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 291.

<sup>4</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1966, 25-бет.

бошлиқ Моҳондарё археологик отряди томонидан қадимги Пайкент харобаларидан шимолда 5—6 км масофада топиб текширилди<sup>5</sup>. Демак, «Бухоро тарихи»нинг Когон нашрида «Амударёдан Пайкентга чиқарилган канал» жумласидаги «Амударё» сўзини бухоролик ношир Мулло Султон томонидан Наршахий текстига қилинган қўшимча илова деб тушунишга тўғри келади. Бизнингча, Мулло Султоннинг бу иловаси ҳам тасодифий бўлмаса керак, чунки XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода сув танқислигининг кучайиши натижасида Амударёдан сув чиқариш масаласи кўтарилган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмига оид тарихий ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга қараганда, Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган Абдуллахон (1557—1598) даврида Амударёдан Қарши вилоятига канал қазилиб, сув чиқарилган. Бу тўғрида В. В. Бартольд ўзининг «Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир» номли асарига Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобирийлар давлатининг подшоиси Акбар (1556—1604)нинг Абдуллахонга ёзган мактубига илова қилинган бир ҳикояни келтиради. Ҳикояда баён этилишича, Абдуллахон даврида Насаф, яъни Қарши вилоятини суғориб обод этиш учун Келиф яқинида Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Қоракамар деган жойдан то Қаршигача канал қаздирилиб, сув чиқарилган. Абдуллахон сув чиқарилган янги ерларга аҳолини кўчириб, уларни 5 йил давомида умуман солиқлардан озод этган эмиш<sup>6</sup>.

XVIII аср бошларида Боқиймуҳаммадхон даврида (1605—1611) Насаф аҳолиси янги сулола — Аштархонийларга қарши қўзғолон кўтаргани учун, уларга жазо бериш мақсадида Амударёдан чиқарилган канал кўмдириб юборилган<sup>7</sup>. XIX аср бошларида Бухоро хони амир Хайдар Абдуллахон даврида Амударёдан чиқарилган канални қайта тикламоқчи бўлган. Аммо хоннинг вазирлари агар канал қайта тиклангудек бўлса, Насаф аҳолиси мағрурланиб, хонликдан ажралиб кетиши мумкин, деган баҳона билан хонни бу мақсадидан қайтардилар<sup>8</sup>. Бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш керакки, келтирилган маълумотлар Амударёдан Бухорога эмас, балки фақат Қарши вилоятини суғориш учун чиқарилган канал тўғрисида бўлиб, Бухоронинг сув таъминоти масаласига мутлақо алоқаси йўқ. Шу билан бирга, уларнинг қанчалик ҳақиқатга молик эканлиги ҳам маълум эмас. Шунинг учун В. В. Бартольд Абдуллахон томонидан қурдирилган иншоотлар ҳақидаги афсоналардан бири Аму—Насаф канали тўғрисидаги ҳикоя «XVI ёки XVIII аср тарихий манбаларининг бирортасида ҳам ўз тасдиқини топмади»<sup>9</sup>,—деб ёзган эди.

<sup>5</sup> Я. Г. Гулямов, Освоим земли древнего орошения, в кн. «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 71.

<sup>6</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 161.

<sup>7</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>8</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>9</sup> Уша асар, ўша бет.

Хўш шундай экан, Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи қачон кўтарилди ва бу ғоя кимга мансуб? деган саволлар туғилиши мумкин. Бу масалага бир оз бўлса-да, ойдинлик киритиш мақсадида XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода яшаган ва ижод этган таниқли мутафаккир Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое» ва «Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» номли асарларидаги Бухоронинг сув таъминотига оид маълумотлар устида тўхтаб ўтиш бирмунча ўринлидир. Чунки Аҳмад Дониш асарларида келтирилган бой материаллар тадқиқотчилар учун Амударёдан Бухорога сув чиқариш ғоясининг пайдо бўлиши давринигина эмас, балки унинг сабабларини ҳам аниқлаб олиш имконини беради.

«Манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» асарида Бухоронинг суви масаласи тўғрисидаги маълумотларга тадқиқотчилар диққатини даставвал 1936 йилда Е. Э. Бертельс жалб этди<sup>10</sup>. Е. Э. Бертельсдан сўнг бу материалларни оммалаштирган тадқиқотчилардан бири тожик олими А. М. Мирзоев бўлди. А. М. Мирзоев Аҳмад Дониш тарихий рисоласининг илмий-танқидий текстини босмадан чиқарди<sup>11</sup>, 1964 йилда эса у Аҳмад Донишнинг Бухоро суви масаласига оид маълумотларини тўплаб, рус тилида алоҳида мақола шаклида нашр этириб, тадқиқотчиларни XIX аср мутафаккирининг Бухорони сув билан таъминлаш тўғрисидаги ғоялари билан хабардор қилди<sup>12</sup>. Бироқ Аҳмад Донишнинг Бухоро суви масаласига оид фикрлари А. М. Мирзоев тадқиқотларида, шунингдек, тарихий рисоланинг М. Н. Османов<sup>13</sup> ва И. А. Нажофова<sup>14</sup> томонидан рус тилида нашр этилган таржималарига илова қилинган изоҳларида чуқурроқ талқин этилмаган. Шунини ҳисобга олиб, Аҳмад Донишнинг Бухоро суви масаласига оид маълумотларини бирмунча кенгроқ шарҳлаб ўтмоқчимиз. Чунки Аҳмад Дониш маълумотларини батафсил талқин этиш билан тадқиқ қилинаётган масалани аниқлаб олиш мумкин.

Аҳмад Донишнинг тарихий рисоласида келтирилган маълумот устида тўхташдан аввал, «Наводир ул-вақое» асарида баён этилган бир ҳикояга ўқувчилар диққатини жалб қилмоқчимиз. Ҳали тадқиқотчиларнинг диққат ва эътиборидан ташқарида бўлган бу ҳикоя, бизнингча, Аҳмад Донишнинг Бухорони сув билан таъмин

<sup>10</sup> Е. Э. Бертельс, Рукописи произведений Ахмада Каллэ, Труды Таджикской базы АН СССР, т. III, М.—Л., 1936, стр. 27.

<sup>11</sup> Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития, Ба сазъи ва ихтимом ва тасҳеҳи Абдулғани Мирзоев, Сталинобод, Нашриёти давлати Тоҷикистон, 1960.

<sup>12</sup> А. М. Мирзоев, Ахмад Дониш о проблеме воды для Бухары, Краткие сообщения Института народов Азии, 65, Сб. памяти Е. Э. Бертельса, М., Изд-во «Наука», 1964, стр. 112—116. Мақолада Донишнинг тарихий рисоласидан олинган цитаталари А. М. Мирзоев ҳавола қилган бетларга тўғри келмайди.

<sup>13</sup> Аҳмад Дониш, Исторический трактат (переводы М. Н. Османова), в книге «Путешествие из Бухары в Петербург», Сталинабад, Таджикгосиздат, 1960, стр. 33—122.

<sup>14</sup> Трактат Ахмада Дониша «История мангитской династии», Перевод, предисловие и примечания И. А. Наджафовой, Душанбе, Изд-во «Дониш», 1967.

этиш тўғрисидаги фикр ва ғояларининг пайдо бўлиши учун асос бўлган бўлса керак. «[Бир сафар]... Ҳиндистондан Бухорога томоша қилиш учун элчи келди,— деб ҳикоя қилади Аҳмад Дониш,— [уни] подшоҳликнинг чорбоғига олиб бордилар. Иморатнинг ҳашаматлиги ва об-ҳавонинг мусаффолигини кўриб ҳайратда қолган [элчи] — Бухоронинг ўзида денгиз, чашма ва [оқар] сув борми?— деб сўради. Йўқ,— дедилар. Бўлмаса сув қаердан келади?— деди. Самарқанддан келади,— дедилар. Самарқанд кимники?— деди. Ўзимизники,— дедилар. Мабодо сизларники бўлмай қолса-чи?— деди. Бундай тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки Самарқанд ва Бухоронинг ҳар иккиси ҳам бир шаҳардир,— дедилар... [Ундай бўлса] бу икки шаҳарни Аму соҳилига кўчириш ёки Амудан сув чиқариш лозим, токи олий вазирликнинг бу иморати эътибор бўлсин,— деди...»<sup>15</sup>.

Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое» асарига ҳикоя тарзида баён этилган бу воқеа, шубҳасиз, Самарқанд ҳали подшо Россияси ҳукмронлигига ўтмасдан бирмунча олдин содир бўлган. Уша вақтда Бухорога келган ҳинд элчисининг Бухорога Амударёдан сув чиқариш керак деб айтган фикри қандай мақсадда айтилгани аниқ бўлмаса ҳам ҳар ҳолда у хонлик пойтахти ишончли сув манбаи яқинида жойлашган бўлиши керак, деган фикрни баён қилган эди.

Ҳиндистон элчисининг Самарқанд ҳақидаги фикри орадан кўп вақт ўтмай ҳақиқатга айланди. Зарафшон водийсининг Зиравулоққача бўлган қисми подшо Россияси томонидан босиб олиниб, сувнинг боши унинг қўл остига ўтди. Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти, мазкур асарнинг олдинги бобларида қайд этилганидек, Бухоро хонлиги тасарруфидан бевосита чиқиб, Самарқанд маъмурияти ихтиёрига ўтди. Натижада, Бухоронинг сув таъминоти кўп жиҳатдан самарқандликларнинг хоҳишига боғланиб қолди. Бунинг устига ирригация хўжалигидаги қолоқлик ва подшо маъмурларининг бу соҳада тажрибасизлиги оқибатида Бухоронинг сув

<sup>15</sup> Аҳмад Махдум Бухорий, Наводир ул-вақое, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2096, В 566<sup>a</sup> — 566<sup>b</sup>.

... رسول از هند بخارا آمد برای تفریح و تماشا، بچهارباغ سلطانی بروند، در صفاق عمارات و نزهت آب و هوایش عقل ببار داده پرسید که بخارافی نفسه بحروچشمه و آب دارد؟ گفتند نه. گفت پس آب از کجا است؟ گفتند از سمرقند. گفت سمرقند از کیست؟ گفتند از ما، گفت فرضا سمرقند از شما نباشد؟ گفتند این معنی متصور نیست که سمرقند و بخارا کوئی یک شهراند... و این دو شهر در کنار آمویه بالیست یا از آمویه آب باید کشید تا این عمارات و زراعت عالی را اعتماد باشد...

таъминоти йил сайин ёмонлашиб борди, Зарафшон дарёсида сув кам бўлган даврларда эса у мутлақо сувсиз қола бошлади.

Бухоронинг сув таъминотида содир бўлган бундай огир аҳвол, шубҳасиз, мамлакат ободонлиги ва халқнинг тўқлиги деҳқончиликка боғлиқ деб тушунган ўша даврнинг илғор мутафаккирларини Бухорони сув билан таъминлаш масаласи устида бош қотиришга мажбур этган эди. Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое» ва «Манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» номли асарларида Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида баён этилган фарқ ва мулоҳазаларга эътибор берилса, Бухоро аҳолисини сув танқислиги ташвишидан озод этиш ҳақида кўпроқ қайғурган мутафаккирлардан бири шу асар муаллифининг ўзи эканлиги маълум бўлди.

XIX асрнинг истеъдодли мутафаккири Аҳмад Донишнинг Бухоро сув таъминоти тўғрисида қайғуриши табиий эди. Чунки Самарқанднинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши натижасида сув бошининг Россия ихтиёрига ўтиши, бунинг устига 1869 йилнинг кузи ҳамда 1870 йилнинг қиш ва баҳор мавсумларидаги қурғоқчилик оқибатида чорванинг нобуд бўлиши, экинларнинг сувсизликдан қуриб кетганлиги ва ниҳоят Бухорода бошланган огир иқтисодий танглик, шунингдек, ҳинд элчисининг Бухоро сув манбаи ҳақидаги фикридан бохабар бўлган Аҳмад Донишда Амударёдан канал қазиб, Бухорога сув чиқариш ғоясининг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди.

Аҳмад Донишнинг «Манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш ғоясини амалга ошириш мақсадида хонликнинг мустабид амирлари ва Туркистоннинг ҳарбий маъмурларига турли йўллар билан бир неча бор мурожаат этган. Даставвал, бу масала тўғрисида мутлақо бош қотиришни истамаган амир Музаффар (1860—1885) билан Аҳмад Дониш ўртасида қизғин ёзма мунозара бошланган.

«Бир сафар эрта баҳорда ёғин-чочиннинг кам бўлиши далили бор эди,— деб ёзади Дониш,— амирга азри иншо қилдимки, бу йил ёмғир оз бўляпти, «гармоб»<sup>16</sup> вақтида мабодо сув нуқсонга юз тутиши мумкин. Самарқанд суви умидида хотиржам ўтириб бўлмайди. Агар Бухоронинг етти туманидан ҳар таноб ердан икки тангадан жъул<sup>17</sup> солиғи йиғиш тўғрисида ишорати олий бўлса, шунча миқдор танга тўпланadi. Шу маблағдан икки лак (икки юз минг) танга харж қилинса, Керки ёки Келиф қаршисидан Аму-

<sup>16</sup> *Гармоб* — июль ойида Зарафшондан келадиган «иссиқ сув», Бухоро деҳқонлари бу сувни деҳқончиликнинг гарови деб ҳисоблайдилар (Шу асарнинг III бобига қаралсин).

<sup>17</sup> *Жъул* — фавқулодда солиқ.

дан сув чиқариб, Бухоро, Қарши ва Миёнколга келтириш мумкин»<sup>18</sup>.

Бундай иншоотни қуриш учун давлат хазинасидан мутлақо маблағ сарфланмаслигини аввалдан билган Аҳмад Дониш канални меҳнаткаш халқнинг маблағи ва уларнинг билак кучи билан чиқариш режасини таклиф этган бўлса ҳам, аммо амир Музаффар «Бухоронинг [бурунги] подшолари Амудан сув олмаганлар, балки у ёқдан келадиган сувнинг бошини бекиттирганлар. Бунинг сабаби шундаки, мабодо душманнинг ҳужуми ёки дарё тошқини содир бўлиб қолса, Бухорони сув босиб, у вайрон бўлади. Амудан сув олиш хилоф маслаҳатдир»<sup>19</sup>, деган номатқул важларни кўрсатиб, сув чиқаришни хоҳламаган.

«Манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» асаридаги маълумотларга қараганда, Аҳмад Дониш Музаффардан рад жавобини олса ҳам, ўз ғоясидан қайтмаган, аксинча, у Амударёдан сув чиқариш мумкинлигини шарҳлаб амирга қуйидаги жавоб мактубини юборган: «Бундай хавфсираш бутунлай асосиз... Сув тошқини бўлди ҳам деб фараз қилайлик, агар каналимизнинг боши Керки қаршисида бўлса, сув Қаршининг ғарби, Қоровул қири ва Мамажугротнинг жанубидан, дашт ва қумликлар ичидан оқиб ўтиб, Нарзам ва Чоржўй яқинида яна дарёга келиб қуйилади. Ундан ҳеч жой зарар кўрмайди. Агар Қелиф қаршисидан бош олса, у вақтда Ғузор дарёси ўз оқимини ўзгартириб, икки дарё оралиғи [Қашқадарё ва Амударё] бўйлаб оқади. Биз яна сув бошига тош ва қир [ганч]дан тўғон ўрнатишимиз ва қоровуллар та-

---

من باری در اول بهار که دلیل باران کمتر بود بامیر عرضة<sup>18</sup>  
انشاء کرم که امسال باران کمتر است و مباد که در وقت گرماب  
آب روی بنقصان نهد. بامید آب سمرقند فراغبال نتوان نشست.  
اگر اشاره اعلی شود بهفت تومان بخارا بهر طناب زمین دوتنگه  
جعل بفرمایند، این مقدار تنگه جمع میشود، و از این مبلغ مقدار  
دولک تنگه خرج کنند، از محاذات کرکی و کیلیف ممکن است،  
که آب از آمویه کشیده بخارا و قرشی و میانکال آورده شود.

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисала ё мухтасаре аз таърихи салтанат хонадони манғития, 132-бет.

پادشاهان بخارا آب که از آمویه نگرفته اند، یاد هنة آنرا بسته<sup>19</sup>  
اند، سبب آنست که مباد بسعی دشمنی یاغلبه آبخیز دریا بخارا بآب  
خراب گردد. از آمویه آب طلبیدن خلاف مصلحت است...

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола..., 133-бет.

йин қилишимиз ҳамда истеҳком қуришимиз мумкин. У ердаги назоратчилар доимо сувдан бохабар бўлиб турадилар»<sup>20</sup>.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, орадан кўп вақт ўтмай амир Музаффар яна мактуб ёзиб, «Агар биз Амудан сув чиқарсак, Россия нега Амудан сув чиқаздинг ва бизнинг сувимизга нега қаноат қилмадинг? деб сўраса, қандай жавоб берамиз»<sup>21</sup>,— деган важни кўрсатган. Бунга жавобан Аҳмад Дониш: «Россия бундай сўзни айтмайди, модомики, у агар бу вилоятни ўзига бўйсундириш хоҳишида экан [унинг учун] сувсизликдан кўра сувли бўлган яхшироқдир. Айни вақтда биз: сенинг сувинг бевақт келаяпти, ерларимиз «гармоб» сувидан қолаяпти ва мамлакатнинг ушур ҳамда хирож солиқлари қисқариб бораяпти, деб жавоб қиламиз»<sup>22</sup>,— деб ёзган эди.

Амир Аҳмад Донишнинг бу оқилона таклифини мутлақо рад этиб, унга, мени тинч қўймайсан, «менга бундай гапларни арз қилгандан кўра, хушомад қилиб, мендан инъом талаб қилинса яхшироқдир»<sup>23</sup>,— деган жавобни қилган. Шундан сўнг Аҳмад Дониш Амударёдан Бухорога сув чиқариш ҳақида қайта амир Музаффарга мурожаат қилишга журъат этмаган.

Ҳозирги кундан роса бир аср муқаддам бўлиб ўтган бу ёзма мунозарадан маълум бўлишича, Аҳмад Дониш Бухорога Амударё-

---

... این توهم بر خلاف قیاس است. اگر دهنه نهرما از محاذی کمرکی باشد، فرضاً اگر آب غلبه کند از غریب قرشی و جنوبی قیر قراول و ماما جفراتی این آب گذشته هم از درون دشت و ریگ و محاذی نرزم و چهارجوی باز این آب بدریا میریزد که بهیچ جای ضرر ندارد و اگر از محاذی کیلیفی سر آب باشد، دریای خزار معکوس شده بمیانکال میرود و باز ممکن است که ما سر آب را بسنگ و قیر استحکام دهیم و بر آنجا قراولان تعیین کنیم، یا قور-غانی بفرمائیم که اهل آن ناظر احوال آب باشند.

Ўша бет.

... ما اگر از آمو آب آریم، روسیه باز خواست کند که چرا از

آمویه آب آوردی و بآب ما قناعت نکردی. در جواب چه گوئیم؟...  
Ўша асар, ўша бет.

... روسیه این سخن نگوید زیرا که اگر مطلب تسخیر اینولایت دارد، آیدار بهتر که بی آب و حال آنکه گوئیم: آب توبیوقت بما میآید و مزرعه ما از گرم آب میماند و عشر و خراج ولایت تلفی میشود.


Ўша асар, ўша бет.

... از من خوش آمدی گفته اد راری طلبد بهتر است و این سخن ها بمن عرض نکند.

Ўша асар, ўша бет.



Аҳмад Дониш томонидан тузилган Бухоро шаҳри ва унинг атрофи ҳамда суғориш системасининг харитаси (XIX аср ўрталарида чизилган)



дан канал чиқариш ғоясини таклиф қилибгина қолмасдан, балки Аму—Бухоро каналининг илк лойиҳасини ҳам ишлаб берган. Чунки Аҳмад Дониш ҳисоб, ҳандаса (геометрия) ва жуғрофия (география) фанларини мукаммал эгаллаган, ўз замонасининг илмли кишиларидан бўлиб, Зарафшон ва Амударё водийларининг топографиясини, айниқса, уларнинг гидрографиясини яхши билган.

Гарчи Аҳмад Дониш Бухорога Амударёдан сув чиқариш масаласида амир Музаффардан узил-кесил рад жавобини олган бўлса ҳам, аммо у ўз мамлакатининг сув таъминотини яхшилаш тўғрисидаги мақсадидан қайтмаган.

Маълумки, 1873 йилнинг кузида Россиянинг Хива хонлиги устидан қилган ғалабаси муносабати билан Бухородан Петербургга Абдуқодирбек додхоҳ бошчилигида элчилар юборилади<sup>24</sup>. Россияга юборилган элчилар орасида мирзолик лавозимида Аҳмад Дониш ҳам қатнашган эди. Бухоро элчилари Петербургга 1874 йил 6 январь куни етиб боради ва Россия пойтахтида бир ярим ой бўлади<sup>25</sup>. Маълум бўлишича, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман ҳам худди шу даврда Петербургда бўлган. Бундан хабар топган Аҳмад Дониш Бухоро элчиси Абдуқодирбек додхоҳни губернатор билан учраштиришга ҳаракат қилган ва Бухоронинг сув таъминоти тўғрисида элчини К. П. Кауфманга мурожаат қилишга даъват этган. Бу тўғрида у «Рисолада» қуйидагиларни баён қилади: «Мен элчига айтдим-ки, қачон бўлмасин Кауфманга дуч келсанг, ундан Бухоронинг сувини талаб қил, чунки Самарқандда [дарёдан ташқари] чашма ва кориз бор. Бухорода эса уч ой ёзда [ҳатто] қудуқларда ҳам сув қуриб қолади. [Бу вақтда] бир меш сув ярим дирҳамга ҳам топилмайди»<sup>26</sup>.

«Мангитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Петербургда Бухоро вакиллари К. П. Кауфман билан бир неча бор учрашганлар. «Петербургда губернаторга қаерда дуч келмайлик,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— элчини ўз ҳолига қўймай, сўзни [фақат] Бухоронинг суви ҳақида очдик»<sup>27</sup>. Натижادا, К. П. Кауфман билан Бухоро ва-

<sup>24</sup> Аҳмад Махдуми Дониш, Наводир ул-вақое («Нодир воқеалар»), Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1964, 229—252-бетлар; Яна қаранг: Аҳмад Дониш, Путешествие из Бухары в Петербург, 1960, стр. 14.

<sup>25</sup> Аҳмад Махдуми Дониш, Путешествие из Бухары в Петербург, стр. 14.

<sup>26</sup> من با ایلچی گفته که هر وقت که بکافمان دو چار شوی آب بخارا بطلب که سمرقند فی نفسه چشمه و کاریز دارد، در بخارا سه ماه تابستان چاهها نیز آب نمیدهند، مشکلی آب به نیمی درم تحصیل نمیشود. Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола..., 151-бет.

<sup>27</sup> در فتیربرخ هر جا که بگبرنات دچار میشدیم، ایلچی را نامانده  
سخن را به آب بخارا میاوردیم.

киллари ўртасида хонликнинг сув таъминоти тўғрисида жиддий мунозара бошланган.

Аҳмад Дониш ўз рисоласида Туркистон губернатори билан бўлиб ўтган мунозара устида тўхтар экан, К. П. Қауфманнинг Бухоронинг сув таъминоти масаласига нисбатан тутган муносабатини равшан кўрсатувчи қуйидаги маълумотларни келтиради: «Самарқанд [Зарафшон]нинг суви Самарқанднинг ўзига [аранг] кифоя қилмоқда»<sup>28</sup>. Шунинг учун ҳам «дарёнинг суви ҳақиқатан [бундан буён ҳам] Самарқандда сарф бўлади, чунки иморат ва зироатларни кўпайтириш ҳақида фармон бердим. Мен Бухоро учун сув тўғрисида ҳам ўйламоқданам. Ўз вақтида Бухорога Сирдарёдан сув чиқариб бераман»<sup>29</sup>. «Ҳозирча [бунинг учун] имкониятга эга эмасман, аммо бу муҳим масаланинг ҳал бўлишига албатта эришаман»<sup>30</sup>.

К. П. Қауфманнинг Бухорога Сирдарёдан сув чиқариш тўғрисидаги фикри ҳақиқатдан мутлақо узоқ бўлиб, у ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Туркистон матбуотида Сирдарёдан Бухорогача ўтказилган қадимги канал излари ҳақида босилиб чиққан ахборотларга<sup>31</sup> асосан айтилган шунчаки жавоб эди. Шунинг учун ҳам бу масала юзасидан Аҳмад Дониш билан К. П. Қауфман ўртасида қизгин савол-жавоб бўлиб ўтган эди. «Мен нега сувни Амудан чиқармайсан деб сўрадим,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— у, Қарши атрофидан то Қоракўлгача бўлган жойлардан ташқари Бухоронинг аксарият экин ерлари Амудан юқорида жойлашган, деб жавоб берди»<sup>32</sup>.

Рисолада келтирилган маълумотларга қараганда, Бухорога Сирдарёдан сув чиқариш тўғрисидаги К. П. Қауфманнинг мулоҳазалари Аҳмад Донишда бирмунча қизиқши уйғотган: «Мен ундан сувнинг бошини Сайхуннинг қайси жойидан олишни мўлжалламоқдасан, деб сўрадим. У Чиносдан ва Иштихон тоғларининг ши-

---

<sup>28</sup> ... آب سمرقند بخود سمرقند كافي است. Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола..., 134-бет.

<sup>29</sup> ... فی الواقع آب دریا بسمرقند بصرف خواهد رفت از بسکه عمارت و زراعت بسیار فرموده‌ام و من آب بخارا اندیشیده‌ام، در وقتش از سیر بیخارا آب خواهم برد.

Ўша асар, 151—152-бетлар.

<sup>30</sup> ... الحال فرصت ندارم و البته این مهم را با مزارسانیدنی ام.

Ўша асар, 134-бет.

<sup>31</sup> Н. Иванов, Древний арык от Сыр-Дарьи до Бухары, газ. «Туркестанские ведомости», 27 марта 1873 года.

<sup>32</sup> من پرسیدم که آب از آمویہ چرا نیاری؟ گفت: اکثری مزارع بخارا از آمویہ ارتفاع دارد، مگر توابعات قرشی تا قراکول.

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола..., 152-бет

молий [этаклари] орқали сувни Бухоронинг ҳамма туманларига етказиш мумкин, деб жавоб берди»<sup>33</sup>.

Бироқ Аҳмад Дониш Туркистон губернаторининг жавобидан, Бухорони ўзимга бўйсундирмагунимча «сизларни ташна ва оч тутиб тураман»<sup>34</sup>, деган маънони тушунган эди.

Демак, юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 70-йилларида Туркистоннинг ҳукмрон доираларида Бухорога Амударёдан эмас, балки ҳар ҳолда реал бўлмаса-да, Сирдарёдан сув чиқариш ғояси илгари сурилган.

Сирдарёдан Бухорога сув олиб бориш масаласига Аҳмад Дониш шубҳа билан қараган бўлса-да, аммо Петербургда Бухоронинг сув таъминоти борасида К. П. Кауфман билан бўлган мунозарадан сўнг, унда Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласини подшо ҳукумати орқали ҳал қилиш мумкинлиги ва бундай иншоотни барпо этиш учун Россиядан мутахассислар чақириш кераклиги ҳақида фикр туғилади.

Айрим архив маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 80-йилларида Амударёдан Бухорога сув чиқариш тўғрисида хон вакиллари Самарқанд маъмуриятига мурожаат қилганлар<sup>35</sup>. «Бухоро амалдорларининг ...аксарияти Самарқандга келган вақтларида,— деб ёзган эди Зарафшон ирригация бўлимининг бошлиғи З. Жижемский,— Бухоро—Чоржўй оралигини Амударёдан суғориш тўғрисидаги масалани таклиф этиб, [буни] лойиҳалаштириш учун керакли миқдордаги маблағни беришга Бухоро тайёр эканлигини ва бундай ишни ташкил этиш ҳамда бошқариш учун [Бухорода] мутахассислар мавжуд эмаслиги ҳақида фикр баён этар эдилар»<sup>36</sup>.

Маълумки, 1885 йилда амир Абдулаҳадхон Бухоро тахтига ўтириши муносабати билан подшо Россиясига ўзининг садоқатини изҳор этиш мақсадида Остонақул қушбеги бошчилигида Петербургда элчи юборади. Бу воқеадан хабардор бўлган Аҳмад Дониш арки олийга мактуб йўллаб, элчи орқали Россия императорига амир номидан қуйидаги мазмунда нома юборилишини таклиф этган эди: «Мен давлат тахтига эндигина ўтирдим, мамлакат аҳолисининг аҳволидан ҳали воқиф эмасман. Сенга берган сўзим [олган] шартимга содиқман, уларни мажбурий деб ҳисоблайман. Агар менга ўн икки ёки йигирма йилгача муҳлат берсанг, мамлакатнинг паст-баландини ўрганиб, яхши билан ёмонни фаҳмлаб, сенинг аҳд ва шартларингни ижро этаман. Ота-боболаримизнинг бепарволиги,

---

گفتم: مدخل آب از کجای سیحون ملاحظه کرده ای؟ گفت: <sup>33</sup>  
از چناس و شمالی جبال اشتیخان بهمه تومانات بخارا آب توان  
رسانید.

Ўша асар, ўша бет.

معنی این سخن آن بود که شمارا تشنه و گرسنه میدارم. <sup>34</sup>

Ўша асар, ўша бет.

<sup>35</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 2.

<sup>36</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 13—14.

[бунинг устига] сувсизлик оқибатида ҳозир мамлакат харобаликка юз тутган. Чунки Самарқанд суви сенинг эҳтиёжинг учун сарфланмоқда. Ушур ва хирожни тўлашда амалдорларнинг панжа ва исканжасига тушиб фуқароларимиз жуда заифлашиб қолди... Бизга бир неча нафар [сув хўжалиги] мутахассислари даркор, аввало улар сувимизни Аму ёки Сирдарёдан чиқариб берсинлар...»<sup>37</sup>.

«Рисолада» қайд этилишича, Аҳмад Донишнинг мактуби жавобсиз қолган, Россияга жўнатилаётган элчи учун ёзилган юқоридаги мактубнинг қўлёзмаси билан ҳеч ким қизиқмаган<sup>38</sup>. Бироқ Аҳмад Дониш баён этган масалаларни талқин этган А. Мирзоев, бошқа муҳим масалалардек, сув масаласи ҳам элчилик томонидан кўтарилмади<sup>39</sup>, деб Аҳмад Донишни нотўғри тушунган.

Остонақул қушбеги бошлиқ Бухоро элчиси Россиядан қайтгач, кўп вақт ўтмай амир Петербург сафарига отланган. Бундан воқиф бўлган Аҳмад Дониш, Бухоронинг иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор масалаларни ўз ичига олган махсус илтимоснома текстини тайёрлаб амирга йўллаган. Ундаги асосий масала ҳам сув проблемаси бўлган. «Биринчи илтимос шундан иборатки,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— Самарқанд шонли рус давлатига қўшиб олинганидан сўнг, Бухоронинг суви нуқсонга юз тутди. Чунки у ердаги амалдорлар ва ҳокимлар Самарқанд [Зарафшон] сувини иморат ва зироатларга [кўпроқ] сарфламоқдалар. Дарё сувининг учдан иккиси у ерда сарфланмоқда ва қолган учдан бири ҳам Бухорога етиб келгунча баҳорги ва ёзги ҳосилларимиз нобуд бўлмоқда. Шу жиҳатдан сув ишларини била-

نو بتخت دولت جلوس كرديم و هنوز بحال اهالى ولايت وقف<sup>37</sup> نشده و آنچه باتو شرط و قول كه كرده ايم بهمان ثابت و مقر و ملزم هستيم، مگر تا دوازده سال يا بيست سال مارا مهلت دهى كه پست و بلند ولايت را دانسته، حال نيك و بد را فهميده اجراى معاهده و موافقه تو كنيم و خالا بواسطه اهمال گذشتگان ما ولايت روى بخرابى دارد از جهت بى آبى. چونكه آب سمرقند بمصرف توبكار ميرود و فقر اى ما سخت ضعيف حال شده است. از بسكه در اداى عشر و خراج به پنجه و شكنجه عمال گرفتار شده... مارا چند نفر استاد بكار است كه اولآ آب مارا از آمويه يا بحر سير برساند...

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола..., 159-бет.

... آستانقل قوشبيگى را بايلچى گئى روسيه نامزد فرموده، بى<sup>38</sup>

آنكه از من مساوره نامه طلب كنند...

Аҳмад Махдуми Дониш, Ўша асар, ўша бет.

<sup>39</sup> А. Мирзоев, Ахмед Дониш о проблеме воды для Бухары, стр. 115.

диган бир кишини юборсинларким, у биз учун Аму ёки Сирдарёдан сув чиқариб берсин, токи экин ерларимиз хароб бўлмасин»<sup>40</sup>.

Рисолада баён этилишича, бундан ташқари, яна бир қанча масалаларни амалга оширишда Россиянинг Бухорога ёрдам бериши илтимос қилинган эди. Чунончи, Бухорода қанд ва новвот заводи, мовут фабрикасини барпо қилиш, ер ости бойликларини излаб топиб, уларни ишга солиш учун кон саноти мутахассиси, тилларни биладиган муаллим ҳамда ҳарбий инструкторлар юбориш ва ҳ. к.<sup>41</sup>. «Яна шунга ўшаш бир қанча илтимосларни талабномага киргиздимки,— деб ёзади Аҳмад Дониш,— у [амир] рус подшоҳи билан ёлғиз учрашган вақтда уни [илтимосномани] кўрсатиб, унга қўл қўйдириб олсин»<sup>42</sup>.

Аммо Бухоро амири бундай илтимосларни Россия ҳукуматига изҳор этишга журъат этмаган. «Афсуски, амир уни [илтимосномани] кўрсатишдан қўрқди»<sup>43</sup>,— деб қайд этилади «Рисолада». Бунинг сабабини у Бухоро вазири Остонақулга: «Ҳозирги кунда Россия меҳмондўстликда бизга ниҳоятда илтифотли, хушмуомала ва меҳрибондир. Агар бу муддаони унга [рус подшоҳига] изҳор этсак, мабодо у биздан ранжиб қолса, масала тескарисига айланиши мумкин. [У вақтда] ўз тобелигимизни изҳор этиб, қилаётган хизмат ва мулозаматларимиз бекар бўлади»<sup>44</sup>,— деб жавоб қилган эди.

Демак, Бухоронинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида, Амударёдан сув чиқариш ва бунинг учун Россиядан сув хўжалиги иш-

ملتمس اول آنکه وقتی که سمرقند بدولت بهیه روس ملحق<sup>40</sup> شد، آب بخارا روی بنقصان نهاد، از آنکه متصدیان و حاکمان آنجا آب سمرقند را بعمارت و زراعت فرموده‌اند، دو ثلث آب دریا در آنجا بصرف میرود و یک ثلث باقی هم وقتی در بخارا می‌آید که ارتفاعات بهاری و تابستانی ما تلف شده باشد. از اینجهت یک مرد دانشمند در امر آب بفرستانند که از آمویه یا بحر سیر بما آب جاری کند که زمینهای مزرعه ما خراب نگردد.

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола... 161-бет

<sup>41</sup> Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола... 161—162-бетлар.

<sup>42</sup> مثل ذلك چند ملتمس دیگر در شقه نهادم که چون بپادشاه روس بخلوت ملاقات افتد، آنرا نشان داده دست مانانند...

Ўша асар, 161-бет.

<sup>43</sup> ... دریغ که امیر ترسید از اظهار آن...<sup>43</sup>

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола... 163-бет.

... اليوم روسیه در ین مهمانی سخت بمناظر است و مشفق و مهربان. اگر این مدعا بوی اظهار کنیم، مبادا که از ما برنجد و قضیه منعکس گردد و آنچه ما ملازمت کرده‌ایم و اظهار و فروتنی آورده، کرده مانا کرده شود.

Аҳмад Махдуми Дониш, Рисола... 163-бет.

ларини биладиган мутахассис чақариш тўғрисида Аҳмад Дониш кўтарган масала амир Музаффарнинг вориси Абдулаҳадхон хомонидан ҳам қувватланмаган эди.

Тарихий рисолада қайд этилганидек, Аҳмад Дониш томонидан тавсия этилган масалалар юзасидан, гарчи Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг шахсан ўзи Россия императорига мурожаат қилмаган бўлса-да, аммо шунга ўхшаш айрим масалалар бўйича ёрдам сўраб Бухоро ҳукмрон доиралари Россия ҳукуматига бир неча марта мурожаат қилган эдилар. Масалан, амир Музаффарнинг илтимосига биноан 1881 йилда Россиядан Бухорога ҳарбий инструкторлар юборилган. 1889 йилда амир гвардиясидан икки минг сарбоз Россия ҳукумати ҳада қилган берданка милтиқлари билан қуроллантирилган. 1904 йилда эса подшо ҳукумати амир Абдулаҳадхонга тўрт тўплик отлиқ батарея тортиқ этган<sup>45</sup>. Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтилганидек, Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи тўғрисида ҳам XIX аср 80-йилларида хонлик вакиллари Самарқанд маъмуриятига бир неча бор мурожаат қилган эдилар<sup>46</sup>.

Шундай қилиб, XIX аср охирига оид ёзма манбалардан келтирилган юқоридаги маълумотлар Амударёдан Бухорога сув чиқариш ғояси ўтган асрнинг 70-йилларида, хонлик учун сув боши ҳисобланган Самарқанд воҳасининг Туркистон маъмурияти қўл остига ўтиши биланоқ вужудга келган ва бу ғоя ўз даврининг илғор мутафаккири бухоролик Аҳмад Донишга мансуб деб ҳисоблаш учун етарли даражада асос бўлади. Шубҳасиз, подшо Россиясига вассал бўлиб қолган Бухоро хонлигининг ўта кетган қолақ феодал хўжалиги шароитида Дониш таклиф этган ғояни рўёбга чиқариш, албатта мушкул эди. Шу билан бирга, Туркистоннинг ободонлиги учун маблағ харж қилишдан кўра, ундан кўпроқ фойда ундириб олишга ҳаракат қилган подшо ҳукуматининг ҳам бундай ишга ёрдам бериши ниҳоятда қийин эди. Шунга қарамасдан, Аҳмад Дониш сувга чанқоқ бўлган Бухоро меҳнаткаш аҳолисининг асрий орзусини баён этиб, сув танқислигидан қутилиш учун Амударёдан Бухорога сув чиқаришнинг дастлабки режаларини тузиб чиқди ва хонликнинг мустабид амирларига тавсия этди. Аҳмад Донишнинг Амударёдан Бухорога сув чиқариш тўғрисидаги ғояси ва унинг илк лойиҳаси ўша вақтда Бухоронинг ҳукмрон доиралари томонидан аҳамият берилмай қолиб кетган бўлса ҳам, аммо у Бухоронинг суғорилиш тарихида, айниқса Аму—Бухоро канали тарихида алоҳида ўрин олади.

## 2. Аму—Бухоро каналининг дастлабки лойиҳалари

Самарқанд воҳасида суғорма деҳқончилик ер майдонининг кенгайиб, ўзаро сув тақсимотининг тобора мураккаблашиб бориши, бунинг устига, Амударёдан Бухорога сув чиқарилмагунча Зараф-

<sup>45</sup> В. В. Бартольд, Сочинения, т. II, ч. I, стр. 411.

<sup>46</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 2, 13—14.

шон водийсининг Россия қўл остидаги қисмида 1880 йилдан бошлаб обикор ерлар майдонини кенгайтиришнинг тақиқлаб қўйилиши<sup>47</sup>, шунингдек, узлуксиз сув танқислигида қола бошлаган Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш учун Амударё сувларидан фойдаланиш тўғрисида ёрдам сўраб, хонлик вакилларининг Самарқанд маъмуриятига мурожаат этиши, шубҳасиз, Зарафшон округи ҳукмрон доираларида Амударёдан Бухорога сув чиқариб бериш билан хонликка ташланадиган Зарафшон дарёси сувидан Самарқанд воҳасида янги ерларни ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин деган фикрни пайдо қилган эди.

Шу сабабли бўлса керак, 1880 йилда Зарафшон округининг ҳарбий губернатори Самарқанд ирригацияси бўлимининг мудирининг инженер З. Жижемскийга Бухорони сув билан таъмин этиш учун бошқа сув манбаларидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш тўғрисида махсус топшириқ беради<sup>48</sup>. Шунга биноан, инженер З. Жижемский бу масала юзасидан махсус текширишлар ўтказишдан аввал, мавжуд маълумотга суяниб, Амударёдан Бухорога сув чиқариш мумкинлигини аниқлайди. У Амударёдан чиқариладиган каналнинг дастлабки хомаки лойиҳасини тузиб, уни Туркистон маъмурларига тавсия қилади.

З. Жижемскийнинг лойиҳаси бўйича, канал Керки шаҳаридан 16 чақирим юқорида, Хўжа Айрон қишлоғи яқинида ёки Керкидан 50 чақирим узоқликда жойлашган Кўндаланг мавзеида Амударёнинг ўнг қирғоғидан бош олиши<sup>49</sup>, унинг узунлиги 180 чақирим, кенглиги каналнинг бош қисмида 80 саржин (170 м) ва чуқурлиги 2 саржин (4,26 м) га тенг бўлиши керак эди<sup>50</sup>. Амударёдан бундай улкан канални чиқаришдан аввал, З. Жижемскийнинг фикрича, уни 20 саржин (42,6 м) кенгликда, 1,5—2 саржин (3,2—4,26 м) чуқурликда ва 0,0001 нишабликда ковлаш керак эди<sup>51</sup>. Бундай ҳажмдаги канал ўзанини қазिश учун, З. Жижемский ҳисобига кўра, 350 минг ҳашарчини сафарбар қилиш мўлжалланган эди<sup>52</sup>. Керки яқинидан чиқариладиган Аму—Бухоро канали воситаси билан рус ирригатори, Бухородан то Қоракўлгача бўлган ерларни сув билан таъминлашдан ташқари, Бухоро, Чоржўй ва Бурдалиқ оралиғидаги бўз ерларга сув чиқариш ҳамда обод этилган янги районга 25 минг хўжаликни кўчириб жойлаштиришни таклиф этган<sup>53</sup>.

З. Жижемскийнинг ёзишича, унинг лойиҳаси кўпроқ оғзаки маълумотлар асосида тузилган эди. Канал ҳажмини кўрсатувчи айрим маълумотларни ҳисобга олмаганда, рус инженери белгиланган канал трассасининг йўналиши Аму—Бухоро каналининг Аҳ-

<sup>47</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 1, 9—10.

<sup>48</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 1.

<sup>49</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 13.

<sup>50</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 24, д. 243, л. 21.

<sup>51</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 12.

<sup>52</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 24, д. 243, л. 21.

<sup>53</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 11.



мад Дониш томонидан тавсия этилган тахминий вариантга яқин эди.

Амударёдан Бухорога сув чиқариладиган районда махсус текширишлар олиб бориш учун хонликдан ижозат олиб берилишини сўраб, З. Жижемский 1886 йил 18 январда алоҳида ёзма ахборот билан Туркистон маъмуриятига мурожаат қилади.

Инженер З. Жижемскийнинг ёзма ахборотида Амударё бўйлаб ўтказиладиган текшириш программаси тавсия этилган эди. Мазкур ахборотга кўра, баҳорги тошқинлар бошланмасдан, Амударё бўйлаб саккиз пунктда: Келиф, Кўндаланг ва Чоштепа оралиғида, Оқтепа, Хўжа Айрон қишлоқларида ҳамда Керки, Бурдалиқ, Нарзам, Чоржўй шаҳарлари яқинида дарё ҳамда унинг соҳилларининг кўндаланг кесимини олиш; ҳар бир пунктда дарё оқими тезлигини белгилаш; Амударёнинг йиллик ўртача сув сарфини аниқлаш учун ундаги тошқинларнинг келиш вақти ва муддатини белгилаш; Келиф ва Керки шаҳарлари ўртасида Аму ёқалаб нивелировка ўтказиш ва унинг нишабини аниқлаш; канал боши учун энг қулай пунктни танлаш ва бу ерда дарё ўзанини асосли ўрганиш ва ниҳоят, канал бош оладиган пунктдан то Бухоро шаҳаригача бўлган территорияда, трасса ўтказиладиган йўналишда нивелировка олиб бориб, жой рельефининг умумий нишабини белгилаш ва уни хатлаб чиқиш лозим эди<sup>54</sup>.

Ахборотда қайд этилган масалаларга қараганда, бирмунча кенг тузилган бу прогамма, қуйи Зарафшонни қўшимча сув билан таъминлашда Амударё сувларидан фойдаланиш мақсадида Ўрта Осиёдаги энг йирик сув ресурси ҳисобланган бу азим дарёни илмий жиҳатдан ўрганиш учун белгиланган дастлабки режа эди.

Зарафшон округи ҳарбий губернаторининг 1886 йилнинг 25 январиде Туркистон генерал-губернатори номига юборган махсус мактубига<sup>55</sup> биноан З. Жижемскийнинг ёзма ахбороти ва унга илова этилган Аму—Бухоро каналининг хомаки лойиҳаси шу йилнинг 30 январиде Туркистон губернаторлигининг дипломатик чиновниги қошидаги қурилиш комитетида муҳокама қилинади. Муҳокамада қатнашган инженерлар: Витовский, Н. Петров ва Х. В. Гельманлар З. Жижемский лойиҳасида кўрсатилган рақамларни текшириб чиқиб, уларни нотўғри деб топдилар. Чунки, уларнинг ҳисобига кўра, З. Жижемский тавсия этган ҳажмдаги канални қазиш учун, лойиҳада кўрсатилганидек, 350 минг ҳашарчи эмас, балки 20440 минг ишчи керак бўлар экан<sup>56</sup>. Хонлик учун давлат аҳамиятига эга бўлган бу ирригацион қурилишни улар ҳашар йўли билан амалга ошириш мутлақо мумкин эмас, шунинг учун ҳам Туркистон маъмурияти уни қувватламаслиги лозим, деб ҳисоблаган эдилар<sup>57</sup>. Шунга асосан, Туркистон губернатори лавозимини вақтинчалик ўтаб турган генерал майор Гродеков ўзининг 1886

<sup>54</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 14—15.

<sup>55</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 1—3.

<sup>56</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 24, д. 243, л. 21—22.

<sup>57</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 24, д. 243, л. 22.

йил 8 февралда Зарафшон округининг бошлиғига йўллаган жавоб хатида қуйидагиларни ёзган: «Бу масала шунчалик кенг қўйилганки, уни февраль оғи мобайнида мутлақо бажариб бўлмайди. Мен ирригация мудирининг Бухорога бўладиган командировкасини қолдиришни зарур деб топаман»<sup>58</sup>.

Шундай қилиб, Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи бўйича инженер З. Жижемский томонидан хонлик территориясида ўтказиладиган дастлабки текширишга Туркистон маъмурияти ижозат бермаган эди.

1889 йилнинг кузида Ўрта Осиё темир йўли қурилишининг бошлиғи генерал-лейтенант М. Н. Анненков фармони билан бир группа рус инженер-техниклари 1886 йилда инженер З. Жижемский тавсия этган программага яқин тузилган иш режалари асосида, Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш имкониятларини аниқлаш учун Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб қидирув ишлари олиб бордилар. 1889 йил 14 октябрдан то 29 декабрғача давом этган текширишлар натижасида Керки ва Чоржўй шаҳарлари оралиғида 205 чақирим масофада Амударё сатҳининг қанчалик пасайиб бориши ҳамда Керки шаҳаридан Бухоро (Когон), Қоракўл темир йўли станциялари орқали Форобғача бўлган территория рельефининг горизонти белгилаб чиқилди<sup>59</sup>. Шу билан бирга, Керки ва Чоржўй шаҳарлари оралиғида ҳар 20 чақирим масофада биттадан ўн та пунктда Амударё бўйи районининг умумий характеристикасини аниқлаш мақсадида қирғоқдан 15—40 чақирим кенликда жой рельефининг кўндаланг кесими олинди<sup>60</sup>. 1889 йилда олиб борилган текширишлардан маълум бўлишича, Келиф—Чоржўй участкасида Амударёнинг ўртача нишаби 0,000234 га тенг бўлган<sup>61</sup>. Амударёнинг нишаби ва Бухоро шаҳари жойлашган районнинг баландлигини ҳисобга олиб, канални 0,0002 нишабликда чиқарилса, у вақтда Аму—Бухоро канали Чоржўй шаҳридан 215 чақирим юқоридан бош олиши керак эди<sup>62</sup>. Демак, келтирилган маълумотлар шунини кўрсатадики, Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш мақсадида олиб борилган дастлабки текширишлар, гарчи рекогносцировка характерида бўлса ҳам 1889 йилда ўтказилган эди.

1889 йилги текширишларнинг натижасига суяниб, 1896 йилнинг август ойида самарқандлик савдогар Я. Рехтзамер рус ва чет эл акционерлари номидан Россиянинг сиёсий агентига мурожаат қилиб, Амударёдан канал чиқариб, Қоракўл воҳасидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Бухоро ҳукуматидан концессияга рухсат олиб берилишини илтимос қилади<sup>63</sup>. Бу ишни амалга ошириш мақсадида Я. Рехтзамер 4,5 миллион олтин валюта ёки 6 мил-

<sup>58</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 21.

<sup>59</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 41—42.

<sup>60</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 4.

<sup>61</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 4, 41.

<sup>62</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 5, 42.

<sup>63</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 39.

лион сўм кредитга эга бўлган «Амударё канали жамияти» номли рус акционерлари жамиятини ташкил этишни кўзда тутди<sup>64</sup>.

1896 йилнинг 4 октябрида Я. Рехтзамер Амударё канали тўғрисида 14 моддадан иборат Россия ва Бухоро хонлиги ўртасида тузиладиган махсус шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни Россиянинг Бухородаги сийсий агентига йўллайди. Рус<sup>65</sup> ва форс-тожик<sup>66</sup> тилларида тузилган бу ҳужжатда Амударё канали қурилиши бўйича тахминий бўлса ҳам, умуман асосий шартлар белгилаб чиқилган эди. Шартномада қайд этилишича, «Амударё канали жамияти» 48 йиллик муддат билан ташкил этилиб, у асосан қуйидаги ишларни амалга оширишни ўз устига олар эди: 1) акцияли жамият тузилган вақтдан бошлаб, беш йил мобайнида, узунлиги тахминан 300 чақирим ва ҳар бир десятина ер майдонига ўртача ҳисоб билан секундига 0,5 литр сув бера оладиган Амударё каналини қазиб битказиш; 2) концессия муддати даврида каналнинг доимо тартибда сақлаб турилишини таъминлаш; 3) Қоракўл беклигида деҳқончиликда деярли фойдаланилмаган қўриқ ва бўз ерлардан камда 60 минг ва кўпи билан 100 минг десятина ер майдонини суғориш<sup>67</sup>.

Я. Рехтзамер «Амударё канали жамияти»га қуйидаги ҳуқуқлар берилишини талаб этади: а) янги ўзлаштирилган ерлардан 48 йил давомида ихтиёрий равишда: турли хилдаги агротехника экинлари етказиш, завод ва фабрикалар қуриш ҳамда ҳар десятина ердан йилига 25 сўм миқдорига ҳақ тўлаш шарт билан фақат бухороликларга ва русларга ижарага бериш; б) Амударё каналдан, суғоришдан ташқари, кемачилик транспортида ҳам фойдаланиш<sup>68</sup>.

Бухоро ҳукумати ҳам ўз навбатида қуйидаги шартларни бажариши керак эди: 1) Амударё каналини қазиш учун акцияли жамиятга ўтказиладиган трасса бўйлаб ўзлаштирилмаган бўз ерларни бепул ва шахсий кишиларга тегишли ўзлаштирилган ерларни эса адолатли баҳо билан нархлаб бериш; 2) Амударё каналига параллел бўлган худди шундай иншоотни қуриш учун бошқа бирорта шахс ёки жамиятга ижозат бермаслик; 3) шунингдек, Бухоро хонлиги маблағи ҳисобига ҳам бундай канал қуриш ҳуқуқидан воз кечиш; 4) акцияли жамият томонидан ўзлаштирилиб, ижарага берилган янги ерларни барча солиқлардан озод этиш<sup>69</sup>.

Бунинг эвазига акционерлар жамияти Бухоро ҳукуматига қуйидагиларни ваъда қилади: а) Амударё каналдан келадиган умумий даромаднинг 10 процентини ҳар йили шахсан амирнинг ўзига тўлаб туриш; б) канал қурилиши бошланиши билан амирга 50—75 минг сўм бериш; в) Бухоро ҳамда Янги Бухоро (Қогон) шаҳарларини бепул сув билан таъмин этиш<sup>70</sup>.

<sup>64</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 10.

<sup>65</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 10—12.

<sup>66</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 1, д. 1141, л. 6—8.

<sup>67</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 10—11.

<sup>68</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 1, д. 1141, л. 4—5.

<sup>69</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 10—11.

<sup>70</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 11—12; Яна қаранг: АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 1333, л. 53.

Булардан ташқари, концессия муддати тугагандан сўнг, Бухоро ҳукуматига акционерларнинг капиталини батамом тўлаш шарти билан бу иншоотни сотиб олиш ҳуқуқи берилар эди. Бунинг учун Бухоро ҳукумати концессия муддати тугашига икки йил қолганда Амударё каналини сотиб олиш тўғрисида жамиятни хабардор қилиши, бир йил қолганда эса Россия, Франция ва Бельгиянинг марказий газеталарида бу ҳақда эълон чиқариши керак эди<sup>71</sup>.

Бу иншоотни қуриш даврида Бухоро ҳукумати билан акцияли жамият ўртасида пайдо бўлган англашилмовчилик ва тортишувлар Россиянинг Бухородаги агенти орқали ҳал этилиб, унинг чиқарган қарори ҳар икки томон учун ҳам мажбурий ҳисобланарди<sup>72</sup>.

Я. Рехтзамернинг таклифи бўйича, Амударё канали Керкидан 130 чақирим юқорида, Келиф яқинидан чиқарилиб, Қарши чўли, Қогон ва Бухоро шаҳари орқали Қорақўл беклигигача олиб келинар эди<sup>73</sup>. Каналнинг нишаби 0,00015 бўлиб, унинг узунлиги юқорида қайд этилганидек, 300 чақирим эди. Каналнинг юқори қисмида унинг кенлиги 116 фут (35,5 м), тубида 60 фут (18,3 м) ва чуқурлиги 10 фут (3 м), қуйи қисмида эса унинг кенлиги юқорисида 80 фут (24,4 м), тубида 40 фут (12,2 м) ва чуқурлиги 8 фут (2,5 м) га тенг бўлган<sup>74</sup>. Каналнинг ўртача сув сарфи секундига 6,9 куб. саржин (66,8 м<sup>3</sup>) га тенг бўлиб, бу миқдордаги сув билан 63 минг десятина ер майдонини суғориш мумкин эди<sup>75</sup>.

Я. Рехтзамернинг ҳисобига кўра, бундай канални қазиб чиқариш учун 2,805 минг куб. саржин (27,106 минг м<sup>3</sup>) ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиши керак эди<sup>76</sup>. «Амударё канали жамияти» қурилиш учун ажратиладиган 6 млн сўм маблағдан 4,2 млн сўмини қазиб ишларига, 800 минг сўмини канал бўйлаб қуриладиган иншоотларга ва қолган 1 млн сўмини хўжалик ишлари ҳамда канал трасси кесиб ўтадиган хусусий мулк ерларини сотиб олиш, иншоотнинг техник назорати ва «Амударё канал жамияти» маъмуриятининг харажатлари учун сарфлашга мўлжалланган эди<sup>77</sup>. Амударёдан канал чиқариш ҳақида амирнинг розилиги олиниб, концессия шартлари бўйича рус акционерлари жамияти Бухоро ҳукумати билан келишилгач, Амударё канали зонасида жамият кенг масштабда тадқиқот ишлари ўтказишни планлаштирган эди. Бундай текширишлар учун умумий маблағдан 50 минг сўмгача сарфлаш мўлжалланилган эди<sup>78</sup>.

Демак, тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Я. Рехтзамер томонидан концессияга сўралган Амударё канали Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш учун эмас, балки Қорақўл беклигидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб,

<sup>71</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 11—12.

<sup>72</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 12.

<sup>73</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 1, д. 1141, л. 1—2.

<sup>74</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 43—44.

<sup>75</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 43.

<sup>76</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 44.

<sup>77</sup> Уша ерда.

<sup>78</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 39.

хонлик территориясида турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биринчи навбатда, пахта етиштирадиган рус акционерларининг бирлашган хўжалигини барпо қилишга қаратилган эди.

Я. Рехтзамернинг илтимоси тўғрисида Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти В. Игнатъев Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревскийга ахборот берган вақтда губернатор В. Игнатъевга бу иш ҳақида Бухоро амирининг фикрини билиш, агар Амударё канали қурилишини концессияга беришга амир асосан рози бўлса, у вақтда бутун ишни Тошкентга юборишни топширган эди<sup>79</sup>.

«1896 йили октябрда мен,— деб ёзади сиёсий агент,— савдогар Рехтзамернинг илтимоси тўғрисида Остонақул девонбеги орқали амирга қисқача ахборот мактуби юбордим. У билан ноябрь ойида бўлган шахсий учрашувимда эса, жаноб олийлари, Амударёдан канал чиқариш тўғрисидаги илгари ҳам кўтарилган масала ҳаддан ташқари мураккаб ва муҳим эканини ҳамда унинг ҳал этилиши хотиржам ва батафсил муҳокамани талаб этажанини айтди.

Хонликнинг фаровонлиги учун канал чиқаришнинг муҳим эканини тушунгани ҳолда у, бу иш давлат аҳамиятига эга бўлгани учун, бу иншоотни шахсий соҳибкорларнинг қўлига бериб бўлмайди, балки у, агарда имконият туғилса, фақат мамлакат девонхонаси маблағига амалга оширилади, деб жавоб берди. Сўзининг охирида амир бу масалани қулайроқ вақтгача қолдиришни сўради<sup>80</sup>.

Шундай қилиб, Бухоро амири Амударёдан канал чиқариш тўғрисида рус акционери Я. Рехтзамернинг илтимосига розилик бермайди.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, 1899 йилнинг ёзида Бухоро мутлақо сувсиз қолган даврда Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш тўғрисидаги масала хонликдаги техника бўлимининг мудирининг инженер Х. В. Гельман томонидан кўтарилади. 1899 йилнинг июнь ойида Х. В. Гельман Амударёдан канал чиқариш учун қидирувлар ўтказишга Бухоро ҳукуматидан рухсат олиб берилишини ва текширишларнинг харажати учун 7750 сўм маблағ ажратилишини илтимос қилиб, ёзма доклад билан Россиянинг Бухородаги сиёсий агентига мурожаат қилади<sup>81</sup>.

Х. В. Гельманнинг докладида таклиф этилган лойиҳа бўйича канал Келифдан 100 чақирим юқорида Термиз шаҳарига яқин жойда Амударёдан чиқарилиб, Келифнинг шимоли, Қарши шаҳарининг ғарбий томонидан ўтар ва Бухоро яқинида Зарафшон дарёсига келиб туташар эди. Каналнинг узунлиги 420 чақирим бўлиб, унинг 160 чақиримлик юқори қисмида трасса тоғ этаклари бўйлаб ўтар эди<sup>82</sup>. Унинг сув сарфи секундига 7 куб. саржин (67,8 м<sup>3</sup>) га тенг бўлган<sup>83</sup>.

<sup>79</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 39, 63.

<sup>80</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 39, 63; Яна қаранг: АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 1333, л.53.

<sup>81</sup> Уша жойда.

<sup>82</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 63—64.

<sup>83</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 64.

Х. В. Гельманнинг ёзма доклади Россиянинг сиёсий агенти В. Игнатъевнинг махсус мактуби билан 1899 йилнинг 26 июнида Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовскийга юборилади<sup>84</sup>.

Губернатор Х. В. Гельманнинг ёзма докладини кўриб чиқиб, унинг устига: «Бу масала бўйича мен инженер Петровнинг фикрини билишни истардим. Ундан мен бу масала ҳақида харита ҳамда аввалги фикр ва мулоҳазалар тўғрисидаги маълумотлар билан шахсан ахборот беришни сўрайман»<sup>85</sup>, деб резолюция қўйган эди.

Инженер Н. Петров Амударё канали масаласи бўйича 1889—1896 йилларда тўпланган бор маълумотларни ўрганиб чиқиб, Амударё канали зонасида Х. В. Гельман томонидан ўтказиладиган текширишларни қувватлаб чиқади. Н. Петров ўзининг «Бухоро хонлиги ерларини сугориш учун Амударёдан канал чиқариш тўғрисида ахборот» юзасидан<sup>86</sup> С. М. Духовскийга йўллаган махсус ёзма докладда Мирзачўлда амалга оширилган ирригация қурилиши тажрибаларига асосланиб, 160 чақирим масофада тоғ олди районидан ўтадиган 420 чақиримлик секундига 6,9 куб. саржин сув сарфига эга бўлган Амударё каналини чиқаришда тупроқ ишларининг ҳажми Я. Рехтзамер лойиҳасида келтирилган рақамга нисбатан бир неча баробар катта бўлиши ва бу улкан ирригация қурилишининг умумий харажати 6 млн сўм эмас, балки 20—25 млн сўмга бориши мумкин эканини кўрсатади<sup>87</sup>.

Н. Петровнинг фикрича, 1889—1896 йилларда тўпланган маълумотлар «Амударёдан Бухоро хонлиги территориясига сув чиқаришнинг амалий имконияти... да аниқ фикр юритиш учун»<sup>88</sup> етарли эмас эди. Шунга асосан, у ўз докладда «Бухоро хонлиги учун ҳам ва унга ёндош рус уездлари учун ҳам бу масала муҳим аҳамият касб этар экан, бу соҳада инженер Гельман томонидан кўзда тутилган дастлабки текширишлар жуда матлубдир»,— деб ёзган эди<sup>89</sup>.

Бироқ Х. В. Гельман томонидан ўтказиладиган текширишларга Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти В. Игнатъев мутлақо қарши эди. Шунинг учун ҳам у бу масалада Х. В. Гельманни қувватлаш у ёқда турсин, ҳатто бу ташаббусга қарши ўзининг салбий мулоҳазаларини Туркистон генерал-губернаторига ёзиб юборади. «Амударёдан канал чиқариш учун,— деб ёзган эди сиёсий агент ўзининг С. М. Духовскийга 1899 йил 2 июнда йўллаган мактубида,— инженер Х. В. Гельман таклиф этган дастлабки текширишларни ўтказиш... ҳали барвақт ва ўринсиз. Бунинг учун сарфланадиган 7750 сўмлик харажат эса, мақсадга мувофиқ эмас ва фойдасиз. Чунки бундай ташаббусни амалга ошириш мумкинлиги аллақачон аниқланилган. Шунинг учун ҳам текширишлар ўтказиш; дастлабки ёки батафсилми?, қандай бўлишидан қатъи назар, қачонки канал чи-

<sup>84</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 39—40.

<sup>85</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 62.

<sup>86</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 62—65.

<sup>87</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 64—65.

<sup>88</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 65.

<sup>89</sup> Уша жойда.

қариш масаласи узил-кесил ҳал бўлиб, бу иш учун маблағ ажратилиб берилгандагина мумкин бўлур... Канал тўғрисидаги масаланинг ушбу ҳолатида унинг [Х. В. Гельман] текширишлари берадиган натижалар ҳеч кимга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Бу текширишлар учун талаб этилган маблағни, ўтказиладиган қидирув ишларига қараганда фойдалироқ ишга, масалан, Бухорога сув ташлаш вақтларида Самарқанд маъмурияти сарфлаган ортиқча харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ва бошқа ишларга сарфлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман»<sup>90</sup>.

Шундай қилиб, сиёсий агент В. Игнатъевнинг Амударё канали масаласи тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларининг мазмунига қараганда, Туркистон маъмуриятининг ҳукмрон доираларида яқин келажакда бундай улкан ирригация қурилишининг амалга ошишига ишонч бўлмаган. Бу фикрни Амударё канали масаласи тўғрисида Туркистон губернаторининг 1902 йил 12 февралда Россия Ҳарбий министрлиги бош штабига йўллаган мактубида ёзилган қуйидаги жумлалар ҳам тасдиқлайди. «Амударёдан Бухоро хонлиги учун сув чиқариш имкониятига келганда,— деб ёзган эди Туркистон губернатори,— мен бу фикрнинг яқин орада амалга ошиши эҳтимолдан узоқ деб ўйлайман. Чунки бунинг учун хонликнинг кўтара олиши даргумон бўлган жуда катта харажатлардан ташқари, шубҳасиз, ниҳоятда жиддий гидротехник тадқиқотлар ўтказиш лозим, аммо уларнинг қандай натижалар беришини ҳозир «каромат» қилиб бўлмайди»<sup>91</sup>. Шу сабадан бўлса керак, 1889 йилда М. Н. Анненков раҳбарлигида олиб борилган дастлабки қидирув ишларини ҳисобга олмаганда, Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи бўйича XIX аср охири ва XX аср бошларида жиддий тадқиқотлар ўтказилмай, ҳатто айрим рус инженерларининг таклифлари, гоҳ Бухоро хонлиги ҳукмрон доираларининг, гоҳ Туркистон ҳарбий маъмуруларининг бу масалага нисбатан ишончсизлик билан қарашлари ва лоқайд муносабатлари туфайли деярлик қувватланмай, қолиб кетган эди.

Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи бўйича олиб борилган кейинги жиддий текширишлар Россиянинг ер қурилиши ва деҳқончилик бош бошқармаси қошидаги Ерларни яхшилаш бўлимининг (ОЗУ)<sup>92</sup> фаолияти билан боғлиқ эди. Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларида Россияда тўқимачилик саноатининг тез суръатлар билан ривожланиб, хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши, бунинг устига, айни вақтда Америкадан олинадиган пахта экспортининг тўхтаб қолиш хавфининг туғилиши подшо ҳукумати маъмуриятини Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш билан жиддийроқ шуғулланишга мажбур этган эди. Бир томондан, пахтачиликни кенгайтириш, иккинчи томондан, рус муҳожирларини жойлаштириш зарурати Ўрта Осиёнинг йирик дарё ҳавзаларида деҳқончилик учун яроқли бўлган қўруқ ва бўз ерларнинг ўз-

<sup>90</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 108, л. 40.

<sup>91</sup> ЦГВИА СССР, ф. 400, Азиатская часть, д. 176, л. 6.

<sup>92</sup> Главное управление землеустройства и земледелия, Отдел земельных улучшений.

лаштирилиб, янги пахтачилик районларининг барпо этилишини тақозо қилар эди.

1910 йилдан бошлаб, ерларни яхшилаш бўлими Урта Осёда кенг кўламда текширишлар ўтказишга киришади. Шу мақсадда, 12 та махсус қидирув партиялари ташкил этилади<sup>93</sup>. Шу жумладан, 1910—1914 йилларда инженер П. М. Максимов бошлиқ Туркистон ўлкасида янги ерларни суғориш қидирув партияси<sup>94</sup>; Сирдарё ва Фарғона областларида инженер В. Н. Агиев раҳбарлигида гидрогеологик партияси<sup>95</sup>, шунингдек, Сирдарёнинг юқори оқимида сув омборлари барпо қилиш бўйича инженер И. Г. Александров<sup>96</sup>; Зарафшон водийсида инженер А. В. Чаплигин<sup>97</sup>; Мирзачўлда инженер В. В. Чиков<sup>98</sup>; Фарғона водийсида инженер Н. Н. Епанчин<sup>99</sup>; Амударё ҳавзасида ирригация бўйича инженерлар Д. Д. Букиннич ва В. В. Цинзерлинг<sup>100</sup> ва тупроқшунослик бўйича Н. А. Димо<sup>101</sup>; Хива хонлиги территориясида инженер Н. В. Мастицкий<sup>102</sup> бошлиқ махсус қидирув партиялари текширишлар ўтказдилар. 1910—1916 йилларда Туркистон ва Етгисув ўлкаларида олиб борилган қидирув ишлари учун ҳаммаси бўлиб 8 млн 087 минг 448 сўм сарф бўлган эди<sup>103</sup>.

1910 йилнинг ёзида Россиянинг ер қурилиши ва деҳқончилик бош бошқармаси янги ерларни суғориш бўйича Амударё зонасида олиб бориладиган текширишлар учун сарфланадиган харажатларнинг 40—50 процентини Бухоро хонлигига юклаш масаласини кўтаради<sup>104</sup>. Унинг бу таклифи Россиянинг Ҳарбий ва Ташқи ишлар министрликлари томонидан маъқулланади. «Мен бу иш [текширишлар]нинг харажатларини кўтаришга Бухоро ҳукуматини ҳам жалб этишни қатъий талаб қилинишини жуда зарур деб ҳисоблардим,— деб ёзган эди ҳарбий министр ўзининг 1911 йил 2 январда Туркистон губернатори А. В. Самсоновга йўллаган мактубида,— мазкур масаланинг ижобий ҳал бўлишида Бухоронинг янги амири-

<sup>93</sup> А. М. Аминов, Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны), Ташкент, Госиздат, 1959, стр. 241.

<sup>94</sup> Изыскательная партия, общая для Туркестанского края, Ежегодник Отдела земельных улучшений, год пятый, ч. II, СПб., 1914, стр. 218—232.

<sup>95</sup> Гидрогеологические исследования в Сырдарьинской и Ферганской областях, Ежегодник ОЗУ, стр. 233—249.

<sup>96</sup> Изыскания по устройству водохранилищ в верховьях р. Сырдарьи, Ежегодник ОЗУ, стр. 250—261.

<sup>97</sup> Изыскания в бассейне р. Зеравшана, Ежегодник ОЗУ, стр. 280—302.

<sup>98</sup> Изыскания в центральной части Голодной степи, Ежегодник ОЗУ, стр. 262—271.

<sup>99</sup> Изыскания по орошению Ферганской области, Ежегодник ОЗУ, стр. 272—279.

<sup>100</sup> Изыскания в бассейне р. Амударьи, Ежегодник ОЗУ, стр. 303—339.

<sup>101</sup> Почвенные исследования в бассейне р. Амударьи, Ежегодник ОЗУ, стр. 365—397.

<sup>102</sup> Изыскания в Хивинских владениях, Ежегодник ОЗУ, стр. 340—364.

<sup>103</sup> А. М. Аминов, Уша асар, 240-бет.

<sup>104</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 87<sup>б</sup>, л. 2—3.



га тегишли таъсир кўрсатиш учун ҳозирги дақиқа ниҳоятда қулайдир»<sup>105</sup>.

Россиянинг ташқи ишлар министри эса 1911 йил 7 апрелда А. В. Самсонов номига ёзган махсус мактубида Бухоро хонлиги территориясида олиб бориладиган илмий-техник тадқиқотларнинг амалий натижалари хонлигининг иқтисодий тараққиётида нақадар катта аҳамият касб этишини тушунтириш учун аввало Бухоро амирини ўтказиладиган текширишларнинг мақсади ва характери билан таништириш, сўнгра харажатларнинг маълум қисмини кўтаришга уни даъват этишни маслаҳат беради<sup>106</sup>.

1911 йилнинг май ойида Петербургда Туркистон губернатори А. В. Самсонов Олимхон билан учрашган вақтида Бухоро хонлиги территориясида олиб бориладиган гидротехник текширишлар учун белгиланган 750 минг сўм харажатдан 250 минг сўмини Бухоро ҳукумати ўз устига олиши тўғрисида амирнинг розилигини олади<sup>107</sup>. Шунга биноан, Бухоро хонлиги Россиянинг Ерларни яхшилаш бўлимига 1912 йилда 69 минг<sup>108</sup>, 1913 йилда 91 минг<sup>109</sup> ва 1914 йилда 90 минг сўм ажратади<sup>110</sup>.

Бухоро хонлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобига 1912 йилда инженер Е. Н. Блумберг бошлиқ 14 кишидан иборат махсус Бухоро қидирув экспедицияси ташкил этилади<sup>111</sup>. Унинг ҳайъати инженер В. Н. Васильев (бошлиқ ёрдамчиси), геолог Ф. П. Пепицин, гидролог Г. А. Лепоин, техниклар В. А. Шведов, В. К. Ланге ва бошқалардан иборат эди<sup>112</sup>. 1912—1913 йилларда Е. Н. Блумберг экспедицияси шимолда Бухоро воҳаси ва Қарноб дашти, шимоли-шарқда Зирабулоқ тоғлари, шарқда Жом воҳаси, жануби-шарқ ва жанубда Қарши ва Керки шаҳарлари, ғарбда Амударё оралигидаги майдони 2,5 млн десятинага тенг бўлган территорияда текшириш ишлари олиб борди<sup>113</sup>. Амударёдан сув чиқариш имкониятини аниқлаш мақсадида 154 чақирим масофада Қарши-Бурдалиқ оралиғи ва Муқри қишлоғидан Сурхондарёнинг қуйилиш жойигача 194 чақирим масофада Амударё бўйлаб невилировка ўтказилади. Қашқадарёнинг юқори оқимида сув омборлари барпо этиш имкониятларини аниқлаш учун Қашқадарё ва унинг ирмоқлари — Жиннидарё, Оқсув, Тангхоз ва Қорасувдарёлари бўйлаб геологик ҳамда гидрометрик текширишлар олиб борилди. Майдони 750 минг десятинага тенг бўлган Қарши даштининг шимоли-шар-

<sup>105</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 87<sup>6</sup>, л. 4.

<sup>106</sup> АВПР. ф. Среднеазиатский стол, д. 87<sup>6</sup>, л. 9—10.

<sup>107</sup> АВПР, ф. Среднеазиатский стол, д. 87<sup>6</sup>, л. 11.

<sup>108</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1400, л. 10.

<sup>109</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4982, л. 4; Яна қаранг: «Туркестанские ведомости» газетаси, 1913 йил, 78-сон.

<sup>110</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1400, л. 16 ва 19; Яна қаранг: «Туркестанские ведомости» газетаси, 1914 йил, 94-сон.

<sup>111</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1400, л. 8; Яна қаранг: Б. Н. Касталский, Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадской долин, «Вестник ирригации», 1930, № 4, стр. 8—9.

<sup>112</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1400, л. 20.

<sup>113</sup> Ежегодник отдела земельных улучшений, ч. II, СПб., 1914, стр. 377.

қий қисми тупроғининг қишлоқ хўжалиги учун қанчалик яроқлик эканини аниқлаш мақсадида Н. А. Димо бошлиқ махсус отряд томонидан унинг тупроғи ўрганилди<sup>114</sup>. Булардан ташқари Бухоро экспедицияси 1912—1914 йилларда Нурота воҳасида<sup>115</sup>, Сурхондарё, Шерободдарё ва Қофирнигон водийларида ҳам қидирув ишлари олиб борди<sup>116</sup>. 1912—1914 йилларда Е. Н. Блумберг экспедицияси текширишлари натижасида, Бухоро хонлиги территориясида янги ерларни суғориш ва Қарши дашти ҳамда Бухоро воҳасига Амударёдан сув чиқариш масаласи бўйича, XIX асрнинг 80—90-йилларида тўпланган материалларга нисбатан бирмунча аниқ ва тўла маълумотлар қўлга киритилган эди.

1912—1916 йилларда ОЗУ томонидан ўтказилган экспедицияларнинг материаллари асосида инженер А. В. Чаплигин Зарафшон водийсининг сув хўжалигини тартибга солиш тўғрисида ўзининг катта ва кичик режаларини ишлаб чиққан эди. Бу лойиҳалар бўйича Амударёдан насослар воситаси билан сув чиқариб, Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш ва унга ташланадиган Зарафшон дарёси сувининг бир қисмини янги ерларни суғориш учун Қашқадарё воҳасига ташлаш кўзда тутилган эди<sup>117</sup>.

А. В. Чаплигининг кичик режаси — бу Аму—Қоракўл машина каналининг лойиҳаси бўлиб, у фақат Қоракўл воҳасини суғориш учун мўлжалланган эди. Лойиҳа бўйича Аму—Қоракўл канали Чоржўй яқинида Амударёнинг ўнг қирғоғидан бош олар ва Бухоро—Чоржўй темир йўлининг ғарбий томонидан унга параллел ҳолда Қоракўлгача олиб борилиши лозим эди. Каналнинг узунлиги 49 чақирим, сув сарфи секундига 2 куб. саржин (19,3 м<sup>3</sup>) бўлиб, трассанинг бош қисми ҳамда 31 чақирим масофасида «дизель» типдаги двигателлар билан ишлайдиган иккита насос станциялари қурилиши лозим эди. Биринчи насос станцияси Амударё суви 1,35 саржин (3 м) ва иккинчиси эса 2,85 саржин (6 м) баландликка чиқариб берар эди. Насос станцияларидан ташқари, Аму—Қоракўл канали суғориш шохобларини сув билан таъмин этувчи 4 регулятор билан жиҳозлантириб, ўнга пунктда унинг устига 10 та кўприк қурилар эди. Бундай канални қазиб чиқариш учун 300 минг куб. саржин (2,9 млн м<sup>3</sup>) тупроқ ишлари бажарилар эди<sup>118</sup>. Аму—Қоракўл машина канали учун ҳаммаси бўлиб 3,1 млн сўм, шу жумладан, 1 млн 50 минг ер қазиш, 920 минг канал ичини бетон билан қоплаш, 810 минг насос станциялари қуриш, 300 минг сув иншоотлари, 20 минг сўм телефон тармоқлари ва бошқа харажатлар сарф бўлар эди<sup>119</sup>. А. В. Чаплигиннинг бу кичик лойиҳаси амалга оширилса, Аму—Қоракўл канали орқали 19 минг десятина

<sup>114</sup> ЦГА УзССР, ф. И-126, оп. 2, д. 1400, л. 10.

<sup>115</sup> Ежегодник отдела земельных улучшений, ч. II, стр. 366—376

<sup>116</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4982, л. 4—5.

<sup>117</sup> А. В. Чаплигин, Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины, М., 1925, стр. 72—90; Яна қаранг: Л. В. Дуннин-Барковский. Развитие орошения в Узбекистане водами Амударьи, Ташкент, 1946, стр. 15.

<sup>118</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 77—79-бетлар.

<sup>119</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 80-бет.

мавжуд экин ерларини тўла сув билан таъминлашдан ташқари Қоракўл воҳасида яна 17 минг десятина қўриқ ва бўз ерларни суғориш, ўзлаштириш имконини берар эди<sup>120</sup>.

А. В. Чаплигиннинг катта режаси — бу Аму—Бухоро машина каналининг дастлабки лойиҳаси бўлиб, у Бухоро ва Қоракўл суғориш тармоқларини сув билан тўла таъминлашга мўлжалланган эди. У Амударё устига қурилган Чоржўй кўприги яқинидан бош олиб, темир йўлнинг ўнг томонида унга параллел ҳолда Фороб, Хўжадават, Қоракўл, Яккатут, Мурғак, Когон орқали Қуйимозордан жануброқда тўғри шимолга йўналар ва Дуоба яқинида сувнинг бир қисмини Шаҳруд каналига қуйиб, нова орқали Қоракўлдарёдан ўтказилар ва Вобкентдарёга туташтириллар эди<sup>121</sup>. Лойиҳа бўйича Аму—Бухоро машина каналининг узунлиги 144 чақирим ва сув сарфи секундига 6 куб. саржин (58 м<sup>3</sup>) га тенг эди. Каналнинг 30 чақиримлик бош қисми қумликлар ичидан ўтишини ҳисобга олиб, бу масофада унинг бетини бетонлаштириш мўлжалланган эди. Аму—Бухоро канали учта йирик тармоққа ажралиб, улардан биринчиси, Қоракўл воҳасига секундига 2 куб. саржин (19,3 м<sup>3</sup>), иккинчиси, Шаҳруд ирригация системасига секундига 1,5 куб. саржин (14,5 м<sup>3</sup>) ва учинчиси ўнг қирғоқ суғориш тармоқларига секундига 2,5 куб. саржин (24,2 м<sup>3</sup>) сув берар эди<sup>122</sup>. Амударё суви канал трассаси бўйлаб бино қилинадиган 8 та электронасос станциялари воситаси билан 43,7 саржин (93 м) баландликка чиқарилар эди. Насос станцияларидан ташқари Қоракўл ва Бухоро воҳасининг чап ҳамда ўнг қирғоқ суғориш системаларини сув билан таъминлаш учун канал трассаси бўйлаб беш пунктга, ҳар бири секундига 6 куб. саржин (58 м<sup>3</sup>) сув ўтказа оладиган 5 та регулятор ва уч пунктга секундига 1 куб. саржин (9,7 м<sup>3</sup>) сув ўтказа оладиган 3 та сув ташлағич шлюз ўрнатилар эди. Шу билан бирга, сувни Тайқир ва Вобкентдарёга олиб ўтиш учун иккита нова, канал кесиб ўтадиган йўллар учун 9 та кўприк, шу жумладан, битта темир йўл кўприги қуриллар эди<sup>123</sup>.

Аму—Бухоро машина каналини ўтказиш учун А. В. Чаплигиннинг ҳисобига кўра, ҳаммаси бўлиб 1 млн 581,2 минг куб. саржин (15 млн 280 минг м<sup>3</sup>) тупроқ ишлари, шу жумладан, 966,3 минг куб. саржин (9 млн 338 минг м<sup>3</sup>) қазиш ишлари ва 614,9 минг куб. саржин (5 млн 942 минг м<sup>3</sup>) тупроқдан кўтарма қилиш бажарилар эди. Бундай суғориш иншоотини барпо этиш учун жами 29 млн 611 минг сўм, шу ҳисобдан 3 млн 382 минг тупроқ ишлари, 4 млн 44 минг канал ичини бетон билан қоплаш, 3 млн 65 минг насос станциялари бино қилиш ва 950 минг сўм сув иншоотлари ва кўприклар қуриш учун сарф бўлар эди<sup>124</sup>. Шунингдек, насос станцияларини ҳаракатга келтирувчи юқори Зарафшонда қуриладиган иккита гидроэлектр станциялар учун 12 млн 200 минг ҳамда насос

<sup>120</sup> А. В. Чаплигин, Ўша асар, 74 ва 80-бетлар.


<sup>121</sup> А. В. Чаплигин, Ўша асар, 87-бет.

<sup>122</sup> А. В. Чаплигин, Ўша асар, 87—88-бетлар.

<sup>123</sup> А. В. Чаплигин, Ўша асар, 88—90-бетлар.

<sup>124</sup> А. В. Чаплигин, Ўша асар, 89-бет.

ва гидростанциялар оралиғида ўтказиладиган электр тармоқлари учун 6 млн сўм харажат қилинар эди<sup>125</sup>. Лойиҳада кўрсатилишича, канал ҳаммаси бўлиб 171 минг десятина, жумладан, Бухоро воҳасида 135 минг ва Қоракўл воҳасида 36 минг десятина ер майдони-ни суғоришга мўлжалланилган эди<sup>126</sup>.



А. В. Чаплигин: томонидан тузилган Аму-Бухоро машина каналининг схемаси  
1—Аму-Бухоро машина канали трассаси; 2—Насос станцияси

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш учун Амударё сувларидан фойдаланиш масаласи юзасидан 1889 ва 1912—1916 йилларда олиб борилган текширишлар натижасида Амударёдан қуйи Зарафшонга икки йўл билан сув чиқариш имконияти илмий-техник жиҳатдан аниқланган эди. Улардан биринчиси, сув ўз-ўзидан оқиб келадиган Аму—Бухоро каналининг Келлиф—Қерки варианты ва иккинчиси, Амударёдан насослар воси-

<sup>125</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 90-бет.

<sup>126</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, ўша бет.

таси билан сувни юқорига олиб чиқадиган Аму—Бухоро машина каналининг Чоржўй варианты эди. Шубҳасиз, ўша даврда Амударёдан Бухорога сув чиқариш масаласи бўйича ўтказилган текширишлар охиригача етказилмай, рус инженерлари томонидан тузилган Аму—Бухоро каналининг дастлабки лойиҳалари илмий-техник талаб даражасидан ҳали анча пастда бўлса-да, аммо улар Бухоронинг сув хўжалиги тарихида янги саҳифа очган эди.

### 3. Зарафшон водийсида сув омборлари барпо этиш масаласи

Зарафшон водийси сув хўжалигини, хусусан, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида дарё суви тақсимотини тартибга солиш масаласи XIX асрнинг 80-йилларидаёқ Зарафшон дарёсининг оқим режимини ростлаб, хўжаликда деярлик сарфланмайдиган кузги, қишки, баҳорги ва тошқин сувларини жамғариш ҳамда улардан сув танқислиги содир бўлган даврларда фойдаланиш учун водийда сув омборлари барпо этиш ғоясини келтириб чиқарди. Бу ғоя даставвал Самарқанд ирригацияси бўлимининг бошлиғи З. Жижемский томонидан кўтарилади.

1886 йил 18 январда З. Жижемский Бухоро воҳасининг сув таъминотини яхшилаш тўғрисида махсус ёзма доклад тайёрлаб, уни Самарқанд маъмуриятига йўллайди<sup>127</sup>. Рус ирригатори бу ёзма докладида қуйи Зарафшондаги сув муаммосини ҳал қилиш учун Амударёдан Бухорога сув чиқариш билан бир қаторда, Зарафшон дарёсидан хонликка ташланадиган ориқча сувларни жамғариш ва вегетация даврида улардан суғориш ишларида фойдаланиш ғоясини баён этган эди<sup>128</sup>. Шу йилнинг кузида З. Жижемский Бухоро воҳасининг суғориш тармоқлари бўйлаб кузатиш ишлари олиб бориш ва Зарафшон водийсининг қуйи қисмида сув омборлари барпо этиш учун қулай жойларни белгилаш мақсадида қидирув ишларини ўтказди<sup>129</sup>. Бироқ қуйи Зарафшонда сув омборлари барпо этиш масаласи бўйича З. Жижемский томонидан олиб борилган дастлабки кузатишлар, афтидан, кўзда тутилган натижани бермаган. Чунки З. Жижемскийнинг Бухоро ирригацияси тўғрисида ёзган махсус ҳисоботида сув омборлари учун белгиланган жойлар ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди<sup>130</sup>.

XIX аср охирида Зарафшоннинг қуйи қисмида сув танқислиги кучайиб, Самарқанд ва Бухоро ўртасида дарё суви тақсимоти масаласининг кескинлашуви натижасида Зарафшон водийсида сув омборлари қуриш масаласи яна кўтарилади. 1898 йилда инженер Н. Петровский Зарафшон дарёсининг водий қисмида эмас, балки унинг юқори оқимида жойлашган тоғ даралари ичида сув омборлари барпо этиш масаласини таклиф қилади<sup>131</sup>.

<sup>127</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 668, л. 5—19.

<sup>128</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14 д. 668, л. 2, 17—18.

<sup>129</sup> ЦГА УзССР, ф. И-3, оп. 1, д. 12, л. 17—20.

<sup>130</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 129—146.

<sup>131</sup> Н. Петровский, По поводу сбережения воды. «Туркестанские ведомости», 1907, № 50.

Сув омборлари учун қулай жойларни белгилаш мақсадида Н. Петровский 1900 йилда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Мастчоҳ, Фандарё, Яғноб, Пасруд, Киштут, Артуҷ, Мағиён ва Шинкдарё ирмоқларида дастлабки қидирув ишларини ўтказди<sup>132</sup>. Қидирув пайтида у Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган тоғ даралари ичида сув омборлари барпо этиш учун 18 та қулай пунктни белгилаб чиқади<sup>133</sup>. Н. Петровский маълумотига кўра, Зарафшон музлиги билан Фандарё оралиғида Мастчоҳ дарёси бўйлаб Деҳовуз, Тро, Хутғиф, Табушин ва Мадрушкат қишлоқлари ҳамда Киштут билан Мағиёндарё оралиғида Зарафшон бўйлаб Даштиғозий, Мингдона қишлоқлари ва Дупул кўприги яқинида 9 та пунктда сув омборлари барпо этиб, уларга тахминан 28 млн 99,5 минг куб. саржин (271,5 млн м<sup>3</sup>) сув жамғариш мумкин эди<sup>134</sup>. Шунингдек, Фандарё ҳавзасида Яғноб бўйлаб Таваствин ва Ровосанг тоғлари дараларида умумий сув сифими 27,1 млн куб. саржин (262 млн м<sup>3</sup>) га тенг бўлган иккита ҳамда Қоракўлдан қуйроқда сув сифими 15 млн куб. саржин (145 млн м<sup>3</sup>), Исқандаркўлда эса сув сифими 39,1 млн куб. саржин (378 млн м<sup>3</sup>) сув жамғариш мумкин бўлган сув омборлари қуриш мўлжалланган эди<sup>135</sup>. Шу билан бирга, Н. Петровский Киштутдарё ҳавзасида Вору, Газа ва Киштут қишлоғи яқинида умумий сув сифими 4328,750 куб. саржин (42 млн м<sup>3</sup>) га тенг бўлган учта сув омбори барпо этишни белгилаган эди<sup>136</sup>. Н. Петровский ҳисобига кўра, Зарафшон дарёсининг юқори ирмоқлари ҳавзасида барпо этиладиган бу сув омборларига ҳаммаси бўлиб 113,5 млн куб. саржин (1 млрд 097 млн м<sup>3</sup>) ҳажмида сув жамғариш ва вегетация даврида тўпланган сувларни секин-аста сув омборларидан чиқариб, Зарафшон дарёси оқимини қўшимча сув билан кўпайтириш орқали водийнинг сув таъминотини бирмунча яхшилаш мумкин эди<sup>137</sup>.

Самарқанд ирригаторининг тахминига кўра, жамғарилган сувдан суғориш мавсумида 15 мартдан 15 апрелгача секундига 4—5 минг куб. фут (113,2—141,5 м<sup>3</sup>), 15 апрелдан 1 майгача секундига 6—7 минг куб. фут (170—198 м<sup>3</sup>), 1 майдан 15 майгача секундига 10 минг куб. фут (283 м<sup>3</sup>) ва 15 майдан 1 июнгача секундига 5—6 куб. фут (141,5—170 м<sup>3</sup>) қўшимча сув ташлаш имконияти туғилар экан<sup>138</sup>.

Н. Петровский томонидан ўтказилган дастлабки қидирув ишлари рекогносцировка характериға эга бўлиб, бу районда сув омборлари барпо этиш масаласи эса илмий ва техникавий жиҳатдан махсус жиддий текширишларнинг амалга оширилишини талаб

<sup>132</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 6.

<sup>133</sup> Устройство водохранилищ в бассейне р. Зеравшан, «Туркестанские ведомости», 1901, № 75.

<sup>134</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 8—10.

<sup>135</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 12—14.

<sup>136</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 14—15.

<sup>137</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2415, л. 42.

<sup>138</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 16—17.

этарди. Бундай тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида Н. Петровский юқори Зарафшонда олиб борилган дастлабки кузатиш натижалари тўғрисида батафсил ёзма ахборот тайёрлаб, Самарқанд маъмурияти орқали уни Туркистон губернаторига юборади<sup>139</sup>.

Н. Петровскийнинг ахборотига биноан 1901 йил 28 мартда Туркистон губернатори Н. А. Иванов Искандаркўлдан сув омбори сифатида фойдаланиш тўғрисида махсус мактуб билан Россиянинг деҳқончилик министри А. С. Ермоловга мурожаат қилади<sup>140</sup>. Бу тарихий ҳужжатда губернатор рус ирригатори томонидан ўтказилган кузатишларнинг Зарафшон водийсида деҳқончиликни кенгайтиришга ёрдам бериши, жумладан, Искандаркўлда сув омбори барпо этиб, унга жамғариладиган сув билан 26 минг десятина ер майдонини суғориш имконияти яратилишини қайд қилиб, Искандаркўл атрофида гидрогеологик ва топографик текширишлар олиб бориш учун махсус қидирув партияси ташкил қилиниши ва унинг харажатлари учун министрлик томонидан 12116 сўм миқдорида маблағ ажратилиши тўғрисида илтимос қилинган эди<sup>141</sup>.

Махсус қидирув партияси томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар асосан Искандаркўл сув омбори лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, улар Искандаркўл атрофининг топографик харитасини олиш, сув омбори барпо этиладиган жойнинг қатламларини аниқлаш, кўл соҳиллари ва Искандардарё юқори ўзанининг нишабини белгилаш, Искандаркўл ва унга қуйиладиган дарёлар ҳамда ундан оқиб чиқадиغان Искандардарёда сув сатҳининг ўзгаришларини қайд қилиш каби бошқа амалий ишлар программасидан иборат эди<sup>142</sup>.

1901 йил 16 майда Россиянинг деҳқончилик министри А. С. Ермолов Искандаркўлда сув омбори барпо этиш тўғрисидаги масалага доир материаллар билан танишиб чиқиб, ўша вақтда Туркистонда суғориш бўйича олиб борилаётган текширишлар тугамагунча, янги тадқиқотларни бошлаш ўринсиз, бунинг устига министрлик бу янги текширишлар учун маблағга эга эмас, деган мазмундаги мулоҳазалар билан Зарафшон водийсида махсус қидирув партиясининг ташкил этилишига розилик бермаган эди<sup>143</sup>. Шундай қилиб, юқори Зарафшонда сув омборлари барпо этиш мақсадида Самарқанд ирригатори Н. Петровский томонидан бошланган дастлабки текширишлар охиригача етказилмай қолган эди.

Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш ва деҳқончилик ерларини кенгайтириш мақсадида Россиянинг деҳқончилик министрлиги қошидаги Ерларни яхшилаш бўлими томонидан янги ерларни ўзлаштириш бўйича бошланган тадқиқотлар муносабати билан 1913 йилда инженер А. В. Чаплигин бошлиқ махсус Зарафшон қи-

<sup>139</sup> Обследование реки Зеравшан и ее притоков с целью выяснения возможности устройства водохранилищ на этих реках, ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 6—17.

<sup>140</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 1—5.

<sup>141</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 4—5.

<sup>142</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 4.

<sup>143</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 393, л. 1.

дирув партияси ташкил этилади<sup>144</sup>. 1913—1915 йилларда бу партия Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида кенг масштабда гидрологик, топографик ва гидрометрик текширишлар олиб боради. У айниқса водийда сувдан фойдаланишнинг ҳолати, сув танқис бўлган ерларнинг майдонини аниқлаб, уларнинг сув таъминотини яхшилаш учун оқар сув миқдорини ошириш имкониятини топиш ҳамда сув омборлари барпо этиш учун ҳар томонлама қулай жойларни белгилаш ва тахминий бўлса ҳам, уларга сарфланадиган харажатларнинг ҳажмини аниқлаш каби масалалар билан бирмунча чуқурроқ шуғулланган эди<sup>145</sup>.

1913—1915 йилларда ўтказилган текширишлар натижасида сув омборларини барпо этиш учун Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимида олтита қулай жой танланади. Улардан учтаси 1900 йилда Н. Петровский томонидан сув омборлари учун белгиланган Мастчоҳ, Дупул ва Искандаркўл пунктлари эди. Мастчоҳ сув омбори Мастчоҳ дарёси бўйлаб 60 чақирим масофада ҳосил этиладиган етти та сув омбори тизмасидан иборат бўлиб, улар юқори Зарафшонда Деҳовуз, Ланглиф, Тро, Думинор, Табушин, Мадрушкат ва Риомут қишлоқлари яқинида дарё кесиб ўтган даралар ичида барпо этилиши лозим эди<sup>146</sup>. А. В. Чаплигиннинг ҳисобига кўра, Мастчоҳ сув омборининг ҳажми тахминан 40 млн куб. саржин (386,5 млн м<sup>3</sup>) га тенг бўлар эди<sup>147</sup>. Аммо Мастчоҳ системасига кирган сув омборларининг сув сифими унчалик катта эмас ва бунинг устига суғориш тармоқларидан улар жуда узоқда жойлашган эди. Бу, шубҳасиз Мастчоҳ сув омборини қуриш ва уни эксплуатация қилишда ҳам катта қийинчиликларни туғдирар эди. Бу жиҳатдан Искандаркўл ва Дупул яқинида барпо этиладиган сув омборлари Мастчоҳ сув омборига нисбатан афзал эди.

А. В. Чаплигин бошлиқ қидирув партияси томонидан тўпланган маълумотлар асосида Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида барпо этиладиган сув омборлари ва янги ерларни ўзлаштиришнинг умумий лойиҳа — схемаси ишлаб чиқилди<sup>148</sup>. Лойиҳа бўйича юқори Зарафшонда, биринчи навбатда, Дупул ва иккинчи навбатда, Искандаркўл сув омборларини қуриш кўзда тутилган эди. А. В. Чаплигиннинг маълумотига кўра, Дупул сув омборининг баландлиги 16 саржин (34 м), қалинлиги юқорисида 10 саржин (21,3 м), тубида 60 саржин (127 м), умумий узунлиги 1450 саржин (3088 м) соз тупроқдан бино қилинадиган қўшқанотли кўтарма тўғон, чап қирғоқта бетондан қуриладиган остонали оқова тўғон ҳамда конгломератли қирғоқни тешиб ўтказиладиган ва қудуқлар билан таъминланган икки тунелли сув ташлағич каби му-

<sup>144</sup> В. Ливанов, Зеравшанская долина и задача Зеравшанской изыскательной партии, «Вестник ирригации», 1923, № 6, стр. 31.

<sup>145</sup> Ежегодник Отдела земельных улучшений, 1913, ч. II, Петроград, 1914, 280, стр. 294—295.

<sup>146</sup> А. В. Чаплигин, Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины, М., 1925, стр. 25.

<sup>147</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 59-бет.

<sup>148</sup> В. Ливанов, Уша асар, 31-бет.



раккаб сув иншоотлари комплексидан иборат эди. Бу асосий комплексдан ташқари, сув омборидан юқори ва қуйида бетондан остонали иккита оқова ҳамда бу гидроузелни ва водийнинг қуйи қисмида Амударёдан Бухорогача чиқариладиган машина каналини электр қуввати билан таъминлаш учун 61 минг кВт қувватга эга бўлган иккита гидроэлектр станцияси билан бирга, барча қурилиш районига бинокорлик материалларини ташиб бориш учун Самарқанддан до Дупул қишлоғигача 75 чақирим масофада темир йўл ўтказиш кўзда тутилган эди<sup>149</sup>.

А. В. Чаплигин ҳисобига кўра, Дупул сув омборини барпо қилиш учун ҳаммаси бўлиб 21 млн сўм, шу жумладан, сув омбори иншоотларининг асосий комплексини қуришга 5,9 млн, Самарқанд—Дупул темир йўлини ўтказишга 2,9 млн ва иккита гидроэлектр станциясини бино қилиш учун эса 12,2 млн сўм сарфланар эди<sup>150</sup>. Биринчи навбатда, барпо этиладиган бу сув омборининг фойдали сув сифими 27—30 млн куб. саржин<sup>151</sup> (261—290 млн м<sup>3</sup>) га тенг бўлиб, у водийда қарийб 25 минг десятина ер майдонини суғориш имконини берарди<sup>152</sup>.

Лойиҳада кўрсатилишича, Дупул сув омборига жамғариладиган сув Каттақўрғон уездининг жануби-шарқига жойлашган Чимбой даштида янги ерларни ўзлаштиришга мўлжалланган эди. Бунинг учун Самарқанддан шарқда Қозоқнайман қишлоғи яқинида Дарғом каналдан бош олган ва қачонлардир қуриб қолган қадимги Эскиангор канали бўйлаб 32 чақирим узунликда канал қазиб чиқарилиши лозим эди. Канал юқорисида баландлиги 3 саржин (6,4 м), узунлиги 25 саржин (53,25 м) лик тўғон ва секундига 2,5 куб. саржин (24,2 м<sup>3</sup>) миқдорда сув ўтказа оладиган темир-бетон регулятор билан жиҳозлантририлиши лозим эди. Шунингдек, магистрал каналдан чиқариладиган 60 чақиримлик суғориш тармоқлари 10 та сув айирғич ва сув ташлағич иншоотлар билан таъминланарди. Канални қазишда 274 минг куб. саржин (26,5 млн м<sup>3</sup>) ҳажмда тупроқ ишлари бажарилар эди<sup>153</sup>.

Чимбой даштида ўзлаштириладиган янги ерларнинг чегараси шимолда Нагорная ва Жума темир йўл станциялари, жанубда Эскиангор каналининг қуруқ ўзани, ғарбда Каттақўрғон станцияси меридиани ва шарқда Ангор ҳамда Дарғом каналларига бориб туташарди<sup>154</sup>.

Лойиҳада қайд этилишича, Чимбой даштида суғорилиб ўзлаштириладиган 25 минг десятина янги ер майдонидан 10 минг десятинаси пахта, 6250 десятинасига беда, 2,5 минг десятинасига буғдой, 5 минг десятинасига бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларини

<sup>149</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 65—67-бетлар.


<sup>150</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 67-бет.

<sup>151</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», каталог 9, папка I, В-38 (Карта схемасига қаралсин); Яна қаранг: А. В. Чаплигин, Уша асар, 65-бет.

<sup>152</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок» К-9, П-1, В-38, л. 90.

<sup>153</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 98.

<sup>154</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», К-9, П-1, В-38, л. 94.



Зарафшон водийсида 1913—1916 йилларда лойиҳалаштирилган сув омборларининг схематик харитаси:

1—Сув омборлари; 2—Янги каналлар; 3—Ўзлаштирилаётган ерлар; 4—Насос станцияси; 5—Гидроэлектростанция; 6—Лойиҳалаштирилган темир йўллар

экиш ва қолган 1250 десятинасида эса боғ ва токзорлар барпо қилиш мўлжалланган эди<sup>155</sup>. Чимбой даштига сув чиқариш учун ҳаммаси бўлиб 2,5 млн сўм сарфланиши лозим эди<sup>156</sup>.

Иккинчи навбатда лойиҳа бўйича юқори Зарафшонда Искандаркўл сув омбори барпо этиш зарур эди. Искандаркўл Хисор тоғ тизмасининг шимолий ён бағрида Зарафшон дарёсининг чап irmoғи Фандарё ҳавзасида 2260 м баландликда жойлашган. Кўлнинг узунлиги 3,3 км, энг кенг жойи 2,9 км, майдони 4 км<sup>2</sup> га яқин бўлиб, ўртача чуқурлиги 51 м, энг чуқур жойи 70 м ва сув ҳажми 172 млн м<sup>3</sup> га тенг эди<sup>157</sup>.

Инженер А. В. Чаплигин ҳеч қандай кўтарма иншоот ўрнатмасдан сув омбори сифатида Искандаркўлдан фойдаланиш вариантини таклиф этади. Кўлда табиий жамғарилган сувни ташқарига чиқариш учун Искандардарё оқиб чиқадиган жойда кўл соҳилидан 22,5 саржин (48 м) чуқурликда қудуқ ковланиб, унинг кесими доира шаклида 800 саржин (1704 м) узунликдаги учта туннель билан туташтириллар эди. Туннель ва шахтали бу иншоот Искандаркўл омборининг сув ташлағичи бўлиб, у секундинга 3,78 куб. саржин (36,5 м<sup>3</sup>) сув ўтказиш қобилиятига эга бўлар эди<sup>158</sup>. Бундай иншоот воситаси билан вегетация даврида Искандаркўлдан қарийб 14 млн куб. саржин (135 млн м<sup>3</sup>) ҳажмда сув чиқариш ва водийда 13—14 минг десятина ер майдонини сув билан таъминлаш мумкин эди<sup>159</sup>.

А. В. Чаплигиннинг тахминий ҳисобига кўра, Искандаркўл сув омборини қуриш учун 7,2 млн сўм, жумладан, туннель ковлаш учун 1,8 млн сўм, Панжакентдан то Искандаркўлгача 108 чақирим масофада темир йўл ўтказиш учун 5,1 млн ва хўжалик харажатлари учун 300 минг сўм сарф бўлар эди<sup>160</sup>.

1913—1915 йилларда А. В. Чаплигин бошлиқ Зарафшон қидирув партиясининг текширишлари натижасида тўпланган материаллар асосида Зарафшон дарёсининг юқори оқимида барпо этиладиган сув омборларидан ташқари, водийнинг ўрта қисмида ҳам учта сув омбори қуриш лойиҳалаштирилган эди. Лойиҳада кўрсатилишича, сув омборларидан иккитаси Каттақўрғон уезида шу номдаги ҳозирги сув омборидан тахминан 20—25 км жанубда ва учинчиси эса Зарафшон дарёсининг ўнг тармоғи Оқдарёда, Иштихондан тахминан 15 км қуйроқда Халфа қишлоғи яқинида барпо этилиши зарур эди. Каттақўрғон уездининг жанубида қуриладиган сув омборларининг биричисига 10 млн куб. саржин (97 млн м<sup>3</sup>) ва иккинчисига эса 90 млн куб. саржин (870 млн м<sup>3</sup>) сув жамғариш

<sup>155</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 94.

<sup>156</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 99.

<sup>157</sup> В. Л. Шульц, Р. Машрабов, Урта Осиё гидрографияси, Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1969, 296-бет.

<sup>158</sup> А. В. Чаплигин, Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины, М., 1925, стр. 71.

<sup>159</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 71-бет.

<sup>160</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 71—72-бетлар.

мўлжалланиб, улар Зарафшон дарёсининг ортиқча сувлари билан Нарпай каналининг бошидан юқорироқда Чимбой қишлоғи яқинида Қорадарёдан чиқариладиган махсус канал орқали тўлғизилар эди<sup>161</sup>. Каналнинг узунлиги 60 чақирим бўлиб, унга сув чиқариш учун Қорадарё баландлиги 5 саржин (10,65 м), узунлиги 150 саржин (319,5 м) лик тўғон билан тўсилиб, канал бошига секундига 7 куб. саржин сувни (68 м<sup>3</sup>) 16 саржин (34 м) баландликка кўтариб берадиган насос станцияси ўрнатилиши лозим эди<sup>162</sup>. Насос станциясидан 33 чақиримда Қорақурсоқ ва Омонбой қишлоқлари ўртасидан канал Қайнама орқали темирйўл остидан ўтказилиб, 51 чақиримда баландлиги 17,78 саржин (38 м), 53 чақиримда эса баландлиги 14,38 саржин (30,6 м) лик шаршаралар воситаси билан туширилиб, уларга гидроэлектр станциялар барпо қилинар эди. Иккинчи шаршарадан ярим чақирим қўйроқда канал Қиличли қишлоғига етмасдан юқори сув омборлари ва Қўшқудуқ қишлоғи яқинида қуйи сув омборига бориб туташар эди. Ҳар икки сув омборлари 5 чақирим узунликдаги канал билан бирлаштирилди<sup>163</sup>.

Лойиха бўйича, бу икки сув омборига жамғариладиган 1 млрд м<sup>3</sup> га яқин ҳажмдаги сув билан Қарши чўлининг шимолида жойлашган Қарноп даштининг шимолий қисмида 80 минг десятина янги ер массивини суғориб ўзлаштириш кўзда тутилган эди<sup>164</sup>. Сув чиқариладиган янги ерлардан 32 минг десятинасига пахта, 20 минг десятинасига беда, 8 минг десятинасига буғдой, 16 минг десятинасига бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинлари экиш, қолган 4 минг десятинасида боғ ва тоқзорлар барпо этиш мўлжалланган эди<sup>165</sup>.

Бундай улкан гидротехника комплексини барпо қилиш учун ҳаммаси бўлиб 44,9 млн сўм, иккита сув омбори ва уларнинг иншоотларини қуришга 32,9 млн сўм ҳамда 80 минг десятина ер майдонига чиқариладиган суғориш тармоқларини ўтказишга 12 млн сўм сарфланар эди<sup>166</sup>.

Зарафшон водийсининг ўрта қисмида Оқдарёда барпо этиладиган учинчи сув омбори асосан Бухоро воҳасининг сув таъминотини яхшилаш учун мўлжалланган бўлиб, архив ҳужжатларида у Бухоро сув омбори номи билан ҳам юритилган. А. В. Чаплигиннинг маълумотига кўра, Бухоро сув омборини барпо этиш учун Ўртабўз қишлоғи яқинида Оқдарё узунлиги 200 саржин (426 м), баландлиги 7 саржин (15 м) лик соз тупроқдан ясалган кўтарма тўғон билан тўсилиб, унга 7 млн куб. саржин (68 млн м<sup>3</sup>) ҳажмда сув жамғарилар эди<sup>167</sup>. Лойихада унинг фойдали сув сифими 10 млн куб. саржин (97 млн м<sup>3</sup>) дан<sup>168</sup> то 20 млн. куб саржин (194 млн м<sup>3</sup>) гача

<sup>161</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», К-9, П-1, В-38, л. 105.

<sup>162</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 105.

<sup>163</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», К-9, П-1, В-38, л. 106—107.

<sup>164</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, (Карта схемасига қаралсин).

<sup>165</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 102.

<sup>166</sup> Уша архив, К-9, П-1, В-38, л. 108.

<sup>167</sup> А. В. Чаплигин, Уша асар, 72-бет.

<sup>168</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», К-9, П-1, В-38, (Карта схемасига қаралсин).

оширилган эди<sup>169</sup>. Оқдарё сув омборига жамғариладиган сув билан Бухоро воҳасининг 20 минг десятина ер майдонини сугориш мумкин эди<sup>170</sup>. Бу сув омбори учун 2 млн сўм сарф бўларди<sup>171</sup>.

Булардан ташқари, Зарафшон водийсида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахтанинг экспортида қулайлик яратиш учун Самарқанд воҳасининг шимолида Ростовцев темир йўл станциясидан Челақ, Митан қишлоқлари орқали Каттақўрғонгача ва Бухоро воҳасининг шимолида эса Қизилтепа темир йўл станциясидан Ғиждувон, Вобкент ва Лаълақа (Ромитан) орқали шимолга Занданагача, жанубда Бухорогача темир йўли ўтказиш лойиҳалаштирилган эди<sup>172</sup>.

Демак, 1913—1915 йилларда Зарафшон водийсида сугориш системаси бўйича умумий бўлса ҳам, аммо бирмунча кенг масштабда текширишлар олиб борилган. Бу тадқиқотлар натижасида Зарафшон водийсида Дупул, Искандаркўл, юқори ва қуйи Каттақўрғон. Оқдарё сув омбори ҳамда Чимбой даштида 25 минг, Қарноп даштида 80 минг десятина ер майдонига сув чиқариш каби ирригация қурилишлари ва янги ерларни ўзлаштиришнинг умумий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бироқ бу ерда шунини қайд қилиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёда амалга оширилган ирригация қурилишларидан подшо самодержавиеси фақат мустамлакачилик мақсадларини кўзда тутган эди. Шу билан бирга, подшо маъмурларининг сугориш ишларига нисбатан тутган расмиятчилик ва лоқайд муносабати, бунинг устига Биринчи жаҳон урушининг бошланиши оқибатида Ўрта Осиёнинг Амударё, Сирдарё, Мурғоб, Тажан ва бошқа дарё ҳавзаларида олиб борилган текширишлари каби, Зарафшон водийсида ўтказилган тадқиқотлар ҳам охиригача етказилмади. Ўрта Осиёни сугориш учун тузилган кўпгина лойиҳалар қаторида Зарафшон водийсининг сув таъминотини яхшилаш ва янги ерларга сув чиқариш лойиҳаси ҳам амалга оширилмай қолиб кетади. Шунга қарамадан, улар Зарафшон водийсининг сугорини тарихида муҳим прогрессив аҳамият касб этади. Чунки водийнинг сув хўжалиги, ер фонди ва сув ресурсларини илмий жиҳатдан ҳар томонлама кенг ўрганиш ва унинг ирригация системаларини инженерлик асосида қайта қуриш йўлида дастлабки қадамлар қўйилган эди. Шубҳасиз, Октябрь революциясигача рус ирригаторлари томонидан Зарафшон водийсининг сув таъминотини яхшилаш ва янги ерларга сув чиқариш бўйича олиб борилган текширишлар ва улар ишлаб чиққан дастлабки умумий лойиҳалардан кейинчалик, бизнинг давримизда водий ирригациясини қайта қуришда маълум даражада фойдаланилди.

<sup>169</sup> Ўша архив, Қ-9, П-1, В-38, л. 31.

<sup>170</sup> Ўша архив, Қ-9, П-1, В-38, л. 90.

<sup>171</sup> Ўша архив, Қ-9, П-1, В-38, л. 123.

<sup>172</sup> Технический архив «Средазгипроводхлопок», Қ-9, П-1, В-38 (Қарта схемасига қаралсин).

## ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ ИРРИГАЦИЯ ТЕХНИКАСИ

### 1. Сув боғлаб олувчи тўғонлар ва уларнинг тузилиши

#### Бандлар ва уларнинг турлари

Зарафшон водийсининг аҳолиси суғорма Шарқнинг Нил, Ҳинд, Панжоб, Амударё каби кўпгина дарё воҳаларида яшовчи аҳолилари каби, узоқ вақт давомида дарё режимига тобе бўлиб, фақат «кўп бошли тошқин» каналлардан фойдаланмасдан, балки қадим замонлардаёқ Зарафшон дарёсини жиловлаб олишга ва уни ўз манфаатларига озми-кўпми хизмат эттиришга муяссар бўлган. Чунки Зарафшон дарёси ўзининг табиий шароити — кенглиги, чуқурлиги ва оқимининг тезлиги жиҳатидан Ўрта Осиёдаги катта сув манбаларига қараганда бир неча марта кичик ва бирмунча тиш оқар дарёлардан бўлганлиги сабабли водий аҳолиси қадим замонлардаёқ уни боғлаб олган. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг қадимий ирригатор ва деҳқонлари дарё сувини тартибга солиб бориш жараёнида ирригация техникаси тарихида диққатга сазовор бўла оладиган хилма-хил суғориш иншоотларини яратибгина қолмай, балки уларни мўлжалланган жойларида дарёга ўрната олганлар.

Зарафшонликлар дарё оқимини тартибга солишда асосан, дарёдан суғориш тармоқларига ўз вақтида керакли миқдорда сув боғлаб олиш билан кўпроқ банд бўлганлар. Каналларга сув чиқариш дарёга бевосита тўғонлар ўрнатиш орқали амалга оширилиб, бу усул қадим замонлардаёқ водийда кенг жорий этилган эди.

Каналларнинг бош қисмига ўрнатиладиган тўғонлар Зарафшон водийсида «варақ» ёки «варғ» ва «банд» номи билан аталган. Тузилиши ниҳоятда содда бўлган «варқ» ва «банд» тўғонлари табиий инерт материаллар, яъни шох-шабба, қамиш, хашак, тош, шағал, чим ва тупроқлардан, ҳар бир сув узелидаги шароитга қараб, турли конструкцияда қурилган бўлиб, улар асосан водийда кенг тарқалган. Улардан биринчиси, дарёнинг қарама-қарши қирғоғига етказилмасдан, оқимнинг маълум участкасигача ўрнатилган шпорагли оддий иншоотлардан иборат очиқ тўғонлардир. Бундай иншоотлар Самарқанд ва Бухоро воҳаларида «нишоб», «нишбанд» ёки «нишванд» деб аталган. Нишбандларни ўрнатиш ва улар орқали каналларга боғлаб олинадиган сувни тартибга солиб туриш осон

ва бирмунча қулай бўлган. Каналга келаётган сув миқдорини кўпайтириш керак бўлган вақтда шпора узайтирилган, камайтириш керак бўлган вақтда эса, аксинча, қисқартирилган. Нишбандларнинг бундай содда конструкцияси, унинг қадим замоннинг маҳсули эканидан далолат беради. Шубҳасиз, Зарафшон водийсининг қадимий ирригаторлари, дастлабки магистрал каналларни шу йўсинда сув билан таъминлаган бўлишлари мумкин.

Иккинчи хил иншоотлар дарёнинг ҳар икки қирғоғига туташган ёпиқ тўғонлар бўлиб, улар «кўрбанд», яъни «ёпиқ тўғон», деб юритилган. Тўғонларнинг ҳар икки тури: нишбандлар ҳам, кўрбандлар ҳам деярли бир хилда қурилиш планировкасига эга бўлиб, бу иншоотларни кашф этган қадимий ирригаторлар уларни оқимга қарши жуда усталлик билан ўтказиш усулини топа олганлар. Улар оқим зарбасини бирмунча кучсизлантириш мақсадида, иншоотни дарёнинг қарама-қарши қирғоғига тиккасига, тўғри чизиқ бўйлаб йўналтирмай, балки қия қилиб, яъни диагональ чизиқ бўйлаб ўтказганлар. Дарёни боғлашдаги бундай тартиб оқим тезлигини синдириб, қурилиш ишларини бирмунча енгиллаштирибгина қолмай, балки сувнинг тўғонни ўпириб кетишидан сақлаб, унинг узоқ вақт мустаҳкам туришини ҳам таъминлаган.

Маҳаллий ирригаторлар бандларни ўрнатишда, уларнинг қирғоғида туташган бурчак қисмига катта аҳамият бериб, уни ниҳоятда пухта ишлашга ҳаракат қилганлар. Чунки канал томон йўналтирилган оқимнинг кучи тўғоннинг мана шу бурчак қисмига зўр келарди, шунингдек, сув ўпирилишлари ҳам кўпинча каналнинг шу бош қисмида содир бўларди.

Водийда тўғонлар асосан икки хил усулда қурилган. Биринчи усулда тўғонларга, ҳеч қандай боғламасиз, фақат оддий инерт материалларининг ўзи ишлатилган. Иккинчиси эса фашиналардан қурилган. Фақат инерт материалларидан ишланган тўғонлар жуда ҳам содда конструкцияли бўлган. Бунинг учун каналнинг дарёга туташган жойида қирғоққа бир ёки икки йўғон қоziқ қоziлиб, икки айрили дарахтнинг йўғонроқ шохи қоziққа ҳалқа қилиб илинган, шох томони эса дарёга ташланган. Дарахтнинг дарёга туширилган қисмига шох-шабба ва хашак бостирилган. Унинг устидан чим ёки тошлар зич қилиб терилиб, устидан яна шох-шабба, хашак бостирилган ва ҳоказо. Дарё тубининг чуқурлигига қараб, бу жараён 3—4 ёки баъзан ундан ҳам кўпроқ қайтирилгандан кейин аста-секин сунъий тўсиқ пайдо бўлган. Тўсиқнинг бир учига қоziқ қоziлиб, яна аввалги иш жараёни қайтарилган. Бундай иш процесси каналга етарли сув боғлаб олингунча ёки дарё тамом тўсилгунча давом эттирилган. Бундай тартибда қурилган тўғонлар Бухоро воҳасида «ҳалқабанд» деб юритилган. Ҳалқабандлар дарёнинг қарама-қарши қирғоғигача етказилмаган шпорали очиқ тўғонлардан — нишбандлардан ҳам, аксинча дарёни бутунлай тўсган ёпиқ тўғон — кўрбандлардан ҳам иборат бўлиши мумкин эди.

Бухоро воҳасидаги Пирмаст ва Султонобод каналларининг бош қисмида 40 йил мобайнида тўғончилик қилган 70 яшар Қудратов

Исломбобонинг айтишича, Бухоро областининг Гиждувон ва Шофрикон районларини суғорувчи Шофирконруд, Харқонруд, Пирмаст ва Султонобод каналларининг бош тўғони яқин кунларгача мана шу ҳалқабанд усулида тикланган<sup>1</sup>.

Бош тўғонларни қуришда Зарафшон водийсида ҳам Амударё ва Сирдарё воҳаларидаги сингари, фашиналардан жуда кенг фой-



Шох-шабба, тош ва чимлардан ишланган каналга сув боғлаб олувчи тўғон

даланилган. Фашиналар бу ерда «навала» ёки «навола»<sup>2</sup>, деб юритилган. Хоразмда эса улар «навард» ёки «вард», Фарғона водийсида «ўлук» ва Сирдарё воҳасида «қорабура» номлари билан аталган.

Навола ёки навардлар, асосан, шох-шабба ва қамишдан цилиндр шаклида ишланиб, ораси тош, чим ва шағаллар билан тўлдирилган ва кўндалангига уч ёки тўрт еридан юлғин ёки қамиш боғ билан маҳкам сиқиб боғланган.

<sup>1</sup> Авторнинг 1958 йил кундалик дафтаридан.

<sup>2</sup> Алишер Навоийнинг замондоши, тожик шоири ва тарихчиси Камолитдин Биноий ўзининг «Шайбонийнома» номли асарига фашиналарни «навола» термини билан ёзади. Биноий, Шайбонийнома, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 1633, варақ 66 .



Адабиётларда кўрсатилишича, наволаларнинг диаметри 1—2 м, узунлиги 6—8 м ва ундан ҳам узунроқ бўлган<sup>3</sup>.

Вобкентдарёнинг бош тўғони — Хархўр гидроузелида 54 йил варқбонлик қилган, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ирригатор, 90 яшар Ҳайитов Хотамбобонинг берган маълумотларига қараганда, наволаларнинг айланаси тўрт одамнинг қулочига тенг бўлган. Улар 5, 10, 20, 30 кишилик бўлиб, оғирлиги 50 кг дан 2—3 тоннагача етган<sup>4</sup>. Бу маълумотларга қараганда, наволаларнинг ҳажми ҳам, оғирлиги ҳам иш объектидаги шароитга қараб турлича бўлган. Кўпинча наволалар дарёга ўрнатиладиган жуда катта иншоотларни қуришда ва катта ўпирилишларни тўсишда ишлатилган. У ҳолда иншоот ва ўпирилишларнинг ҳажмига қараб, наволаларнинг ҳажми ҳам жуда катта бўлган.

Хива тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баёний Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг (1806—1825 й.) бўйсунмаган оролликлардан ўч олиш учун Амударёнинг учта катта шохобчаси: Чумоной, Чапғибосув ва Терсоқарларни боғлаб, сувни Қўнғирот шаҳри раёнидан бошқа томонга оқизганлиги тўғрисида гапирар экан, шохобчаларга ташланган наволаларнинг узунлиги 60 газ (66 м), айланаси 20—30 газга (21—32 м) яқин эди, деб кўрсатади<sup>5</sup>.

Камолиддин Биноий «Шайбонийнома» асарида 1502 йилда Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Чўпонота яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк қурдирилганлиги тўғрисида ёзар экан, Зарафшон дарёсини боғлаш учун ташланган наволаларнинг ҳар бири «бамисоли тоғдек бўлган»<sup>6</sup>, деб тасвирлайди. Биноийнинг берган маълумоти, шубҳасиз, бўрттириб ёзилган бўлса-да, ҳар ҳолда наволаларнинг ниҳоятда баҳайбат ва оғир бўлишини тасдиқлайди.

«Ҳар бир фашина шу қадар оғир ва катта ҳажмда бўлишига қарамай,— деб ёзади инженер Х. Гельман,— ерли аҳоли такомиллаштирилган бирорта асбобсиз, уларни фақат тайёрлашнинггина эмас, балки тоғ дарёларидек жўш уриб турган дарё оқимида туширишни ҳам жуда моҳирона эплай олган»<sup>7</sup>.

У ёки бу иншоотни тузатиш ёки янгидан тиклаш учун дарё

<sup>3</sup> Х. В. Гельман, Особенности работ и строительных материалов Туркестанского края, СПб., 1892, стр. 49; Яна қаранг: Н. Дингельштедт, Опыт изучения ирригации Туркестанского края, СПб., 1896, стр. 203; Яна қаранг: А. И. Шахназаров, Сельское хозяйство в Туркестанском крае, СПб., 1917, стр. 98; Яна қаранг: Азиатская Россия, СПб., 1917, т. II, стр. 230; Яна қаранг: В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, стр. 568; Яна қаранг: С. Батурич, Советская ирригация Узбекистана — всенародное творение, Ташкент, 1954, стр. 25.

<sup>4</sup> Авторнинг 1958 йилги кундалик дафтаридан.

<sup>5</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний, Шажарайи Хоразмшоҳий, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 9516, варақ 159.

<sup>6</sup> ... نواله های عجب مرتب ساختند... هر یک بمثال کوه بود

Биноий, Шайбонийнома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 1633, варақ 66<sup>6</sup>.

<sup>7</sup> Х. В. Гельман, Особенности работ и строительных материалов Туркестанского края, стр. 50.

ёки канал қирғоғига наволалар думалатиб<sup>8</sup> келтирилган ва биринкетинг сувга ташланган. Ташланаётган биринчи қатор наволаларнинг охиргиси сувга ботмай сунъий тўсиқ ҳолини олиши билан, унинг устидан иккинчи, учинчи ва ундан кейинги қатор наволаларини сувга туширишга киришилган. Натижада, сунъий бир иншоот қад кўтара бошлаган. Одатда наволалар оқимга қарши ташланган. Кўпинча наволаларни сувга тушириш қирғоқнинг ҳар икки қарама-қарши томонларида бир вақтда бошланиб, ўртадаги оралиқ тўсилгунча давом эттирилган.

Маҳаллий ирригаторлар фашиналар билан тўғон қуришда ҳам уларнинг дарё қирғоғига туташган биринчи қаторига ниҳоятда эътибор берганлар. Чунки дастлабки туширилган фашиналарни қирғоққа маҳкам қилиб бириктириш жуда қийин бўлган. Бу наволаларнинг пухта ўрнатилиши эса, бутун иншоотнинг бирмунча осонроқ ва мустаҳкамроқ тикланишини таъминлар эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий ирригаторлар шу қатор фашиналарни яхши жойлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Навардлар кашф этилган даврдан бошлаб, бизнинг асримизгача, яъни маҳаллий сугориш иншоотлари инженерлик типидagi гидротехник иншоотлар билан алмаштирилгунга қадар ирригация хўжалигида улар жуда кенг ишлатилиб келинди. Фашиналардан бош тўғокларни қуришдан тортиб, қирғоқнинг сув ювиб кетган жойларини тиклаш ишларигача кенг фойдаланилган. Чунки улар ирригация хўжалиги учун техника жиҳатидан жуда қулай ва сувга чидамли ускуна ҳисобланган.

Навардларга ишлатилган шох-шаббаларнинг эгилювчанлик ҳолати оқим кучининг зарби билан уларни бир-бирига жуда ҳам бириктириб юборар ва ниҳоят дарё оқизинди жинсларининг фашиналар орасига чўкиши натижасида, улар унча-мунча куч билан бузиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам иншоотга айланар эди. Шунинг учун ҳам рус ирригатор-инженерлари Х. В. Гельман ва Н. Дингельштедтлар фашиналарга баҳо бериб, «улардан жуда мустаҳкам, арзон ва (сувга) чидамли иншоот қуриш мумкин»<sup>9</sup>, деб таъкидлаб ўтганлар.

Ҳақиқатан ҳам инерт материалларидан ишланган фашиналар ўз даврида жуда қулай ва арзон бўлган. Фашиналарни тайёрлашда ишлатиладиган шох-шабба ва ёғочларни ҳисобга олмаганда, уларга фақат ишчи кучи сарфланган, холос. Х. В. Гельманнинг ҳисобига кўра, диаметри 1 саржин (2,13 м), узунлиги 3 саржинли (6,39 м) қорабурани тайёрлаш учун, XIX асрнинг 90-йилларидаги нарх-наво ҳисоби бўйича, материалларга сарфланган 6 сўмдан ташқари, 33 ишчи куни сарфланар эди<sup>10</sup>. Ишчи кунини ўша вақт баҳоси билан пулга чаққанда<sup>11</sup>, Х. В. Гельман ҳисоби билан, ҳар

<sup>8</sup> Ҳайитов Хотамбобонинг айтишича, катта ҳажмдаги оғир наволалар дарё ёқасига узун ва йўғон харилар устидан юмалатиб олиб борилган.

<sup>9</sup> Х. В. Гельман, Уша асар, 50-бет; Яна қаранг: Н. Дингельштедт, Уша асар, 204-бет.

<sup>10</sup> Х. В. Гельман, Уша асар, 49-бет.

<sup>11</sup> Бир ишчи куни Х. В. Гельманнинг берган маълумоти бўйича, ўша вақтда 30 тийин турган (Х. В. Гельман, Уша асар, 99-бет).

бир қорабура 15 сўм 90 тийинга ва уйнинг ҳар бир куб. саржини 10 сўм 60 тийинга тушган<sup>12</sup>.

Навардлар, айниқса канал ва дарё қирғоқларининг тошқин ёки сел ювиб кетган жойларини тезлик билан тўсишда бошқа бирорта ҳам ускунага алмаштириб бўлмайдиган техник иншоот ҳисобланган.

«Канал бош тўғонининг бузилиши ва сув уриб кетиши, кўпинча тошқин даврларида содир бўлиб,— деб ёзади Х. В. Гельман,— суғориш мавсумининг энг долзарб вақтига тўғри келар ва бузилган жойни кечиктирмай шошилишч тузатилишини талаб этар эди. Бундай вақтда, одатда бузилган жойларга кўпинча қорабуралар ташлаб тузатилган»<sup>13</sup>.

Шундай қилиб, фашиналардан Зарафшон водийсининг сув хўжалигида жуда кенг фойдаланилиб, асосан дарёни бевосита боғлаш учун йирик тўғонлар қуришда ва катта сув ўпиришларини тўсишда ишлатилган.

Бироқ дарё оқимини тартибга солиш, ирригация системаларини ўз вақтида керакли миқдорда сув билан таъминлашда муҳим роль ўйнаган бу ажойиб сув иншоотининг ирригация хўжалигида қачонлардан бери ишлатилиб келинганлиги бизга маълум эмас. Бу ҳақда тарихий манбалардан фақат XVI аср бошларига оид юқорида эслаб ўтилган Биноийнинг «Шайбонийнома» асарида биринчи марта тилга олинган<sup>14</sup>. Биноийдан кейин Хоразм тарихчилари Авазбий ўғли Шермуҳаммад Мироб Мунис ва Муҳаммад Юсуф Баёнийлар<sup>15</sup> ўз асарларида навардларнинг ҳажми ва тўғонлар ўрнатишда улардан фойдаланиш усуллари тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Бу маълумотлар Ўрта Осиёда навардлардан XV—XVI асрлардан бери сув иншоотлари бино қилишда фойдаланиб келинганлигини кўрсатади. Бироқ суғориш хўжалигида бу сув иншоотининг қўлланиш даврини аниқлашда бу маълумотларга асосланиб бўлмайди. Чунки ўрта асрлардаёқ бу техникадан кенг фойдаланиш унинг анча аввал пайдо бўлганидан далолат беради. Ҳар ҳолда қадимий деҳқон ва ирригаторлар йирик дарё водийларини ўзлаштира бошлаган даврларида, яъни дарёнинг асосий кучли оқимида дуч келиб, суғориш системаларида катта-катта ўпирилишлар содир бўла бошлагандан сўнг бундай техникага муҳтожлик туғилган бўлса керак. Бизнинг фикримизча, мамлакатда кенг майдон ва массивларни сув билан таъминлай оладиган сув хўжалиги ташкил топгандан сўнг бу техниканинг пайдо бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Сепоя, чорпоя, чилпоялар ва уларнинг тузилиши

Дамба ва тўғонлар қуришда ирригация техникасида фашиналардан қолишмайдиган ва сув хўжалигида муҳим роль ўйнаб кел-

<sup>12</sup> Х. В. Гельман, Уша асар, 49-бет.

<sup>13</sup> Х. В. Гельман, Уша асар, 51-бет.

<sup>14</sup> Биноий, Уша асар, Қўлёзма, варақ 66<sup>б</sup>

<sup>15</sup> Баёний, Уша асар, Қўлёзма, варақ 159<sup>б</sup>

ган иншоотлардан яна бири «сепоя» ёки «уч оёқ»дир. Сепоянинг тузилиши ниҳоятда содда бўлиб, у уч дона ёғочдан тўғри тушган уч қиррали пирамида шаклида қурилган. Сепояларнинг тузилиши жуда содда бўлишига қарамай, у кучли оқимларни тартибга солишда қулай сув иншооти ҳисобланган. Шунинг учун ҳам сепоя ва улардан қурилган ирригация иншоотларидан тезоқар тоғ дарёлари, жўшқин сойлар ва унчалик чуқур бўлмаган дарё оқимларини тартибга солишда ҳамда ҳавфли сув ўпиришларини тўсиб, қирғоқларни мустаҳкамлашда жуда кенг фойдаланилган.

Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида бу техник иншоот жуда кенг тарқалиб, Зарафшон водийсида қисман ва Хоразмда эса мутлақо ишлатилмаган.

Сепояларнинг катталиги, асосан 3 м дан 10 м, баъзан ундан ҳам баландроқ бўлган. Сепояга ишлатилган ёғочларнинг диаметри 15—20 см дан 30 см гача бўлган. Сепояни тайёрлашда унинг асосий ускунаси ҳисобланган учта ёғоч ингичка томонидан бир-бирига маҳкам бириктириб боғланган. Сўнгра, сепоя оёқларини бир хил масофада маҳкам тутиб туриш мақсадида, унинг пастки қисмига учта «ён ёғочлар» боғланган. Ён ёғочларнинг узунлиги ҳам 3—10 м, диаметри эса 15—20 см бўлган. Сепоя оёқлари ўртасидаги оралиқ, ўрнатиладиган жойнинг нишаби оқим тезлигига қараб ҳар хил бўлган. Кекса тўғончи Қудратов Исломбобонинг айтишича, сепоя оёқлари ўртасидаги оралиқ, унинг баландлигидан кам бўлмаслиги керак эди<sup>16</sup>. Оқим зарбаси қанчалик кучли бўлса, унинг тургунлик коэффициентини ошириш мақсадида, сепоя оёқлари ўртасидаги оралиқ шунчалик кенгроқ қилиб тайёрланган.

Сепояларни ўрнатишдан аввал улар қирғоқда тайёрланиб олинган, сўнгра ётқизилиб, учига арқон боғлаб биттадан сувга туширилган. Сепоя оёқлари сув тубига етар-етмас, оқимга қарши унинг тургун мувозанатини таъминлаш учун бир группа сепоячилар унинг ён ёғочи устига дарҳол чиқиб оладилар, бир вақтнинг ўзида эса иккинчи группа сепоячилар уни мустаҳкамлашга киришганлар.

Сепояларни ўрнатиш ишининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири, уларни сув ичида ишлашдир. Бунинг учун сепоянинг ички қисмида, ён ёғочларига диаметри 8—10 см, узунлиги 3—10 м ходаларни шахмат усулида кўндалангига ташлаб, саҳн (плошадка) тайёрланади. Бу саҳннинг устидан бир ёки икки қават шох, сўнгра похол ёки хашак босилиб, унинг устидан бир қатор тош ёки чим терилган. Тош ёки чим қатлами терилиб бўлгач, сепоя оёқлари сув тубига ботиб, секин-аста ўрнаша бошлаган. Сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳ. қ. шох, хашак, тош, чим қатламлари сепояга юкланган. Натижада сепоя юки борган сари оғирлашиб, у сув тубига мустаҳкам ўрнашиб, шу участкада оқимни деярли тўсиб қўйган. Баландлиги 10 м шох, хашак ва похоллар билан қопланган ҳар бир сепоя ўттиз тоннадан ошиқроқ оғирликка эга бўлган<sup>17</sup>. Се-

<sup>16</sup> Авторнинг 1959 йил кундалик дафтаридан.

<sup>17</sup> С. Б а т у р и н, Советская ирригация Узбекистана — всенародное творение, стр. 22.

полярни керакли жойга олиб бориб ўрнатиш, гарчи машаққатли иш бўлса ҳам у орқали оқимни тартибга солиш ишлари шох-шаббали оддий тўғонларга қараганда қулайроқ ва натижалироқ бўлган. Чунки оддий тўғонларни сув тубидан ишлаб чиқишда оқимнинг доимий кучли зарбаси натижасида кўпинча бир жойнинг ўзини қайта-қайта тўсишга тўғри келган. Натижада инерт материалларнинг бир қисмини сув олиб кетар эди. Сепояларнинг сув сатҳидан ишлаб чиқиб, секин-аста ўрнатилиши иншоотнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш билан бирга, қурилиш материалларининг бекорга исроф бўлишига йўл қўймас эди.

Сепоялар воситаси билан қуриладиган сув иншоотларининг мустаҳкам бўлишини таъминлаш учун сепоячи — ирригаторлар сепояларнинг бир-бирига туташган ерларига алоҳида эътибор берганлар. Улар оқимни тўсишда сепояларни ниҳоятда мустаҳкам ўрнатишга ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда, биринчи сепоянинг оёғига иккинчисининг, иккинчисиникига учинчисининг оёғи чалкаштириб ўрнатилган ва ҳоқазо. Кўпинча оқим зарби билан сепоялар ўртасидаги масофа бирмунча очилиб қолар эди, у вақтда, биринчи сепоя билан иккинчисининг қарама-қарши ён ёғочларига ходалар ташланиб, иккинчи сепояни юклаш билан бир вақтда, булар оралиғи шох, хашак ва тош билан тўсиларди.

Чуқур ва қирғоқлари тик жойларга сепоялар тушириш айниқса, машаққатли бўлган. Бундай участкаларга сепоялар икки ярусли қилиб ўрнатилган. Икки ярусли сепояларни ўрнатиш учун, биринчи ярус сепоялар қирғоқнинг ўзида диаметри 75—100 см фашиналар билан юкланиб, сувга туширилган. Сўнгра унинг устидан оғир фашиналар ташланиб, мустаҳкамлангач, биринчи сепоянинг устидан иккинчи ярус сепоя туширилган. Иккинчи ярус сепоялар биринчисига қараганда бирмунча кичик ҳажмда бўлиб, улар фашиналар ёки оддий усулда шох-шабба ва тошлар билан ишлаб чиқилган.

Ҳар икки қарама-қарши қирғоқларни бирлаштирувчи кўрбандларни ёки оқимнинг маълум қисмигача ўрнатиладиган оддий сепояли очиқ тўғонларни қуришда ҳам сепояларни сув ичиде узоқ масофага олиб бориб ўрнатиш ниҳоятда оғир бўлган. Бундай вақтларда сепояларга узун арқон боғланиб, тўғон қуриладиган жойдан бирмунча юқорироқдан сувга тушириб, оқим бўйлаб олиб келиб ўрнатилган. Одатда оқимнинг энг кучли ерига келиб қолган очиқ тўғонларнинг бош қисмини сув ювиши натижасида, иншоот аста бузилиб, унинг сув боғлаб олиш коэффициенти қисқарган. Бунинг олдини олиш учун уч ёки тўрт оғир фашиналар иншоотга ўрнатилган охирги сепоя устига бостириб қўйилган. Сепояларни яшаш ва уларни керакли жойларга ўрнатиш учун кўп миқдорда ишчи кучи ва қурилиш материаллари сарфланар эди. Масалан, баландлиги 8,5 м ли ўртача ҳажмдаги бир дона сепояни яшаш ва уни ўз жойига олиб бориб ўрнатиш учун 6 дона ёғоч, 45 хода, 2 сепоячи, 12 хашарчи ва 1 та арава керак бўлган<sup>18</sup>. Инженер

<sup>18</sup> Технические указания по производству сплайных, карабурных и ташту-  
ганных работ, Ташкент, 1926, стр. 18.

С. Тромбачевнинг ҳисоби бўйича, сепоялар воситаси билан бир куб. саржин жойни боғлаш учун 60 боғ шох, 15 боғ хашак ёки похол, 0,75 саржин тош ва 4,57—5,6 ишчи куни сарф қилинган<sup>19</sup>.

Сепоялар билан бир қаторда, бу техниканинг бошқачароқ иккинчи хил конструкцияси «чорпоя» ёки «тўрт оёқ» лардан ҳам ирригация ишларида фойдаланилади. Чорпоялар айниқса Фарғона водийсида кенг тарқалиб, бошқа воҳаларда камроқ бўлган. Сепояларга қараганда, чорпояларнинг ҳажми каттароқ бўлиб, улар тўрт дона ёғочдан, тўрт қиррали пирамида шаклида ишланган ва тўрт томонидан ён ёғочлар билан мустаҳкамланган. Чорпоя сепояга қараганда мустаҳкамроқдир, чунки чорпоянинг тўртинчи оёғи турғунлик коэффицентини бирмунча оширади. Масалан, баландлиги 11 м ли чорпояни ясаш учун 10 дона ёғоч, 8 сепоячи ва 30 хашарчи лозим бўлган<sup>20</sup>. 11 м баландликда юкланган чорпоянинг оғирлиги 50 тоннадан ошиқроқ бўлган<sup>21</sup>. Чорпоялар кўпинча якка-якка ёки қўшалоқ қилиб қирғоқларни мустаҳкамлаш учун ўрнатилган.

Сепоя ва чорпоялардан ташқари, худди шу конструкцияга яқинроқ ирригация иншоот ҳам бўлиб, Зарафшон водийсида у «чилпоя» ёки «қирқ оёқ»<sup>22</sup>, Тошкент воҳасида «эшшак» деб юритилган. Чилпояларнинг диаметри 40—50 см ва узунлиги 10—12 м харига, баландлиги 3—4 м ва диаметри 10—15 см ёғочлардан айри оёқлар ўрнатиш билан ясалган.

Зарафшон водийсида чилпоялар асосан қирғоқнинг ўпирилган жойларини шошилиш равишида мустаҳкамлаш учун, Тошкентда эса суғориш каналларини боғлашда ҳам ишлатилган. Чилпоялар воситаси билан сув ювиб кетган жойни бекитиш ёки канални боғлаш учун олдиндан тайёрланган чилпояни олиб келиб қўндириб, оёқлари орасига шох босиб, устидан чим бостирилган.

Ирригация хўжалигида самарали фойдаланиб келинган бу сепоя техникасининг қаерда ва қачон кашф этилганини аниқлаш қийин. Ҳар ҳолда у катта нишабда зўр куч билан оқадиган тоғ дарёларининг ва бебош сойларнинг шўх оқимини тартибга солиш учун олиб борилган кураш натижасида кашф этилган бўлиши керак. Чунки инерт материалларидан қурилган унча-мунча иншоотлар тоғ дарёлари ва сойларининг кучли оқимиغا бардош бера олмайди. Уларни оқим тез вақт ичида бузиб юборди ва ўзи билан олиб кетади. Тошқин вақтларда эса оқимнинг кучлилигидан бундай оддий тўғонларни ўрнатиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам шўх ва кучли оқимни бошқариш учун кўп нуқталарга суянган мустаҳкам ва турғун тирговучларнинг кашф этилиши қонуний ҳамда

<sup>19</sup> С. Тромбачев, Сипайные работы, «Вестник ирригации», 1923, № 1, стр. 80.

<sup>20</sup> Технические указания по производству сипайных, карабурных и гаштуговых работ, стр. 19—20.

<sup>21</sup> С. Батурич, Уша асар, 22-бет.

<sup>22</sup> Чилпоянинг оёқлари гарчи 40 та бўлмаса ҳам, уларнинг сони кўплиги сабабли «қирқ оёқ» деб аталган.

муқаррардир. Шунга асосан сепояларнинг кашф этилишини, Зарафшон водийсида шох-шаббалардан ўрнатиладиган шпорали оддий очиқ тўғонларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтга тўғри келади деб ҳисоблаш мумкин. Чунки сепояли тўғонларнинг сепоясини олиб ташланса шох-шаббалардан ишланган оддий тўғонлардан фарқ қилмайди. Сепоялар эса оқимни тўсиб турган асосий тўсиқни тутиб туриш учун хизмат қилган. Шубҳасиз, дастлабки сепоялар кичик ҳажмда бўлиб, улардан унчалик катта бўлмаган шохобчаларни тартибга солишда фойдаланилган. Вақт ўтиши билан уларнинг ҳажми ва оғирлиги ҳам катталашган ҳамда кучли оқимларни бошқаришда ишлатилган. Шунингдек, бу техника иншооти аввал тоғли ва тоғ олди районларида пайдо бўлиб, сўнгра секин-аста оқимнинг ўрта ва қуйи қисмларига тарқалган деб фикр юргизсак хато қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам сепоялар Фарғона водийси ва Сирдарёнинг ўрта қисмига жойлашган Тошкент воҳасида сув хўжалигида то яқин вақтларгача асосий ирригация иншооти сифатида хизмат қилиб келди.

Кекса тўғончилардан Ҳайитов Хотам ва Қудратов Ислобоболарнинг сўзларига қараганда, Зарафшоннинг қуйи қисмида сепоя ва улардан қуриладиган иншоотлар асосан асримизнинг 20-йилларидан бошлаб сув хўжалигида фойдаланила бошлаган<sup>23</sup>. Бу маълумотдан сепоя тўғонлар Зарафшон водийсида яқин вақтларда пайдо бўлган деб, хулоса чиқариш хатодир. Шубҳасиз, Зарафшон водийсининг юқори оқими районида бу техникадан қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келинган бўлса керак. Бироқ водийнинг қуйи қисмида эса бундай иншоотларни ўз қўллари билан тиклаган кишилар ва шохидларнинг сўзларига қараганда у, ҳозирги вақтдан 40—50 йил муқаддам қўлланила бошлаган.

Инженер С. Тромбачев сепоя техникаси Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келган бўлса керак<sup>24</sup>, деб тахмин қилган. Бироқ унинг бу фикри мутлақо асосланмагандир.

Бу ирригацион техниканинг «сепоя — уч оёқ», «чорпоя — тўрт оёқ» ва «чилпоя — қирқ оёқ» каби турли конструкцияларининг Ўрта Осиёда кенг тарқалиши ва уларнинг маҳаллий тиллардаги терминлар билан аталиши сув хўжалигида сепоялардан узоқ даврлардан бери фойдаланиб келинганлигидан гувоҳлик беради.

Демак, сепоя техникаси тоғ дарёлари ва сойларнинг шўх оқимларини тартибга солиш учун тоғлик ва тоғолди районларида кашф этилиб, улардан Ўрта Осиё сув хўжалигида ҳам кенг фойдаланилган.

#### Дарғот, тахта, хокбанд ва кундалар

Зарафшон водийсининг қуйи қисмида иккинчи даражали тақсимловчи каналлардан шохобларга — ариқларга сув боғлаш учун кичик ҳажмдаги махсус тўғонлар ўрнатилган.

<sup>23</sup> Авторнинг 1958 йил кундалик дафтаридан.

<sup>24</sup> С. Тромбачев, Уша асар, 77-бет.

Бундай тўғонлар Бухоро воҳасида «дарғот» ва «тахта» номлари билан юритилган. Бу тўғонлар, айниқса, Хоразмнинг ирригация хўжалигиде кенг тарқалган. Ариқлардан шохобчаларга сув тупроқдан ясалган «хокбанд» тўғонлари билан боғланган. Дарғот тўғонлари тузилиши жиҳатидан тахта тўғонларига нисбатан бирмунча содда бўлиб, улар ариқ туби билан унинг қарама-қарши қирғоқларига кўндаланг ётқизилган икки параллель ёғочдан иборатдир. Бу параллель ёғочлар кўпинча икки томонидан қирғоқлар бўйлаб вертикал ўрнатилган устунлар билан мустаҳкамланган. Бундай иншоотнинг пастки ёғочи «остона», юқоригиси «юғи» ва икки ёнбошига ўрнатилгани эса «устун гўша» деб аталган. Баъзан дарғотлар қўшолоқ юғи ва қўшолоқ остонали қилиб қурилган. Бундай иншоотнинг юғилари ва остоналарининг ораси бир оз очиқроқ ўрнатилган. Сувни боғлаш вақтида дарғот якка ёғочли бўлса, унинг олд томонидан, қўшолоқ ёғочли бўлса, унинг икки юғиси орасидан 2—3 ерига қозиқ қоқилиб, олдига шох ёки хашак босилган. Сувни ташлашда қозиқлар суғуриб олинган.


Тахта деб аталувчи тўғонлар дарғотларга нисбатан мураккаброқ конструкцияда ишланган. Тахта тўғонини яшаш учун ариқнинг катта-кичиклигига қараб, ариқ тубига тўртбурчак шаклида тўртта «таг синч» ётқизилиб, унинг тўрт бурчагига устун ўрнатилган. Сув оқимиغا қарши турган олд томондаги устунлар, орқа устунларга қараганда бир оз узунроқ бўлган. Устунлар тўрт томондан горизонтал ётқизилган ёғочлар билан бирлаштирилган. Икки қирғоқ бўйлаб ётқизилган синчлар, устунлардан ташқари қатор вертикал ёғочлар билан маҳкамланган. Бундай иншоотнинг ариқ тубига горизонтал ётқизилган ёғочлар Бухоро воҳасининг Қоракўл районида «синч», тўрт бурчагига ўрнатилган устунлари эса «уштун гўша», устунларнинг юқори қисмидан тортиб турган ёғочлар «завару» ёки «заваров» деб аталган. Бу иншоот тахтадан ясалган шчит билан бошқарилган. Сувни боғлаш учун тахта иншоотнинг олд томонига юқоридан туширилиб, сувни ташлаш вақтида у тортиб олинган.

Конструкцияси жиҳатидан «тахта» ярим инженерлик типидagi иншоотлардан ҳисобланиб, Зарафшон водийсида у дарғотларга нисбатан анча кейин пайдо бўлган.

Дарғотлар ҳам, тахталар ҳам иккинчи ва учинчи даражали тақсимловчи суғориш системаларига ўрнатиладиган иншоотдир. Буларнинг ҳажми суғориш системаларининг кенглигига қараб, турлича бўлган. Зарафшон водийсининг қуйи қисмида тупроқдан фақат уй-жой қуришдагина эмас, балки суғориш иншоотларида ҳам кенг фойдаланилган. Тупроқ асосан энг кичик суғориш системаларини боғлашда ишлатилиб, улардан ишланган тўғонлар, юқорида қайд қилинганидек, «хокбанд» деб юритилган. Баъзан «хокбанд»лар бирмунча кенг ариқларга ҳам ўрнатилган. Тупроғининг маълум процентини қум заррачалари ташкил этган Бухоро воҳасида суғориш шохобчаларини «хокбанд»лар билан тўсиш энгил иш эмас, албатта.



Тожик совет адабиётининг асосчиси Садриддин Айний «Эсдаликлар»ида Бухоро воҳасининг Гиждувон районидаги Сокторе ва бошқа кўпгина қишлоқларни суғорувчи Марзангон ариғини хокбанд билан боғлаш тўғрисида қуйидаги қизиқарли эпизодни кел-



Лойқадан тозалаш натижасида рошлари баландлашиб кетган ариқ

тиради. «Абдушукурхўжа деган киши уч йигитни олиб келиб, Марзангонни боғламоқчи ва ўз боғи ва ерига сув олмоқчи эди.

Ариқнинг ости қум, қирғоқлари қум аралаш тупроқ бўлиб, бу атрофда чим топилмасди. Шунинг учун сув боғловчи йигитлар кўп қийналдилар ва ариққа ташланган тупроқни сув ювиб кетаверарди.

Шу вақтда қаёқдандир: — Лутфулла Гўппон келиб қолди. У, сув боғловчиларнинг ишини бир оз кўздан кечириб тургандан кейин Абдушукурхўжага қараб:

Эшон мами, ёлғиз ўзим шу сувни боғлаб берсам менга нима берасиз?

— Битта нон, бир тутам мойли ҳолва деди Абдушукурхўжа.

Гўппон қабул қилди ва... кийимларини ечиб қўйиб, кетмонни олиб, ишга киришди. Аввал ариқнинг икки қирғоғида икки тўдз тупроқ тўплаб, хирмон қилиб қўйди, сўнгра сувга кириб, бир қирғоқдаги тупроқни тортиб, ариқнинг учдан бирини боғлади, ундан кейин иккинчи томонидаги тупроқни тортиди. Шу билан ариқнинг учдан икки қисми боғланди.

Ишнинг зўри энди бошланган, сувнинг уч метр келадиган йўли торайиб, бир метрга келган ва оқим зўрайиб, икки томондаги бўш тупроқни ялаб олиб бормоқда эди.

Лекин Лутфулла фурсатни қўлдан бермай, сув йўлига ёнбошлаб, кўндаланг ётиб олиб, боши ва елкаси билан бир томондаги, оёқлари ва сонлари билан иккинчи томондаги тупроққа тиралиб, уни сув ювиб кетишидан сақлаб қолди ва шу вазиятда кетмонни кўлга олиб, сувнинг келиши томонидан ариқ остидан лой қазиб, тортиб ўз гавдасига тираб қўяверди...


Лутфулла ўзига қаратиб тортиб ташлаётган лой уюми ўз гавдасидан баланд бўлиб, сув йўлини бутунлай тўсгандан кейин у тикланиб туриб, лой уюми орқасида чўккалаб ўтирди ва кўкраги билан лойни суяб, сақлаб тургани ҳолда... сув келаётган томонга лой тортиб, тўсиқни яна ҳам баландроқ қилди. Сўнгра сувдан чиқиб, ҳар иккала қирғоқдан қуруқ тупроқ қазиб, лой устига ташлаб, оёғи ва кетмон орқаси билан шиббалаб сув кўтариб кетмайдиган даражада мустаҳкамлади. Натижада сувнинг ҳаммаси Абдушукурхўжа ариғига ва бошқа қумлоқ ариқчаларга ағдарилиб оқиб кетди»<sup>25</sup>.

Демак, фақат тупроқнинг ўзидан тикланадиган тўғон хокбандлар ҳам машаққатсиз осонгина қурилмай, балки маълум даражада тажриба ва маҳоратни талаб этган.

Тақсимловчи каналлардаги оқим дарғот, тахта ва хокбандлардан ташқари, махсус сув бўлғич иншоотлар билан ҳам бошқарилган. Бундай иншоотлар Зарафшон водийсида «кунда», шарқий Фарғонада «лабигардон», Жиззах воҳаси ва ғарбий Фарғонада эса «қубур» деб юритилган. Тузилиши жиҳатидан кундалар Хоразмнинг «ётиқ тўқуртқа»ларига ўхшаса-да, аммо функцияси жиҳатидан улардан тубдан фарқ қилган. Одатда «кунда»лар магистрал каналдан бир нечта шохобчалар ажралиб чиққан «панжа»ларга ўрнатилиб, улардан каналдаги оқимни шохобларга тақсимлашда фойдаланилган. «Кунда» икки ёки тўрт томони текис қилиб йўнилган тўсинли ёки харили ёғочлардан ясалган. Бунинг учун бир нечта шохобларга бўлинган канал панжасининг бўзғи кўндалангига тубидан то юқорисигача устма-уст териб чиқилган

<sup>25</sup> С. А й н и й, Эсдалиқлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1953, 59—60-бетлар.

ёғочлар билан тўсилган. Натижада иншоотнинг олд томонида сув дамланиб, бир хил сатҳдаги сокин сув оқими ҳосил бўлган. Канал панжасидан юқорида дамланган сувни шохобларга баробар тақсимлаш учун кўндаланг ўрнатилган кунданнинг энг юқорисидagi ёғочи шохариқларнинг сонига қараб, бир неча еридан араланиб, сув оқиб тушадиган дарча очилган. Қуйи Зарафшонда у «дахана» ва Фарғона водийсида «қулоқ» деб юритилган. Ёғоч-



Сув тақсимлагич иншооти — кунда

нинг тахчил бўлиши сабабли, кўпинча кундаларнинг остки қисми шох ва чимлардан ишланиб, унинг фақат устки қисмигина даханалар очилган ёғочдан иборат бўлган. Магистрал каналдан ажралиб чиққан шохариқларнинг сонига қараб кундалар кўпинча 2—3 ва баъзан 6—7 даханали ҳам бўлган. Ҳар бир даханадан шохобларга оқиб тушган сувнинг қўшилиб кетмаслиги учун шохоблар ўртаси узунасига чим, шох ва хашақлар билан тўсиб чиқилган. У «ёл» деб аталган. Ҳар бир шохобдан суғориладиган ер майдонининг ҳажми бир хилда бўлмагани учун, одатда кунда даханаларининг кенглиги ҳам турлича бўлган. Кўпинча кунда даханаларининг кенглиги шохоблардан суғориладиган ер майдонларининг мутаносиблигига қараб «энли» ёки «бармоқ» (ангушт), «мушт» ёки «қулоқ» ва «газ» ҳисобида белгиланган<sup>26</sup>. Масалан, 100 таноб ерни суғориш учун

<sup>26</sup> Тўрт энли бир қулоққа, етти қулоқ бир газга тенг бўлган. Н. П. Ирригация, Туземная единица объема воды и способы деления ее, «Туркестанский сборник», т. 527, стр. 202—204.

кунда даханаси икки қулоқ, 200 таноб учун тўрт қулоқ, 300 таноб учун олти қулоқ кенгликда очилган.

Каналдаги оқимнинг қандай даражада бўлишидан қатъи назар, мавжуд сув кундалар воситаси билан ҳар бир шохобнинг ҳақобасига тўғри ва осон тақсимланган. Шунинг учун ҳам сувга танқис бўлган районларда, шу жумладан, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимига жойлашган Бухоронинг ирригация системаларида кундалардан айниқса кенг фойдаланилган.

### Шлюзлар ва уларнинг тузилиши

Дарё оқимини бошқаришда қадимий ирригаторлар учун маънавият ва катта куч талаб этадиган ишлардан бири йирик суғориш каналлари бош олган сув узелларида оқимни тартибга солиш бўлган. Бундай сув узелларида «кўрбанд» ёки «ҳалқабанд» каби оддий тўғонлар билан жўш уриб турган дарё оқимини тартибга солиш мутлақо мумкин эмасди. Шунинг учун магистрал каналлардан чиқарилган сув узелларида оқимга қарши муттасил олиб борилган кураш, шубҳасиз суғориш техникаси тараққиётида янги ирригацион иншоотнинг — шлюзли тўғонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бироқ бу хилдаги ирригация иншооти қачон пайдо бўлганлиги ҳақида биз тўлиқ маълумотга эга эмасмиз, аммо айрим тўла бўлмаган маълумотларга асосланиб, ирригация хўжалигида бундай иншоотлардан тахминан қайси даврда фойдаланилганини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Қадимги юнон тарихчиси Геродот «Тарих» китобида Акес дарёсида сувнинг тақсимлини тўғрисида ҳикоя қилар экан, ирригация техникасига оид қизиқарли маълумотни қайд қилиб ўтади. Унинг ёзишича, Акес водийси Аҳмонийлар ҳукмронлигига ўтгандан кейин: «Подшо сувнинг тоғлардан чиқадиган жойини тўсиб қўйиб, ҳар бир чиқиш жойига дарбоза қурдирди, сувнинг чиқиб кетадиган йўли бекитилиб» сувсиз қолганлар бола-чақалари билан форслар мамлакатига бориб, подшодан йиғлаб сув сўраганлар. Подшо буларнинг сувга муҳтожлигини кўриб, тўғонни очдирар ва сувни очдиргани учун улардан оддий солиқлардан ташқари алоҳида ҳақ йиғиб олар эди<sup>27</sup>. Акес водийси тўғрисида Геродот томонидан айтилган бу маълумотни атоқли рус шарқшунос олими В. В. Бартольд<sup>28</sup>, чет эл шарқшунослари И. Маркварт<sup>29</sup>, В. Томашек<sup>30</sup>, Э. Херцфельд<sup>31</sup> ҳамда совет олимлари С. П. Толстов<sup>32</sup>, Я. Ф. Фу-

<sup>27</sup> Геродот, История в девяти книгах, Перевод с греческого Ф. Г. Мищенко, т. I, кн. III, М., 1886, стр. 117.

<sup>28</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XIII в., Соч., т. III, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 25.

<sup>29</sup> I. Markwart, Wehrot und Arang. Leiden. 1938. s. 9.

<sup>30</sup> W. Tomaschek, Akes—„Paulyc Real—Encyclopadie der Classischen Altertumswissenschaft“, Stuttgart, 1893. I, Halbband, st. 1162

<sup>31</sup> E. Herzfeld. Zozoaster and his wotld, II, Princeton, 1947, P. 566.

<sup>32</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, М., 1948, стр. 43—44.

ломов<sup>33</sup>, В. М. Массон ва бошқалар турлича талқин этган<sup>34</sup> бўлсалар ҳам, унинг Ўрта Осиёдаги сув манбаларидан бири — Акес дарёси устига қурилган «дарбозали иншоот»га оид фикрлари биз учун жуда қизиқарли ва қимматлидир. Чунки бу маълумот, гарчи тўла бўлмаса ҳам, Ўрта Осиё халқлари Аҳмонийлар давридаёқ (милоддан аввалги VI—IV асрлар) бирмунча мураккаб ирригацион иншоотлари билан таниш бўлганлар ва озми-кўпми сув хўжалигида улардан фойдаланганлар, деб фикр юритишимиз учун қисман бўлса-да имкон беради.

Я. Ғ. Ғуломовнинг «Дастлабки Аҳмонийлар даврида Амударёда бундай мураккаб сув бўлувчи тўғоннинг қурилиши жуда шубҳали...»<sup>35</sup>, деб айтган фикри тўғри, шубҳаси эса ҳақлидир. Чунки ирригация техникаси тараққий этган ҳозирги вақтда ҳам бундай иншоотни Амударёга ўрнатиш ниҳоятда машаққатли ва кўп вақтни талаб этади. Я. Ғ. Ғуломовнинг «Геродот томонидан тасвир этилган реал шароит Жанубий Туркменистон воҳаларининг бирида, масалан, Тажан (Ҳерируд), Артек дарёсига тўғри келади деган фикри ҳақиқатга анча яқин бўлиб<sup>36</sup>, бунини В. М. Массон ҳам қувватлайди<sup>37</sup>.

Геродотдан анчагина кейин, X аср араб географларидан Мақдисий бундай иншоот тўғрисида бирмунча реал ва асосли маълумот беради. У Шаҳруд канали бошида Зарафшон дарёсига қурилган шлюзли тўғонни тасвир этар экан, каналдаги сув миқдорини камайтириш учун, тошқин вақтларида тўғон дарвозасига ўрнатилган ёғочларни бирин-кетин биттадан олиб турилиши ҳақида қайд қилиб ўтади<sup>38</sup>.

Геродот ҳикояси билан Мақдисий келтирган маълумотлар, гарчи турли даврларга оид бўлиб, улар ўртасида 14—16 асрлик чамасида узоқ тарихий давр ётса-да, ҳар ҳолда шлюзларнинг ирригация хўжалигида пайдо бўлиш даври тўғрисида, юқорида айтилган фикрни тасдиқлашга бирмунча асос бўла олади. Чунки X асрда Зарафшон водийсида махсус ёғочлар билан дарё оқимини тартибга солиб туриш учун қурилган бундай мураккаб иншоотнинг бўлиши, тасодифий воқеа бўлмай, балки ўзининг тарихий тараққиётига эга бўлиши керак. Шунга асосан бундай мураккаб суғориш иншоотларининг пайдо бўлиш даври мамлакатда йирик магистрал каналлар системасининг кенг ривожланиши билан боғлиқ бўлган деб фикр юритсак хато қилмаймиз. Шубҳасиз, дастлабки шлюзли иншоот-

<sup>33</sup> Я. Ғ. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, 1959, 36—37-бетлар.

<sup>34</sup> В. М. Массон, Еще раз о геродотовой реке Акес, эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран, История и филология, Сб., В честь 70-летия чл.-корр. АН СССР, Н. В. Пигулевской, М., Изд-во «Наука», 1967, стр. 172—175.

<sup>35</sup> Я. Ғ. Ғуломов, Ўша асар, 36-бет.


<sup>36</sup> Ўша асар, 36-бет.

<sup>37</sup> В. М. Массон, Еще раз о геродотовой реке Акес, стр. 174—175.

<sup>38</sup> Descriptio imperii moslemici auctore Schamso,d-din Abu Abdollah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschary al-Mokaddasi. Ed. M. I. de Goeje, Lugduni Batavorum, 1877, ed. 2: 1906 (BGA, III) pp. 331—332.

лар ниҳоятда содда конструкцияда бўлган ва ирригация хўжалигида кенг жорий этилмай, балки биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган энг муҳим сув узелларига ўрнатилган. Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида мана шундай муҳим сув узелларидан бири Вобкентдарё системасининг бош қисмига жойлашган «Хархўр», иккинчиси Шаҳруд каналини сув билан таъминловчи «Дуоба» сув узелларидир. Ҳар иккала сув узеллари ҳам то яқин вақтларгача маҳаллий типдаги шлюзли тўғонлар билан таъмин этилган эди.

Зарафшон водийсида шлюзлар «дарвоза» ва «ништоқ» терминлари билан юритилади. Мақдусий уни «мифтох» деб ёзади. Аслида



Қулфакли ҳовуз (Қўштамғали қишлоғи)

бу терминлардан «ништоқ» қадимийси бўлиб, у икки сўздан «ниш» тожикча «остона», «тоқ» эса «равоқ», яъни тоқли ёки равоқли остона демакдир.

Кейинги вақтларда асосий бош тўғонга ўрнатилган шлюзлар «дарвоза», иккинчи даражали сув ташлағич иншоотларига ўрнатилганлари эса «ништоқ» термини билан аталадиган бўлди.

1956 йилга қадар Вобкентдарё системасидан ортиқча сувни Зарафшонга ташлаш учун Подахона ва Хонақо деган жойларга ўрнатилган ништоқлардан ташқари, унинг бош тўғони Хархўр бандада 8 та дарвоза бўлган. Шаҳруд каналининг бош тўғони Дуобада эса 5 дарвоза бўлган. Бу дарвозалар шох ва чимлардан ишланган оддий тўғонларга ўрнатилиб, улар асосан ёғочлардан қурилган.

Дарвозалар синчли оддий сув ташлагичлар бўлиб, уларнинг катталиги бош иншоотнинг ҳажмига қараб турлича бўлган. Ҳайитов Хотамбобонинг айтишича, Хархўр банди дарвозаларининг кенглиги 7 м, баландлиги 4—5 м ва узунлиги 14—15 м бўлган<sup>99</sup>. Дарвоза қуриш учун дарё ўзанининг тубига, энсиз томонини оқимга қаратиб, 7×14 м ҳажмда чорбурчак шаклида тагсинч ётқизилган. Бу дарвозанинг асоси бўлиб, «остона» ёки «тагсинч чўп» деб, юритилган. Тагсинчнинг тўрт бурчаги ва ўртасига 6 та устун ўрнатилган. Олдинги иккита устун баландроқ бўлиб, «гулдаста» ва орқадаги тўрттаси пастроқ бўлиб, «устунгўша» деб аталган. Гулдасталар юқори учидан битта ва ундан пастроқдан иккита ёғоч билан бириктирилган. Уларнинг юқоридагиси «юғи» ва пастдагиси «қўш-юғи» деб аталган. Гулдаста ва орқа устунгўшалар икки ён томондан параллель ёғочлар билан бириктирилиб, улар «болинч» ёки «ёстиқ чўп» деб аталган. Ёстиқ чўпларнинг учи гулдастага бириктирилиб, иккинчи учи ва белидан, махсус ёғоч — «тортқи» билан тортиб қўйилган. Дарвозанинг икки ён томонлари — тагсинч чўп билан, ёстиқ чўплар оралиғи оддий синч — «қалама»лар билан мустаҳкамланган.

Дарвозанинг оқимга қарши турғунлик коэффициентини ошириш мақсадида, унинг икки ён томонлари ҳам худди дарвоза тузилиши каби ёғочлар билан ишлаб чиқилган. Бунинг учун дарвозанинг ён томонларида унинг тагсинч чўп ва ёстиқ чўпларига параллель равишда иккитадан тўртта ёғоч ётқизилган. Ёғочларнинг икки учига устунлар ўрнатилиб, улар пастдан ва юқоридан олдинги томондан дарвозанинг гулдастасига ва орқа томондан дарвозанинг белидан устунгўшаларга тортқилар билан бириктирилган. Дарвозанинг бу икки ён қисми, шох ва синчлар билан ишланиб, тўғоннинг умумий йўналишига бирлаштирилиб юборилган. Шу усулда қолган дарвозалар ҳам қурилган. Шубҳасиз бундай мураккаб конструкцияда қурилган шлюзлар ирригация техника тараққиётининг бирмунча кейинги даврига оид бўлиб, дастлабки шлюзлар жуда содда тузилишда бўлган. Улар орқа томондан мустаҳкам тик қозикларга қўндалангига ўрнатилган остона ва юғилардан иборат бўлган. 1959 йилнинг октябрь ойида биз Қоракўл дарёдан Мохондарё ажралиб кетадиган жойга ўрнатилган иншоотни кўрдик. Бу иншоот юқорида тасвирланган юғи ва остоналардан иборат тўрт ништоқли тўғон эди.

Бундай иншоотларни дарёга ўрнатишда жуда катта куч ва кўп миқдорда инерт материаллари сарфланган. Бунинг устига тошқин вақтларида иншоотни бутунлай ёки кўпгина қисмини сув олиб кетар ва бир йил мобайнида уни бир неча марта қайта қуришга ёки тузатишга тўғри келарди.

Масалан, 1905 йилда биргина Нарпай каналининг бош тўғонини тузатиш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш учун 8000 боғ шох,

<sup>99</sup> Авторнинг 1958 йил кундалик дафтаридан.

8000 боғ хашак, 500 дона қозиқ ва 110 дона ёғоч сарф этилиб, 6621 ҳашарчи қатнашган<sup>40</sup>.

Шунингдек, Шаҳруд бош тўғонининг 1921 йил май ойидаги ремонт учун 1000 арава шох, 300 боғ қамиш, 200 дона қозиқ, 11 дона юғи ишлатилиб, Комизор, Фаровиз ва Сибгон ариқларидан 10 кунга 700 ҳашарчи ва 11 арава олинган эди<sup>41</sup>.

Тўғон қурилиб, дарвозалар ўрнатилгандан кейин ҳам, оқимни тартибга солиб, қараб туриш учун тўғон бошида махсус назоратчи ва маълум миқдорда инерт материаллари ҳам запас қилиб қўйилган. Зарафшон водийсида тўғон бошига тайинланган назоратчилар «варқбон»<sup>42</sup> деб аталган. Ҳайитов Хотам ва Қудратов Ислобболар бутун умрини тўғон бошида сув билан курашиб ўтказган халқ ирригатори — варқбонларидандир.

Дарвозалар махсус ёғоч спицалар билан беркитилиб, у «қозиқ» деб юритилган. Ҳайитов Хотамбобонинг айтишича, қозиқлар дарвоза олдига тик туширилмай, балки дарвозадан 5—6 м наридан тикасига сувга урилар, оқим билан у дарвозанинг остона ва юғисига келиб тиралиб қолар эди. Агар қозиқ дарвоза яқинидан уриб қўйилса, у вақтда кишини сувга улоқтириб юборар эди<sup>43</sup>. Қозиқларнинг бўйи 4,5—5 м бўлиб, ҳар бир дарвозани боғлаш учун 2 арава шох, 11 арава мия ўт, 4 эшак қамиш ва 6 дона қозиқ сарфланган<sup>44</sup>.

Демак, келтирилган маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимига жойлашган ҳозир Хархўр ва Дуоба гидроузеллари ўрнидаги дарвозали эски тўғонлардан ўтган дарё оқими яқин кунларгача худди X асрда араб географи Мақдисий тасвирлаганидек махсус ёғоч спица — қозиқлар воситаси билан бошқарилиб келинган.

## 2. Қадимги сув омборлари, сув айирғич кўприклар ва уларнинг қурилиш материаллари

Инерт материалларидан қурилган оддий тўғонлардан ташқари Зарафшон водийсида ўрта асрларда пишиқ гишт, тош ва сувга чидамли махсус гидравлик қурилиш қоришмаларидан бино қилинган инженерлик типидagi сув иншоотларидан ҳам кенг фойдаланилган. Бу қадимги водийнинг ирригация техникаси тарихи тўғрисида сўз юритилганда Самарқанд воҳаси ва унинг атрофларида топиб текширилган қадимги гидротехника иншоотлари, уларнинг тури, конструкцияси ҳамда қурилиш материаллари устида, умумий тарзда бўлса ҳам, алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай сув иншоотларини ўрганиш шубҳасиз тадқиқотчилар учун, фақат биргина Зарафшон водийси ва унинг қуйи қисмидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ўрта асрларда ирригация техника-

<sup>40</sup> ЦГА УзССР, ф. И-22, оп. 1, д. 2387, л. 38—39.


<sup>41</sup> ЦГА УзССР, ф. И-52, оп. 1, д. 17, л. 100.

<sup>42</sup> Варқбонлар тўғрисида кейинроқ сўз юритилади.

<sup>43</sup> Авторнинг 1958 йил кундалик дафтаридан.

<sup>44</sup> Уша жойда.





X аср Хонбанди сув омбори

сининг тараққиёт даражаси ва унинг ривожланишидаги тарихий динамикасини белгилаб олиш имконини беради.

1950—1962 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг Мохондарё археологик отряди Зарафшон водийси ва унга ёндашган Нурота ва Зарафшон тизмаларининг тоғолди районларида бир нечта қадимги сув омборларининг тўғонлари ва сув айирғич кўприklarининг қолдиқларини топиб текширди. Фориш райони яқинида X асрда қурилган Хонбанди, Каттақўрғон райони Жом қишлоғига яқин XII асрда бино қилинган Гиштбанд, Нуротадан 65 км Шарқда Оқчобсойда XVI асрда қурилган Абдуллахонбанди каби қадимги сув омборлари ҳамда бир равоғи ҳозиргача сақланган Самарқанд шаҳари яқинида Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарёларга ажралган ерида дарё устига ўрнатилган Шайбонийхон сув айирғич кўприги қолдиқлари яқин кунларгача сақланиб, кейинчалик бузилиб кетган Бухоро воҳасининг Ғиждувон районида ўн бир равоқли «Пули Меҳтар Қосим», Ромитан районида етти равоқли «Пули Чаҳорминор» ва Свердлов районида беш равоқли «Пули Жондор» каби Зарафшон устига пишиқ гиштдан қурилган сув айирғич ва сув ўлчағич кўприklари шулар жумласидандир.

Инженерлик типидagi бу сув иншоотлари ичида энг қадимгиси ва ҳозирги вақтгача тўла сақлангани X аср сув омборининг тўғони «Хонбанди»дир. Бу иншоот Фориш райони марказидан 12 км шимолда Пастоғининг Осмонсой кесиб ўтган дараси ичига қурилган. Тўғоннинг узунлиги устки қисмида 51,75 м, асосида 24,35 м бўлиб, баландлиги 15,25 м га тенг<sup>45</sup>. Тўғон граниттошлардан йўниб қурилган. Тошлар сувга чидамли махсус қурилиш қоришмаси билан бир-бирига бириктирилган. Тўғон қурилгач, унинг устки бьефида каттагина сув ҳавзаси ҳосил бўлган. Осмонсой дараси ичида X асрда барпо этилган бу сув омборининг узунлиги 1,5 км, эни тўғон олдида 52 м ва дара оғзида 200 м га тенг бўлган<sup>46</sup>. Осмонсой ва Илончи сойларидан баҳор мавсумида келадиған сел сувлари ана шу дара ичида тўпланиб, тахминан 1 миллион 600 минг кубометр ҳажмдаги сув запасини ҳосил этган.

Хонбанди сув омборига тўпланган сув билан Қизилқумнинг Мирзачўл билан туташган чегарасида, тахминан, 1500 га ер майдони ўзлаштирилиб, иншоотдан 6 км шимолда мустақкам рабод ва обод қишлоқ қад кўтарган. Ҳозирги кунгача сақланган бу рабоднинг харобаларини маҳаллий аҳоли Қалтепа деб атайти. Қалтепада олиб борилган археологик текширишлар бу кичик воҳанинг X асрда обод этилиб, XII аср охирларигача ҳаёт давом этганини, сўнгра рабод хароб бўлиб, унинг атрофидаги обод воҳанинг чўлга айланганини аниқлаб берди.


<sup>45</sup> А. Бабаханов, О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана, Известия АН УзССР, Серия общественных наук, 1959, № 4, стр. 45.

<sup>46</sup> Я. Г. Гулямов, К изучению древних водных сооружений в Узбекистане, Известия АН УзССР, 1955, № 2, стр. 66.

Хонбанди  
сув омбори-  
нинг плани



Сув омборига тўпланган сувларни чиқариб туриш учун тўғоннинг ғарбий чеккасида паст-баланд қилиб тўққизта қувур ишланган. Омбордаги сувнинг сатҳига қараб қувурлар бирин-кетин очилган. Қувурларни ўрнатишда ўрта аср ирригаторлари даранинг бирмунча ётиқроқ қоя тошли сўл қирғоғидан жуда усталик билан фойдаланганлар. Чунки катта тезлик билан иншоотдан тушган оқим ўзан тубини ҳамда ён бағрини ювиб, тўғонга ҳам путур етказиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам қувурлар шундай мўлжал билан ишланганки, шиддат билан ҳар қайси қувурдан отилиб чиққан сув аввал тоғнинг шу қоясига келиб урилган, сўнгра ундан сойнинг қу-



Хонбанди сув омборининг сув ташлагич қулфаклари

руқ ўзани бўйлаб қазилган ариққа оқиб тушган. Иншоот орқали оқиб тушган сувнинг динамик таъсирига қарши Хонбандининг қувурлари конуссимон қилиб ишланган. Уларнинг сув оқиб кирадиган ички оғзи  $25 \times 25$  см ва ташқари оғзи  $45-70 \times 50-100$  см га тенг. Қувурларнинг оғзи токчага ўхшаш ўйиб ишланган. Токчаларга қувурни беркитиш учун квадрат шаклдаги тош қопқоқ ўрнатилган. Қувурларни очиш ёки бекитиш вақтларида тош қопқоқ суриб турилган.

Қизиғи шундаки, Хонбанди сув омборини бино қилган X аср ирригаторлари мазкур иншоотни қуришда тўғон олдида тўпланадиган 16 м чуқурликдаги сувнинг вертикал босим кучини ҳамда иншоотни ағдарувчи горизонтал кучини аниқ инженерлик ҳисоби асо-

сида белгилаб чиққанлар. Шунинг учун ҳам Хонбанди сув омбори тўғонининг асоси унинг юқори қисмига нисбатан тўрт баробар қалин қилиб ишланган. Тўғоннинг қалинлиги асосида 8 м ва юқорисида 2 м га тенг. Хонбандининг кўндаланг кесимига кўра, тўғоннинг сув турган ички томони  $AB$  нинг қиялиги  $t = \frac{3,70}{15,25} = 0,25$ .

Тўғоннинг ички томонига бундай қиялик тасодифан берилмай, балки у Хонбандини қурган  $X$  аср ирригаторлари томонидан тўғоннинг  $AB$  томонига бўлган сувнинг умумий вертикал босими  $P$  ва горизонтал босими  $E$  нинг иншоотни ағдариб юбориш кучини камайтириш мақсади кўзда тутилганидан далолат беради. Шу ҳисоб билан қурилган тўғоннинг 1 м узунлигида бўлган сув босими  $P_1 \approx 28$  т бўлиб, узунлиги  $l = 51,75$  м тўғон олдида сувнинг умумий босими  $P = 28 \times 51,75 = 1447$  т га етган. Демак, тўғоннинг кўндаланг кесим юзига кўра иншоотни рационал шаклда қуриш йўли билан унинг ағдарилишга қаршилиқ кўрсатувчи кучи 1447 т га оширилган.

Техника фанлари кандидати З. Ҳ. Ҳусанхўжаевнинг ҳисобига кўра, Хонбанди тўғонининг эксцентриситеги 1,38 бўлиб, тенг таъсир этувчи куч тўғоннинг асос ўзаги (ядроси)дан ташқарида таъсир қилган. Таянч девори қояга қоришма билан бириктирилганлиги сабабли, одатда  $B$  нуқтада чўзилиш кучланиши ва  $B$  нуқтада эса сиқилиш кучланиши вужудга келади. Хонбанди тўғонининг  $B$  нуқтадаги чўзилиш кучланиши  $1,5$  кг/см<sup>2</sup> га тенг бўлиб, рухсат этилган ( $1,2$  кг/см<sup>2</sup>) чегарадан бир оз ( $0,3$  кг/см<sup>2</sup>) ошиб кетади. Шунингдек, тўғоннинг  $B$  нуқтада вужудга келадиган сиқилиш кучланиши  $8,5$  кг/см<sup>2</sup> га тенг бўлиб, Хонбанди учун табиий пойдевор сифатида хизмат қилган тоғ тошлари учун рухсат этилиши мумкин бўлган кучланиш ( $11,0$  кг/см<sup>2</sup>)дан камдир. Тўғонни қуришда ағдарилиш коэффициенти:  $K = \frac{1028}{570} = 1,80$  га тенг бўлган<sup>47</sup>.

Хонбанди тўғонининг инженерлик ҳисобига қараганда, кўндаланг кесими бўйича у ҳарсанг тошлардан бино қилинадиган ҳозирги замон иншоотлари билан деярли бир хилда қурилган. Демак, ўша давр учун бундай мураккаб ва улкан гидротехника иншоотини қурган  $X$  аср ирригаторлари Хонбанди тўғонини қуришда сувнинг вертикал босим ва ағдарувчи кучларигина эмас, ҳатто Ўрта Осиёда тез-тез бўлиб турадиган зилзила кучларини ҳисобга олганлар. Хонбанди тўғонининг статистик ҳисобларини аниқлаб чиққан З. Ҳ. Ҳусанхўжаев, инженерлик типидagi бу сув иншоотини аввалдан тайёрланган махсус лойиҳа асосида бино қилинган<sup>48</sup>, деган хулосага келади.


Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Хонбандини қурган ирригаторлар иншоотнинг мустаҳкам бўлишини таъминловчи чораларни излаб топган бўлсалар-да, аммо сув омбори ичида тўпланадиган лойқани ташқарига чиқариб юбориш йўлини топа олмаганлар. Шу са-

<sup>47</sup> З. Ҳ. Ҳусанхўжаев, Гидротехника иншоотлари, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1968, 10—12-бетлар.

<sup>48</sup> Ўша асар, 12-бет.

бабли Хонбанди сув омбори аста-секин лойқага тўлиб, ишдан чиққан, тўғон эса ҳозиргача тўла сақланган.


Хонбандига ўхшаш қадимги сув омборларидан яна бирининг қолдиқлари 1962 йил баҳорида Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Жом қишлоғи яқинида топиб текширилди.



Хонбанди тўғонининг кўндаланг кесими


Бу иншоот маҳаллий аҳоли ўртасида «Ғиштбанд» номи билан юритилиб, у Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий этакларидан оқиб чиқадиган Омондара сойи ичида қурилган. Ғиштбанднинг номи гарчи иншоотнинг ғиштан бино қилинганлиги тўғрисида ишора қилса-да, аммо у йўнилган тоғ тошлари ва махсус қурилиш қоришмаси билан ишланган. Бу сув иншооти Омондаранинг энг тор

жойига ўрнатилиб, тўғоннинг баландлиги тахминан 9 м, узунлиги устида 25,5 м, асосида 10 м, қалинлиги асосида 9,1 м, юқорисида



Хонбанди (фасад)

5,5 м га тенг. Тўғоннинг сув тўпланадиган ички томони деярли тик ва ташқариси эса зинапоя шаклида қўрилган<sup>49</sup>. Жомлик кекса




Хонбанди тўғонининг. плани ва кўндаланг кесими

деҳқонларнинг сўзларига қараганда, тўғоннинг марказий қисмида паст-баланд жойлашган бешта қулфаги (қувури) бўлган. Афсуски

<sup>49</sup> А. Р. Мухамеджанов, Изучение древнего водохранилища Гиштбанд в Джоме, История материальной культуры Узбекистана, вып. 7, Ташкент, Изд-во «Фан», 1966, стр. 163.

унинг қувурлари ўрнатилган бу ўрта қисмини Омондара сойининг сел сувлари олиб кетган. Ҳозирги вақтда Гиштбанддан фақат даранинг қояшоли мустақкам қирғоқларига бириктирилган қанотларигина сақланган. Шунга қарамасдан, унинг сақланиб қолган қисмларига қараганда, Гиштбанд конструкция жиҳатидан Хонбандига деярлик ўхшаш бўлган.

Гиштбанд XII аср бошларида, Ўрта Осиёда Қорахонийлар давлати ҳукмронлик қилган даврда бино қилинган. Гиштбанд тўғони билан боғланган Омондара ичида чуқурлиги 9 м, узунлиги 700 м,



Гиштбанд тўғонининг плани, кўндаланг кесими ва сув омбори плани

эни иншоот олдида 25 м ва юқори-шарқий томонида 100 м катталикдаги сув омбори ҳосил бўлган. Омондара сойининг қишки оқими ва баҳорги сел сувлари ушбу сув омборига тўпланиб, қарийб 300 минг кубометр сув запасини ҳосил этган<sup>50</sup>.


Гиштбанд сув омборига йиғилган сув туфайли Самарқанд ва Қарши орасидаги қадим карвон йўли ўртасида мустақкам қалъа қад кўтарган ва Жом воҳасида 250—300 гектар ер майдони суғорилиб обод этилган<sup>51</sup>. Бу қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатапа деб аталади. У Гиштбанд иншоотидан 5 км ғарбда — сойнинг сўл қирғоғида жойлашган. Гиштбанд ёдгорлигида олиб борилган археологик текширишларга қараганда, XII асрда қурилган бу сув омборини ҳам Хонбанди каби, аста-секин лойқа босиб, сўнгра у ишдан чиққан.

<sup>50</sup> А. Р. Мухамеджанов, Древние гидротехнические сооружения и орошения новых земель, Общественные науки в Узбекистане, 1966, № 9, стр. 35.

<sup>51</sup> А. Мухаммаджонов, Қадимги сув иншоотлари тарихидан, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1968, 22-бет.



XVI аср Бухоро тарихчиси Ҳофиз Таниш Мирмуҳаммад ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» номли қўлёзма асарида ҳикоя қилинишича, Бухоро хони Абдуллахон 1582 йилда Шимолий Қозоғистонга қилган ҳарбий юришидан қайтиб келаётганда Нуротага Жўш қишлоғи яқинидаги Оқчоб манзили орқали ўтган. Бу ерда баҳор ойларида жуда кўп миқдорда сел сувлари тўпланар экан. Аммо бу сувларнинг деҳқончилик учун фойдаси бўлмаган. Сел сувларидан маҳаллий деҳқонларнинг фойдаланиши учун хон Оқчоб дараси оралиғига катта тўғон қуришни буюрган<sup>52</sup>. Шубҳасиз, Оқчоб қишлоғининг аҳолиси деҳқончилик қилиш учун сувнинг танқислиги ҳақида



XII асрда қурилган сув омбори Гиштбанднинг қолдиқлари

Абдуллахонга арз қилган ва ундан Оқчобсойни тўсиб сув омбори қуришга рухсат беришни илтимос қилган. Шунинг учун ҳам Абдуллахон хонликдаги энг олий мансаблардан бири «оталиқ» лавозимини ўтаб турган Аҳмадали Найманга банд қурилишида бошчилик қилишга буюрган<sup>53</sup>. Бироқ қўлёзмада бу қурилишнинг нати-

<sup>52</sup> Ҳофиз Таниш Мирмуҳаммад ал-Бухорий, Абдуллонома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2207, варақ 327 а.

<sup>53</sup> چون... بموضع تیمور قابوق که از توابع ایشتیخان است رسیدند... و از آنجانب آفتاب که دره‌یست ملحقات هزاره جوش متوجه شد و در آن دره هر بهار سیل بسیار جمع میگردد و آب آن بزرآعت کم میرسید. بنابراین فرمود که احمد علی اتالیق نیمان در آن تنگیا سدی بر شکل گاه کشان بندد تا آبی که ازینجا بمرور جمع آید مرد آن نواحی بقدر زراعت قسمت نمایند.

Ҳофиз Таниш, Абдуллонома, Қўлёма, инв. № 2207, варақ 327 а.

жаси тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. XIX аср охири ва XX аср бошларида ёзилган «Тарихи Салимий» номли қўлёзмада келтирилган қуйидаги маълумотларга қараганда, иншоот тўла қурилиб битказилган. «Тарихи Салимий»да ёзилишича, баҳорги ёмғир сувларини тўплаш учун Абдуллахон томонидан қурдирилган тўғон икки тоғ оралиғида жойлашган дара ичида тоғ тошлари ва пишиқ ғиштлардан бино қилинган. Иншоотнинг узунлиги беш юз қадам бўлиб, унинг ҳар жой, ҳар жойида сув оқиб чиқадиган



XVI аср сув омборининг умумий кўриниши

темир даҳалари — қувурлари бўлган. Тўпланган сув қувурлардан чиқиб, Нурота томон оққан<sup>54</sup>. Хуллас юқоридаги қўлёзма асарларда тасвирланишича, XVI асрда Нурота воҳасида қурилган сув омборининг тўғони ўша даврдаги энг улкан ва анчагина мураккаб сув иншоотларидан бўлган.

«Абдуллонома» ва «Тарихи Салимий» асарларида қайд этилган XVI аср сув омбори тўғонининг қолдиқлари 1913 йилда Россия деҳқончилик министрлигининг Ерларни яхшилаш бўлими томонидан ташкил этилган Бухоро экспедициясининг иштирокчиси, тупроқшунос Н. А. Димо томонидан топилган эди<sup>55</sup>. 1957 ва 1962 йилларда у Я. Ғ. Ғуломов бошлиқ Мохондарё археологик отряди томо-

<sup>54</sup> Мирзо Салимбек, Тарихи Салимий, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2016, варақ 114<sup>а-б</sup>.

<sup>55</sup> Н. А. Димо, Почвенные исследования в бассейне р. Аму-Дарьи, Ежегодник Отдела земельных улучшений, 1913, ч. II, Петроград, 1914, стр. 373—374.

нидан махсус текширилди. Бу қадимги сув иншооти Оқчоб қишлоғи яқинида Нурота тизма тоғларининг жанубий ён бағридан оқиб чиқадиган Бекларсой ичида қурилган. Оқчоб қишлоғи эса Нуротадан 65 км шарқда ҳозирги Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги совхоз территориясида жойлашган. Қишлоқнинг шимолий ва шарқий томонлари Нурота тоғ тизмаларига ёндашиб кетган адирларга ва унинг жанубий ҳамда ғарбий томонлари эса, Нурота тоғининг Оқтоғ ва Қоратоғ тизмалари оралиғида ғарбга томон чўзилган Жўш водийсининг кенг яйловларига туташган. Оқчоб қишлоғидан адирлар оша сой қирғоғи бўйлаб юқорига кўтарилган сари унинг соҳиллари баландлашиб, қоятошли дарага айланади. Ушбу даранинг тор ери Ҳофиз Таниш тасвирлаган улкан тўғон билан тўсилган. Бу иншоот маҳаллий аҳоли ўртасида «Абдуллахонбанди» номи билан машҳурдир. Юқоридаги саҳифаларда тасвирланган сув иншоотлари: Хонбанди ва Ғиштбанд сингари «Абдуллахонбанди» ҳам тоғ тошларидан сувга чидамли махсус қурилиш қорилмаси билан бино қилинган. Ҳозирги вақтда тўғоннинг учдан икки қисми сақланиб, қачонлардир Бекларсойнинг кучли оқими даранинг сўл қирғоғига туташган жойида унинг учдан бир қисмини тағ-туғи билан олиб кетган. Шунга қарамасдан, иншоотнинг сақланиб қолган қисмида олиб борилган археологик текширишлар, тўғоннинг тузилиши, қурилиш материаллари, тўғон олдида вужудга келган сув омборининг катталиги, унга тўпланган сувнинг миқдори ва бошқа масалаларни аниқлаб берди.


Бекларсой дарасининг Абдуллахонбанди ўрнатилган жойининг кенглигига қараганда, тўғоннинг узунлиги «Тарихи Салимий» да кўрсатилганидек, 500 қадам бўлмай, балки асосида 73 м, юқорисида 85 м бўлиб, эни тубида 15,3 м ва устида 4,5 м, баландлиги эса 15 м бўлган<sup>56</sup>. Бу иншоотнинг олд томони тик кўтарилган ва орқа томони эса, аввалки икки ёдгорликлардагидек, тўғон олдида тўпланган 15 м чуқурликдаги сув запасининг босим ҳамда иншоотни ағдарувчи кучларига қарши зинапоя шаклида ишланган. Шунинг учун ҳам тўғоннинг асоси юқорисига нисбатан деярли 3,5 баробар қалин қилиб қурилган.

Абдуллахонбанди тўғонининг кўндаланг кесими статистик ҳисобларга кўра, унинг эксцентриситети 2,55 м га тенг бўлиб, X аср иншооти Хонбандидан фарқли ўлароқ, тенг таъсир этувчи куч бунда тўғоннинг асос ўзаги (ядроси) ичида таъсир қилган Шунингдек, тўғоннинг B нуқтадаги чўзилиш кучлиниши 2,60 кг/см<sup>2</sup> га ва В нуқтадаги сиқилиш кучлиниши 2,37 кг/см<sup>2</sup> га тенг бўлган. Тўғонни қуришда ағдарилиш коэффиценти қуйидагича бўлган:

$$K = \frac{33,28}{485} = 6,86$$

<sup>56</sup> А. Р. Мухамеджанов, Из истории древних водных сооружений в Узбекистане, в кн. «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственно-го использования», М., Изд-во «Наука», 1969, стр. 75.

Абдуллахонбанди тўғони бир неча иншоотлар комплексини ўз ичига олган замонасининг анчагина мураккаб инженерлик типидagi гидротехника иншоотларидан ҳисобланади. Унинг иншоотлар комплекси Бекларсойни тўсиб турган баландлиги 15 м тош тўғон, сув омборидан ортиқча сувларни чиқариб юборадиган сув ташлагич, жамғарилган сувларни вегетация даврида экин ерларига чиқариш учун ишланган олди очиқ қудуқли дарвоза ҳамда тўғон остидан кўндаланг ўтказилган равоқсимон шаклдаги туннелдан ибo-




Абдуллахонбандининг фасади ва кўндаланг кесимлари

ратдир. Шундай қилиб, сув ташлагич иншоотлари тузилиши жиҳатидан XVI аср гидротехника иншооти Хонбанди ва Гиштбандилардан тубдан фарқ қилган. Абдуллахонбандида паст-баланд ўрнатилган қувурларни деярли учратмаймиз. Улар вазифасини равоқсимон туннель ва олди очиқ қудуқли икки қават қилиб ишланган сув ташлагич дарвоза бажарган.

Иншоот остидан ўтказилган туннелнинг баландлиги 1 м, эни 50—60 см ва узунлиги 19,3 м га тенг. Унинг ички оғзи равоқсимон ва ташқариси квадрат шаклда ишланган. Туннель ўз навбатида, тўғоннинг марказидан туширилган чуқурлиги 14 м ва диаметри 2 м ли қудуқ билан туташган. Асосий сув ташлагич дарвоза равоқсимон туннелдан 1 м юқорида ўрнатилиб, эни 50 см, баландлиги 12,5 м ли торгина йўлакни эслатади. Сув оқиб ўтадиган бу тор йўлакча ҳам қудуққа туташтирилган. Туннель ҳавадаги сув запасининг сатҳи энг пасайган пайтдагина очилиб қолган вақтларда доимо маҳкам беркитиб қўйилган. Сув оқимини бошқарувчи регулятор вазифаси-


ни йўлаксимон сифатида ишланган юқориги иккинчи сув йўли ба-  
 жарган. Йўлакнинг оғзи ва ўрта белида кенглиги 20 см ва чуқур-  
 лиги 10 см ли вертикал пазлар ишланган бўлиб, сой сувини ҳавзага



Абдуллахонбанди тўғонининг кўндаланг кесими

дамлаш вақтида уларга тўртбурчакли ғўлалар териб чиқилган.  
 Натижада иншоот бутунлай беркитилиб, сув боғланган. Тўплан-  
 ган сувдан керакли вақтда фойдаланиш учун ғўлалар бирин-кетин  
 олиб турилган.

XVI аср гидротехника иншоотининг сув ташлағич дарвозаси конструкциясидан шу нарса маълум бўладики, Абдуллахонбандини қурган мутахассислар дарвозадан катта куч билан ўтадиган оқимнинг иншоотни емирадиган динамик таъсирга қарши мураккаб техникавий масалани жуда усталик билан еча олганлар. Масалан, катта босим билан тор йўлакдан отилиб кираётган сув қудуқ бўшлиғига кириши билан бирмунча сусайган. Бўшлиқ доира шаклида бўлгани учун оқим деярли қаршиликка учрамасдан доира бўйлаб ҳаракат қилган ва гирдоб ҳосил қилиб, иншоот тубидан ўтган қувур орқали ташқарига оқиб чиққан. Тўғоннинг кўндалангига қувур кесиб ўтган шу қисми орқа томондан 4×4 м катталикдаги зинапоя қилиб ишланган тирак билан мустаҳкамланган.



Абдуллахонбанди сув омбори тўғонининг плани

Туннелдан оқиб чиқадиган сувни пасайтириб туриш учун туннель оғзидаги пазларга ғўлалар териб қўйилган. Бу пазларнинг кенглиги ва чуқурлиги 20 см бўлган. Ғўлалар, шубҳасиз, қалқон вазифасини бажарган. Остки равоқсимон туннель эса, ўз навбатида тўғон олдида тўпланган лойқаларни сув омборидан ташқарига чиқариб юбориш учун хизмат қилган. Тўғоннинг ўнг томонида унинг тепасидан кўндалангига кесиб ўтган учинчи сув ташлағич иншоот эса тўғоннинг ўзига кенглиги ва чуқурлиги бир метр ариқ шаклида ишланган. Ҳавза сувга тўлиб, унинг сатҳи тўғоннинг юқори дамига кўтарилган вақтида ортиқча сув мана шу ташлағич орқали ўтиб, тоғ қиялиги билан пастга йўналган ва сой қирғоғи бўйлаб ковланган ариққа оқиб тушган. Шундай қилиб, Абдуллахонбанди, Тарихи Салимий асарида ёзилганидек, темир қувурлар эмас, балки тошдан ишланган туннель, ғўлалар билан бошқариладиган қудуқли дарвоза ва тошқин вақтларда ортиқча сувни оқизиб қўядиган сув ташлағичлар каби бир неча иншоотлар комплекси билан таъминланган ҳақиқий инженерлик асосида қурилган сув омбори ҳисобланган.

Шундай қилиб, ўрта аср ирригация техникасининг бу ажойиб намунаси инженерлик иншоотлари комплекси жиҳатидан, ҳозирги замон сув омборлари билан деярли бир хилда қурилган.

XVI асрда сув омбори қурилган Бекларсой В. А. Шульц классификацияси бўйича қор ва ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Бекларсойнинг ҳавзаси унчалик катта бўлмай, у 180 км<sup>2</sup> га тенг. Унинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,72 м<sup>3</sup>/сек,



Бекларсой

ўртача оқим модули эса 4 л/сек км<sup>2</sup> га тенг. Суғоришда фойдаланиш учун мумкин бўлган унинг йиллик оқими 13 млн м<sup>3</sup> ошиқроқдир<sup>57</sup>.

Маълумки, Бекларсойнинг ўзани дара ичида анча нишаб бўлиб, у ҳар 100 м да 1—1,2 м пасаяди. Шундай бўлса-да, XVI асрда Бекларсой тош тўғон билан тўсилган, иншоот олдига тўпланган сувнинг сатҳи 15 м га кўтарилганда ҳосил бўлган сув омборининг узунлиги 1,5 км гача чўзилган. Кенглиги тўғон олдида 85 м ва сойнинг юқори қисмида 125 м га тенг бўлган. Абдуллахонбанди сув омборига ўрта ҳисобда 1—1,2 млн м<sup>3</sup> сув тўпланган. Иншоотдан қуйида жойлашган Камар, Оқчоб, Урганжий, Равот, Жилонтамғали

<sup>57</sup> Текущий архив управления треста совхозов Самаркандской области, Технико-экономическое обоснование противоэрозионных мероприятий на Акчобсае в совхозе «Кушрабад-2» Нуратинского района Самаркандской области, 1971, кн. I, стр. 19, кн. III, стр. 10—11.

ва Сойкечар қишлоқлари сув омборига жамғарилган сувдан деҳқончиликда фойдаланилган. XVI асрда ана шу қишлоқлар атрофида тахминан 1—1,2 минг гектар ер майдони ўзлаштирилган. Тўғоннинг баландлиги ва унинг олдида тўпланган сув запасининг умумий ҳажмига қараб фикр юритганда, бу иншоотни бино қилган XVI аср ирригаторлари Абдуллахонбанди сув омборига Бекларсойнинг йиллик оқимининг фақат 10 процентинигина жамғара олганлар, холос. Бироқ бу ерда шунини айтиб ўтиш керакки, Абдуллахонбанди сув омборини қуришда ўрта аср ирригаторлари геологик ва гидрогеологик жиҳатдан Бекларсойнинг энг мустаҳкам ва энг қулай қисмини белгилай олганлар. Буни Бекларсойда янгидан сув омбори барпо қилиш мақсадида кейинги йилларда ўтказилган геологик ва геофизик текширишлар тўла тасдиқлади. Қизиғи шундаки, Абдуллахонбанди тўғонидан қуйида Бекларсой бўйлаб 850 м масофада икки ерда сув омбори қуриш мумкин бўлган торгина дара бўлишига қарамасдан, «Узгипрозем» институтининг лойиҳачилари янги тўғонни XVI аср иншооти устига ўрнатишга мўлжалламоқдалар. Бу тасодиғий воқеа бўлмай, балки қадимги иншоотдан қуйида Бекларсойни кўндалангига икки ерида ер қобиғининг регионал тектоник ёриги ўтиб, сув омборига тўпланадиган оқимнинг ер остига сингиб кетиш хавфи билан боғлиқдир. Шунга асосланганда, Абдуллахонбандини бино қилган XVI аср ирригаторлари сув иншоотларини қуришда фақат тажриба ва ўз замони учун юқори даражада техника билимига эга бўлибгина қолмай, балки сув оқимининг ҳаракат қонуларини, Бекларсойнинг гидрологиясини ва тўғон қурилган даранинг гидрогеология ва геологиясини ҳам яхши билганлар.

Зарафшон водийсидаги ўрта асрнинг инженерлик типидagi йирик гидротехника иншоотларини ўрганиш муносабати билан шунини қайд қилиб ўтиш керакки, сел сувларини жамғариб, улардан суғоришда фойдаланиш учун сув омборлари бино қилиш суғорма Шарқнинг тоғли ва тоғолди вилоятлари ирригация техникасида қадимдан қўлланилган. Бундай сув иншоотларидан ўрта асрларда шимолий Эрон ва шимолий Афғонистон территорияларида, айниқса, кенг фойдаланилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ёзишича, X—XII асрларда Ғазна вилояти Ғазнибанд, Саханбанд ва Саридеҳбанд каби учта сув омборига тўпланган сувлар билан суғорилган. Ғазнибанд Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030 й.) томонидан қурдирилган<sup>58</sup>. «Бу банднинг баландлиги 40—50 қари (газ)..., узунлиги тахминан 300 қари бўлғай»<sup>59</sup>. Кейинчалик Алоуддин Жаҳонсўз Ғўрий (1173—1205 й.) томонидан вайрон этилган бу суғориш иншооти 1526 йилда Бобир фармонига биноан қайта тикланган<sup>60</sup>.


<sup>58</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Бобирнома, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 196-бет.

<sup>59</sup> Уша жойда.

<sup>60</sup> Уша жойда.



Қўп қаватли қувурлар, туннель ва қудуқлар билан таъминланган бандлар, айниқса, Хуросон суғориш техникасида кенг фойдалана



Абдуллахонбанди сув омборининг плани

1-сув омбори ҳавзаси

нилиб, Ахламанд, Фаримон, Гулистон, Қардеҳ, Саломий, Туруқ ва бошқа бир қанча қишлоқларни сув билан таъминловчи сув омбор-

ларининг тўғонлари шулар жумласидандир<sup>61</sup>. Қурилиш конструкцияси жиҳатидан Хуросоннинг бу ўрта аср сув иншоотлари Хонбанди, Гиштбанд ва Абдуллахонбандига жуда яқиндир. Иншоотларининг комплекси жиҳатидан Машхад яқинида жойлашган Туруқбанд, айниқса, Абдуллахонбандига ўхшашдир. Туруқбанднинг узунлиги 91 м, эни 7,2 м ва баландлиги 20 м га тенг<sup>62</sup>. Айрим ривоятларга кўра, у Мир Алишер Навоий томонидан бино қилинган<sup>63</sup>.

Сув омборларидан ташқари, ўрта асрларда Зарафшон водийсида пишиқ гиштан қурилган бир нечта сув иншоотлари бўлган. Зарафшон дарёси устига бино қилинган энг йирик, бир қисми бўлса ҳам ҳозиргача бирмунча яхши сақланган ва ҳар қалай аниқроқ фикр юритиш имконини бера оладиган гидротехника иншоотларидан бири, Шайбонийхон сув айирғич кўпригидир. Функцияси жиҳатидан бу ёдгорлик тарихий асарларда уч хил иншоот сифатида қайд қилинади. А. Хорошхин<sup>64</sup>, В. В. Бартольд<sup>65</sup>, В. Л. Вяткин<sup>66</sup>, П. В. Щусев<sup>67</sup> ва Р. Г. Мукминова<sup>68</sup>лар кўприк сифатида, М. Е. Массон<sup>69</sup> сув айирғичнинг қолдиғи сифатида қайд қилади. А. А. Семенов<sup>70</sup>, А. Бобохоновлар<sup>71</sup> ҳам кўприк, ҳам сув айирғич иншооти қолдиғи деб ёзадилар. Ҳар ҳолда бу сув иншооти ҳар икки функцияни бажарган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу иншоотнинг қолдиқлари Самарқанд шаҳари марказидан 7—8 км шимоли-шарқда Зарафшон дарёсининг сўл қирғоғида темирўл кўпригидан пастроқда жойлашган. Бу тарихий ёдгорлик адабиётларда «Амир Темур равоғи», «Пули Шодмон Молик» ва «Абдуллахон кўприги» номлари билан тилга олинади. Бу иншоот-

<sup>61</sup> А. К. S. Lambton, Notes the existence of the dams at Farman, Turuq and Gulistan in Horasan and elsewhere in Iran, those at Saveh, Band-i Amir in Fars and Garmsar and Kuhrud near Kasan in Landlord and Peasant in Persia, London, 1953, p. 214.

<sup>62</sup> W. M. Clevenger, Dams in Horasan some preliminary observation, East and West, Icmeo, new series, vol. 19, nos. 3—4, 1969, pp. 387—394.

<sup>63</sup> W. M. Clevenger, Dams in Horasan..., p. 394.

<sup>64</sup> А. Хорошхин, Самарқанд, «Туркестанские ведомости», 21 февраля 1878 г. № 8.

<sup>65</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1963, стр. 137.

<sup>66</sup> В. Л. Вяткин, Памятники древностей Самарканда, Самарқанд, 1927, стр. 28.


<sup>67</sup> П. В. Щусев, Мосты и их архитектура, М., 1952, стр. 191—192.

<sup>68</sup> Р. Г. Мукминова, О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в., Труды ИВАН УзССР, вып. II, Ташкент, 1954, стр. 122.

<sup>69</sup> М. Е. Массон, Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои (Краткий историко-топографический очерк), Труды САГУ им. В. И. Ленина, Новая серия, вып. XXXI, Исторические науки, кн. 12, Ташкент, 1956, стр. 74.

<sup>70</sup> А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре, Советское востоковедение, № V, М., 1948, стр. 45.

<sup>71</sup> А. Бабаханов, О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана, Известия АН УзССР, серия общественных наук, 1959, № 4, стр. 43—45.



Шайбонийхон сув айирғич кўприги (фасад, шарқдан кўриниши):

1—Инишоотнинг пишиқ ғиштдан терилган қисми; 2—Еғоч ўрилатилган жойлар; 3—Инишоотнинг пишиқ ғишт парчалари ва ганчқоклар билан тўлдирилган қисми; 4—Иккинчи равоғининг конструктив қисми

нинг тарихи кўпинча Амир Темур ёки Абдулла-хон фаолияти билан боғланса-да, аслида у XVI аср бошларида Шайбонийхон томонидан қурдрилган. Шунинг учун ҳам уни Шайбонийхон сув айирғич кўприги деб аташ мақсадга мувофиқдир.

XVI аср тарихий манбаларидан Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асарининг охири боби махсус шу сув иншоотининг қурилишига бағишланган<sup>72</sup>. Бу бобда унинг қурилиш жараёни батафсил изҳор этилган. Биноийнинг ёзишича, 908 ҳижрий (1502) йилда Шайбонийхон Бухородан Самарқандга қайтар экан, шаҳарга кириш олдидан лашкарлари билан у Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг ўнг соҳилига тушган. Афтидан, Чўпонота яқинида Зарафшон дарёси устига қурилган қадимги кўприк бузилиб кетган бўлса керак, Зарафшондан ўтиш ниҳоятда мушкул бўлган. Бу аҳволни кўрган Шайбонийхон давлатнинг олий мансабдор-

<sup>72</sup> ذکر پل بستن حضرت خان بردریای کوهک

„Хон хазратларининг Кўҳак дарёси устига кўприк қурдирганининг баёни“, Камолиддин Биноий, Шайбонийнома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 844, варақ 416—42<sup>a</sup>.

ларидан бири — меҳтари олийга янгидан кўприк қуриш тўғрисида фармон берган. Қурилишга унинг барча лашқари сафарбар этилган. Тош ва шох-шаббалардан катта-катта қорабуралар (фашиналар) ясаб, Зарафшонга тўғон ўрнатиш ва дарё оқимини тўсиш билан банд бўлган қўшин ҳарчанд зўр бериб ҳаракат қилмасин, бари бир дарёни боғлай олмаган. Бу ишнинг тепасида турган Шайбонийхон Самарқанддан мухандислар (лойиҳа тузувчи меъморлар) чақиртирган. Мухандислар дарёни боғлаш йўлини белгилаб, унга қуриладиган иншоотнинг тарихини чизиб берган бўлсалар керакки, тўғон ўрнатилиб дарё боғлангач, бир ой мобайнида 908 ҳижрий йили раббиал аввал ойининг охири куни, яъни 1502 йил 3 октябрь — душанба куни кўприк қуриб битказилган<sup>73</sup>.

Афсуски, Шайбонийхон томонидан Зарафшон дарёсига қурдирилган бу сув айирғич кўприкдан бизнинг давримизгача фақат биргина равоғи сақланган. Шунинг учун ҳам ҳозирча унинг катта-кичиклиги ва неча равоқдан иборат бўлганлиги аниқ маълум эмас.

Зарафшон водийсининг архитектура ва ирригация тарихига бағишланган асарларда бу сув иншоотининг ҳажми ва равоқларининг сони тўғрисида бири иккинчисига қарама-қарши икки хил фикр бор. Кўпинча, бу иншоот икки равоқдан иборат бўлган ва бу равоқлар Зарафшон дарёси оқимининг ўнг ирмоғи Оқдарёга ва сўл ирмоғи Қорадарёга тақсимлаган деб кўрсатилади<sup>74</sup>. «Туркистон бўйича, пишиқ ғишт, тош ва цементдан қурилган фақат ягона қадимги ирригация иншооти бор, — деб ёзилган эди «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида, — Бу Чўпонота баландлиги яқинида Зарафшон дарёсига ўрнатилган икки равоқдир. Улар ҳосил этган бурчак дарёни икки ўзанга ажратиб туради»<sup>75</sup>.

А. Хорошхин бу сув иншооти даставвал 16 равоқли<sup>76</sup>, П. В. Щусев эса 8 ёки 10 равоқли бўлган деб ҳисоблайдилар<sup>77</sup>.

В. Л. Вяткиннинг «бу тоқ Зарафшон дарёси устидан занжирдек ўтказилган равоқлардан биридир»<sup>78</sup>, деган фикри жуда тўғри бўлиб, бу сув айирғич иншооти бир-бирига туташган бир қанча равоқлардан иборат бўлган. Фикримизча, Чўпонота яқинида дарёнинг ҳозирги мавжуд кенглигини ҳисобга олганда кўприкнинг узунлиги 200 м дан ошиқроқ бўлгани шубҳасиздир. Зарафшоннинг сўл қирғоғида то ҳозирги кунгача сақланган якка-ю ягона равогининг ҳажмига нисбатан ҳисоб қилинса, XVI аср бошида қурилган бу сув айирғич кўприк етти равоқдан иборат бўлган, деб ҳисоблаш мум-

<sup>73</sup> Камолиддин Биноий, Шайбонийнома, Қўлёзма, инв. № 844, ва-рақ 41<sup>а</sup>—42<sup>б</sup>.

<sup>74</sup> З. Жижемский, Ирригационное дело в долине Зерафшана, «Туркестанские ведомости», 1888, № 5—6; Яна қаранг: Н. Петров, Об ирригации в Туркестанском крае, Ташкент, 1894, стр. 104.

<sup>75</sup> Оживление мертвых земель в Туркестанском крае, «Туркестанские ведомости», 1898, № 30.

<sup>76</sup> А. Хорошхин, Самарканд, «Туркестанские ведомости», 1878, № 8.

<sup>77</sup> П. В. Щусев, Мосты и их архитектура, стр. 192.

<sup>78</sup> В. Л. Вяткин, Памятники древностей Самарканда, стр. 28.

кни. Шунинг учун ҳам самарқандликларнинг ўртасида подшо Шодмон Молик Зарафшон устига 7 равоқли кўприк қурдирган деган афсонанинг кенг тарқалганлиги бежиз эмас. Иншоот қачондан бошлаб шикастланиб, унинг равоқлари бирин-кетин Зарафшонга гарқ бўлгани ҳозирча маълум эмас. Ҳар ҳолда XIX асрнинг 40-йилларида унинг уч равоғи бутун бўлган. 1841—1842 йилларда К. Ф. Бутенев бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг иштирокчиларидан тоғ инженери Ф. Богословский Зарафшон дарёси бўйлаб ўтказган геологик текширишлари тўғрисидаги ахборотида Самарқанд яқинидан уч равоқдан иборат қадимги кўприк қолдигини учратганини қайд этган. Ф. Богословскийнинг ёзишича, ўша вақтда Зарафшон шохобларидан бирининг (Қорадарёнинг) қарийб ярим оқими шу уч равоқ остидан оққан<sup>79</sup>. XIX аср ўрталарида иншоотнинг учинчи равоғи вайрон бўлиб, унинг икки равоғи қолган. 1898 йил август ойида Самарқандда содир бўлган ер қимирлаши натижасида Шайбонийхон сув айирғич кўпригининг иккинчи равоғи ҳам қулаб тушиб, унинг фақат охириги бир равоғи қолган.

Шайбонийхоннинг сув айирғич кўприги тарихий ёдгорлик сифатида кўпгина тадқиқотчилар, архитекторлар, ирригаторлар, археологларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Бу ёдгорликни ўрганиш мақсадида 1962 йилнинг кузида ушбу сатрларнинг муаллифи томонидан обида жойлашган ерда археологик қазишмалар ўтказилди. Натижада, иншоотнинг қулаб тушган иккинчи ва учинчи равоқларининг қолдиқлари топиб текширилди.

Шайбонийхоннинг сув айирғич кўприги асосан бўйи ва эни 25 ёки 26 см, қалинлиги 5 см лик чор бурчак пишиқ ғиштлардан қурилган. Иншоотнинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган равоғининг кенглиги 21 м 60 см, баланглиги 11 м 85 см, эни эса 9 м 10 см га тенг. Равоқ бирининг устига иккинчиси ўрнатилган икки қават тоқдан иборат бўлиб, унинг юқори тоқиси пастки тоқисига нисбатан ярим ғишт чиқарилиб ишланган. Пастки тоқисининг қалинлиги 165 см, юқори тоқисининг қалинлиги эса 125 см га тенг<sup>80</sup>. Равоқ таянчининг мустаҳкамлилигини таъминлаш ва унинг ажралиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида равоқнинг Зарафшон дарёсининг сўл соҳилига ўрнатилган жанубий қаноти икки томондан махсус тираклар билан мустаҳкамланган. Маълумки, равоқнинг ҳар иккала қанотлари асослари мустаҳкам жойга ўрнатилган. Унинг жанубий қаноти Зарафшоннинг яхлит тошдан иборат сўл қирғоғига ва шимолий қаноти дарё ичида чўққайиб чиқиб қолган улкан қоя устига бино қилинган. Иншоот пойдеворининг мустаҳкамлиги туфайли унинг бу ягона равоғи тўрт асрдан ортиқроқ давр мобайнида шикастланмай, бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

<sup>79</sup> АВПР, ф. Главный архив, 1—5, д. 3, л. 414.

<sup>80</sup> А. Р. Мухаммаджонов, Шайбонийхон сув айирғич кўприги, Мостовододелитель Шейбанихана, Ташкент, Изд-во «Ўзбекистан», 1969, стр. 2—3; 6—7.

Яхлит қоядан иборат табиий пойдевор устига ўрнатилган мазкур равоқ Шайбонийхон сув айирғич кўпригининг қисқа сўл қаноти бўлиб, бир нечта равоқлардан иборат, унинг иккинчи ўнг қаноти биринчи равоққа нисбатан 102 даражали бурчак ҳосил қилиб<sup>81</sup>, шарққа томон йўналган. Иккинчи равоқдан фақат унинг пастки асос қисми сақланган. Бу дарё ўзани ичида ҳарсанглардан ишланган пойдевор устига ўрнатилган кўприк устуларидан бири бўлиб, унинг узунлиги 8,5 м, эни 3 м 80 см га тенг. Биринчи равоқ билан кўприкнинг мазкур устун иртасидаги масофани ҳисобга олганда, Шайбонийхон сув айирғич кўприги иккинчи равоғининг кенглиги 20 м 75 см, эни 8,50 м га тенг бўлган<sup>82</sup>. Афсуски, иншоотнинг учинчи равоғидан фақат пойдеворининг бир қисми сақланиб, бошқа равоқларидан эса асорат ҳам қолмаган. Шунга қарамасдан, Чўпонота яқинида 200 м дан ошиқроқ кенгликдаги Зарафшон дарёси ўзанининг ҳар икки соҳилларини бир-бирига туташтирган бу иншоотнинг сақланган қисмлари Шайбонийхон сув айирғич кўприги ўз даврида бино қилинган, бирдан-бир улуғвор сув иншооти бўлганидан далолат беради.

Кўприкнинг устки ўтиладиган қисмининг эни 7 м дан ортиқроқ бўлиб, унинг икки чети пишиқ гиштдан, баландлиги ҳам, қалинлиги ҳам 1 м лик ғов қилиб ишланган<sup>83</sup>. Кўприк устининг икки томонидан ғов қилиб ишланиши, шубҳасиз, мазкур иншоотни лойиҳалаштирган XVI аср мухандислари томонидан дарё устидан ўтишда ўткинчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чоралари ҳисобга олинганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Шайбонийхон сув айирғич кўпригининг ҳозирги вақтгача сақланган қисмининг ўлчамларига қараганда, бу иншоотни бино қилган XVI аср бинокор-меъморлари иншоотнинг дарё ичига ўрнатилган устуларидан тортиб, унинг ҳар бир равоғи ва устки қисмларининг тузилишигача математик ҳисоблаш жиҳатидан аниқ ва пухта лойиҳалаштирганлар. Афсуски, бу ажойиб сув иншоотини бино қилган ўрта аср гидротехник меъморларининг номлари маълум эмас.

Шайбонийхон сув айирғич иншоотини ўрганиш муносабати билан шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, гарчи Шайбонийномада келтирилган аниқ маълумотга асосланганда ҳам, ёдгорликнинг ҳозиргача сақланган бир равоғининг қурилиш конструкцияси ва унга ишлатилган пишиқ гишт ҳажмига қараганда ҳам ҳақиқатан бу иншоот XVI аср архитектура ёдгорликлари қаторидан жой олса-да, бироқ айрим тарихий маълумотлар уни бирмунча олдинроқ даврга тааллуқли эканидан далолат бермоқда.


X асрда Мовароуннаҳрда бўлган араб географи Ибн Хавқал Самарқанд атрофини тасвир этар экан, Зарафшон дарёсининг суви

<sup>81</sup> А. Бабаханов, О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана, стр. 43.

<sup>82</sup> А. Р. Муҳаммаджонов, Шайбонийхон сув айирғич кўприги, 3—7-бетлар.

<sup>83</sup> Ўша жойда.

Самарқанд дарвозаси яқинида «Қантаратун журд»<sup>84</sup>, яъни таги чуқур тўғон ёки кўприк остидан оқиб ўтар эди, деб ёзади. Ёзда Буттам тоғларидаги қорлар эриб, сув кўпайган вақтларда сув кўприк



Шайбонийхон сув айирғич кўприги қолдиқларининг плани

устидан тошиб, Самарқанд аҳолиси бундай сув тошқинига қарши нима қилишини билмаган<sup>85</sup>.

<sup>84</sup> В. В. Бартольд ва М. Е. Массон «журд» сўзини «жирд» деб, «яланғоч», «гиёҳсиз» маъносига ўқиганлар. В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. I, стр. 137; М. Е. Массон, Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои, стр. 84; Мустафо бинни Шамсуддин ал-Қарха Ҳисорий томонидан тузилган «Арабча-туркча» Ахтари Қабир луғатида «журд» сўзи «чуқур», «туби чуқур» маъноси билан берилган; Аш-Шакир бил-Ахтари, Стамбул, 1219 ҳижрий (1804—1805) йил, 255-бет.

<sup>85</sup> .. هذه الانهار التي ذكر ناهجرى منه تحت قنطرة جرد على باب

سمرقند من الماء ما يكون عند امتداده تحت القنطرة قمان و يحمل خشب السغد فيه الى سمرقند و امتداد هذا الوادى فى الصيف من

В. В. Бартольд Ибн Хавқал тасвирлаган «Қантаратун журд» иншоотини Чўпонота яқинидаги кўприк деб ҳисоблайди<sup>86</sup>. М. Е. Массон бу ёдгорликни Афросиёб шаҳар харобасини шарқ томондан ўраб ўтган йўл ёқасида Оби Машхад ариғи Сиёбга қуйилган жойдан пастроқда Сиёб устига Улуғбек томонидан қурдирилган «Султон Абдуллахон» кўпригининг ўрнида бўлган қадимги кўприк деб кўрсатади<sup>87</sup>. Ҳар иккала фикр ҳам етарли аниқ фактик маълумотлар билан асосланмаган бўлса ҳам, биз В. В. Бартольднинг фикрини қувватлаймиз. Чунки Ибн Хавқал, биринчидан, бу иншоотни Суғд дарёси — Зарафшон устига ўрнатилган деб аниқ кўрсатади. Иккинчидан, Зарафшон дарёсида тошқин пайтларида содир бўладиган ва «Қантаратун журд» каби баланд кўприкнинг устидан тошиб, аҳолига хавф туғдирадиган оқим Сиёбда ҳеч қачон бўлмаган. Сиёбда сув кўпайган тақдирда ҳам кўприк устидан тошиб ўтиши мумкин эмас эди. Чунки бу районда Сиёбнинг қирғоқлари ниҳоятда баланд ва тикдир. Учинчидан, Ибн Хавқал диққатини Сиёб устига ўрнатилган оддий кўприк эмас, балки йирик иншоотлар тортган бўлиши керак.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, В. В. Бартольд ҳақли бўлиб, М. Е. Массоннинг фикри асоссиздир.

Агарда Ибн Хавқал маълумотига асосланилса, у вақтда Чўпонота яқинидаги Оқ ва Қорадарё сув айирғич иншооти даставвал Х асрда, Ўрта Осиё Араб халифалигидан ажралиб, ўз мустақиллигига эга бўлган даврда қурилган бўлади. Бу шу даврнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитига ҳам мос келади. Шубҳасиз, бу иншоот кейинги даврларда бир неча бор қайта тикланган ва тузатилган. Кўприкнинг қаршисида дарё бўйидан Самарқанд шаҳарига йўналган қадимги йўлнинг тўшамасига ётқизилган XI—XII асрларга мансуб бўлган  $31 \times 16 \times 4,5$  см ҳажмдаги пишиқ ғиштар бунинг қайта-қайта тузатилганидан далолат беради. Бу сув иншоотининг «Амир Темурнинг тоқи» деб аталиши ва унинг бино қилинишини гоҳ Темур, гоҳ Абдуллахон фаолиятига боғлаб кўрсатилиши ҳам тасодифий бўлмай, балки унинг Темур ва Абдуллахон даврларида ўтказилган ремонтни ёки қайта тикланиши билан боғлиқ бўлса керак. Шуларни ҳисобга олганда, Биноийнинг берган маълумоти ёдгорликнинг дастлабки қурилган даврига эмас, балки қайта тикланган вақтига тааллуқлидир. Бунинг Биноийнинг ўзи ҳам асаридан

ثلوج جبال البتّم و اسرو سنة و سمرقند و زبما زاد الماء حتى يعلو  
على الجسر بقنطرة جرد فيحيد اهل سمرقند في سد ذلك لكثرتة و  
غزارته.


Abul kasim, Ibn Haukal, Edidit, M. J. De Goeje, Lugduni Batavorum Apud E. J Brill, 1873, p. 371.

<sup>86</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, стр. 137.

<sup>87</sup> М. Е. Массон, Архитектурно-планировочный облик Самарканды времени Навои, стр. 74 и 84.



таъкидлаб ўтади. «...Хон хазратлари [Шайбонийхон — А.Р.М.] ҳукм қилдиларким...,— деб ёзган эди Биноий бу тўғрида,— тўғон қуриб бу бебош сув [Зарафшон дарёси] устига янгидан равоқ ўрнатилсин ва сув тамоман шу равоқ остидан оқсин»<sup>88</sup>. Демак, Биноий келтирган «тоқий батаждид қарор деҳанд» жумласи «янги



Шайбонийхон сув айирғич кўприги (жанубдан кўрилиши):

1—Биринчи равоғининг кесими; 2—Иккинчи равоғининг реконструкцияси; 3—Иккинчи равоғининг қулаган қисми қолдиқлари; 4—Иккинчи равоғи пойдевори атрофига терилган харсанг тошлар

тоқ ўрнатмоқ», «янгидан тоқ қурмоқ» ёки «тоқни янгиламоқ» маъносини англатади.

Шайбонийномани ўзбек тилига таржима қилган Баёний ҳам бу жумлани «тозадин бир тоқ бино қилгайлар», яъни янгидан бир тоқ курсинлар, деб таржима қилган<sup>89</sup>.

М. Е. Массон ҳам «XVI аср бошида Шайбонийхон учун Зарафшон дарёси устига равоқ қурдиришга тўғри келган эди»<sup>90</sup>, деб ёзади. Шундай қилиб, бу маълумотлар ҳозиргача бир равоғи сақланган Чўпонота сув айирғич иншооти Шайбонийхон Урта Осиёга юриш қилмасдан олдин ҳам мавжуд эканини ва кейинчалик у бузилиб, Шайбонийхон томонидан қайта тикланганини аниқлаб берди. Демак, бу иншоот Шайбонийхон томонидан қурилмай, балки қайта тикланган ёки тузатилган.

Самарқандга олиб кирадиган асосий йўл устида улкан табиий тўсиқ ҳисобланган Зарафшон дарёсининг ҳар икки соҳилларини

... حضرت خان حکم کرد کہ... سدی بندند و طاقی بتجدید برآز آب بیقرار قرار دهند کہ تمامی آن آب از زیر آن طاق گزرد.

Камолиддин Биноий, Шайбонийнома, Қўлёзма, инв. № 844, варақ 41а.

<sup>89</sup> Камолиддин Биноий, Шайбонийнома, Баёний таржимаси, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 3422, варақ 52<sup>б</sup>.

<sup>90</sup> М. Е. Массон, Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои, стр. 74.

бир-бири билан туташтирган бу кўприк Мовароуннаҳрнинг маркази, Самарқанд шаҳар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу кўприк орқали ўтган карвон йўллари Самарқандни шимолда Тошкент воҳаси ва Сирдарё бўйларигаги районлар, шарқда Фарғона водийси ҳамда ғарбда Нурота орқали Бухоро билан боғлаган. Бундан ташқари, бу иншоот Зарафшон дарёсининг оқими Оқ ва Қорадарёларга тақсимланишида сув айирғич сифатида ҳам хизмат қилган. Зарафшон дарёси сувини иккига тақсимлаш мақсадида Оқ ва Қорадарёлар ўртасига қурилган тўғон Шайбонийхон кўпригининг марказий равоқларидан бирига бориб туташган. Натижада Зарафшоннинг оқими кўприк остидан ўтиши билан иккига: Оқдарё ва Қорадарё ўзанларига бўлиниб оққан. Шунинг учун ҳам бу иншоот тарихда сув айирғич кўприги номини олган.

Ўрта асрнинг бу сув айирғич кўпригидан ҳозирги вақтда фақат яккаю ягона равоқ сақланиб қолган бўлса-да, у XVI аср бошларида қайта қурилган сув иншоотининг ажойиб намунаси ҳисобланади, у Ўзбекистонда гидротехника тараққиёти тарихини ўрғанишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

XVIII асрга оид қўлёзма асарлардан Мирзо Муҳаммад Баде девоннинг «Мажмаъ ал-арқом»да келтирилган маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида «Пули Кармана», «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор» каби дарёдаги сув миқдорини белгиловчи сув ўлчагич ва сув тақсимлагич кўприклар бўлган<sup>91</sup>.

1896 йилда Бухорода топографик ишлар олиб борган Н. Ф. Ситняковскийнинг<sup>92</sup> ва 1915 йилда қуйи Зарафшонда археологик рекогносцировка ўтказган Л. А. Зиминларнинг<sup>93</sup> ёзишича, ўтган асрнинг охирида бу асримизнинг бошларида «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор»ларнинг бир нечта равоқлардан иборат айрим қисмлари сақланган бўлса-да, бироқ ҳозирги вақтда уларнинг қолдиқлари дарёнинг четда қолган эски ўзани остида қолиб кўмилиб кетган.

1962—1964 йилларда бу сув иншоотларининг қолдиқлари ушбу сатрларнинг муаллифи томонидан топиб текширилди<sup>94</sup>. Улардан бириначиси, «Пули Кармана» Навоий шаҳаридан Қанимех ва Нуротага томон ўтган йўлда Зарафшон дарёси устига қурилган ҳозирги кўприкдан тахминан 3 км юқорида жойлашган бўлиб, унинг қолдиқлари Кармананинг ўрта аср қалъаси харобалари Хосақўр-

<sup>91</sup> А. Б. Вильданова, Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях, Письменные памятники Востока, Историко-филологические исследования, Ежегодник, 1968, М., Изд-во «Наука», 1970, стр. 51—53.

<sup>92</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества, т. I, вып. 2, Ташкент, 1900, стр. 173—174.

<sup>93</sup> Л. А. Зимин, Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью, Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, вып. 2, Ташкент, 1916, стр. 126—129.

<sup>94</sup> А. Р. Мухамеджанов, Средневековые мосты-водоизмерители на Зарафшане, История материальной культуры Узбекистана, вып. 8, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1969, стр. 124—135.

җон яқинида дарёнинг чап қирғоғида топиб текширилди. Бу иншоотнинг қолдиқлари дарё соҳилига ўрнатилган устуннинг бир қисмигина бўлиб, у  $26 \times 26 \times 5$  ва  $27 \times 27 \times 6$  см ҳажмдаги чорбурчакли пишиқ ғиштдан ишланган. Афсуски, биз бу сув иншоотининг тўла тасвирини бериш имкониятига эга эмасмиз. Чунки унинг асосий қисмларини дарё аллақачон таг-туғи билан олиб кетган. Бироқ бу иншоот тўғрисидаги археологик маълумотларни тарихий манбаларда келтирилган айрим ахборотлар билан қисман бўлса-да, тўлдириш мумкин. Саид Роқимнинг XVII аср охири ва XVIII аср бошларида ёзилган «Тарихи Роқимий» номли қўлёзма асарида келтирилган маълумотларга кўра, «Пули Қармана» 1582 йилда Бухоро подшоси Абдуллахон томонидан бино қилиниб, унинг 18 та пештоқли равоқлари, икки томонида 2 тадан 4 та катта миноралари ва устки қисмида ҳар икки лаби бўйлаб дандоналари бўлган<sup>95</sup>. Равоқларининг сонини ҳисобга олганда «Пули Қармана» ўз даврида жуда улкан иншоот ҳисобланган.

Иккинчи сув иншооти «Пули Меҳтар Қосим» Бухоро шаҳаридан 22 км шимоли-шарқда Ғиждувон йўлида Қавола ва Чорбоғ қишлоқлари оралиғида Қорақўлдарё устига қурилган бўлиб, ҳозирги вақтда ундан фақат дарё ўзани ичида сув остида қолган икки устунининг пойдеворигина сақланган. Устунларнинг эни 3 м, узунлиги 8 м га тенг бўлиб, улар  $26 \times 26 \times 4,5$ —5 ва  $27 \times 27 \times 5$  см ли квадрат шаклдаги пишиқ ғишتلардан ишланган<sup>96</sup>. Мирзо Муҳаммад Баде девоннинг «Мажмаъ ал-арқом» асарида берилган маълумотга кўра «Пули Меҳтар Қосим» 11 равоқли бўлган<sup>97</sup>.

Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида қурилган учинчи сув ўлчачиг кўприк тарихий манбаларда «Пули Жондор» номи билан тилга олинади. Маҳаллий аҳоли ўртасида у «Пули Абдуллахон», яъни «Абдуллахон кўприги» деб юритилган. Бухородан 20 км жануби-ғарбда қадимги Хуросон йўлида дарё устига қурилган бу сув иншоотдан ҳозирги вақтда аввалги ёдгорликдек фақат икки устунларининг пойдеворлари сақланган, холос. Бухоро областининг Свердлов районига ўтадиган ҳозирги кўприкдан тахминан 200 м шимолроқда дарё ўзани ичида қолиб кетган бу пойдеворларнинг эни 3 м, узунлиги 6,25 м ва оралиғи 6,5 м бўлиб, улар катталиғи  $27 \times 27 \times 5,5$ —5 см ли квадрат шаклдаги пишиқ ғишتلардан ишланган<sup>98</sup>. «Мажмаъ ал-арқом»да ёзилишича, бу иншоот 5 равоқли бўлган<sup>99</sup>.

<sup>95</sup> Саид Роқим, Тарихи Роқимий, УзССР, ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 7711, варақ 201<sup>а-б</sup>.

<sup>96</sup> А. Р. Мухамеджанов, Средневековые мосты-водоизмерители на Зарафшане, стр. 131.

<sup>97</sup> Мирзо Муҳаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, А. В. Вильданова томонидан нашр этилган фото факсимиле, варақ, 91<sup>а</sup>.

<sup>98</sup> А. Р. Мухамеджанов, Средневековые мосты-водоизмерители на Зарафшане, стр. 130.

<sup>99</sup> Мирзо Муҳаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, фото факсимиле, варақ 91<sup>а</sup>.

Л. А. Зиминнинг маълумотига кўра, «Пули Жондор»нинг қолдиқлари 1915 йилда олти устунга ўрнатилган бешта равоқ ва унинг икки томонида сақланиб қолган учта миноранинг остки қисмларидан иборат бўлган. Равоқларнинг узунлиги 7—8 аршин (5—5,7 м), кенглиги 3—6 аршин (2,1—4,2 м) ва баландлиги 2—2,5 саржин (4,25—5,30 м) га тенг бўлган. Устунлари йўнилган тошлардан уч қатор қилиб ишланган мустаҳкам пойдевор устига ўрнатилган<sup>100</sup>. Демак, «Пули Жондор» беш равоқли ва тўрт минорали сув иншооти бўлган.

Қуйи Зарафшонда дарё устига ўрнатилган ўрта аср гидротехника иншоотлари орасида археологик жиҳатдан бирмунча яхшироқ сақланган «Пули Чаҳорминор»дир. «Мажмаъ ал-арқом»да келтирилган маълумотларга кўра, у етти равоқли бўлган<sup>101</sup>. Н. Ф. Ситняковскийнинг ёзишича, «Пули Чаҳорминор» харобалари Ромитан орқали ўтган Бухоро — Хива йўлида Қоракўлдарёга ўрнатилган кўприқдан ярим чақирим юқорида дарёнинг чап соҳилида жойлашган<sup>102</sup>. Л. А. Зимин уни Шайхонтепа шаҳар харобасидан шарқда Бухоро — Ромитан йўли ёқасида, дарё ўзанидан 100 саржин (213 м) берида деб кўрсатади<sup>103</sup>. 1896 йилда бу сув иншоотининг икки равоғи ва кўприк устига олиб чиқадиган сўл аппарелининг бир қисми бутун бўлган<sup>104</sup>. Л. А. Зимин ҳам 1915 йилда унинг қолдиқлари икки равоқдан иборат эканини таъкидлайди<sup>105</sup>.

Ҳозирги вақтда унинг фақат остки қисмларигина сақланиб, улар Бухородан 9 км ғарброқда жойлашган Шайхон қишлоғи яқинида Қоракўлдарёнинг қуриб қолган ўзани ичида кўмилиб қолган. «Пули Чаҳорминор» ҳажми 26×26×5 ва 27×27×5 см ли чорбурчак пишиқ ғиштлардан ишланган, кенглиги 18,3 м, қалинлиги 1,5 м дан ошиқроқ тағкурси устига бино қилинган бўлиб, унинг умумий узунлиги 75,75 м га тенг. Баландлиги 1,8 м гача сақланган олтита устунларининг узунлиги юқорида 8,5 м ва остки қисмида 13,5 м, эни эса юқорисида 2,8—4 м ва остида 5—5,8 м га тенг. Устунларнинг оралиғи 4,75—6,20 м<sup>106</sup>. Демак, ўрта аср ёзма манбаларида тилга олинган етти равоқли «Пули Жондор» қолдиқларини археологик жиҳатдан ўрганиш, унинг етти равоқли конструкциясини тўла аниқлаб берди.

1582 йилда бино қилинган «Пули Қармана»нинг санасига ҳамда унга ишлатилган пишиқ ғиштлар билан «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор», ғиштларининг деярли бир

<sup>100</sup> Л. А. Зимин, Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью, стр. 128—129.

<sup>101</sup> Мирзо Мухаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, фото факсимиле, варақ 91.

<sup>102</sup> Н. Ф. Ситняковский, Заметки о Бухарской части долины Заравшана, стр. 174.

<sup>103</sup> Л. А. Зимин, Отчет о двух поездках по Бухаре..., стр. 126 и 129.


<sup>104</sup> Н. Ф. Ситняковский, Уша асар, 174-бет.

<sup>105</sup> Л. А. Зимин, Уша асар, 126 ва 129-бетлар.

<sup>106</sup> А. Р. Мухамеджанов, Средневековые мосты-водонзмерители на Зарафшане, стр. 125—129.

хилда эканига асосланиб, кейинги учта гидротехника иншоотлари-  
ни XVI асрнинг иккинчи ярми билан саналаш мумкин.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда,  
XVI асрда бино қилинган бу кўприклардан, юқорида қайд этилган-  
нидек, XVI—XVIII асрларда Бухоронинг суғориш тармоқлари ҳақо-



XVI асрда Зарафшон дарёси устига қурилган Чаҳорминор кўпригининг қолдиқ-  
лари. XVI—XVIII асрларда Қорақўл вилоятига ташланадиган Зарафшон суви-  
нининг миқдори шу кўприк равоқлари воситаси билан белгиланган.

басини белгилаш ва улар бўйлаб Зарафшон дарёси сувини тақсим-  
лашда сув айирғич ва сув тақсимлагич иншоот сифатида ҳам фой-  
даланилган. Масалан, суғориш мавсумида Кармана яқинидаги  
«Пули Кармана»дан ўтказилган 21 равоқ сувдан 10 равоғи Дуоба  
тўғонигача Зарафшонда чиқарилган каналларга тақсимланган.  
Шаҳруд каналидан қуйироқда жойлашган «Пули Меҳтар Қосим»  
дан ўн бир равоқ сув ўтказилиб, ундан тўрт равоғи Сомжан туман-  
нидан то Торобгача бўлган ерларга берилган. «Пули Чаҳорми-  
нор»дан етти равоқ сув ўтказилиб, унинг икки равоғи Шаҳри Ис-

лом, Мохон, Пайкент ва Кўликалон ерлари ўртасида тақсимланган. Қолган беш равоқ сув Қорақўл воҳасининг ҳақобаси бўлиб, у «Пули Жондор»дан ўтказилган<sup>107</sup>.

Сув тақсимоти даврида кўприк равоқларининг олди тўсилиб, қуйига сувни ташлаш вақтларида эса улар очилиб турилган. Мирзо Муҳаммад Баде девон ҳам ўз рисоласида бу ҳақда, сувни «Тўғри тақсим қилиш учун ҳар бир кўприк ўз жойида боғланади», деб ёзади<sup>108</sup>. А. А. Семенов<sup>109</sup> ва М. А. Абдураимовлар<sup>110</sup> кўприк равоқлари шчитли кўтарма қулфак (затвор)лар билан таъминланган эди, деб нотўғри изоҳлайдилар<sup>111</sup>. Фикримизча, бу иншоотларнинг равоқлари Чўпонота сув айирғич иншооти каби шох-шаббалар воситаси билан оддий кўрбанд усулида тўсилган. Демак, XVI асрда бино қилинган «Пули Қармана», «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор»лар тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зарафшон дарёси устига қурилган оддий кўприк бўлибгина қолмай, балки Бухоро воҳаси бўйлаб суғориш каналларига дарё сувини тақсимловчи иншоот сифатида ҳам хизмат қилган.

Зарафшон водийсининг ирригация техникаси тарихини ўрганишда, инженерлик типигаги йирик сув иншоотларини бино қилишда ишлатилган қурилиш материаллари алоҳида ўрин тутади. Чунки гидротехника иншоотларининг конструктив жиҳатдан мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қурилиш материаллари ва уларнинг сифатига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам бу ерда юқорида қайд этилган сув иншоотларига ишлатилган пишиқ ғишт, ганч ва уларнинг хиллари устида, қисман бўлса-да, тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир<sup>112</sup>.

<sup>107</sup> Мирзо Муҳаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, фото факсимиле, варақ 90<sup>a</sup>—91<sup>b</sup> *Яна қаранг:* А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре, «Советское востоковедение», вып. V, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1948, стр. 145—147.


<sup>108</sup> ... هر پل بمنزله بند است از برای درستی تقسیمات.  
Мирзо Муҳаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, фото факсимиле, варақ 91<sup>a</sup>.

<sup>109</sup> А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре, стр. 146, см. сноску 51.

<sup>110</sup> М. А. Абдураимов, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI—первой половине XIX века, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 280, см. сноску 401.

<sup>111</sup> А. А. Семенов ва М. А. Абдураимовларнинг фикри билан мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки ўрта асрларда дарёга ўрнатилган йирик сув иншоотларининг шчитли кўтарма қулфаклар билан таъмин этилгани Ўрта Осиё гидротехника тарихида маълум эмас. Бундай иншоотлар ирригация техникаси тараққий қилган ҳозирги замон шароитида Зарафшон водийсида 50-йиллардан бошлаб бино қилинмоқда.

<sup>112</sup> Ўрта аср гидротехника иншоотларининг қурилиш материалларини ўрганиш мақсадида юқорида қайд этилган сув иншоотларининг турли қисмларидан пишиқ ғишт ва ганч намуналари олиниб, улар устида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг археология технологияси ва реставрация қилиш лабораториясида техника фанлари кандидати Н. С. Гражданкина томонидан махсус текширишлар олиб борилди.



Зарафшон дарёси устига қурилган тўққизта ғавоқли Ромитан кўприги

Шайбонийхон сув айирғич кўприги, «Пули Кармана», «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор», «Пули Жондор» ва бошқа бир қанча сув иншоотлари қолдиқларидан намунага олинган пишиқ ғиштлар устида ўтказилган кимёвий ва технологик тадқиқотларнинг кўрсаткичларига кўра, улар юқори даражада сифатли бўлиб, ўша давр архитектура обидаларининг ғиштларига нисбатан ҳам бирмунча мустаҳкам қилиб тайёрланган. Ҳатто айрим сув иншоотлари, жумладан, Шайбонийхон сув айирғич кўприги, Қоравулбозор, Малик, Оғочти ва Мирзаробод сардобаларининг ғишт-

1-жадвал

Иншоотнинг номи	Санаси	Ғиштларнинг пиширилган температураси	Ҳажм оғирлиги $г/см^3$ ҳисобида	Сувга тўйиниши ҳажмига нисбатан процент ҳисобида	Сиқишдаги қаттиқлиги $кг/см^2$ ҳисобида	
					қуруқ ҳолатида	сувга тўйинган ҳолатида
<b>Шайбонийхон сув айирғичи</b>	1502	900—950°	1,52	29,2	205	151
<b>Пули Кармана</b>	1582	800—850°	1,44	24,5	231	138
<b>Пули Меҳтар Қосим</b>	XVI аср	900—950°	1,40	27,6	254	143
<b>Пули Чаҳорминор</b>	XVI аср	850—900°	1,51	20,14	173	167
<b>Пули Жондор</b>	XVI аср	900°	1,33	35,40	175	119

лари лойига катталиги 5 мм гача шамот аралаштирилиб ясалган<sup>113</sup>. Уларни пишириш температураси 800—950° борган. Ғиштларнинг қуруқ ҳолида сиқишдаги қаттиқлиги ўртача ҳисоб билан 175—250  $кг/см^2$  га тенг бўлиб, сувга тўйинган ҳолатида эса, уларнинг қаттиқлиги 10—36 процент ўртасида камайган<sup>114</sup>. Зарафшон дарёси устига ўрнатилган XVI аср гидротехника иншоотларига ишлатилган пишиқ ғиштларнинг физик ва механик кўрсаткичлари 1-жадвалда берилган.

Ўрта асрнинг инженерлик типидagi гидротехника иншоотларига ишлатилган қурилиш материалларини ўрганишда тош ёки пишиқ ғиштларни бир-бирига бириктириш учун фойдаланилган ганч қоришмалари алоҳида диққатга сазовордир. Чунки цемент каби мустаҳкам бириктирувчи қоришма ҳали ихтиро этилмаган ўрта аср шароитида сув иншоотларини бино қилишда доимий намликка чидамли қурилиш қоришмасини топиб ишлатиш муҳим аҳамият касб этган. XVI аср қўлёзма асарларидан Бадриддин Қашмирийнинг «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон»да келтирилган айрим маълумотларга кўра, ўрта асрларда пишиқ ғишт ва тошдан бино қилинган сув иншоотлардан «сардоба»ларни қуришда, оҳак, ганч ва сорлардан иборат бир нечта компонентлардан тайёрланган

<sup>113</sup> Н. С. Гражданкина, Из истории гидротехнического строительства в Средней Азии (строительные материалы гидротехнических сооружений VIII—XIX вв.). Труды САНИИРИ, вып. 129, Ташкент, 1971, стр. 120—121.

<sup>114</sup> Уша асар, 112—113-бетлар.



махсус қурилиш қоришмалари ишлатилган. Бухородан атроф вилоятларга йўналган карвон йўллари бўйлаб қурилган сардобалар ҳақида ҳикоя қилар экан, Бадриддин Кашмирий «Бу сардобаларни тош, пишиқ ғишт, ганч, оҳак ва сор» билан бино қилингани тўғрисида ҳикоя қилади<sup>115</sup>. Самарқанд ва Бухоро бинокор меъморлари бундай қурилиш қоришмасини «қир» деб аташган. Пишиқ ғишт ва тошдан бино қилинган тўғонларни қуришда «қир»дан фойдаланилган тўғрисида XIX асрга оид тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Масалан, XIX аср Бухоро муаллифларидан Мир Абдулкарим Бухорийнинг «Ўрта Осиё тарихи» номли китобида келтирилган маълумотларга қараганда, Салжуқийлар давлатининг ҳукмдори Султон Санжар (1118—1158 йил) Мурғоб дарёсига пишиқ ғишتلардан тўғон қурдирганда қурилишда «қир» ва сопол қувурлар ишлатилган<sup>116</sup>. Манғитлар сулоласининг ҳукмронлиги тарихига бағишланган рисоласида Аҳмад Дониш канал қазиб Амударёдан Бухорога сув чиқариш ҳақида фикр юритиб, тош ва «қир»дан тўғон қуриб, канал бошини мустаҳкамлаш тўғрисида ёзади<sup>117</sup>.

«Қир» билан ишланган иншоот ёки бино пойдевори ниҳоятда мустаҳкам бўлиши сабабли бухороликлар бир иш кўнгилдагидек пухта бажарилса «коро қир гашт», яъни иш қир бўлиб кетди, деган иборани ишлатадилар. Дарҳақиқат, қир ўз даврида турли хилдаги ўрта аср қурилишларида цемент ўрнида ишлатилган мустаҳкам бириктирувчи қурилиш қоришмаси бўлиб, Ўрта Осиё меъморчилигида ундан жуда кенг фойдаланилган. Ўрта асрларда ишлатилган қурилиш қоришмаларининг сифати юқори даражада бўлгани учун ҳам қадимги гидротехника иншоотларининг кўпи асрлар давомида бузилмай, ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Бироқ ўрта аср муаллифларининг тарихий асарларида қурилиш қоришмаларини тайёрлашда ишлатилган компонентларнинг тури ва уларнинг дозировкаси тўғрисида ҳеч қандай маълумот ёзиб қолдирилмаган. Шу сабабли бўлса керак, қадимги иншоотларнинг қурилиш материалларини тайёрлаш усули ва уларнинг таркиби тўғрисида турли ривоятлар пайдо бўлган. Айрим ривоятларга кўра, 1127 йилда Бухорода қурилган Минорайн Қалоннинг ганчи туя сутига, XV асрда Марказий Қозоғистонда бино қилинган Алашахон мақбараси ғиштининг лойи бия сутига, XVI асрда қурилган «Аб-

<sup>115</sup>... سردا بهارا بسنگ و خشت پخته و گچ و آهک و سار پرداخته...  
Бадриддин Кашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2094, варақ 294б.

<sup>116</sup>... بىندى دارد كه در يارا سلطان سنجر ماضى از قير و انك  
بسته است...

Mir Abdoul Kerim Boukhary, Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) Depuis les dernieres annees de regne de Nadir Chah (1153), jusque, en 1233 de l'Hegire (1740—1818). Par Mir Abdoul Kerim Boukhary, publie, traduit et annote par Charles Schefer. Paris, 1876, p. 60.

<sup>117</sup>... ما سر آب را بسنگ و قير استحکام دهيم...

Аҳмад Маҳдуми Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони Манғития, Сталинобод, 1960, 133-бет.

дуллахонбанди» сув омбори тўғонининг ганчи эса туя сути билан шиннига қорилган.

Ўрта асрлар гидротехника иншоотларида ишлатилган қурилиш қоришмаларининг таркиби ва компонентларининг солиштирма

2-жадвал

Иншоотнинг номи ва қориш- манинг ишлатилган ери	Санаси	Қурилиш қоришмасининг миқ- дори (процент ҳисобида)				Сиқишдаги қаттиқлиги (кг/см <sup>2</sup> ҳисобида)	
		Оҳак	Ўсим- лик кули	Ганч	Қум	Қуруқ ҳо- латида	Сувга тўйинган ҳолатида
<b>Хонбанди</b>	X аср						
Остки тўшамаси		37			63	89	155
Остки қисми		40			60	73	54
Ўрта қисми		45			55	36	56
Юқори қисми		58			42	65	65
<b>Ғиштбанд</b>	XII аср						
Остки қисми		89	11			48	50
Ўрта қисми		82	18			65	24
Юқори қисми		73	27			59	42
<b>Абдуллахонбанди пой- девори</b>	1583	53	47			18	21
Остки қисми		59	41			55	38
Ўрта қисми		55	45			41	14
Юқори қисми		45	55			42	13
<b>Шайбонийхон сув айирғичи</b>	1502						
2-равоғининг пойдевори		65	32,5	2,5			39
2-равоғи			6	94		122	65
1-равоғининг юқори қис- ми				100		36	24
<b>Пули Кармана устуни- нинг юқори қисми</b>	1582		35	65		95	27
<b>Пули Меҳтар Қосим пойдевори</b>	XVI аср	58	36	6		74	25
<b>Пули Чаҳорминор аппарели, 7-равоғи, остки қисми</b>	XVI аср	60	28	12		58	15
		50	39	11		46	41
<b>Пули Жондор устуни (Остки қисми)</b>	XVI аср	50,5	43	6,5		132	90

миқдорини аниқлаш мақсадида Зарафшон водийсида топиб текширилган сув иншоотларининг турли қисмларидан олинган бириктирувчи қоришма намуналари кимёвий анализ қилдирилди. Натижада «туя сути билан шиннига қорилган» қадимги ганчларнинг

сири очилди. Ўрта аср гидротехника иншоотлари қурилиш қоришмаларининг кимёвий анализи 2-жадвал кўрсаткичларида берилди.

Ўрта аср гидротехника иншоотларидан олинган қоришмаларнинг кимёвий анализи кўрсаткичларига қараганда, доимо сув остида турадиган ирригация иншоотларини қуришда ишлатилган қоришмалар асосан икки компонентли бўлиб, улар оҳакка баб-баробар қум ёки 25—30 процент ўсимлик кули аралаштириб тайёрланган<sup>118</sup>. Айниқса, сувда ўсадиган ўсимликлар: қамиш, лўх, шоли шулхаси ва бошқаларнинг чала ёндирилиб писта кўмирга айлантирилган кули билан оҳак аралашмаси юқори сифатли гидравлик қоришмасини ҳосил этган<sup>119</sup>. Бундай қоришма сувга чидамли бўлиб, иншоот ва биноларнинг доимий зах шароитда турадиган қисмларини ўрнатишда жуда қўл келган. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда ўсимлик кули аралаштирилган оҳакдан тайёрланган қурилиш қоришмасидан ирригацион иншоотлардан ташқари, кўприклар, ҳаммомлар, тазарлар — канализация иншоотлари қуришда йирик меъморчилик обидалари: масжид, мадраса, минора, мақбара, карвонсарой ва тимларнинг пойдеворларини ишлашда жуда кенг фойдаланилган. Иншоот пойдеворларининг мустаҳкам бўлишини таъмин этиш учун қоришма компонентларининг дозировкасига ҳамда пойдевор ишлаб чиқилгач, унинг мустаҳкам қотиш жараёнига, айниқса, катта аҳамият берилган. Бу тўғрида диққатга сазовор афсоналар ҳам бор. Ривоятларга кўра, Қорахонийларнинг ҳукмдори Арслонхоннинг фармонида биноан, уста Бухорода Минорайи Қалонни қуришга киришиб, туя сутига қорилган ганч билан пойдеворга ғишт терган. Бироқ, пойдеворни тугатгач, меъмор қурилишни ташлаб, икки йил кўздан ғойиб бўлган. Пойдевор икки йил мобайнида икки ёзнинг иссиқ ҳарорати, икки қишнинг қаттиқ совуғи ҳамда баҳор ва кузлардаги ёғинларнинг остида қолиб, унга ишланган ганч обдон қўтгандан кейингина, уста пайдо бўлиб, минорани қуришга киришган. Минорайи Қалон пойдеворининг бино қилиниши ҳақидаги бу ҳикоя, ҳар қалай афсонадек бўлиб, тушунилса-да, аммо у иншоот пойдеворининг мустаҳкам ишланишига қаратилган ўрта аср меъморчилигининг ажойиб бинокорлик услубидан далолат беради.

Шуниси қизиқки, Шайбонийхон сув айирғич кўприги, «Пули Меҳтар Қосим», «Пули Чаҳорминор» ва «Пули Жондор»ларга ишлатилган қурилиш қоришмаларининг таркибига қараганда, сув иншоотларининг барча қисмларида бошдан-оёқ бир хил таркибдаги қоришмадан фойдаланилмай, балки уларга ўрнатилган жойдаги табиий шароитга қараб, турли компонентлардан тайёрланган алоҳида-алоҳида қоришмалар ишлатилган. Масалан, юқорида қайд этилган иншоотларнинг доимий сув остида турадиган қисмлари

<sup>118</sup> Н. С. Гражданкина, Из истории гидротехнического строительства в Средней Азии, стр. 113—118.

<sup>119</sup> Н. С. Гражданкина, Химико-технологические исследования в археологии Узбекистана, «Общественные науки в Узбекистане», 1966, № 3, стр. 42—43.


50—60 процент оҳак, 32,5—44 процент ўсимлик кули ва 2,5—6 процент ганчдан, гоҳ сувда, гоҳ сувдан ташқарида турувчи қисмлари 50 процент оҳак, 40 процент ўсимлик кули ва 10 процент ганчдан



Гиштбанд қолдиқлари

тайёрланган уч компонентли қоришмалар билан ишлаб чиқилган бўлса, иншоотларни қисман намлик ва кўпроқ қуруқ об-ҳаво шароитида турадиган юқори қисмларида эса 90—95 процент ганч, 5—10 процент ўсимлик кули аралаш икки компонентли, батамом очиқ ҳаводаги қисмларида эса 100 процент соф ганчнинг ўзидан тайёрланган қоришмалардан фойдаланилган. Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг ўрта аср бинокор-меъморлари сув иншоотларини бино қилишда намлик, қуруқлик ва иссиқликнинг иншоотнинг қурилиш материалларига нисбатан таъсирини ҳисобга олиб, ҳар бир шароитнинг ўзига мос қурилиш қоришмаларини кашф этганлар.

Қадимги бинокор меъморларнинг бу ажойиб кашфиётлари Урта Осиёнинг ирригация техникаси ва бинокорчилик тарихида муҳим илмий аҳамият касб этади. Қадимги қурилиш қоришмаларидан ҳозирги кунда ирригация ва мелиорация ишларида, айниқса дренаж ва канализация қувурларини бир-бирига улашда ҳамда архитектура ёдгорликларини қайта тиклашда фойдаланиш мумкин.



Х аср сув омбори тўғони — Хонбанди

Ўрта асрларда Зарафшон водийсида бино қилинган инженерлик типидagi сув иншоотлари устида, умумий тарзда бўлса ҳам, олиб борилган тадқиқотлар (айниқса, уларнинг аниқ математик ҳисоблари) бундай иншоотларнинг аввалдан тайёрланган лойиҳалар асосида катта тажриба соҳиби бўлган моҳир бинокор, ирригатор-муҳандислар томонидан қурилганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Гарчи тарихий манбаларда ўрта аср сув иншоотларини бино қилган бинокор-ирригаторнинг номлари тилга олинмаса-да, 1502 йилда Самарқанд яқинида Зарафшон дарёси устига Шайбонийхон сув айирғич кўпригининг қурилишига муҳандисларнинг таклиф этилиши бунинг ёрқин далилидир<sup>120</sup>.

Муҳандислар меъморчиликнинг назарий асосларини яхши билган ўз даврининг мутахассис — инженерлари бўлиб, улар томонидан тузилган лойиҳалар «тарх» деб юритилган. Тарх тузувчи му-

<sup>120</sup> Қамолiddин Биноий, Шайбонийнома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 844, варақ 42<sup>а</sup>.

хандислар кўпинча «тархкаш», «тархандоз»<sup>121</sup> ёки «таррох» номларни билан аталган<sup>122</sup>.

Тархлар одатда квадрат шаклдаги катакли қозғоз тахтасига чизилиб, ҳар бир катак ўша даврнинг узунлик ўлчов бирлиги — газ ҳисоби билан талқин этилган. Бухоронинг гази—шоҳий деб аталган меъморий гази 107 см га, Самарқандники 90 см га, Тошкент ва Фарғона водийсининг гази 83 см га тенг бўлган<sup>123</sup>. Тархда газ ҳисоби билан олинган катаклар устига чизилган бино ёки иншоот плани, бинокорлар учун ҳам тушунарли бўлган. Чунки Ўрта Осиёда бинокорчиликда ишлатиладиган тўртбурчакли гиштнинг 3 ёки 4 таси бир газга тўғри келган.

XVI асрда Бухоро мухандислари томонидан чизилган қадимги тарх — лойиҳалардан айрим нусхалари ҳозирги кунгача етиб келган. Ҳозирги вақтда улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг нодир қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Бундан тўрт юз йилча илгари моҳир мухандисларнинг нафис қалами билан чизилган саккизта тархлардан тўрттасида сарой, хонақо, сардоба ва раволтар лойиҳалаштирилиб, қолганларида меъморий нақшларнинг шакллари чизилган<sup>124</sup>.

Ўрта Осиёнинг XVI аср меъморчилиги санъатига оид ноёб ҳужжатларни синчиклаб ўрганган проф. Н. Бакланов, бу лойиҳаларда чизма геометриянинг асослари борлигини аниқлаб, уларни чизган осийлик мухандислар биргина планнинг ўзида бинонинг бир неча кесма шаклларини бериш билимида ҳам, шунингдек, чизиш техникасида ҳам гарблик касбдошларидан ўзиб кетган эдилар<sup>125</sup>, деб баҳо беради. Шуниси ҳам борки, чизмакашлик билимига илк ўрта асрлардаёқ асос солиниб, X—XII ва XV—XVI асрларда у анчагина ривож топган эди.

Ўрта аср чизмакашлик билимининг ажойиб маҳсули ҳисобланган бу тархлар юқори маданиятнинг нодир санъат асари бўлиб, ўрта аср меъморчилигининг кўзгуси эди. Шунинг учун ҳам моҳир мухандиснинг нафис қалами билан чизилган тархлар асосида қурилган кўркам бинолар XV асрнинг улуғ мутафаккири Алишер Навоийнинг таърифи бўйича, фақат турар-жой вазифасини бажарувчи бошпана бўлибгина қолмай, балки ўзининг кўриниши билан кишиларга ором ва эстетика завқ берувчи санъат асари ҳам бўлган.

<sup>121</sup> П. Ш. Захидов, Искусство проектирования в творчестве народных зодчих Узбекистана (XIX, начало XX в.). Искусство зодчих Узбекистана, вып. I, Ташкент, Изд-во АН УЗССР, 1962, стр. 75; См. П. Ш. Захидов, О школах зодчества Узбекистана (XIX, начало XX в.), Искусство зодчих Узбекистана, вып. IV, Ташкент, Изд-во «Фан» 1969, стр. 151.

<sup>122</sup> Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат, Тошкент, УЗССР, ФА нашриёти, 1953, 331-бет.

<sup>123</sup> Г. А. Пугаченкова, Архитектурные заметки о среднеазиатском архитектурном газе, Искусство зодчих Узбекистана, вып. I, стр. 191.

<sup>124</sup> УЗССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар фонди, 6-папка, ва рақ I—IV.

<sup>125</sup> Н. Б. Бакланов, Архитектурные чертежи узбекского мастера XVI в. Академия архитектуры СССР, Сообщения Института истории и теории архитектуры, вып. IV, М., 1944, стр. 20.

Улуғ шоир ўзининг бу фикрини «Сабъан сайёр» достонида битган кўйидаги мисраларида ифодалаган:

Тарх қилса мухандиси моҳир  
Ҳар замон ўзга шакл этар зоҳир  
Ҳар киши ғолиб ўлса савдоси  
Дафъи савдо қилур томошаси<sup>126</sup>.

Маълумки, ўрта асрлар шароитида ҳашаматли иморат ва улкан иншоотлар, гарчи оддий меҳнаткаш омманинг билак кучи билан қад кўтарся-да, аммо улардан мулкдор ҳоким синф вакиллари манфаатдор эди. Шунинг учун халқдан чиққан моҳир мухандислар ва санъаткор меъморлар уларга хизмат қилишга мажбур эди. Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган барча подшоларнинг девонхоналарида мухандис ва меъморлар бўлиб, улар доимо давлатнинг қурилиш ишлари билан банд бўлган.

Бухорода амир Музаффархон ҳукмронлик қилган даврда (1860—1885 й.) Бухоро Аркида бош мухандислик вазифасини ўтаган XIX асрнинг илғор мутафаккири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул-вақое» («Нодир воқеалар») номли китобида, хандаса илмини ўргатган устози тўғрисида кўйидагиларни ёзади: «Устозим кўпгина илм ва фанларга олим, хушхатликда тенгсиз, мухандисликда комил одам эди. Салтанат ўртасидаги бутун иморатлар унинг раҳбарлигида қурилар эди»<sup>127</sup>. Донишнинг ўзи ҳам замонасининг етук мухандис ва мусаввир (рассом)ларидан бўлган. Унинг нозик мўйқалами билан Бухоро ва унинг атрофининг рангли плани чизилган. Бу қимматбаҳо топографик асар ҳозирги вақтда СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Ленинград бўлимида рус шарқшуноси ва археологи П. И. Лерхнинг шахсий фондида сақланмоқда<sup>128</sup>. Бундан ташқари, олдинги саҳифаларда қайд этилганидек, Аҳмад Дониш ҳозирги кундан қарийб бир аср муқаддам Амударёдан Бухоро ва Қарши чўлига сув чиқариш ғоясини кўтариши ва бу сув иншоотининг дастлабки лойиҳаси тўғрисида ўз фикрини Бухоро амирига ёзиб юборган<sup>129</sup>.

Демак, мухандислар мамлакатда қуриладиган йирик архитектура обидалари ва сув иншоотларининг тархларини чизган. Мухандислик билими эса меъморлик санъати билан бирга анъана шаклида азлоддан-авлодга ўтган.

Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг ўрта аср сув иншоотларини тарихий ва археологик жиҳатдан ўрганиш Самарқанд ва Бухоро воҳаларида асрлар давомида сув учун олиб борилган кураш тарихини ҳамда бу йўлда яратилган жуда бой ва ажойиб ирригация техникаси тарихини ёритиш имконини беради.

<sup>126</sup> Алишер Навоий, Сабъан сайёр, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1956, 73-бет.

<sup>127</sup> Аҳмад Дониш, Наводир ул-вақое («Нодир воқеалар»), Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1964, 356-бет.

<sup>128</sup> Архив Востоковедов ЛОИНА АН СССР, ф. 36, оп. 1, д. 17, л. 1.

<sup>129</sup> Аҳмад Дониш, Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони Манғития, Сталинобод, 1960, 132-саҳифа.

### 3. Бухоронинг сув хўжалиги

К. Маркс Шарқда ирригация ишларининг ташкилий масалалари устида сўз юритар экан, «сувдан тежаб ва биргалашиб фойдаланиш сингари элементар эҳтиёж Фарбда, ...хусусий соҳибкорларни ихтиёрий ассоциацияларга бирлашишга мажбур қилган бўлса, ... территорияси жуда кенг бўлганлигидан ихтиёрий ассоциацияларнинг вужудга келишига имкон бўлмаган Шарқда эса, — у ишнинг ҳукумат томонидан марказлаштирилишини қатъий суръатда тақозо қилди»<sup>130</sup>, — деб ёзади. Шунинг учун ҳам суғорма Шарқнинг барча мамлакатларида бўлганидек, Урта Осиёда ҳам қадимдан «жамоат ишлари маҳкамаси»<sup>131</sup> мавжуд эди. Бу маҳкама шубҳасиз мамлакатда суғориш ишларини ташкил этиш ва ирригация қурилишларида бошчилик қилиш билан банд бўлган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, ўрта асрларда Зарафшон водийсининг ирригация хўжалиги мансабдорларнинг каттагина исархияси томонидан бошқарилган. Масалан, Наршахийнинг ёзишича, Бухорода унинг замонида суғориш ишларига Бухоро қозилари бошчилик қилган. «Саъид ибн Халаф ал-Балхийни 213 йил Жумод ал-аввал ойининг охирида (16 август 828) қозиликка тайинладилар... У яхши қонун-қоидалар ўрнатди. Жумладан, токи кучлик киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун бу тўғонларни қурдириб Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни у киши асослаган»<sup>132</sup>, — деб ёзади бу тўғрида Наршахий.

Қорақўл вилоятининг қозиси Мулло Абдувоҳид Судурнинг амир Музаффарга ёзган арзномасида<sup>133</sup> ҳамда Садриддин Айнининг «Бухоро» номли асарида<sup>134</sup> келтирилган аниқ маълумотларга кўра, XIX асрда ҳам Бухоро туманларида суғориш ишларига вилоят қозилари бошчилик қилган.

Урта асрларда ирригация қурилишлари ҳамма вақт марказий ҳокимиятнинг ижозати билан амалга оширилиб, йирик ирригация қурилишларини кўпинча хонларнинг ўзи бошқарган. Масалан, 1502 йилда Зарафшон устига Оқ ва Қорадарё сув айирғичини бино қилишда Шайбонийхон<sup>135</sup>, Дарғом каналининг Равотхўжадаги боштўғонини тuzатишда 1556 йилда Наврўз Аҳмадхон<sup>136</sup>, 1748 йилда

<sup>130</sup> К. Маркс, Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги; К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, 1-том, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 343-бет.

<sup>131</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, 1-том, 343-бет.

<sup>132</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1966, 14-бет.

<sup>133</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма инв. № 2260, варақ 93<sup>б</sup> — 95<sup>а</sup>.

<sup>134</sup> Садриддин Айни, Бухара (Воспоминания), М., Изд-во «Советский писатель», 1961, стр. 47—55.

<sup>135</sup> Камолiddин Биноий, Шайбонийнома, ЎзССР, ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 844, 40<sup>б</sup> — 42<sup>а</sup> варағи.

<sup>136</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий, Абдуллонома, (Шарафномаи шоҳий), I жилд, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1966, 237—238-бетлар.



эса Раҳимбий иштирок қилган<sup>137</sup>. XIX асрда Оқ ва Қорадарё сув айирғич иншооти доимо Зиёвуддин беги томонидан тикланган<sup>138</sup>.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Бадриддин Қашмирийнинг «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон» ҳамда Мирзо Баде девоннинг «Мажмаъ ал-арқом» номли асарларида келтирилган айрим маълумотларга қараганда, XVI—XVIII асрларда Бухоро хонлигининг сув хўжалиги ва ирригация қурилишлари давлатнинг бош вазири «оталиқ» томонидан бошқарилган. Масалан, Бухоро хони Абдуллахоннинг махсус фармонига биноан, унинг оталиғи Аҳмадали наймон 1583 йилда Нуротада Оқчоб сув омборининг қурилишига<sup>139</sup> ва 1585 йилда эса Жўйборий хўжалар томонидан Вахш дарёсидан чиқарилаётган канални қуриб битказиш ишига саркор қилиб тайинланади<sup>140</sup>. XVIII асрда оталиқ лавозимидаги мансабдорлар Самарқанддан то Қоракўлгача Зарафшондан бош олган суғориш тармоқлари бўйлаб дарё сувининг тақсимотини бошқарган<sup>141</sup>. Демак, ирригация хўжалигида ҳам «оталиқ» XVI—XVIII асрларда хонликнинг энг олий мансабдори ҳисобланган.

«Мажмаъ ал-арқом» асарларида баён этилишича, XVIII асрда Бухоронинг сув хўжалиги маъмурияти «оталиқ»дан ташқари айрим суғориш тармоқларининг «мироб»лари, «амини об» ва шаҳар каналининг «арбоби»дан иборат бўлган<sup>142</sup>. Ҳар бир канал мироби ўз қўл остидаги ирригация системаларининг сув тақсимоти ва хашар ишларини бошқарган бўлса, «арбоби дуруни шаҳр» эса, Шаҳруд каналининг ва Бухоро шаҳарининг сув таъминоти, хусусан ундаги ҳовузларни ўз вақтида сув билан тўлдириш ишларини бажарган<sup>143</sup>.

Тарихий маълумотларга кўра, XIX асрда Бухоро хонлигининг сув хўжалиги Шаҳруд канали мироби томонидан бошқарилган. Бу мансабга «мирохўр» ёки «туғсоба» унвонидаги шахслар шахсан амир томонидан тайин этилган<sup>144</sup>. Масалан, амир Музаффар ҳукмронлик қилган даврда Абдулвосе мирохўр Шаҳруд мироби бўл-

<sup>137</sup> «Самария» Описание древностей и мусульманских святынь Самарканды Абу Тахир Ходжи, Перевод В. Л. Вяткина,— Справочная книжка Самаркандской области, вып. VI, Самарканд, 1899, стр. 246.

<sup>138</sup> А. Гребенкин, О причинах неурожаев в Бухарском ханстве,— «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.

<sup>139</sup> Ҳофиз Таниш, Абдуллонома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, № 2207, 327<sup>а</sup> варағи.

<sup>140</sup> Бадриддин Қашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқатул ғилмон, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2094, варақ 316.


<sup>141</sup> Мирзо Муҳаммад Баде девон, Мажмаъ ал-арқом, А. Б. Вильданова томонидан нашр этилган фотофаксимиле, варақ 89<sup>а</sup>—90<sup>б</sup>.— Письменные памятники Востока, Историко-филологические исследования, Ежегодник 1968. М., 1970, Изд-во «Наука», стр. 48—29; Яна қаранг, А. А. Семенов, Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре,— «Советское востоковедение», V, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1948, стр. 144—145.

<sup>142</sup> Мажмаъ ал-арқом, Фотомаксимиле, варақ 88<sup>а</sup>—89<sup>б</sup>.

<sup>143</sup> А. А. Семенов, Уша асар, 142-бет.

<sup>144</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 145.

ган<sup>145</sup>. Шаҳруд миробига Зарафшоннинг барча магистрал каналларининг мироблари, гидроузелларнинг бошлиқлари — «панжабе-



Бухоро шаҳари ва унинг атрофини суғориш системаси:

1—Шаҳар атрофидаги жойлар; 2—Йўллар; 3—Ариқлар; 4—Захкашлар; 5—Шаҳар девори; 6—Темир йул; 7—Шаҳар атрофидаги ҳовузлар; 8—Қўл ва ботқоқликлар.

гилар», дарёнинг юқори оқимидан сув ҳайдаб келувчи «обандоз» ёки «манқуват», тўғончилар — «варқбон» ёки «бандбон»лар, дарё.

<sup>145</sup> ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 2260, варақ 93<sup>б</sup>.

сувини боғлаб олиш ёки Бухорога ташлаш тўғрисида Шаҳруд ми-робининг фармонини магистрал каналлардаги миробларга етказадиган сув ходимлари «махрам», суғориш системаларино дарё су-вининг тақсимотини кузатиб турувчилар — «оброн», шохариқлар-нинг мироблари — «жўйбон», «арбоб» ҳамда «пойкор»лар бўй-синган<sup>146</sup>.

Магистрал каналларнинг мироблари Самарқанд воҳасида «ариқ оқсоқол» деб юритилган. XX аср бошларида биргина Самарқанд воҳасида ирригация ишларини 28 ариқ оқсоқол, 60 бандбон ва 410 мироблар бошқарган<sup>147</sup>.

Бухоро хонлиги сув хўжалигининг ходимлари Зарафшон дарё-сидан чиқарилган барча суғориш системаларидаги тўғонларни тик-лаш, дарё оқими ювиб кетган жойларга дамбалар ўрнатиш, ирригация шохобларини лойқадан тозалаш ва сувни уларга навбат билан тақсимлаб бериш, ортиқча сувларни ва захобларни захкаш-лар орқали партовларга чиқариб юбориш каби улкан суғориш ишларини ташкил этиш ва уларни бажаришда бошчилик қилган.

Зарафшон водийсининг ирригацион терминологиясида дарёдан бош олган магистрал каналлар «руд», масалан, Шаҳруд, Ромитан-руд, Қалқонруд каби ёки «ком» — Коми Зар, Коми Акка, Коми Абу-муслим, Шопурком деб аталган. Магистрал каналдан чиқарилган суғориш тармоқлари «жўй», уларнинг шохоблари «шоҳжўй» ва экин ерларига тортилган суғорувчи майда тармоқлар «афдоқ» ёки «бадоқ» деб юритилган. Феодал мулкчилиги шароитида йирик ер эгалари ўз ер ва мулкларини магистрал каналдан тортилган алоҳи-да суғориш тармоғи орқали сув билан таъмин этишга ҳаракат қил-ган. Йирик ер эгаларининг ер-мулкларини суғорувчи алоҳида суғо-риш тармоқлари ўрта асрларда «жўйи хосса», XVIII—XIX асрларда «лабаки» ва улардан суғорилган ерлар эса «лабакихўр» деб ном-ланган. «Лабаки» ва «лабакихўр»лар қўйи Зарафшонда амир Шо-мурод ҳукмронлиги (1785—1800) даврида пайдо бўлиб, амир Ҳай-дар (1800—1826) ва амир Насрулло (1826—1860) даврида уларнинг сони айниқса кўпайган. Масалан, XIX аср ўрталарида Шаҳруд-нинг 274 та суғориш тармоқларидан 166 таси «лабаки» эди<sup>148</sup>.

Каналларнинг боши «дахана» ёки «сари руд» ва «сари жўй», юқори қисми «боло обхўр» қўйи қисми «поён обхўр» этакларига жойлашган ташландиқ ерлар «партов» ва уларга ортиқча ҳамда зах сувлар чиқариб юбориладиган коллекторлар «захкаш» ёки «захбур» деб юритилган. Бундай кўп шохобли суғориш тармоқларини барпо этишдан тортиб, то уларни тартибда сақлаб туриш учун бажари-ладиган улкан ирригация ишлари (каналларни лойқадан тозалаш, тўғонлар ва дамбалар ўрнатиш ва бошқалар) учун Ўрта Осиёда, шу жумладан, Зарафшон водийсида ҳам давлат томонидан ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Барча ирригация ишлари қадимдан сувдан фойдаланувчиларнинг кучи ва маблағи ҳисобига ҳашар усули билан бажарилган.

<sup>146</sup> Авторнинг 1958—1964 йилларда тўплаган этнографик маълумотларидан.

<sup>147</sup> Обзор Самаркандской области за 1908 г., Самарканд, 1910, стр. 34.

<sup>148</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, сп. 14, д. 681, л. 136.

Суғориш ишлари билан боғлиқ бўлган ҳашарлар Бухорода иш объектига қараб, «ҳашари руд» ёки «ҳашари жўй» — магистрал каналларни лойқадан тозалаш учун ҳар йили уюштириладиган доимий ҳашар, «ҳашари банд» ёки «ҳашари варқ» — бош тўғонларни тиклаш ёки тузатиш ҳашари, «ҳашари дахана» ёки «ҳашари дарё-хўр» ва «сангкорлик» — канал бошини дарё ювиб кетган ёки дарёнинг асосий оқими ўз йўналишини ўзгартириб, канал даханаси четда қолган вақтларда ўтказиладиган ҳашар ҳамда оммавий ҳашар «марди вилоят» ёки «марди вило» номлари билан юритилган.

Ирригация ҳашарларининг муддати 8—12 кун бўлиб, ҳашарчиларнинг сони ҳар бир суғориш системасидан суғориладиган обикор ерларнинг майдони бўйича «курак»<sup>149</sup>, «мардикор» ёки «қўш» ҳисобида белгиланган. Ҳар бир «курак» ер майдони 10 «қўш»га тенг бўлиб, ҳашар вақтида бир курак ердан 10 мардикор ёки ҳар қўш ердан 1-мардикор қазувга чиққан. Айрим маълумотларга кўра, 274 та суғориш шохобидан иборат бўлган Шаҳруд ирригация системасининг 108 шохжўйи 574 курак<sup>150</sup> ёки 5770 қўш ер майдонини суғорган<sup>151</sup>. Ҳар йили Шаҳрудда 8 кундан уч марта ҳашар бўлиб, уни лойқадан тозалаш ва Дуоба тўғонини тузатиш учун 138 мингдан ошиқроқ мардикор куни сарф бўлган<sup>152</sup>.

Л. Н. Соболевнинг маълумоти бўйича, Бухоро воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган Харқонруд 1500 қўш, Шопуркомруд 900, Пирмаст ва Султанонобод 600, Вобкентдарё 1050, Зандана 1500, Ромитан 900, Хайдаробод (Хайробод) 1200, Коми Абумуслим 900 қўш ерни суғорган<sup>153</sup>. Бухоро воҳасининг суғориш системалари бўйича ҳар бир қўш ердан бир мардикор ҳашарга чиққан бўлса, уларнинг сони 14320 тага етган, 8 кунлик ҳашарда 114580 мардикор куни, 12 кунлик ҳашарда 171840 мардикор куни сарфланган.

Ишнинг ҳажми жиҳатидан дарёга ўрнатиладиган бош тўғонларнинг ҳашари айниқса катта бўлган. Масалан, Зарафшон дарёси ичига ўрнатилган Дарғом канали бош тўғонининг узунлиги 5—7 км бўлиб, уни қайта тиклаш ёки тузатиш учун ҳар йили баҳорда Дарғом ирригация системаси бўйича ҳар қўш ердан икки мардикор 15 кун ҳашарга чиққан. Архив ҳужжатларига кўра, бу тўғонни тузатиш учун 1914 йилда 12896 мардикор кунидан ташқари, 53837 боғ шох, 13873 боғ ҳашак сарф бўлган. Шох ва ҳашакларни ташиб келтириш учун 1436 арава банд бўлган<sup>154</sup>. Шунингдек, Чўпонота

<sup>149</sup> Наршахийнинг маълумотига қараганда «курак» термини аслида «корак», яъни экинзор ёки экин экилган ерлар маъносини англатган. «Дарвозайи Навда шаҳар дарвозасига туташган бир мавзе борки, уни «Кораки Алавиён» — «Али авлоди экинзори» дейдилар» — деб ёзади Наршахий, «Бухоро тарихи», 32-бет.

<sup>150</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 136.

<sup>151</sup> Л. Н. Соболев, Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, Записки Императорского русского географического общества, т. IV, СПб., 1874, стр. 255.

<sup>152</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 253, л. 14—15.

<sup>153</sup> Л. Н. Соболев, Уша асар, 254—255-бетлар.

<sup>154</sup> ЦГА УзССР, ф. И-20, оп. 1, д. 630, л. 25—27.

сув айирғич тўғонни тиклаш учун йилига 1000 тадан<sup>155</sup> 5000 та-тача ҳашарчи қатнашган<sup>156</sup>.

Абул Аббос Муҳаммад Толибнинг «Матлабат толибин» номли асариде келтирилган маълумотларга кўра, Дуоба тўғонни тузатишда 1000 та мардикор қатнашиб 10 минг харвор шох сарфланган<sup>157</sup>. Агар бош тўғонни тузатиш вақтида ҳашарчиларнинг сони озлик қилиб, дарёни боғлаш учун уларнинг кучи етмаса, ҳашарни бошқарувчи мироблар мардикорларнинг сонини кўпайтириш мақсадида ҳар қўш ердан 2 ёки 3 мардикор чақиритиш тўғрисида фармон қилганлар. Фармонга мувофиқ ҳар қўш ердан битта ҳашарчи чақирилса «яқмарда», иккита бўлса «думарда» ва учта бўлса «семарда» деб юритилган<sup>158</sup>. Агарда шунда ҳам ҳашарчилар озлик қилса, амирнинг рухсати билан «марди вилоят» чақирилган. Масалан, Шаҳруд тўғонини тузатиш учун «марди вилоят» чақирилганда 10 мингдан ортиқроқ мардикор тўпланган<sup>159</sup>.

Дарёга ўрнатиладиган бош тўғонларни тиклаш ёки тузатиш учун жуда катта куч ва кўпгина миқдорда инерт материаллар сарф бўлиши ва бу ишнинг ниҳоятда машаққатлигидан уларни доимо назорат қилиб, тартибда сақлаб туришга алоҳида эътибор берилган. Бош тўғонларни назорат қилиб тириш учун ўрта асрларда кўпинча «варқбон»лардан ташқари иншоот яқинидаги қишлоқларнинг аҳолиси сафарбар этилган. Масалан, X асрда Дарғом каналининг бош тўғонини кузатиш ва уни назорат қилиб туриш иши Варқсар раббидиннинг аҳолисига ҳукумат тўмонидан топширилиб, бунинг учун улар деҳқончилик солиғидан озод этилган<sup>160</sup>. Насафийнинг маълумотига кўра, XII асрда Варқсарда 40 минг аҳоли яшаган<sup>161</sup>. Шунингдек, X асрда Самарқанд шаҳарини сув билан таъминловчи «Жўйи Арзиз» новасининг таъмири учун шаҳар яқинидаги Саритоқ мавзидан келадиган даромад ажратилиб, самарқандлик оташпарастлар унга бандбон қилиб тайинланган эдилар. «Жўйи Арзиз» новасида қишин-ёзин бандбонлик қилганлари учун улар жон солиғидан озод этилган<sup>162</sup>. Чўпонота сув айирғич иншоотини тузатиш эса қадимдан Зиёвиддин, Каттақўрғон бекликлари ва Офаринкент туманининг

<sup>155</sup> А. Гребенкин, Уша асар, ўша жойда.

<sup>156</sup> В. В. Радлов, Средняя Зеравшанская долина, ЗИРГО, т. VI, СПб., 1880, стр. 12.

<sup>157</sup> Абул Аббос Муҳаммад Толиб, Матлабат толибин, ЎзССР, ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 60, варақ 261; Яна қаранг: П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 72.

<sup>158</sup> Информатор Ҳайитов Ҳотамбобо.

<sup>159</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 137.

<sup>160</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1963, стр. 133.

<sup>161</sup> Умар ибн Муҳаммад Насафий ас-Самарқандий, Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 5405, варақ 1<sup>6</sup>.

<sup>162</sup> В. В. Бартольд, Джу-и Арзиз, (К вопросу об истории ирригации в Туркестане), Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1967, стр. 275—276.

аҳолисига юкланган эди<sup>163</sup>. Шаҳруд каналининг бош тўғонини тартибда сақлаб туриш Дуоба атрофидаги 9 та қишлоқнинг аҳолисига юкланган эди<sup>164</sup>.

Ўрта Осиё халқлари тарихидан маълум бўлишича, мамлакатга ташқи душман бостириб келган вақтларда мудофаачи кучларга зарба бериш учун, кўпинча у магистрал каналнинг бош тўғонига ҳужум қилиб, сув иншоотларини бузиб юбориш ва водий аҳолисини сувсиз қолдиришга уринган. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган сув узеллари яқинида давлатнинг каттагина қуроли кучи сақланган. Масалан, Самарқанд воҳасининг асосий суғориш системаси ҳисобланган Даргом каналининг бош тўғони — Варқсар жойлашган Равотхўжа мавзеи илк ўрта асрлардаёқ мустаҳкам қалъага айлантирилган. XII асрда Равотхўжада 4 минг отлиқ суворий, 12 минг ғозийлардан иборат қўшин тутиб турилган<sup>165</sup>. XV аср охири ва XVI аср бошларида Равотхўжа Шовдар тумани доруғасининг қароргоҳи бўлган<sup>166</sup>.

Феодализм мулкчилиги шароитида суғориш ишларининг огир машаққатидан ташқари, сувдан фойдаланувчи оддий меҳнаткаш аҳоли «қўш пули», «лабаки пули», «миробона», «боқий пули» ва «қонпули» каби миробчилик ва ҳашарлар билан боғлиқ бўлган бир неча хил йиғим ва жарималарни тўлашга мажбур бўлган. Айрим маълумотларга кўра, «қўш пули» амир Шомурод томонидан жорий этилиб, у асосан ирригация иншоотларининг харжи учун сарфланган. Ҳар қўш ердан у 2 тангадан йиғиб олган<sup>167</sup>. Бу солиқ XIX асрнинг иккинчи ярмида «лабаки пули», «жўйча пули» ва «чиқир пули» номлари билан юритилиб, ундан жамғарилган маблағдан кўпинча Зарафшон дарёси сувининг тақсироти учун Самарқанд маъмуриятига ҳар йилги харажатларнинг ярмиси ёки ундан бир қисми тўлаб турилган. «Лабаки пули» лабакихўрлардан йилига 4 танга ҳисобда олинган. Масалан, Шаҳруд системасида жойлашган 166 «лабаки» шохобчаларидан 664 танга тўпланган<sup>168</sup>. Ўзбекистон Марказий Архивининг Қушбеги фондида сақланаётган кўпдан-кўп ҳужжатларга қараганда, «лабаки пули, жўйча пули, чиқир пули» каби суғориш билан боғлиқ бўлган йиғимларнинг ҳаммаси XIX асрнинг иккинчи ярмида давлат хазинасига келиб тушган<sup>169</sup>.

Суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш ёки сув иншоотларини тузатиш вақтида ҳашарга чиқмаганлардан «боқий пули» жаримаси удириб олинган. «Боқий пули» икки хил бўлиб, биринчиси «боқийи нами жўйи» ва иккинчиси «боқийи опособий» деб юри-

<sup>163</sup> Ирригационная система реки Зеравшана. «Гуркестанский сборник», т. 152, л. 42.

<sup>164</sup> Абул Аббос Муҳаммад Толиб, Матлабат толибин, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма, инв. № 60, варақ 261. Яна қатанг: П. П. Иванов, Ўша асар, 336-бет.

<sup>165</sup> Насофий, «Қандия», Қўлёзма, инв. № 5405, варақ 15<sup>б</sup>.

<sup>166</sup> Бобирнома, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 118-бет.

<sup>167</sup> Л. Н. Соболев, Ўша асар, 389—390-бетлар.

<sup>168</sup> ЦГА ЎзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 137.

<sup>169</sup> ЦГА ЎзССР ф. И-126, оп. 1, 597, л. 1, 3, 4, 5, 8, 9—18; д. 588, л. 1—30.

тилган<sup>170</sup>. Улардан бири суғориш тармоқларидаги қазувга чиқмаганлардан, иккинчиси тўғон ҳашарига келмаганлардан ундирилган. «Боқий пули» ҳашарга чиқилмаган ҳар куни учун икки танга ҳисобида олинган<sup>171</sup>. Магистрал каналларнинг бош тўғонини тиклаш вақтида жонлиқ сўйиш учун ҳашарчилардан «қон пули» йиғилган<sup>172</sup>. Булардан ташқари, арбоблар, пойкорлар ва жуйбонларнинг хизмати учун Бухоронинг деҳқон аҳолиси натура шаклида «миробона» ёки «арбобона» тўлаган.

Катта машаққат билан суғориш тармоқларига боғлаб олинган сув зироатчиларнинг экин майдонлари ҳажмига қараб белгиланган тартиб бўйича тақсимланган. Суғориш шохобларнинг бир кечаю бир кундузги оқими қуйи Зарафшонда «сув» деб аталган. «Сув» икки «тоқа» ва тоқа эса тўрт «чорак»дан иборат бўлган. Чорак ўз навбатида «нимча» ва «ниминимча»ларга бўлинган.

Меҳнаткаш деҳқон аҳолиси ўртасида сув тақсимотининг тартиби, кам ерли деҳқонларнинг ҳақобаси (улуш суви) ва уларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари 1958 йилда Бухоронинг Нолбандон қишлоғида истиқомат қилувчи кекса деҳқон Наврўзов Ҳамдамбобонинг қуйидаги қисқача ҳикоясида яққол намоён бўлади: «Мен 5—6 ёшда эдим, отамдан меросга қолган 3 таноб еримиз ва «нимча» сувимиз бор эди. Шу ердан ярим танобига онам ғўза эккан эди. Ғўза шоналаб, «гармоб» охирлаб қолган вақтда онамга ҳам суғориш навбати келиб қолди. Ғўзани суғориш учун онам 2 чақирим юқоридан бизнинг ариққа сув боғлаб келди. Ариқдаги сув 2 чақиримлик масофада оқиб келиб, еримизга кирар-кирмас навбатимиз тугаб, уни бошқа навбатчилар боғлаб олган эди. Шу пайт онам сув боғлаб олган деҳқоннинг олдига бориб, жанжал қилди. Мен сув боғланган жойдан ариққа сомон ташлайман, у еримга оқиб киргандан сўнг сен ариқни боғлайсан, деди. Бизнинг ҳақобамиз эса суви боғлаб олинган ариқда қолиб кетган эди. Бироқ сувни боғлаб олган деҳқон онамнинг гапига қулоқ солмади. Шу пайт онам лўхдан тўқилган кашшанинг икки кўзини мия ўт билан тўлдириб, уни бўйнига осиб олди ва ариққа тушиб кашша билан ариқда тўхтаб қолган сувни еримизга томон ҳайдай кетди. Шу тариқа онам ярим таноб ғўзамизни суғориб олганлиги эсимда»<sup>173</sup>.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида ирригация ишларини бошқарувчи анчагина мураккаб сув хўжалиги мавжуд бўлиб, унинг таърихи шубҳасиз бухоролик деҳқонларнинг асрлар давомида сув учун олиб борган машаққатли кураши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

<sup>170</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 681, л. 134.

<sup>171</sup> Ўша архив, варақ 146.

<sup>172</sup> Ўша архив, варақ 137.

<sup>173</sup> Авторнинг 1958 йилда тўплаган этнографик материалларидан.

## ХУЛОСА

Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданияти марказларидан бўлган Зарафшон водийсида кўп йиллардан бери олиб борилаётган археологик тадқиқотлар узоқ ўтмишнинг турли даврларига мансуб турли-туман моддий маданият обидаларини топиб ўрганиш билан бир қаторда, бу қадимги воҳанинг, хусусан, унинг қуйи қисмининг суғорилиб обод этилиш тарихини ёритиш имконини берди. Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихи — бу бухороликларнинг асрлар давомида сув учун олиб борган кураш тарихидир. Бу тарих, бронза даврида (милодгача бўлган II минг йиллик) Зарафшон дарёсининг этакларида тошқин сувларни атрофга тараб деҳқончилик қилган замонбоболик қадимги деҳқонлар яратган ибтидоий суғориш тармоқларидан тортиб то замонамизнинг улкан суғориш артерияси — Аму — Бухоро каналигача ўз ичига олган воҳа ирригациясининг тараққиёти тарихидир. Бу Шаҳруд, Ромитанруд, Шофирконруд, Харқонруд, Султонобод, Абумуслим, Зандана ва Пирмаст каби йирик суғориш тармоқларини қазиб чиқарган ва қуйи Зарафшонда Бухоро, Пайкент, Ромитан, Варданзе ва Варахша сингари қадимги шаҳарларни бино қилиб, воҳани суғориб обод этган ҳамда ўз билак кучи билан ўзлаштирилган воҳани ташқи душманлардан мудофаа этиш учун қадим замонлардаёқ унинг атрофини замонасининг улкан мудофаа иншооти — Қанпирак девор билан ўраб олган қадимги бухороликларнинг ирригация хўжалиги соҳасида тўплаган беҳад бой тажрибасининг тарихидир.

Ўзининг унумдор лойқа ётқизиқлари билан Зарафшон водийсини бунёд этган ва бу водийнинг суғорилиб обод этилишида ҳаётбахш роль ўйнаган ягона сув манбаи қадимда «Мосиф» ва «Номиқ» дарёси деб юритилган. Юнонистоннинг антик дунё муаллифлари ўз асарларида уни «Политимет», яъни «Улуғ» ёки «Азим» дарё деб ёзадилар. X аср араб географлари уни «Води ус-Суғд», «Наҳр ус-Суғд» ва «Наҳр ул-Бухоро» номлари билан тилга оладилар. Ўрта асрларда у «Харомком» ва «Кўҳак» дарёси номлари билан машҳур бўлган. Кейинчалик, «Қоракўлдарё» номини олган унинг қуйи оқими эса «Руди Сомжан», «Наҳри Шарғ», «Наҳри Журғ» ва «Руди Нав-



фар» деб юритилган. XVIII асрдан бошлаб унга «Зарафшон», яъни «Зар сочувчи» номи берилган.

Зарафшон дарёси Амударёнинг қадимги ирмоғи бўлган. Ҳазора дарбандидан ўтгач, у Бухоро ва Қоракўл воҳаларидан иборат ўзининг қуйи дельтасини ҳосил этган. Водийнинг суғорилиб обод этилгунига қадар қадимги даврларда ирригация шохобларига ҳали боғлаб олинмаган Зарафшон дарёси оқимининг деярли ҳаммаси Бухоро воҳасига томон жўш уриб оққан. Ўзининг қуйи қисмида у Вобкентдарё (қадимги Хитфар), Моҳондарё ва Тайқир каби бир неча ирмоқларни ҳосил қилган. Қоракўл воҳасининг бошланиш қисмида қадимда. Қарши даштини кўндалангига кесиб ўтган Қашқадарёнинг суви ҳам жануби-шарқдан келиб унга қуйилган. Қоракўл воҳасини кесиб ўтгач, Зарафшон дарёсининг оқими Қизилқум ичкарасига ёриб кирган ва йўл-йўлакай бир қанча кўл ва кўлмаклар ҳосил қилиб, икки ердан Амударёга бориб қуйилган.

Зарафшон дарёсини Амударё билан боғлаган қадимги ирмоғи Моҳондарё бўлиб, у Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий бурчагига жойлашган Яккатут қишлоғи яқинида Қоракўлдарёнинг ўнг соҳилдан бош олган. Унинг қарийб 150 км ли қуриб қолган қадимги ўзанининг излари Қоракўл воҳасининг шимолида Қизилқум ичида жуда яхши сақланган. Моҳондарёнинг ўзанларидан бири — Чоржўй шаҳридан тахминан 80 км қуйироқда Оқрабод яқинида Шўрётқ, Сарибой, Поянда, Қумсувлот ва Жарсувлот каби бешта, иккинчиси қарийб 100 км қуйироқда Нарғизқалъа яқинида Охурсувлот, Юлғунли ёки Жилғиндисувлот, Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот, Сувлисувлот ёки Дигисувлот каби тўртта чуқур ва кенг каньонлар ҳосил қилиб, Амударёнинг ўнг қирғоғини қирқиб тушган. Неолит даврида (милоддан аввалги IV—III минг йиллик) Зарафшон ўз сувини Моҳондарё орқали Амударёга доимо қуйиб турган. Бу даврда ҳозирги Бухоро воҳасининг каттагина қисми Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли асарида тасвирланганидек, кўл ва кўлмаклар, ботқоқлик ва тўқайзор ҳамда бутазорликлар билан қопланган эди. Қуйи Зарафшоннинг бундай табиий шароити тош даври овчи ва балиқчиларининг яшаши учун жуда қулай бўлган.

Я. Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳондарё археологик отряди 1950—1961 йилларда Бухоро воҳасида чақмоқтошдан ясалган тош қуролларга ниҳоятда бой неолит даврининг бир қанча ёдгорликларини (Учтут шахтаси ва тош қуроллар яшаш устахонаси, Қизилқир, Дарбозақир, Каттатузкон, Кичиктузкон ва бошқа кўпгина маконлар) топиб текширди. Неолит даври овчи ва балиқчи қабилаларининг моддий маданият қолдиқлари Зарафшоннинг қадимги қуруқ ўзанлари Моҳондарё ва Гужайли бўйлаб айниқса кенг тарқалган. Қалтаминорликлар маданиятига мансуб бўлган бу ёдгорликлар шубҳасиз қуйи Зарафшонда тош даврининг охирларидан бошлаб аҳоли яшаганидан гувоҳлик беради.

Бухоро воҳасида ибтидий деҳқончилик ва чорвачиликка асос солган қадимги аҳолининг моддий маданият қолдиқлари Гужайли сувларидан ҳосил бўлган қадимги Замонбобо кўли атрофида (43 та

қабр ва бўйи 23,5 м, эни 9 м ва чуқурлиги 1 м ли тухумсимон шаклдаги чайла қолдиқлари) топиб текширилди. Бронза даврига мансуб бўлган ёдгорликлар археология фанида «Замонбобо маданияти» номини олди. Замонбоболик ибтидий деҳқонлар неолит даврида қуйи Зарафшонда истиқомат қилган овчи ва балиқчи қабилаларнинг бевосита авлодлари ва уларнинг меросхўрлари бўлган. Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида қуйи Зарафшонда аҳоли айниқса гавжум яшаган. Фанда АндрONOва-Тозабоев маданияти номини олган дашт бронзасига мансуб ёдгорликларнинг Бухоро қадимги суғорилган ерларида кўплаб топилиши бунинг ёрқин далилидир.

Мохондарёнинг тошқинлари атрофида ибтидий деҳқончилик вужудга келиб, суғорма деҳқончиликка асос солинган бўлса-да, бироқ Зарафшоннинг қадимги бу ирмоғи ҳавзасида йирик суғориш тармоқлари бунёд этилмади. Чунки бронза даврида оқими анча сусайиб, эндиликда суви Амударёгача етиб бормай қолган Моҳондарё милоддан аввалги I минг йиллик бошларида деярли қуриб қола бошлаган эди.

Қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, суғорма деҳқончиликнинг кенгайиши ва Бухоро воҳасининг ирригация жиҳатидан интенсив равишда ўзлаштирилиши милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу даврда Зарафшоннинг қуйи ирмоқларидан энг йириги қадимги Хитфар ҳавзасида суғорма деҳқончилик ҳаёти айниқса ривожланади. Бухоро воҳасининг ҳозирги ғарбий чегарасидан ғарб ва жануби-ғарбга томон қарийб 20—25 км Қизилқумга туташиб кетган Урганжий даштига кириб борган Хитфарнинг дельта характеридаги шохоблари бўйлаб милоддан аввалги III—II асрларда узунлиги 6—7 км, кенглиги 20 м ли унчалик катта бўлмаган суғориш системалари пайдо бўлади. Кўпроқ дарё шохобининг қуйи оқимидан бош олган бундай локал типидagi ирригация тармоқларида бир неча ёдгорликлар комплексидан иборат Қизилқир, Боштeпа ва Қоратепалар каби антик давр қасрлари қад кўтаради. Баланд такурси устига қалин паҳса ва йирик форматдаги хом ғиштлардан квадрат шаклда бино қилинган Бухоронинг қадимги бу монументал бинолари теварак-атрофида, худди Хоразмнинг антик давр шаҳар ва қалъалари ёнида истеҳкомсиз очиқ қишлоқларнинг мавжудлиги характерли бўлганидек, чайла типидagi бир қанча турар-жойлар жойлашган.

Қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликлар ва улардан қазиб олинган турли хилдаги археологик топилмаларнинг бой коллекцияси милодгача бўлган III аср охири ва II асрларда зарб этилган Евтидем обoли ва унга тақлидан суқилган Бухоронинг маҳаллий ҳокимларининг кумуш тангалари ҳамда милоддан аввалги I аср ўрталарида чиқарилган Гиркоднинг кумуш пуллари билан саналади.

Кейинги йилларда Бухоронинг кўҳна зиндони яқинида олиб борилган археологик қазишлар натижасида Бухоронинг илк ўрта аср

шаҳристонни остида милоддан аввалги IV—III аср маданий қатламнинг мавжудлиги аниқланди. Бу шубҳасиз ҳозирги Бухоро шаҳари ва унинг атрофлари македониялик Искандарнинг Урта Осиёга қилган юриши даврларидаёқ сугорилиб обод этилганидан далолат беради.

Урта Осиёнинг бошқа катта-кичик дарё водийларида содир бўлганидек, қуйи Зарафшонда ҳам қадимги ирригация хўжалигининг кенгайиб дарёдан бир неча ўн километрга чўзилган магистрал каналларнинг чиқарилиши милоднинг I—II асрларига тўғри келади. Бу даврда қуйи Зарафшонда Шаҳруд, Ромитанруд, Зандана, Қалқонруд каби бир қанча йирик сугориш тармоқлари барпо этилиб, Бухоро воҳаси максимал даражада сугорилиб ўзлаштирилади. Бироқ шуниси ҳам борки, милод бошларида дарё оқимининг антик даврнинг йирик сугориш системалари бўйлаб таралиб кетиши оқибатида Вобкентдарёнинг этакларида жойлашган милоддан аввалги III—I асрларда обод этилган Қизилқир ва Боштета воҳчаларига дарё суви етиб бормай, улар сувсизликдан қуриб, аҳолиси томонидан ташлаб кетилади.

Бухоронинг қадимги сугорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотлардан ҳамда уларнинг аэрофотосуратларини дешифровка қилишдан аниқланишича, милод бошларида Бухоро воҳасининг Вобкентдарё ҳавзасига жойлашган ғарбий қисмида суғорма деҳқончилик ерлари майдони айниқса кенгайди. Бу даврда қуйи Зарафшоннинг сугорилиб обод этилган ерларининг ғарбий ва шимоли-ғарбий чегараси ҳозирги воҳа чегарасидан жанубда 20—25 км ва шимолда 10—12 км ташқаридан, Урганжий даштининг ичкарисидан ўтган. Жанубдан шимолга томон қарийб 55 км чўзилган бу қадимги деҳқончилик массивининг майдони тахминан 75—100 минг гектарга тенг бўлган. Бу қадимги деҳқончилик воҳасининг шимолий қисми милод бошларида Вобкентдарёдан бош олган Зандана ва Ромитанруд, марказий қисми узунлиги 30 км ли Субуқ ва жанубий қисми эса Варахша каналлари орқали сугорилиб, Қўргони Ромитан ва Варахша каби антик даврнинг шаҳар типигаги мустақкам қалъалари қад кўтарган. Милод бошларида қуйи Зарафшонда бундай йирик сугориш системаларининг барпо этилиб, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, шубҳасиз, Урта Осиёда Кушан подшолиги ташкил топиб, мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан марказлашуви билан боғлиқ бўлган.

IV—V асрларда Урта Осиёда содир бўлган иқтисодий ва сиёсий тушқунлик натижасида қуйи Зарафшоннинг антик давр ирригацияси вайрон бўлиб, воҳанинг ғарбий қисми сувсизликдан деярли қуриб қолган ва аҳолиси томонидан ташлаб кетилган. Бу даврда Бухоро воҳасининг ғарбий чегараси анча-мунча торайиб, у Варахшадан 10—12 км шарқдан ўтган.

Археологик текширишлардан маълум бўлишича, узоқ вақт давом этган вайронликдан сўнг V аср охирлари ва VI аср бошларида бу қадимги воҳанинг сугориш тармоқлари қайта ишга солиниб, антик давр охирларида сувсизликдан қуриб қолган воҳанинг ғар-

бий қисми яна обод этилган. Илк ўрта асрларда Зарафшон дарёсидан Шофрикон ва Абумуслим каби йирик сугориш каналлари чиқарилиб, Бухоро воҳасининг шимолий ва шарқий қисмлари сугорилиб ўзлаштирилади. VI—VII асрларда шимолда Қўрғони Вардонзе ва ғарбда Варахша атрофлари айниқса обод этилиб, улардан биринчисида Бухоронинг маҳаллий феодал ҳокимларидан вардон худотларнинг, иккинчисида эса бухорхудотларнинг қароргоҳи жойлашган эди.

Қуйи Зарафшоннинг ўрта аср ирригацияси айниқса IX—XII асрларда ривожланган. Археологик тадқиқотлардан аниқланишича, бу даврда Бухоро воҳасининг ғарбий чегараси яна 20—25 км кенгайиб антик даврнинг Боштёпа ҳамда Қизилқир ёдгорликлари комплекси жойлашган районгача етиб борган. Унинг шимоли-ғарбий чегараси ҳам 10—12 км ғарбга томон кенгайиб Хўжапурсон ва Хўжакултепалар каби X—XII аср шаҳар харобаларини ўраб ўтган. IX—XII асрларда Бухоронинг ғарбий қисмида қайта ўзлаштирилган ерларнинг умумий майдони тахминан 100—120 минг гектарга тенг бўлган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Бухоронинг 22 обод рустоқларидан 15 таси воҳанинг атрофини ўраган қадимги мудофаа девори «Каппирак»нинг ичида бўлган. Бухоро воҳаси X асрда Қармания, Шофрикон, Ҳарқонат ул-Улё, Ҳарқонруд, Говхитфар, Сомжан, Пайкон, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Фифар, Зар, Навканда, Варахша, Кушна, Ромитан ва Хома каби йигирмага яқин ирригация тармоқлари орқали сугорилган. Биргина Варахша канали 12 шохобга бўлинган.

IX—XII асрларда қуйи Зарафшонда суғорма деҳқончиликнинг кенгайиб, ирригациянинг ривожланиши Араб халифалиги ҳукмронлиги тугатилгач, ўз мустақиллигини тиклаб олган Мовароуннаҳрда, аввал Сомонийлар (IX—X асрлар) сўнгра Қорахонийлар (XI—XII асрлар) каби йирик феодал давлатларнинг ташкил топиши мамлакатда содир бўлган иқтисодий ва маданий тараққиёт билан боғлиқ эди. Бу даврда илм ва фаннинг, айниқса аниқ фанларнинг ривожланиши сугориш ишларининг кенгайишига ва ирригация техникасининг тараққиётига катта таъсир этади. Ирригация соҳасида бой тажрибага эга бўлган маҳаллий ирригаторлар илк ўрта асрлардаёқ инженерлик асосида қурилган Жуйи Арзиз новаси, Хонбанди ва Фиштбанд сув омборлари каби замонасининг улкан сув иншоотларини барпо этадилар. Сув иншоотларини қуришда қадимги ирригаторлар сув оқимининг динамик ва босим кучларини ҳисобга олган ҳолда мураккаб техникавий масалаларни аниқ инженерлик ҳисоби асосида ижодкорона еча олганлар. Масалан, X аср сув омбори Хонбанди тўғонининг инженерлик ҳисобларига кўра, кўндаланг кесми бўйича у харсанг тошлардан бино қилинадиган ҳозирги замон иншоотлари билан деярли бир хилда қурилган. Шуниси диққатга сазоворки, ҳали цемент ихтиро этилмаган илк ўрта асрлардаёқ сув ва намликка чидамли махсус гидравлик қурилиш қоринмалари кашф этилиб, улардан ирригация хўжали-

гида, хусусан сув иншоотлари қуриш ва канализация қувурларини ётқизиш ҳамда бино пойдеворларини ўрнатишда кенг фойдаланилган.

XII асрда Мовароуннаҳрда содир бўлган иқтисодий ва сиёсий тушкунлик натижасида қуйи Зарафшоннинг ирригация хўжалиги инқирозга юз тутиб, Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидаги қадимги суғорилган ерлар, хусусан Варахша атрофлари сувсизликдан қуриб қолади.

XIII аср бошларида Чингизхоннинг Ўрта Осиёга ҳужуми ва мўғул истилочиларининг бир ярим асрлик ҳукмронлиги забот этилган бошқа вилоятлардагидек, Зарафшон водийсининг иқтисодий ва маданий ҳаётига, айниқса, унинг деҳқончилик хўжалигининг асоси бўлган ирригациясига катта зарба берди. Бухоро воҳасининг ирригацияси фақат XIV аср охири ва XV аср бошларига боргандагина тикланган эди.

Ўрта Осиёда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда Тимур ва Тимурийлар, XVI асрда Шайбонийлар давлатларининг ташкил топиши ва мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан бирлашуви унинг иқтисодининг мустақамланишига ҳамда ирригация қурилишларининг жонланишига олиб келган эди. Бу даврда Зарафшон водийсида бир қанча йирик суғориш тармоқлари ва ирригация иншоотлари барпо этилиб, воҳанинг суғорилиб обод этилган ерларининг майдони бирмунча кенгайди. Водийнинг юқори қисмида Туятортар канали чиқарилиб, Зарафшон дарёсининг суви ҳатто Жиззах воҳасига ча олиб борилади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида суғориш ишларининг кенгайишида ўша даврнинг катта ер эгаси бўлган руҳоний феодалларидан Жўйборий хўжалар муҳим роль ўйнайдилар. Ўз тасарруфларидаги феодал хўжаликни кенгайтириш ҳамда хонлиқнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тутган ўз нуфузларини ошириш мақсадида Бухоронинг Жўйборий хўжалари Амударё, Зарафшон, Чирчиқ, Вахш ва Мурғоб дарёларидан бир қанча йирик суғориш каналлари чиқариб, катта-катта ер массивларини суғориб ўзлаштирадилар. Бу даврда биргина қуйи Зарафшонда Жўйборий хўжалар томонидан Шаҳруд ирригация системасидан алоҳида канал қаздирилиб, Бухоро воҳасининг жануби-шарқига ёндашган қадимги Сомонжук, (Хўжа Қааб) даштига, Воситдарёдан Афшана қишлоғи орқали ўтказилган канал воситаси билан воҳанинг шимол-ғарбий қисмига туташган Қизилқум этакларига ҳамда Ромитанруддан Севинж қишлоғи томон олиб чиқилган канал орқали Урганжий даштига сув чиқарилган.

Бухоро воҳасининг ғарбида қадимги суғорилган ерларда ўтказилган археологик тадқиқотлардан аниқланишича, XII асрлардаёқ сувсизликдан қуриб қолган ерларнинг шарқий қисми XV—XVI асрларда қайта ўзлаштирилиб, воҳа ғарбга тамон 5—8 км га кенгайган. Бухоронинг ҳозирги Свердлов ва Ромитан районларининг ғарбий чегарасига туташган қадимги Варахша воҳасининг атрофларида қайд этилган XV—XVI аср моддий маданият қолдиқлари-

га қараганда, бу даврда суғорилиб қайта ўзлаштирилган ерларнинг майдони жанубдан шимолга қарийб 30 км ва шарқдан ғарбга 5—6 км чўзилиб, у тахминан 15—18 минг гектарга тенг бўлган. Бу даврда Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмига ёндашган Хўжапорсон ва Хўжақул каби ўрта аср шаҳар харобаларининг атрофлари қайта обод этилиб, бу районда қарийб 5—6 минг гектар янги ер ўзлаштирилган. Бухоронинг шимоли-ғарбий чегараси 7—8 км ташқарига, яъни ғарбга томон кенгайган.

XVI асрда ёғоч, шох-шабба, тош ва чимлардан қурилган оддий тўғонлардан тортиб, қир ва ганч, тош ва пишиқ гиштлардан бино қилинган инженерлик типидagi гидротехника иншоотларини қуришда Зарафшон водийси Ўрта Осиёнинг ўрта аср тажриба лабораториясига айланган. Бу даврда Шайбонийхон сув айирғич кўприги, Пули Кармана, Пули Меҳтар Қосим, Пули Чаҳорминор, Пули Жондор каби сув ўлчагич ва тақсимлагич иншоотлар ҳамда Абдуллахонбанди сув омбори каби замонасининг йирик сув иншоотлари қурилиб ишга туширилади. XVI аср сув омборининг тўғони — Абдуллахонбанди сув омборидан ертиқча сувларни чиқариб юборадиган сув ташлагич, жамғарилган сувларни вегетация даврида экин ерларига чиқариш учун тўлалар билан бошқарилувчи олди очиқ қудуқли дарвоза ҳамда тўғон остидан қўдаланг ўтказилган туннеллар билан таъминланган бўлиб, инженерлик иншоотлари комплекс жиҳатидан ҳозирги замон сув омборлари билан деярли бир хилда қурилган эди.

Тарихий манбалар ҳамда сув иншоотларининг инженерлик ҳисобларига кўра, XVI асрнинг гидротехника обидалари аввалдан тайёрланган лойиҳалар — тархлар асосида қурилиб, тархлар хандаса (геометрия), фаровиз (математика) ва меъморийлик билимларини мукаммал эгаллаган мухандислар томонидан тайёрланган. Мухандислар ирригация қурилишларида бевосита бошчилик қилган.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида феодал тарқоқликнинг кучайиши ҳамда Хива хонлиги билан бўлган ўзаро урушлар натижасида қуйи Зарафшоннинг ирригация хўжалигига путур етиб, суғорма деҳқончилик ерларининг майдони қисқариб кетади. XV—XVI асрларда воҳанинڭ ғарбий қисмида қайта ўзлаштирилган Варахшанинڭ шарқий ва шимолий томондаги ерлар ҳамда қалъайи Симинч, Хўжапорсон ва Хўжақул атрофлари сувсизликдан батомом қуриб, аҳоли томонидан ташлаб кетилади. XVI асрдаги чегарага нисбатан воҳанинڭ ғарбий қисми 7—8 км, баъзи участкаларда эса 10—12 км шарққа томон қисқарган. Бу даврда Хива хонларининг, хусусан, Анушанинڭ (1663—1687) мугтасил Бухорога қилган ҳарбий ҳужумларига қарши воҳанинڭ ғарбий чеккаси бўйлаб мудофаа қалъаларига айлантирилган Қоравултепа, Қалъайи Симинч, Қалъайи Маллабек ва Шаҳри Ислонлардагина ҳаёт давом этган.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида манғитлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, марказий ҳокимият сиёсий мавқенинڭ мустаҳкамланиши ва Россия билан иқтисодий

алоқаларининг кенгайиб бориши хонлик экономикасининг бирмунча яхшиланишига ва ирригация ишларининг жонланишига олиб келди.

Моҳондарё археологик отрядининг узоқ йиллар мобайнида қуйи Зарафшонда олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, Бухоро воҳаси суғорилишининг тарихий тараққиёти мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан марказлашув даврларига тўғри келади. Ирригация хўжалигининг инқирозга юз тутиб, йирик суғориш системалари бўйлаб суғорилиб обод этилган воҳаларнинг сувсизликдан қуриб, аҳолиси томонидан ташлаб кетилиши ва уларнинг ҳувиллаб қолиши эса аввало вайронгарчилик келтирувчи урушлар, феодал тарқоқлик ва маҳаллий ҳокимлар ўртасида тожу тахт учун бўлган курашлар оқибатида содир бўлган. Бироқ шуниси ҳам борки, қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерларининг батомом қуриб, кўчма қумлар остида қолиб даштга айланишига, водийнинг юқори қисмида суғорма деҳқончилигининг кенгайиб, дарё суви сарфининг ортиб кетиши ҳам сабаб бўлган. Чунки Зарафшон дарёсининг суғориш қобилияти водийдаги суғорма деҳқончиликка яроқли бўлган ер майдонидан 32 марта кичик бўлиб, у бу ерларнинг фақат бир қисминигина суғора олган, холос. Шунинг учун ҳам водий ирригация жиҳатдан тўла ўзлаштирилиб, обод этилган қадим замонларданоқ юқори ва қуйи қисмларининг кенгайиши шубҳасиз биринчиси ёки иккинчисининг ҳисобига содир бўлган. Шу сабабли бўлса керак қадимдан Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида Зарафшон дарёси сувини тақсим қилиш жорий этилган.

Зарафшон водийсининг қадимги ирригаторлари ва соҳибкор деҳқонлари Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида дарё сувини тўғри тақсимлаш ва ундан рационал фойдаланиш мақсадида Зарафшон оқимида содир бўладиган ўзгаришларни: кўп сувли давр «вақти фуруб», ўртача сувли—«вақти миёноб» ва кам сувли—«вақти қиллат» белгилаб, дарё тошқинларининг: «нарзоб» ёки «Баховуддиннинг суви», «лоёб», «гармоб» ва «хунуқоб» жадвалини ишлаб чиққан эдилар. Узаро сув тақсимоти вақтида дарёдаги сувнинг умумий миқдорига қараб Самарқанддан Бухорога сув ташлаш учун вегетация даврида бир ой муддат билан икки марта, аввал 15 апрелдан 15 майгача, сўнгра 15 августдан 15 сентябргача «об-парта» ёки «нимжўй» усуллари қўлланилган. Водийнинг сув хўжалиги амир, бек, оталиқ, қушбеги, қози, амини об, мироб, панжабеги, манқуват, варқоб, жуйбон, арбоб ва пойкорлардан иборат ўрта асрнинг сув маъмурияти томонидан бошқарилиб, барча ирригация қурилишлари ҳашар усулида меҳнаткеш деҳқон ҳисобига амалга оширилган.

Шубҳасиз, Зарафшон водийси ягона ҳокимият қўл остида бўлган даврларида Самарқанд ва Бухоро ўртасида дарё сувининг тақсимоти хонликнинг сув хўжалиги маъмурлари томонидан бошқарилган. Бироқ водийнинг юқори қисми подшо Россияси қўл остига ўтгач, Бухоронинг сув таъминоти масаласи икки давлат ўртасида ҳал қилиниши зарур бўлган сиёсий масала тусини олган. Ўрта Осиёда подшо Россиясининг мустамлакачилик планини

амалга оширишда чексиз ҳуқуққа эга бўлган Туркистон генерал-губернатори Бухоро учун сув боши бўлган Самарқанд воҳасининг қўлга киритилишига катта аҳамият берган. Сув бошини қўлда сақлаб қолишни у Бухоро хонлигини «итоатда тутиб туришнинг гарови» деб ҳисоблаган.

Ўрта Осиёда, шу жумладан, Зарафшон водийсида ҳам Туркистон маъмурияти ўлканинг ички ишларига, хусусан ирригация хўжалигига аралашмай, бетараф қолишни афзал кўрса ҳам, аммо сув масаласидаги вазият уни ўз гирдобига тортади. XIX асрнинг 70-йилларидаёқ рус ирригаторлари томонидан водий сув хўжалигининг умумий ҳолати, айниқса, Зарафшон дарёсининг сув баланси, водийдаги экин ерларининг майдони, зироатлар нави ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб, шу асосда Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёсининг оқимини баробар тақсимлаш жорий этилади.

Туркистон маъмурияти тамонидан ўлкада ер сув ҳамда солиқ масалалари хонлик давридагига нисбатан бирмунча тартибга солиниши билан ўтган асрнинг 80—90-йилларидан бошлаб Самарқанд воҳасида суғорма деҳқончилик, айниқса шоликорлик кенгайиб, Бухоро воҳасида сув танқислиги кучаяди. 1895 ва 1902 йилларда Самарқанд ва Бухоро ўртасида ўзаро сув тақсимотининг доимий комиссияси тузилади. Зарафшон водийсининг ҳар икки қисмида обикор ерларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, мазкур комиссиянинг 1902 йил 12 март қарорига мувофиқ, Зарафшон дарёсида сувнинг оз ёки кўп бўлишидан қатъи назар унинг 67 проценти Самарқанд воҳаси учун қолдирилиб, қолган 33 проценти Бухоро хонлигига ташлаш жорий этилади.

Бухоро воҳасининг сув таъминотини яхшилаш учун ўтган асрнинг 70—80-йилларида, аввал, Аҳмад Дониш, сўнгра рус инженер-ирригаторлари З. Жижемский, М. Н. Анненков ва Х. В. Гельманлар томонидан Амударёдан Бухорога сув чиқариш ҳамда 80—90-йилларда З. Жижемский ва Н. Петровскийлар томонидан эса водийда сув омборлари барпо этиш каби иккита муҳим ҳаётий масала кўтарилди. Амударёдан сув чиқариш масаласи бўйича 1886 йилда М. Н. Анненков ва 1912—1914 йилларда Е. Н. Блумберглар, сув омборлари юзасидан 1899—1900 йилларда Н. Петровский ва 1913—1915 йилларда А. В. Чаплигинлар томонидан махсус текширишлар ўтказилиб, Аму—Бухоро каналининг Келиф ва Чоржўй вариантлари ҳамда юқори ва ўрта Зарафшон сув омборларининг дастлабки лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бироқ Ўрта Осиёда кам харж қилиб, ундан кўпроқ фойда ундириб олишга ҳаракат қилган подшо самодержавиесининг Туркистондаги маъмурлари суғориш ишларига нисбатан тутган расмиятчилиги ва лоқайд муносабати, бунинг устига Биринчи жаҳон урушининг бошланиши оқибатида рус ирригаторларининг Амударё, Сирдарё, Мурғоб ва Тажан дарёлари ҳавзасида олиб борган текширишларидек, Зарафшон водийсида ўтказилган тадқиқотлари ҳам охиригача етказилмади.



Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси Ўрта Осиёнинг барча дарё ҳавзаларидаги сингари Зарафшон водийсида ҳам ирригация хўжалигининг ривожланиши учун беҳад истиқболлар очиб берди. Совет даврида Зарафшон водийсида «1-май», «Оқ ва Қорадарё», «Дамхўжа», «Октябрь 50 йиллиги», «Хархўр», «Дуоба» гидроузеллари; Қаттақўрғон, Қуйимозор сув омборлари каби замонамизнинг улкан ирригация иншоотлари қурилиб, Зарафшон дарёси бутунлай жиловланди. Аму-Бухоро ва Аму-Қоракўл машина каналлари қурилиб, асрлар давомида сув тансиқлиги остида қолиб келган Бухоро воҳаси сув билан тўла таъмин этилибгина қолмай, балки янги ерларни ўзлаштириш имкониятлари туғилди. Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихига, айниқса, водий деҳқонларининг сув учун олиб борган кураш тарихига назар ташланса, Совет даврида Зарафшон водийсида амалга оширилган ирригация қурилишлари ўлканинг ўтмишига хотима бериб, уни нақадар яшнатиб юборгани янада яққолроқ намоён бўлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати Ўрта Осиёда бундан буён ҳам ирригация қурилишларини ривожлантириш учун ғамхўрлик қилаётган ҳозирги вақтда Зарафшон водийси ирригация хўжалигининг кенгайиш истиқболлари жуда катта. Биргина Аму-Бухоро машина каналининг иккинчи навбат қурилиши билан қуйи Зарафшонда 15 минг гектар, Амударё суви билан эса умуман яна 200 минг гектар қадимги суғорилган ерлар ўзлаштирилади. В. И. Ленин башорат қилиб айтганидек, «...бизнинг замонамизда техника фавқуллодда тезлик билан ривожланмоқда... бугун яроқсиз бўлган ерларнинг эртага яроқли бўлиб қолиши мумкин»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, 288-бет.

## АДАБИЕТЛАР КЎРСАТКИЧИ

### Марксизм-ленинизм классиклари

- Маркс К. Военный вопрос. Парламентские дела. Индия, — К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, т. 9, изд. 2.
- Маркс К. Капитал, — К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, т. 1, изд. 2.
- Маркс К. Налоги в Индии, — К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, т. 12, изд. 2.
- Маркс К. Формы, предшествующие капиталистическому производству, М., Госполитиздат, 1940.
- Маркс К. Хиндистонда Британия ҳукмронлиги, — К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I т., Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1959.
- Маркс К. Хиндистонда Британия ҳукмронлигининг келажакдаги натижалари, — К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I т., Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1959.
- Энгельс Ф. Анти Дюринг, Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1957.
- Энгельс Ф. Внешняя политика русского царизма, — К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, т. 22, изд. 2.
- Ленин В. И. Давлат ва революция, Асарлар, 25-том, 4-нашр.
- Ленин В. И. Давлат тўғрисида, Асарлар, 29-том, 4-нашр.
- Ленин В. И. Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Асарлар, 22-том, 4-нашр.
- Ленин В. И. Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Тоғлилар республикасидаги коммунист ўртоқларга, Асарлар, 32-том, 4-нашр.
- Ленин В. И. Урта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида, Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1960.
- КПСС XXIII съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966.
- КПСС XXIV съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971.

### Тарихий манбалар

- Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966.
- Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Description topographique et Historique de Boukhara par Mohammad Nercshakhy, texte persan, public par Charles Schefer, Paris, 1892.
- Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Тарихи Наршахий, Қогон нашри, 1904.
- Абул Аббос Муҳаммад Толибхўжа Тожиддин, Матлабат толибин, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзма, инв. № 60.
- Абу Тахир Ходжа, «Самария», описание древностей и мусульманских святынь Самарканда, Перевод В. Л. Вяткина, — Справочная книжка Самаркандской области, вып. VI, Самарканд, 1899.
- Абу Тахир Ходжа, Самария, Сочинение Абу Тахир-Ходжи, СПб., 1904.
- Али бинни Хусайн ал Воиз ал Кошифий, Рашаҳот айнил ҳаёт, Литография, Лакхнав, 1308 (1890).

- Арриан.** Поход Александра. Перевод с древнегреческого М. Е. Сергеевко, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1962.
- Аҳмад Махдум Бухорий,** Наводир ул-вақое, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлэзма, инв. № 2096.
- Аҳмад Махдуми Дониш,** Наводир ул-вақое («Нодир вақеалар»), Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1964.
- Аҳмад Дониш,** Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони мангития, Ба саъи ва ихтимом ва тасҳеҳи А. Мирзоев, Сталинобод, 1960.
- Ахмад Даниш,** Путешествие из Бухары в Петербург (Избранное), Сталинабад, Таджикгосиздат, 1960.
- Ахмад Даниш,** Трактат Ахмада Даниша «История мангитской династии», Перевод, предисловие и примечания И. А. Наджафовой, Душанбе, Изд-во «Дониш», 1967.
- Бадриддин Кашмирий бинни Абдуссалом Хусайний,** «Равзатур ризвон ва ҳадиқатул филмон», УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлэзма, инв.—2094.
- Баёний Муҳаммад Юсуф,** Шажарайи Хоразмшоҳий, УзФА Шарқшунослик институти, Қўлэзма, инв. № 9516.
- Бинойи Камолиддин,** Шайбонийнома, УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлэзма, инв. № 844, 1633.
- Бичурин Н. Я. (Иакинф)** Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. III, М.—Л., 1953.
- Бобир Заҳириддин,** Бобирнома, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1960.
- «Бухорода сув масаласи»**—«Таржимон» газетаси, 1899, 28-сон; «Туркестанские ведомости», 1899, № 175; «Ашхабад» газетаси, 1899 йил 22 май.
- «Бухоро хонлигинда саёҳат»**—«Вақт» газетаси, 1912, 13 июль; «Бухороий Шариф» газетаси, 1912. 88-сон.
- Бухоролик номаълум мухандиснинг XVI аср тархлари,** УзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлэзмалар фонди, 6-папка.
- Бухарские документы XIV века,** Введение, критический текст, перевод и приложение О. Д. Чехович, Ташкент, Изд-во «Наука», 1965.
- Геродот,** История в девяти книгах, Перевод с греческого Ф. Г. Мищенко, т. I, кн. III, М., 1886.
- Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве,** вып. I, Акты феодальной собственности на землю XVII—XIX вв. Подбор документов, перевод, введение и примечания О. Д. Чехович, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1954.
- Документы из архива шейхов Джуйбары,** Исследование, перевод и приложения П. П. Иванова, Переводы просмотрены и подготовлены к изданию Ю. П. Верховским,—П. П. Иванов. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII в., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954.
- Диодор,** Библиотека, XVII, 8, Древние авторы Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.), Хрестоматия под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, Соцэкгиз, 1940.
- Ефремов Филипп.** Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухаре, Хиве, Персии, Тибете и Индии и возвращение его оттуда через Англию в Россию, Казань, 1861.
- Ибн Батута,** Voyages d'Ibn Batoutah, texte arabe, accompagnes d'une traduction par C. Defremery et B. R. Sanguinetti, t. I—IV, Paris, 1855—1858.
- Ибн Хавқал,** Viae et regne. Description ditlonis moslemicae auctore Abu'l—Kasim ibn Naukal. Ed. M. J. de Goeie, Lugduni Batavorum, 1873 (BGA, II)
- Ибн Хавқал,** Bibliotheca Geographorum Arabicorum, Opus geographicum auctore. ibn Naukal. Liber Imaginis Terrae. J. K. Kramers, Lugduni, t. 2, 1939.
- Истахрий,** Viae regnorum. Descriptio ditlonis moslemicae Abu Ishak al—Farisi al—Istakhrī. Ed. M. J. de Goeie, Lugduni Batavorum, 1870 (BCB, I).
- Квинт Курций Руф,** О деяниях Александра Македонского, Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.)—Хрестоматия под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, 1940.

- Мартуботи амир Ҳайдар**, ЎзССР ФА ШИ, Қўлёма инв. № 2126,  
**Макдсий**, Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdollah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschary al-Mokaddasi. Ed. M. l. de Goeje, Lugduni Batavorum, 1877, ed. 2: 1906 BGA, (III.)
- Mir Abdoul Kerim Boukhary**, Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva Khoqand) Depuis les dernieres annees de regnede Nadir Chah, (1153), Jusqu'en 1223 de l'hegire (1740—1818), par Mir Abdoul Kerim Bouk hary, publie, traduit et annote par Charles Schefer, Paris, 1876.
- Мирзо Абдулазим Сомий**, Тарих-и салотини Манғития (История Мангитских государей), Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л. М. Епифановой, М., ИВЛ, 1962.
- Мирзо Мухаммад Баде девон**, Мажмаъ ал-арқом, Фотофаксимиле, Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования, Ежегодник 1968, М., Изд-во «Наука», 1970.
- Мирзо Салимбек**, Тарихи Салимий, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 2016.
- Мулло Абдулвоҳид судур**, Саводи аризаий аз ваҷҳи кам обийи вилояти Қорақўл, ЎзССР ФАШИ, Қўлёма, инв. № 2260; Бухоро тарихи ва ўлкашунослик музейи, Қўлёма, инв. № 981/12.
- Муҳаммад Ҳусайн**, Бурхони қоте, т. I, Лахнав, 1887.
- Навоий Мир Алишер**, Мажолис ун-нафоис, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 8389.
- Навоий Мир Алишер**, Хамса, Сабъаи сайёр, тўртинчи дoston, илмий-критик текст, тайёрловчи Парсо Шамсиев, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1956.
- Насафий ас-Самарқандий**, Қандия, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма инв. № 46/III, 5405.
- Саид Роқим**, «Тарихи Роқимий» ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 7711.
- Силсилат ус-сиддиқин ва айнис ал-ошиқин**, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 622.
- Согдийские документы с горы Муг**, вып. III,— Хозяйственные документы, чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой, М., 1963.
- Страбон**, География, XI, II, 5, Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.), — Хрестоматия, под ред. А. В. Баженова, Ташкент, Соцгиз, 1940.
- Страбон**, География, В 17 книгах. Перевод (с древнегреч.), Статья и комментарии Г. А. Стратановского. Под общ. ред. С. Л. Утченко. Ред. пер. О. О. Крюгер, Л., «Наука», 1964.
- Тарихи Наршахий**, Қўлёма, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1507.
- Фазлulloҳ ибн Рузбехон**, «Меҳмонномаи Бухоро», ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 1414.
- Худуд ал-Алем**, рукопись Туманского. Изд. с введением В. В. Бартольда, Л., Изд-во АН СССР, 1930.
- Ҳофиз Таниш Бухорий**, Абдуллонома, ЎзССР ФАШИ, Қўлёма, инв. № 2207.
- Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий**, «Абдуллонома» (Шарафномаи шoҳий), 1-жилд, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966.
- Шарифшон Махдум**, Рисола, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёма, инв. № 2374.

### Илмий асарлар

- Абдураимов М.**, Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах эмира Хайдара,— Опыт краткого исследования источника, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961.
- Абдураимов М. А.**, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI — первой половине XIX века, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан», 1966; т. 2, Ташкент, Изд-во «Фан», 1970.
- Азиатская Россия**, т. II, СПб., 1917.
- Азимджанова С. А.**, Об одном документе по водным отношениям в Средней Азии,— Известия АН УзССР, серия общественных наук, № 3, 1957.

- Акишев К. А., Байпаков К. М.,** Земли древнего орошения в низовьях реки Или, — «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного исследования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Акрамов З. М.,** География сельского хозяйства Самаркандской и Бухарской областей, ч. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961.
- Альбаум Л. И.,** Балалык-тепе, К истории материальной культуры и искусства Тохаристана, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1960.
- Аминов А. М.,** Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны), Ташкент, Госиздат УзССР, 1959.
- Андрианов Б. В.,** К вопросу о запустении земель древнего орошения на Жаны-Дарье, «Известия Всесоюзного географического общества», № 5, Л., 1954.
- Андрианов Б. В.,** Из истории земель древнего орошения Хорезмского оазиса, — Сборник «Памяти академика М. С. Берга», М., 1955.
- Андрианов Б. В.,** Археолого-топографические исследования древней ирригационной сети канала Чермен-яб, — «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции», т. II, М., 1958.
- Андрианов Б. В.,** Археолого-топографические исследования на землях древнего орошения Турткульского и Бирунийского районов Каракалпакской АССР за 1955—1956 гг., — «Материалы Хорезмской экспедиции», вып. I, М., 1959.
- Андрианов Б. В.,** Изучение каракалпакской ирригации в бассейне Жаны-Дарьи в 1956—1957 гг., — «Материалы Хорезмской экспедиции», вып. 4, М., 1960.
- Андрианов Б. В.,** Проблемы сельскохозяйственного освоения земель древнего орошения, — «Вестник Академии наук СССР», № 7, 1964.
- Андрианов Б. В.,** Дешифрирование аэрофотоснимков при изучении древних оросительных систем, — «Археология и естественные науки», М., 1965.
- Андрианов Б. В.,** Некоторые аспекты проблемы взаимодействия природы и общества (на примере истории освоения низовьев Аму-Дарьи в XVIII—XIX вв.), «Известия Всесоюзного географического общества», № 2, Л., 1966.
- Андрианов Б. В.,** Задачи археологов в связи с перспективами освоения земель древнего орошения Средней Азии и Казахстана, — «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Андрианов Б. В.,** Древние оросительные системы Приаралья (В связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия), М., Изд-во «Наука», 1969.
- Андрианов Б. В.,** Базилевич П. И. и Родин Л. Е. Из истории земель древнего орошения Хорезма, — «Известия Всесоюзного географического общества», 89, вып. 6, Л., 1957.
- Андрианов Б. В.,** Кесь А. С., Развитие гидрографической сети и ирригации на равнинах Средней Азии, — «Проблемы преобразования природы Средней Азии», М., 1967.
- Андрианов Б. В.,** Толстов С. П., Археологическое изучение земель древнего орошения в связи с перспективами их сельскохозяйственного освоения. — Материалы сессии, посвященной итогам археологических и этнографических исследований 1964 г. в СССР, Баку, 1965.
- Арендаренко Г.,** Заметка об ирригации в нагорных туманах Зеравшанского округа, — «Туркестанские ведомости», 1876, № 51.
- Аскарлов А.,** Поселение Заманбаба, — «Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института археологии», № 93, М., 1963.
- Ахмедов Б. А.,** Государство кочевых узбеков, М., Изд-во «Наука», 1965.
- Бабаханов А.,** О некоторых древних водохозяйственных сооружениях в Узбекистане, — «Известия АН УзССР», серия общественных наук, № 4, 1959.
- Бакланов Н. Б.,** Архитектурные чертежи узбекского мастера XVI в., «Академия архитектуры СССР», — «Сообщения Института истории и теории архитектуры», вып. IV, М., 1944.

- Бартольд В. В.**, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1963.
- Бартольд В. В.**, История культурной жизни Туркестана, Сочинения, т. II, ч. I, М., Изд-во Восточной литературы, 1963.
- Бартольд В. В.**, Улугбек и его время, Сочинения, т. II, ч. 2, М., Изд-во «Наука», 1964.
- Бартольд В. В.**, Будущее Туркестана и следы его прошлого, Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965.
- Бартольд В. В.**, Джу-и Арзиз (к вопросу об истории ирригации в Туркестане), Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965.
- Бартольд В. В.**, Сведения об аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XIII в., Сочинения, т. III, М., Изд-во «Наука», 1965.
- Бартольд В. В.**, Хафизы Абру и его сочинения, «Музаффария», Сборник статей учеников проф. Виктора Романовича Ровена, СПб., 1897.
- Батурич С.**, Советская ирригация Узбекистана — всенародное творение, Ташкент, 1954.
- Бертельс Е. Э.**, Рукописи произведений Ахмада Каллэ,— «Труды Таджикской базы АН СССР», т. III, М.—Л., 1936.
- Богословский Ф.**, Записки о долине Зеравшана и горах ее окружающих, «Горный журнал», ч. II, кн. X, СПб., 1842.
- Большаков О. Г.**, Заметки по исторической топографии долины Зеравшана в IX—X вв.,— КСИИМК, № 61, М., 1956.
- Будагов Л.**, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, СПб., 1849.
- Букин Д. Д. и В. В. Цинзирилинг.**, Изыскания в бассейне р. Амударьи,— «Ежегодник Отдела земельных улучшений», год пятый, ч. II, Петроград, 1914.
- Букин Д. Д.**, История первобытного орошаемого земледелия в Закаспийской области в связи с вопросом о происхождении земледелия и скотоводства,— Журн. «Хлопковое дело», № 3—4, 1924.
- Букин Д. Д.**, Краткие предварительные соображения о водоснабжении и ирригации Старого Термеза и его района,— «Труды Узб. ФАН СССР», серия I, история и археология, вып. 2, Ташкент, 1940.
- Букин Д. Д.**, Каналы древнего Термеза,— «Труды АН УзССР», т. II, серия I, Ташкент, 1945.
- Бутнев К. Ф.**, Минеральные богатства Бухары.— «Горный журнал», 1842, ч. IV, кн. XI.
- Василевский П. М.**, Река Зеравшан в Бухарском районе, Вестник ирригации, 1923, № 9.
- Венюков М. И.**, Туркестанские вопросы,— «Русская мысль», 1899, № 9; «Вестник Европы», Внутреннее обозрение, 1869, № 5.
- Вильданова А. Б.**, Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях,— Письменные памятники Востока, Историко-филологические наследования, Ежегодник, 1968, М., Изд-во «Наука», 1970.
- Вирский М.**, Река Зеравшан и ирригационное дело в бассейне ее,— «Справочная книжка Самаркандской области на 1912 г.», вып. VII, Самарканд, 1902.
- Вирский М. М.**, Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области по данным поземельно-податных работ, с 13 статистическими таблицами,— «Справочная книжка Самаркандской области», вып. X, Самарканд, 1912.
- Вяткин В. Л.**, Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята,— «Справочная книжка Самаркандской области», вып. VII, Самарканд, 1902.
- Вяткин В. Л.**, Памятники древностей Самарканда. изд. 3, Самарканд, 1933.
- Гайдукевич В. Ф.**, Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане,— «Советская археология», 1952, XVI.
- Гельман Х. В.**, Особенности работ и строительных материалов Туркестанского края, СПб., 1892.
- Гневушева Е. И.**, Забытый путешественник, Жизнь и путешествия Петра Ивановича Пашино, М., 1958.

- Гражданкина Н. С., Химико-технологические исследования в археологии Узбекистана, — «Общественные науки в Узбекистане», 1966, № 3.
- Гражданкина Н. С., Из истории гидротехнического строительства в Средней Азии (строительные материалы гидротехнических сооружений VIII—XIX вв.), — «Труды Среднеазиатского научно-исследовательского института ирригации», вып. 129, Ташкент, 1971.
- Гребенкин А., О причинах неурожая в Бухарском ханстве, «Туркестанские ведомости», 1872, № 18.
- Гулямов Я. Г., Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, — Труды Института истории и археологии АН УзССР, вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956.
- Гулямов Я. Г., Из истории орошения в Каракалпакии, «Бюллетень АН УзССР», 1945, № 9—10.
- Гулямов Я. Г., К возникновению ирригации в Хорезме в свете данных археологии, — «Сборник материалов научной сессии АН УзССР», Ташкент, 1948.
- Гулямов Я. Г., Бируни об исторической географии низовьев Аму-Дарьи, — Сборник «Бируни — великий ученый средневековья», Ташкент, 1950.
- Гулямов Я. Г., К изучению древних водных сооружений в Узбекистане, — «Известия АН УзССР», 1955, № 2.
- Гулямов Я. Г., История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957.
- Гулямов Я. Г., Из истории ирригационной практики народов Средней Азии, — Материалы Первой всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1958.
- Гулямов Я. Г., Вода возвращается по следу, «Правда Востока», 22 августа 1964 г.
- Гулямов Я. Г., Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана, «История материальной культуры Узбекистана», вып. 6, Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1965.
- Гулямов Я. Г., Освоим земли древнего орошения! — «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскарлов А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Ташкент, Изд-во «Фан», 1966.
- Дворецкий И. Х., Древнегреческо-русский словарь, т. II, М., 1958.
- Джалилова Р., К истории аграрных отношений в Государстве Шейбанихана в начале XVI века, — «Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 9.
- Димо Н. А., Почвенные исследования в бассейне р. Аму-Дарьи, — «Ежегодник Отдела земельных улучшений», 1913, ч. II, Петроград, 1914.
- Дингельштедт Н., Опыт изучения ирригации Туркестанского края, СПб., 1896.
- Домрачев П. Ф., Исследование оз. Искандаркуль в гидрологическом и рыбохозяйственном отношении, В кн. Зеравшан, Верховья Зеравшана и Фандарьи, — «Труды ледниковых экспедиций», вып. III, Л., Изд. Таджикско-Памирской экспедиции, 1936.
- Дробов В. П., Река Махан-Дарья, — «Известия Среднеазиатского географического общества», т. XX, Ташкент, 1932.
- Дунин-Барковский Л. В., Развитие орошения в Узбекистане водами Аму-Дарьи, Ташкент, 1946.
- Дунин-Барковский Л. В., Совместное использование водных ресурсов бассейнов Зеравшана и Кашка-Дарьи и подача воды из других источников, Вопросы сельского хозяйства Зеравшанского бассейна, — «Материалы по производительным силам Узбекистана», вып. 7, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957.
- Дьяконов М. М., Работы Кафирниганского отряда, — «Труды Согдийско-Таджикской экспедиции», т. I, Материалы и исследования по археологии СССР, М.—Л., 1950, № 15.
- Ежегодник Отдела земельных улучшений, 1913, ч. II, Петроград, 1914.
- Evgene Schuyler, Turkestan Notes of a Journey in Russian Turkestan, Khokand and Kulja, v. I, London, 1876.

- Жижемский З.**, Ирригационное дело в долине Зеравшана.— «Туркестанские ведомости», 1888, № 5—6.
- Жувонмардиев А.** XVI—XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир, Тошкент УзССР «Фан» нашриёти, 1965.
- Жуков В. Л.**, Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников в западной части Бухарского оазиса, — «Труды института истории и археологии АН УзССР», вып. VIII, Ташкент, 1956.
- Захидов А. З., Чернова А. Ф.**, Водоэнергетические ресурсы рек Узбекской ССР, Ташкент, 1963.
- Захидов П. Ш.**, Искусство проектирования в творчестве народных зодчих Узбекистана (XIX — начало XXв.), — «Искусство зодчих Узбекистана», вып. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1962.
- Захидов П. Ш.**, О школах зодчества Узбекистана (XIX — начало XXв.) — «Искусство зодчих Узбекистана», вып. IV, Ташкент, Изд-во «Фан», 1969.
- Зимин Л. А.**, Развалины старого Пейкенда, — «Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии», вып. 2, Ташкент, 1913.
- Зимин Л. А.**, Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью. — «Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии», вып. 2, Ташкент, 1916.
- Иванов Н.**, Древний арык от Сыр-Дарьи до Бухары, — «Туркестанские ведомости», 27 марта 1873.
- Исламов У.**, Многослойная стоянка кельтеминарской культуры в низовьях Зеравшана, — «История материальной культуры Узбекистана», вып. 4, Ташкент, 1963.
- Ирригационная система реки Зеравшан, «Туркестанский сборник», т. 152.
- Кабанов С. К.**, Археологические наблюдения на строительстве Иски-Ангарского канала, — «История материальной культуры Узбекистана», вып. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959.
- Кабанов С. К.**, Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953—1954 гг., — «История материальной культуры Узбекистана», вып. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959.
- Касымов М. Р.**, Кызылқырская стоянка каменного века в окрестностях г. Бухары, — «История материальной культуры Узбекистана», вып. 3, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1962.
- Cardner P.**, The Coins of the Greek and Scythic Kings fo Bactria and India in the British Museum, London, 1886, pl. XXIV, N 9.
- Кауфманский сборник, М., 1910.
- Киреев И. А.**, Общее описание работ Зеравшанской экспедиции, В кн. «Зеравшан. Верховья Зеравшана и Фандарьи», — «Труды ледниковых экспедиций», вып. III, Л., изд. Таджикско-Памирской экспедиции, 1936.
- Киреев И. А.**, Предварительный гидротехнический очерк бассейна р. Янгоб. В кн. «Зеравшан, Верховья Зеравшана и Фандарьи», — «Труды ледниковых экспедиций», вып. III, Л., изд. Таджикско-Памирской экспедиции, Л., 1936.
- Clevenger W. M.** Dams in Horasan some preliminary observation, Eastand West, lsmeo, new series, vol. 19. nos, 3—4, 1969.
- Коновалов Е. П.**, Краткий отчет о работе на Зеравшанском леднике в 1932 г., В кн. «Зеравшан, Верховья Зеравшана и Фандарьи», — «Труды ледниковых экспедиций», вып. III, 1936.
- Коровин Е. П.**, Махан-Дарья, — «Известия Среднеазиатского географического общества», т. XX, Ташкент, 1932.
- Костенко Л. Ф.**, Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. (с подробным маршрутом от Ташкента до Бухары), СПб., 1871.
- Культиасов М. Б.**, К характеристике растительного покрова района, прилегающего к р. Махан-Дарье, — «Известия Среднеазиатского географического общества», т. XX, Ташкент, 1932.
- Латынин Б. А.**, К вопросу об истории ирригации, — Сб. «АН СССР академику Н. Я. Марру», М.—Л., 1935.
- Латынин Б. А.**, Вопросы истории ирригации древней Ферганы, — «Краткие сообщения Института истории материальной культуры», вып. 64, М., 1956.



- Латынин Б. А.**, Вопросы ирригации древней Ферганы,—«Краткие сообщения Института этнографии АН СССР», вып. XXVI, М., 1957.
- Латынин Б. А.**, Некоторые вопросы методики изучения истории ирригации Средней Азии,—«Советская археология», № 3, 1959.
- Латынин Б. А.**, Вопросы хронологии земледельческих культур древней Ферганы. Исследования по археологии СССР,—«Сборник ЛГУ в честь проф. М. И. Артамонова», Л., 1961.
- Латынин Б. А.**, Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы (Обобщающий доклад по работам, представленным как диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук), Л., 1962.
- Lambton, A. K. S.** Notes the existens of the dams at Fariman, Turuq and Gulistan in Horasan and else where in Iran, those at Saveh, Band-i Amir in Fars and Garmsar and Kuhrud near Kasan in Landlord and Peasant in Persia, London, 1953.
- Ливанов В.**, Зеравшанская долина и задача Зеравшанской изыскательной партии,—«Вестник ирригации», 1923, № 6.
- Лисицына Г. Н.**, Орошаемое земледелие эпохи энеолита на юге Туркмении, М., Изд-во «Наука», 1965.
- Лисицына Г. Н.**, Изучение геоксюрской оросительной сети в южной Туркмении в 1964 г.—«Краткие сообщения Института археологии АН СССР», вып. 103, М., 1966.
- Лисицына Г. Н.**, Орошаемое земледелие энеолитических племен Юго-Восточной Туркмении,—«Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного освоения». М., Изд-во «Наука», 1969.
- Логофет Д. Н.**, Бухарское ханство под русским протекторатом, т. I, СПб., 1911.
- Лунин Б. В.**, Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении, Ташкент, Изд-во «Наука», 1965.
- Максимов П. П.**, Изыскательная партия, общая для Туркестанского края,—«Ежегодник Отдела земельных улучшений», год пятый, т. II, Петроград, 1914.
- Markwart, Wehrot und Arang**, Leiden, 1938, S. 9.
- Массон В. М.**, Из истории древнего Согда,—«Сб. студенческих работ САГУ», вып. III, Ташкент, 1951.
- Массон В. М.**, Ещё раз о геродотовой реке Акес,—«Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран» (История и филология, Сборник в честь семидесятилетия члена-корр. АН СССР Н. В. Пигулевской), М., Изд-во «Наука», 1967.
- Массон В. М.**, Древнее орошение на Мисрианской равнине,—«Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Массон М. Е.**, К периодизации древней истории Самарканда, «Вестник древней истории», 1950, № 4.
- Массон М. Е.**, Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои (Краткий историко-топографический очерк),—«Труды САГУ им. В. И. Ленина», новая серия, вып. XXXI, Исторические науки, кн. 12, Ташкент, 1956.
- Массон М. Е.**, Исторический этюд по нумизматике Джагатаидов (по поводу Таласского клада монет XIV в.), «Труды САГУ им. Ленина», новая серия, вып. XI, Исторические науки, кн. 25, Археология Средней Азии, IV, Ташкент, 1957.
- Meyendorff G. K.** Voyage d'Orenbourg a Boukhara fait en 1820 a travers les steppes qui s'étendent a l'Est de la d'Aral et au de la de l'ancien Jaxarter Revue par M. Lechevalier Amedee Jaubert, Paris, 1826.
- Miller K.** Mappae arabical. Bd. IV, Stuttgart 1929.
- Минашина Н. Г.**, Древнеорошаемые почвы Мургабского оазиса,—«Почвоведение», М., 1962, № 8.
- Минашина Н. Г.**, Распределение солей в почвах и грунтовых водах на массиве древнего орошения в центральной части Мургабской дельты, «Влияние орошения на почвы оазиса Средней Азии», М., Изд-во АН СССР, 1963.

- Минашина Н. Г.**, Изменение почвенного покрова в связи с исторической динамикой использования земель древнего орошения (по материалам Мургабского оазиса),— «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., 1969.
- Минашина Н. Г.**, Почвы энеолитического оазиса Геоксюр,— «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., 1969.
- Мирзаев А. М.** Ахмад Донш о проблеме воды для Бухары,— «Краткие сообщения Института народов Азии», № 65, Сборник памяти Е. Э. Бертельса, М., Изд-во «Наука», 1964.
- Молодцов В. А.**, Ирригационные наносы оазисов долины р. Зеравшан,— «Влияние орошения на почвы оазисов Средней Азии», М., Изд-во АН СССР, 1963.
- Мукминова Р. Г.**, О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в.— «Труды Института востоковедения АН УзССР», вып. II, Ташкент, 1954.
- Мухамеджанов А. Р.**, Водоизмерительные сосуды,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 6, Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1965.
- Мухамеджанов А. Р.**, Водоснабжение древнего Самарканда; Водоснабжение Самарканда в период раннего средневековья; Водоснабжение города Самарканда (XVI—XIX вв.)— История Самарканда, т. I, с древнейших времен до Великой Октябрьской социалистической революции, Ташкент, Изд-во «Фан», 1969.
- Мухамеджанов А. Р.**, Даргомская плотина и крепость в Раватходже,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 9, Ташкент, Изд-во «Фан», 1972.
- Мухамеджанов А. Р.**, Древние гидротехнические сооружения и орошение новых земель,— «Общественные науки в Узбекистане», 1966, № 9.
- Муҳаммаджонов А. Р.**, Зарафшон водийсининг сув ҳўжалиги тарихидан, Тошкент — «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриёти, 1958.
- Мухамеджанов А. Р.**, Из истории водного хозяйства Зеравшанской долины,— «Известия АН УзССР», серия общественных наук, 1960, № 4.
- Мухамеджанов А. Р.**, Из истории древних водных сооружений в Узбекистане,— «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Мухамеджанов А. Р.**, Изучение древнего водохранилища Гиштбанд в Джоме,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 7, Ташкент, Изд-во «Фан», 1966.
- Мухамеджанов А. Р.**, Историко-топографический план Бухары Ахмада Донша,— «Общественные науки в Узбекистане», 1965, № 5.
- Мухамеджанов А. Р.**, К вопросу о водоснабжении Афраснаба,— «Афраснаб», вып. I, Ташкент, Изд-во «Фан», 1969.
- Мухамеджанов А. Р.**, Новые открытия Махандарьинского археологического отряда,— «Общественные науки в Узбекистане», 1962, № 11.
- Мухамеджанов А. Р.**, Развитие археологической науки в Узбекистане в годы Советской власти,— «Советская археология», 1967, № 4.
- Мухамеджанов А. Р.**, Средневековые мосты-водоизмерители на Зеравшане,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 8, Ташкент, Изд-во «Фан», 1969.
- Муҳаммаджонов А. Р.** Шайбонийхон сув айирғич кўприги, Мост-вододелитель Шейбанихана, Ташкент, Изд-во «Ўзбекистан», 1969.
- Муҳаммаджонов А. Р.** Қадимги сув иншоотлари тарихидан, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1968.
- Муҳаммаджонов А. Р.** Қизилқир,— «Фан ва турмуш» журналы, 7-сон, 1957.
- Мухамеджанов А. Р.**, К изучению древнего русла Махандарь,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 5, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1964.
- Мухамедов Х.**, Стена Канпирак. Из истории древних оборонительных сооружений в Узбекистане,— «Общественные науки в Узбекистане», 1961, № 1.

- Муҳамедов Х.** Ўзбекистоннинг қадимги мудофаа иншоотлари тарихидан, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.
- Нильсен В. А.,** Кызыл-кыр, — «История материальной культуры Узбекистана», вып. 1, Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, 1959.
- Нурматов К. Н.,** Экономические проблемы комплексного развития сельского хозяйства, Ташкент, 1961.
- Обельченко О. Б.,** Куоу-Мазарский могильник, — «Труды Института истории и археологии АН ЎзССР», вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, 1956.
- Оживление мертвых земель в Туркестанском крае,** — «Туркестанские ведомости», 1898, № 30.
- Петров Н.,** Об ирригации в Туркестанском крае, Ташкент, 1894.
- Петровский Н. Ф.,** По поводу сбережения воды, — «Туркестанские ведомости», 1907, № 50.
- Петровский Н. Ф.** Туземная единица объема воды и способы деления ее, — «Справочная книжка Самаркандской области», вып. V, Самарканд, 1897.
- Положение об Управлении Туркестанским краем 12 июня 1886 г.,** Полное собрание законов Российской империи, т. VI, СПб., 1888, № 2814.
- Попов А. А.,** Из истории завоевания Средней Азии, — «Исторические записки», 1940, № 9.
- Предтеченский А.,** Сельское хозяйство и задачи ирригации в Зеравшанской долине, — «Труды Управления ирригационных работ в Туркестане», М., 1921.
- Пугаченкова Г. А.,** Архитектурные заметки о среднеазиатском архитектурном газе, — «Искусство зодчих Узбекистана», вып. I, Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, 1962.
- Радлов В. В.,** Средняя Зеравшанская долина, — «Записки русского географического общества» по отделению этнографии, т. VI, СПб., 1880.
- Саидкулов Т. С.,** Самарканд во второй половине XIX и в начале XX веков, Самарканд, 1970.
- Саидов А. С.,** Ландшафты правобережья Среднего Зеравшана, Ташкент, Изд-во «Фан», 1972 г.
- Семенов А. А.,** Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре, — «Советское востоковедение», т. V, М.—Л., 1948.
- Семенов А. А.,** Покоритель и устроитель Туркестанского края генерал-адъютант К. П. Фон Кауфман I — «Кауфманский сборник», М., 1910.
- Ситняковский Н. Ф.,** О древностях в районе нижнего течения Зеравшана, — «Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии», год третий, вып. 3, Ташкент, 1898.
- Ситняковский Н. Ф.,** Заметки о Бухарской части долины Зеравшана, — «Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества», т. I, вып. 2, Ташкент, 1900.
- Ситняковский Н. Ф.,** Список арыков и населенных пунктов Бухарской части долины Зеравшана, — «Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества», т. I, вып. 2, Ташкент, 1900.
- Смирнова О. И.,** Каталог монет с городища Панжикент, М., 1963.
- Соболев Л. Н.,** О постепенном движении песков к г. Бухаре, — «Известия Русского географического общества», т. IX, вып. VIII, СПб., 1873.
- Соболев Л. Н.,** Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа, — «Записки Русского географического общества» по отделению статистики, т. IV, СПб., 1874.
- Соболев Л. Н.,** Долина реки Зеравшана и ее ирригационная система, — «Туркестанские ведомости», 1874, № 17—18.
- Стремоухов Н. П.,** Поездка в Бухару (Извлечение из дневника), — «Русский вестник», т. CXVII; 1875.
- Тереножкин А. И.,** Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда, «Вестник древней истории», 1947, № 4.
- Тереножкин А. И.,** Согд и Чач, — «Краткие сообщения Института истории материальной культуры АН СССР», вып. XXXIII, М.—Л., 1950.

- Тереножкин А. И.**, Археологическая разведка на городище Афрасиаб в 1945 г.,— Краткие сообщения Института истории материальной культуры АН СССР», вып. XVII.
- Терентьев М. А.**, История завоевания Средней Азии (с картами и планами), т. 3, СПб, 1906.
- Технические указания по производству сипайных, карабурных и таштуганых работ, Ташкент, 1926.
- Толстов С. П.**, Древний Хорезм, Опыт историко-археологического исследования, М., Изд. МГУ, 1948.
- Толстов С. П.**, По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1948.
- Толстов С. П.**, Приаральские скифы и Хорезм (к истории заселения и освоения древней дельты Сыр-Дарьи),— «Советская этнография», 1961, № 4.
- Толстов С. П.**, Древняя ирригационная сеть и перспективы современного орошения в Хорезме, М., Изд-во АН СССР, 1961, № 11.
- Толстов С. П.**, О землях древнего орошения в низовьях Аму-Дарьи и Сыр-Дарьи и возможности их освоения в современных условиях,— «Общественные науки в Узбекистане», № 8, 1961.
- Толстов С. П.**, Результаты историко-археологических исследований 1961 г. на древних руслах Сыр-Дарьи (в связи с проблемой их освоения),— «Советская археология», 1962, № 4.
- Толстов С. П.**, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., ИВЛ, 1962.
- Толстов С. П.**, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964.
- Толстов С. П.**, Об использовании данных исторических наук для практики народного хозяйства,— «Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования», М., Изд-во «Наука», 1969.
- Толстов С. П., Андрианов Б. В.**, Новые материалы по истории развития ирригации в Хорезме,— «Краткие сообщения Института этнографии АН СССР», т. XXVI, 1957.
- Толстов С. П., Андрианов Б. В.**, Земли древнего орошения в Приаралье, «Гидротехника и мелиорация», 1969, № 1.
- Tomaschek W., Akes — „Paulvs Real-Encyclopadie der Classichen Altertums-senshaft“, Stuttgart, 1893. I. Halbband, St. 1162.**
- Tomaschek W.**, Centralasiatische Studien I. Sogdiana, Wien, 1877 (Sonderabdr aus: SBAW Wien, Bd. LXXXVII, 1877).
- Тромбачев С.**, Сипайные работы,— «Вестник ирригации», 1923, № 1.
- Устройство водохранилищ в бассейне р. Зеравшана,— «Туркестанские ведомости», 1901, № 75.
- Федченко А. П.**, Топографический очерк Зеравшанской долины, Заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины) — «Известия Императорского общества любителей естественной истории, антропологии и этнографии», т. VIII, вып. I, М., 1870.
- Федченко А. П.**, Отчет Туркестанской ученой экспедиции общества с 16 апреля 1869 г. по 15 апреля 1870 г., ИИОЛЕАЭ, т. VIII, вып. I, М., 1870.
- Федченко А. П.**, Путешествие в Туркестан, СПб., 1875.
- Федченко А. П.** Сборник документов, Ташкент, 1956.
- Федчина В. Н.**, Некоторые картографические сведения о территории Средней Азии в трудах ученых средневекового Востока,— «Из истории науки и техники в странах Востока», вып. I, М., ИВЛ, 1960.
- Халфин Н. А.**, Присоединение Средней Азии к России (60—90-е годы XIX в.), М., Изд-во «Наука», 1965.
- Хамраев А. Х.**, К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX в., — «Труды Среднеазиатского государственного университета», Новая серия, вып. IX, гуманитарные науки, вып. 2, Ташкент, 1948.
- Хамраев А. Х.**, Праздник «Красной розы»,— «Известия АН УзССР», Серия общественных наук, 1958, № 6.
- Хорошхин А.**, Самарканд,— «Туркестанские ведомости», 21 февраля 1878 г., № 3.

- Хусанходжаев З. Х., Из истории гидротехники и ирригации в Узбекистане,— «Гидротехника и мелиорация», М., 1969, № 8.
- Цинзерлинг В. В., Орошения на Аму-Дарье, М., 1927.
- Чаплыгин А. В., Изыскания в бассейне р. Зеравшана, — «Ежегодник, Отдела земельных улучшений, год пятый, ч. II, Петроград, 1914.
- Чаплыгин А. В., Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины, М., 1925.
- Чехович О. Д., Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1954.
- Чехович О. Д., Бухарские документы XIV века, Ташкент, Изд-во «Наука», 1965.
- Шахназаров А. И., Сельское хозяйство в Туркестанском крае, СПб., 1917.
- Шеглов О. П., Питание рек Средней Азии, Ташкент,— «Труды ТашГУ», вып. 167, Ташкент, 1960.
- Шишкин В. А., Археологическое изучение Бухарского оазиса. Научная сессия АН УзССР 9—14 июня 1947 г., Сб. докладов, Ташкент, 1947.
- Шишкин В. А., Советская археология в Узбекистане и ее роль в развитии исторической науки. Юбилейный сборник, посвященный 25-летию УзССР, Ташкент, 1949.
- Шишкин В. А., Аэроразведка и аэросъемка в археологии Узбекистана. Известия АН УзССР, Серия общественных наук, Ташкент, 1957, № 3.
- Шишкин В. А., Афрасиаб — сокровищница древней культуры, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966.
- Шишкин В. А., Археологические работы 1937 г., в западной части Бухарского оазиса, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1940.
- Шишкин В. А., Некоторые итоги археологических работ на городище Варахша (1947—1953 гг.), — «Труды Института истории и археологии АН УзССР», вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956.
- Шишкин В. А., Археологическая разведка на Баштепе,— «Труды Института истории и археологии АН УзССР», вып. VIII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956.
- Шишкин В. А., Варахша, М., Изд-во АН СССР, 1963.
- Шишкина Г. В., Замок Бад-Асия в окрестностях Пайкенда,— «История материальной культуры Узбекистана», вып. 4, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1963.
- Шульц В. Л., Гидрография Средней Азии, Ташкент, 1958.
- Шульц В. Л. ва Машрабов Р., Урта Осиё гидрографияси, Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1969.
- Щусев П. В., Мосты и их архитектура, М., 1952.
- Якубовский А. Ю., Краткий полевой отчет о работах Зеравшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г., — «Труды отдела Востока Гос. Эрмитажа», т. II, Л., 1940.
- Узбекистон ССР тарихи, I том, 2-китоб, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1957.
- Узбекистон ССР тарихи, II том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968.
- Узбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1953.
- Гуломов Я. Ф. Бир танга тарихи,— «Фан ва турмуш», 2-сон, 1958.
- Гуломов Я. Ф. Хоразмининг сугорилиш тарихи, Қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1959.
- Herzfeld, E. Zozcaster and his world, II, Princeton, 1947.
- Хусанхўжаев З. Д. Гидротехника иншоотлари, Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1968.

#### Архив фондлари

Центральный Государственный Военно-исторический архив СССР (ЦГВИА СССР).

ф. 38 «Департамент генерального штаба».

ф. 400 «Главный штаб».

ф. 401 «Военно-ученый комитет».

ф. 422 «Военно-ученый архив»

ф. 483 «Военные действия в Средней Азии»

Архив внешней политики России (АВПР).

фонд «Главный архив»

фонд «Среднеазиатский стол»

Центральный Государственный Исторический архив СССР в Ленинграде (ЦГИАЛ)

фонд 426 «Отдел земельных улучшений»

фонд 432 «Изыскательные партии по составлению проектов орошения в Туркестане (1900—1907 гг.)».

фонд 1396 «Ревизия сенатора К. К. Палена Туркестанского края»

Центральный Государственный архив Узбекской ССР (ЦГА УзССР). I отдел истории.

фонд 1 «Канцелярия туркестанского генерал-губернатора».

фонд 2 «Дипломатический чиновник при туркестанском генерал-губернаторе».

фонд 3 «Российское императорское политическое агентство в Бухаре».

фонд 5 «Канцелярия начальника Зеравшанского округа».

фонд 7 «Управление земледелия и государственных имуществ в Туркестанском крае».

фонд 18 «Самаркандское областное правление»

фонд 20 «Управление начальника Самаркандского уезда»

фонд 22 «Управление начальника Катта-Курганского уезда»

фонд 126 «Кушбеги»

фонд 277 «Планы поземельно-податных комиссий»

Центральный Государственный архив УзССР

II Отдел Октябрьской революции и социалистического строительства.

фонд 52 «Управление водного хозяйства Назирата земледелия Бухарской Народной Советской Республики».

фонд 215 «Управление водного хозяйства Наркомзема Туркестанской АССР (Туркводхоз)».

Технический архив «Средазгипроводхлопок».

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
<b>I БОБ</b>	
Зарафшон дарёси ва унинг қуйи оқими . . . . .	22
1. Зарафшон водийси ва унинг сув ҳавзаси . . . . .	22
2. Зарафшоннинг қуйи ирмоқлари ва унинг Амударёга қуйилиши . . . . .	32
3. Тарихий манбаларда Зарафшон . . . . .	56
<b>II БОБ</b>	
Қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерлари ва Бухоро воҳаси суғори- лишининг тарихий динамикаси . . . . .	75
1. Қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерлари . . . . .	75
2. XIV—XVI асрларда Бухоро воҳаси суғорилишининг тарихий ди- намикаси . . . . .	113
<b>III БОБ</b>	
Бухоро ва Самарқанд ўртасида сув тақсимотининг қадимги тартиблари . . . . .	130
1. Қуйи Зарафшоннинг сув таъминоти . . . . .	130
2. Зарафшон дарёси тошқинларининг қадимги жадвали ва ўзаро сув тақсимотининг тартиблари . . . . .	135
3. Бухоро туманларининг ҳақобаси . . . . .	147
4. Зиёвуддин ва Қоракўл воҳасининг сув таъминоти ҳамда сувсиз деҳқончилик қилиш агротехникаси . . . . .	156
<b>IV БОБ</b>	
Самарқанд масаласи ва Бухоронинг сув таъминоти . . . . .	176
1. Зарафшон ва Самарқанд масаласининг ҳал этилиши . . . . .	176
2. Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимотиغا Туркистон маъмуриятининг муносабати . . . . .	189
3. Сув тақсимоти комиссияси ва Чўпонота иншоотини реконструк- ция қилиш . . . . .	198
<b>V БОБ</b>	
Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида сув тақсимотини тартибга солиш . . . . .	212
1. Самарқанд воҳасида суғорма деҳқончилигининг кенгайиши ва қуйи Зарафшонда сув танқислигининг кучайиши. Бухорода «Техника бўлими мудирини» лавозимининг ташкил этилиши . . . . .	212
2. Самарқанд ва Бухоро сув тақсимоти доимий комиссияси . . . . .	224
3. Самарқанд ва Бухоро сув тақсимотининг тартибга солиниши ва қуйи Зарафшоннинг сув таъминоти . . . . .	239

## VI БОБ

Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш ва Зарафшон водийсида сув омборлари қуриш масаласи	249
1. Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш ғоясининг пайдо бўлиши	249
2. Аму—Бухоро каналининг дастлабки лойиҳалари	262
3. Зарафшон водийсида сув омборлари барпо этиш масаласи	276

## VII БОБ

Зарафшон водийсининг ирригация техникаси	285
1. Сув боғлаб олувчи тўғонлар ва уларнинг тузилиши	285
2. Қадимги сув омборлари, сув айирғич кўприклари ва уларнинг қурилиш материаллари	303
Хулоса	351
Адабиётлар кўрсаткичи	361



**Муҳаммаджонов А. Р.**

Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи  
(Қадимги даврдан то XX аср бошларигача).  
Масъул муҳаррир ЎзССР ФА академиги проф. Я. Ф. Ғуломов.  
Т., «Фан», 1972.

376 бет, расм (ЎзССР ФА Археология ин-ти).

Мухаммеджанов А. Р. История орошения низовьев  
Зарафшана.

902.6(С52) + 631.6

*На узбекском языке*

А. Р. Мухамеджанов

ИСТОРИЯ ОРОШЕНИЯ  
НИЗОВЬЕВ ЗАРАФШАНА

(С древнейших времен до начала XX в.)

*Ўзбекистон ССР ФА Археология институти илмий совети,  
ЎзССР ФА Тарих, тилишунослик ва адабиётшунослик бўлими  
томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррирлар: У. Зокиров, Т. Абдужабборова,  
Рассом В. С. Тий  
Техмуҳаррир Ҳ. У. Қорабоева  
Корректорлар: О. Абдуллаева, Қ. Шоназарова

---

P08795. Теришга берилди 29/IX-1972 й. Босишга рухсат этилди 16/XI-1972 й. Формати 60×90<sup>1/20</sup>.  
Босмахона қоғози № 2. Қоғоз л. 11,75. Босма л. 23,5 Ҳисоб нашриёт л. 22,4. Нашриёт № 1.  
Тиражи 1000. Баҳоси 2 с. 48 т.

---

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Черданцев кучаси. 21. Заказ 216  
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кучаси 70.

